

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ

ЎБРАГИМОВ, У.А. ЙЎЛДОШЕВ, Х. БОБОМИРЗАЕВ

ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

Ўқув қўлланма



У - 70 14

ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ
ЖАМИЯТИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ
2007

Ибрагимов Х.И.

Педагогика-психология/ Х.И. Ибрагимов, У.А. Йўлдошев, Х. Бобомирзаев; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Навоий давлат пед. ин-ти, Навоий вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-ти. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007. 410 б.

И. Йўлдошев У., II. Бобомирзаев Х.

Тузувчи-тўпловчилар:

Ибрагимов Х. И. – Навоий ДПИ ректори, педагогика фанлари доктори, профессор;

Йўлдошев У. А. – Навоий вилояти ПҚҚТМОИ проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент;

Бобомирзаев Х. – Навоий ДПИ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Баратов Ш. – Психология фанлари доктори, профессор
Абдуллаева Ш. – Педагогика фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир

Маҳмудов М. – Педагогика фанлари доктори, профессор

Ушбу методик қўлланма Навоий ДПИ Илмий Услубий Кенгашининг қарори билан чоп этишга рухсат этилган.

Ушбу методик қўлланма Навоий вилояти ПҚҚТМОИ Илмий Услубий Кенгашининг қарори билан чоп этишга рухсат этилган.

ISBN 978–9943–319–45–5

КИРИШ

Ўзбекистонда таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс манфаати ва таълим устуворлигидир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш билан ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган “портлаш эффекти” натижалари рўйирост кўрсатиб берилди, яъни:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит билан ўзгартиради;
- инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади;
- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;
- фуқаролик жамияти қурилишини таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади.

“Портлаш эффекти” сари шижоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради.

Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Ушбу айтилган фикр ва тамойиллардан келиб чиққан ҳолда биз педагоглар олдида таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш, диагностикалаш, коррекциялаш ва шулар асосида узлуксиз методик хизматни жорий этишни тақозо этади. Ушбу методик қўлланма юқоридаги ишларни бажаришга хизмат қилади, деган умидда тузилди. Фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

I БОБ. ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ

1.1. Таълимнинг дидактик тамойиллари ва қоидалари

Ушбу рисолада биз сиз билган айрим педагогик тушунчаларни хотирангизда жонлантиришга, шу билан яна бир қарра таълим самарадорлигига томон қадам ташлашингизга ҳаракат қилдик. Уйлаймизки бу сизга озгина бўлсада фойда келтиради.

Таълимнинг дидактик тамойили – бу таълимнинг умумий мақсади ва қонуниятлари, асосий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ушбу жараёни ташкил этиш ва олиб боришдир.

Таълим қоидалари – бу педагогик фаолиятнинг дидактик тамойиллардан келиб чиққан ҳолда маълум мақсадга эришиш жараёнидир.

Юқоридаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, таълим қоидалари у ёки бу тамойилдан келиб чиқади. Шунинг учун таълим қоидаларини ўқитувчига шаблон қилиб бериб бўлмайди. Зеро, ўқитувчи ижодкор бўла олмайди ва натижада таълимнинг самараси бўлмайди. Биз кўпинча қоидаларга, педагогик вазиятларга шаблонга солинган тайёр жавобларни беришга ҳаракат қиламиз. К.Д. Ушинский айтганидек, қоидани бир варақ қоғозга ҳам ёзиш мумкин, бир неча юзлаб томга ҳам. Аммо биз унинг назарий, илмий методик томонини ўрганишимиз лозимки, шунда ҳар қандай педагогик вазиятга тўғри баҳо беришимиз мумкин. Демакки, биз таълим тамойилларини ўрганиб, унинг талабини бажариб таълим самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Дидактик тамойиллар тизимининг узоқ изланишлари натижа-сида қуйидагилар асосий деб қабул қилинган:

1. Фаоллик ва онглилик.
2. Кўргазмалилик.
3. Тизимлилик ва кетма-кетлик.
4. Илмийлик.
5. Тушунарлилик.
6. Назарияни амалиёт билан боғлаш.
7. Мустақамлик.

Сиз билган, аммо охириги пайтларда унчалик катта эътибор бермаётган ушбу тамойилларга тасниф бериб, мезонлари ҳақида сўз юритайлик.

Онглилик ва фаоллик тамойили

Ушбу тамойил куйидаги қоидалар орқали амалга оширилади:

1. Ишнинг мақсад ва вазифасини аниқ билиш, тушуниш ва тушунтириш.
2. Шундай ўқиш, ўқитиш, таълим олиш керакки, механик ёдла-масдан маъносини тушуниб етиб ишласин.
3. Билиш жараёнининг анализ, синтез, индукция, дедукция, тақ-қослаш ва қиёслаш каби кўриниш ва шакллари қўллаб ўқитиш.
4. Ҳар бир сўз, гап, тушунчани тўлиқ очиб бера олиш.
5. Жамoa бўлиб, гуруҳ бўлиб, бир-бирини ўқитишга эришиш.
6. Фаолликни оширишга вақтни қизғанманг ва аяманг.
7. Маълум ва номаълум нарсаларни мантиқан боғланг, мантиқ-сиз таълим онгли таълим бўла олмайди.
8. Сиз ўқитаётган фан асосий эмас, ўқувчи асосий эканлигини унутманг.
9. Ўқувчиларни олган билимларини амалда қўллаш ҳолатига ту-ширинг.
10. Таълим самарали бўлади, қачонки сиз ишлатилишига оид мисоллар кўпроқ келтирсангиз.
11. Ҳар бир нарсадан асосийсини топишга ўргатинг.
12. “Нимага?”, “Нима учун?” саволига жавоб топишга ўргатинг.
13. Диққатни бўлувчи нарсаларни ишлатмасликка, қўлламаслик-ка, олдини олишга ҳаракат қилинг.
14. Билим олишнинг оптимал – қулай йўлларини ўргатинг.
15. Билимни билиш осон, лекин уни қўллаш қийин. Амалда қўллашга ўргатинг.
16. Ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини билинг, шунга мос ўқитинг, муомалада бўлинг.
17. Ўйлашга, фикрлашга, мустақил ишлашга ўргатинг. Ёрдамчи нарсалар кўчириш, айтиб туриш, нусха олишга ўргатманг.
18. Ижодий тафаккурни оширувчи машқларни кўпроқ қўланг.
19. Савол бериш, жавоб айтиш қоидалари, психологиясини би-линг, фаолликни оширинг.
20. Мотивни қўя билишга ўргатинг.

Кўргазмалилик тамойили

Бу тамойил қадим замонлардан бери ишлатилиб келинаётган энг қулай, самарали ва тушунарли тамойил ҳисобланади. Зеро, кўриш орқали эшитишга нисбатан 5 марта кўпроқ ва 13 марта кўпроқ

тактик органларга нисбатан кўпроқ маълумотни мияга етказди. Бу маълумотлар тез, осон ва мустақкам ўрнашиб қолади.

Кўргазмалилик тамойилининг қоидалари жуда кўп бўлиб, айримларини эслатиб ўтмоқчимиз:

1. Сўз билан эмас, намойиш билан кўпроқ, тез ва осон тушуниб олиш мумкин.

2. Шунини унутмангки бола ранг, шакл, товуш (оҳанг) орқали тезроқ тушунади.

3. Кўргазмалилик мақсад эмас, восита эканлигини унутманг.

4. Тушунча, билим аниқ далил ва кўргазма билан самарали эканлигини унутманг.

5. Кўргазмалилик фақат томоша эмас, балки билим олишнинг манбаи, изланувчанлик, ижодкорликка ўргатувчи омилдир.

6. Кўргазмали материаллардан фойдаланинг, аммо жуда кўп эмас, чунки бу ўқувчи диққатини бўлиб, чарчатиб, асосийсидан чалғитади.

7. Кўргазмали қуролларни ўқувчилар билан бирга тайёрлаш самарали натижа беради.

8. Ўзингиз билмаган кўргазмали қуролни ишлатаман деб овора бўлманг, уялиб қоласиз. Олдин ўзингиз яхшилаб ўрганинг.

9. Ахборот технологиялари ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланишни билинг.

10. Кўргазмали қурол ишлата туриб диққат, кузатувчанлик, тафаккур маданияти, лойиҳалаш, ижодкорлик ва ўқишга қизиқишга ўргатинг.

11. Кўргазмалиликнинг ёшга, нафосатлиликка, илмийликка мослигига эътибор беринг.

12. Кўргазмалиликнинг ҳаёт билан боғлиқлигига эътиборни қаратинг.

13. Уларни керак бўлганда, навбат келганда ишлатинг. Олдиндан ҳаммасини очиқ қўйиб диққатни бўлманг.

14. Кўргазмалилик ҳаракатли, анимацион бўлишига эътибор беринг.

15. Электрон дарслик, мультмедия, видеотасма, кодослайд ва ҳоказолардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Тизимлилик ва кетма-кетлик тамойили

Ташқи оламни билиш, ўзаро боғлиқлик тушунчаларни оддийдан мураккабга қараб боришда мантиқ, мантиқий тафаккур, қадам-бақадам, узлуксиз, узилишларсиз, такрорлаб туриш бўлмаса ти-

зимлилик ва кетма-кетлик бўлмайди. Бу тамойил бир қанча қоидалар асосида амалга оширилади:

1. Билимлар тизими шаклланишининг осон бўлиши учун шакл, жадвал, режа асосида иш олиб боринг.

2. Тушунтириш қийин бўлган ёки исботланмаган саволни дарсга киритманг.

3. Тизимнинг бузилишига йўл қўйманг. Агар шундай бўлса яна орқага қайтинг ва тезда узилишни тўлдириңг.

4. Ўқув фани – бу катта илмнинг кичик нусхаси, ўқувчига унинг тизимини кўрсатиңг ва бу катта фаннинг бир бўлаги эканлигини тушунтириңг, фанлараро алоқани йўлга қўйиңг.

5. Назарий билимларни шакллантиришнинг синалган шаклидан фойдаланиңг:

а) объект ва фанни аниқланг;

б) қоиданиңг асосини тушунтириңг;

в) қоидани исботланг;

г) қоидага ҳулоса ясанг;

д) уни қўллаш соҳасини кўрсатиб бериңг.

6. Айрим вақт оддий нарсани тушунтириш, ўзлаштириш қийин бўлади, шунинг учун илмий фанни мантиқан ва тарихий ўзлаштиришга эришиңг.

7. Бошланғич, ўрта, юқори синфларда жараённинг кетма-кетлигига эътибор бериңг.

8. Илғор педагогик технологияни қўлланг. Ўқувчилар билан дидактик материаллар тайёрланг.

9. Олдин ўрганганларини такрорлаб туриңг, бир-бирига боғланг.

10. Янги материални осон (енгил), содда, табиий тарзда тушунтириңг. Уни таълимий, ривожлантирувчи, тарбиявий ва бошқа мақсадларни қўллайман деб мураккаблаштириб юборманг. Бу мақсадларни ўқув йили давомида шакллантиришга ҳаракат қилиңг.

11. Олинган тушунчаларни тез-тез синаб кўришга ҳаракат қилиңг. Фақатгина такрорлаш ва синаш дарслари ва жараёнларида эмас.

12. Дарсда ўқувчиларнинг нутқи, саводхонлигига эътибор бериңг. Буни фақат тилчиларга ташлаб қўйманг.

13. Ўқувчиларни кўпроқ мустақил ишлашга ўргатиңг. Содда, осон, енгилдан қийинроқ мустақил иш беришга ҳаракат қилиңг. Ечолмас ёрдам бериңг.

14. Тушунчалар тизими мантиқни талаб қилади, унга эришиш

эса сезги ва ҳиссиёт билан ҳосил бўлади. Аниқ, равон, қизиқарли далиллар келтиришга ҳаракат қилинг. Ҳар бир бўлим охирида албатта умумлаштириш ва тизимга солиш дарсини ўтказинг.

15. Ўқувчиларнинг хатоларини доимо тузатиб боринг ва ўз хатоларини билиб уни тузатишга мулойимлик билан ёрдам беринг.

16. Ўқувчилар фаоллигини ошираман деб уларни жисмонан қийнаб қўйманг. Шароитга қараб иш кўришга ўрганинг. Сунъий фаолликни ошириш бу катта педагогик хатодир.

17. Тезкор усуллар билан ўқувчилар бир неча соатда ўрганиш керак бўлган нарсани бир соатда ўргатишга ҳаракат қилманг. Ҳамма нарса табиий бўлсин.

18. Ўқувчилардан ҳар бир мавзу, боб, бўлим ва умуман дастур бўйича билим, кўникма ва малакани талаб қилинг. Улар ўз билимларини тизимга солишига ёрдам беринг.

19. Кузатувчан бўлинг ва буни ўқувчилардан ҳам талаб қилинг, ўстиринг, шакллантиринг.

Илмийлик тамойили

Илмийлик тамойили ўқувчиларга илмий асосланган билимларни ҳосил бўлиши учун хизмат қилиб ҳар бир фанни ўрганиш методларидан келиб чиқиб ўқитиш методларини қўллаган ҳолда олиб бориш лозим. Дунёни билиш, унинг ривожланиш тарихини билиш, инсоният яратган билимларни билиш, илмий-техник тараққиёт ҳақида тушунча ҳосил қилиш ва уни бошқа тамойиллар билан боғлиқлигига эътибор бериш лозим. Бунда давлатимиз томонидан қабул қилинган ДТС талабларини бажаришга эришмоғимиз лозим. Амалиётда бу тамойил учун анча қоидалар ишлаб чиқилган:

1. Бу тамойилни амалга ошириш учун педагогика, психология, методика, илгор педагогик тажрибага таянинг.

2. Дидактик ва психологик янги қонуниятлар асосида индуктив ва дедуктив қонуниятлар, абстракцияни қўлланг.

3. Аниқлик, далиллик, чуқурлик каби тушунчаларга эътибор беринг.

4. Фанни ўқитишда мантиққа, уни ривожлантириш босқичлари, кетма-кетлик ва ўзаро боғлиқлигига эътибор беринг. Илмий тараққиётдаги ўрнини аниқланг.

5. Ўрганилаётган фаннинг дидактик қонуниятларини ўқувчиларда тарбиялашга ҳаракат қилинг. Дидактик тафаккурни шакллантиринг.

6. Ҳар бир янги тушунчани билишга, қўллашга, машқ қилишга ўргатинг, унутишига йўл қўйманг.

7. Фан қонунларининг ўрни, ҳолати, ривожланиши, қўлланилиши, аҳамияти ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилинг.

8. Ўқувчиларга фанни ўргатишда илмий билиш тафаккур, ижодкорлик, изланувчанлик асосида ҳосил бўлишини тушунтириб беринг.

9. Доимий равишда фан ютуқлари фан, техника, маданият ва жамиятнинг ривожланишида тутган ўрнини билишга ўргатинг.

10. Олимлар, донишмандларнинг фан ривожигаги ўрнини билдириг.

11. Ахборотларнинг кўплигини эътиборга олган ҳолда фаннинг долзарб муаммоларига, асосий қонуниятларига эътиборни қаратинг.

12. Муаммолар, уларнинг ечими, илмий изланувчанлик, баҳс, мунозара, гуруҳли, жамоавий тарзда ишлашни жорий этинг ва қадрланг.

13. Ўқувчиларда муаммоли ҳолатни ҳосил қилиб, ечимини топишдан завқ олиш ҳиссини шакллантиринг.

14. Билим олиш, уни хотирада сақлаш, амалиётда қўллашни бири-бирига боғлаган ҳолда яхлитлик тушунчаларини шакллантиринг.

15. Ўзини, ўз психологиясини билишга, билим олиш психологияси ва методикасини ўргатинг ва ҳ.к.

Назариянинг амалиёт билан боғлиқлик тамойили

Билишнинг асосини амалиёт ташкил этади. Амалиётда қўлланилмаган билим ҳосилсиз дарахт кабидир. Шунинг учун назария билан амалиёт боғланмас экан, ҳеч қандай билим ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун бу тамойилга кўпроқ эътиборни қаратинг ва қуйидагиларга риоя қилинг:

1. Ўқувчиларга нима учун ўқиётганлиги ва унинг ҳаётда қандай асқатишини тушунтиринг.

2. “Билим ва ҳаёт” тушунчасини шакллантиринг.

3. Назария ва амалиётнинг дидактик қонуниятларини очиб беринг.

4. Илмий техник тараққиётда назария ва амалиётнинг боғлиқлиги ҳақидаги тушунчани шакллантиринг.

5. Олинган билимларни ҳаётда, амалиётда қандай қўллаш мумкинлигини ўзлари билан бажариб кўринг.

6. Ҳар бир дарс, машғулот амалиётсиз ўтмаслиги лозим.

7. Мактаб—ишлаб чиқариш, ўқув фани—ишлаб чиқариш боғлиқлигига катта эътибор қаратинг.

8. Ишлаб чиқаришга оид мисол ва масалалар, ҳолатлар, тушунчаларга кўпроқ ўрин беринг.

9. Халқ хўжалигини ривожлантиришда ўқув фанининг роли, шу фanning илғор ишлаб чиқариш касблари билан боғлаб ўтинг.

10. Муаммоли таълим изланувчанликка, илмий-тадқиқот ишлари назария ва амалиётнинг боғлиқлиги, асосий мезони эканлигини унутманг.

11. Меҳнатга, меҳнат кишиларига муносабат, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш назариянинг амалиёт билан боғлаш гаровидир.

12. Мустақил билим олиш, ижодкорлик, меҳнатни илмий ташкил этиш, мусобақалар ҳам назарияни амалиёт билан боғлайди.

13. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар орқали назария билан амалиёт бирлигига эътибор беринг.

14. Ҳар бир дарсада қандай ишлаш кераклиги, иш унумдорлиги, кимнинг қандай қатнашганлигини баҳоланг ва умумий иш унумдорлиги қандай бўлганлигини таъкидлаб турунг.

15. Дарсада, тўғарақда, уйда олган билимларини амалиётда қандай қўллаш мумкинлиги ҳақида сўз юритинг ҳамда синаб кўринг ва ҳ.к.

Тушунарлик тамойили

Бу тамойил ҳамиша энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келгани ҳолда у ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ёш хусусиятлари, дидактик жараёни ташкил этиш методикаси, индивидуал хусусиятлар (ўқувчи ва ўқитувчининг)га боғлиқдир. Я.А. Каменскийнинг фикрича бу тамойил оддийдан мураккабга, осондан қийинга, маълумдан номаълумга асосланган бўлиши лозим:

1. Я.А. Каменскийнинг фикрича ёш хусусиятлари асосида уларгагина тушунарли бўлган нарсани ўргатинг.

2. Нимани, қандай, кимни ўқитишни билинг ва шунга тайёрланг.

3. Ўқувчи имкониятларини эътиборга олиб ўқитинг. Уларнинг ҳаёт тажрибаси, қизиқишини эътиборга олинг.

4. Ёш хусусиятини эътиборга олингу, аммо унга мослаб эмас, ривожланиш даражасидан юқориноқ таълимни жорий этинг ва талаб қилинг.

5. Табақалаштирилган таълимни жорий этинг ва бу таълимнинг педагогик-психологик, методик қонуниятларини билинг.

6. Таълим жараёнини ташкил этишда оптимал тезликка эътиборни қаратинг. Ўқувчиларнинг ялқов бўлишига йўл қўйманг.

7. Янги билим тушунчаларни шакллантиришда “майда қадам”, мустаҳкамлашда эса “катта қадам” ташлашни ўргатинг.

8. Таълимда ўхшашлик, таққослаш, қиёслаш, қарши қўйиш деган тушунчаларга эътибор беринг ва энг қийин нарсани ҳам ўрганиш мумкин деган тушунчани ўқувчиларда шакллантиринг.

9. Янги, қийин мавзунини ўқишда кучли ўқувчиларни, мустаҳкамлашда эса ўрта ва кучсиз ўқувчиларни жалб этинг.

10. Қонуниятларини ўрганаётганда мисоллар билан, ҳаёт билан боғлаб тушунтиринг.

11. Дарс ўқишда “олтин қоида”ларга эътибор беринг (педагогик, психологик, методик).

12. Секин, шошилманг! Шошилиб самарага эришаман деб ўйланманг.

13. Ўқувчиларнинг бир марталик ютуғидан хулоса чиқарманг. Буни унинг билишининг бошланғич босқичи деб тушунинг.

14. Тушунарлилик тамойили ўқитувчининг нутқи, тушунтириш қоидагига, аниқлигига, ҳиссиётига, ритмига, оҳангига, келтираётган мисолига боғлиқлигини унутманг.

15. Осон тушуниш мумкин бўлган нарсани ўқувчилар ихтиёрига қўйинг.

16. Материални бўлаклаб, сўнгра яхлитлаб, сўнгра хулосалаб, кейин эса амалиёт билан боғлаб тушунтиринг.

17. Ўқувчиларнинг билиш жараёнида ўқитувчининг роли улар фаолиятини энгиллаштириш эмас, бошқариш эканлигини унутманг ва ҳ.к.

Мустаҳкамлик тамойили

Бу тамойил олимларнинг кўп йиллик изланишлари натижаси ва ўқитувчиларнинг тажрибалари асосидаги қоидалардан иборат бўлиб, у назарий ва амалий қоидалар, ўқувчиларнинг билиш жараёни кучи ва таълимни ташкил этиш қоидалари, ўқувчиларнинг шу фанга муносабати, қизиқиши, ташкил этиш методикаси, олиб бориш усули ва услубларига боғлиқ. Билимларни ўзлаштириш жараёнининг мустаҳкамлиги жуда мураккаб бўлиб, олимларнинг охириги илмий изланишлари натижаси шуни кўрсатадики, ихтиёрий ёдда сақлаш-

дан кўра ихтиёрсиз ёдда сақлаш мустақкамроқ бўларкан. Бу эса ўз навбатида янги қоидаларни келтириб чиқаради, чунки ихтиёрий ёдда сақлаш лозимлиги асосидаги қоидалар ўз кучини йўқотади ва қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

1. Замонавий таълимда хотира асосий роль ўйнаб, керак бўлмаган билимларни ёдда сақлаб туриш ва хотирани чарчатиб, тафаккурни пасайтирмаслик лозим.

2. Ўқувчилар хотирасида яхши тушунмаган нарсаларни қолдирмасликка, фақат тушунган яхши билган нарсани қолдиришга ҳаракат қилинг.

3. Қоридай ёдлаш эмас, керак бўлганда манбалардан фойдаланишга ўргатинг.

4. Ўрганганини ёдда сақлашнинг психологик қонуниятларини яна бир бор ўрганиб чиқинг.

5. Эса сақлаши лозим бўлган материал жуда катта бўлмай, қисқа қаторлардан иборат бўлсин. (Ҳозирги адабиётларда “Ёдда сақланг” деган огоҳлантириш бор.)

6. Ўқувчиларга ихтиёрсиз ёдда сақлаш ҳақида кўрсатма берманг. Бунинг ўрнига қизиқтиринг ёки “қиздиринг”.

7. “Такрорлаш – билимнинг онаси”, аммо тез-тез такрорлаш эса зерикарли ва тез унутиш гарови эканлигини унутманг.

8. Ўқувчилар диққатини бўлувчи нарсалар – кечикиш, бошқа иш билан машғуллик, улар фикрини чалғитиб кимнингдир синф хонасига кириши кабиларга йўл қўйманг.

9. Ҳар бир ўқувчининг имконият даражасида, аммо тўлиқ куч билан ишлашини йўлга қўйинг.

10. Қизиқишни ва дарсга ижобий муносабатни шакллантирмай (психологик иқлим яратмай) туриб дарсни бошламанг.

11. Маълумотларни мантиқий боғланиш орқали узатинг (кетмакетлик ва қизиқарли қилиб).

12. Таълим жараёнининг самарадорлиги пасайишини сезишингиз билан дарҳол сабабини аниқланг ва тузатишга ҳаракат қилинг (чарчоқ, қизиқишнинг сусайиши, мотивнинг йўқлиги, кайфият, муносабат ва ҳ.к.).

13. Ўқувчиларнинг ихтиёрий диққатидан фойдаланиб “тарбияламанг”. Ундан кўра ҳазил, қизиқарли воқеа, ҳолат билан дарсни қизиқарли ўтинг.

14. Билимнинг мустақкамлиги мустақил такрорлаш, бир-бирига ўргатиш ва бир-бирдан ўрганишга боғлиқлигини унутманг.

15. Ўқувчиларнинг хотирасини ўстиринг, ёдда сақлашнинг психологик ва мнемотехник йўллариини ўргатинг.

16. Ўз материалини табақалаштиришга ҳаракат қилинг, ҳаммасини эмас, асосийсини топиб кўрсата билинг.

17. Мотивни қўймасдан, билим олишга интилишни шакллантирмасдан туриб янги билимни беришни бошламанг. Мажбур бўлиб ўрганган нарса мустаҳкам бўлмайди.

18. Такрорлаш ва мустаҳкамлашда хотира ва тафаккурни фаоллаштиришга ҳаракат қилинг. Ҳиссиёт ва сезгини ривожлантиринг, кўргазмалиликка эътибор беринг.

19. Такрорлашни янги билим бериш дарсидай ўтманг. Ўқувчиларга эркинлик беринг.

20. Билимни мустаҳкамлаш ҳиссиётга, кўргазмаликка, техник воситаларга, дидактик ўйинларга, ўқув мунозараларга, муаммоли ва изланувчанлик таълимига боғлиқлигини унутманг.

21. Янги билим беришни олдингилари билан боғлаб, янада янгиллашга ҳаракат қилинг.

22. Осон топшириқ бериб зериктирманг, қийин топшириқ бериб зўриқтирманг.

23. Ўқувчиларга дарсни қолдириш, кечикиб келиш, ялқовлик қилиш, бошқа иш билан машғул бўлишига йўл қўйманг ва йўл қўйдирманг. Билимларни ўзлаштириш даражасини назорат қилиб туринг ва ҳ.к.

1.2. Мотив – билиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи

Дидактик жараённинг, қолаверса, таълим-тарбия жараёнининг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи, самараси ҳам мотивга боғлиқ бўлиб, у биринчи ўринда туради (билиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар орасида). Иккинчи ўринда ўқишга муносабат, учинчи ўринда ўқишга эҳтиёж ва ҳ.к. Шунинг учун биз мотив, мотивлаш ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Мотивни ўрганиш ва тўғри фойдаланиш, кераклисини шакллантириш, шахсни тўғри керакли йўналишда ривожлантиришга қаратилган дидактик жараённинг, ўқитувчи меҳнатининг юраги, ўзаги ҳисобланади. Мотив бу ўқувчининг фанга, ўқишга фаолиятга, муносабатининг кўриниши бўлиб, аниқ сабаб, оқибат, ишонч шахсни ҳаракатга, ишлашга ундовчи омилдир.

Мотив ролига ва унга ҳамкор сифатида эҳтиёж ва қизиқиш, интилиш ва ҳиссиёт, идеаллар ва мақсадлар ҳам ўзаро боғлиқ. Шу-

нинг учун мотив мураккаб ҳосила бўлиб, динамик тизим ҳисобланади. Бунда муқобил фикрни таҳлил қилиш ва баҳо бериш, танлаш ва қарор қабул қилиш лозим бўлади ва бажарилади. Яна шуниси билан қийинки мотив комплекс (мужассам) бўлиб, ҳеч қачон битта мотив билан иш кўрмаймиз ва мотив ўқитувчи ва ўқувчи томонидан доим ҳам қабул қилинавермайди, тушунилмайди. Мотивни ўрганиш ҳозирда педагогика ва психологиянинг асосий, марказий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мотивни ўрганиш бўйича олимларимиз анчагина ютуққа эришган бўлсаларда, уни тизимга солиш ва аниқ йўналишлар ишлаб чиқилмаган. Мотивни тизимга солиш, унинг мезонларини кўрсатиб бериш бўйича ижтимоий ва билишга оид айрим турлари ишлаб чиқилган:

– *кенг доирадаги ижтимоий мотивлар* (бурч, жавобгарлик, ўқишнинг ижтимоий ўрнини билиш) шахснинг жамиятдаги ўрни ва мослашишини белгилаб беради;

– *тор доирадаги ижтимоий мотивлар* (келажакда бирорта мансабга эришиш, атрофдагилар эътиборида бўлиш, ўз меҳнатига яраша тақдирланиш каби);

– *ижтимоий ҳамкорлик мотивлари* (синфда ўз ўрни ва ҳолатига эга бўлиш, атрофдагилар билан ўзаро муносабат турларига йўналганлик ва ҳ.к.);

– *кенг билиш мотивлари* (эрудиция ўқиш жараёни ва натижасидан қониқиш ва ҳ.к.);

– *ўқув – билиш мотивлари* (билим эгаллашнинг йўлларини билиш, аниқ бир ўқув фанини ўрганиш ва ҳ.к.);

– *ўз устида ишлаш мотивлари* (қўшимча билим олишга йўналганлик).

Амалий педагогикада бу мотивлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади (йўналиши ва мазмун жиҳатидан):

1. Ижтимоий – 40 %
2. Билиш – 50 %
3. Касбий – 40 %
4. Эстетик – 45 %
5. Коммуникацион – 70 %
6. Статус – ўринли – 55 %
7. Тарихий – анъанали – 30 %
8. Амалий – утилитар – 50 %

Педагоглар 80-йилларда таълимнинг ижтимоий ўрнини ўқувчи-

ларда шаклантирмоқчи бўдилар, бугунда эса бу тўғри келмай кўйди. Унинг ўрнини коммуникацион ва статус-ўринли мотивлар эгаллай бошлади. Зеро, шахсий қизиқишлар кучая бошлади, фақат уни йўналтириш керак бўлади.

Ўқиш – билиш мотивларини ички ва ташқига ҳам бўладилар.

Ташқи бу педагоглар, ота-оналар, жамоа, жамият томонидан буйруқ, кўрсатма, талаб, ҳаттоки мажбурлаш билан мотивни сингдирмоқчи бўладилар. Бу шахснинг ички қаршилигига учраб, инсонийлик хусусиятини йўқотиши мумкин.

Ҳақиқий мотив ҳар бир шахснинг ички дунёсидан, ўзидан келиб чиқиши лозим. Бу ўқиш мотиви бўла олади ва бунини тарбиялашимиз шарт.

Мотив **тушунарли** ва **тушунарсиз**, яъни анланган ва анланмаган – (янглиш) бўлиш мумкин. Бундан ташқари мотив реал бўлиши мумкин. Бунини биз ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўз ютуқларини билишларида, иш натижасининг самарасида кўрамиз.

Мотив авваламбор ўқишга муносабатда кўринади. Ўқишга муносабат эса:

1. Салбий – мотив йўқ ёки кам.
2. Бефарқлик – мотив йўқ ёки кам, лекин ўзгартирса бўлади.
3. Ижобий (аморф) – мотив бор, аммо кучсиз.
4. Ижобий (билиш, фаол мотив бор, тушуниш) – кучли.
5. Ижобий (шахсий, жавобгарлик мотиви бор, ҳаракатчан) – чуқур анланган.

Ўқишга муносабатни ўқитувчилар кўпинча фаоллик билан ўлчайдилар ва уни қуйидагиларда кўрадилар:

- ўқув топшириқларини бажаради;
- доимий равишда ишлайди;
- ўз билимини оширишга ҳаракат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда фаоллаштиришни қуйидаги мезонлар билан ўлчайдилар:

- фикрни ҳимоя қилиш;
- мунозара ва баҳсда иштирок этиш;
- саволлар бера олиш;
- жавобларни тақриз қила билиш;
- ўртоқларининг жавоблари ва ёзма ишларини баҳолай олиш;
- ўзлаштирмовчиларга ёрдам бериш;
- тушунарсиз жойларини тушунтира олиш;
- бир неча вариантда ишлай олиш ёки айта олиш;

– ҳар қандай ҳолатга баҳо бера олиш ва ҳ.к.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мустақил билим олиш, мустақиллик — янги педагогик технологиянинг асосий тамойилларидир. Бу йўлда қилинаётган ишлар интерфаол ўқув қўлланмалар ишини самарали томонга силжитиб, мотивни ўстиришга қўя билишга ўргатади. Бунга эса компьютер, компьютерлашган дастурлар, мультмедия, электрон дарсликлар, тест, рейтинглар киради. Айрим хулосаларга қўра ўта фаоллик ўқувчини чарчатиб қўйиши ҳам мумкинки, бунини меъёрга солиш даркор. Инсонга таъсир этувчи асосий мотивлардан бири бу қизиқишдир. Қизиқиш (аҳамиятга молик, зарур деган маънони билдиради) ҳаракатнинг асосий реал сабабчисидир. Қизиқиш, биринчидан, билимларнинг сифати ва даражаси билан ўлчанади, иккинчидан эса ўқитувчига муносабати билан қайси ўқитувчини севсалар ва ҳурмат қилсалар ўша ўқитувчининг фанига қизиқадилар ва яхши ўқийдилар. Қуйидаги жадвалдан ўзингиз хулоса чиқариб олишингиз мумкин.

Муносабат

Синф	Ўқитувчига	Фанга (%)		
		Севимли	Бефарқ	Севимли эмас
6	Севимли	87	11,5	1,5
	Бефарқ	33	50	17
	Севимли эмас	14	14	72
7	Севимли	84	15	1
	Бефарқ	14	65	21
	Севимли эмас	21	21	58

Қизиқишни ошириш учун қуйидаги восита ва йўллارни қўллаш мумкин:

- қизиқиб берилиб ўқитиш;
- ўқув материални қизиқарли қилиб тушунтириш;
- тарих билан боғлаш;
- одамлар ҳаёти билан боғлиқлиги;
- амалий аҳамиятини кўрсата билиш;
- илғор, интерфаол усулларни қўллаш;

- муаммоли таълим;
 - эврестик суҳбатлар;
 - дидактик ўйинлар;
 - компьютерли таълим;
 - мультимедиа;
 - диалогли, гуруҳли, жамоавий ўқиш;
 - тест, рейтинг билан билим кўникмаларни синаш;
 - натижаларни кўрсата билиш, намойиш этиш;
 - мусобақа (ўзи билан, ўртоқлари билан);
 - синфда психологик ижобий иқлим яратиш;
 - ишонч;
 - педагогик маҳорат ва такт орқали;
 - ўқитувчининг ўз фанига ва ўқувчиларга муносабати;
 - таълим жараёни ва муносабатни инсонийлаштириш орқали
- ва ҳ.к.

Мотивни ўрганиш ва шакллантириш

Мотивни ўрганиш ва шакллантириш қуйидаги алгоритм асосида олиб борилади.

1. Таълимнинг мақсадини аниқлаш ва белгилаш.
2. Мотивацияни ёш хусусиятларга мослашни аниқлаш.
3. Мотивациянинг бошланғич ўрнини аниқлаш, ўрганиш.
4. Мотивларнинг валирацияси (керакли, асосийларини аниқлаш, ўрганиш.
5. Мотивнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, аниқлаш.
6. Ўзгариш (камайиш, кўпайиш, доимий) сабабларини ўрганиш аниқлаш.
7. Керакли мотивларни шакллантириш.
8. Ўтуқларни баҳолаш ва кейинги ишларни режалаштириш.

Буни (натижани) аниқлаш учун:

1. Ўқишга муносабат.
2. Ўқишдан мақсад.
3. Мотив (нима учун ўқийди).
4. Ҳиссиёт.
5. Ўқишни билиш.
6. Ўқиш даражаси.
7. Ўқишга лаёқати.

Буларни аниқлаш учун доимий ўрганиш усуллари – суҳбат, сўров варақаси, кузатиш кабилардан фойдаланамиз.

Бундан ташқари экспертлар иштирокида баҳолаш усулидан фойдаланишимиз мумкин.

Мотивни қўйиш стратегияси

1. **Стратегия:** ишни узоқ вақтга режалаштиринг.
2. **Ҳамкорлик:** ўзингизга ўқиш учун ҳамкор топинг: сиз унга, у сизга ўргатсин.
3. **Таркибий тузилиши:** машғулот учун аниқ вақтни белгиланг (соат, кун, ҳафта кунлари).
4. **Аниқ режа:** ўқишнинг мақсад ва вазифасини белгилаб олинг.
5. **Мотив:** ўқиш мазмунини қачон, қаерга ишлатишингизни, қачон кераклигини белгилаб олинг.
6. **Дойимийлик, кетма-кетлик:** осон—қийин—ўта қийин схемаси асосида ишланг.
7. **Қўшимча:** ўрганилаётган материалга қўшимча расм, жадвал, изоҳлар тузинг.
8. **Мукофот:** ишни бажаргандан сўнг ўзингизга ёқимли сўз айтинг (ўзингизни мақтанг).
9. **Кенгайтириш:** қўшимча адабиётлар ўқинг, ўртоқларингиз, ўқитувчингиз билан мунозара қилинг.
10. **Омонат:** машқ бажаринг, такрорлаб туринг. Унутмасликка ҳаракат қилинг.

Буни унутманг

1. Ким ўзини ҳурмат қилса ўқиш самараси кучли бўлади.
2. Ўқишдаги муваффақият таълим жараёни катализатори.
3. Ўқишдаги муваффақиятсизлик ўқишга бўлган иштиёқни сўндиради.
4. Хурсандчилик ва қизиқиш ўқишни осонлаштиради.

Буни ёдингиздан чиқаринг

1. Иш бундай бўлмайди.
2. Бунақаси бўлмаган:
3. Менга ишонишинг мумкин.
4. Бунга қандай ақлинг етди.
5. Буниси энди сенинг ишинг эмас.
6. Бунга бизнинг вақтимиз йўқ.
7. Одам бўлмайсан.
8. Сендан бир нарса кутиш қийин
9. Бу ҳақиқатми? Ўзингмисан?

10. Кесакдан ҳам олов чиқди ва ҳ.к.

Қандай мотивлисиз?

1. Касбий келажак ва ўтмиш:

- а) ўқитувчи бўлишга қандай мотив сабабчи?
- б) касбий юксалишингизда педагогик фаолиятнинг ўрни.

2. Ақтуал ҳолат:

- а) машғулотда ўзингизни қандай ҳис қиласиз?
- б) ўқитувчилик фаолиятингиздаги хурсандлик ҳолатлари;
- в) ўқитувчилик фаолиятингиздаги ҳафачилик ҳолатлари, қийинчиликлар.

3. Машғулотларни режалаштириш:

- а) режалаштириш яхши натижа берадими?
- б) методик жиҳатдан машғулотни қандай тузасиз?
- в) мақсад (ўқув)ларни қандай қўясиз?

4. Машғулот пайтида сизнинг хулқингиз, ҳолатингиз:

- а) қандай ҳолатларда (машғулотда) ўзингизни ҳақиқий педагог деб ҳисоблайсиз?
- б) ўқитувчилик фаолиятингизда қандай ҳолатлардан воз кечишни истар эдингиз?
- в) ўқитувчилик фаолиятингизнинг қайси жиҳатларини ўзгартирган бўлар эдингиз?

5. Таълим мотивлари:

- а) дарс Сиз учун қизиқми?
- б) ўз фанингизни севасизми?
- в) ўз ишингизни севасизми?
- г) ўз синфингизни яхши кўрасизми?
- д) қандай ҳолатлар Сизга ишлаш учун ноқулай?
- е) ўз ютуқ ва камчиликларингизни таҳлил қилганмисиз?
- ж) мотив нималигини биласизми? Ўқувчиларингизнинг мотивларини ўрганганмисиз?
- к) ўқувчилар Сизга ишонадими? Севадими?

Ушбу саволлар орқали Сиз ўзингизни назорат қилишингиз, рефлексиянингизни аниқлашингиз ва мотивларни яна бир бор синаб, педагогик маҳорат сари қадам ташлашингиз мумкин.

**Ким, нима учун ўқийди? Нега мактабга келади?
(Мотивни аниқлаш учун)**

1–2-синф ўқувчилари:

- дадам ва онам айтгани учун;
- “5” баҳо олиш учун;
- ҳамма ўқийдику;
- ўқимасам шофёр бўларканман;
- яхши ўқисам ўқитувчим тақдирлайди (эркалайди);
- ота-онам нарса олиб беради ва ҳ.к.

3–4-синф ўқувчилари:

- инженер бўламан, отамдек;
- менга мактаб ва дўстларим ёқади;
- ўқитувчим ёқади, бизни экскурсияга олиб боради;
- саводли бўлиш учун;
- уйда бир ўзим қолмаслик учун;
- денгизчи бўламан;
- прокурор бўлиш учун.

5-синфдан бошлаб мотивлар ўзгариб, у ижтимоий, коммуникацияли ўринларга чиқа бошлайди ва ўрта синфларда (7–8–9) мулоқот, ўзаро ҳамкорликда ўқиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, кимгадир ўхшаш учун каби мотивлар пайдо бўла бошлайди. Бундан ташқари севимли фанлар, ёқмайдиган ўқитувчилар, ёқадиган ўқитувчилар пайдо бўла бошлайди. Нега ёқмайди деб савол бериб ўша фанга оид баҳоларини, дарсини текшириб турунчи нима бўлади. Мотив қандай ўзгаришини кўрасиз. Танлаган касби ҳам ўзгаради. Ўқитувчи ҳам ёқа бошлайди, фан ҳам. Чунки у шу фанни яхши ўзлаштирмақда ва қизиқмоқда. Юқори синф ўқувчиларида энди мотив ижтимоий ўрин олиб, жамиятда ўз ўрнини топиш, ҳаёт йўлини танлай бошлайди, анча кеч буни тушунадиганлар (фақат 11-синфда) ҳам бўлади.

Юқори синфларда мотивлар қисқара боради ва аниқ мақсадли мотивлар пайдо бўла бошлайди. Жамиятда ўз ўрнини топиш, касб эгаси бўлиш, маълумот олиш биринчи ўринга чиқади.

Биз қисқача мотив, унинг келиб чиқиши, ўрганиш, шакллантириш ҳақида сўз юритдик, холос.

Ўйлаймизки бу соҳада ўз билимларингизни ошириб, таълим-тарбия жараёни самарадорлигига эришасиз.

1.3. Педагогик маҳорат — таълим жараёнининг бош мезони

Ўқитувчининг касбномасида педагогик маҳорат энг асосий сифат тарзида берилган. Педагогик маҳоратнинг ўзи нима? — деб савол берсангиз нечта киши бўлса ўшанча хил жавоб беради. Ҳар

бирини диққат билан тингласангиз, ҳар қайси жавобда ҳам албатта бирор бир янгилик, ўзак сўз бўлади.

“Педагогик маҳорат” тушунчасини энциклопедик луғатдан қарайдиган бўлсак, бу — таълим ва тарбия жараёнини доимо ривожлантириб юксак даражага олиб чиқиш санъати бўлиб, бу ҳар бир педагог учун хос, қачонки у болаларни ва ишини севса.

Педагог бу — юксак маданиятли мутахассис, ўз фанини чуқур билувчи, умумий ва болалар психологиясини яхши билувчи, таълим-тарбия методикасини мукамал билувчидир.

Педагогика тарихида иккита таъриф бўлиб, биринчиси педагогик маҳоратни таълим-тарбия методлари билан боғласа, иккинчи гуруҳ олимлар эса педагог шахсини асосий омил деб ҳисоблайди. Бундай тушунчани ажратиб бўлмайди, зеро метод ҳам, шахс ҳам бир-бирисиз бир-бирини тўлдиролмайди ва методни олиб бориш учун кўп нарсани билиш ва бажара олиш лозимки, булар таълим-тарбия қонунлари, тамойиллари, технология, диагностика, лойиҳалаш, коррекциялаш (тузатиш) ва ҳоказолардан иборат.

Буни маҳорат билан бажариш учун кўп йил ва узоқ меҳнат талаб қилинади (кўпларда). Яна шундай фикр борки, бундай маҳоратга эга бўлиш учун талант (ирсий белги) керак. Ҳаётда ҳамма тарбиячи бўлиб туғилади (айримлардан ташқари), демакки, фақат педагогик маҳоратни ўрганиш, ўргатиш керак.

А.С. Макаренко фикрича “...нима биз фақат талантларни излашимиз керакми? Улар нечта? Талантли бўлмаган бола нега жабр тортиши керак? Демак, биз талантгагина эътибор бериб тарбияни қура олмаймиз. Биз фақатгина педагогик маҳоратга таяна оламиз, демак, ўқитувчи тарбия жараёнини тўлиқ, аниқ билиши шарт”.

Айрим олимларимизнинг фикрича (Н.В. Кузмина) бор-йўғи 12% ўқитувчи талантли бўлиб, қолганлари педагогик маҳорат қирраларини эгаллаган ўқитувчилардир.

Педагогик маҳорат шуниси билан ажралиб турадики, бундай ўқитувчилар ҳар қандай вазиятдан чиқа олади, жавоб топа олади ва ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва билимдонлик даражасининг самарадорлигига эриша олади. Бундай ўқитувчи ўз фанини чуқур билади, унинг ютуқларини, истиқболлари ҳақида билимга мукамал эга, ижтимоий фаол, интеллектуал шахс.

Биргина билимларнинг ўзи етарлими? Уни ўқувчиларга етказиб билиш ҳам керак. Бу эса методика. Бунга ўргатиш мумкинми? — деган савол туғилади. Ҳа, агар узлуксиз малака ошириб, ўз устида

ишласа ва педагогик тажрибани қузатиб, ўрганиб борса. Хўш, бу маҳорат нималарда намоён бўлади:

1. Албатта биринчи ўринда дарс туради, яъни ўқита билиш. Ўқитувчилар фаолиятини бошқара билиш. Дарсда ўрганиш. Уйга вазифа бу чуқурлаштириш, тўлдириш, холос. Дарсда ўқитувчи — режиссёр.

2. Педагогик маҳоратнинг яна бир томони бу — ўқитувчиларни фаоллаштириш, қобилиятини ривожлантириш, мустақилликка ўргатиш. Бундай ўқитувчи ўқувчиларни фикрлашга, ижодкорликка, мустақил ишлашга, бир-биридан ўрганишга ўргатади.

3. Педагогик маҳоратнинг яна бир жиҳати таълим жараёнида тарбиялашдир. Ўқитувчи таълим жараёнида ахлоқий хислатларни, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, мустақиллик каби хислатларни шакллантиради.

4. Ижобий ҳиссиётни шакллантириш эса оддий усуллар, ҳиссиёт, фаоллик, ҳазил-мутойиба, қизиқарли мисоллар, ижобий танқид, такрорий бўлмаган методлар, оригинал вариантлар каби ишлар билан олиб борувчи ўқитувчи маҳоратидир. Ўқувчилар бундай ўқитувчини, унинг фанини севадилар.

5. Педагогик маҳорат — педагогик техника, такт, темп (гапириш меъёри) шахсий хусусият, билим, дунёқараш, умумий билимдонлик, илғор тажрибани билиш, таълим-тарбиянинг қонунлари, тамойиллари, вазифаси, мақсадни, воситасини билишдир.

6. Педагогик маҳоратнинг асосийсилардан яна бири бу мулоқотни, мулоқот психологиясини билишдир. Ўз шахсий хусусиятлари ва ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини билиш орқали муносабатда бўлиш. Ўз диққати ва ўқувчилар диққатини бошқара олиш, ҳиссиётни бошқариш ва уни кўрсата билиш, нутқ, нутқ маданиятини билиш ва ҳ.к.

7. Нутқсиз мулоқот ҳам педагогик маҳоратда асосий роль ўйнаб, унга мимика, пантомимика, товуш оҳанги, ҳаракат, сукут, масофа, тегиниш, интонация, қандай ҳолатда туриш ва ҳ.к.лар кириб, уни маҳорат билан бажара олиш ҳам лозим.

Шу ўринда икки машҳур педагогларнинг сўзини келтирмоқчимиз.

А.С. Макаренко шундай деган эди: “Мен бир сўзни 15–20 хил оҳанг билан ва юз, товуш, гавдамни 20 хил ҳолатга тушира олганимдан сўнггина ўзимни ҳақиқий педагог деб ҳисобладим”.

Америкалик педагоглар Д. Брофи ва Т. Гудлар эса “Ўқитувчи ва

ўқувчи муносабати” китобида шундай ёзади: “Ўқитувчи учун мулоқот табиий ва хурсандчилик бўлмаса — ўқитувчи мактабдан кетишга тайёр бўлаверсин”.

Аммо бу тушунчани шундай тушунмоғимиз лозимки, мулоқот ҳар қандай сунъийликдан холи бўлиб, табиий тарзда бўлмоғи лозим. Ўқитувчи хурсандчилигини ҳам, хафалигини ҳам, таажубда эканлигини ҳам, ўта хурсандлигини ҳам кўрсата билсин. Шунда ўқувчилар ўзларини эркин ҳис қилади ва улар ҳам ўқитувчисидан ўрнак олади.

1.4. Педагогик тажриба психолог нигоҳида

Таълим-тарбия жараёнининг асосий мақсади ва вазифаси баркамол, етук шахсларни, яъни Комил инсонни етказиш — шакллантиришдан иборат. Шундай экан биз таълим-тарбия самарадорлигини ўқувчиларнинг қай даражада билим, кўникма ва малакага эга эканликлари, тарбияланганлик даражалари, мустақил билим олишга, ҳаётда ўз ўринларини топиш учун қандай тайёргарлиги билан ўлчамимиз, баҳо беришимиз лозимлигини билишимиз шарт.

Биз бу соҳада педагогик тажрибани ўрганар эканмиз, кўпинча ўқитувчига, унинг фаолиятига, усул-услугига, қўллаётган дидактик материалларига, воситаларига баҳо бера оламиз. Аммо шулар ўқувчига нима бераёпти, юқоридаги тамойиллар қандай бажарилаёпти — бу таҳлилимизда иккинчи даражали бўлиб сояда қолиб кетади.

Шунинг учун биз ушбу тавсияда педагогик тажрибани психологик нигоҳ билан, яъни ўқувчи фаолиятига шу тажриба нима беради деб, нима бериши керак деган фикр асосида, педагогик тажрибанинг шахс камолотидаги ўрнини қуйидаги мезонлар билан ўлчamoқчимиз:

1. Ушбу педагогик тажриба психологик қонуниятлар асосида тузилганми? У шахс ривож қонуниятларига бўйсунадими?

2. Агар шундай бўлмаса айрим олинган шахс хусусиятларини очиб бера оладими?

3. Бунда (педагогик тажриба) таълим ва ривожланиш ҳамкорлигининг қайси жиҳатлари максимал даражага (самарага) эга.

4. Тафаккурнинг қайси тури бу тажрибада тўлиқ шакллантирилади?

5. Қандай муносабат тури кўпроқ қўлланилади ва унинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти нималарда ўз аксини топган?

6. Шахсий педагогик хусусиятларнинг қайсилари кўпроқ ривожлантирилади ва унинг комил инсон хусусиятларида тутган ўрни.

7. Педагогик тажрибада психологик иқлим, ташкилий қисм, ўқувчи фаолияти, дарс якуни, мотив, мақсад, вазифага мосликнинг даражаси қандай? кабилар асосида кўриб чиқамиз ва баҳо берамиз.

Илғор педагогик тажриба билан илғор педагогик технологиянинг қонуниятлари, мезонлари ва тамойилларини бир-бирига аралаштириб юбормаслик керак, аммо улар бир-бирини тўлдиришини, уйқаш эканлигини, бир хил мақсад ва вазифани — комил инсонни шакллантиришини унутмаслигимиз лозим. Илғор педагогик тажриба бир фанга, фанларга оид бўлса, илғор педагогик технология эса барча фанларга оид бўлиб, интерфаол усуллар асосида иш кўради. Илғор педагогик тажрибада эса ностандарт дарслар, айрим ўқитувчиларнинг ўз фанларининг ўрганиш методларида хосликда намоён бўлади. Аммо ўқитувчилар ностандарт дарслар билан интерфаол усулларни чалкаштириши натижасида икки хиллик тушунчаси пайдо бўлди ва бу уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш муаммосини келтириб чиқарди. Натижада муаммоли курслар, илғор педагогик технологияга оид семинар-тренинг, қисқа муддатли курслар, семинарлар ўтказилиб ностандарт дарслар, интерфаол усуллар ҳақида назарий ва амалий билимлар ҳосил қилинди, ахборот технологиясидан фойдаланиш, ахборот — маълумот тўплаш, фойдаланиш ўргатилди.

Юқорида берилган яхши хулқлар ва уларнинг мезонларидан фойдаланиб тарбияланувчининг тарбиялаганлик даражасини аниқлаш мумкин. Бунда ўн муддатли курслар, семинарлар ўтказилиб ностандарт дарслар, интерфаол усуллар ҳақида назарий ва амалий билимлар ҳосил қилинди, ахборот технологиясидан фойдаланиш, ахборот — маълумот тўплаш, фойдаланиш ўргатилди. Натижада ўқитувчилар ностандарт дарслар:

1. Иш ўйин.
2. Пресс конференция.
3. Мусобақа.
4. Қувноқлар, зукколар, топқирлар.
5. Театрлаштирилган дарслар.
6. Суҳбат-маслаҳат дарслар.
7. Компьютерли дарслар.
8. Ўзаро таълим.

9. Ижодкорлик дарслари.
10. Кимошди савдоси.
11. Ижодий ҳисобот.
12. Кўрик-танлов.
13. Бинар дарслар.
14. Суд дарслари.
15. Концерт дарслари.
16. Касбга йўллаш дарслари.
17. Ҳосил байрами.
18. Ролли ўйинлар.
19. Семинар.
20. Конференция.
21. Фанлараро алоқа.
22. Мўъжизалар майдони.
23. Экология дарслари.
24. Формулалар дарслари.
25. Тўсиқ (блок) дарслар.
26. Синов дарслар.
27. Тест дарслар.
28. Ҳақиқатни излаш кабилар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдилар.

Илғор педагогик тажрибани ўрганишда, таҳлил қилишда таълимнинг дидактик тамойиллари ва ўқув жараёнини ташкил этиш ва олиб боришнинг хусусий тамойиллари:

- мустақиллилик;
- ривожлантириш;
- коллективлик, жамоавий иш;
- ўз-ўзининг фаолиятини ташкил этиш;
- ролли иштирок;
- жавобгарлик;
- психологик таълим кабилар нуқтаи назаридан келиб чиқамиз.

Ҳар бир педагогик тажрибада эса юқоридаги хусусий тамойилларнинг қай даражада ҳаётга — амалга татбиқ этилишининг самарадорлиги билан ўлчаймиз. Якуний хулоса эса ўқувчилар билим, кўникма ва малака даражаси, тарбияланганлигининг кўрсаткичлари билан баҳоланади.

Билим, кўникма ва малакани аниқлашнинг жуда кўп усуллари: тест ўтказиш, рейтинг асосида, амалий ва ёзма ишлар, кузатиш,

суҳбат, тажриба, таржимаи ҳол, фаолият таҳлили кабилар бўлиб, уни ўтказиш ҳеч кимга унчалик қийин бўлмайди.

Илғор педагогик тажрибани ўрганишда мактаб психологининг ўрни ҳам (ташхис картаси орқали), синф раҳбарининг роли ҳам, синф ойнаси (журнал) ҳам манба бўла олади.

Педагоглар ўртасида таълимда тарбиялаймиз, тарбиялаб туриб таълимни шакллантирамиз деган тушунча бор. Шунинг учун тарбиянинг таълимдаги, таълимнинг тарбиядаги ўрни беқиёс.

Демак, илғор педагогик тажрибани ҳам тарбиявий, ҳам таълимий, ҳам ривожлантириш, ҳам мафкуравий, ҳам касбга йўллаш йўналиши бўйича таҳлил этишимиз лозим, зеро, бу таълимнинг бешта асосий мақсадлари бор.

Тарбия психологияси — педагогик психологиянинг ғоят мураккаб ва кам ишланган бўлими бўлиб, кейинги вақтларда бунга кўпроқ эътибор берилмоқда. У шахснинг бир бутун ҳолда таркиб топиши ва ривожланишига оид ички (психологик) механизмларни, шунингдек, унинг айрим хусусиятларини ўргатади.

Шахс фаолияти моддий ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Фаоллик бўлмаган жойда шахснинг қарор топиши ва ривожланиши ҳам бўлмайди. Бунда ижтимоий алоқалар жамият гуруҳ ҳамда турли жамоалар ҳаётига фаол киришиб кетиш шахсни шакллантиришнинг муҳим омиллари сифатида майдонга чиқади. Аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олдиндан режалаштирилган ҳамда ташкил этилган жараён бўлиши тарбия, шахс ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро таъсир кўрсатувчи йўналишлари ҳисобланади. Шахснинг шаклланиб бориш суръти унга хос айрим хусусиятларнинг тўла ва бутун ҳолда барқарор пайдо бўлиб бориши унинг меҳнатда, ўқишда, ўйинда, мулоқотда ва юриш-туриш маданиятида яққол кўринади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, фаолият нима сабабдан амалга оширилиши зарур эканлигини тушунтира олиш билангина ҳар бир ишнинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаси амалга ошади. Бу фикрни шундай тушуниш керакки, тарбияланувчи онгига англаб етилган барқарор ва кучли ички эҳтирос пайдо бўлгандагина амалга оширилаётган фаолият тарбияловчи кучга айланади. Олимларимиз ва донишмандларимиз тарбияланганликни эса яхши ва ёмон хулқларнинг қай даражада шаклланганлиги билан ўлчаганлар. Келтиралаётган тестда яхши хулқлар турлари, уларнинг мезонини аниқлаш ва шулар орқали тарбияланганлик даражасини белгилашга ҳаракат қилдик. Бунинг

учун яхши хулқнинг турлари, уларнинг мезонларини ишлаб чиқдик. Кейинги иш эса ҳар бир шахснинг тарбияланганлик даражасини аниқлашдир.

Ҳар бир тарбиячи – ўқитувчи учун яхши хулқ, унинг мезонини билиш – кейинги фаолиятини ташкил этишда ёрдам беради деб ўйлаймиз. Тарбияланганлик даражасини аниқлаш эса тарбияланувчининг камчилик томонларини тузатишга ёрдам беради.

1.5. Тарбия санъати ва технологияси

Барчага маълумки, ҳозирги замонда назарияни амалда синаш технология орқали амалга оширилади. Технология сўзи кириб бормаган бирор соҳа йўқ, шулар қатори педагогика ҳам. Технология 1872 йилдан бошлаб (лотинча “*техне*” – санъат, хунар, “*логос*” – фан) ишлаб чиқаришда ишлатила бошланди ва унга қуйидагича таъриф берилди:

– бу фан таклиф этган алгоритм, восита ва йўллар тизими бўлиб, ишлатилганда олдиндан белгиланган фаолият натижаларига олиб келиб, сифатли ва миқдорий маҳсулот чиқишини таъминловчи жараён дир.

Ҳозирда барча ишлаб чиқаришлар технологияга асосланган бўлиб, бу илмий ютуқ, тараққиёт натижаларини амалга татбиқ этиш йўли ва натижасидир. В.П. Беспальконинг таърифи бўйича “ҳар қандай фаолият ёки санъат, ёки технологиядир. Санъат интуицияга, технология эса фанга асосланади. Ҳамма нарса санъат билан бошланиб, технология билан тугайди ва яна шундай бошланади”.

Тарбияда технология ҳали тўлиқ шакланмаганлиги учун ҳам индивидуал маҳоратга асосланади, эртами-кеч барибир “жамоавий маҳоратга” – технологияга асосланиб иш кўради. Ҳозирда кўпгина мамлакатларда бунга асос солинмоқда.

Хўш, бунга биз қандай тасаввур қилишимиз мумкин?

Ҳозирги замон технологиясининг тарафдорлари ҳам, қаршилари ҳам бор бўлиб, кўпинча технология ижодкорликни бўғувчи, асосан интеллектуал соҳада уни қўллаб бўлмайдиган тушунча бор. Аммо ишлаб чиқариш технологиясини шундайлигича педагогикада (инсонни тарбиялаш) қўллаш керак эмас, уни мослаштириб қўллаш керак деган тушунча кўпроқ тўғри келади. Тарбиявий жараён ҳам, ишлаб чиқариш жараёни ҳам бир-бирига ўхшаш

Т/р	Индивидуал маҳорат	Т/р	Умумий технология
1.	Жараён ходим томонидан бошидан охиригача олиб борилади.	1.	Бўлақларга бўлиб ҳар ким ўзига тегишлисини бажаради
2.	Жараёнга тааллуқли барча билимни билиш шарт	2.	Ўзига тегишли қисми ҳақида тўлиқ билади
3.	Ҳамма ишни ўзи бажаради	3.	Тайёр ишланмалар асосида иш олиб боради
4.	Жараён узоқ вақт давом этади	4.	Жараён тезлашади
5.	Маҳсулот сифатли	5.	Маҳсулот сифатли
6.	Интуиция, тажриба, сезгига асосланиб иш кўради	6.	Илмий ҳисоб-китоб, билимга асосланади
7.	Ишлаб чиқариш эҳтиёжга қараб маҳсулот чекланган	7.	Маҳсулот чекланмаган, оммавий ишлаб чиқариш мумкин

бўлиб, умумий тузилмага эга эканлигини яхши биламиз. У ҳам, бу ҳам ижтимоий буюртмани бажаради. Иккаласида ҳам материал, база, маълум мақсад, восита, усул-услуглар бор. Тарбия жараёни бу вазифаларни, мақсадни бажарувчи педагог фаолиятига таянади. Педагог эса маълумотларга, атроф-муҳитга, тажрибага, илмий асосланган қоидаларга, синовдан ўтган усул-услугга, халқ педагогикасига, донишмандлар бисотига, давлат ҳужжатларига таянади. Шу билан бир қаторда педагогик технология (тарбия технологияси) ишлаб чиқариш технологиясидан қуйидагилар билан фарқ қилади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнидан фарқли ўлароқ тарбия жараёни бир бутун, яхлит, мужассам (комплекс) бўлиб, уни бўлақларга бўлиш қийин, кетма-кетлик, узлуксизлик асосида амалга ошириш лозим.

2. Тарбияда шахсни “бўлақларга бўлиб” тарбиялаб бўлмайди, шунинг учун “технологик операциялар”ни (айрим сифатларни шакллантириш) эҳтиёткорлик билан олиб бориш лозим. Тарбия технологияси умумий бўлгани ҳолда индивидуал маҳоратга таяниши лозим.

3. Тарбия соҳасидаги технология барибир ҳар томонлама ривожланган, комил инсонни шакллантиришга қаратилиши лозим. Ҳар томонламанинг “томон”ларини шакллантириш йўллари топиш, аниқ натижани кафолатлаш технологиянинг мақсади бўлиши лозим.

Бу “томон”ларни назорат қилиш, коррекциялаш эса индивидуал маҳоратга боғлиқ. Демак шунда умумий йўл ва ижодкорлик кетма-кетлиги бўлади.

4. Ўтиш даври (технологияга) ҳисобланган ҳозирги даврда такомиллашмаган технология бўлсада бу йўлдаги ишларни давом эттириб, такомиллашган тарбия технологиясини яратиш керак.

Бу йўлда бажарилаётган ишлар яхлитликдан мужассамлик сари қадам (мақсад, вазифа, мазмун, усул-услуг бирлиги), тарбиявий таъсир ва ўзаро ҳамкорликдир. Замонавий тарбия технологияси мужассамлик асосида қуйидаги шарт бўлган йўналишда олиб борилади:

1. Тарбияланувчига учта йўналиш бўйича таъсир ўтказилади — онгига, сезгисига ва хулқиға.

2. Яхши натижага педагогик таъсир кўрсатиш ва ўз-ўзини тарбиялаш орқалигина эришилади.

3. Белгиланган шахсий сифатлар аниқ тарбиявий ишлар асосида шакллантирилади. Бунда комплекс ёндашув бўлиши лозим (ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва меҳнатнинг бирлиги орқали). Ҳозирги ҳитомиз эса тарбия турларининг бир-бирига тўлиқ боғлиқ эмаслигидадир.

4. Ҳамкорликдаги ҳаракат ва бирлик (оила, мактаб, боғча, маҳалла, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, жамоалар ва ҳ.к.) асосидаги тарбия технологиясининг яратилишига замин яратилмоқда.


5. Тарбия ва уни бошқариш жараёнига мужассам ёндашув тизмили иш олиб боришни тақозо этади.

6. Ички, ташқи омиллар эътиборга олинishi ва унинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиб чиқиш лозим. Асосий ички ва ташқи омилларга эса қуйидагилар киради:

- мактаб ўқувчисининг ҳаёт тарзини эътиборга олиб айрим олинган шахсий сифатларни шакллантириш ёки йўқотиш;
- яшаш шароити (маҳаллий шароит)га мос тарзда айрим сифатларни шакллантириш ёки йўқотиш;
- оммавий ахборот ва тарғибот воситалари;
- жамоасининг ривожланиши ва шароит даражаси;
- ўзаро муносабат нормалари (мактаб, оила ва ҳ.к.);
- тарбияланувчининг индивидуал ва шахсий жиҳатлари ва ҳ.к.

Тарбия технологиясида диагностика ҳозирги вақтда компьютер технологияси билан олиб борилмоқда. Нафақат диагностика, тар-

биянинг ўзи ҳам компьютер орқали амалга оширилмоқда. Бу тарбиянинг шахсий йўналганлиги, тарбияланувчининг мустақил фаолияти билан боғлиқ бўлиб, замонавий ёшларнинг фикрига кўра аниқ фойда келтирувчи, унга қулай тамойили асосида содир бўлади. Масалан, компьютерда “Чекиш ва унинг оқибатлари” ҳақидаги лавҳани кўрган билан шу ҳақдаги тарбиявий ишни таққослаб кўринг. Бундан ташқари тестлар ҳам тарбиявий технологиянинг бир бўлаги бўлиб, ундан самарали фойдаланиш учун компьютерда дастурлаштирилган ўйинларни ўтқизишни доимо, кетма-кетлик, узлуксизлик асосида олиб бориш мумкин. “Мижоз”, “Диққат”, “Хотира”, “Тафаккур”, “Ирода”, “Мен кимман?”, “Мен одамлар орасида”, “Коммуникативлик”, “Қобилиятим қандай?”, “Иқтидорлимисиз?”, “Икки киши қайиқда”, “Ўзингизни биласизми?” каби тестлар, иш-ўйинлар, ролли ўйинлар орқали ҳар бир шахс ўзининг тарбияланганлик даражасини, ўзининг кимлигини аниқлаб олиши мумкин. Шулардан бир нечта мисол келтирмоқчимиз ва бу тестларнинг натижасини қуйидаги диаграммага солиш мумкин.



Тарбияланганлик даражаси ўртача 65% га тенг.

Тарбияланганлик кўрсаткичлари

1.	Ваганпарварлик	11.	Жасурлик
2.	Дўстлик, инсонпарварлик	12.	Чаққонлик, чиниққанлик, кучлилик
3.	Ҳалоллик	13.	Байналминаллилик
4.	Меҳнатсеварлик	14.	Масъулиятлилик
5.	Интизомлилик	15.	Қизиқувчанлик
6.	Сахийлик	16.	Принципиаллик
7.	Фаоллик	17.	Нафосатлилик
8.	Камтарлик	18.	Ишбилармонлик, тadbиркорлик
9.	Озодалик	19.	Иффат-ҳаёлилик
10.	Тежамкорлик	20.	Ўз-ўзини тарбиялаш, назорат қилиш

1.6. Ўз-ўзига таълим ва тарбия

Педагог кадрларнинг узлуксиз таълимда “ўз-ўзига таълим”нинг ўрни мунтазам ошиб бормоқда. Чунки педагоглик касбининг хусусияти ўқитувчилар ўз билимлари, салоҳияти ва кўникмаларини узлуксиз тўлдириб боришини тақозо этади.

Олиб борилган кузатиш ишлари ва малака ошириш курслари мониторинги шуни кўрсатадики, кўпгина ўқитувчилар ўз педагогик фаолиятида доимо таълимни давом эттиришга эҳтиёж сезади-лар. Бироқ мактаб раҳбарияти ёки ўқитувчининг ўзи олий ўқув юр-тидан кейинги бўладиган узлуксиз таълим муҳимлигини англамаслиги, етарли баҳоламаслиги, ўқитувчи фаолияти, били-мининг оқсаб қолишига, натижада ўқитувчи ўз касбидан бешиш ҳоллари юзага келади.

“Ўз-ўзига таълим” бериш педагогларнинг ҳақиқий эҳтиёжига ай-ланиши учун тўртта асосий муаммони ечиш лозим:

1. Йўналтирувчи қадриятларга эгаллик (касбий идеални шакллантириш, ўқитувчи қандай ва ким бўлиши керак?).

2. Омилга эгаллик (ўқитувчи ўз касбига, ўз идеалига номувофиқ-лигини англаган ҳолда мувофиқликка интилиши).

3. Технологик муаммо (қандай йўллар билан касбий ва инсоний хусусиятларни шакллантириш мумкин).

4. Иқтисодий рағбатлантириш (меҳнатни баҳолаш орқали янада яхши ишлаш, бошқаларга тенглашишга интилиш).

“Ўз-ўзига таълим”ни қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзининг психофизиологик табиатини тарбиялаш.
2. Педагогик маҳоратни шакллантириш жараёни таълими.
3. Шахсий-ижтимоий сифатларни шакллантириш таълими.
4. Нафосатлилиқни тарбиялаш таълими.
5. “Ўз-ўзига таълим”ни рағбатлантириш орқали таълим.

Психофизиологик табиатни такомиллаштириш учун ўқитувчи ўзининг жисмоний (организм тузилиши, овқатланиш, дам олиш, иш режаси, гигиена ва ҳ.к.), олий нерв тизими (мижоз, тафаккур, диққат, ирода, идрок, хотира ва ҳ.к.), нерв тизими жараёнлари (ишчанлик, фаоллик, иродалилиқ ва ҳ.к.) ва уларнинг типлари (бадий, фикрловчи, ўртача ва ҳ.к.)ни аниқлаши, ўстириши, ривожлантириши лозим бўлади. Психик (руҳий) жараёнлар ва уларни ривожлантириши (тафаккур-таҳлил ва умумлаштириш, мимика, пантомимика – ҳиссиёт, ўзини назорат қилиш ва бошқаларни ўрганиш).

“Ўз-ўзига таълим”нинг иккинчи томони бу педагогик маҳоратни ошириш жараёни унинг тамойиллари орқали ўзини тарбиялаш (лойиҳалаш, коммуникатив, перцептивлик, ташкилотчилик ва ҳ.к.)

Шахсий-ижтимоий сифатларини шакллантириш-такомиллаштириш эса (фуқаролик, инсонийлик, маданиятлилиқ, интеллектуаллик, мотивлилиқ, ғоявийлик, педагогик такт ва тактика ва ҳ.к.) биологик, психологик, методик талаблар билан ҳамкорлиқда олиб борилади.

Нафосатлилиқ эса ўқитувчидан гўзаллиқни ҳис қилиш ҳамма жойда нафосатли бўлишни (муносабатда, ишда, мулоқотда, нутқда, ва ҳ.к.) талаб этади.

“Ўз-ўзига таълим” жараёни “ўз-ўзини тарбиялаш” билан уйғунлашиб кетади ва у қуйидаги тартибда олиб борилади. Олийгоҳда ва ундан кейинги таълим жараёнида:

1. Касб таълимини тўлиқ эгаллаш.
2. Педагогика, психология, методика фанларини чуқур ўрганиш.
3. Дарслиқ, кўшимча адабиётлардан фойдаланиш.
4. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш.
5. Янги ахборот технологияларидан фойдаланиш (компьютер, модем, интернет ва ҳ.к.).
6. Илғор педагогик тажриба ва технологиялардан фойдаланиш.
7. Диагностика, коррекция ва ривожлантирувчи машқларни ўрганиш, ўзини тарбиялашда кенг фойдаланиш.
8. Ўз фаолияти натижалари мониторингини ўтқизишни билиш ва коррекциялаш ва ҳ.к.

II БОБ. УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК ХИЗМАТ ҲУЖЖАТЛАРИ, НИЗОМЛАР

2.1. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қондалар

1.1. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошида Методика кабинети фаолият кўрсатади ва у туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимининг таркибий қисми ҳисобланади.

1.2. Методика кабинети Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими тасарруфидаги барча таълим-тарбия самарадорлигини оширишга йўналтирилган методик тадбирларни белгилайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

1.3. Методика кабинети ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, ҳукуматнинг таълимга оид фармойиш ва қарорлари, Халқ таълими бошқаруви органларининг қарор ва буйруқлари, Республика Таълим маркази, жойлардаги Педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг (Қорақалпоғистон Республикасида Таълим марказининг) йўриқномалари ва ушбу Низом асосида иш юритади.

2. Методика кабинетининг асосий вазифалари

2.1. Ҳудуддаги халқ таълими тизимидаги муассасаларининг методик таъминотга бўлган эҳтиёжини аниқлайди ва таҳлил қилади.

2.2. Туман (шаҳар) ҳудудидаги барча анъанавий ва ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари, маҳаллалардаги мактабгача таълим бўйича жамоат марказлари, хонадон боғчалари, шанба-якшанбалардаги мактаблар ва бошқа мактабгача таълимга тааллуқли бўлган муассаса, марказ, гуруҳларга методик ёрдам кўрсатади.

2.3. Туман (шаҳар) ҳудудидаги мактабгача ёшдаги болаларни таълим-тарбиясига йўналтирилган истиқболли ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади. Уни туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими кенгаши тасдиғига киритади ҳамда ушбу дастур асосида тадбирлар белгилайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди.

2.4. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик ишларни ташкил этади. Давлат таълим стандартларини таъминлаш учун ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатади.

2.5. Барча турдаги таълим муассасаларида Давлат таълим стандартлари ижросини амалга ошириш ва таълим сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади, уни методика кабинети кенгашида муҳокама этади ҳамда бажарилишини таъминлайди.

2.6. Умумий ўрта таълим муассасаларида Давлат таълим стандартлари ижросини амалга ошириш ва таълим сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади, уни методика кабинети кенгашида муҳокама этади.

2.7. Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари муассасаларда Давлат таълим стандартлари (Давлат талаблари), ижроси мониторингини амалга ошириш учун зарур бўладиган тест саволлари ва бошқа назорат материалларини тайёрлайди.

2.8. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимининг мониторинг хизмати ходимлари билан ҳамкорликда мониторинг натижаларини таҳлил қилади, бартараф этиш (тўлдириш) чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва унинг амалиётга жорий этилишини таъминлайди.

2.9. Туман (шаҳар) миқёсида ўқув фанлари, таълим-тарбия ишлари бўйича янги педагог технологиялар, илғор иш тажрибаларни ўрганишга ўқитувчи (тарбиячи)ларни жалб этади ва ўтказди.

2.10. Туман (шаҳар) миқёсида барча таълим йўналишлари (ўқув фанлари) бўйича методика бирлашмаларини ташкил этишда иштирок этади ва фаолиятини назорат қилади.

2.11. Таълим муассасаларида йўналишлар (ўқув фанлари) бўйича методика бирлашмаларини ташкил этишга ва фаолият кўрсатишга методик ёрдам беради.

2.12. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибалар ва ижодкор ўқитувчилар (тарбиячилар) ҳақида ахборотлар банкини ташкил этади.

2.13. Туман (шаҳар) миқёсида бошланғич таълим ва ўқув фанлари бўйича ижодкор ўқитувчилар уюшмасини ташкил этади ва фаолият кўрсатишини таъминлайди.

2.14. Ўқитувчи (тарбиячи)ларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини режалаштиради ҳамда даврийлигини таъминлайди.

2.15. Туман (шаҳар) миқёсидаги илғор педагогик тажрибаларни

ўрганади ҳамда улардан талабга жавоб берадиганларини методика марказининг кенгаш қарори билан туман (шаҳар) бўйича оммалаштиради, вилоят бўйича оммалаштиришга тавсия этади.

2.16. Таълим муассасаларида иқтидорли болалар билан ишлашда, уларни фан олимпиадаларига тайёрлашда методик ёрдам кўрсатади.

2.17. Умумий ўрта таълим муассасаларида битирувчиларнинг якуний аттестацияларини ўтказишда услубий ёрдам кўрсатади.

2.18. Таълим муассасаларида турли йўналишдаги тўғараклар фаолияти ва мактабдан ташқари ишларни назорат қилади ҳамда уларга тегишли услубий ёрдам кўрсатади.

2.19. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражасини ўқув фанлари ва синфлар кесимида ўрганади, таҳлил қилади, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан халқ таълими бўлими мудирига таклифлар киритади.

2.20. Таълим муассасаларининг кутубхона жамғармасини дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланишини ташкил этади ва назорат қилади.

2.21. Матбуот орқали илғор педагогик тажрибаларни, таълим соҳасидаги янгиликларни тарғибот қилади.

2.22. ДТС ижросини таъминлаш, таълим самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган методик йўриқномалар ва тавсиялар ишлаб чиқади.

2.23. Таълим муассасаларида «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловларининг ўтказилишини назорат қилади, туман (шаҳар) бўйича «Йил мактаби» ва бошқа танловларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади.

2.24. Методика кабинети туман (шаҳар) таълим муассасалари базасида янги педагогик технологияларни, илғор ғояларни синовдан ўтказиш учун тажриба синов майдончаларини ташкил этади ва уларга методик ёрдам кўрсатади.

3. Методика кабинетининг бошқаруви ва ходимлари

3.1. Методика кабинетини олий маълумотли, камида 5 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган тажрибали ўқитувчи, методист ёки мактаб раҳбарларидан тайинланадиган мудир бошқаради. Кабинет мудирини туман (шаҳар) ХТБ мудирининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

3.2. Методика кабинетининг методистлари мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, бошланғич синф ва фан ўқитувчиларига педагогик маҳорат бўйича методик томондан раҳбарлик қиладилар.

3.3. Методика кабинети штатлари мактабда ишлаётган ўқитувчиларнинг умумий сони ҳисобидан белгиланади. Ходимларга штат жадвалида белгиланган тартибда иш ҳақи тўланади.

3.4. Методика кабинетининг методистлари унинг мудирининг тавсияси билан ХТБ мудирининг томонидан ишга қабул қилинади. Методика кабинети методистлари олий маълумотли, камида 5 йиллик педагогик иш стажига эга бўлишлари керак.

3.5. Туман (шаҳар) бўйича таълим муассасаларида йўналишлар ва ўқув фанларидан Давлат таълим стандартлари (Давлат талаблари) асосида таълим жараёнини ташкил этишда методик ёрдам кўрсатиш, ўқув семинарларга раҳбарлик қилиш мақсадида йўналишлар ва ўқув фанлари бўйича методика бирлашмалари фаолият кўрсатади. Методика бирлашмасига тегишли йўналиш ва ўқув фани бўйича туман (шаҳар) таълим муассасаларида энг ижодкор ва тажрибали ўқитувчи (тарбиячи) раҳбарлик қилади. Методика бирлашманинг раҳбари, ижодкор ўқитувчи (тарбиячи)лардан иборат бўлган унинг аъзолари фаолиятларига муносиб равишда маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

3.6. Методика кабинети ҳузурида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ва тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган методика кенгаши фаолият кўрсатади. Кенгаш таркибига методика кабинети бошлиғи (раис), методистлар, ўқув фанлари ва йўналишлар бўйича методика кенгашининг таркиби туман (шаҳар) ХТБ кенгаши томонидан тасдиқланади.

4. Методика кабинетининг маблағи ва моддий базаси

4.1. Методика кабинети Давлат маблағи ҳисобига фаолият кўрсатади ва ХТБ томонидан тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси асосида маблағ билан таъминланади.

4.2. Методика кабинети ўз фаолиятини юритиши учун тегишли бино (хоналар)га, кутубхона фондига, компьютер ва кўпайтириш техникасига эга бўлиши керак.

4.3. Методика кабинети ҳузурида кутубхона фаолият кўрсатади ҳамда уни амалдаги қонунчилик асосида махсус маълумотли кутубхоначи бошқаради.

2.2. Туман (шаҳар) Методика кабинети ҳузуридаги Методика кенгаши тўғрисидаги НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети ҳузурида Методика кенгаши фаолият кўрсатади.

1.2. Методика кенгашининг фаолияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш мақсадида туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини оширишга йўналтирилган методик тадбирларни белгилашга, фан Методика уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириб туришга, илғор педагогик технологиялар, тажрибалар ва методик ишларни оммалаштиришга, таълим-тарбия беришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим муассасаларида амалиётга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар беришга қаратилади.

1.3. Методика кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистан Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, халқ таълими бошқаруви органлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

2. Методика кенгашининг асосий вазифалари

2.1. Таълим муассасаларининг методик таъминотга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилади, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди.

2.2. Методика кабинети томонидан ишлаб чиқилган туман (шаҳар) ҳудудидаги мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига йўналтирилган истиқболли ривожлантириш дастурини муҳокамадан ўтказиши ва тасдиқлайди, унинг асосида тадбирлар белгилайди ва бажарилишини таҳлил қилиб боради.

2.3. Умумий ўрта таълим муассасаларида Давлат таълим стандартлари ижросини таъминлаш ва таълим сифатини оширишга йўналтирилган истиқболли ривожлантириш дастурини муҳокамадан ўтказиши. Халқ таълими бўлими кенгаши тасдиғига киритади, истиқболдаги дастурнинг ижроси юзасидан тадбирлар белгилайди ва бажарилишини таҳлил қилиб боради.

2.4. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимининг методик ишларини режалаштиради ва бошқаради.

2.5. Жорий йилда белгиланган методик вазифаларини амалга оширади.

2.6. Мактаб Методика кенгаши ва фан Методика бирлашмалари йўналишларини белгилайди ва бажарилишини таҳлил қилади.

2.7. Практикум, семинарлар ва давра суҳбатлари дастурларини ишлаб чиқади ва аниқлайди.

2.8. Илғор педагогик тажрибалар ва методик ишларни оммалаштириш учун методик бюллетенлар чиқаради.

2.9. Халқ таълими бошқаруви органлари томонидан йўлланган меъёрий ҳужжатлар ва методик ишларни ўрганеди, уларни таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш юзасидан тавсиялар беради.

2.10. ДТС (Давлат талаблари) ижроси мониторинги натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни белгилайди ва амалга ошириш бўйича тавсиялар беради.

2.11. Туман (шаҳар) миқёсида оммалаштирилиб юқори самара берган илғор тажрибаларни ва методик ишларни вилоят миқёсида оммалаштиришга тавсия этади.

2.12. Методик қўлланмалар, тавсиялар ва бошқа методик ишлар тайёрлашда иштирок этади.

2.13. Туман (шаҳар) миқёсида фан Методика уюшмаларини ташкил этишга ва фаолият кўрсатишига методик ёрдам беради, улар фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

2.14. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибалар ва ижодкор ўқитувчи (тарбиячи)ларни маънавий рағбатлантиришга тавсия этади.

2.15. Методика кабинети ва таълим муассасаларининг кутубхона жамғармасини дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди ҳамда амалга ошириш йўллари бўйича тавсиялар беради.

3. Методика кенгаши ишини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш

3.1. Туман Методика кенгаши аъзолигига Методика кабинети методистлари, туман фан Методика уюшмаларининг раислари, самарали фаолият кўрсатаётган мактабларнинг Методика кенгаши раҳбарлари (мактабларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларидан вакиллар) киритилади.

3.2. Методика кабинетининг мудури Методика кенгашининг раиси ҳисобланади.

3.3. Методика кенгашининг таркиби туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими кенгаши томонидан тасдиқланади.

3.4. Методика кенгаши раиси ва унинг аъзолари кенгаш фаолиятини жамоатчилик асосида юритадилар. Имкониятдан келиб чиққан ҳолда кенгаш раиси ва унинг фаол аъзолари Халқ таълими бўлими томонидан маънавий ва моддий рағбатлантирилади.

3.5. Методика кенгаши фаолияти вилоят Халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади.

3.6. Методика кенгаши фаолияти вилоятига боғлиқ барча ташкилий ишлар ва ҳужжатларни юритиш Методика кабинети томонидан амалга оширилади.

3.7. Методика кенгаши йиғилиши уч ойда камида бир марта ўтказилади.

3.8. Методика кенгаши йиғилишларида белгиланган масалалар кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қилинади. Йиғилишлар баёни алоҳида дафтарга ёзиб борилади.

3.9. Йиғилиш баёнлари дафтари, уюшма иш режаси ва ҳисоботи Методика кабинетига 5 йил муддатда сақланади.

4. Методика кенгаши ҳужжатлари

Методика кенгаши фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

4.1. Йиллик иш режаси.

4.2. Йиғилиш баённомалари.

4.3. Ҳисоботлар.

4.4. Методика кенгаши фаолиятига алоқадор бўлган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси.

4.5. Методика кенгашига халқ таълим бошқарув органларидан келиб тушган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси.

2.3. Туман (шаҳар) фан Методика уюшмалари тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистан Республикаси ҳудудидаги барча туман (шаҳар) халқ

таълими тизимида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич таълим йўналиши ва ҳар бир ўқув фани, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим йўналишлари, шунингдек, кутубхоначилар, болалар етакчилари бўйича Методика уюшмалари фаолият кўрсатади.

1.2. Методика уюшмаларининг мақсади тегишли фан ёки йўналиш бўйича мактаб Методика бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, тегишли фан ва йўналишлар бўйича янги педагогик технологияларни ва илғор тажрибаларни ўрганиш, ижодий ташаббусларни уйғунлаштириш, таълим-тарбия беришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, уларни таълим муассасаларида амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчи (тарбиячи)ларга методик ёрдам бериш, уларнинг касбий маҳоратларини мунтазам такомиллаштириб боришда кўмаклашишдан иборат.

1.3. Методика уюшмалари ўз фаолиятида Ўзбекистан Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, халқ таълими бошқарув органлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

2. Методика уюшмаларининг асосий вазифалари

2.1. Халқ таълими бошқаруви органлари томонидан йўлланган тегишли фан ёки йўналишга оид меъёрий ҳужжатлар ва методик ишларни ўраганиди, уларни таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш усулларини кўрсатиб беради.

2.2. Туман (шаҳар) миқёсидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганади ҳамда улардан талабга жавоб берадиганларини Методика уюшма қарори билан туман (шаҳар) бўйича оммалаштиради, туман (шаҳар) миқёсида оммалаштиришда юқори самара берган илғор тажрибаларни ва методик ишларни вилоят бўйича оммалаштиришга тавсия этади.

2.3. Таълим муассасаларидаги ўқитувчи (тарбиячи)ларнинг методик ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талаби асосида ташкил этиш, таълим-тарбияга қўйилган талабларни бажариш, ижодий фикрларни тўғри йўналтириш, бирлаштириш ва таълим-тарбия беришнинг замонавий талабларини ишлаб чиқиб, таълим жараёнига татбиқ этиш ишларини ташкил этади.

2.4. Тегишли фан ёки йўналиш бўйича Давлат таълим стандартлари (Давлат талаблари), ўқув режаси ва дастурларнинг бажарилишини таъминлашга раҳбарлик қилади.

2.5. Таълим муассасаларида Давлат таълим стандартлари (Давлат талаблари) ижросини ўрганиш учун зарур бўладиган тест топшириқлари ва бошқа назорат материалларини тайёрлашга ҳамда мониторингни ўтказишга ёрдам беради.

2.6. Тегишли фан ёки йўналиш бўйича ўтказилган ДТС (Давлат талаблари) ижроси мониторинги натижаларини ўрганади, туманда тегишли ўқув фанининг ўқитилиши аҳолини таҳлил қилади, таҳлил натижаларига кўра таълим-тарбия олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан чора-тадбирларни белгилайди ва амалга ошириш йўллари кўрсатиб беради.

2.7. ДТС (Давлат талаблари) ижросини таъминлаш, таълим самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқади, уларни таълим муассасаларига етказилади.

2.8. Тегишли йўналиш ёки фан бўйича туман (шаҳар) миқёсида методик таъминотга бўлган эҳтиёжни аниқлайди.

2.9. Янги ўқув дастури, дарслик, методик қўлланма ва бошқа методик ишларнинг янги нашрларини, шунингдек, фанга доир мақолаларни ўрганади ва муҳокама қилади.

2.10. Халқ таълим бошқаруви органлари кўрсатмаси билан ўқув дастури ва дарсликларни таҳлил қилади, асосланган хулосалар тайёрлаб беради.

2.11. Мактабларда фан хоналарининг махсус талаблар асосида жиҳозланишига методик ёрдам беради.

2.12. Туман (шаҳар) миқёсида тегишли фан ёки йўналиш бўйича янги педагогик технологиялар, илғор иш тажрибаларни ўрганишга йўналтирилган ўқув-методик семинарларни ташкил этади ва ўтказилади.

2.13. Туман (шаҳар) миқёсида ўқитувчи (тарбиячи)ларнинг узлуксиз малака ва маҳоратларини ошириб боришни ташкил этади.

2.14. Туман (шаҳар) миқёсида ўқитувчи (тарбиячи)ларнинг узлуксиз малака ва маҳоратларини ошириб боришни ташкил этади.

2.15. Таълим муассасаларида фан ва йўналишлар бўйича Методика бирлашмаларини ташкил этишга ва фаолият кўрсатишга методик ёрдам беради.

2.16. Таълим муассасаларида иқтидорли болалар билан ишлашда уларни фан олимпиадаларига тайёрлашда методик ёрдам кўрсатади.

2.17. Фанлар бўйича туман (шаҳар) миқёсида фан олимпиадаларининг иккинчи босқичларини, кўрик-танловларни ўтказишга ёрдам беради.

2.18. Умумий ўрта таълим муассасаларида битирувчиларнинг якуний аттестацияларини ўтказишда методик ёрдам кўрсатади.

2.19. Таълим муассасаларида турли йўналишдаги тўғараклар фаолияти ва мактабдан ташқари ишларни назорат қилади ҳамда уларга тегишли услубий ёрдам кўрсатади.

2.20. Синфдан ташқари (факультатив, тўғарак) ишларни мувофиқлаштиради.

2.21. Таълим муассасаларининг кутубхона жамғармасини дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишини ташкил этади ва назорат қилади.

3. Методика уюшмалари ишини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш

3.1. Туман (шаҳар) миқёсида мактабгача таълим бўйича бир неча йўналишда (мактабгача таълим муассасалари раҳбари, методистлари, тарбиячилари, психологлари, мусиқа раҳбарлари ва бошқа йўналишларда), бошланғич таълим йўналиши бўйича битта, 5–11-синфлар учун эса ўқув режасидаги ҳар бир фан бўйича алоҳида, шунингдек, мактабдан ташқари таълим йўналиши, кутубхоначилар, болалар етакчилари бўйича биттадан Методика уюшмаси ташкил этилади.

3.2. Методика уюшмасига ҳар бир таълим муассасасидан камида биттадан (одатда, мактаб фан Методика бирлашмалари раҳбарлари) муассасаларидаги Методика бирлашмаларининг раҳбарлари тегишли фан ёки йўналиш бўйича уюшмага аъзо бўлиши шарт.

3.3. Методика уюшмасига тегишли фан ёки йўналиш бўйича туман (шаҳар)даги энг ижодкор ва тажрибали ўқитувчи (тарбиячи) уюшма йигилишида сайланган раис раҳбарлик қилади.

3.4. Методика уюшмаси раиси ва унинг аъзолари уюшма фаолиятини юритишда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади, имкониятдан келиб чиққан ҳолда уюшма раиси ва унинг фаол аъзолари Халқ таълими бўлими томонидан маънавий ва моддий рағбантлантирилади.

3.5. Методик уюшма фаолиятига боғлиқ барча ташкилий ишлар ва ҳужжатларни юритиш Методика кабинетининг тегишли методисти томонидан амалга оширилади.

3.6. Методика уюшмалари фаолияти Методика кабинети ҳузуридаги Методика кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади.

3.7. Методика уюшма йиғилиши икки ойда камида бир марта ўтказилади. Уюшма йиғилишлари маълум бир масalani муҳокама қилиш ёки ўқув семинари шаклида ташкил қилиниши мумкин. Ўқув семинари шаклидаги уюшма йиғилишига унга аъзо бўлмаган ўқитувчи (тарбия)чилар ҳам таклиф этилиши мумкин.

3.8. Методика уюшмаси йиғилишларида белгиланган масалалар кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қиладилар. Йиғилишлар баёни алоҳида дафтарга ёзиб борилади.

3.9. Йиғилиш баёнлари дафтари, уюшма иш режаси ва ҳисоботи Методика кабинетида 3 йил муддатда сақланади.

4. Методика уюшмаси ҳужжатлари

Методика уюшмаси фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

4.1. Йиллик иш режаси.

4.2. Йиғилиш баённомалари.

4.3. Ҳисоботлар.

4.4. Методика уюшмаси фаолиятига алоқадор бўлган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси.

4.5. Методика уюшмасига халқ таълим бошқаруви органларидан келиб тушган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси.

4.6. Фан ўқитувчилари рўйхати ва малака ошириш режаси.

2.4. Умумий ўрта таълим мактаби Методика кенгаши тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қондалар

1.1. Умумий ўрта таълим муассасаларида Методика кенгаши фаолият кўрсатади.

1.2. Методика кенгашининг фаолияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш мақсадида таълим муассасасида таълим жараёнини методик таъминлаш ва мувофиқлаштириш ҳамда педагогик кадрларнинг методик жиҳатдан билимини ошириб боришга қаратилади.

1.3. Методика кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш мил-

лий дастурига, халқ таълими бошқаруви органлари ва таълим муассасаси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга, Умумий ўрта таълим муассасаси низомига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

2. Методика кенгашининг асосий вазифалари

2.1. Таълим жараёнининг методик таъминот ҳолатини ўрганади, мактаб методик ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради.

2.2. Мактабда олиб борилаётган методик ишларнинг истиқболини аниқлайди.

2.3. Йўналиш ва фанлар бўйича Методика бирлашмаларига умумий раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

2.4. Таълимга доир меъёрий ва методик ҳужжатларни ўрганади, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усуллари юзасидан тавсиялар беради.

2.5. Мактаб ўқув-методик ишларига эксперт сифатида баҳо беришни амалга оширади.

2.6. Ўқитувчиларни ғоявий-назарий билим даражасини оширади, уларни фан ютуқлари, педагогик инновациялар, илмий-оммабоп адабиётлар билан мунтазам таништириб боради.

2.7. Ўқитувчиларга иш режаларининг тузилиши ва бўлимлари мазмуни бўйича тавсиялар беради.

2.8. Мактаб ўқув режасини амалга оширишга доир таклифлар беради.

2.9. Мактаб таълим жараёнига қўллаш учун илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этилишини назорат қилиб боради.

2.10. Ўқитувчиларнинг педагогик ва методик маҳоратини оширишга доир ишларни амалга оширади.

2.11. Давлат таълим стандартлари талаблари, ўқув режаси дастурларининг бажарилишини таҳлил қилади ва тадбирлар бегилайди.

2.12. Ташқи ва ички назорат натижаларига кўра ДТС талаблари бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоратадбирларини белгилайди ва бажарилишини назорат қилади.

2.13. Ўқув жараёнига ўқитиш методикасининг замонавий ва самарали усулларини олиб кириш, педагогик кадрларнинг методик

жиҳатдан билимини ошириш мақсадида ўқув семинарларини ташкил этади.

2.14. Таълим жараёнида миллий мафкура ва ёшларда сиёсий онгни шакллантиришга доир кўрсатмалар бериб боради.

2.15. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил қилишга доир кўрсатмалар беради.

2.16. Йўналиш ва фанлар бўйича Методика бирлашмалари ҳисоботини эшитади, муҳокама қилади, улар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар беради.

2.17. Ўқитувчиларнинг самарали меҳнатларини инобатга олган ҳолда маънавий ва моддий рағбатлантиришга тавсия қилади.

2.18. Педагог ходимларнинг аттестация ўтказиш бўйича материалларини тайёрлайди.

2.19. Мактаб миқёсида фан ойликлари (ҳафталиклари), фанлар бўйича синфдан ташқари (факультатив, тўгарак) ишлар, фан олимпиадаларининг биринчи босқичлари, кўрик-танловлар ўтказилиши ва улар самарасини назорат қилиб боради.

3. Методика кенгаши таркиби ва унинг ишини ташкил этиш

3.1. Методика кенгаши таркиби мактаб директорининг ўқув (методика) ишлари бўйича ҳамда бошланғич синфлар бўйича ўринбосарлари, йўналиш ва фанлар бўйича Методика бирлашмаларининг раҳбарларидан иборат бўлади.

3.2. Кенгашга мактаб директорининг ўқув (методика) ишлари бўйича ўринбосари раислик қилади.

3.3. Методика кенгашининг йиллик иш режаси туман ХТБ қошидаги Методика кабинети тавсияси ҳамда мактаб Методика бирлашмалари тавсия қилган методик мавзулар асосида тузилади. Иш режа тузишда ўқитувчиларнинг мустақил билимларини ошириш мавзулари ҳам эътиборга олинади.

3.4. Методика кенгаши йиғилиши икки ойда камида бир марта ўтказилади.

3.5. Кенгаш йиғилишларида белгиланган масалалар кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қилинади. Йиғилишлар баёни алоҳида дафтарга ёзиб борилади.

4. Методика кенгаши ҳужжатлари

4.1. Методика кенгаши йиғилишлари қарорлаштирилади.

4.2. Кенгаш ҳужжатлари мактаб иш юритиш ҳужжатлари билан бирга сақланади.

4.3. Кенгаш ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув йили учун иш режаси;
- кенгаш йиғилиши баённомаси;
- кенгаш томонидан таҳлил қилинган материаллар;
- эксперт қилинган материаллар ва ишлаб чиқилган методик ишлар;
- йиллик ҳисобот.

4.4. Ҳужжатлар мактабда 3 йил муддатда сақланади.

2.5. Умумий ўрта таълим мактаби фан Методика бирлашмалари тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қондалар

1.1. Умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич таълим йўналиши ҳамда фанлар ёки бир-бирига яқин бўлган фанлар туркуми бўйича методика бирлашмалари фаолият кўрсатади.

1.2. Методика бирлашмаларининг мақсади ўқитувчиларнинг методик ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш, ўқувчиларга таълим-тарбия беришга қўйилган ҳозирги замон талабларини таъминлаш борасида ўзаро ёрдамни ташкил қилиш, ижодий ташаббусларни уйғунлаштириш ва таълим-тарбия беришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

1.3. Методика бирлашмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, халқ таълим бошқаруви органлари ва таълим муассасаси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

2. Методика бирлашмаларининг асосий вазифалари

2.1. Тегишли йўналиш ёки ўқув фанини ўқитишга доир меъёрий ва методик ҳужжатларни ўрганади, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усулларини кўрсатиб беради.

2.2. Ўқитувчиларнинг гоёвий-назарий билим даражасини оширади, уларни фан ютуқлари, педагогик инновациялар, илмий-оммабоп адабиётлар билан мунтазам таништириб боради.

2.3. Фанлар бўйича тақвимий-мавзуй режаларини тасдиқлашга тавсия этади.

2.4. Оралиқ ва якуний назратлар учун ўқитувчилар томонидан тайёрланган синов материалларини тасдиқлайди.

2.5. Илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганишни ташкил қилади ва оммалаштиради.

2.6. Давлат таълим стандартлари талабларини, ўқув режаси ва дастурлари бажарилишининг таъминланишига методик ёрдам кўрса-тади.

2.7. Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган муқобил дарсликларни муҳокама қилади ва улардан бирини танлаб фан ўқитувчиларига амалда қўллаш учун тавсия этади. Зарур бўлган ҳол-ларда муқобил дарсликлардан бирига буюртма беради.

2.8. Ташқи ва ички назорат натижаларига кўра ДТС талаблари бажарилишида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини бел-гилайди ва бажарилишини назорат қилади.

2.9. Тегишли йўналиш ёки фан бўйича таълим муассасасида ме-тодик таъминотга бўлган эҳтиёжни аниқлайди.

2.10. Ўқувчиларга чуқур билим, кўникма ва малакаларни шакл-лантиришга ёрдам бериш мақсадида ўқитишнинг илғор усуллари-ни жорий этишни ташкил қилади.

2.11. Дарсларни ўзаро кузатишларни ташкил қилади, натижала-рини таҳлил қилади ва мутахассисларга амалий ёрдам беради.

2.12. Ўқитиш методларини ўрганиш мақсадида очиқ дарсларни ташкил қилади, илғор педагогик тажрибаларга доир таклифларни ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

2.13. Ўқув жараёнига ўқитиш методикасининг замонавий ва сама-рали усулларини олиб киради, ўқув фани бўйича янгиликларни қўллашга доир мунтазам равишда методик кўрсатмалар бериб боради.

2.14. Ёш мутахассисларга методик ёрдам беради.

2.15. Кўрғазма ва кўрсатмали воситалардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар беради.

2.16. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил қилишга доир йўлланмалар беради.

2.17. Янги ўқув дастури, дарслик, методик қўлланма ва бошқа методик ишларнинг янги нашрларини, шунингдек, фанга доир ма-қолаларни ўрганади ва муҳокама қилади.

2.18. Назорат турларига доир методик кўрсатмалар беради ва улар асосида назорат топшириқларини ишлаб чиқишни ташкил этади.

2.19. Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш, малака ошириш ва ижодий хизмат сафарлари бўйича ҳисоботларини эшитади.

2.20. Фан ўқитувчиларини самарали меҳнатларини инобатга олган ҳолда маънавий ва моддий рағбатлантиришга тавсия қилади, шунингдек, аттестация жараёнида ўз хулосасини беради.

2.21. Ўқувчиларнинг ДТС ва ўқув дастури ҳажми доирасида билимларини баҳолашда мавжуд мезонларга риоя этишни назорат қилади.

2.22. Фанлар бўйича мактаб миқёсида ҳафталиклар ташкил қилади, фан олимпиадаларининг биринчи босқичларини, кўрик-танловларни ўтказиши.

2.23. Фанлар бўйича синфдан ташқари (факультатив, тўгарак) ишларни мувофиқлаштиради.

2.24. Фан хоналарининг меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида жиҳозланишини ташкил этади.

2.25. Ўқувчиларнинг дарс жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш талабларини ишлаб чиқади ва назорат қилади.

3. Методика бирлашмалари ишини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш

Умумий ўрта таълим мактабларида Методика бирлашмалари бошланғич таълим йўналиши бўйича битта, 5–11-синфларда эса ўқув режасидаги алоҳида фанлар бўйича ташкил этилади. Агар у ёки бу фан бўйича ўқитувчилар сони уч нафардан кам бўлса, у ҳолда ушбу фан ўқитувчилари шу туркумдаги фан ўқитувчилари билан биргаликда битта Методика бирлашмага бирлашадилар.

2.6. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети кутубхонаси тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинетида туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасалари кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида кутубхона фаолият кўрсатади ва у Методик кабинетнинг бўлинмаси ҳисобланади.

1.2. Кутубхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига,

халқ таълими бошқаруви органларининг меъёрий ҳужжатларига, «Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети тўғрисида»ги Низом ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

1.3. Кутубхонага Республика илмий педагогика кутубхонаси умумий методик раҳбарлик қилади.

2. Кутубхонанинг асосий вазифалари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, давлатимиз ва жамиятимиз томонидан эришилган ютуқлар акс эттирилган, миллий гоа сингдирилган, педагогика фани ва ўқитиш методикасидаги янгиликлар мужассамлашган адабиётларни тарғиб қилади.

2.2. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасалари кутубхоналарига кутубхона хизматини ташкил этишда, ахборот, библиографик хизматнинг ҳамма усул ва шакллари бўйича методик ёрдамни амалга оширади.

2.3. Давлат таълим стандартлари ижросини таъминлаш ҳамда кутубхоналар эҳтиёжини қондириш мақсадида кутубхона-ахборот жамғармасини шакллантиради.

2.4. Туман (шаҳар) халқ таълими тизими ходимларига ахборотга бўлган эҳтиёжларига биноан кутубхона ва ахборот-библиографик хизматни ташкил этади.

2.5. Педагогика фани, халқ таълими, илғор педагогик тажриба асосида китобхонларнинг касбий ва умумий таълим олишига қўмаклашади.

2.6. Кутубхона ва ахборот хизматлари-турларини кенгайтиради, кутубхона-ахборот жараёнларини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш орқали уларнинг сифатини оширади.

2.7. Туман (шаҳар) педагогик кадрларига кутубхона хизматини ташкил этишда китобхонларнинг ахборот эҳтиёжларини мумкин қадар тўла ва тезкор қондириш учун бошқа тизим ва идоралар кутубхоналари билан фаолиятни мувофиқлаштиради.

2.8. Ўқитувчиларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатиш, педагогик адабиётларни ўрганишда самарадорликка эришиш масалалари бўйича туман (шаҳар) мактаблари кутубхона ходимлари малакасини оширишни ташкил этишда методик ёрдам кўрсатади.

3. Кутубхонанинг иш фаолияти мазмуни

3.1. Замонавий мафкуравий характердаги Давлат таълим стандартларига мувофиқ илмий-педагогик, методик, маълумотнома, ўқув, даврий ҳамда нашрларнинг бошқа турлари ва ҳужжатлар китоб жамғармасини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Жамғармани шакллантириш манбалари мустақил равишда амалга оширилади.

3.2. Адабиётларнинг (алоҳида ва умумий), уларнинг илмий-техник ишлови ҳисоб-китоби амалга оширилади, жамғарманинг сақланиши ва сақлаш тартиби таъминланади.

3.3. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича жамғармадаги мазмунан эскирган ва яроқсиз ҳисобланган адабиётларни чиқариш ишлари олиб борилади.

3.4. Алифболи ва систематик каталоглар, педагогика ва халқ таълимига доир мақолалардан иборат систематик картотека, маълумотномали жамғармани ўз ичига олган маълумотнома-библиографик аппарат тизимини ташкил этади:

– кутубхона ахборот ва методик нашрлар картотекасини, ўлкашунослик тематик картотекаларни, жамғарма (архив) маълумотномани тайёрлайди ва уларга амал қилади;

– педагог ва халқ таълими ходимлари учун «Янги олинган ахборотли бюллетен»ни тузади, янги педагогик адабиётлар бўйича кўرғазма-кўриклар уюштиради, «Ахборотлар куни», «Мутахассис кунлари»ни ташкил этади.

3.5. Китобхонларга кутубхона-библиографик хизмат амалга оширилади:

– китобхонларга кутубхона жамғармасидаги китоблар, даврий нашрлар абонемент орқали берилади ва қироатхонада бу хил адабиётлардан фойдаланилади.

– китобхонларга библиографик обзорлар ўтказилади, китоб-иллюстратив кўрғазмалар ташкил этилади;

– методика кабинети жамоалари билан биргаликда маънавият ва маърифатга йўналтирилган оммавий тадбирларни ўтказиши, таълимнинг шакл, метод ва воситалари такомиллаштирилади;

– китобхонлар орасида кутубхона-библиографик билимлар асосларини тарқатишни ташкил этади, маълумотнома-библиографик аппаратда ахборотлардан фойдаланиш методлари ўргатилади;

– ўз кутубхонасига эга бўлмаган мактабларда ўқитувчиларга педагогик адабиётлардан фойдаланишда кўмаклашади.

3.6. Мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар кутубхоналарига, халқ таълими ходимларига кутубхона хизматини ташкил этишда методик ёрдамни амалга оширади.

3.7. Мактаб кутубхонаси ходимлари малакасини оширишда (семинарлар, «Илғор тажриба мактаби», «Мактаб кутубхоналари Методика бирлашмаси» машғулотларида) қатнашади.

3.8. Ўқитувчиларга библиографик хизмат бўйича мактаб кутубхоналари фаолиятини ўрганишда қатнашади, кутубхона илғор тажрибасини ўрганишда кўмаклашади.

3.9. Мактаб кутубхонасини педагогик ва методик адабиётлар билан шакллантириш ва улар билан ишлашни ташкил этиш муаммоси бўйича мактаб дарсликлари кутубхона жамғармаси ходимларига ёрдам кўрсатади. Ўз методик ишини мактаб дарсликлари бўйича кутубхона жамғармаси ходимлари билан мувофиқлаштиради.

4. Кутубхона фаолиятини бошқариш.

Моддий-техника таъминоти

4.1. Кутубхоначи бевосита Методика кабинети мудирига бўйсунгани, кутубхона иш тартиби Методика кабинети мудирининг томонидан меҳнат қонунчилигига мувофиқ ҳолда белгиланади.

4.2. Кутубхона штати Республика Молия вазирлиги билан келишилган ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Халқ таълими тизими туман (шаҳар) ХТБ қошидаги Методика кабинетлари ходимларининг намунавий штатлари»га мувофиқ белгиланади.

4.3. Кутубхоначи лавозимига кутубхоначилик ёки педагогик таълимга эга бўлган олий маълумотли ходим қабул қилинади.

4.4. Кутубхона жамғармаси ва мазмунини сақлашни таъминлаш ҳамда китобхонлар билан ишлашни ташкил этиш учун зарур шароит яратиш мақсадида туман (шаҳар) халқ таълими бўлими раҳбарияти кутубхонага меъёрий кўрсаткичларга мувофиқ ҳамда санитария-техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек, зарур кутубхона жиҳозлари ва инвентарларига эга бўлган муайян хизмат хонасини ажратиб беради.

4.5. Кутубхоначи китоб жамғармасини яхши сақлаш учун масъулдир ҳамда белгиланган қонунчиликлар тартиби бўйича кутубхона фаолиятини юрғизишга жавобгардир.

4.6. Кутубхона жамғармасига зарар келтирган айбдор кутубхона-

чи амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда жавобгардир.

4.7. Кутубхонани молиялаштириш Методика кабинетининг муайян смета моддаси ҳисобидан амалга оширилади.

4.8. Кутубхона ўзининг тўлиқ номланишига мувофиқ штатга эга бўлади.

4.9. Кутубхоначи кутубхонага оид ҳужжатлаштириш ишларини олиб боради ҳамда ўз фаолияти бўйича ҳисобот ва иш режасини, бошқа ахборотларни туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети мудирига тақдим этади.

4.10. Кутубхона бошқа кутубхона, ташкилотлар билан ёзишмаларни йўлга қўйишга, кутубхона уюшмасига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

4.11. Кутубхоначи ўз хизмат доирасидаги ишларга тўла масъулдир ҳамда Низомда кўрсатилган вазифаларга мувофиқ ўз фаолияти мазмунини ва аниқ шаклини белгилаб олиши мажбурийдир.

2.7. Туман (шаҳар) Методика кабинети қошидаги Таянч мактаблари тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Таълим муассасалари учун методик ишларнинг таянчи сифатида Ўзбекистан Республикаси ҳудудидаги барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг Методика кабинетлари қошида фан ва йўналишлар бўйича Таянч мактаблари ташкил этилади.

1.2. Таянч мактаби туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими томонидан вилоят ПКҚТМОИ ва Методика (Таълим) маркази билан келишган ҳолда белгиланади.

1.3. Таянч мактабининг тегишли фан (йўналиш) бўйича фаолиятига туман фан Методика уюшмасининг раиси раҳбарлик қилади. Таянч мактаби ўз ишини мактаб директори раислигидаги кенгаш орқали ташкил этади. Битта мактабда бир нечта фан (йўналиш) бўйича Таянч мактаби бўлиши мумкин.

2. Таянч мактабининг асосий вазифалари

2.1. Туман (шаҳар) умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган педагогик ходимлар учун ўқишлар (ўқув семинари, семинар-тренинглар ва бошқалар) ташкил қилади.

2.2. Туман (шаҳар) мактабларидаги илғор тажрибали педагог-

ларнинг иш тажрибасини ўрганиш бўйича ишларни ташкил қилиш учун шароит яратади.

2.3. Фан ва йўналишлар бўйича таълим самарадорлигини оширишда илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ қилишни ташкил қилади.

2.4. Фан ва йўналишлар бўйича тажриба-синов ишларини ўтказди.

2.5. Таянч мактабларида тегишли фан (йўналиш) бўйича туман (шаҳар) миқёсида методика хонаси ташкил этилади.

2.6. Туман фан Методика уюшмаларининг фаолияти Таянч мактабларида ташкил этилади.

2.7. Таянч мактабининг асосий иш шаклларида бири ҳаракатдаги ўқув семинаридир. Семинар машғулотида мунозара, ишбилармонлар ўйини, яққа ва гуруҳ шаклида консультациялар бериш, илғор иш тажрибани амалда кўрсатиш кабилар режалаштирилади. Семинар давомида кўрик-танловлар, кўргазмалар, олимпиадалар ҳамда Методика уюшма ишлари кўрсатилади.

3. Таянч мактаби ишини ташкил этиш

3.1. Таянч мактабларида вилоят ПКҚТМОИ томонидан курс қатнашчилари учун машғулоти ўтказилади.

3.2. Таянч мактаби ўз иш режасини туман фан Методика уюшмаси иш фаолияти асосида режалаштиради.

3.3. Таянч мактаблари туман Методика кабинетининг Методика кенгаши ишлари, ўқитувчиларнинг мунтазам малакаларини ошириб бориш, методика бўйича тавсиялар бериш, Методика марказлари билан алоқани амалга ошириш учун семинарлар ташкил қилади.

4. Таянч мактабининг ҳужжатлари

Таянч мактаби фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

4.1. Иш режа.

4.2. Йиғилиш баённомалари ва таянч мактаби фаолиятига доир ҳужжатлар.

4.3. Ҳисоботлар.

4.4. Юқори ташкилотлардан келиб тушган ўқув-методик ҳужжат ва материаллар нусхаси.

2.8. Сиртқи олимпиада мактаби тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қондалар

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон қарори асосида умумий ўрта таълим мактабларининг умумтаълим фанлари бўйича иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш, Республика ва халқаро олимпиадаларга номзодлар танлаш мақсадида сиртқи олимпиада мактаби ташкил этилади.

2. Сиртқи олимпиадани ташкил этиш, ўтказиш тартиби

Сиртқи олимпиада 7–10-синф ўқувчилари билан 5 та фан (физика, математика, кимё, биология, информатика) бўйича ўтказилади ва ҳар ўқув йили охирида якуний тур ўтказилади. Сиртқи олимпиада тўртта турдан иборат бўлиб, ҳар бир турда масала ва мисоллар, савол ва топшириқлар берилиб, улар натижасига кўра бир турдан иккинчи турга ўтган ўқувчилар рўйхати эълон қилинади ва ҳар бир тур якунига кўра ўқувчилар турдан турга ўтиб охириги якунловчи тургача етиб келган ўқувчилар тақдирловчи ўринларни эгаллайди. Агар якунловчи турга 3 тадан кўп ўқувчи чиқса, улар ўринлар учун махсус топшириқ бажарадилар ва голиб аниқланади.

Сиртқи олимпиадининг биринчи, иккинчи ва бирор турига қатнаша олмай қолган ўқувчилар (касал ёки бошқа сабаблар) махсус топшириқлар билан турдан турга ўтказилади. Бирор тур натижаси ёмон бўлиб, лекин оригинал ечимлар топган ўқувчи ҳам ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан турдан турга ўтказилиши мумкин.

Сиртқи олимпиада учун тузиладиган (бериладиган) топшириқлар дарслик билан чегараланиб қолмайди. Сиртқи олимпиадага қатнашишни хоҳловчи ўқувчилар ўзлари ҳақида тўлиқ маълумот ва биринчи тур топшириқларини бажариб юборадилар ва шундан сўнг қабул қилинадилар. Сиртқи олимпиадининг ҳар бир тури учун саволлар ва уларнинг натижалари «Истиқбол гунчалари» ўқувчилар газетасида чоп этилади ва белгиланган муҳлатда «Методика маркази»га етказилади.

3. Сиртқи олимпиадага қатнашувчиларнинг ҳуқуқлари

Сиртқи олимпиада қатнашувчилари орасидан тақдирловчи ўрин олган ўқувчилар танловсиз туман (шаҳар), вилоят олимпиадасига қатнашиш ва халқаро олимпиадаларга тавсия этилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир фан кесимида мукофотли ўринларга эга бўлиб, қимматбаҳо совғалар олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритадилар.

4. Сиртқи олимпиада мактабининг таркиби

Сиртқи олимпиада мактабининг таркиби директор, директор ўринбосари ва барча фанлар бўйича мутахассислардан иборат бўлади. Мутахассислар ижодкор ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг ижодкор профессор-ўқитувчилари орасидан танлаб олинади.

5. Сиртқи олимпиада мактабининг молиявий таъминоти

Сиртқи олимпиада мактаби иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъатини тақдирлаш «Истиқбол гунчалари» газетасининг даромади, «Педагогик сервис» ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги 414-сонли қарорига асосан хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш ижара ҳақлари ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

2.9. Олимпиада захира мактаби тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

Ўзбекистан Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сонли қарори асосида Республика умумий ўрта таълим мактабларининг умумтаълим фанлари бўйича иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш, умумтаълим фанларидан ўтказиладиган фан олимпиадаларига иштирок этувчи вилоят жамоалари аъзоларини танлаш, халқаро олимпиадаларга қатнашувчи захира тайёрлаш, мазкур Низом олимпиада захира мактабини ташкил этиш ва машғулотларни олиб бориш, қабул қилиш қоидалари ва тартибини белгилайди.

2. Олимпиада захира мактабининг мақсад ва вазифалари

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасидан умумтаълим фанлари бўйича иқтидорли болаларни аниқлаш, қобилият ва истеъдодларини ривожлантириш, улардаги ижодий қобилиятнинг рўёбга чиқишига қўмаклашиш ва қўллаб-қувватдаш, касб танлашларига қўмаклашиш ва уларни ўзлари севган касб-хунарга йўналтириш.

Иқтидорли болаларни аниқлашда педагогларни ижодкорликка, ўз маҳоратларини ривожлантиришга, ота-оналар билан ҳамкорликка, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи олимпиада захира мактабининг асосий мақсади қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, тарбиялаш, рағбатлантириш, камолотга етказиш жараёнида мактаб, ота-оналар; жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш.

3. Қабул қилиш қоидалари ва таълим жараёнини олиб бориш тартиби

Олимпиада захира мактабига 5–10-синф ўқувчилари орасидан иқтидорли, қобилиятли, истеъдодли болалар аниқланиб, қабул қилинади ва фанлар кесимида 6–8 ўқувчидан иборат гуруҳлар тузилади. Бунда ўқувчиларнинг ёштини эътиборга олган ҳолда 5–6, 7–8, 9–10-синфлар бўйича гуруҳлар тузилади.

Гуруҳларга дарс берувчи ўқитувчилар тест ва суҳбат асосида ижодкор ўқитувчилар орасидан танланади. Машғулотлар жалдан асосида ҳафтада 2 кун олиб борилади. Ҳар бир гуруҳ раҳбари тасниқланган режа ва дастур асосида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлайди, шахсий психологик хусусиятларини ривожлантиради, тарбиялайди. Олимпиада захира мактабига қабул қилинган ўқувчилар машғулотлар давомида қайта аниқланади ва машғулотларга тўлиқ қатнашмаган, топшириқларни бажара олмаган ўқувчилар мактабни четлаштирилади.

4. Олимпиада бўйича «Захира мактаби»га тинловчиларни қабул қилиш шартлари

Ўқувчиларни «Захира мактаби»га қабул қилиш 5–10-синфлар ўртасида олиб борилиб, қуйидаги шартлар асосида ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Психологнинг йўлланмаси.
2. Фан ўқитувчиси ва синф раҳбарининг тавсияси.
3. Ота-она билан шартнома.
4. Танлаган фани бўйича тест ва оғзаки суҳбат.
5. Расм (4x9) 2 та.
6. Ариза ва таржимаи ҳол.

1. Мактаб психологи тестлар асосида ўқувчининг қобилияти, хотираси, интеллектуал, махсус қобилиятини аниқлайди.

2. Шу фандан қандай ўқиши, ижодкорлигини ва синф раҳбари эса ўқувчи хулқ-атвори, одоби, шахсий сифатлари, тартиб-интизомини эътиборга олган ҳолда тавсия ёзиб беради.

3. Ота-она билан ўқувчининг шароити, келиб-кетиш вақти, тайёрлашга кетадиган сарф-харажатлар (китоб, қўлланма, ручка, дафтар ва бошқа керакли жиҳозлар) бўйича шартнома тузилади.

5. Олимпиада захира мактабининг ҳуқуқлари

1. Олимпиада захира мактаби ўз истиқбол режасини тузиш.
2. Олимпиада захира мактаби олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажарилишини амалга ошириш.
3. Ўқув режага берилган соатларни тақсимлаш, дарс жадвалини тузиш.
4. Ўқитувчиларга берилган юкларни муҳокама этиш.
5. Ўқув жараёнини ташкил этишда турли шакл ва усуллардан фойдаланиш.
6. Таълим оловчиларни аттестациядан ўтказиш.
7. Рағбатлантириш ва жавоаб.
8. Муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш.
9. Иш натижаларини ўрганиш ва омалаштириш.
10. Бюджетдан ташқари маблағ топиш ва ходимларни тақдирлаш.
11. Барча ташкилотлар ва муассасалар билан доимий алоқала бўлиш.
12. Қабул қилиш ва чиқариш.

6. Олимпиада захира мактаби таркибий тузилиши

1. Олимпиада захира мактабини изланувчан ижодкор директор бошқаради ва у Халқ таълими бошқармаси ваколатида бўлади.

2. Ўз таркибида мақсад ва вазифадан келиб чиқиб фаолият кўрсатувчи ўқитувчилардан иборат бўлади.

3. Фанлар кесимида бўлимлар, филиаллардан иборат бўлади.
4. Олимпиада захира мактаби Педагогика кенгаши, Методика кенгаши бўлиб Низом асосида иш олиб боради.

7. Олимпиада захира мактабининг молиявий таъминоти

Олимпиада захира мактабининг маблағи вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан ажратилган маблағ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги 414-сонли қарорига асосан хўжалик ҳисобидаги ишларидан келиб тушадиган «Педагогик сервис» фаолияти, тижорат, китоб савдоси ва ҳомийлар ажратган маблағлар, ота-оналар маблағи ҳисобидан бўлади.

2.10. Узлуксиз методик хизмат бўйича намунавий иш режалар

«Тасдиқлайман»

Туман халқ таълими бўлими Методика кенгаши раиси мудир

_____ туман халқ таълими бўлими Физика-математика методика уюшмасининг 200_ – 200_ ўқув йили учун намунавий ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I ййғилиш			
1.	200_–200_ ўқув йилида олинган ёзма иш, имтиҳон якунлари	200_ йил август	
2.	Уюшманинги янги ўқув йили учун иш режаси муҳокамаси		
3.	Мактаб услуб бирлашма вазифалари ва иш юритиш қоғозлари бўйича семинар-тренинг ўтказиш		
4.	Математика ва физика фанларидан туман олимпиадасига тайёргарлик кўриш гуруҳини ташкил этиш, чора-тадбирларини ишлаб чиқиш		
5.	Малака ошириш курсида ўқиб келган ўқитувчилар ҳисоботи		

II йиғилиш		
1.	Математика ва физика бўйича ўтказилган кўрик-танлов якуни. Туман олимпиадалари натижалари ва давлат тест марказининг туман битирувчи ўқувчиларини олий ўқув юртларига кириш ҳақидаги маълумотнинг таҳлили	200_ йил декабр
2.	Тўғарақларни ташкил этиш, олиб бориш тажрибасидан	
3.	Ёш ўқитувчиларга методик хизмат кўрсатиш	
4.	Доимий ҳаракатдаги семинарда иштирок этиш	
5.	«Буюк Ипак йўли» олимпиадаси материалларини ўрганиш	
III йиғилиш		
1.	Математика, физика дарсларида илғор педагогик технология усулларини қўллаш	200_ йил март
2.	Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар учун тестлар тузиш иш тажрибасини ўрганиш	
3.	Физика, математика фанларини ўқитишда кўргазмалар қуроллардан фойдаланиш	
4.	Физика фанини ўқитишда лаборатория ишларини ўтказиш методикаси	
5.	Доимий ҳаракатдаги семинарда иштирок этиш	
IV йиғилиш		
1.	Битирувчи ўқувчиларнинг якуний аттестацияси якунлари	200_ йил июн
2.	Физикадан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларни аниқлаш ва уни ўтиш методикаси бўйича тавсия	
3.	Физика-математика фанлари бўйича буюк сиймолар ҳаётини ва ижодини ўрганиш ҳамда дарс жараёнида қўллаш	
4.	Миллий истиқлол ғоясини физика, математика дарсларида қўллаш	
5.	Август анжуманига тайёргарлик ва уни ўтказиш	

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

«Тасдиқлайман»
Мақтаб «Методика кенгаши» раиси _____

_____ мактаб физика-математика фани метод бирлашмасининг
 200_—200_ ўқув йили учун тахминий
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Ўтган ўқув йили ҳисоботи. Янги дарс режаларини тасдиқлаш	Август	
2.	Ҳар хил масалалар		
II йиғилиш			
1.	Фан ўқитувчисининг иш тажрибасини оммалаштириш	Октябр	
2.	Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни мураббийликка тайинлаш ва методик ёрдам кўрсатиш		
3.	Синфдан ташқари ишлар, тўгарак ишларини ташкил этиш		
4.	Ҳар хил масалалар		
III йиғилиш			
1.	Дарслар жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш	Ноябр, декабр	
2.	Малака ошириш курсида ўқиб келган ўқитувчилар ҳисоботи		
3.	Давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда очиқ дарслар ўтказиш		
4.	Ҳар хил масалалар		
IV йиғилиш			
1.	Метод бирлашма аъзоларининг ўз мумаммоли мавзулари бўйича олиб бораётган ишлари муҳокамаси	Январ, феврал	
2.	Ҳар хил масалалар		
V йиғилиш			
1.	Физика-математикадан фан ҳафталигини ўтказиш	Март, апрел	
2.	Ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар бўйича дарс ишланмаларини тайёрлаш		
3.	Синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ёки битириш имтиҳонлари учун қўшимча топшириқлар тайёрлаш		

4.	Ҳар хил масалалар		
VI йиғилиш			
1.	Ўқув йили якуни бўйича ҳисобот	Май, июн	
2.	Август кенгашига тайёргарлик кўриш		
3.	Ҳар хил масалалар		

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Методика бирлашмаси ҳужжатлари

Методика бирлашмаси фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

- методика бирлашмалари аъзолари ҳақида маълумот;
- иш режаси;
- йиғилиш баённомалари;
- ҳисоботлар;
- методика бирлашмаси фаолиятига алоқадор бўлган ўқув методик ҳужжатлар нусхаси;
- методика бирлашмасига юқори ташкилотлардан келиб тушган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси.

«Тасдиқлайман»

«Методика кенгаши» раиси

_____ мактаб Информатика фани метод бирлашмасининг
200_ – 200_ ўқув йили учун тахминий
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Ўтган ўқув йили ҳисоботи. Янги дарс режаларини тасдиқлаш	Август	
2.	Ҳар хил масалалар		
II йиғилиш			
1.	Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни мураббийликка тайинлаш ва методик ёрдам кўрсатиш	Ноябр, декабр	
2.	Давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда очиқ дарслар ўтказиш		

3.	Ҳар хил масалалар		
	III йиғилиш		
1.	Метод бирлашма аъзоларининг ўз муам- моли мавзулари бўйича олиб бораётган муҳокамаси	Январ, феврал	
2.	Малака ошириш курсида ўқиб келган ўқитувчилар ҳисоботи		
3.	Мактабнинг информатика фани ўқитув- чиларини дарс жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланишларининг сама- дорлиги ҳақида		
	IV йиғилиш		
1.	Мактаб фан ўқитувчисининг иш тажри- басини оммалаштириш	Октябр	
2.	Дарслар жараёнида илғор педагогик тех- нологиядан фойдаланиш		
3.	Синфдан ташқари ишлар, тўғарак иш- ларини ташкил этиш		
	V йиғилиш		
1.	Информатикадан фан ҳафталигини ўтка- зиш	Март, апрел	
2.	Ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар бўйича дарс ишланмаларини тайёрлаш		
3.	Ҳар хил масалалар		
	VI йиғилиш		
1.	Ўқув йили якуни бўйича ҳисобот	Май, июн	
2.	Август кенгашига тайёргарлик кўриш		
3.	Ҳар хил масалалар		

Методика бирлашмаси ҳужжатлари

Методика бирлашмаси фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

- методика бирлашмалари аъзолари ҳақида маълумот;
- иш режаси;
- йиғилиш баённомалари;
- ҳисоботлар;
- методика бирлашмаси фаолиятига алоқадор бўлган ўқув методик ҳужжатлар нусхаси;
- методика бирлашмасига юқори ташкилотлардан келиб тушган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси;

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унинг ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

«Тасдиқлайман»
Туман халқ таълими бўлими
Методик кенгаш раиси

_____ туман халқ таълими бўлими Информатика фанидан метод
уюшманинг 200_–200_ ўқув йили учун намунавий
ИШ РЕЖАСИ

Т/ р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	200_–200_ ўқув йилида олинган ёзма иш, имтиҳон якунлари	200_ йил август	
2.	Уюшманинг янги ўқув йили учун иш режаси муҳокамаси		
3.	Мақтаб услуб бирлашма вазифалари ва иш юритиш қоғозлари бўйича семинар-тренинг ўтказиш		
4.	Информатика фанидан туман олимпиадасига тайёргарлик кўриш гуруҳини ташкил этиш чора-тадбирларини иш-лаш		
II йиғилиш			
1.	Информатика фани хоналарини жиҳоз-ланиши. Барча ўтказилган кўрик-тан-ловлар якуни. Туман олимпиадалари	200_ йил декабр	
2.	Мақтабнинг ёш ўқитувчилари билан 7–9-синф ўқувчилари учун семинар-тренинг ўтказиш		
3.	«Буюк Ипак йўли» олимпиадаси ҳақида 2002 йил 3/5 сонли «Информатика» илмий услубий журналдаги мақолани ишлаб чиқиш		
III йиғилиш			
1.	Информатика дарсида илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда мактабларда олиб борилаётган ишлар	200_ йил март	
2.	Давлат таълим стандартларини мактаб-ларнинг 9-синфларида жорий этилиши бўйича 3-чорак якунлари таҳлили		

3.	Мактабнинг информатика фани ўқитувчилари дарс жараёнида кўргазмалардан фойдаланишларининг самараси ҳақида		
IV йиғилиш			
1.	Битирувчи ўқувчиларнинг якуний аттестация якунлари	200_ йил август	
2.	«Шогирдим – фахрим менинг» 11-синф ўқувчиларининг синфдан ташқари кўриги		
3.	Август анжуманига тайёргарлик кўриш		

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

«Тасдиқлайман»

Туман халқ таълими бўлими Методика кенгаши раиси _____

_____ туман халқ таълими бўлими Кимё-биология фанидан метод уюшманинг 200_–200_ ўқув йили учун намунавий
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил август	
2.	Янги ўқув йилига тайёргарлик. Уюшманинг янги ўқув йилига режасини муҳокама қилиш		
3.	Фан кабинетларининг «Энг намунали фан кабинети» кўрик-танловига тайёргарлик кўриш		
4.	Халқ таълими вазирлигининг янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларини ўрганиш		
II йиғилиш			
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил октябр	
2.	_№ мактабда 9-синф ўқувчилари билан интерактив метод элементларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчилар билан ҳамкорликда семинар-тренинг ўтказиш		

3.	Малака ошириш курсида ўқиб келган ўқитувчилар ҳисоботи		
4.	Туман олимпиадасига тайёргарлик масалалари		
III йиғилиш			
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил декабр	
2.	Кимё-биология фанлари бўйича туман олимпиадаси якунлари ҳақида		
3.	_№ мактаб ўқитувчиларининг дарс жараёнида илғор педагогик технологияларни жорий этишлари ҳақидаги ишлари		
4.	«Энг намунали фан кабинети» кўриктанловининг якунлари ҳақида		
IV йиғилиш			
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил феврал	
2.	Ёш кимё-биология ўқитувчиларига кўрсатилаётган методик хизмат тўғрисида		
3.	Кимё дарсларида маҳаллий материаллардан фойдаланиб, лаборатория машғулотларини ўтказиш		
4.	Вилоят миқёсида экологияга доир ўтказиладиган анжуманга тайёргарлик		
5.	«Томчи сувда ҳаёт жилваси» кўрик-танловининг якунларини кўриб чиқиш		
V йиғилиш			
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил апрел	
2.	Якуний аттестацияга тайёргарлик ҳақида		
3.	Иқтидорли болалар билан олиб борилаётган ишлар ҳисоботи		
4.	_№ мактаб кимё фани ўқитувчисининг очиқ дarsi		
VI йиғилиш			
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил июн	
2.	Битирувчиларнинг якуний аттестация натижалари таҳлили		
3.	Август анжуманига тайёргарлик		
4.	Ҳар хил масалалар		

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

«Тасдиқлайман»
Мақтаб Методика кенгаши раиси _____

_____ мактаб Кимё-биология метод бирлашмасининг
 200_–200_ ўқув йили учун тахминий
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Ўтган ўқув йили ҳисоботи	Август	
2.	Янги ўқув йили учун дарс режаларини тақсимлаш		
3.	Ёш ўқитувчиларга мураббийлар тайинлаш ва методик ёрдам кўрсатиш		
4.	Ҳар хил масалалар		
II йиғилиш			
1.	Мақтаб илғор ўқитувчилар иш тажрибаларни оммалаштириш	Октябр	
2.	Дарслар жараёнида инновацион усуллардан фойдаланиш		
3.	Ҳар хил масалалар		
III йиғилиш			
1.	Мақтаб олимпиадасига тайёргарлик кўриш	Нояб. дек.	
2.	Дарслар ва унга қўйилган талаблар. Очиқ дарслар ўтказиш		
3.	Ҳар хил масалалар		
IV йиғилиш			
1.	Синфдан ташқари ишлар, фан тўғарак ишларини ташкил этиш	Январ	
2.	Метод бирлашма аъзоларининг ўз устида ишлашларини ташкил этиш		
3.	Ҳар хил масалалар		
V йиғилиш			
1.	Чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар учун алоҳида режа ва дастур тайёрлаш	Март, апрел	
2.	Ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар бўйича дарс ишланмаларини тайёрлаш		
3.	Ҳар хил масалалар		
VI йиғилиш			
1.	Ўқув йили якуни бўйича ҳисобот	Май, июн	
2.	Август кенгашига тайёргарлик кўриш		
3.	Ҳар хил масалалар		

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Методика бирлашмаси ҳужжатлари

Методика бирлашмаси фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

- методика бирлашмалари аъзолари ҳақида маълумот;
- иш режаси;
- йиғилиш баённомалари;
- ҳисоботлар;
- методика бирлашмаси фаолиятига алоқадор бўлган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси;
- метод бирлашмага юқори ташкилотлардан келиб тушган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси.

«Тасдиқлайман»

Туман халқ таълими бўлими Метод кенгаши раиси _____

_____ туман халқ таълими бўлими География ва иқтисодий билим асослари фанидан метод уюшманинг 200_–200_ ўқув йили учун намунавий ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Ўтган ўқув йилининг якуни. Янги ўқув йилидаги вазифаларни белгилаш	200_ йил август	Мактабда
2.	Ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш		
3.	«Энг яхши жиҳозланган фан хонаси» кўрик-танловини ўтказиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш		
4.	Ёш ўқитувчиларга мураббийлик қилиш, уларга методик тавсиялар бериш		
5.	Семинарда иштирок этиш		
6.	Ҳар хил масалалар		
II йиғилиш			
1.	Туманда география ва иқтисодий билим асослари фанидан ўтказиладиган олимпиадага тайёргарлик кўриш, бирлашма аъзоларини низом билан таништириш	200_ йил октябр	

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Методика бирлашмаси ҳужжатлари

Методика бирлашмаси фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

- методика бирлашмалари аъзолари ҳақида маълумот;
- иш режаси;
- йиғилиш баённомалари;
- ҳисоботлар
- методика бирлашмаси фаолиятига алоқадор бўлган ўқув методик ҳужжатлар нусхаси.

«Тасдиқлайман»

Туман халқ таълими бўлими

Метод кенгаши раиси _____

_____ туман халқ таълими бўлими Она тили ва адабиёт
фанларидан метод
уюшманинг 200_–200_ ўқув йили учун намунавий
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. Ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иш-тирок этиш	200_ йил август	
2.	Она тили ва адабиёт фан бўйича методик уюшманинг ўтган ўқув йилида ба-жарилган иш натижалари ва янги ўқув йилидаги вазифалари		
3.	Уюшманинг янги ўқув йили иш режаси муҳокамаси		
4.	«Ёш қаламкашлар» кўрик-танловини ўтказиш чора-тадбирлари ҳақида суҳбат		
5.	Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 18 йиллигини нишонлаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш		
6.	Ҳар хил масалалар		

II йиғилиш		
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил октябр
2.	Мактабларда ўтказиладиган фан олимпиадасига тайёргарлик кўриш. Олимпиада низоми билан таништириш, методик тавсиялар бериш, олимпиада материалларини тайёрлаш, ҳакамлар ҳайъатини тайёрлаш	
3.	«Ёш каламкашлар» кўрик-танлови якуни	
4.	Ёш ўқитувчиларга кўрсатилаётган методик ишлар тўғрисида ҳисобот	
III йиғилиш		
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил декабр
2.	Мактабларда ўтказилган фан олимпиадалари якуни, туман олимпиадасига тайёргарлик кўриш	
3.	А. Навоий таваллудининг 567 йиллигини нишонлаш юзасидан чора-тадбирлар тузиш ва таълим муассасаларига етказиш	
4.	Она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчилари томонидан янги педагогик технология бўйича олиб борилаётган ишларни муҳокама қилиш ва оммалаштириш учун вилоятга тавсия этиш	
5.	Она тили ва адабиёт фанларини ўқитишда фан хоналарини жиҳозлашга қўйилган талаблар ва кўرғазма, қўлланмалардан фойдаланиш технологияси учун тавсиялар тайёрлаш	
IV йиғилиш		
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил феврал
2.	1-ярим йилликда она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги муҳокамаси	
3.	Туманда ўтказилган фан олимпиадаси якуни	
4.	Наврўз байрамига тайёргарлик, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва таълим муассасаларига етказиш	
5.	Машғулотларга ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш усуллари	

V йиғилиш		
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил апрел
2.	Мактабда «Миллий анъаналар ва умминсоний қадриятлар асосида ижодий шахсни ривожлантириш» мавзусида ўтказилган анжуман муҳокамаси	
3.	Она тили ва адабиёт фанлари бўйича очиқ дарслар муҳокамаси	
4.	Битирув имтиҳонларига ҳужжатлар тайёрлаш, имтиҳон йўриқномалари билан ўқитувчиларни таништириш, услубий ёрдам бериш	
VI йиғилиш		
1.	Доимий ҳаракатдаги семинарларда иштирок этиш	200_ йил июн
2.	Мактабда «Она тили ва адабиёт дарсларининг синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш» мавзусида ўтказилган анжуман муҳокамаси	
3.	Август анжуманига тайёргарлик ишлари	
4.	200_–200_ ўқув йили учун методик уюшманинг иш режасини кўриб чиқиш	
5.	Битирув имтиҳонлари якуни	

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

«Тасдиқлайман»

Туман халқ таълими бўлими Метод кенгаши раиси _____
_____ туман халқ таълими бўлими Хорижий тиллар фанидан
метод уюшманинг 200_–200_ ўқув йили учун намунавий

ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Хорижий тил ўқитувчиларининг август анжумани	200_ йил август	
2.	Метод уюшманинг иш режасини тасдиқлаш		
II йиғилиш			
1.	Мактабларда хорижий тилларни ўқитишда синфдан ташқари ишларнинг афзаллиги	200_ йил октябр	
2.	Мактаб фан олимпиадаларининг якуни ва туман олимпиадасига тайёргарлик кўриш		
III йиғилиш			
1.	Мактабларда ДТС талаблари асосида хорижий тилларнинг ўқитилиш аҳволи	200_ йил декабр	
2.	1-чорак якунлари мониторинги ва ДТС талабларининг бажарилиши аҳволи		
3.	Фан олимпиадаларининг 1-босқич якунлари ва 2-босқичга тайёргарлик		
IV йиғилиш			
1.	Шаҳар фан олимпиадаси якуни	200_ йил феврал	
2.	Хорижий тилда «Наврўз» байрамини ўтказиш		
3.	«Хорижий тил дарсларида ноанъанавий усулларнинг қўлланиши» мавзусида анжуман		
V йиғилиш			
1.	Ёш мутахассислар билан олиб борилаётган ишлар мониторинги	200_ йил апрел	
2.	Ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш учун 3-чорак якунлари бўйича ўтказилган тест синовларининг натижалари		
3.	Ўқувчиларнинг оғзаки нутқларини ўстиришда хорижий тиллар тўғарақларининг роли		
VI йиғилиш			
1.	Ўқув йилининг якуни	200_ йил июн	
2.	Август анжуманига тайёргарлик		

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

«Тасдиқлайман»
Туман халқ таълими бўлими
Метод кенгаши раиси _____

_____ туман халқ таълими бўлимининг Мактаб етакчилари
 учун метод уюшманинг
 200_–200_ ўқув йили учун намунавий
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Иш мазмуни	Муддати	Масъул. ўтказиш жойи
I йиғилиш			
1.	Мактаб етакчилари билан 200_–200_ ўқув йилига яқун яшаш. 200_–200_ ўқув йили иш режасини тасдиқлаш	200_ йил август	
2.	ХТБнинг 2002 йил 8 июлдаги 109-сонли буйруғини ишлаб чиқиш		
3.	Етакчилар билан ўтказиладиган туман ва шаҳар анжуманларини режалаштириш		
II йиғилиш			
1.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тadbирларни ўтказиш юзасидан методик тавсиялар бериш	200_ йил октябр	
2.	«Мактаб етакчиси фаолиятининг мазмуни ва асосий вазифаси» мавзусида амалий семинар ўтказиш		
III йиғилиш			
1.	Ўқувчилар билан қишки таътил даврида ўтказиладиган оммавий тadbирлар ҳақида услубий тавсиялар бериш	200_ йил декабр	
2.	Камалак ташкилоғи сардорлари билан олиб борилаётган ишлар ҳақида тажриба алмашув		
3.	Болалар жамоаси ишини такомиллаштиришда мактаб етакчисининг тугган ўрни мавзусида маъруза		
IV йиғилиш			
1.	Байрам ўтказиш бўйича мактаб етакчилари билан амалий машғулот ўтказиш	200_ йил феврал	

2.	Энг яхши ойнома тайёрлаш, турли мусобақаларга ҳамкорлик қилиш юзасидан услубий машғулот ўтказиш		
3.	Иқтидорли ўқувчиларни аниқлашда болалар етакчисининг роли		
V йиғилиш			
1.	Думалоқ стол атрофида етакчилар билан давра суҳбати	200_ йил август	
2.	Мактабда ташкил этиладиган оромгоҳларда мавсумий болалар ташкилотини тузиш юзасидан методик ёрдам		
VI йиғилиш			
1.	Ўқув йилининг якуни	200_ йил август	
2.	Август анжуманига тайёргарлик		

Изоҳ: Ушбу режа тахминий бўлиб, унга ўқитувчилар талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

III БОБ. ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ ВА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

3.1. Илғор педагогик технология

Илғор педагогик технология «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида олиб борилаётган туб ислоҳотлар асосий йўналишларининг бош ҳаракатлантирувчи кучидир. Илғор педагогик технология шундай билимлар соҳасики, бунда 3-минг йилликда туб бурилишлар, билимга чанқоқлик, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, маънавий ва руҳий баркамоллик тизимли равишда шакллантирилади.

Технология сўзи (юнонча) «*технос*» — санъат, ҳунар, «*логос*» — фан, «педагог» эса бошқарувчи, етакловчи (таълим-тарбияга) маънони англатади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, технология жараён (ишлаб чиқариш жараёни, таълим-тарбия жараёни ва ҳ.к.). Ишлаб чиқаришда меҳнат қуроллари билан меҳнат объектларига таъсир этиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Айрим педагогларнинг фикрича, педагогик технология бу — ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир. Услуб (метод) ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуидир. Педагогик технология эса ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган йиғиндидир.

Ўқув жараёнини техник воситалар ва ЭҲМ ёрдамида амалга ошириш илғор педагогик технологиянинг бир қисмигина, холос. Педагогик технологияда «Янги сўз»ни ишлатиш «Эски»нинг самарали томонини олиб, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда янгича технология асосида баркамол, етук шахсларни етказиб бериш тушунилади.

Мустақиллик шарофати билан таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифасини тўлалигича янгилаш зарурияти туғилди. Бундан келиб чиққан ҳолда:

- кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўрнини аниқлаш;
- замонавий иқтисодиёт, саноат, тиббиёт, экология соҳаси технологиялари билан педагогик технологияни мунтазам янгилаб бо-

риш, табақалаштирилган ҳолда ёндашув асосида унинг асосий мезонларини аниқлаш;

– истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва унга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш, самарасини аниқлаш;

– илғор педагогик технологияларни диагностика қилиш, коррекцион ва назорат, баҳолаш ишларини жорий этиш;

– малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг узлуксизлигини таъминлаш;

– илғор педагогик технология асосларини олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиш;

– ижодкор ўқитувчилар ишини ўрганиш ва оммалаштириш;

– бу ишларни амалга ошириш учун педагогик технология Давлат марказларини тузиш.

Педагогик технологияни таълим жараёнига тезда киритиш учун куйидаги ишларни амалга ошириш керак:

– дарс жараёнида таълим-тарбияга ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёнининг субъекти бўлишга эришиш (яъни ўқувчи зиммасида ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш ва ҳ.к.).

– ўқитувчи ўқувчини эҳтиёж тўғдириш, муҳит яратиш ва ундан масъулиятли фойдаланишни сезишга ўргатиш;

– дарснинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, касбга йўлловчи мақсадларини амалга оширишда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги ва ҳаракати.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчи учун ҳам ички мотивни эҳтиёжга айлантириш учун педагогик технология мониторинги куйидаги босқичлардан иборат бўлиши керак:

– ўрганиш, тушуниб етиш, таҳлил эта олиш, синтез, баҳо олиш.

Қисқаси педагогик технология қандай қилиб, қандай усуллар билан таълим жараёнини ташкил этилса, натижа яхши бўлади, деган саволга жавоб беради ва ўқувчиларда куйидагиларни шакллантиради:

– боланинг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши, унинг имкониётлари даражасида қондирилади;

– ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

– билимларни мустақил эгаллаш малакаси шаклланади;

– шахснинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратилади.

Илғор педагогик тажриба соҳибининг кабинети, жиҳозлари, кўргазмалар қуроллари, илмий мақола ва бошқа ишлари баҳола-
ниб, дарсни ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини жорий этиш, ўқув-
чиларнинг психологик хусусиятларини ривожлантириш, ўқитиш
эмас, ўқишга ўргатиш каби тамойиллар ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу бўлимда биз илғор педагогик тажрибанинг психологик ас-
пекти (йўналиши) ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Илғор педагогик тажрибанинг асосини ташкил этувчи юқори-
даги айтилган тамойиллар қандай даражада жорий этилганлиги ва
унинг натижасини аниқлашдан иборат. Чунки ўқитувчи таълим
мазмунини, дарсликни, Давлат таълим стандартларини (фақат мак-
симал кўтаришта интилиши мумкин), дастур ва бошқаларни ўзгар-
тира олмайди, лекин юқоридагиларга асосланиб, таълим-тарбия
жараёнига ижодий ёндашиб, уни бошқача ташкил этиши мумкин.
Ташкил этганда ҳам қуйидаги қоидаларга жавоб бериши лозим:

– дарс, (ўқув, таълим жараёни) таълим қандай психологик қону-
ниятлар асосида ташкил этилган;

– бу тажрибада таълим ва ривожлантиришнинг боғлиқлиги
(қайси, қандай ва ҳ.к.);

– тафаккур (фикрлаш) қай даражада, қандай турлари ривож-
лантирилади;

– шахсий хусусиятлар қандай йўллар билан ривожлантирилган;

– мустақил билим олиш, муносабат ва мулоқот қай даражада,
қандай йўллар билан амалга оширилган.

Дарсни ташкил этиш ва ташкилий қисми, дарснинг бориши
деганда нимани тушунамиз? Бунда биз ўқитувчининг ўзаро муно-
сабат ва мулоқоти, дарснинг тузилиши (ўқув таълим жараёнининг),
ўқитувчининг бошқарувчанлик, ўқувчининг эса ўқиш жараёнида
фаоллигини тушунишимиз лозим.

3.2. Интерактив дарс ишланмасига қўйилган талаблар

Илғор педагогик тажрибада кўпинча ўқитувчиларнинг дарсни
қандай ташкил этишлари (усуллари)га боғлиқ бўлиб, ана шу ерда
уларнинг ижодкорлиги намоён бўлади. Ана шу ижодкорлик тажри-
бада синалиб илғор номини, оммалашиб технология номини ола-
ди. Илғор педагогик технологияда дарснинг тузилишига қуйидаги
талаблар қўйилган:

Фан:

Синф:

Мавзу:

Мақсад:

- а) тарбиявий;
- б) таълимий;
- в) ривожлантирувчи;
- г) касбга йўлловчи;

д) миллий мафкура тамойилларини болалар онги ва қалбига сингдириш.

Дарс типи:

1. Янги билим, тушунча ҳосил қилувчи.
2. Кўникма, малака ҳосил қилувчи.
3. Мустақамловчи.
4. Синовчи.
5. Аралаш типдаги.

Дарснинг услуби (метод):

- а) оғзаки;
- б) кўргазмали-амалий;
- в) ёзма.

Дарснинг усули: Шу услуб (метод)ни олиб бориш усули (бу ҳақда тўхталамиз).

Дарснинг дидактикаси (жиҳози):

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм, психологик иқлим яратиш.
2. Дарс режаси:
 - а) б) в)
3. Дарснинг якуни.
4. Уйга вазифа.

Дарс тузилишидаги ривожлантирувчи мақсад бу ўқувчиларнинг шахсий психологик хусусиятларини ривожлантириш (нутқ, диққат, хотира, тафаккур ва ҳ.к.)дир. Кўпинча ўқитувчилар бу мақсадга нотўғри изоҳ берадилар.

Дарс услуби билан дарс усули ҳам кўпинча бир хил маънода тушунилади. Услуб (метод) ёзма, оғзаки, амалий – кўргазмали бўлиб, иш бажаришдаги ҳаракатдир, усул эса шу услубни (ҳаракатни) қандай ташкил этиш ва олиб боришдир.

Ҳозирги вақтда илғор педагогик тажриба асосидаги бир қанча усуллар бўлиб, уларнинг кўплари илғор (янги) педагогик технологиянинг интерфаол усуллари сифатида қабул қилинган («Ақлий

хужум», «Таянч сигналлар», «Зигзаг», «Кубик», «Музёра» ва ҳ.к.). Дарс дидактикасида эса ўқитувчининг ўзи биринчи намуна (нутқи, мимикаси, пантомимикаси, мулоқоти ва ҳ.к.), кўргазма қуроллар, тарқатма материаллар, ТТВ (таълимнинг техник воситалари), тестлар ва ҳ.к.

Дарснинг боришида психологик иқлим яратилгандан сўнг дарсда ўқитувчи ва ўқувчининг бажарадиган ишлари (дарс режаси)ни қандай жорий этиш, ташкил этишдаги босқичлар баён этилади.

Демак, илғор тажриба деганда: У нима бераяпти? Ўқувчиларни ҳаётга қандай тайёрляпти? Уларнинг ўқишга бўлган эҳтиёжларини қандай қондираяпти? Мустақилликка, мустақил билим олишга қандай ўргатаяпти? — деган саволларга жавоб бериши лозим.

3.3. Педагог кадрларга қўйиладиган замон талаблари

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» рақобатбардош кадрлар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди.

Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари;
- таълим олувчининг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Таълим бериш маҳорати педагогга қўйиладиган талаблар ва ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш шартлари билан боғлиқ бўлган қуйидаги бош омиллар билан аниқланади:

- қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;
- педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлиги;
- фанни чуқур билиши, касбий омилкорлик ва эрудиция;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини билиши;
- компьютер технологияларини билиш;
- касбий ахборот манбалари сифатида чет тиллардан бирорта-сини билиш;
- янги услубий ва билим манбалари сифатида илмий-услубий ишларни олиб бориш;

– узлуксиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатларини билиш.
Тарбиялай олиш маҳорати педагогнинг юксак маданият ва маънавий савиясига, шахсий ахлоққа, ватанпарварлик ва бурчига асосланади. Педагогнинг ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатларига қуйидагилар киради: талабчанлик ва адолатлилик, ҳалоллик ва хайрихоҳлик, киришимлилик ва ҳазил-мутойиба ҳисси. Таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолаш ва назорат қилиш маҳорати психологик-педагогик жиҳатдан педагогнинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳорати билан узвий боғлиқ. Педагог таълим олувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини билиши ва уларни мукамал равишда рейтинг назоратда қўллай олиши ҳамда стандарт тестларини ишлаб чиқа олиши ва қўллай олиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

«Илғор педагогик технологиялар»да педагог билиши лозим:

- илғор педагогик технологияларнинг илмий-услубий асосларини;
- илғор педагогик технологияларнинг тарихини;
- ўқув жараёнига ёндашиш тамойиллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- педагогик технологияларни дидактик қонуниятларини;
- ўқитиладиган фанга тааллуқли илғор педагогик технологияларни;
- дидактик жараёни маълум вақт чегарасида лойиҳалашни;
- ўқув жараёнининг мувофиқ вазиятларини ўрганишга доир тушунтирув-кўргазмавий, технологик ва изланувчан усулларини;
- ўқитишнинг актив усулларини билиш ва қўллай олишни;
- ўқитишга технологик ва изланувчан ёндашув усулини ишлаб чиқишни;
- уй вазифаларини мақсадли, диагностик, керакли ҳажмда бериш лойиҳаларининг мантиқий тузилмаси, коррекцияни;
- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг каталогларини ишлаб чиқишни;
- ўқув мақсадлари ва вазифалари асосида тест топшириқларини тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Идеал (мукамал) ўқитувчида бўлиши лозим бўлган сифатлар:

I. Мутахасис сифатида:

- педагогика назариясини билиши;
- педагогик маҳоратга эга бўлиши;
- психологияни теран билиши;

- таълим-тарбия технологиясини билиши;
- меҳнатни тўғри тақсимлай олиши;
- ишига муҳаббатли ва садоқатли бўлиши;
- педагогик қобилиятли бўлиши;
- умумий билимдонлик;
- сабр-тоқатлилиқ;
- эмпатия;
- ҳиссиётларини бошқара олиши;
- болаларни севиши ва тушуниши;
- нутқ маданиятига эга бўлиши;
- мулоқот маданиятини эгаллаган;
- ўзига ва ўзгаларга талабчан;
- тактикали бўлиши;
- ташкилотчилиқ;
- коммуникативлик.

II. Ишчи сифатида:

- мақсадлилиқ;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- малакасини доимий ошириш;
- иш унумдорлиги учун курашиш;
- ижодкорликка интилиш;
- ҳар томонлама билимдонлик;
- оптимист;
- жамоа билан келишиш;
- жавобгарлик, масъулият ҳисси;
- фаоллик;
- мослашиш;
- ишни тўғри тақсимлай олиш;
- техникани билиши;
- технологияни билиши;
- интизомлилиқ.

III. Инсон сифатида:

- юксак ахлоқий сифатларга эга бўлиши;
- шахсий хусусият даражаси;
- ўрнатилган қўла олиш қобилияти;
- жамият қонунларига ҳурмат;
- миллий ғурур;
- ғоявийлик;
- Ватанга, халққа муҳаббат;

- соғлик;
- динга тўғри муносабат;
- мулоқот маданияти;
- очиқ кўнгиллик;
- ўз-ўзини тарбиялай олиш;
- талабчанлик;
- сабр-тоқатлик;
- коммуникативлик;
- жамоатчилик;
- сиёсий фаоллик;
- интизомлик;
- инсонпарварлик, болаларни севиш каби хислатларга эга бўлиши лозим.

3.4. Ахборотли технологияда педагог кадрларга қўйиладиган замон талаблари

Ахборотли технологияда педагог билиши лозим:

- ахборотдан жараён сифатида билим олиш ва ижод қилиш;
- фан-техника ва маданиятдаги ахборот ва креатив жараёнлар;
- ахборотда жамиятни ривожлантириш муаммолари;
- сунъий интеллектнинг ахборот тизимлари ва билим бериш усуллари;
- ахборотлашнинг техник воситалари ва телекоммуникация воситалари;
- универсал ва муаммолли-масофали ахборот технологияларини амалга оширишнинг дастурий воситалари ҳақида тасаввурга эга технологияларни;
- ахборотни моделлаштириш асосларини;
- ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизими;
- ўқув материаллари ҳақида ахборотли маълумот тизимини билиши ва қўлай олиши;
- ўқитиладиган фан бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- глобал Интернет компьютер тармоғидан фойдаланиш;
- ўқув жараёнида амалий дастур пакетларини қўллаш;
- ўқув жараёнида электрон почтадан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

3.5. Илғор педагогик технология талаблари

Америка Қўшма Штатларидаги Миллий тренинг марказининг маълумотларига кўра:

1. Интерфаол усул ўқувчи онгига, туйғусига, иродасига таъсир кўрсатиб, тафаккурини оширади.

2. Дарс усулларида ўзлаштириш қуйидагача:

Ўқитиш пирамидаси:

1. Маъруза усулида 5%.

2. Ўзича ўқиш 10%.

3. Аудио-видео орқали ўқиш 20 %.

4. Кўргазма-намойишлар орқали ўқиш 30%.

5. Баҳс-мунозара орқали ўқиш 50%.

6. Кичик гуруҳларга бўлиб ўқиш 60%.

7. Ўқув жараёнини амалиёт билан боғлаш 75%.

8. Бир-бирини, бола-болани якка тартибда ўқитиш 90%.

Педагогик технологиянинг мониторинги (Пировард натижаси)

I босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
II босқич	Тушуниб етиш	Ўзлаштирганини исбот эта билиш
III босқич	Татбиқ эта олиш	Қонун-қонидани танлаш ва қўллаш
IV босқич	Таҳлил эта олиш	Қиёслаш, хулосалаш, ўзаро боғлаш
V босқич	Синтез	Ахборотни ижодий қайта ишлай олиш
VI босқич	Баҳо олиш	Янги билимга ўтиш

Интерактив дарс тузилиши:

1. Фокусировка. Ўқувчилар диққатини тўплаш 5% (2дақиқа).

2. Мақсадни айтиш 5% (2 дақиқа).

3. Ўқувчи оладиган маълумот 10% (4 дақиқа) (ўқитувчининг қис-
қача тушунтириши).

4. Интерактив усул (ўзак) – 60% (24 дақиқа).

5. Дебрифинг (дарсга яқун яшаш, уйга вазифа бериш, тақдир-
лаш) – 20% (8 дақиқа).

Жами: 40 дақиқа.

Интерактив усулда дарс олиб борилганда:

– ўқувчиларга дарсдан кутилаётган натижа эълон қилинади;

– ўқувчилар бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганади;

- саволларга жавоб топиш ва жавоб учун етарли вақт берилади;
- ўқувчиларнинг кўпчилиги дарсга фаол қатнашади;
- ўқувчилар таҳлил қилиш ва қиёслашга ўрганади;
- ўқувчилар муаммоларни ҳал этиш учун ўз устида биргаликда ишлашади;

– ўқувчилар жуфтликларда ва кичик гуруҳларда ишлашга ўрганади;

– мустақил ишлаш ва фикрлашга ўрганади:

Интерфаол усулларда стратегиялар 4 қисмга бўлинади.

1. Даъват (ақлий ҳужум, якка, гуруҳли, жамоа бўлиб ишлаш).
2. Англаш (янги ахборотни, фикр, билимни таҳлил (танқидий, қиёсий), синтез, мақсадни англаш).
3. Фикрлаш (нутқ, мотив, ўзаро мулоқот, тафаккур).
4. Инцерт (тайёр матин, онг назорати, муҳокама, тушуниш, таъинч сигнал, тафаккур).

Интерфаол усулда ўқувчи қуйидагиларни ўрганади:

1. Билганларини тартибга солишни.
2. Билмаганини сўраб олишни.
3. Хотирасини ишга туширишни.
4. Фаоллигини оширишни.
5. Қизиқишни кучайтиришни.
6. Ўз тушунчаларини назорат қилишни.
7. Мотивни қўя билишни.
8. Мустақил ўрганишни ва мустақилликни.
9. Манбалар билан ишлашни.
10. Ахборот алмашинишни.

3.6. Ўқитиш методикаси. Илғор педагогик технология

Педагогик жараён педагогик тизим (система)нинг асосий роль ўйновчи қисмидир. Педагогик тизим эса бир нечта компонент (бўлак)ларни ўз таркибига мужассамлаштирган ўзгаришларда ҳам барқарор бўлган янгилик киритилганда ўз кучини олдинги хусусиятини йўқотиб янги хусусиятларни ҳосил қилувчидир.

Педагогик тизимдаги ҳар бир компонентни бир нечта элементларга бўлиш мумкин. Моделдан кўриниб турибдики мақсад, натижа ва уларнинг мослик даражаси кичик ҳалқани ҳосил қилади ва



мослик даражасининг кўп ёки камлиги педагогик жараённинг самарасини билдиради. Бошқариш эса педагогик тизимнинг ҳамма компонентларини бирлаштиради ва унинг ўзи мустақил компонент ҳисобланади, чунки ўзининг мақсад ва тузилишига эга. Педагогик тизимнинг муҳим компонентлари «натижа», «таълим-тарбия жараёнини бошқариш», «технология» ҳисобланади. Педагогик тизимнинг тизим ҳосил қилувчи компоненти бўлиб, таълим-тарбия жараёни технологияси ҳисобланади ва алоҳида ажратилади (қаранг). Шундан келиб чиққан ҳолда педагогик технология барқарор ташкилий-технологик комплекс бўлиб, белгиланган мақсаднинг амалга оширувчисидир. А. Кушнернинг фикрича технология билан методиканинг фарқи шундаки, методика – илғор тажрибани оммалаштириш ёки билимларни етказишнинг янгича йўлини ихтиро қилиш бўлиб, натижасига ҳаминша ҳам кафолат бера олмайди. Технология эса ҳар қандай шароитда қандай бўлишидан қатъи назар олдиндан белгиланган натижани берувчи жараёндир. Бунда шароит дидактика, бошқарувчанлик (технолог сингари), вақт, қўлланилганлик даражаси натижаси (олдиндан маълум), енгил ўзлаштирувчанлик, усуллар ва ҳ.к.лар асосий роль ўйнайди. Бизнинг фикримизча, ўқитишда методика ҳам, педагогик технология ҳам бир нарса – ўқувчининг оладиган билим, кўникма ва малака даражаси билан ўлчанади. Аммо инсонийлик, инсон табиатини такомиллаштириш асосий роль ўйнаб, бунда илғор педагогик ва ахборот технологиясининг роли замон талабига кўпроқ мос келади.

Шундан келиб чиққан ҳолда илғор педагогик технология ҳам, ахборот технологиясини қўллаш ҳам, интерфаол усуллар ҳам қуйидагиларга эътиборни кучайтириши лозим: инсонийлик, инсон табиатини ҳисобга олиш ва уни такомиллаштириш, индивидуал ёндашиш, табақалаштирилган таълим, демократик ёндашув, психологик-педагогик ёндашув ва ҳ.к.

В.П. Безпалко, А. Кушнер, К. Роджерс, Л.А. Коменский, И.Г. Песталоцци, Саидахмедов, Ж.Ф. Йўлдошев, У.А. Йўлдошевларнинг илғор педагогик технология инновация, ахборот технологиясининг ва унда инсон омили, муносабат, қўйилган талаблар, усул ва услублари, педогогик тизимнинг натижасини озгина бўлса ҳам самарали томонга силжишига қаратилган бўлиб, ҳозирги 50–60% ни (педагогик тизимнинг максимал натижаси) ҳеч бўлмаганда 5–10% га ўстиришга олиб келишдан иборатдир.

Таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияси олиб кириш зарурияти 70–80-йиллардан бошланиб (ўқувчиларнинг машғулотларга қизиқиши пасайиб кетгач) дарс методларини шакл ва типларини ўзгартириш, янгилик киритишдан бошланди. Ностандарт дарслар (улар 40–50 дан ошиқ) дарсларга ахборот технологиясини (компьютер, фильмоскоп, кадоскоп ва ҳ.к.) олиб кириш инновацион ўқув юртлари (гимназия, лицей, коллеж ва ҳ.к.) олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура бўлиниши бошланиб, тўлиқ ахборот технологиясига ўтиш (интернет, мультимедиа, электрон почта ва ҳ.к.) педагогик технология (интерфаол усуллар)ни жорий этиш билан давом этмоқда.

Ҳар бир фанни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, илғор педагогик технологияни ҳам шу фанга мослаштириш керакми ёки фанни илғор педагогик технологияга мослаштириш лозимми деган савол пайдо бўлди. Аммо ўқитувчилар ностандарт дарслар билан интерфаол усулларни чалкаштириш натижасида уларда икки хиллик тушунчаси пайдо бўлди ва бу уларни қайта тайёрлаш, маъласини ошириш муаммосини келтириб чиқарди. Натижада муаммоли курслар, илғор педагогик технологияга оид семинар-тренинг, қисқа муддатли курслар, семинарлар ўтказилиб ностандарт дарслар интерфаол усуллар ҳақида назарий ва амалий билимлар ҳосил қилинди, ахборот технологиясидан фойдаланиш, ахборот-маълумот тўплаш, фойдаланиш ўргатилди.

Натижада ўқитувчилар ностандарт дарслар:

1. Иш ўйин
2. Пресс конференция
3. Мусобақа
4. Кувноқлар, зукколар, топқирлар (КВН)
5. Театрлаштирилган дарслар
6. Суҳбат-маслаҳат дарслар
7. Компьютер дарслар

8. Ўзаро таълим
 9. Ижодкорлик дарслари
 10. Кимошди савдоси
 11. Ижодий ҳисобот
 12. Кўрик-танлов
 13. Бинар дарслар
 14. Суд дарслари
 15. Концерт дарслари
 16. Касбга йўллаш дарслари
 17. Ҳосил байрами
 18. Ролли ўйинлар
 19. Семинар
 20. Конференция
 21. Фанлараро алоқа
 22. Мўъжизалар майдони
 23. Экология дарслари
 24. Формулалар дарслари
 25. Тўсиқ (блок) дарслар
 26. Синов дарслар
 27. Тест дарслар
 28. Ҳақиқатни излаш
- Интерфаол усуллар асосидаги дарслар:
1. Ақлий ҳужум
 2. Таянч сигналлар
 3. Музёра
 4. Гуруҳларга бўлиб ишлаш
 5. Зигзаг
 6. Кубик
 7. Кимсасиз орда
 8. Донишмандлар бисоти
 9. ИМЕН
 10. Ёзма баҳслар
 11. Ажурли арра
 12. 6x6x6
 13. Ролли ўйинлар
 14. Баҳс-мунозара
 15. Дибатлар
 16. Саргузашт саёҳат ва ҳ.к.ларни ўрганиб борадилар.

Булардан ташқари илғор педагогик ва ахборот технология тўғрисида назарий-амалий билим, кўникма ва малака ҳосил қилинди:

- илғор педагогик технология таърифи, тарихи;
 - ахборот технологияси ва ундан фойдаланиш;
 - технология тузилмаси;
 - илғор педагогик технология ва ўқитувчи ўқувчиларга ташкил этишга қўйилган талаблар;
 - интерфаол усуллар ва улар асосида дарс ишланмалари ва ҳ.к.
- Илғор педагогик технология, интерактив усуллар, дарс ишланмалари ва унга қўйилган талаблар ҳақида тўлиқроқ тўхталмоқчимиз.

3.7. Интерактив дарс усуллари

1. «Музёра». Кўпчилик одам янги шароитда (курс бошида, янги синфда ва ҳ.к.) ўзларини йўқотиб қўядилар ёки ноқулай ҳис қилдилар, бир-бирларини танимайдилар. Шундай шароитда ўқитувчи (тренер) дўстона муҳитни яратиши лозим. Унда тақдим этиш (исми, шарифи, турар ва иш жойи, хоббиси) ўйини ёки интервью (жуфтлар) бўлиб танишиши ва улардан бири уни таништириш, танишиш (ўқитувчи ўз исмини айтади, тингловчилар давом эттиради, шarti эса ҳаммани яъни ўзидан олдингиларни айтиб кейин ўзини айтади).

2. «Ахборот узатиш». Бирор мавзу бўйича ҳар бир ўқувчи ўз билганини айтади (бунда 1-ўқувчи бошлайди, 2–3–4 давом этади). М: «Сайр» мавзусида ўқитувчи «Мен сайрга бориш учун сув оламан» деса, 1-ўқувчи «Мен эса сув, нон олиб бораман», дейди. 2-ўқувчи эса «Мен сув, нон ва туз олиб бораман», дейди ва ўйин шу тариқа давом этади. Кейин хулоса ясалади.

3. «Ақлий ҳужум». Ўз номидан маълумки, ўқувчилар ақлига ҳужум қилиниб, улардан ахборот тўпланади. М: «Доривор ўсимликларнинг ишлатилиши» мавзусида ҳар бир ўқувчи доривор ўсимликлар қаерда ишлатилишини ёзади (5 дақиқа). Кейин икковлашиб ёзади (10 дақиқа) ва охирида икки гуруҳ ёзганларини жамлайди ва ёзув тахтасига ёзади ёки сардор ўқиб беради. Қолганлар эса ўзларида бўлмагани ёзиб олади. Бунда 1-ўқувчи 5 тагача, 2 киши 7–8, кичик гуруҳ 10–12 тагача, катта гуруҳ 15–20 та, жамоаники эса 20–30 та доривор ўсимликларнинг ишлатиш соҳасини айта олади.

4. «Таянч сигналлар». Дарснинг таянч сигналлар усули кўп вақт-

лардан бери ишлатилиб келинаётган усул бўлиб, бунда мавзу бўйича таянч сигналлар ёзиб қўйилади, ўқувчилар эса шулардан фойдаланиб саволларга жавоб топади ва мавзунини тўлиқ ўрганиб олади. Энг оддий мисол, формула ва жадвал схемалар бўлиб, улардан фойдаланиб хоҳлаган саволга жавоб бериш мумкин ёки ўқитувчи томонидан саволни топиш учун таянч сигналлар тузиб чиқилиши мумкин. Таянч сигналдан фойдаланиб, $(2+3)^2 = ?$ ни еча олади ёки олдида баҳор фаслига мос расм бўлса, баҳор ҳақида ҳикоя тузиш осон бўлади. Мураккаброқ қилиб оладиган бўлсак кимё фанини ўқитиш валентлик мавзуси ўтилаётганда одамлар—қўллар—саломлашиш, элементлар—электронлар—валентлик тушунчасини таққослаб бериш мумкин.

5. «**Кичик гуруҳларда ишлаш**». Бу усулда ҳар бир ўқувчи дарсда фаол иштирокчи, бошловчи, бир-биридан ўрганувчи, турли нуқтага назарларини қадрлашни ўрганади. Қўллаш усули:

1. Фаолият йўналиши аниқланади, муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Керакли асос яратилади, ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим.

3. Гуруҳлар белгиланади.

4. Аниқ кўрсатма берилади.

5. Қўллаб-қувватлаб йўналтириб турилади.

6. Муҳокама қилинади.

6. «**Муозара усули**». Бунда мавзу танланади ва ақлий ҳужум орқали гуруҳлар жавоб беради. Котиб ёзиб боради, фикр ва ғоялар айтилиб, улар гуруҳланади, таҳлил этилади ва ягона хулосага келинади.

7. «**Қўлланмалар билан ишлаш**» усулида дарслик, қўлланмалар берилиб, мавзу эълон қилинади ва ўқувчилар маълум вақтда мавзунини мустақил ўрганиб олишади ҳамда жавоб беришади. Бунда «Ақлий ҳужум» усулидагидек индивидуал, диалог, кичик гуруҳ, жамоа бўлиб ишлашади.

8. «**Кубик**». Ҳар томонлама фикрлаш, тасаввур қилиш, тафаккур қилиш, кўрсатиш, фаолликни оширишга қулай бўлганлиги билан ҳам ажралиб турувчи усул. Бу усулдан фойдаланишни 2 хил усулда қўллаш мумкин:

1-усул. Қоғоздан кубик ясаб олти томонига саволлар ёзиб қўйилади, ташланган кубик қайси томонга тушса, ўша саволга жавоб беради. Бу усулни ўтказишдан олдин барча саволлар ватман қоғозга

ёзиб қўйилади. Бир нечта кубик (2–3 та) ишлатиш ҳам мумкин.

2-усул. Қоғоздан кубик ясаб томонларига: Буни тасвирланг! Буни таққосланг! Буни ўзаро боғланг! Буни таҳлил қилинг! Буни қўлланг! Бунинг салбий ва ижобий томонларини далиллар билан исботланг! саволлари ёзиб қўйилади. Мавзу эълон қилинади вч ҳар бир ўқувчи саволларга жавоб ёзади. М: «Инсон ҳаётида яхши ва ёмон хулқларнинг оқибатлари» мавзуси инсерт матн олдиндан тайёрлаб қўйилади.

9. «Зигзаг». Ўз номидан маълумки, бу усулда билим қирралари ҳар хил бўлган болалар аралашган синф 2–3 гуруҳга бўлинади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқ берилади, ўқувчилар жавоб ёзганларидан сўнг гуруҳлар бир-бирлари билан ёзганларини алмашадилар ва кўшимча ёзадилар, сўнгра ҳар бир гуруҳ ёзганларини ҳимоя этади.

10. «Семинар» усули кенг тарқалган усуллардан бўлиб, мавзу олдиндан берилади ва ҳар бир ўқувчи мустақил тайёрланиб келади ва ўз фикрини, ўз билимини намойиш этади, ахборот алмашиналиди. Мавзу манбалари билан берилса, усулнинг самараси яхшироқ бўлади.

11. «Масофали таълим» усули интерактив усулларнинг замонавий кўриниши бўлиб, жонли мулоқот, ёзув ёзилиши, матбуот, телекоммуникациялар орқали амалга оширилади. Бунга сиртқи олимпиада, сиртдан ўқиш, экстернат ва ҳ.к.лар киради.

12. «Кўчма бозор». Номидан маълумки билимлар сотиладиган жой бўлиб, харидор ва сотувчидан иборат мулоқот, кўчма эса бир нечта давлатлар қатнашиб ўз билимларини намойиш этадиган ярмаркадир. Олувчилар ҳам, сотувчилар ҳам актив (фаол) бўлмасалар бозорлари касод бўлади.

13. «Интернет» усули компьютерларнинг локал тармоғи бўлиб бутун дунё билан боғланиб ҳам бўлади. Бунда ўқувчи интерактив усуллар, ўқиш, ўрганиш, ўз интеллект ва интеллектуал даражасини ошириш учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу усулда билимдон ўқувчи интернет ролини ўйнаши ҳам мумкин.

14 «Компьютерлаштирилган дарс» усулида компьютерда дастурлаштирилган мавзунини ўрганадилар ва ўз билимлари ошибгина қолмай компьютерда ишлаш малакаси ҳам ўзлаштирилади.

15. «Давра суҳбати». Бу усулда маълум бирор мавзу бўйича суҳбат уюштирилади. Бу усул «баҳс-мунозара» усулига ўхшаш бўлиб фикрлар, фикрлар танқид қилинмайди, демократия усулда ҳар бир

ўқувчи ўзи учун хулоса чиқариб, ўзи билмаган нарсаларни ўрганиб олади.

16. «Бошқотирмалар» усули. Бу усулда кроссворд, чайнворд, ребус ва ҳоказо бошқотирмалардан фойдаланилади. Янги мавзунини ўқишда ўқувчилар билимини синашда бу усул қизиқарлилиги, тафаккур ва хотирани ўстириши билан ажралиб туради. Бу усулни қўллашда ўқитувчидан кўп меҳнат, ижодкорлик талаб этсада, самара юқори бўлиши билан ва қизиқарлилиги билан бошқа усуллардан фарқ қилади.

17. «Муаммоли дарс» усули. ИМЕН (ихтироли муаммоларни ечиш назарияси). Саволлар: «Фикрни ёки хулосани давом эттир!», «Сен нима деб ўйлайсан?». Ўқувчилар орасида муаммоли вазиятни яратиш ҳамда шу ҳолатдан чиқиб кетиш усулларини излаш. Ўқувчиларни мантиқий, ижодий фикрлашга чорлаш. Ихтироли муаммоларни ечиш назарияси — ИМЕН ҳозирги пайтда жуда кўп қўлланадиган бозор иқтисоди даврининг етакчи усулларидан биридир.

18. «Ролли ўйинлар». Ролли ўйинлар усули дарснинг барча типларида қўлланилиши мумкин. Бизнинг тажрибамизда касб-ҳунарга йўллаш мақсадида ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб «Лаборант», «Агроном», «Биолог олим» касблари ҳақида баҳс юритдик, касбни ҳимоя қилдик ёки бошқа фанларда спектакль, сахна кўриниши шаклида олиб бориш мумкин.

19. «Аллолар йиғини» биология дарсларида биолог олимлар, қишлоқ хўжалиги фаоллари, биология соҳасининг донишмандларининг фанга қўшган ҳиссаларини билиб олиш мумкин.

20. «Буюк сиймолар» ҳар бир фаннинг илмий тараққиёти илму фаннинг мутахассис олимлари (буюк сиймолари)га боғлиқ. Шу мақсадда бу усулни қўллаб фанга буюк сиймоларнинг қўшган ҳиссасини билиб олиш мумкин. Масалан: биолог олимлар, «Ўзбекистон ифтихорлари» ҳақида маълумот тўплаш ва улар сиймосини дарсда театрлаштирилган ҳолда намойиш этиш.

21. «Табақалаштирилган дарс усули». Бу усул халқ таълим тизмининг ўзаги бўлиб, қадимдан ишлатилиб келинади ва у қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ёшига кўра. 2. Жинсига кўра. 3. Қизиқишига кўра. 4. Қобилиятига кўра. 5. Интеллектига кўра. 6. Ўзлаштириш даражасига кўра ва ҳ.к.

Бу усулни Ю. К. Бабанский педагогик-психологик, методик нуқтаи назардан тўлиқ очиб берган.

22. «Блок (тўсиқ) дарс» усули. Бу усул А. П. Гузик (Одесса) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда ҳар бир боб, бўлим таркибий қисмларга ажратилиб, маъруза, семинар, лаборатория иши, ижодий иш, амалий машғулот, саёҳат, кеча, конференция ва бошқаларга ажратиб ўтилади. Бу усул ўқувчиларни мустақил билим олишга, изланишга, ахборот тўплашга, улардан фойдаланишга ундайди, ҳаётда ўз ўринларини топишга катта ёрдам беради.

23. «Хазиналар сандиги». Биз келажак авлодга «Хазиналар сандиги»ни қолдирмоқчимиз. Қани, ким қандай хазина (билим, маслаҳат ва ҳ.к.) қолдирмоқчи? Хазиналар сандигини тўлдирмоқчимизми? ва ҳ.к.

24. «Кимсасиз оролда». Кимсасиз оролга тушиб қолдик. Барча фанлар бўйича билимлар асосида янги ҳаёт, давлат, жамият қурмоқчимиз. Хўш, қани биологлар, химиклар, физиклар, маорифчилар, иқтисодчилар, сиёсатчиларнинг ролини билиб олайлик ва шу асосида давлат қурайлик.

25. «Интеграциялашган дарс» усули. Бундай дарс усули фанлар аро алоқани билиш, қўллаш мақсадида ўтказилиб ўқувчиларнинг умумий билимдонлик даражаси аниқланади, ривожлантирилади, ҳаёт билан боғланади, комил инсон бўлишга етаклайди.

26. «Ҳамкорлик» дарс усули. Бу усулда ўқувчилар бир-бирига ўргатади, ўрганади, жамоа бўлиб ишлайди. Бунда ўзаро диктант, ёзма иш, тест, суҳбат, ўзаро мулоқот тарзида бир-бирига ўргатиб, синфнинг ўзлаштириш даражаси юқори, самарали бўлишига эришибгина қолмай, аҳил жамоа бўлиб шаклланади.


27. «Ёзма баҳслар». Ёзма баҳс усули мавзуси ҳозирги куннинг долзарб муаммолари ёки ўтилган мавзулар асосида олиб борилиши мумкин. Бунда ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб ўз фикрларини ҳимоя қилади.

Бунда ўқитувчи қарама-қарши фикрларнинг исботи ва далили бўлиши кераклигини тушунтириб бериши лозим. Бу усул асосан диалог ва кичик гуруҳлар билан ишлашни қулайлаштиради.

28. «Анжурли арра» (бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган икки томони очиқ маъносини беради). Бу усулда топшириқ бўлиб-бўлиб берилди, экспертлар тайёрланади. Улар иштирокчи гуруҳларни ўқитади ва мавзунини қандай муҳокама қилишни тушунтириб беради (чунки улар олдиндан ўқитилади). Ўқувчилар ҳамкорликда ишлашга, қисқа вақт ичида катта ҳажимдаги ахборотларни билиш ва ўзлаштиришга эришилади.

29. 6x6x6 усули. Бу усулда 36 та ўқувчи 6 та гуруҳга бўлиниб бирор масалани муҳокама қилиш ва гуруҳ азоларининг аксариятининг қарашларини билиб олади (6 дақиқа). Шундан сўнг 6 та гуруҳ қайтадан 6 та гуруҳга бўлинади, лекин бу гуруҳда олдинги гуруҳдан 1 киши бўлиши шарт. Бунда ўқувчилар фаол бўлиб ҳам қатнашувчи, ҳам маърузачи ролини бажаради.

30. «Қарорлар шажараси» усули. Қарорлар шажараси қийин ва турлича вазиятларда қарорлар қабул қилишни оқиллаштирувчи техникадир. Синфда фойдаланилган қарорлар шажараси ўқувчилар билимларини жамлаш, тизимга солиш ва баҳолаш имконини беради. Уни қуйидаги тасвирда қўришимиз мумкин.



31. «Ўзинг учун қулай жой танла» усули. Ушбу усул синфда ўтказиладиган мавзулар юзасидан муаммоли саволларни муҳокама қилишда ва уларнинг ечимини баҳс-мунозара орқали топишда яқиндан ёрдам берадиган усулдир.

Бунинг учун бир-бирини инкор этадиган, аммо мавзуси бир хил бўлган осма плакатлар қўйилиб, бирига «қарши эмасман», «розиман», иккинчисига эса «қаршиман», «норозиман» деган сўзлар ёзиб қўйилади. Ўқувчилар ўзи танлаган плакат ёнига бориб ўтиради ва баҳс-мунозара бошланади. Масалан: Инсон танасида наркотик моддалар борлиги ёки унга эҳтиёж борлигини аниқлаш учун ҳамма инсон қон анализ топшириши шарт, иккинчисига эса шарт эмас деб ёзиб қўйилади.

3.8. Интерфаол усуллар асосидаги дарс ишланмалари

Математика фанидан бир соатлик дарс ишланмаси

Фан: Алгебра.

Синф: 7.

Мавзу: Алгебраик каср. Касрларни қисқартириш.

Дарс типи: Янги билим ва тушунчаларни ҳосил қилиш.

Дарснинг мақсади:

Тарбиявий: Ўзаро ҳамкорлик, ҳурмат, фаоллик, ишчанлик, тартиблилик ва маданиятлиликка ўрганиш.

Таълимий: Алгебраик каср, касрлар устида асосий амалларни бажариш ва уларни қисқартиришни ўрганиш, алгебраик ифодаларни кўпайтувчиларга ажратишнинг ҳар хил йўллари эгаллаш ва уларни қўллай олиш тўғрисида билим, кўникма, малака ҳосил қилиш (ДТС).

Ривожлантрувчи: Тафаккур, хотира, идрок машқи, қизиқишни ривожлантириш, мулоқот маданиятига ўргатиш.

Касбга йўлловчи: Тадбиркор, воситачи, ҳисобчи касбларининг айрим қирралари билан таништириш.

Мафқуравий: Миллий қадриятлар, санъат, улуғ мутафаккирларнинг математика ривожига қўшган ҳиссаларидан ўқувчиларни ҳабардор қилиш, ватанпарварлик, миллий гурурини топтириш, ривожлантириш.

Дарс услуби: Аралаш.

Дарс усули: «Ақлий ҳужум», «Таянч сигналлар», «Кимошди савдоси» усуллари йиғиндиси.

Дарс дидактикаси: Дарслик, таянч сигналлар, саволлар, тест топшириги, янги ахборот технологиялари, интерактив усулларига оид осма материаллар.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм, психологик иқлим яратиш:

а) Ташкилий қисм.

б) Ўқувчилар диққатини тортиш учун савол-жавоблар.

II. Дарснинг режаси:

а) «Ақлий ҳужум» (саволларга жавоблар).

б) Янги мавзу бўйича «Ақлий ҳужум» (саволларга жавоблар).

в) «Бахтингизни синаб кўринг» ўйини.

г) «Кимошди» аукциони.

III. Дарснинг якуни, уйга вазифа, хайрлашиш, тақдирлаш.

Дарснинг баёни

Ташкилий қисм: Бунда дарс шиори сизлаб гапириш, маданиятли бўлишга интилиш.

Саломлашиш, математик шиор, дунё воқеалари ҳақида сўзлаб диққат тўпланеди.

Дарснинг бориши: Мавзу ва режа эълон қилинади.

Саволлар ёзув тахтасига илиб қўйилади, «Ақлий хужум» бошланади. Жавоблар 1 тангадан 5 тангагача сотиб олинади. Янги мавзу бўйича «Таянч сигналлар» осиб қўйилади.

– Ўқувчилар юртбошимиз И. Каримов айтганидек, «Ўзбекистон келажаги билимли ёшлар қўлида». Шундай экан, ҳар биримиз юртимизда содир бўлаётган янгиликлардан бохабар бўлишимиз керак. Куни кеча «Давр» информатсион дастурида хабар беришича, Тошкент шаҳрида Япония маданияти кунлари нишонламоқда. Бунда ярмарка ташкил этилиб, иккала мамлакатнинг бой маънавий меросини акс эттирувчи миллий кийимлар, миллий таомлар, ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

– Сиз қўшимча қилмоқчимисиз?

– Ўқувчиларнинг янгиликни билишига мослаб дарсни давом эттираман.

– Демак, ўқувчилар, ярмарка дегани нима?

– Ярмарака – бу кўчма бозор ҳисобланиб, у бирор бир байрамларда, тадбирларда уюштирилади.

– Бу кўчма бозорларда сотувчи ва харидорлар олди-сотди жараёнини амалга оширадilar.

– Қадимда мамлакатимиз ҳудудидан ўтган «Буюк Ипак йўли» ҳақида нималарни биласиз?

– «Буюк Ипак йўли» орқали савдогарлар турли хил матолар, қимматбаҳо буюмлар ва зеб-зийнатларни туяларга юклаб савдо-сотик билан шуғулланганлар.

– Бу кўчма бозорларда савдо-сотикдан ташқари турли хил мусобақалар, беллашувлар ўтказилган.

– Ўқувчилар, бугун биз ҳам дарсимизда кўчма бозорни ташкил этамиз. Лекин биз ноёб, антиқа маҳсулот – ўз билимимизни сотамиз. Бозорга келган ҳар бир одам ўз маҳсулоти уйга вазифа топшириги, билими, чаққонлигини намоён этиши керак. Бу кўчма бозорни ташкил этиш учун хазиначи тайинлаб оламиз. Келинг, кўчма

бозорнинг қонун-қоидалари билан танишайлик:

1. Оғзаки савол-жавобига 2 танга.
2. Синф тахтасида мисол ечимига 3 танга.
3. Тест топширигига 5 танга.
4. Қизиқарли савол-жавобга 3 танга.
5. Ижодий ишларга 5 танга.
6. Тарқатмалар билан ишлашга 3 танга ҳады этамиз.

Ана, кўчма бозоримизнинг биринчи харидори Интернет тармо-
гига уланмоқда. Улар германиялик Ева Браун.

– Гапирсам, гап сотди демангиз,

Сотувчи эрурсиз ҳаммангиз.

Мақсадим синамоқ сизнинг билимингиз,

Қувноқ, зукко болалар, тайёр бўлингиз.

Салом, менинг азиз ўзбекистонлик билимдонларим. Сизнинг мамлакатингиз ҳақида жуда кўп эшитганман. Ўзбекистонлик ёшлар билимга чанқоқ, зукко, жисмонан бақувват. Мен ўзим универси-
тетда дарс бераман.

Бизнинг университетда ҳам ўзбекистонлик талабалар бор. Мен улар билан фахрланаман. Сизга қуйидаги саволларимни юбораман:

1. Бирҳад деб нимага айтилади?

– Сон ва ҳарфий кўпайтувчилар кўпайтмасидан иборат алгебра-
ик ифода бирҳад дейилади. Масалан:

16 ас, (-5) б

2. Бирҳаднинг коэффиценти деб нимага айтилади?

– Стандарт шаклида ёзилган бирҳаднинг сон кўпайтмасини шу
бирҳаднинг коэффиценти дейилади.

– О, жуда яхши, мен жавобингиздан қониқдим. Сизларга омад,
ўқишларингизда муваффақиятлар тилайман.

– Эндиги харидоримиз америкалик талаба.

– Мен талабаман, ҳозирда Оксфорд университетида таълим ол-
моқдаман. Сизларга қуйидаги саволларимни юбораман:

1. Кўпҳад деб нимага айтилади?

– Бир нечта бирҳадларнинг алгебраик йиғиндиси кўпҳад дейи-
лади.

Масалан: $2a^3 + 3ab + b^2; 2a^4 - ab$

– Кўпҳадни кўпайтувчиларга ажратиш деб нимага айтилади?

– Кўпҳадни 2 та ёки бир нечта кўпҳадлар кўпайтмаси шаклида
ифодалаш кўпайтувчиларига ажратиш дейилади.

– Ўзбекистонлик ёшлар мени ҳайратга солмоқда. Доимо шундай

зукко бўлинг ва ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишин-
гизга тилакдошман.

Ширинсўз сотилмас бебаҳо,
Яхшилик бор бўлсин доимо.
Бу ерда бўлолса ким мамнун,
Энг олий мукофот ўшалар учун.

– Эндиги харидоримиз Мандори хоним.

– Салом, жажжи дўстларим. Сизнинг кўчма бозорингизда мен
ҳам иштирок этмоқчиман. Сизга ушбу саволларимни юбораман:

– Йиғинди ва айирманинг квадрати нимага тенг?

– Икки сон квадратларининг айирмаси нимага тенг? Мисоллар
келтиринг.

– Жуда яхши, мен Ўзбекистон болалари билан фахрланаман
(хайр).

Бугунги дарсимизнинг мақсади алгебраик каср, касрларни қис-
қартириш ҳақида маълумот бериш.

1-масала. Катернинг тургун сувдаги тезлиги соатига A км га тенг.
Дарё оқимининг тезлиги соатига B км га тенг. Катернинг оқими
бўйича ҳаракат тезлиги унинг дарё оқимига қарши ҳаракат тезли-
гидан неча марта ортиқ?

Катернинг дарё оқими бўйича тезлиги $(A+B)$ кмга тенг, оқимга
қарши тезлиги соатига $(A-B)$ км га тенг. Шунинг учун дарё оқими
бўйича ҳаракат тезлиги оқимга қарши ҳаракат тезлигидан $(A+B) /$
 $(A-B)$ марта ортиқ бўлади.

$(A+B)/(A-B)$ ифода алгебраик каср дейилади. Бу касрнинг су-
рати $(A+B)$, махражи $(A-B)$. Умуман, сурат ва махражи алгебраик
ифодалар бўлган каср алгебраик каср дейилади.

(A/B) ; $2/(X-Y)$; $(A-B)/C$; $X(B+C)/Y(A-C)$

Алгебраик касрнинг сон қиймати қуйидагича топилади:

Масалан: $A=10$, $B=8$ бўлганда $(A+B)/(A-B)$ алгебраик каср-
нинг сон қиймати $(10+8)/(10-8) = 18/2 = 9$.

Бундан кейин алгебраик касрдаги ҳарф ўрнига сон қўйилганда,
яъни шу касрнинг махражи нолга тенг бўлмаган қийматларигина
қабул қила олади.

Масалан: $A\sqrt{A(A-1)}$ каср учун $A=0$ ва $A=1$ дан бошқа барча
қийматларни қўйиш мумкин. Касрнинг асосий хоссасини бундай
ёзиш мумкин:

$$A/B = mP/mB$$

Бу ерда $B=0$, $m=1$ хоссадан фойдаланиб алгебраик сурат ва мах-

ражга бир вақтда кирувчи умумий кўпайтувчига қисқартириш мумкин.

$$\text{Масалан: } a(b+c)/a(b-c)=(b+c)/(b-c);$$

$$(a+b)c/(a+b)=c/d;$$

Касрларни соддалаштириш учун аввал уларнинг сурат ва махражини умумий кўпайтувчисини ажратиб олиш кераклигига доир мисоллар келтирамиз:

2-масала. Касрларни қисқартириш.

$$12a^2b/4ab^2; 2) m^2 + n^2 / m^2 + mn$$

1) $12a^2b$ ва $4ab^2$ бирҳадлар $4ab$ умумий кўпайтувчига эга. Касрнинг сурат ва махражини $4ab$ га бўламиз:

$$12a^2b/4ab^2 \text{ қ } 4aB^3a/4abb$$

2) m^2-n^2 ва m^2+mn кўпҳадлар $m+n$ умумий кўпайтувчига эга, чунки $m^2 - n^2=(m+n)(m-n)$, $m^2+mn=m(m+n)$.

Касрнинг сурати ва махражини $m+n$ га бўламиз:

$$\frac{m^2 - n^2}{m^2 + mn} = \frac{(m - n)(m + n)}{m(m + n)} = \frac{(m - n)}{m}$$

Агар a/b касрнинг сурат ёки махражидаги ишорани қарама-қарши ўзгартирилса, у ҳолда берилган касрга қарама-қарши каср ҳосил бўлишини таъкидлаб ўтамиз:

$$\begin{aligned} -\frac{a}{b} &= -\left(\frac{a}{b}\right) & \frac{a}{-b} &= -\left(\frac{a}{b}\right) \\ -\frac{3}{7} &= -\left(\frac{3}{7}\right) & \frac{-a}{1-a} &= -\left(\frac{a}{1-a}\right) = \frac{a}{a-1} \end{aligned}$$

Энди дарсимизни қай тарзда давом эттиришни аниқлаш учун «Бахтингизни синаб кўринг» ўйинини ўтказамиз. Бунда «Тўғри сўз тузинг» ўйини, «Синф тахтасида мисол ечиш», «Мактубларга жавоб бериш», «Компьютерда тест топшириги», «Тарқатмалар билан ишлаш» бўлимларидан бири тушиши мумкин.

«Тўғри сўз тузинг» ўйини

Ўқувчилар ўнг ва чап томонга бўлинадилар. Уларга тарқатмалар тарқатадилар. Ўқувчилар тарқатмадаги топшириқни бажариб, мос жавобни топадилар ва тартиб рақамига осадилар. Ўқитувчи барча жавобларнинг орқа томонини осиб чиқади ва натижада «Математика» сўзи ҳосил бўлиши керак.

Чап томон.

1) Алгебраик касрнинг сон қийматини топинг:

1. $8a/7b$, бунда $a = -2$, $b = -3$
2. $5/d+3$, бунда $d=1/3$
3. $9y^2/4x^2$, бунда $x=1$, $y=-5$
4. $(2a-3x)/a^2$, бунда $a = 0$, 5 , $x=-0$, 2
5. $-7ab/(3b^2-a^3)$, бунда $a=3$, $b=-4$

Ўнг томон.

1. $1/a$, бунда $a = 2$, $3/5$
2. $(b+1)/(b-1)$, бунда $b = 1,5$
3. $(a^2+1)/2a$, бунда $a = -3$
4. $(a-b)/(a+2ab)$, бунда $a=16$, $b=-3$
5. $(5a-b^2)/(a^2-5b)$, бунда $a=2$, $b=8$

«Синф тахтасида мисол ечиш» ўйини

&569. $(xy)/(x+y)$

&570. $(p-g)/(pg)$

&571. $(a^2-b^2)/(a-b)^2$

&572. $(c^3-d^3)/(2cd)$

&573. (оғзаки) алгебраик касрнинг сон қийматини топинг:

1. $x/4$, бунда $x=2$, $x=-8$, $x=1/2$, $x=4$, 24
2. $a/5$, бунда $a=25$, $a=-125$, $a=12$, 5 , $a=0$
3. $18/(c-5)$, бунда $c=8$, $c=-13$, $c=5$, 3

«Мактубларга жавоб бериш» бўлими

- Ал-Хоразмий асос солган фан (алгебра).
- Ибботи талаб қилинмайдиган жумла (аксиома).
- Бир нуқтадан чиқувчи 2 нур ҳосил қилган фигура (бурчак).
- Энг кичик туб сон (икки).
- Бирнинг иккига бўлинмаси (ярим).
- Вақт ўлчов бирлиги (соат).
- Айланани тенг иккига бўлувчи кесма (диаметр).
- Конституция қабул қилинган сана (1992 йил 8 декабр).

«Компьютерда тест топшириги»

1. Кўпайтувчиларга ажратинг: $5x^2-5y^2$

а) $5(x+y)(x-y)$; б) $(x-y)(x-y)$; в) 5

2. Кўпайтма кўринишида ёзинг: y^3-y^5

а) $y^3(1-y)$; б) $y^3(1-y)(1+y)$; в) y^3

3. Кўпайтувчиларга ажратинг: $2m^2-4m+2$

а) $2m^2-2m$; б) $2(m-1)$; в) $2(m-1)^2$ ва ҳоказо (10 та тест).

«Кимошди» аукциони

1—5 танга «3» баҳо, 6—12 танга «4» баҳо, 13—20 танга «5» баҳо
Дарсни яқунлаш: Ўқувчилар билан алгебраик касрларнинг ҳаёт-
да қўлланилиши тўғрисида суҳбат ўтказиш.
Тақдирлаш, уйга вазифа, хайрлашиш.

6-синф учун физика фанидан дарс ишланмаси

Фан: Физика.

Синф: 6.

Мавзу: Физика нимани ўрганеди? Физик ҳодисалар, физика тараққиёти тарихидан маълумотлар.

Дарснинг мақсадлари: Ўқувчиларда физика фанининг мақсад ва вазифалари, физик ҳодисалар, физика тараққиёти тарихидан маълумотлар, жамият ривожланишида физиканинг аҳамияти нимадан иборатлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, физик ҳодисалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва уларни таҳлил қила олиш, буюк алломаларимиз ва уларнинг физика ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш, ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

Дарс типи: Янги тушунча ва билим ҳосил қилиш.

Дарс услуби: Суҳбат, мунозара, «Музёра».

Дарс усули: Оғзаки-амалий, кўргазма.

Дарс жиҳози: Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Ломоносов расмлари, Ер глобуси, 6-синф учун битта плакат.

Фойдаланиш учун адабиётлар: «6-синфда физика ўқитиш» (Методик тавсиялар). Юсупов А. Тошкент, 2001 йил, «Ўқитувчи» нашриёти.

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм. Психологик иқлим яратиш.

2. Дарснинг режаси:

а) Ўқитувчининг кириш суҳбати. Физика фани учун иш дафтари, амалий иш ва ёзма иш учун дафтар очиш.

б) Музёра. Ўқувчилар билан танишиш. Гуруҳларни ташкил этиш.

в) Жадвални тўлдириш: Жадвал:

Б (биламан), БХ (билишни хоҳлайман), БО (билиб олдим).

3. Уйга вазифани тушунтириш.

4. Фолиб гуруҳларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш.

Дарснинг баёни: «Гуруҳларда ишлаш».

Доскада янги мавзуни ёзиб, ўқувчиларни дарсликдаги саволларга жавоб ёзишга ундаш. Ўқувчилар дафтарларига «Биламан» деб ёзиб янги мавзу бўйича билганларини ёзадилар. Ўқувчилар жуфтликда ишлаб ёзганларини муҳокама қиладилар. Сўнг гуруҳда муҳокама қилиб гуруҳларидан барчанинг фикрини айтадиган ўқувчини тайёрлайдилар. Бу ўқувчининг номи Спикер бўлади.

Тақдимот ўтказиш. Ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи гуруҳ номидан сўзлайди. Бунда ўқувчилар орасида бир-бирини тинглаш ва бир-бирининг сўзини такрорламаслик қоидаси ҳукм суради.

Ўқувчиларни янги мавзу бўйича нималарни билишни хоҳлагани ҳақида ёзишга таклиф этиш. Бунинг учун ўқувчи дарсликда кўрсатилганидек, «Билишни хоҳлайман» деб ёзади ва саволлар ёзиши мумкин. Ёзиб бўлгандан сўнг гуруҳ билан ўртоқлашади.

Тақдимот ўтказилади. Ҳар қайси гуруҳдан бир киши барчанинг ёзган фикрини айтиб беради. Ўқувчиларга «Буни ёдда тутинг» бўлимини ўқиб билиб олганларини дафтарига ёзишга таклиф этилади.

Ўқувчилар дафтарига ёзишга таклиф этилади. Ўқувчи дафтарига «Билиб олдим» деб ёзиб ўқиш давомида билиб олганларини ёзади (10 минут вақт берилади).

Тақдимот ўтказиш. Ҳар бир гуруҳдан Спикер гуруҳ номидан гапирди. Бунда ҳам бир-бирини тинглаш ва бир-бирининг айтганларини такрорламаслик ҳукм суради. Болалардан бу қоидага қатъий амал қилишни талаб қилиш лозим. Ўқитувчининг янги мавзу бўйича кўшимчалари. Ўқитувчининг ихтиёри билан турли хил қизиқарли тажрибалар ўтказиш.

«Ўйла, изла, топ» бўлимида кўрсатилган топшириқларни бажаришга ундаш ва ўқувчилар жавобларини эшитиш.

Куйидаги саволларга жавоб ёзишга ҳаракат қилинг. Жавобларингизни куйидагича ёзинг. Билардим.

1. Физика фани нимани ўрганади деб ёзасиз?
2. Физика сўзи қайси сўздан келиб чиққан?
3. Физика фанига асос солган инсонлар.
4. Табиат нима?
5. Физик ҳодисаларга мисоллар келтиринг.

Асосий тушунчалар:

– Физика сўзи юнонча «фюзис» сўзидан олинган бўлиб, табиат маъносини билдиради.

– Физика сўзини биринчи бўлиб Аристотель фанга киритган.

– Абу Наср Форобий физика фанига таъриф бериб, уни фан-

лардан ажратди ва алоҳида фан сифатида шаклланишига замин яратиб берди. Абу Наср Форобий (873–950) Сирдарё бўйидаги қадимий Ўттор (Фороб) шаҳрида Васиди қалъасида дунёга келди. Форобий фанларнинг ҳамма соҳаларида ўчмас из қолдирган, жаҳон халқлари уни «иккинчи муаллим» деб атайдилар. Форобийга қадар физика табиий фанлар билан бирга ўрганиб келинган. Форобий физика фанига таъриф бериб уни бошқа фанлардан ажратди. Унинг ишини Абу Али ибн Сино давом эттирди.

– Абу Али Ҳусайн ибн Сино «Физика» китоби билан физика фанининг шаклланишига катта ҳисса қўшди. Абу Али ибн Сино 980 йил август ойининг охирларида Бухорога яқин Афшона қишлоғида амалдор оиласида дунёга келди. Ибн Синонинг асл исми Ҳусайн Европада Авиценна деб аталади. Унинг «Физика» деб номланган асари физика фанини бошқа фанлардан ажратиб, алоҳида фан сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ибн Сино ҳаётининг кўп қисмини дарбадарликда ўтказди. Исмоил Субҳоний «Бухоронинг етти юлдузи» шеърида Ибн Сино ҳақида шундай ёзди:

Ҳали қурилмаган кўпригида ёш,
Ҳали ўн саккизи уни этмай тарк
Бухородан олиб кетди бош,
Оҳ, дарбадар бўлди ўша куни Шарқ.

Ибн Сино 1037 йилда ўз ватанидан узоқда – Ҳамадон шаҳрида вафот этган.

– Михаил Васильевич Ломоносов физика сўзини немис тилидан рус тилига таржима қилган. Ломоносов Михаил Васильевич (1711–1765) рус академиги. Модда массасининг сақланиш қонунини экспериментал аниқлади. Рус тилида биринчи бўлиб китоб ёзган. Ломоносов шамол тезлигини аниқлайдиган асбоб ихтиро қилган. Венерада атмосфера борлигини айтган, Ломоносов 1754 йилда термометр ва бошқа асбобларни катта баландликларда кўтариш мумкин бўлган «Аэродинамик машина»ни ўйлаб топди ва яратди. Вертикал ҳаво винти бўлган бу машина дунёда биринчи вертолёт эди.

– Раҳматов Мухтор Неъматович биринчи бўлиб М.В. Ломоносов физикасини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган бухоролик физик олимдир. Раҳматов Мухтор Неъматович – 1912 йил 4 апрел куни Бухоро шаҳрининг Бозоргул (ҳозирги Ҳалим Ашуров кўчаси) гузарига туғилди. Отаси ўз даврининг илм соҳиби, мадраса мудири бўлган. Ёш Мухтор 1924 йили Турон номли бошланғич мактабда таҳсил олиб, Кўкалдош мадрасасида очилган биринчи етти

йиллик мактабни тугатади. 1927 йилда Бухоро педагогика техникумига ўқишга киради. Яшаш қийин бўлган шароитларда у педагогика институтини сиртдан тугатади.

– Физика фанининг мақсади табиат қонунларини очиш, уни ўрганиш ва ундан инсон эҳтиёжлари учун фойдаланишдир.

Буни ёдда тутинг (дарсликнинг 4–5-бетларидаги матнни ўқинг ва ёдда тутинг) деб топшириқ берилади.

«Ўйла, изла, топ» ўйини

Топишмоқ

Ёғи йўқ, ёруғи бор,
Иси йўқ, иссиғи бор
(лампочка)

<p>Тест. Физик ҳодисалар қайсисида тўғри кўрсатилган:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Товуш, қайнаш, ҳўллаш, ёруғлик, камалак.2. Вақт, масофа, реал ва идеал газ.3. Троектория, соат, термометр, мензурка. <p>тўғри жавоб— 1</p>	<p>Бошқотирма</p> <ol style="list-style-type: none">1. Аристотелнинг «Метофизика» китобига шарҳ ёзган ватандошимиз2. Вақтнинг бирликларидан бири.3. Ватандош физикларимиздан бирининг номи.4. Физика сўзини фанга киритган олим.5. Энг кичик сайёра.6. Вақтни ўлчовчи асбоб.
--	--

Ўйга вазифа:

1. Реферат ёзинг. Мавзу: «Ўзбекистонда физика фани тараққиёти».
2. Кузатинг ва саволларга жавоб ёзиб келинг:
– чойнакка сув солиб уни бирор йўл билан қайнатинг. Буғлари чойнак жўмрагидан неча сантиметр юқорида пайдо бўлади? (1, 5–2 см)

Биология фанидан бир соатлик дарс ишланмаси

Фан: Биология.

Синф: 11-синф.

Мавзу: Ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий асослари.

Дарс тип: Янги билим ва тушунчалар ҳосил қилиш.

Дарс мақсадлари:

а) тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш.

б) таълимий мақсад: Ўқувчиларда ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий асосларига доир билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш;

в) ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда шахсий психологик хусусиятларни шакллантириш

г) касбга йўлловчи мақсад: Шу мавзу орқали ўқувчиларни биолог, лаборант, тадқиқотчи, селекционер касбларига йўллаш.

Дарсинг услуги: Ёзма, оғзаки.

Дарсинг усули: «Ақлий ҳужум», иш ўйин.

Дарсинг бориши:

1. Ташкилий қисм, психологик иқлим яратиш

2. Дарсинг режаси:

а) Савол-жавоб

б) Ақлий ҳужум

в) Иш ўйин

г) Хулоса

3. Дарсинг якуни, уйга вазифа, тақдирлаш, хайрлашиш.

Дарсинг баёни:

Молекуляр генетика ва биотехнология соҳасида иш олиб бораётган олимларимиз тўғрисида илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тушунча бериш орқали миллий истиқлол ғоясини сингдириш.

Ўқитувчи сўзи: Иродаларнинг уйида 1 литрча сут бор, лекин бироз эски, унга онаси шу сутни исроф қилмасдан, бирон нарса тайёрлаки, у соғлиқ учун фойдали бўлсин, деб қизига топшириқ берди. Айтинглари, Ирода сутдан нима тайёрлади?

Ўқувчилар жавоби: Печенье, ширгуруч, қатиқ деб бирма-бир фикр билдиришади.

Ўқитувчи: Ҳа, ўқувчилар, тўғри топдингиз. Ирода сутдан қатиқ тайёрлаган эди. Инсоният қадимдан онгсиз равишда сутдан қатиқ, буғдойдан бўза ва хамиртуруш, мева шарбатларидан шароб тайёрлашни билганлар, лекин бу маҳсулотлар тирик организм, яъни микроблар ва бактериялар иштирокида ҳосил бўлишини билмаганлар.

Келинг, бугун биз «Ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий асослари» мавзуси орқали ана шундай микроорганизмлардан илмий асосда маълум мақсадларда фойдаланиш, уларнинг мақсадга мувофиқларини танлаш ва кўпайтириш технологиялари билан танишиб чиқамиз, деб ўқитувчи янги мавзунини доскага ёзади.

Ўқитувчи сўзи:

Молекуляр генетика, микробиология, биокимё фанларининг ри-

вожланиши биотехнология фанини вужудга келтирди. Тирик мавжудотларда кечаётган ҳаётий жараёнлар тўғрисидаги билимлардан фойдаланиб, тирик мавжудотлар ёки уларнинг ҳужайралари иштирокида саноат миқёсида маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологиялар мажмуаси биотехнология деб аталади. Сиз мактабни тугатиб ҳар хил касб эгалари бўласиз, эҳтимол биотехнология соҳасида иш олиб борарсиз, шу соҳада лаборант, тадқиқотчи, селекционер, биолог бўлишингиз мумкин. Бизнинг республикамизда ҳам шу соҳада бир қанча олимлар тадқиқотчилар, микробиологлар С. Бўриев, Г. Мусткимов каби етук олимлар иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистонда микробиология илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатапти. Француз олими Луи Пастер пастеризация усулини яратгандан сўнг биотехнологияда микроорганизмлардан онгли равишда фойдаланишга асос солинди. Ҳозирги пайтда бактериялар клонлари ва штаммларини олиш, улардан мақсадга мувофиқ хилларини танлаб кўпайтириш, фойдаланиш, улар ирсияти ва генидаги нуклеотидларни ўзгартириши технологиялари яратилди.

Уларда кечадиган трансформация, трансдукция жараёнлари ўрганилди. Бу мавзунини ўрганиш жараёнида сиз биотехнология фани, бу фан ривожига Луи Пастернинг қўшган ҳиссаси, бактериялар клонлари ва штаммларини олиш усуллари, бактерия клонларини мақсадга мувофиқларини кўпайтириш, уларда ҳам ирсият мавжуд эканлигини, уларда учрайдиган мутациялар, трансформациялар ҳодисаси, трансформация ҳодисасига доир Гриффит тажрибалари, трансдукция жараёни, фагларнинг литик реакцияси, лизоген бактериялар тўғрисидаги тушунчаларга эга бўласиз.

Демак, ирсият ўзгарувчанликнинг моддий асослари генлар ва хромосомалар эканлигини билиб оласиз. Ҳозир сизнинг вазифангиз, бу ерда берилган рангларга асосан 3 та гуруҳга бўлинасиз. Қизил рангги севувчилар алоҳида, яшил рангги севувчилар алоҳида, оқ рангги севувчилар алоҳида бўлиб 3 та гуруҳга бўлинишади. Парталар П шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир гуруҳ жойлашишади.

Ўқитувчи рангли карточкалар орқасига бир қанча саволлар ёзиб келган бўлиб, уларни 3 та гуруҳга тарқатади.

Карточкаларда куйидаги саволлар берилади:

1. Қизил рангги севувчилар гуруҳи. Бу ўқувчиларга мавзунинг биринчи кичик мавзусидаги саволлар берилган.

1. Бактериялар клони нима?

2. Клонлар қандай олинади?

3. Бактериялар, штаммлар нима, улар қандай олинади?

4. Луи Пастернинг бу соҳадаги ишлари тўғрисида тушунча беринг.

5. Бактериялар ва замбуруғлар ирсиятидаги мутациялар тўғрисида гапириб беринг.

6. Йўналтирилган мутациялар нима?

II. Яшил рангни севувчилар гуруҳи. Бу гуруҳга мавзунинг иккинчи мавзучасидаги саволлар берилган.

1. Трансформация ҳодисасининг моҳиятини тушунтиринг.

2. Трансформацияга доир Гриффит тажрибасини тушунтириб беринг.

III. Оқ рангни севувчилар гуруҳига учинчи кичик мавзучасидаги саволлар берилган.

1. Трансдукция нима? Уни ким кашф этган?

2. Фагларнинг литик реакциясини тушунтиринг?

3. Лизоген бактерия ва лизоген реакция деб нимага айтилади?

4. 104-расмни изоҳланг.

5. 105-расмни изоҳланг.

Ўқувчилар гуруҳларда ишлаб, берилган саволларга дарсликлардан жавоб топадилар, уларни мустақил ўрганадилар, қўшимча саволларга жавоб бериш учун тайёргарлик кўрадилар.

Бошқа гуруҳларга қўшимча саволлар бериш учун изланадилар, шундай қилиб, улар мустақил ишлашлари учун вақт белгиланади.

Ўқувчилар гуруҳларда ишлаётган вақтда ўқитувчи ҳамма ишлаётганлигини кузатиб боради.

Демак, ҳар бир гуруҳ биттадан кичик мавзуча устида ишлар экан, бошқа гуруҳларга савол бериши учун қолган мавзучалар билан ҳам танишиб боради. Ҳар бир гуруҳ навбат билан чиқиб, ўз саволларига жавоб берадилар, қўшимча саволларга ҳам жавоб беришади. Дарс мазмуни шу тариқа ёритилгач, мавзу муҳокама қилинади, зарур бўлса, ўқитувчи қўшимчалар киритади.

Ўқувчилар баҳоланади, ғолиб гуруҳларни тақдирлайди, уйга ва-зифа берилади.

Дарс тугагач, ўқитувчи доскага қуйидаги схемани осади. Бу схема бугунги машғулот мазмунини баҳолаб беради.

Ўқувчилар бирма-бир чиқишиб, 4 га бўлинган доиралар ичига ўз баҳоларини нуқта қўйиб белгилашади.

Ўқувчилар баҳоланиб бўлишгач, ўқитувчи бугун олиб борган машғулотни шу схемага қараб хулосалайди.

Синфни гуруҳларга ажратишда рангларга, геометрик фигура-ларга, яхши кўрган таомларига қараб гуруҳларга, психологияси, қизиқиши, миждозлари бир хил бўлган ўқувчилар битта гуруҳга бир-лашади, уларнинг гуруҳларда ҳамкорлиги таъминланади.

Ўқитувчи ўз қобилияти ва иждоқкорлигидан келиб чиқиб интер-фаол дарсларини ҳар хил усулларда ташкил этиши мумкин.

Генетика курсидан бир соатлик интерфаол дарс ишланмаси

I. Фан: Биология.

II. Синф: 9.

III. Дарс мавзуси: Умумлаштириш дарси.

IV. Дарс типи: Олинган билим, тушунча ва кўникма асосида малака ҳосил қилиш.

V. Дарс мақсади:

Тарбиявий: Мавзу орқали ўқувчиларни етук, мустақил, комил инсонлар тарзида тарбиялаш.

Таълимий: Генларнинг ўзаро ва кўп томонлама таъсир этиши тўғрисида ўқувчиларда илмий тушунчалар ҳосил қилиш. Олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш.

Ривожлантирувчи: Ўқувчиларда шахсий психологик хусусиятлар: хотира, тафаккур, идрокни шакллантириш.

Касбга йўлловчи: Шу мавзунини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни биология ўқитувчиси, селекционер, врач, лобарант, қишлоқ хўжалиги мутахассиси касбларига йўллаш.

Мафқуравий мақсад: Шу мавзу орқали мамлакатимиз фани ист-тиқболлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, ватанни севиш, ўз юртидан ғурурланиш туйғусини шакллантириш.

VI. Дарс услуби: Ёзма, оғзаки, аралаш.

VII. Дарс усули: «Мустақил ишлаш», «Ақлий ҳужум», «Мусо-бақа».

VIII. Дарс дидактикаси: Дарслик, тарқатма материаллар, жад-валлар, рағбатлантириш карточкалари.

Дарснинг бориши

1. Ташкилий қисм, психологик иқлим яратиш.

2. Дарснинг режаси:

а) Гуруҳларга ажратиш.

б) Ўқитувчининг кириш сўзи.

в) Мустақил ишлар.

- г) Хулоса, умумлаштириш, яқунлаш, баҳолаш.
3. Дарс якуни. Уйга вазифа бериш.

Дарс баёни

Синф ўқувчиларини ранжитмаслик ва уларни эстетик дид нуқтаи назаридан, келишмовчиликларсиз гуруҳларга бўлиш мақсадида, синф ўқувчилари сонини ҳисобга олган ҳолда, олдиндан кесма шакли кесиб тайёрлаб қўйилади. Кесим шакли учбурчак, думалоқ, тўртбурчак, бешбурчак бўлади. Бунда ҳар бир ўқувчи ихтиёрий равишда ўзи хоҳлаган рангдаги кесма шаклини танлаб олади. Кесма шакллар рангли бўлиб, шу ранглар орқали ўқувчилар гуруҳларга ажратилади. Ўқувчиларни гуруҳларга бундай ажратиш психологик жиҳатдан характер хусусиятлари ўхшаш бўлган ўқувчиларни битта гуруҳда келишмовчиликларсиз ҳамкорликда ишлашига ёрдам беради.

- 1-гуруҳ — қизил, думалоқ шакл.
- 2-гуруҳ — сариқ, учбурчак шакл.
- 3-гуруҳ — оқ тўртбурчак шакл.
- 4-гуруҳ — яшил, бешбурчак шакл.

Ўқитувчи ўқувчиларни ана шундай гуруҳларга бўлиб, столларга жойлаштириб олгач, мавзу бўйича қисқа ҳамда мазмунли йўлланма, кўрсатма беради.

Ўқитувчи сўзи: Ўқувчилар биз ўтган дарсларда Мендель қонунлари, генларнинг ўзаро таъсир этиш хиллари билан танишган эдик. Мендель қонунларидан фарқ қилиб, генларнинг ўзаро таъсирида организмлардаги аксарият белгиларнинг ирсийланиши битта генга эмас, балки бир неча аллел бўлмаган генлар фаолиятига боғлиқ эканини билиб олдик.

Генларнинг ўзаро таъсир этиб ирсийланишини қуйидаги хилларга бўламиз:

1. Генларнинг комплиментар таъсири.
2. Генларнинг эпистаз таъсири.
3. Генларнинг полимер таъсири.
4. Генларнинг кўп томонлама таъсири.

1-топшириқ. Ҳозир сиз дарсликларнинг 137–145-бетларини ўқиб чиқинг ва қуйидагиларни аниқланг, жадвални тўлдиринг:

Т/р	Генларнинг ўзаро таъсир этиб ирсийланиш хиллари	Моҳияти
1.		
2.		
3.		

Ўқувчилар биринчи топшириқни қуйидагича бажаришлари керак.

Т/р	Генларнинг ўзаро таъсир этиб ирсийланиш хиллари	Моҳияти
1.	Генларнинг компилиментар таъсири	Компилиментар тўлдирувчи деган маънони билдиради. Бир белгининг вужудга келишида АА генлар таъсирини ВВ генлар тўлдириб, янги ота-онада учрамаган белгиларни вужудга келтиради
2.	Генларнинг эпистаз таъсири	Генларнинг эпистаз таъсирида бир аллел ген (А-а)нинг аллел бўлмаган иккинчи ген (В-в)га нисбатан доминантлик қилиш ҳодисасидир
3.	Генларнинг полимер таъсири	Генларнинг полимер таъсирида бир белгининг ривожланишида икки ва ундан ортиқ генлар ишгирок этади. Бунда янги белгилар пайдо бўлмайди. Белгиларнинг пайдо бўлишида генлар таъсири бир хилдир
4.	Генларнинг плейтроп таъсири	Айрим генлар борки, бир пайтда бир неча белгиларнинг ривожланишига таъсир этади

2-топшириқ. Генларнинг ўзаро таъсир этиб ирсийланиш хилларига дарсликдан фойдаланиб биттадан мисол келтиринг.

Генларнинг комплиментар таъсири	Генларнинг эпистаз таъсири	Генларнинг полимер таъсири	Генларнинг плейтроп таъсири

Ўқувчилар дарсликдан фойдаланиб, бу жадвалларни тўлдиришади ва натижаларни таҳлил қилишади. Ҳар бир гуруҳ бошлиқлари чиқиб, биттадан генлар таъсири хилларини изоҳлаб, 2-жадвалдаги мисолларни тушунтириб беришади ҳамда келтирилган мисолларнинг натижасини генотипик ва фенотипик жиҳатдан таҳлил қили-

шади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ берган жавобни баҳолаб боради. Ўқувчилар олган билимлари аниқлангач, олинган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги тест саволлари тарқатилади ва 4 минут давомида бу тестлар бажарилиши топширилади.

3-топшириқ.

1. Генларнинг ўзаро таъсир этиш хиллари.

1. Комплементлар

2. Эпистаз

3. Плейтропия

4. Генларнинг бириккан ҳолда ирсийланиши

5. Полимерия

А. 1, 2, 3. В. 2, 3, 5. С. 1, 2, 5. Д. 2, 3, 4. Е. 1, 3, 5.

2. Генларнинг комплиментар таъсири нима?

А. Бир аллел геннинг иккинчи ноаллел генга нисбатан доминантлик қилиши

В. Бир белгининг ривожланишида икки ёки кўпроқ генларнинг бир хил таъсир этиши

С. Бир геннинг бир неча белгининг ривожланишига кўрсатилган таъсири

Д. Иккита ёки кўпроқ ноаллел генлар таъсирида янги белгининг ривожланиши

Е. Аллел генларнинг бирининг иккинчиси устидан доминантлик қилиши

3. Генларнинг ўзаро эпистаз таъсири.

А. Бир аллел геннинг иккинчи ноаллел генга нисбатан доминантлик қилиши

В. Бир белгининг ривожланишида икки ёки кўпроқ генларнинг бир хил таъсир этиши

С. Бир геннинг бир неча белгининг ривожланишига кўрсатилган таъсири

Д. Иккита ёки кўпроқ ноаллел генлар таъсирида янги белгининг ривожланиши

Е. Аллел генларнинг бирининг иккинчиси устидан доминантлик қилиши

4. Генларнинг полимер таъсири.

А. Бир аллел геннинг иккинчи ноаллел генга нисбатан доминантлик қилиши

В. Бир белгининг ривожланишида икки ёки кўпроқ генларнинг бир хил таъсир этиши

С. Бир геннинг бир неча белгининг ривожланишига кўрсатилган таъсири

Д. Иккита ёки кўпроқ ноаллел генлар таъсирида янги белгининг ривожланиши

Е. Аллел генларнинг бирининг иккинчиси устидан доминантлик қилиши

5. Генларнинг кўп томонлама таъсири.

А. Бир аллел геннинг иккинчи ноаллел генга нисбатан доминантлик қилиши

В. Бир белгининг ривожланишида икки ёки кўпроқ генларнинг бир хил таъсир этиши

С. Бир геннинг бир неча белгининг ривожланишига кўрсатилган таъсири

Д. Иккита ёки кўпроқ ноаллел генлар таъсирида янги белгининг ривожланиши

Е. Аллел генларнинг бирининг иккинчиси устидан доминантлик қилиши

6. Генларнинг ўзаро таъсири комплиментар хилида икки ноаллел ген бўйича гетерозигота организмлар чатиштиришдан ҳосил бўлган дурагайлар иккинчи авлодида хилма-хиллик.

А. 9.6. 1, 9.3.3. 1 В. 9.6.1, 12.3.1 С. 12.3. 1, 13. 3

Д. 15. 1, 1.4.6.4. 1 Е. 13. 3, 9.3.3. 1

7. Генларнинг ўзаро таъсири комплиментар хилида икки ген бўйича гетерозиготали организм чатиштиришдан ҳосил бўлган дурагайлар авлодида хилма-хиллик.

А. 9.6. 1, 9.3.3. 1 В. 9. 6. 1, 12.3. 1 С. 12.3. 1, 13. 3

Д. 15. 1, 1.4.6.4. 1 Е. 13. 3, 9.3.3. 1

8. Генларнинг ўзаро таъсирининг полимер хилида икки ноаллел ген бўйича гетерозиготали организм чатиштиришдан бўлган авлодида хилма-хиллик.

А. 9.6. 1, 9.3.3. 1 В. 9.6. 1, 12.3. 1 С. 12.3. 1, 13. 3

Д. 15. 1, 1.4.6.4. 1 Е. 13. 3, 9.3.3. 1

С	1	2	3	4	5	6	7	8
Ж	С	Д	А	Б	С	Б	С	Д

Гуруҳларда тестлар жавоблари топилгач ҳар бир гуруҳ жавоблари ўқитувчи томонидан текширилгунига қадар ўқитувчи ўқувчиларга генлар билан белгилар ўртасидаги муносабатни топишни топширади.

I муносабат	Белги А ген	
II муносабат	1-белги 2-белги / \ / \ / \ / \ А В генлар С Д Е генлар	
III муносабат	1 2 \ А ген	

Ўқувчилар бу топшириқни қуйидагича бажаришлари керак:

I муносабат	Белги А ген	Мендель қонунлари
II муносабат	1-белги 2-белги / \ / \ / \ А В генлар С Д Е генлар	Комплиментар Эпистаз Полимер
III муносабат	1 2 \ А ген	Прейторопия

Ўқувчилар бу муносабатларни топгунга қадар, ўқитувчи ўқувчилар тестларини текшириб, барча балларини аниқлайди.

4 та топшириқ бўйича гуруҳлар ишлари баҳоланади. Голиб гуруҳ аниқланади, фаол қатнашган ўқувчилар тақдирланадилар, баҳоланадилар, дарсга яқун ясалиб, уйга топшириқ берилади.

Ўқувчилар билан интерфаол усулларда дарсларни ташкил этиш уларда мустақил фикрлаш, ўзига ишонч, ижодий ишлашга қизиқиш каби хусусиятларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Иккинчи топшириқни ўқувчилар қуйидагича бажаришлари керак:

1-жадвал

Генларнинг компламентар таъсири				
Шарсимон АА ва шарсимон ВВ ошқовоқлар чатиштирилди. F ₁ дургайлар олинди, лекин ота-онага ўхшамаган янги белгилар пайдо бўлди.				
<i>P</i>	<i>фен</i> ген	.. шар ААвв	x	<i>шар</i> ааВВ
Таъм Ав аВ				
<i>F</i> ₁	<i>фен</i> ген	<i>гард</i> АаВа	x	<i>гард</i> АаВа
F ₁ ни ўзига ўхшаш организм билан чатиштириб F ₂ ни ҳосил қиламиз.				
	АВ	Ав	аВ	Ав
АВ	Гард ААВВ	Гард ААВв	Гард АаВВ	Гард АаВв
Ав	Гард ААВа	Шар ААвв	Гард АаВв	Шар Аавв
аВ	Гард АаВВ	Гард АаВа	Шар ааВВ	Шар АаВв
ав	Гард АаВа	Шар Аавв	Шар ааВв	Узунчо Аавв
Фенотипик таҳлил қиламиз 9/16 гард, 6/16-шар 1/16 узунчоқ мевали ошқовоқлар ҳосил бўлди. Бунда иккита (А-В) генлар битта белгини вужудга келтирди.				

Генларнинг эпистаз таъсири				
Фенотипик жиҳатидан ўхшаш генотилаари билан фарқ қилувчи оқ патли товуклар чатиштирилди. F ₁ дурагайларда оқ товуклар, F ₂ дурагайларда оқ-қора товуклар олинди.				
Ечиш:				
<i>P</i>	$\frac{\text{фен ген}}{\text{ген}}$	$\frac{\text{оқ ССИ}}{\text{ССИ}}$	\times	$\frac{\text{оқ ссii}}{\text{ссii}}$
Таъм СУ сi				
<i>F₁</i>	$\frac{\text{фен ген}}{\text{ген}}$	$\frac{\text{оқ Celi}}{\text{Celi}}$	\times	$\frac{\text{оқ Celi}}{\text{Celi}}$
<i>F₂</i>				
	СУ	Сi	сУ	сi
СУ	Оқ ССУУ	Оқ ССУi	Оқ СсУУ	Оқ СсУi
Сi	Оқ ССУi	Қора ССii	Оқ СсУi	Қора Ссii
сУ	Оқ СсУi	Оқ СсУi	Оқ ссУУ	Оқ ссУi
сi	Оқ СсУi	Қора Ссii	Оқ ссУi	Оқ ссii
Фенотипик таҳлил 13/16=оқ, 3/16-қора. Бу ерда катта У=У генлар С=с генлар фаолиятини бошқаради.				

Генларнинг полимер таъсири				
<p>Генларнинг полимер таъсирида бир белгининг ривожланишида 2 ва ундан ортиқ генлар иштирок этади. Комплементлар ва эпистаздан фарқи янги белгилар пайдо бўлмайди, ҳар бир геннинг таъсир кучи бир хил бўлади. Қизил донали буғдой $A_1 A_1 A_2 A_2$ оқ донали буғдой $a_1 a_1 a_2 a_2$ билан чапиштирилди. F_1 дурагайларда пушти рангли буғдойлар олинди. F_1 да эса бу белгилар қуйидаги ирсийланади:</p>				
$P \frac{\text{фен}}{\text{ген}} \frac{\text{қизил}}{A_1 A_1 A_2 A_2} \times \frac{\text{оқ}}{a_1 a_1 a_2 a_2}$				
Там $A_1 A_2 a_1 a_2$				
$F_1 \frac{\text{фен}}{\text{ген}} \frac{\text{пушти}}{A_1 a_1 A_2 a_2} \times \frac{\text{пушти}}{A_1 a_1 A_2 a_2}$				
Таъм F_2				
	$A_1 A_2$	$A_1 a_2$	$a_1 A_2$	$a_1 a_2$
$A_1 A_2$	Қизил $A_1 A_1 A_2 A_2$	Очқизил $A_1 A_2 A_2 a_2$	Очқизил $A_1 A_1 a_2 A_2$	Пушти $A_1 a_1 A_2 a_2$
$A_1 a_2$	Очқизил $A_1 a_1 A_2 A_2$	Пушти $A_1 A_1 a_2 a_2$	Пушти $A_1 a_1 a_2 a_2$	Очпушти $A_1 a_1 a_2 a_2$
$a_1 A_2$	Очқизил $A_1 a_1 A_2 A_2$	Пушти $A_1 a_1 A_2 a_2$	Пушти $a_1 a_1 A_2 A_2$	Очпушти $a_1 a_1 A_2 a_2$
$a_1 a_2$	Пушти $A_1 a_1 A_2 a_2$	Очпушти $A_1 a_1 a_2 a_2$	Очпушти $a_1 a_1 A_2 a_2$	Оқ $a_1 a_1 a_2 a_2$
Фенотипик таҳлил қиламиз:				
Қизил 1 та, Очқизил 4 та, Очпушти 4 та, Пушти 6 та, Оқ 1 та				

Генларнинг плейтрон таъсири

Сичқонларда А-а сариқ рангли а-а қора рангни ҳосил қилади. Гетерозигота формадаги сариқ сичқонлар ўзаро чатиштирилди. F_1 да хилма-хиллик 3:1 нисбатда эмас, 2:1 нисбатда ҳосил бўлди. Сичқонларда АА гомозиготали генлар доминант ҳолатида 2 та белги ривожланишига таъсир этади, яъни сичқонларга сариқ ранг бериш ва организмнинг нобуд бўлиши. Шунинг учун нобуд АА генга эга бўлган сичқонлар эмбрионал ривожланиш даврида нобуд бўлади.

$$p \frac{\text{фен}}{\text{ген}} \frac{\text{сариқ}}{Aa} \quad x \quad \frac{\text{сариқ}}{Aa}$$

Таъм Аа Аа

$$F_1 \frac{\text{фен}}{\text{ген}} \frac{\text{сариқ}}{Aa} \quad x \quad \frac{\text{сариқ}}{Aa} \quad \frac{\text{сариқ}}{Aa} \quad \frac{\text{қора}}{aa}$$

Бу ерда АА ген 2 та белгининг ривожланишига таъсир кўрсатапти, плейтрон ирсийланишнинг маъноси ҳам ана шунда.

Кимё фанидан бир соатлик дарс ишланмаси

Фан: Кимё.

Синф: 7.

Мавзу: Валентлик.

Дарснинг мақсади:

Тарбиявий. Ўқувчиларга жамоа бўлиб ишлаш ва ўзаро ҳурмат, маданиятлилик, инсонийлик каби хислатларни шакллантириш.

Таълимий. Мавзу асосида ўқувчиларда билим, кўникма, малака ҳосил қилиш.

Ривожлантирувчи. Тафаккур, ирода, идрок ва ҳиссиётни жиловлашни ўргатиш.

Касбга йўлловчи. Химик, химик-технолог, лаборант ва муҳандис касблари билан таништириш.

Мафқуравий. Диний бағрикенглик, инсонпарварлик, комил инсон бўлишга ўргатиш

Дарснинг услуги. Оғзаки, ёзма, амалий иш.

Дарснинг усули. «Таянч сигналлар» асосида амалий иш.

Дарснинг типи. Янги тушунча ҳосил қилиш ва уни таҳлил қилиш.

Дарснинг бориши

1. Ташкилий қисм, психологик иқлим яратиш.

2. Дарснинг режаси. Сўз боши.

Тасаввур қилинг, Сиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг тезучар самолётида Америка томон учаяпсиз. Тўсатдан айрим техник сабабларга кўра самолёт ўз траекториясидан чиқиб, ўзга сайёрага учиб бориб қўнди. Ўзга сайёраликлар бизга ўхшаб қўл бериб кўришар-саломлашар, лекин улар 1, 2, 3... қўлли бўлиб, айримлари қўллар сонини ўзгартириш хусусиятига ҳам эга экан.

Кўришганда бўш қўл қолмаслиги керак бўлиб, агар бўш қолса улар хафа бўлишар экан.

Келинг, биз улар билан кўришишни машқ қилайлик.

3. Таянч сигналларни кўчириб машқ бошлаш.

4. Индивидуал, гуруҳли ва жамоа бўлиб ишлаш.

5. Элементлар асосидаги таянч сигналларни кўчириб ишлаш.

6. Тушунмовчилик саволларга ўқитувчи ва китоб асосида жавоб топиш.


7. Хулоса. Уйга вазифа.

Таянч сигналлар ва сўзлар.

1. Ҳар хил қўлли одамлар:



2. Саломлашиш:



3. Ўзгармас валентликка эга бўлган элементлар:

I валентли элементлар – H, LF, Na, K, F

II валентли элементлар – O, Be, Mg, Ca, Ba

III валентли элементлар – B, Al


4. Ўзгарувчан валентликка эга бўлган элементлар:

I ва II валентли – Cu, Hg

II ва III валентли – Fe, Co, NF

II ва IV валентли — C, Sn, Pb
 III ва V валентли — P
 II, III, VI валентли S
 II, IV, VI валентли — Cr
 I–V валентли — N

5. Элементларни саломлаштириш:



6. Одамлар — элементлар, қўллар — валентэлектронлар, саломлашиш—? (Валентлик)

Бундай дарслар ўқувчиларга мустақил ишлашни, мустақил фикрлашни, хулоса чиқаришни ўргатибгина қолмай, билимларни мустақил эгаллаш малакаларини ҳосил қилади.

8-синф. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанидан бир соатлик дарс ишланмаси

Дарс мавзуси: Инсон ҳаётида яхши хулқнинг аҳамияти ва ёмон хулқнинг оқибатлари.

1. Тўғрилиқ ва ростгўйлик. 2. Фаҳм-фаросат ва зийраклик.

Дарс мақсадлари:

Таълимий: Инсон ҳаётида тўғрилиқ ва ростгўйлик, фаҳм-фаросат ва зиёракликнинг аҳамияти.

Тарбиявий: Тўғри ва ростгўй, фаҳм-фаросатли ва зийрак бўлиш йўлларини ўқувчи онгига сингдириш.

Ривожлантирувчи: Интерфаол методлар орқали ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, танқидий фикрлаш, тўғрилиқ ва ростгўйлик, фаҳм-фаросат ва зийракликдан ўз ҳаёти тажрибасида фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Касбга йўлловчи: Тарбиячи, педагог касбий сифатлари ҳақида маълумот.

Мафкуравий: Инсонийлик. Инсоний қадриятлар, комил инсон ҳақида маълумот бериш.

Дарс тури: Назарий ва амалий.

Дарс типи: Аралашган андозалаш.

Дарс усули: Интерфаол.

Дарс жиҳози: Жадваллар: 1. Б\БХ\БО. 2. Инсерт жадвали. 3. Кластерга бўлиш.

Тарқатма дидактик материаллар:

1. Инсерт матнлари. 2. Бошқотирмалар. 3. Магнит доскаси. 4. Рағбатлантириш ва жарима карточкалари.

Фанлараро боғлиқлиги: Адабиёт, она тили, тарих, жисмоний тарбия ва бошқалар.

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм (анъанавий ишлардан ташқари, ўқувчилар 5—6 тадан гуруҳ бўлиб ўтириши таъминланади).

2. Ўтилган мавзунни такрорлаш. «Кубик» стратегиясидан фойдаланилади. Ҳар бир ўқувчи, гуруҳ қисқа ёзма жавоб тайёрлайди.

1-томон. Буни тасвирланг. Халқ фаровонлиги деганда хаёлингизда нималар тасвирланмоқда?

2-томон. Буни таққосланг. Халқ фаровонлиги нимага ўхшайди, нимадан фарқланади?

3-томон. Ўзаро боғланг. Халқ фаровонлиги нималар ҳақида ўйлашга мажбур қилади? Хаёлингизга нималар келади? Ўқувчилар хаёлига эрк беради ва халқ фаровонлигининг нималар билан боғланиши мумкинлигини ёзишади.

4-томон. Буни таҳлил қилинг. Халқ фаровонлиги қандай амалга оширилади? Ўқувчилар буни аниқ билиши, тўлиқ билиши шарт эмас, улар ўз фикрларини баён этишади.

5-томон. Буни қўлланг. Халқ фаровонлиги нима учун керак? Унинг аҳамияти баён этилади.

6-томон. Ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг. Ўқувчиларнинг танқидий тафаккурини шакллантириш борасида ижобий нарса ва тушунчаларнинг айнан салбий, салбий нарса ва тушунчаларнинг айнан ижобий томонларини излаб топиш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, халқ фаровонлигининг салбий томонини излаб топиш қийин, аммо ўта фойдали бўлади. (Масалан, халқ фаровонлигини яратишда кўплаб қурбонлар бўлиши мумкинлиги ва ҳоказо.)

Янги мавзунинг баёни

А. Андозали дарснинг даъват босқичи. Б\БХ\БО жадвалининг Б — «биламит» устунни тўлдирилади. Бунда тўғрилиқ ва ростгўйлик, фаҳм-фаросат ва зийраклик ҳақида ҳар бир гуруҳдан 2 тадан фикр олина-

ди, барча фикр ва мулоҳазалар тугагунча. Сўнг, БХ – «билишни хоҳлаймиз» устуни тўлдирилади. Бунда ўқувчилар тўғрилиқ ва ростгўйлик, фаҳм-фаросат ва зийраклик ҳақида нималарни билишни; хоҳлашларини айтишади.

Б. Андозали дарснинг англаш босқичи. Бу босқичда ҳар бир ўқувчига тўғрилиқ ва ростгўйлик, фаҳм-фаросат ва зийраклик инсерт матни тарқатилади. Бу матн билан танишиш жараёнида ҳар бир ўқувчи «V», «+», «-», «?» белгиларини қўйиб боради. Сўнг инсерт жадвали тўлдирилади.

3. Янги мавзун мустаҳкамлаш.

В. Андозали дарснинг фикрлаш босқичи. Бу босқичда ўқувчилар нималарни билиб олишларини гапириб беришади ва жадвалнинг БО устуни тўлдирилади ва демак, дарс мустаҳкамланади.

4. Дарсга яқун яшаш. Фаол қатнашган гуруҳлар, ўқувчилар рағбатлантирилади. Бунда баҳо бериш асосли бўлиши ва кўпроқ ўйин тарзида ўтишига эътибор қаратилади.

Инсерт

Тўғрилиқ ва ростгўйлик. Фаҳм-фаросат ва зийраклик.

Маънавият аввало инсоннинг хулқи орқали намоён бўлади. Унинг маънавияти қанчалик бой бўлса, хулқи ҳам шунчалик гўзал бўлади. Аксинча, киши маънавияти заиф, қашшоқ бўлса, унинг хулқи ҳам шунчалик хунук бўлади.

Хулқ деб инсоннинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши ва муомаласи орқали намоён бўладиган хусусиятларига айтилади.

Яхши хулқ ўз таркибида бир қанча хусусият ва фазилатларни мужассам этса, ёмон хулқ, аксинча, иллатлар ва салбий хатти-ҳаракатларни акс эттиради. Дастлаб яхши феъл-атворга асос бўладиган, инсон хулқини безайдиган тўғрилиқ ва ростгўйлик, фаҳм-фаросат ва зийраклик каби фазилатлар хусусида сўзлашайлик. Тўғрилиқ инсоннинг амалдаги хатти-ҳаракатларининг кўнглидаги нияти ва мақсад-муддаосига мос, кўнглида туйган, хаёлида ўйлаган нарсасини тилида айнан такрорлаб, шу асосда ҳаракат этса, бу ҳақиқий тўғрилиқдир. Демак, тўғрилиқнинг зидди, яъни тескариси қинғирлик ва эгриликдир.

Ростгўйлик ҳақиқатни гапиришдир.

Инсон фаҳм-фаросати, тўғри сўзи, ҳалол меҳнати, ҳаққонийлиги билан гўзал.

Ота-она фарзандга ибрат, намуна бўлиши зарур.

Самимийлик, тўғрилик ва ростгўйлик, ҳақиқатгўйлик билан узвий боғлиқ.

Одобли, тўғри, ҳалол ва самимий кишиларгина ана шу фазилатларга эга бўладилар. Ҳалоллик эса эзгулик сари ташланган қадам бўлиб, ундай одамнинг умри хотиржамликда ўтади.

Софдил, тўғри одамларнинг сўзи билан иши бир бўлади.

Инсонга ярашадиган фазилатлардан яна бири ростгўйликдир.

Бир она совчиликка келиб, «Қизим, ишни айтса қилиш керакми ёки айтмаса ҳам қилинаверадими?» дебди. Қиз зукко, ҳам фаросатли экан: «Холажон, айтса ҳамма ҳам қилади, фаҳм-фаросатни ишлатиб, ҳар қандай ишни одам ўзи бажариши керак», – дебди. Она севиниб кетибди ва ўша қизни келин қилган экан.

Дунёда уч нарсадан сақланмоқ керак, биринчиси – чақимчилик, иккинчиси – ёлғон гапириш, учинчиси – гийбатдир. Бу уч нарсадан ўзини тиймаган кишининг боши ташвишдан чиқмайди.

Юзи кир бўлса, ювса кетар,

Кўнгли кир бўлса, ўлса кетар.

Қаноат – ҳаётда озга ҳам, кўпга ҳам кўникиш, оғирликларга чидаш, нафсни тийишдир. Қаноат кишини иззат-икромга, шон-шарафга олиб боради.

Кимки қийинчиликларга чидаб, мақсад сари сабр-бардош ва қаноат билан интилса, роҳат ва фароғатга эришади. Қаноатнинг меваси – бахт ва тинчлик, осойишталик ва фаровон турмуш, шодлик ва хуррамлик, севинч ва қувончдир.

Қаноатсизлик кишини разилликка, жоҳилликка, хору зорликка етаклайди.

Қаноат бор жойда инсоф, инсоф бор жойда эса қаноат бор. Қаноатсиз одамда инсоф бўлмайди, қаноатсизлик кишини очкўзлик балосига йўлиқтиради.

Қаноатлилик шуқр қилишдан бошланади. Ўткинчи қийинчиликларга сабр қилиш қаноатлиликнинг муҳим кўринишларидан ҳисобланади.

Баъзан иш ёки ўқишда одамлар билан муомалада ҳам қийинчиликлар, тушунмовчиликлар юзага келади. Бундай ҳолларда вазиятга қараб қийинчиликларни вазминлик, сабр-тоқат билан бартараф этиш оқиллик белгиси саналади.

Нима ёмон, нима яхши, нима гуноҳ, нима савоб эканлигини ўсмирлик ёшидан ажратиб олмоқ ва шунга амал қилмоқ даркор.

IV БОБ. ПЕДАГОГИКА ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДИДАКТИКАСИ

4.1. Шахсларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш тести

Тарбия психологияси — педагогик психологиянинг гоят мураккаб ва кам ишланган бўлими бўлиб, кейинги вақтларда бунга кўпроқ эътибор берилмоқда. У шахсни бир бутун ҳолда таркиб топиши ва ривожланишига оид ички (психологик) механизмларни, шунингдек, унинг айрим хусусиятларини ўргатади.

Шахс фаолияти жараёнида моддий ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Фаоллик бўлмаган жойда шахснинг қарор топиши ва ривожланиши ҳам бўлмайди. Бунда ижтимоий алоқалар жамият, гуруҳ ҳамда турли жамоалар ҳаётига фаол киришиб кетиш шахсни шакллантиришнинг муҳим омиллари сифатида майдонга чиқади. Аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олдиндан режалаштирилган ҳамда ташкил этилган жараён бўлиши тарбия, шахс ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро таъсир кўрсатувчи йўналишлари ҳисобланади. Шахснинг шаклланиб бориш суръти унга хос айрим хусусиятларнинг тўла ва бутун ҳолда барқарор пайдо бўлиб бориш унинг меҳнатда, ўқишда, ўйинда, мулоқотда ва юриш-туриш маданиятида яққол кўринади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, фаолият нима сабабдан амалга оширилиши зарур эканлигини тушунтира олиш билангина ҳар бир ишнинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаси амалга ошади. Бу фикрни шундай тушуниш керакки, тарбияланувчи онгига англаб етилган барқарор ва кучли ички эҳтирос пайдо бўлгандагина амалга ошириладиган фаолият тарбияловчи кучга айланади. Хўш, тарбиянинг ўзи нима? А. Навоий фикрича тарбия, яъни «Педагогика» бола тарбиясининг фанидир. Боланинг саломатлиги ва саодати учун яхши тарбия қилмоқ, танини пок тутмоқ, яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан асраб ўстирмоқдир.

Шахсни камол топтиришда ахлоқий тарбияни асосий ҳисоблаган шарқ олимлари «Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража берувчи» деб таъриф берганлар. Тарбияланганликни эса яхши ва ёмон хулқларнинг қай даражада шаклланиши билан ўлчаганлар. Ушбу тестда яхши хулқлар турлари, уларнинг мезонини аниқлаш ва шулар орқали тарбияланганлик даражасини белгилаш-

га ҳаракат қилдик. Бунинг учун яхши хулқнинг турлари, уларнинг мезонларини ишлаб чиқдик. Кейинги иш эса ҳар бир шахснинг тарбияланганлик даражасини аниқлашдир.

Ҳар бир тарбиячи — ўқитувчи учун яхши хулқ, унинг мезонини билиш — кейинги фаолиятини ташкил этишда ёрдам беради деб ўйлаймиз. Тарбияланганлик даражасини аниқлаш эса тарбияланувчининг камчилик томонларини тузатишга ёрдам беради.

Тест ишланмаси

Тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонлари

Т/р	Тарбияланганлик кўрсаткичлари	Мезони
1.	Ватанпарварлик	Ўлка ўтмиши ва ҳозирги ҳаётига қизиқиш, табиатга меҳр кўйиш ва уни асраш, ўз уйи, боғчаси, мактабини севиш, меҳнатга муҳаббат, ватанининг буюк кишилари билан фахрланиш ва ҳ.к.
2.	Дўстлик, инсонпарварлик	Жамоага қўшила олиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, муҳтожларга ёрдам бериш, меҳр-шафқатлилик, ғамхўрлик, самимийлик, дўстга садоқатлилик ва ҳ.к.
3.	Ҳалоллик	Самимийлик, ростгўйлик, ўз хатосини тан олиш, сўз билан иш бирлиги, ваъдага вафо қилиш, ўзгалар мулкига тегмаслик ва ҳ.к.
4.	Меҳнатсеварлик	Меҳнатсеварлик, виждонан ўқиш, ишлаш, уй-рўзгор ишларига ёрдам, ижтимоий меҳнатда фаоллик, доимо фойдали иш билан шуғулланиш ва ҳ.к.
5.	Интизомлилик	Мактабда, кўчада, уйда, жамоат жойларида белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш. Буюрилган ишни тез ва аниқ бажариш, масъулиятни ҳис қилиш ва ҳ.к.
6.	Сахийлик	Меҳрибонлик, кичикларга ғамхўрлик қилиш, ҳамма нарсани ўртоқлари билан баҳам кўриш, жониворларни авайлаш ва асраш, мурувватли бўлиш ва ҳ.к.
7.	Фаоллик	Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, ташаббускорлик, ташкилотчилик, камчиликка қарши курашиш, ҳамма ишда ўрнатилган бўлиш ва ҳ.к.
8.	Камтарлик	Кишилар орасида ажралиб туришга ҳаракат қилмаслик, ахлоқли бўлиш, ташқи кўриниш билан

		ажралиб турмаслик, мақтанчоқ бўлмаслик, бо- сиқлик, оддийлик, соддалик, сиполик ва ҳ.к.
9.	Озодалик	Кийим-кечак, аъзолар ва ташқи кўринишни озо- да тутиш. Иш, ўқиш, уй, юриш, туриш жойла- рини доимо озода сақлаш, пок юриш ва ҳ.к.
10.	Тежамкорлик	Шахсий ва давлат мулкани асраш, буюмларни тартибда сақлаш, эҳтиёт қилиш, ҳар бир нарса- дан тўғри фойдаланиш ва ҳ.к.
11.	Жасурлик	Кўрқувни енга олиш, ўзгаларга ёрдам бериш, қатъиятлилик, адолатсизликка мурасасизлик ва ҳ.к.
12.	Чаққонлик, чини- қиш, кучлилик	Хушбичим бўлишга интилиш, спорт билан шу- гулланиш, кун тартибига ва шахсий гигиенага риоя қилиш, гимнастика машғулотлари билан шуғулланиш ва ҳ.к.
13.	Байналминаллик	Ўз халқининг маданияти ва санъатига қизиқиш, ўзга халқларнинг ва ўз халқининг урф-одатлари- ни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам ва ҳ.к.
14.	Масъулиятлилик	Ўз вазифасини сидқидилдан бажариш, олинган мажбуриятни ўз вақтида аниқ бажариш, бош- ланган ишни охирига етказиш ва ҳ.к.
15.	Қизиқувчанлик	Ўқимишли бўлиш, билим доирасини ошириш, берилаётган сабоқни яхши ўзлаштириш, адаби- ётларни ўқиб бориш, ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, ҳар бир машғулотга тўлиқ қатнашиш ва ҳ.к.
16.	Принципиаллик	Қарашлар ва эътиқодларнинг барқарорлиги, ўз фикр ва мулоҳазаларини очиқ айтиш, ўз фикри- ни ҳимоя этиш, ўз-ўзини танқид қила билиш, хатти-ҳаракатларга объектив баҳо бериш ва ҳ.к.
17.	Нафосатлилик	Гўзалликни ҳис қила билиш, чиройли ишдан, буюмдан завқланиш, озода кўринишга интилиш, адабиёт, санъатга қизиқиш, ҳар бир ишни си- фатли бажариш ва ҳ.к.
18.	Ишбилармонлик, тадбиркорлик	Вақтдан тўғри фойдаланиш, пул ва мол қадри- ни билиш, харажатда тежамкор бўлиш, савдода ижодкор бўлиш ва ҳ.к.
19.	Иффат-ҳаёлилик	Нафсни гуноҳ ва бузуқ ишлардан тийиш, ишда, сўзда, юриш-туришда, кийинишда, овқатланиш- да одоб сақлаш ва ҳ.к.
20.	Ўз-ўзини тарбия- лаш, назорат қилиш	Ахлоқий сифатларни таҳлил қилиш орқали ўзи- даги камчиликларни қайта тарбиялашга инти- лиш, ўзини объектив баҳолаш ва ҳ.к.

Юқорида берилган яхши хулқлар ва уларнинг мезонларидан фойдаланиб, тарбияланувчининг тарбиялаганлик даражасини аниқлаш мумкин. Бунда ўн балли тизимдан фойдаланиб, ҳар бир шахснинг тарбияланганлик даражаси аниқланади. Баллар кузатиш, суҳбат, тестлар, иш ўйинлари натижасида ва ўз-ўзини баҳолаш орқали қўйилиши мумкин. Тарбияланганлик кўрсаткичлари ҳар бири алоҳида баҳоланиб, умумий (20 тури) балл аниқланади. Энг юқори баҳо 200 ни ташкил этса, паст баҳо 0 дир. Тўплаган баллар асосида тарбияланганлик даражаси «паст» «ўрта» ва «юқори» аниқланади. Тарбияланганлик кўрсаткичларининг қайси бири паст ёки юқорилигига қараб қайта тарбиялаш режасини тузиш мумкин.

Тарбияланганлик кўрсаткичини баҳолаш варақаси

Т/р	Тарбияланганлик кўрсаткичи	Бали (0–10 гача)
1.	Ватанпарварлик	
2.	Дўстлик, инсонпарварлик	
3.	Ҳалоллик	
4.	Меҳнатсеварлик	
5.	Интизомлилик	
6.	Сахийлик	
7.	Фаоллик	
8.	Камтарлик	
9.	Озодалик	
10.	Тежамкорлик	
11.	Жасурлик	
12.	Чаққонлик, чиниқиш, кучлилик	
13.	Байналминаллик	
14.	Масъулиятлилик	
15.	Қизиқувчанлик	
16.	Принципиаллик	
17.	Нафосатлилик	
18.	Ишбилармонлик, тадбиркорлик	
19.	Иффат-ҳаёлилик	
20.	Ўз-ўзини тарбиялаш, назорат қилиш	

Тўпланган баллар йиғиндиси:

- 0–80 гача бўлса тарбияланганлик даражаси «паст»;
- 80–140 гача бўлса тарбияланганлик даражаси «ўрта»;
- 140–200 гача бўлса тарбияланганлик даражаси «юқори».

Ўз-ўзини тарбиялаш учун қуйидаги режа асосида иш олиб бориш мумкин:

Тарбияланганлик кўрсаткичлари	Камчиликлар	Ўз-ўзини тарбиялаш учун бажариладиган ишлар
1	1	1
2	2	2
3	3	3
4	4	4
ва ҳ.к.	ва ҳ.к.	ва ҳ.к.

4.2. Педагог ходимлар учун тезкор савол-жавоблар

Тезкор саволлар:

1. Интеллект нима?
2. Диққатнинг нечта тури бор?
3. Сензитивлик нима?
4. Миллий ғоя нима?
5. Дарс типи нечта?
6. Диагностика нима?
7. Коммуникативлик нима?
8. Иқтидорли деб кимни тушунасиз?
9. Кризис ёшларини айтинг?
10. Дарс мақсади нечта?
11. Хотирани кучайтириш неча ёшда қулай?
12. Тафаккур нима?
13. Интерактив усул нима?
14. Услуб нима?
15. Дарснинг ривожлантирувчи мақсади нима?
16. Ҳиссиёт турларини айтинг?
17. Тафаккур турларини айтинг?
18. Ташхис марказлари қачон тузилган?
19. Амалий психологнинг иш турлари?
20. Коррекция нима?
21. Профилактика нима?
22. Перцептив қобилият нима?
23. Дефектология нима?
24. Этнопсихология нима?
25. Миллий мафқуранинг бош ғояси нима?
26. Педагогик технология нима?

27. Аффект нима?
28. Касб типларини айтинг.
29. ДДС нима?
30. Мижоз турларини айтинг.
31. Кеттелл тести нима?
32. Симпатия нима?
33. Мактабнинг асосий вазифаси нима?
34. Қиёфашунослик илми соҳиби ким?
35. 3 та ўзбек психологини айтинг.
36. Климов тести нима?
37. Айзенк тести нимани ўргатади?
38. «Бумеранг» нима?
39. Системанинг ўзбекчаси нима?
40. Ўқувчи нима учун мактабга келади?
41. Геометрик шакллар орқали нима аниқланади?
42. Муносабат турларига мисол айтинг.
43. Илғор педагогик технологиянинг бош тамойили?
44. Тарбияси қийин ким?
45. ЎқХЙ ва ППТМ ни тўлиқ айтинг?
46. Консилиум нима?
47. Мафкура нима?
48. Эксперимент нима?
49. Дарс таҳлилини санаб беринг.
50. Тест сўзининг маъносини айтинг.
51. Анкетанинг ўзбекчаси.
52. Эмпатия нима?
53. «Ақлий ҳужум» дарс усули нима?
54. Суггестив қобилият нима?
55. Плюрализм нима?
56. «УДО» нима?
57. Масофали таълим нима?
58. Муҳаббат (севги) нима?
59. Мотив нима?
60. Коллеж нима?
61. Лицей нима?
62. Педагогика нима?
63. Психология бўлимларини айтинг.
64. Стресс нима?
65. Принцип нима?

66. Феномен нима?
67. Дидактика нима?
68. Интроверт нима?
69. Истеъдод нима?
70. Индукция нима?
71. Эйфория инма?
72. Эътиқод нима?
73. Эгоист нима?
74. Дедукция нима?
75. Диққат нима?
76. Тарбия турларини айтинг.
77. Мафқуранинг диний илдиэлари?
78. Шахс нима?
79. Идрок нима?
80. Таълим нима?
81. Ирода нима?
82. Авторитет нима?
83. Невроз нима?
84. Холерик ким?
85. Мониторинг нима?
86. ДТС нима?
87. Профессиограмма нима?
88. Рейтинг нима?
89. Маркетинг нима?
90. Аспирантура нима?
91. Магистратура нима?
92. Бакалаврлик нима?
93. Инновация нима?
94. Дарснинг дидактик таҳлили нима?
95. Қобилият турларини айтинг.
96. Характер нима?
97. Меланхолик ким?
98. Ўқитувчилар учун умумий касб типи.
99. Педагог сўзининг маъноси.
100. Дидактиканинг «Отаси» ким?
101. Технология сўзининг маъноси?
102. Иқтидорлилар жамғармаси?
103. Тафаккурни оширувчи дарс усули.
104. Дарс нима?

105. Психология сўзининг ўзбекчаси.
106. Тренинг нима?
107. Тарбия турларини айтинг.
108. Бадан тарбияси нима?
109. Миллий моделнинг нечта бўлими бор?
110. Миллий мафкура қачон қабул қилинган?

Тезкор саволлар (касбга йўлловчилар учун)

1. Мониторинг нима?
2. Ҳисобчи қайси касб типига мос?
3. Мижоз турларини айтинг?
4. Нечта хил касб бор?
5. Врач (ҳаким) қайси типга мос?
6. Тафаккур нима?
7. Фермент нима?
8. Фактор нима?
9. Характер-чи?
10. Лорингит билан касалланган одам ўқитувчи бўладими?
11. Вундеркинд нима?
12. Мафкура нима?
13. Профессиограмма нима?
14. Аспирантура нима?
15. Доцент илмий даражалими ё унвон?
16. Иш ритми нима?
17. Прогресс нима?
18. Касб бўлимлари нечта?
19. «Навоийазот» касбларидан 3 та айтинг?
20. Бакалаврлик нима?
21. Шовинизм нима?
22. Плюрализм-чи?
23. Иқтидорли ким?
24. Системанинг ўзбекчаси?
25. Фильтр нима?
26. Классификация-чи?
27. Касб типи нечта?
28. Коллеж нима?
29. Тамойил нима?
30. Ўқитувчиларнинг умумий типи.
31. Математикнинг касб типи?

32. Касб типи кимнинг тести билан аниқланади?
33. Гоя нима?
34. Интерактив усул нима?
35. Дифференция нима?
36. Касб гуруҳлари нечта?
37. Юрист (ҳуқуқшунос)нинг касб типи?
38. Анкета нима?
39. Технология сўзининг маъноси?
40. Инженер сўзининг ўзбекчаси?
41. Слесар-чи?
42. Мафкуранинг диний илдизлари?
43. Портнинг ўзбекчаси?
44. Консилиум нима?
45. Магистр ким?
46. Касб адаптацияси нима?
47. Корректор ким?
48. Касбнинг синфи нечта?
49. Лицей нима?
50. Программа нима?
51. Химия-биология фанлари ўқитувчисининг касб типи?
52. Миллий гоя нима?
53. Истеъдод нима?
54. Мотив нима?
55. Экология нима?
56. Толерантлик нима?
57. Лицей нима?
58. Принцип нима?
59. Ўзбекистон қандай давлат?
60. Инновация нима?
61. Иқтидорлар жамғармаси қайси?
62. Идеализм нима?

Тезкор саволларга жавоблар

1. Шахснинг ақл-идрок даражаси.
2. Ихтиёрий, ихтиёрсиз, ихтиёридан сўнгги.
3. Айрим психологик хусусиятни ривожлантириш учун қулай давр.
4. Миллат тафакқурининг маҳсули.
5. Бешта (билим ҳосил қилувчи, кўникма ва малака ҳосил қилувчи, мустаҳкамловчи, синовчи, аралаш).

6. Таҳлил, ўрганиш (м: педагогик жараёни).
7. Жамоага қўшилиб кета олиш, мулоқотга киришиш.
8. Махсус қобилият эгасини.
9. 2–3, 11–13 ва ҳ.к.
10. Бешта (тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи касбга йўлловчи, мафкуравий).
11. 2–5 ёшда.
12. Билиш, англаш, ҳулоса чиқариш, билим.
13. Метод (бирор ишни олиб боришдаги ҳаракат).
14. Ўзаро ҳамкорлик, биргаликда ишлаш.
15. Шахсий психологик хусусиятларни ривожлантириш.
16. Ижобий, салбий (хурсанд, хафа, завқ ва ҳ.к.).
17. Мантиқий, ижобий, эмпатик, аналитик, фазовий.
18. 1998 йил май.
19. Диагностик, коррекцион, профилактик, ривожлантирувчи ва ҳ.к.
20. Тузатиш.
21. Олдини олиш.
22. Биргаликда идрок қилиш, олдиндан сезиш.
23. Нуқсонларни ўрганувчи фан (одамда).
24. Миллий хусусиятларни ўрганувчи фан (психологиянинг бўлими).
25. Озод ва обод Ватан, тинч ва фаровон ҳаёт.
26. Касб санъати ҳақидаги фан.
27. Нерв тизимининг кучли қўзғалиши ва оз вақт давом этади.
28. Одам, техника, табиат, бадий образ, белгили тизим.
29. Диагностик-дифференциал сўров варақаси.
30. Холерик, сангвиник, флегматик, мелонхолик.
31. Шахс хусусиятларини ўрганувчи тест.
32. Одамнинг ғами ва шодлигига шериклик.
33. Баркамол етук шахслар етказиш.
34. Ҳусайн Воиз Кошифий.
35. Давлетшин, Ғ. Шоумаров, Э. Ғозиев.
36. Касб типларини аниқловчи тест.
37. Интеллект, муомала, мижоз ва ҳ.к.
38. Қайта алоқа (муносабатда).
39. Тизим, тизимлилик.
40. БКМ ҳосил қилиш ва тарбияланиш учун.
41. Шахс хусусиятлари ва улар билан мулоқот.

42. Либерал, авторитар, демократик.
43. Ўқитиш эмас, ўқишга ўргатиш.
44. Қонун ва қоидабузарлар.
45. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш ва педагогик-психологик таълим маркази.
46. Ўқувчини ўқитувчи, психолог, ота-она, синф раҳбари (жамоа бўлиб) муҳокама қилиш.
47. Ғоялар йиғиндиси (Миллий истиқлол ғоялари).
48. Таъриба, синаб кўриш.
49. Илмий, педагогик, психологик, дидактик, методик таҳлиллар.
50. Синаш, ўрганиш.
51. Сўров варақаси, сўровнома.
52. Одамнинг ғамига, шодлигига шерик бўлиш.
53. Ўқувчиларни ақлига ҳужум қилиб мавзунини ўзи ва биргаликда билиб олиш.
54. Маъқул вариантини топиш.
55. Ҳар хиллик (дунёвий, диний ва ҳ.к.).
56. Уй, дарахт, одам расмини чизиш орқали шахсга характеристика бериш.
57. Масофадан туриб ўқитиш, ўқишга ўргатиш.
58. Танага, ақлга, вужудга бирдан таъсир кўрсатувчи ҳиссиёт, касаллик.
59. Ички зарурат, истак, хоҳиш.
60. Касб-ҳунар йўналиши бўйича таълим маскани.
61. Фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўрганиш маскани.
62. Таълим, тарбия, дидактика, методика ҳақидаги фан.
63. Умумий, ёш, ижтимоий, этник, педагогик, психологик ва ҳ.к.
64. Нерв тизимининг кучли қўзғалиши ва аффектдан кўра кўпроқ давом этади.
65. Тамойил, қонун-қоида.
66. Фавқулодда, кам учрайдиган шахс.
67. Кўргазмалилик, намойиш этиш.
68. Муомала қилиш қийин шахс.
69. Қобилиятлар тараққиётининг юксак чўққиси.
70. Яккадан умумий хулоса чиқариш.
71. Кўтаринки кайфият.
72. Қарашлар, тамойил, дунёқараш, ишонч.

73. Худбин, ўзини севувчи.
74. Умумийдан якка хулоса чиқариш.
75. Онгимизнинг бирор нарсага йўналиши.
76. Ахлоқий, ақлий, нафосат ва бадан тарбия.
77. Куръон, Забур, Инжил, Нақшбандий, Конфуций.
78. Онги ривожланиб дунёни билаётган одам.
79. Онгимизнинг бирор нарсага йўналиш ва бир бутун қабул қилиши.
80. Билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш, билиш фаолияти.
81. Зерикмай, зўриқмай бирор ишни бажара олиш.
82. Обрў, нуфуз.
83. Нерв тизимининг кучли кўзғалиши, кайфиятнинг тез-тез ўзгариши.
84. Ҳаракатчан, чаққон, тез тушунувчи ва тез унутувчи.
85. Пировард натижа.
86. Давлат таълим стандартлари (минимал).
87. Касбнома, касб таснифи.
88. Ижобий ва салбий хусусиятни ўрганиш усули.
89. Ўрганиш, таҳлил қилиш, мужассамлаш.
90. Касб бўйича юксак квалификация берувчи ташкилот.
91. Мутахассислик бўйича чуқур билим берувчи ўқув юрти.
92. Касб бўйича олий таълим маскани.
93. Янгиликни ислоҳ қилиш.
94. Таълим жараёнидаги кўрғазмалилик.
95. Математик, санъат, педагог, техник ва ҳ.к.
96. Ижтимоий муҳитда олинган шахсий сифатлар.
97. Ҳаракатсиз, суст, қийин тушунувчи.
98. Одам – одам, одам – бадий образ.
99. «Етакловчи», «Бошқарувчи».
100. Ян Амос Коменский.
101. Касбнинг санъати ҳақидаги фан.
102. «Умид».
103. Муаммоли дарс усули.
104. Ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги иши.
105. «Жон», «Рух», «Рухшунослик», «Рухиятшунос».
106. Машқ, амалий иш.
107. Ахлоқий, ақлий, нафосат, бадантарбия.
108. Жисмоний ва ҳаракат орқали организмни чиниқтириш.
109. 5 га.

Тезкор саволларга жавоблар (касбга йўлловчилар учун)

1. Иш натижасини ўрганиш.
2. Одам — белгили тизим, одам — одам.
3. Холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик.
4. Уч мингга яқин.
5. Одам — табиат, одам — одам.
6. Ўйлаш, фикрлаш, хулоса чиқариш.
7. Ачитқи.
8. Омил, сабаб.
9. Ижтимоий ҳаётдан олинган шахсий хислатлар.
10. Мумкин, лекин ўзига қийин.
11. Ҳамма нарсани билувчи бола, ўта қобилиятли.
12. Ғоялар йиғиндиси.
13. Касбнома, касб таснифи.
14. Юксак касбий квалификация.
15. Доцент — илмий унвон.
16. Даврлилик.
17. Тараққиёт, юксалиш.
18. Касб бўлими бешта.
20. Олий квалификация.
21. Шахсга сиғиниш.
22. Ҳар хиллик (дунёвий, диний ва ҳ.к.).
23. Махсус қобилиятли.
24. Тизим. Тизимлилик.
25. Сузгич.
26. Йўналишларга ажратиш.
27. Касб типи бешта.
28. Касб-ҳунар ўргатиш маскани.
29. Принцип, қонун-қоида.
30. Одам — одам, одам — бадий образ.
31. Одам — одам, одам — белгили тизим.
32. Климов тести билан.
33. Инсон тафаккурининг маҳсули.
34. Ҳамкорлик усули (ўқитувчи, ўқувчи).
35. Таълимни табақалаштириш.
36. Касб гуруҳлари бешта.
37. Одам — одам, одам — бадий образ.
38. Сўров варақаси, сўровнома.
39. Ҳунар санъати ҳақидаги таълимот.

40. Муҳандис.
41. Чилангар, тузувчи.
42. Қуръон, Забур, Инжил, Нақшбандий ва ҳ.к.
43. Ҳамкорлиқдаги ҳулоса.
44. Ўқитувчи, психолог, ота-она ҳамкорлигида бола муҳокама-си.
45. Мутахассислик бўйича олий квалификация.
46. Касбга мослашиш.
47. Тузатувчи, хатоларни текширувчи.
48. Касб синфи учта.
49. Айрим фанларни чуқур ўрганиш.
50. Дастур.
51. Одам – одам, одам – табиат.
52. Миллат тафаккури маҳсули.
53. Қобилиятнинг юксак даражаси.
54. Ички зарурат, хоҳиш, истак.
55. Манзил, жой ҳақида билим, таълимот.
56. Диний бағрикенглик.
57. Айрим фанларни чуқур ўрганиш.
58. Тамойил.
59. Мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат.
60. Янгиликни ислоҳ қилиш.
61. Умид.
62. Яккалик, бир нарсага ишониш.

4.3. Педагогларни аттестациядан ўтказиш бўйича тестлар

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади?

Мақсади шуки, таълим-тарбия, касб-ҳунар ўрганишда ҳар кимнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

2. Таълим соҳасидаги давлат сиёсати асосий принциплари нималардан иборат?

Асосий принциплари: а) таълимнинг ижодий тараққиёти; б) таълимнинг устуворлиги; в) инсонпарварлиги; г) демократик характердалиги; д) таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш; е) ўрта махсус ва касб-ҳунарнинг мажбурийлиги; й) ўрта-махсус ва касб-ҳунар танлаш ихтиёрийлиги; ж) таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги; з) таълим дастурини танлашнинг ягоналиги

ва таваккаллиги; и) билимни ва истеъдодни рағбатлантиришни давлат бошқаруви билан уйғунлаштиришдан иборат.

3. Билим олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ЎзР ҳудудида қанча яшаган бўлиши керак?

Яшаш вақти белгиланмаган ва ҳамма билим олиш ҳуқуқига эга.

4. Билим олиш ҳуқуқи нима билан кафолатланади?

Тили, ёши, ирқи, миллати, этниқоди, келиб чиқиши, турар жойидан қатъи назар таълим олиши кафолатланади.

5. Республикада истиқомат қилаётган ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олиш ҳуқуқига эгами?

Ҳамма қатори конституциявий ҳуқуқга эга.

6. Қандай шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга?

Тегишли касб тайёргарлиги, маълумоти, ахлоқий фазилатлари бор бўлган кишилар.

7. Педагогик ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш қандай амалга оширилади?

ЎзРВМнинг тасдиқланган ишга қабул қилиш Низомига мувофиқ.

8. Қандай шахсларга педагогик фаолият билан шуғулланиш ман этилади?

Суд ҳукми билан ман этилган шахсларга.

9. Таълим муассасаларини аккредитациялаш қандай ташкилотлар томонидан амалга оширилади?

Аккредитациялаш, яъни уларга фаолият ҳуқуқини бериш ЎзРВМнинг таълим бўлими томонидан берилади.

10. Нодавлат таълим муассасаси қайси вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади?

Белгиланган тартибда ЎзРВМнинг аккредитациясидан ўтгандан сўнг.

11. Таълим муассасаси қандай ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатади?

Қонуний ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган Низом асосида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

12. Таълим муассасаси Давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкинми?

Таълим муассасаси аттестация натижаларига кўра Давлат аккредитация комиссияси томонидан маҳрум этилиши мумкин.

13. Таълим муассасаси тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгами?

Белгиланган тартибда Низомга биноан пуллик таълим тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишига ҳақли.

14. Ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмуни сифатига талаблар қандай ҳужжат билан белгиланади?

Ўрта-махсус, касб-хунар таълими бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган Низомда кўрсатилган ҳужжатлар билан таъминланган ҳолдагина рухсат этилади.

15. Давлат таълим стандарт (ДТС)ларини бажариш мажбурийми, агар шандай бўлса, қандай муассасаларга?

ДТСни барча таълим муассасалари бажаришга мажбур.

16. Таълим муассасаларида таълим бериш тили қайси ҳужжат асосида амалга оширилади?

Таълим бериш тили Давлат тили асосидаги ҳужжатларга асосан олиб борилади.

17. ЎЗР таълим тизими нималардан иборат?

Илмий педагогик муассасалар, давлат ва нодавлат таълим муассасалари, таълим бошқарув органлари, уларга тегишли корхоналар, муассасалари ва ташкилотлардан иборат.

18. ЎЗРда қандай таълим турлари мавжуд?

Мактабгача, Умумий ўрта таълим (УЎТ), Ўрта-махсус ва касб-хунар, Олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, мактабдан ташқари таълим, малака ошириш тизими.

19. Мактабгача таълимнинг мақсади нималардан иборат?

Соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрлаш.

20. УЎТ босқичлари қандай?

А) бошланғич 1–4-синф; Б) ўрта таълим 1–9-синф.

21. УЎТнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Билимларнинг зарур ҳажмини бериш, мустақил фикрлаш, тажриба кўникмаларини шакллантириш, касбга йўналтириш, таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам бериш.

22. Ихтисослаштирилган мактаблар нима учун ташкил этилади?

Талабалар қобилиятини ва истеъдодини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

23. Ўрта-махсус, касб-хунар таълими йўналишлари?

Талабаларнинг касб-хунарга мойиллиги, назорат ва малакаларини чуқурлаштириш.

24. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг асосий вазифалари?

УЎТ асосида ўқишни ташкил этиш билан касб-ҳунар ҳамда маҳсус маълумотлар беришдир.

25. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фарқи нима-лардан иборат?

Фарқи олинган ҳунар бўйича ишлаш билан бирга таълимни навбатдаги босқичида давом эттириш ҳуқуқини беришида.

26. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш неча йил? 3 йил

27. Олий таълимнинг мақсади?

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш.

28. Олий таълим қайси таълим асосида амалга оширилади?

Ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади

29. Олий таълим неча босқичдан иборат?

А) бакалаврият; Б) магистратура.

30. Бакалавриятнинг мақсади?

Пухта билим берадиган ва камида 4 йил бўлган таянч олий таълимдир.

31. Магистратуранинг мақсади?

Камида 2 йил бўлган олий таълимнинг кейинги йўналиши бўйича билим беришдир.

32. Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг мақсади нима?

Жамиятнинг юқори малакали илмий кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

33. Олий таълим юртидан кейинги таълим қайси таълим кўринишида амалга оширилади?

Аспирантура, докторантура кўринишида.

34. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби ким томонидан белгиланади?

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби ЎзРВМ томонидан амалга оширилади.

35. Мактабдан ташқари таълим муассасаларини кимлар ташкил қилиши мумкин?

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар, спорт ва бошқа ташкилотлар.

36. Ўзбекистондаги таълим муассасалари битирувчиларига таълим тўғрисидаги қандай ҳужжатлар берилади?

Шаҳодатнома, сертификат, гувоҳнома, диплом каби ҳужжатлар.

37. Оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган шахсларга таълим тўғрисидаги қандай ҳужжатлар берилади?

Ҳеч қандай ҳужжат берилмайди, аммо давлат органлари уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам бериш ваколатини олади.

38. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш нималардан иборат?

Тақдим этилган ҳужжатларга асосан турли имтиёзлар, стипендия, уст-бош, озиқ-овқат, ётоқхона, қисман ёки тўлалигича давлат таъминоти билан ҳимояланади.

39. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш:

Белгиланган оқладлардан ташқари мустақил ставкалар, табақалаштирилган устама ҳақлар ҳамда рағбатлантиришнинг турли шакллари билан ҳимояланади.

40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколати?

Ягона таълим давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, дастурлар ишлаб чиқиш, ташкил этиш, аккредитациялаш, аттестация тартибини белгилаш, таълим билан шуғулланиш рухсатномасини бериш, хорижий таълимларга тенглаштириш, таълим стандартларини тасдиқлаш, ҳужжатларни тасдиқлаш ҳамда уларни тарқатишни йўлга қўйиш, ректорларни тайинлаш, қабул режаларини белгилаш ва шу кабилар.

41. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли Давлат органларининг ҳуқуқ доирасига нималар киради?

Ягона давлат сиёсатини таъминлашни жорий этиш, услуб масалаларида раҳбарлик қилиш, билим савияси, касб тайёргарлигига жавобгар бўлиш, янги услубий қўлланмаларни таълимга жорий этиш, ўқув адабиётлари билан таъминлаш, нашр этиш, таълим тўғрисидаги Низомларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

42. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари?

Таълимнинг эҳтиёжларини таъминлаш, таълим муассасаларини ташкил этиш, турли имтиёзлар ва молиявий эҳтиёжларни қондириш, касб сифатларига риоя этилишини таъминлашдан иборат.

43. Таълим соҳасидаги бошқарув органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги муносабатлар?

Таълим соҳасидаги бошқарув органлари нодавлат таълим муассасаларининг фаолиятларини назорат этиб боради.

44. Таълим муассасаларининг чет эл давлатлари ўқув юртлари билан халқаро ҳамкорлик алоқалари?

Таълим муассасалари чет эл давлатлари таълим юртлари билан белгилаб қўйилган ҳужжатлар доирасида ҳамкорлик қиладилар ҳамда қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

45. ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни билан эскиси ўртасидаги фарқи?

Ўқув юртларининг ҳақ-ҳуқуқлари, ваколатлари кенгайтирилган, чет эллар билан ҳамкорлик қилишга ҳамда чет эл давлатлари билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ваколатлари берилган. Бу ваколатлар эскисида йўқ эди.

46. ЎзР таълим тизимида эришган даражаси?

Таълим тизимида табақалаштирилган таълим ва олий таълимнинг кенгайтирилган ва такомиллаштирилган ихтиёрий тизими йўлга қўйилган.

47. Таълим тизимидаги камчиликлар ва муаммолар?

Малакали кадрларнинг етишмаслиги, билим даражасининг пастлиги, техник ўқув базасининг ночорлиги, ўқув адабиётларининг камлиги, баъзи дарсликларининг талабга жавоб бермаслиги, ўқув машғулот биноларининг талабларга жавоб бермаслиги кабилар.

48. Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш омиллари?

Ривожланишдаги эришилган ютуқлар, камчиликлар ва шулардан келиб чиқувчи кадрлар тайёрлашни қайта тузиш куйидаги омилларга таянади: Республиканинг ҳуқуқий демократик йўлдан бораётгани, иқтисодиётда туб ўзгаришларнинг амалга ошаётгани, мамлакат экспорт салоҳиятининг ортиб бораётгани, шахс манфаати ва таълим устуворлигининг қарор топганлиги, миллий ўзликни англаб борилаётганлиги, мамлакатнинг обрў-эътибори ўсиб бораётганлиги кабилар.

49. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (КТМД)нинг мақсад ва вазифалари?

1. Кадрлар дунёқарашини ҳуқуқий жамиятга мослаш.
2. Педагогик фаолиятнинг нуфузини кўтариш.
3. Кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий ҳолда қайта қуриш.
4. Тарбия ва маърифий ишларнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш.
5. Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш, сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий этиш.
6. Моддий-техника ва ахборот базасини яратиш.

7. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига маблағ ажратишни тўғри йўлга қўйиш.

8. Халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

50. КТМДнинг босқичлари?

3 босқичда: 1) 1997–2001 й. 2) 2001–2005 й. 3) 2005 йил ва кейин.

51. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари?

Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

52. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш принциплари нималар?

а) таълимнинг устуворлиги;

б) демократлашуви;

в) инсонпарварлиги;

г) ижтимоийлиги;

д) йўналтирилганлиги;

е) таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги;

й) иқтидорли ёшларнинг билим олишлари учун шароитлар яратиш.

53. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари?

а) педагогика билан боғлиқ бўлган ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

б) давлат ва нодавлат таълим тизимини ривожлантириш;

в) таълим тизимини тубдан ўзгартириш ва қайта қуриш;

г) мажбурий ўрта таълимдан ўрта махсус касб-хунар таълимига ўтиш;

д) янги типдаги ўқув муассасаларини очиш;

е) кадрлар тизимининг касбий тайёргарлигини мустақкамлаш;

й) барча бўғинларда таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини мустақкамлаш;

ж) таълимга ҳолис баҳо бериш тизимини жорий қилиш;

з) молиявий, моддий техника базасини мустақкамлаш;

и) таълим беришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

к) чет эллар билан ҳамкорликни кенгайтириш;

л) иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, санитария ва гигиена таълим-тарбиясини яхшилаш.

54. Узлуксиз таълим тизимининг турлари?

1. Мактабгача.

2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими.
4. Олий таълим.
5. Олий таълимдан кейинги таълим.
6. Малака ошириш.
7. Мактабдан ташқари таълим.
55. **Кадрлар тайёрлаш тизимида фаннинг ўрни?**

Мамлакатимизда фаннинг жаҳон илм-фанига тенглашуви содир бўлмоқда, кадрларнинг халқаро миқёсда алмашинуви амалга оширилмоқда.

56. **Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги вазифалари.**

Турли касб малакаларига бўлган талабларни рақобатбардош жаҳон стандарти талабларига тенглаштириш.

57. **Милий кадрларни тайёрлашда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг туганган ўрни?**

Талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда техника ва технология муаммоларини ҳал этиш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, жамият тараққиётини олдинга етакловчи омилдир.

58. **Кадрлар тайёрлаш тизимида олий таълимнинг ўрни ва моҳияти?**

Кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртларининг ҳиссаси беқиёс. Олий ўқув юртларигина малакали ихтисосга эга бўлган кадрлар тайёрлашга мослашган.

59. **Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқаришнинг роли?**

Давлатнинг фан ва техникани ривожлантириш борасидаги эҳтиёжларини фақат олий таълим тайёрлаган кадрлар ҳисобидан тўлдирилади.

60. **Таълим тизимида яхлит ахборот маконини вужудга келтириш дегани нима?**

Таълим тизимида оммавий ахборот воситаларининг маънавият ва маърифат бўлими таълим тизимининг эришган ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида ёритиб бориш, камчиликларни бартараф этиш, яхлит ахборот маконини ташкил этишда компьютерлаштириш технологиясидан фойдаланиш кўзда тутилади.

61. **КТМД қандай ташкилий чора-тадбирларга асосан рўёбга чиқарилади?**

Ўзлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимини асосан ЎзР ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг негизи, шахс ва жамият ҳамда

давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий, техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа ҳисобланади. Миллий дастурни ишлаб чиқиш учун давлат ва жамият институтлари жалб этилган. Малакали чет эл экспертлари, халқаро ташкилотлар, ахборот воситалари, жамоат бирлашмалари маркази ва аҳолининг кенг табақалари жалб этилади.

62. Давлат ва нодавлат таълим муассасалри орасидаги умумийлик ва фарқ?

Таълим-тарбия бериш умумий белгилаб қўйилган ҳужжаталарга асосан олиб борилади, нодавлат таълим муассасалари давлат томонидан тузилган дастурдан ташқарига чиқишга ҳаққи йўқ. Давлат таълим муассасаси эса ўз эҳтиёж ва имкониятлари даражасида иш олиб боришга ҳақли ҳисобланади.

63. Ўқув дастурлари ва дарсликлар неча йилда ўзгариб туриши мумкин?

5 йилда ўзгариб туриши мақсадга мувофиқ деб топилган.

64. Илғор педагогик технология билан анъанавий ўқитиш технологияси орасидаги фарқ нимадан иборат?

Анъанавий ўқитиш технологияси ҳозирги ўқитиш усулидан ва талабларга қўйилаётган маънавий ва маърифий томонлар билан фарқ қилади; энди ўқитилмайди, ўқишни ўргатилади.

65. Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда янги усуллар ва уларнинг анъанвийларидан фарқи?

Ўқувчиларнинг анъанавий усулда билимини баҳолаш 5 балли система билан қилинган эди, янги усул рейтинг тизимида уларнинг билими кўп баллик системада ҳисобланади.

66. Педагогик таҳлилга нималар киради?

Педагогларнинг ёши, иш фаолияти, 1 йиллик иш даври, 1 кунлик ва 1 соатлик иш фаолиятини таҳлил қилишга айтилади.

67. Педагогик жамоага раҳбарлик қилишда қайси усул самарали ҳисобланади?

Жамоадаги ҳар бир кишининг ҳаёти, интеллектуал эҳтиёжлари, дунёқарашларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилса, самарали бўлади.

68. Таълим муассасасининг Низоми ким томонидан тасдиқланади?

Низом ЎзРВМ томонидан тасдиқланади.

69. Педагогик ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш қайси органларнинг ваколатига киради?

Олий ва Ўрта махсус таълими вазирлигининг ваколатига кирди.

70. Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш йўллари.

Таълимнинг устуворлиги, демократлашуви, инсонпаварлиги ижтимоийлашуви, миллий йўналтирилганлиги, таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлигини йўлга қўйиш билан.

71. Педагогик ходимлар тоифасини аниқлашда асосан нимага эътибор бериш керак?

А) ўз фанини ўзлаштиргани; Б) педагогик маҳорати; В) тажрибаларни яхши билиши.

72. Қандай фуқаролар раҳбарлик лавозимига тайинланиши мумкин эмас?

Давлат тилини билмайдиган фуқаролар раҳбарлик лавозимига тайинланиши мумкин эмас.

73. Ишга тиклаш низомлари бўйича мурожаат этиш муддатлари қандай?

Ишга тиклаш низомлари бўйича ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини унга берилганидан кейин.

74. Бажарилган ҳужжатлар қанча муддатдан кейин архивга топширилади?

Ҳужжатларнинг амалий кучи тугагач.

75. Аризаларнинг ижро этиш муддати қайси кундан бошлаб белгиланади?

Ариза берган кундан бошлаб бир ой муддат ичида.

76. «Шахсий» белгиси билан канцелярияга келган хатларни ким очishi мумкин?

Корхона раҳбари ёки раҳбар вазифасини бажарувчи шахс.

77. ЎзР сиёсий тизими қандай хусусиятларга эга?

Демократик, ошкоралик ҳамда инсонпарварлик хусусиятига эга.

78. Тоталитаризм нима, унинг сиёсий жиҳатлари нималарда кўрилади?

Давлат раҳбарларининг барча соҳаларга аралашиб, уларни сиёсий жиҳатдан ўз томонига бўйсундиришга қилган ҳаракатига тоталитаризм деб айтилади.

79. «Демократия» деганда нимани тушунасиз?

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқ ҳокимияти деган маъно тушунилади.

80. «Шарқона демократия»нинг хусусиятлари, унинг фарб демократиясидан фарқи?

Демократия эркинликлар, халқларнинг миллий, ирқий, диний эътиқодларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориладиган сиёсатга айтилади. Фарб демократиясининг бу сиёсатдан фарқи ирқий, миллий ҳамда диний камситишларнинг мавжудлигидадир.

81. «Ўтиш даври» деганда нимани тушунасиз?

Ўзбекистоннинг демократик жамиятга ўтишнинг асосий хусусиятлари.

Фуқароларни сиёсий, ижтимоий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан демократик тузум сари олиб кириши.

82. «Мустақиллик», «Сиёсий мустақиллик», «Иқтисодий Мустақиллик», «Суверенитет» тушунчаларининг маъноси ва фарқи?

«Мустақиллик» ҳар бир давлатнинг барча соҳаларда бирон-бир давлатга қарам бўлмаслигини англатади. «Сиёсий мустақиллик» дегани бошқа давлатларга сиёсий йўналиш бўйича қарам бўлмасликни билдиради. «Иқтисодий Мустақиллик» эса давлатларнинг моддий эҳтиёжларини ўз кучлари билан қондиришни англатади. «Суверенитет» тушунчаси у ёки бу давлатни тўлақонли тарзда бошқа давлатлар ўртасида дахлсизлигини билдиради.

83. Сиёсий партиялар ва уларнинг жамиятдаги ўрни?

Сиёсий партиялар жамият бошқаруви тизимида қанча кўп бўлса, давлатни бошқариш шунча самарадор бўлади.

84. ЎзРда қандай сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолият кўрсатаяпти?

ХДП—1991 й. 15. 11. Ватан тараққиёти — 1992 й. 21. 05. ва Фидокорлар бирлашиб 2004 й. 14 апрелдан Фидокорлар, Миллий тикланиш 1995 й. 25. 05. ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2004 йилдан.

85. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ривожланишининг истиқболлари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?

Кучли миллий давлат, унинг ҳокимият органлари, демократик институтлар, меҳнатсевар халқ, ер ости ва усти бойликлари, бой тарихий ва умуминсоний қадриятлар ҳуқуқий давлат равожланишининг асосини ташкил этади.

86. Халқаро муносабатлар тизимида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тутган ўрни?

Ўзбекистон давлати халқаро муносабатлар тизимида ўзининг ташқи сиёсати орқали жаҳоннинг 160 дан ортиқ давлати томони-

дан тан олиниб, қолаверса, энг нуфузли ташкилот – БМТ аъзолигига қабул этилиши Ўзбекистон учун тинчликни мустаҳкамлаш борасида қилаётган сиёсатининг энг муҳим томонларидан бири. Ўзбекистон давлати ва унинг халқи ер юзида тинчликни барқарор қилиш учун курашувчи давлат сифатида майдонга келди.

87. НАТО билан ҳамкорлик қилишига қандай қарайсиз?

Ўзбекистон раҳбариятининг НАТО билан ҳамкорлик қилишдан кўзланган мақсади, ер юзида тинчликни сақлаш, ҳарбий блокларнинг ишларидан хабардор бўлиб туриш, зарур бўлганда НАТО билан ҳамкорлик қилиш зарурлиги кўриб ўтилади.

88. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар нималардан иборат?

Ўзбекистонни дунёдаги 160 дан ортиқ давлат тан олди. 113 та давлат билан ҳамкорлик қила бошлади, дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 24-давлат бўлди, 60 дан ортиқ давлат ўз элчихонасини очди, иқтисодий, сиёсий ва мавқуравий жиҳатдан ўз йўлига эга бўлди, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатланади, меҳнат самарадорлиги кескин ортди, давлат мулкани хусусийлаштириш амалга ошди, ҳар бир меҳнаткашнинг ерга бўлган муносабати кескин ўзгарди, таълим соҳасида ҳамда иқтисодиётда ислохотлар амалга оширилди, авлод-аждоғларнинг миллий қадриятлари қайта тикланди, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилди, бозор ислохотлари яхши олиб борилмоқда.

89. Халқаро сиёсий муносабатлар тушунчаси?

Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатдорлик ва тенглик асосида ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон сиёсий муносабатларининг асосини ташкил этади.

90. Конфликт ва консервус тушунчаси?

Конфликт – зиддият, қарама-қаршиликни англатади, консервус – икки томон учун ҳам маъқул бўлган йўл, компромис – келишув маъносини билдиради.

91. «Сиёсий етакчилик» нима?

Сиёсий етакчи киши янгича иқтисодий, сиёсий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, янгиларга мойил, одамларга эътиборли, адолат қонунларига оғишмай амал қилувчи бўлиши керак.

92. Миллий манфаатлар ва давлат манфаатлари орасидаги муносабат?

Миллий манфаатлар ва давлат манфаатлари орасидаги муносабат деганда бу икки тушунча орасидаги ҳолат муштарак бўлсагина,

зиддиятлар холис бўлмайди.

93. ЎзР қайси минтақавий давлатлараро сиёсий ва иқтисодий ташкилотларга аъзо?

Умумевропа иттифоқи, ЭКОСАН, ОПЭК, Еворпа хавфсизлиги иттифоқи, Кўшилмаслик ҳаракати иттифоқига аъзо.

94. Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсати асослари?

Давлат суверенитети ва мустақиллиги ғояларига содиқлиги ички ва ташқи сиёсатининг асосини ташкил қилади.

95. Мустақиллик тафаккури нима?

Эркин фикрлаш, миллий ғоя, ўзликни англаш, тарихий руҳ ва ватанга фидойилик тушунчаларидан иборат.

96. Инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришларнинг содир бўлиши қандай омилларга боғлиқ?

Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий фикрлаш эркинлиги давлат бошқарилмаслигига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

97. Раҳбар кадрларнинг жамиятдаги ўрнини қандай тушунасиз?

У қанча тадбиркор, ишбилармон бўлса, бошқараётган жамоаси турли муаммоларни ечишда ночорликка йўл қўймайди.

98. Раҳбар кадрлар қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

Адолатли, ўз соҳасини чуқур биладиган, хушмуомала, керакли пайтда талабчан бўлиши лозим.

99. Презедент И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида кўтарилган сиёсий муаммолар?

Минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, давлатчилик шовенизми ва миллатчилик, миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар.

100. Миллий раҳбар кадрлар тайёрлаш сиёсатининг мақсади?

Миллий кадрлар тайёрлашнинг асосий мақсади ҳар бир кадр мафкураси ўз эли ва юрти учун яшашига қаратилмоғи зарурли.

101. Мафкура деганда нимани тушунасиз?

Бу халқларнинг руҳини, ғурурини, ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини ифодаловчи ғоялар тўпламидан иборат.

102. Миллийлик, миллатчилик, ўзбекчилик тушунчаларининг маъноси.

Миллийлик деганида ўзликни, ўз халқи миллий қадриятлари ва маънавияти, тарихини англаш, уларга содиқлик тушунилади. Миллатчилик деганда эса бир миллатнинг иккинчи миллат вакили

томонидан тан олмаслик ҳолати тушунилади, яъни бир миллат урф-одатлари, анъаналари, маросим, эътиқодлари иккинчи миллат томонидан тан олинмайди ва оёқости қилинади. Ўзбекчилик деганда ўзбек халқининг ўзига хос ноёб фазилатлари, бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, андишалчилиги назарда тутилади.

103. Ўзбекистонда сиёсат ва мафкура муносабатлари қандай?

Сиёсат ва мафкура бир-биридан фарқ қилувчи тушунчалардир. Сиёсат давлат фаолиятини бошқарувчи куч бўлса, мафкура халқнинг орзу-истакларини ифодаловчи тушунчадир. Сиёсат шўролар даврида мафкура устидан ҳукмрон бўлган. Ўзбекистонда сиёсат билан мафкура бир-бирига муштарак ҳолда олиб борилади.

104. Ижтимоий адолат нима?

Давлатнинг ҳар бир фуқароси қайси миллат, қайси дин, ирқ, қайси жинсга мансублигидан қатъи назар ҳамма соҳада тенг бўлиши кераклиги тушунилади.

105. Миллий маънавиятнинг таянч нуқталари?

Маънавиятнинг таянч нуқталари — миллий гурур, миллий анъаналар, урф-одат, миллий қадриятлар тушунилади.

106. Умумбашарий муаммоларга нимлар киради?

- а) аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш;
- б) халқлар тинчлигини таъминлаш;
- в) қуролланиш пойгасини тўхтатиш;
- г) оммавий қирғин қуроллари йўқотиш;
- д) атроф-муҳит мусаффолиги муҳофазаси;
- е) Ороль денгизи муаммоси;
- й) хавфли касаликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш муаммоси ва ҳ.к.

107. Бугунги кунда маънавият соҳасидаги энг муҳим вазифа нимадан иборат?

Ҳар бир халқнинг маданий, маърифий бойликларини кишилар онгига етказиш ва уларни маънавий онг даражасини юксалтиришдан иборат.

108. ЎзР иқтисодий-ижтимоий тизими.

Бозор иқтисодига ўтиш давлат фуқароларининг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга бўлган ҳарактлар, эркин ва демократик иқтисодий тизимни хусусий мулкчиликка ўтиш йўли билан олиб бориш тамойилларига асосланади.

109. Ўтиш даври 5 тамойиллини сананг.

1. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги.

2. Давлат бош ислоҳотчи.
3. Қонуннинг устуворлиги.
4. Кучли ижтимоий сиёсатнинг жорий этилиши.
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

110. «Ислоҳот» нима?

Ислоҳот барча соҳаларда тубдан ўзгартиришлар қилиш дегани.

111. Бозор иқтисодиётининг белгиларини нималарда кўрасиз?

Бозор иқтисодиётининг белгилари одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатининг кескин ижобий ўзгарувида, мулкларнинг хусусийлашувида, давлат монополияси билан хусусий ишлаб чиқаришнинг рақобати бошланувида, ишлаб чиқаришнинг сифат кўринишларини жаҳон стандартларига рақобат бера оладиган кўрсаткичларга кўтарилганида ва бошқа жиҳатларда кўриш мумкин.

112. Сиз ишлаётган жойда ислоҳотларни амалга оширишда қандай қийинчиликлар юз бермоқда?

Педагог кадрларнинг машгулотларни олиб боришларида, янги таълимни жорий қилишларида, давлат мулкига бўлган муносабатларида, эскича анъанавий услублардан воз кеча олмаётганликларида, янгиликка томон ҳаракатлари ўта сустлик билан бораётганликда кузагилмоқда.

113. Тадбиркор ва ишбилармон одамнинг асосий хусусиятлари нималарда кўринади?

Ҳар бир тадбиркорнинг асосий хусусияти — халқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилмоқда.

114. Ҳозирги замон бошқарув илмида қайси усуллар маъқул?

- а) иқтисодий бошқарув усули;
- б) ижтимоий руҳий бошқарув;
- в) танқид-маъмурий бошқарув.

115. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий муносабатлардаги ўрни?

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий, иқтисодий жиҳатдан ҳамкорлик қилишнинг ташаббускори бўлиб чиқди.

116. Мустақил Ўзбекистоннинг динга бўлган сиёсатида қандай ўзгаришлар бўлди?

Мустақил Ўзбекистон ҳар бир фуқаросига унинг мансаби, эътиқоди, ирқи ва миллатидан қатъи назар динга бўлган муносабатида эркинлик хусусиятини берди, қолаверса, диний ташкилотлар мав-

қеини ошириш ҳамда экстремистик кайфиятдаги шахсларга нисбатан мурасиз бўлишга чақирди. Диний эътиқод эркинлиги берилди.

117. Оила ва маҳалланинг жамиятдаги ўрни.

Ҳар бир шахснинг Ўзбекистон фуқароси бўлиб камолотга етиши учун ҳар бир оила ва маҳалла тўла жавобгарлиги эътироф этилади.

118. Ўзбек тилининг адабий тилга айланиши тарихи ҳақида нималарни биласиз?

А. Навоийнинг «Хамса» асари биринчи ўзбек тилидаги асардир. Бу ўзбек тилида мукамал асар яратиш мумкинлигининг исботидир.

119. Шўро даври тарихини ўрганишда қандай тамойилларга асосланиш керак?

Собиқ СССР тарихини ўрганиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- а) турли миллатларнинг анъана, маросим, урф-одатлари;
- б) ҳар бир миллатнинг ўзига хос қадриятлари;
- в) маънавий ютуқлари;
- г) уларнинг қадимдан шаклланган эътиқодлари ва диний концепсиялари;
- д) ҳар бир миллатнинг қадимдан шаклланган иқтисодий ишлаб чиқариш усулларни ҳисобга олиш;
- е) ижтимоий, сиёсий дунёқараш поғоналари ўрганилиши.

120. Ўзбек адабий тилининг тараққиётида А. Навоийнинг туган ўрни.

XIV асрнинг ярми XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилган буюк аллома А. Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси ҳисобланади, чунки Навоийга қадар ўзбек адабий тили тил сифатида шаклланмаган эди.

121. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қачон қабул қилинди?

1989 йил 21 октябрда Давлат тилидаги қонун қабул қилинди. Бунга асосий зарурият ҳар бир давлатнинг мустақиллик шартлари асос қилинган. Изоҳ: ҳар бир мустақил давлат энг кўпчилигини ташкил қилган миллат тилини давлат тили сифатида қабул қилиши шарт.

122. Ўзбек тилининг давлат тили мақоми миллий мафкурамиз ва маънавиятимиз равнақида қандай аҳамияти бор?

Ўзбек тилининг Давлат тили мақоми қилиб олинishi — Ўзбекистон халқининг мафкуравий ва маънавий жиҳатдан буюк миллатлар қаторида жой олишининг асосий омили ҳисобланади.

123. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи қайси ва нимага асосланади?

Ўз-ўзини бошқариш органлари маҳаллий ва ёшлар иттифоқи ҳисобланади, чунки бу органлар ўз-ўзларини фуқаролик кодексига асосланган ҳолда бошқарадилар.

124. Қонун устуворлигини қандай тушунасиз?

Қонун устуворлиги тушунчаси давлатда ҳар бир фуқаронинг миллати, дини, эътиқоди, жинси, эгаллаб турган мавқеидан қатъи назар ҳамма учун бажарилиши шартлигини англатади.

125. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари?

Герб — 1992 йил 2 июл, мадҳия — 1992 йил 10 декабр, байроқ — 1991 йил 18 ноябр, Конституция — 1992 йил 8 декабр.

126. Давлат ва ҳокимият органларининг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини қандай тушунасиз?

Давлат одамларининг ўз қобилият ва бошқарув салоҳиятларини тўла намоён қилишлари ҳамда барча имкониятларини ишга солиб, ҳуқуқий механизмлардан тўлақонли тарзда фойдаланиш масъуллиги тушунилади.

127. Ўзбекистонда мулкнинг қандай шакллари бор?

а) давлат мулки, республика, вилоят, округлар, маъмурий, но-тарнал тузилмалар мулки;

б) жамоа мулки, хўжалик бирлашмалари мулклари;

в) қўшма корхоналар мулки, хорижий давлатлар мулки.

128. ЎзРнинг асосий қонуни қайси?

Асосий қонун Конституция — 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

129. Аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини ошириш де-ганда нимани тушунасиз?

Фуқароларнинг Конституциядан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқ ва эркинликларини билиш ва уни амалда қўллай олиш қобилиятига ўргатиш, ҳуқуқий маданият ва онгли фаолиятнинг ривож топиши-га туртки бўлиши.

130. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниши ва тизими.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти 3 га бўлинади:

а) Қонун чиқарувчи — Олий Мажлис;

б) ижро ҳокимияти;

в) суд ҳокимияти, ички ишлар, МХХ, прокуратура, қуролли кучлар.

131. Ўзбекистон фуқаролигига ўтиш тартиби қандай?

16 ёшга тўлган, жисмоний соғлом, ақлий баркамол, камида Ўзбекистонда 5 йил яшаган ҳар бир шахс Ўзбекистон фуқароси бўлиши мумкин.

132. Фуқаролик деганда нимани тушунасиз?

Фуқаролик деганда муайян яшаб турган, давлатнинг қонунларига тўла бўйсунадиган ва ўша давлатнинг қонуни имтиёзларидан тўла фойдалана олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тушунилади.

133. Ўзбекистоннинг давлат тузилиши қандай?

Вилоятлар, шаҳарлар, шаҳар статуси берилган туманлар, қишлоқлар, овуллар, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

134. Ўзбекистоннинг давлат бошқаруви қандай асосларга қурилган?

Давлат бошқаруви Республика Президенти, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари асосида қурилган.

135. Маҳаллий органлар Президент ва Давлат ҳокимияти қарорлари ва Фармонлари амалга оширади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятларига раҳбарлик қиладилар.

136. Маҳаллий вакиллик органлари билан ҳокимликларнинг ўзаро муносабати?

Маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимликлар Давлат сиёсатини амалга оширишда бир-бирлари билан ўзаро яқинликда бўладилар ва уларнинг фаолияти бир-бирларига муштараклиги билан кескин ажралиб туради.

137. Инсон ҳуқуқлари бўйича қандай ҳужжатлар мавжуд?

БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси».

138. ЎзРнинг инсон ҳуқуқлари миллий маркази қандай фаолият билан шуғулланади?

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий нуқтаи назардан таъминланиши ва ҳимоя қилинишини назорат қилиб боради.

139. Омбудсман нима ва бизда қачон тузилган?

Омбудсман — инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ Ўзбекистон Президенти Фармони билан 1996 йил 31 октябрда ташкил этилган.

140. Суд ҳокимияти нима?

Суд ҳокимияти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя этувчи орган.

141. Олий Мажлис қандай ҳужжатлар қабул қилади?

Қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар.

142. Президент ва унинг ваколати нималардан иборат?

Президент давлатни иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, мафкуравий жиҳатдан тўлақонли тарзда бошқариш ҳуқуқига эга.

143. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари?

а) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида ЎзРнинг давлат қонуни (1991 й. 19. 11.);

б) ЎзР Президентининг 1994 йил 15 мартдаги ЎзРда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг йўналишлари;

в) «ЎзРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун (1990 й. 3 октябр).

144. Президент И. Каримовнинг Афғонистон ва Тожикистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш бўйича ташаббускорлиги ва унинг халқаро акс садоси.

Афғонистон ва Тожикистонда тинчликни барқарорлаштириш борасида Президент ўзининг бир неча фикрларини дунё мамлакатлари вакилларининг муҳокамасига кўйди. Афғонистон ва Тожикистондаги минтақавий можаролар ҳалокатли оқибатларга олиб келишини оғоҳлантирди. Унинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ўндан ортиқ тилларга таржима этилди. Биргина АҚШда 1998 йил 2 мартда қайта нашр этилиб, бу таклиф ва фикрлар Россиянинг ФА дипломи билан тақдирланди.

145. Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатдаги асосий йўналишлари?

Тинчлик, ҳамкорлик, ядросиз ҳудудларни ташкил этиш, мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

146. Илмий иш олиб борадиган таълим муассасалари солиққа тортиладими?

Йўқ.

147. Фанни ривожлантириш, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш нимага асосланади?

Фанни ривожлантириш, илмий ва илмий-педагогик кадрларни

тайёрлаш бўйича ЎЗР Президентининг Фармонлари, ВМнинг қарорлари ва ЎЗР қонунлари.

148. Миллий манфаатлар ва давлат манфаатлари орасидаги муносабатлар бир-бирларини қандай тўлдиради?

Миллий маънавият муайян миллатнинг маънавий-маърифий эҳтиёжлари учун хизмат қилади. Давлат манфаати ҳам муайян шу талабларга муштаракдир.

149. Қайси тоифадаги ҳужжатлар Адлия вазирлигида хусусий экспертизадан ўтказилиши шарт?

Халқаро муносабатларни олиб бориш хусусидаги, миллий этник муносабатларни йўлга қўйиш ва ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хусусий экспертизасидан ўтказилади.

150. И. Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» тўпламида қандай ғоя илгари сурилган?

Олий, Ўрта махсус ва умумтаълим ишларини ислоҳ қилиш ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий моделини яратиш масаласини ҳаётга татиқ этиш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

151. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қачон қабул қилинган?

1991 йил 8 декабр.

152. Ўзбекистон Республикаси қачон БМТга аъзо бўлган?

1992 йил 2 март куни.

153. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ким?

Президент.

154. Ўзбекистон Республикасида демократия қандай принципларга асосланади?

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти принципларига асосланади.

155. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий вазифаси нима?

Чиқарилган қонун ва фармонлар ижросини таъминлаш.

156. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги қачон эълон қилинган?

1991 йил 31 август.

157. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизига қайси ҳужжатлар асос қилинган?

Тараққий этган давлатларнинг тажрибалари, инсонпарварлик

ғоялари ҳамда 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонун асос қилиб олинган.

158. Маркетинг тушунчаси нима?

Маркетинг — бозор ҳолатини ўрганиб, олдиндан баҳолаш, товар ишлаб чиқариш, сотишни ташкил этиб фойда олишга қаратилган.

159. Менежмент тушунчаси нима?

Менежмент — бозор талабига зийраклик билан аҳамият бериб, рақобат, курашувчанлик хусусиятларини ошириш, янгилик киритувчи, эркин бўлиши тушунилади.

160. Эмиссия тушунчаси нима?

Эмиссия — лотинча чақирмоқ маъносини англатади.

161. Гиппер инфляция нима?

Ғоят катта тезликда пул қадрининг тушиб кетиши, нарх-навоининг шиддатли кўтарилиши тушунилади.

162. Меҳнатга оид муносабатлар қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

163. Меҳнат дафтарчаси нима?

Ходимнинг меҳнат фаолияти ҳамда муддатларини белгиловчи ҳужжатлардир.

164. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда қандай ҳужжатлар қўлланилади?

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тегишли корхоналар ва ўша ҳудудда асос қилиб олинган қонунлар қўлланилади.

165. Ходимлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан қандай ҳуқуқларга эга?

Меҳнат қилиш, дам олиш, касб танлаш, малака ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, турли уюшмаларга аъзо бўлиш, нафақа олиш, юридик ёрдам танлаш ҳуқуқларига ҳам эга.

166. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қандай амалга оширилади?

Касаба бирлашмаси ташкилотлари ҳамда хўжалик судлари орқали амалга оширилади.

167. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахслар билан меҳнат муносабатларида қандай ҳужжатлар қўлланилади?

Фуқаролиги бўлмаган шахсларда меҳнат қонунига мувофиқ иш берувчи билан тузилган меҳнат шартнома бўйича қабул қилинган ҳужжатлар қўлланилади. Булар қуйидагилар:

- а) жамоа шартномалари;
- б) жамоа келишувлари;
- в) локал норматив ҳужжатлар.

168. Қонун бўйича иш берувчининг асосий ҳуқуқлари нималардан иборат?

- а) корхонани бошқариш, мустақил қонунлар қабул қилиш;
- б) қонун ҳужжатларига биноан яқка тартибдаги меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;
- в) меҳнат шартномасида кўрсатилган ишнинг бажарилишини ходимдан талаб қилиш.

169. Ходимларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш ким томонидан амалга оширилади?

Касаба ташкилоти вакиллик органлари томонидан амалга оширилади.

170. Ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари нималардан иборат?

Раҳбар билан келишувлар, музокаралар олиб бориш, жамоа шартномаларини тузиш, уларнинг бажарилишини назорат этиш, меҳнат низоларини ҳал этиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун раҳбар томонидан бузилса, судга шикоят қилиш, суд орқали ҳал қилиш.

171. Ходимлар билан меҳнат шартномаси неча йилга тузилади?

1 йилдан 3 йилга қадар.

172. Корхона қайта ташкил этилганда жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қоладими?

Ҳа.

173. Корхона мулкнинг эгаси ўзгарса, жамоа шартномаси ўз кучида қоладими?

Ҳа, 6 ойгача ўз кучида қолади.

174. Иш берувчиларнинг ҳуқуқларини қайси орган ҳимоя қилади?

Иш берувчиларнинг ҳуқуқларини вилоят, шаҳар, қишлоқ ёки туман касаба ташкилоти ва меҳнат кодекси ҳимоя қилади.

175. Жамоа шартномаси ва Жамоа келишуви тушунчалари нима?

Жамоа шартномаси ишга ёлловчи ва ёлланувчи ходимлар ўртасидаги касбий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий ҳуж-

жат. Жамоа келишуви эса меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий кафолатлаш борасида тузилувчи ҳужжатдир.

176. Жамоа шартномасида қандай масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлар киритилиш мумкин?

Меҳнатга ҳақ тўлаш, пул мукофотлари, нафақалар, қўшимча тўловлар, инфляция даражасини ҳисобга олиш, иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, меҳнат таътиллари, дам олишни жорий этиш, иш вақтини белгилаш, меҳнат муҳофазасини таъминалаш, ходимлар манфаатларини ҳимоялаш.

177. Жамоа келишувлари қандай турларда тузилади?

Жамоа келишувлари ўз хусусиятларига қараб тармоқ ва ҳудудий келишувлар тарзида бўлиши мумкин.

178. Фуқаролар неча ёшдан ишга қабул қилинишлари мумкин?

16 ёшдан.

179. Ишсиз деб эътироф этилиш неча ёшдан бошланади?

16 ёшдан то пенсия ёшига қадар.

180. Қандай тоифадаги ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим?

Меҳнат кодексининг 282-моддасига биноан барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим.

181. Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан берилувчи таъминот турлари нималардан иборат?

Давлат ижтимоий суғуртасига асосан вақтинча меҳнат фаолиятини йўқотганлар, ногиронлар, уруш қатнашчилари, нафақахўрлар, ҳомиладор ва туғиш даври суғуртага олинади.

182. Ўзбекистон фуқароларининг пенсия таъминоти қандай?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида таъкидлаб ўтилганидек, ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ташкил этади.

183. XXI аср халқаро кучлар нисбатининг тубдан ўзгариши деганда асосан нималарга эътибор бериш керак?

Социалистик лагернинг парчаланиши, кўплаб демократик давлатларнинг ташкил топиши тушунилади.

184. Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиб турувчи ташқи хавф-хатарлар нималардан иборат?

Минтақавий можаролар, диний экстремизм, наркобизнес, этник муросасизлик кабилар.

185. Мамлакат барқарорлигининг асосий шартлари?

6 та шarti бор: миллий қадриятларни тиклаш, мудофаа қоби-

лиятини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, мулкдор синфни шакллантириш, жаҳон ҳам-жамияти билан ҳамкорлик.

186. Диний экстремизм нима?

Диндан бузгунчилик йўлида фойдаланишга ўрганиш.

187. Ислом фундаментализми тушунчаси нима?

Соф ислом шариати қонунларини татбиқ этишга уриниш.

188. Шовинизмнинг асосий шакллари нималардан иборат?

Кўп сонли миллатнинг кўпмиллатли давлат ёки империя дои-расида мутлақ ҳукмдорлик қилишига интилиши айтилади.

189. Полиэтник давлатларнинг асосий белгилари?

Кўп миллатли давлатларнинг миллий муносабатларини олиб бо-ришда ишлатиладиган сиёсий стратегик кўринишлари.

190. Коррупцияни келтириб чиқарувчи ижтимоий илдиз?

Уюшган жиноятчилик, жиноий тузилмалар, уларга тўғридан-тўғри ёрдам беришга интилиш ҳолатлари коррупциянинг келиб чи-қишига сабаб бўлади.

191. Коррупция ва жиноятчиликка қарши курашнинг асосий стра-тегик йўналишлари?

Коррупция, яъни қонуннинг жиноий жиҳатдан бузилишига қарши курашни муросасизлик билан олиб боришдир.

192. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг салбий оқибатла-ри?

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик жамият тараққиётига кўпо-рувчилик жиҳатидан салбий таъсирлар кўрсатади.

193. Демократик жамият қуришнинг асосий талаби?

Демократик жамият қуришдаги асосий талаблар ЎЗР Консти-туцияси, Олий Мажлис, Президент Фармонлари ва ВМси томо-нидан қабул қилинган 300 дан ортиқ қонун ва қарорларга асосла-нади.

194. Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафо-латлари» асарида Марказий Осиё халқларининг исломдан олдинги даврларда шакланган анъаналаридан қайси бирини алоҳида ўрга-ниш ва оммалаштиришни назарда тутади?

Исломдан олдинги даврларда шакланган диний китоблар: За-бур, Таврот, Инжил китобларида олға сурилган инсонийлик, ин-сонпарварлик хусусидаги фикрларни ўрганишни ва оммалашти-ришни назарда тутади.

195. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгилари?

Ўз-ўзини бошқариш, маънавий етуклик ва қонун устуворлигини тан олиш.

196. Президент И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида кичик бизнес тушунчаси қандай таърифланади?

Иқтисодий, сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам беридиган тадбиркорлар синфини таркиб топтириш ва уларнинг ёрдамида бозорни истеъмол моллари, хизматлари билан бойитиш лозимлиги уқтирилади.

197. Президент И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида сиёсий партиялар мавжудлигининг энг асосий ва бирдан-бир принципи қилиб нималар белгилаб берилган?

Сиёсий партияларнинг бирдан-бир принципи давлатнинг конституций меъёрларини ҳурматлаш ва уларга риоя қилишни таъминлаш.

198. Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги нима? деган саволга И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида қандай жавоб берилган?

Ўзбекистон халқининг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсеварлиги, меҳмондўст, сахий халқининг мавжудлигидир.

199. Демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асослари?

Конституция, Президент фармонлари, Олий Мажлис, ВМ қабул қилган қарорлар демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

200. Ўзбекистон жаҳонда нечта мамлакатлар билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатган?

120 дан ортиқ.

201. ОПЭК ташкилотига оид давлатлар қандай фаолият билан шуғулланади?

Иқтисодий қўпоровчиликка қарши фаолият билан шуғулланади.

202. Бозор муносабатлари қарор топишининг характерли белгиси?

Хўжалик юритишнинг турлича бўлиши.

203. Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатнинг туб моҳияти нималарда кўринади?

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатнинг туб моҳияти аҳоли-

ни ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий жиҳатдан муҳофазалашда кўри-
нади.

**204. Президент “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифалари қилиб нималар бел-
гиланган?**

Маънавий қадриятларни ва миллий ўзликни англашнинг тик-
ланиши, буюк давлатчиликни шакллантириш ва унинг муҳофаа
қудратини мустаҳкамлаш демократик институтлар ва фуқаролик
жамиятининг асосларини шакллантиради. Бозор муносабатларини
қарор топтириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, та-
биий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, инсон сало-
ҳиятини янада юқори даражага кўтариш, кенг қўламдаги ҳамкор-
ликларни йўлга қўйиш

**205. Президент И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:
хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафо-
латлари” асарида тараққиёт кафолатлари қайси омилларда алоҳида
тўхталган эди?**

Кучли ижтимоий сиёсат, инсон фаоллигини ошириш, бой ре-
сурсларни стратегик жиҳатдан асраш кабилар.

**206. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш республикада қан-
дай муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ деб биласиз?**

Ижтимоий ҳимоялаш республикада энг муҳим вазифаларни ҳал
этишнинг омили бўлиб ҳисобланади.

207. Депозит нима?

Омонат, асраб қўйилган деган маънони билдиради.

**208. Жамиятимизнинг жаҳон цивилизациясига кенг қўламда ин-
теграциялашуви, иқтисодиётга инвестициялар олиб кирилиши учун
қандай ҳуқуқий асослар яратилган?**

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида хорижий инвеститциялар
ва инвестрлар фаолиятини қафолатлаш тўғрисидаги қонунлар
ҳуқуқий асос вазифасини бажаради ва Республика иқтисодиёти рн-
вожига кўмаклашади.

**209. Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграция ўзи-
нинг қандай хусусиятлари билан бошқа халқаро инеграциялардаги
ажралиб туради?**

Бу интеграция ўз моҳиятига кўра минтақада яшовчи халқларни
маданияти, тили ва маънавий бирлиги ҳамда унинг ҳуқуқий ва сиё-
сий жиҳатидан ажралиб туради.

210. Ислом дини Ўрта Осиёга қачон кириб келган?
XVII аср 1-ярмида кириб келган.
211. Ўзбекистонда нечта диний конфессия вакиллари бор?
Православия, иудизм, католицизм, ваптизм, адвентизм каби 10 тадан ортиқ диний конфессия бор.
212. Динда бузғунчилик йўлида фойдаланмаслик фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг қайси моддасида кўрсатилган?
3-моддасида.
213. Дунёда маданий ва маърифий қадриятларга эга бўлган этник гуруҳлар сони нечта?
2 мингдан ортиқ.
214. Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари 1993 йилнинг мартида Ороль денгизи муаммосини ҳал этиш учун қаерда битим имзолашган?
Қизил Ўрда шаҳрида (Қозоғистон).
215. Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари 1994 йил январда экологик вазиятни яхшилаш учун 3—5 йилга мўлжалланган дастурни қайси шаҳарда тасдиқладилар?
Нукусда (Қарақолпоғистонда).
216. Ороль масаласи бўйича давлатлараро кенгаш дастурининг бажарилиши ҳисоботи қаерда ва қачон бўлган?
1994 йил мартда Тошқовуз шаҳрида (Туркманистон).
217. Марказий Осиё давлатлари БМТ, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар иштирокида Оролни кутқариш ижройи кўмитаси қачон тузилган?
1997 йил феврал.
218. Ўзбекистон қачон МДҲ мамлакатлари давлатлараро экология кенгашининг аъзоси бўлган?
1992 йил 8 феврал.
219. Олий Мажлис қандай орган?
Конун чиқарувчи орган.
220. Ўзбекистон НАТОнинг Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастурига қачон қўшилди?
1992 йил феврал ойида.
221. Жамиятда демократия қандай даражада ривожланганлигини белгиловчи мезонлар?
Сўз эркинлиги, матбуот, диний эркинликлар ва эътиқод эркинлиги.

222. Қайси йилда ва қаерда республикаимиз ҳудудида нефть кони очилган?

1993 йил Наманган вилоятининг Мингбулоғида.

223. Ўзбекистонда нечта давлат элчихонаси бор?

55 та.

224. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишда қайси мамлакатлар моделига амал қилмоқда?

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойили бўйича мустақил давлатларнинг тажрибасига таяниб ўзига хос ўтиш йўлини танлаб олган. Бу борада бирон мамлакатнинг хусусий жиҳатдан ўтиш йўли танлаб олинмаган.

225. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари (ДТС)?

Ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

226. «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловини таъсис этишда қайси ташкилот иштирок этмайди?

«Ўқитувчи» нашриёти.

227. “Маънавият” сўзининг маъноси нима?

Инсонийликка йўл.

228. “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепсияси яратилиши сабабларини кўрсатинг.

Келажакда буюк давлат қуриш мақсадида халқни, жамиятни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи, бамисоли бир байроқнинг кераклиги натижасида.

229. XV асрнинг биринчи ярмида «Дорул илм» академияси қаерда ташкил топган?

Бағдодда.

230. Жаҳон Тинчлик кенгашининг олий органини кўрсатинг?

Саммит.

231. Миллий қадрият нима?

Миллатнинг моддий ва маънавий ютуқлари, миллатнинг ўтмиши, ҳозир ва келажаги.

232. Сиёсий соҳадаги асосий вазифа?

Давлат вазифаларини нодавлат ва фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш.

233. Эзгуликка интилувчи жамият мафқураси нимага асосланади?

Илмий-техникавий кашфиёт ва иқтисодий имкониятларга.

234. Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланнш қандай тартибга солинади?

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун асосида.

235. Ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқи қандай таъминланади?

«Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида.

236. Республикада таълим тўғрисидаги халқаро шартнома қондалари қачон қўлланади?

Халқаро шартномада «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қондалар белгаланган бўлса.

237. Таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кимнинг ваколат доирасига киради?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг.

238. Таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш кимнинг ваколат доирасига киради?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг.

239. Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларда уларга раҳбарлик қилиш кимнинг ҳуқуқ доираларига киради?

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлигининг.

240. Таълим олувчиларнинг якуний аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш кимнинг ҳуқуқ доираларига киради?

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлигининг.

241. Педагог ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш кимнинг ҳуқуқ доираларига киради?

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ва Халқ таълими вазирлигининг.

242. Таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳамда уларнинг Низомини рўйхатдан ўтказиш кимнинг ваколат доирасига киради?

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг.

243. Худудлардаги таълим муассасаларини молиялаш ва имтиёзларини белгилаш кимнинг ваколат доирасига киради?

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг.

244. Умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари аттестацияси комиссиялари ишини мувофиқлаштириш ва

назорат этиш кимнинг зиммасига юклатилган?

Давлат тест маркази таркибидаги аттестация бошқармасининг зиммасига юклатилган.

245. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари республика таълим турларининг қайси бирига киради?

Мактабдан ташқари таълим.

246. Республикада фаолият кўрсатаётган мусиқа мактаблари қандай таълим турига киради?

Мактабдан ташқари таълим.

247. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартибини белгилаш кимнинг ваколат доирасига киради?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг.

248. Оила шароитида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш қандай дастур асосида амалга оширилади?

Қисқартирилган ва ихчамлаштирилган алоҳида, махсус дастур асосида.

249. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қандай давлат ҳужжатига мувофиқ тайёрланган?

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ.

250. Кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси?

Узлуксиз таълим.

251. Таълимнинг устуворлиги, демократлашуви, инсонпарварлашуви, ижтимоийлашуви?

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари.

252. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

Мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этиш.

253. Дастурда мактабгача таълимни ривожлантириш учун биринчидан нимани амалга ошириш кўзда тутилган?

Малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш.

254. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун биринчи навбатда нимани бажариш зарур деб топилган?

Мактабнинг I–IX синфлари доирасида давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда академик лицей ва коллежлардан кейин олиндиған таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқликни ҳисобга олиш.

255. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон ва қаерда тасдиқланган?

1997 йил 29 августда ЎЗР Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган.

256. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари неча босқичда рўёбга чиқарилади?

Уч босқичда.

257. Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг омиллари нималардан иборат?

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш, шахс манфаати ва таълим устуворлиги, миллий ўзликни англаш.

258. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?

Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

259. Олий таълим неча босқичда амалга оширилади?

2 босқичда.

260. Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга қандай ҳужжат берилади?

Маълумотнома.

261. Мактабгача таълимнинг асосий мақсади нима?

Ўқишга тайёрлаш.

262. Мактабгача таълим қаерда амалга оширилади?

Болалар боғчасида, оилада, мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида.

263. Педагог ходимларга қандай имтиёзлар берилади?

Иш вақтининг қисқартирилгани, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътил, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар.

264. Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ваколати кимга берилган?

Вазирлар Маҳкамасига.

265. Таълимни молиялаш қандай амалга оширилади?

Республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетдан, бюджетдан ташқари маблағлардан.

266. Ўзбекистон Республикасида қанча таълим тури мавжуд?

Еттита.

267. Умумий ўрта таълим неча босқичдан иборат?

Икки босқичдан.

268. Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун нима қилиш керак?

Ихтисослашган мактаб ташкил қилиш керак.

269. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичи қайси йилларни ўз ичига олади?

1997–2001 йилларни.

270. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи қайси йилларни ўз ичига олади?

2001–2005 йилларни.

271. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг учинчи босқичи қайси йилларни ўз ичига олади?

2005 ва ундан кейинги йиллар.

272. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

Мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборат.

273. Умумий ўрта таълим олиш муддати неча йилдан иборат?

9 йил.

274. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин қандай ҳужжат берилади?

Шаҳодатнома.

275. Давлат таълим стандартлари ким томонидан тасдиқланади?

Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

276. Таълим муассасасининг раҳбарлари давлат аттестациясини ўтказишдан қанча вақт олдин огоҳлантирилиши лозим?

Бир ой олдин.

277. Умумий ўрта таълим муассасалари давлат аттестациясини ўтказиш эксперт гуруҳи ким томонидан ташкил этилади?

Туман ҳокимияти томонидан.

278. Таълим муассасаларининг Давлат аттестацияси даврийлигини кўрсатинг?

Беш йилда.

279. Таълим муассасаси аттестациядан шартли ўтган тақдирда қанча вақтдан кейин қайта аттестация ўтказилиши мумкин?

6 ойдан сўнг.

280. “Таълим тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган таълим турлари неча?

7 та.

281. Миллий истиқлол мафкурасининг бош гоёси?

Инсонпарварлик.

282. Таълим муассасаси аттестацияси тартибини ким белгилайди?

Вазирлар Маҳкамаси.

283. Таълим бошқарув органларининг ваколат доираси қайси ҳужжатга мувофиқ белгиланади?

«Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ.

284. Таълим муассасаларида таълим бериш давлат тилидан фойдаланиш тартиби қандай ҳужжат билан тартибга солинади?

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун асосида.

285. Давлат таълим стандартини қайси таълим муассасалари бажариши лозим?

Олий таълим муассасалари, Умумий ўрта таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари.

286. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими?

Ягона ва узлуксиздир.

287. Нодавлат таълим муассасалари қачон юридик шахс мақомида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади?

Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтгандан бошлаб.

288. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи кимларга берилади?

Тегишли маълумоти бор, юксак ахлоқий фазилатга эга шахсларга.

289. Педагогик фаолият билан шуғулланишга қайси ҳолда йўл қўйилмайди?

Суд ҳукмига асосан.

290. Таълим муассасалари... фаолият кўрсатади?

Низом асосида.

291. Давлат таълим стандартлари қандай талабларни белгилайди?

Таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.

292. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш нималарни таъминлайди?

Билим ва қўникмаларни чуқурлаштиради ва янгилайди.

293. Оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга

ким кўмаклашади?

Давлат.

294. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади нимадан иборат?

Фуқароларнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашдан.

295. Билим олиш ҳуқуқи кимларга берилган?

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар барчага.

296. Бошқа давлат фуқаролари қандай ҳолатда билим олиши мумкин?

Халқаро шартномаларга мувофиқ.

297. Таълим муассасасини аккредитациялаш қандай амалга оширилади?

Давлат органи томонидан ўтказилган аттестация ҳулосасига асосан.

298. Таълим муассасаси қандай ҳужжат асосида фаолият кўрсатади?

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган Низом асосида.

299. Таълим муассасаси пулик таълим хизматлари кўрсатиши мумкинми?

Низомда кўрсатилган бўлса.

300. Оилада ва мустақил равишда таълим олиш нима асосида амалга оширилади?

Тегишли давлат таълим муассасаларининг дастурлари асосида.

301. Қандай таълим муассасаси ўз битирувчиларига олган маълумоти тўғрисидаги ҳужжат бера олади?

Аккредитация қилинган таълим муассасаси.

302. Нодавлат таълим муассасалари фаолияти қайси вақтда тўхта-тиб қўйилади?

«Таълим тўғрисида»ги Қонунни бузганда.

303. Нодавлат таълим муассасасининг фаолияти ким томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин?

Аккредитация қилган орган томонидан.

304. Давлат таълим муассасаларини молиялаш қандай амалга оширилади?

Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан.

305. Таълим муассасасини аккредитациялаш қандай амалга оширилади?

Ваколатли давлат органи томонидан ўтказилган аттестация хулосасига асосан.

306. Кимлар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга?

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор шахслар, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар.

307. Давлат таълим стандартлари... белгилайди?

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ва сифатига қўйиладиган талабни.

308. Бошланғич таълим?

Умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосини шакллантиришга қаратилган.

309. Мактабдан ташқари таълим муассасасини ташкил этишдан мақсад нима?

Ўқувчи ёшлар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, ўқувчилар бўш вақтини ташкил қилиш.

310. Мактабдан ташқари таълим муассасаларини аниқланг?

Ўсмирлар ижодиёт саройлари, клуб, спорт мактаблари, мусиқа мактаблари.

311. Оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган шахсларга ким томонидан ҳужжат берилади?

Аккредитация қилинган таълим муассасаси томонидан.

312. Оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган шахсларга Давлат томонидан тасдиқланган ҳужжат бериладими?

Тегишли таълим дастурлари бўйича экстернат тартибида имтиҳон топширган шахсларга берилади.

313. Таълим муассасасини ким бошқаради?

Унинг раҳбари.

314. Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмасини такомиллаштириш вазифасини ҳал қилиш учун нима қилиш керак?

Таълим бериш ва камол топтириш ҳамда хизмат кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш, жаҳондаги илғор тажрибани эгаллаш, дастурлар ишлаб чиқиш, ўқувчилар бўш вақтини унумли ташкил қилиш керак.

315. Педагогик маданиятни ошириш мақсадида нима қилинади?

Мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

316. Таълимнинг янги, узлуксиз ва изчил тизимини аниқланг?

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.

317. Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг таркибий жиҳатдан ривожланиши ким томонидан бошқарилади?

Давлат йўли билан бошқарилади.

318. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларига нималар киради?

Таълимнинг устуворлиги, таълимнинг инсонпарварлашуви.

319. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисми ҳисобланган шахснинг роли?

Кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи.

320. Миллий дастурнинг II босқичи қайси йилларга мўлжалланган?

2001–2005 йилларда.

321. Миллий дастурнинг мақсади?

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мафкуравий сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даража-сида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш.

322. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг мақсади?

Касб билимларини ва кўникмаларини чуқурлаштириш, янгилаш.

323. Мактабдан ташқари таълим муассасалари кимлар томонидан ташкил этилади?

Юридик ва жисмоний шахслар, жамоат бирлашмалари томонидан.

324. Мактабдан ташқари таълим қандай йўналишда ташкил этилади?

Техникавий, спорт йўналишида.

325. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби ким томонидан белгиланади?

Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

326. Ўрта махсус, касб хунар таълими неча йилга мўлжалланган? 3 йилга.

327. Таълим муассасаси қандай ҳолларда аккредитациядан маҳрум этилади?

Аттестация натижаларига биноан.

328. Таълим муассасаси қандай ҳужжат асосида фаолият кўрса-
тади?

Низом асосида.

329. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг
асосий мақсади?

Фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг
ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олиш-
дан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлайди.

330. Миллий педагогика асосчиларидан бири?

Авлоний.

331. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим
соҳасидаги ваколатларига нималар кирмаган?

Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияла-
рини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига
жорий этиш.

332. Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколоти кимга бе-
рилган?

Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар
ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасига.

333. Миллий дастурнинг I босқичида амалга оширилиши лозим
бўлган асосий вазифа?

Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ри-
вожлантириш.

334. Умумий ўрта таълим босқичлари?

Бошланғич, умумий ўрта таълим.

335. Ўзбекистон Республикасида таълим нечта турдан иборат?

7 турдан.

336. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими таркибини аниқ-
ланг?

Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини
амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари, Таълим
соҳасидаги давлат бошқарув органлари, Таълим тизими билан боғ-
лиқ тадқиқот ишларини олиб боровчи илмий-педагогик муассаса-
лар.

337. Болалар ва ўқувчи ёшлар соғлиғини ҳимоялаш дастури қайси
йўналишга киради?

Таълим-тарбиявий йўналишга киради.

338. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан ишлаш дас-
тури қайси йўналишга киради?

Таълим-тарбия йўналишига.

339. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибига кирмайдиган жавобни топинг?

Дин.

340. "Маънавият ва маърифат" дастурини амалга оширишда кимлар иштирок этади?

Оила, маҳалла ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари.

341. Кадрлар тайёрлаш тизимида шахснинг ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқ ва бурчлари қайси ҳужжатда мустаҳкамланган?

Олий Мажлис қарорида.

342. Миллий дастурнинг татбиқ этилишидан кўзланган асосий натижа?

Шахснинг юқори малакали рақобатбардош бўлиши.

343. Таълим муассасаларини ривожлантириш фондлари қандай шакллантирилади?

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний (шу жумладан, чет эллик) шахслар ҳисобига.

344. "Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқдир". Ушбу сўзлар кимнинг қаламига мансуб?

И. Каримовнинг.

345. "Авесто" ҳақидаги тўғри фикрни аниқланг?

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

346. «Амалий меҳнат» машғулотлари 8-синфда неча кунни ташкил этади?

16 кун.

347. «Амалий меҳнат» машғулотлари 5-синфда неча кунни ташкил этади?

6 кун.

348. «Амалий меҳнат» машғулотлари 7-синфда неча кунни ташкил этади?

10 кун.

349. «Амалий меҳнат» машғулотлари 9-синфда неча кунни ташкил этади?

10 кун.

350. «Амалий меҳнат» машғулотлари 6-синфда неча кунни ташкил этади?

6 кун.

351. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани қайси синфларда ўқитилади?

8—9-синфларда.

352. «Қобуснома»нинг муаллифи ким?

Кайковус.

353. «Куч — адолатдадур» деган сўзлар ёзилган тузукни Соҳибқиронга ким совға қилган?

Шайхул ислом Зайниддин Тойободий.

354. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг назарий-амалий йўналишлари ким томонидан асослаб берилди?

Ислом Каримов томонидан.

355. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани олдида турган асосий вазифалар?

Имон-эътиқоди мустаҳкам, дунёни чуқур англайдиган, давр тараққиёти билан ҳамқадам, эркин, ижодкор шахсни шакллантириш.

356. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанининг асосий мақсади нима?

Ёшларни эски мафқуравий асоратлардан халос қилиш, ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик.

357. «Миллий истиқлол мафқураси» тушунчасини изоҳлаб беринг?

Умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш, ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик ҳисси, ҳалоллик ва адолат туйғусини ҳар бир шахс қалбига сингдириш, билим ва маърифатга интилиш-ни тарбиялаш йўлида хизмат қилиш.

358. «Миллий қиёфа» тушунчасининг ички мазмуни нима билан белгиланади?

Миллий онг, миллий маънавият, миллий руҳ, миллий мазмун.

359. «Оила кодекси» қачон қабул қилинган?

1998 йилда.

360. «Педагогик технология» тушунчаси таълим амалиётида қандай иерархик даражаларда ишлатилади?

Умумпедагогик (умумдидактик), хусусий методик, локал (модулли) даражаларда.

361. «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини Марказий Осиё давлатларидан қайси бири олға сурган?

Ўзбекистон.

362. 2002–2003 ўқув йилида умумий ўрта таълимнинг ДТС қайси синфларда жорий этилди?

9-синфларда.

363. 9-синф битирувчиси «Давлат ва ҳуқуқ асослари»га оид куйидаги билим, кўникма ва малакаларнинг қайси бирига эга бўлиши лозим?

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутларини билиш.

364. II Чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида И. Каримов қандай мавзуда маъруза қилди?

«Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусида.

365. XV асрда Ўрта Осиёда маданият ва санъат аҳлига раҳнамолик ва ҳомийлик қилган мутафаккирни аниқланг?

А. Навоий.

366. Авлоддан авлодга ўғиб келаётган ижтимоий-ахлоқий муносабатларнинг умумлашган талаблари нима?

Ахлоқ.

367. Амалий билим деганда нима тушунилади?

У ёки бу назарий ҳолатларни тушунтирувчи, аниқлаштирувчи далилларни, мисолларни, иллюстрацияларни билиш тушунилади.

368. Амир Темури қурдирган Оқсарой биноси қайси шаҳарда жойлашган?

Шаҳрисабзда.

369. Ахборот технологиясида қандай ўқув асбобларидан фойдаланилади?

Компьютер техникасидан.

370. Аҳолининг маънавий ривожланиш тизимида маҳалла қандай мавқе эгаллайди?

Сиёсий бошқарув вазифасини бажаради.

371. Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар қайси алломаларнинг асарларида теран ифода топган?

Абу Наср Форобий, Алишер Навоий.

372. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?

Мустақил, ҳуқуқий, демократик.

373. Бизнинг бош стратегик мақсадимиз нима?

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

374. Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият бар-
по этиш.

375. Бир соатлик дарс нима асосида ишлаб чиқилади?

Ўқув режа ва дастур асосида.

376. Бозор шароитида соғлом рақобат руҳининг қарор топиши учун қандай шарт-шароитлар яратиш муҳим?

Зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратиш муҳим.

377. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориш учун зарур шарт-шароит қайси ижтимоий институт томонида таъминланади?

Давлат томонидан.

378. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси қандай?

Дунёда ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ бўлаётган давр.

379. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик хавфи нимадан иборат?

Йирик давлатлар ва кўп сонли миллатларнинг атрофдаги мамлакатларга ўз ҳукмронлиги, зўравонлиги билан таҳдид солишидан.

380. Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларини кўрсатинг?

Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш.

381. Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг мақсади нимадан иборат?

Узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-услубий адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, мукамал дарсликлар чиқариш мақсадида етук олимларни, юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш.

382. Вояга етмаганлар неча ёшдан жиноий жавобгарликка тортилади?

13 ёшдан.

383. Ғаразли шахслар ислом динидан қандай сиёсий мақсадни амалга оширишда фойдаланмоқчилар?

Ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида.

384. Геополитик мақсадлар нималардан иборат?

Муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсат.

385. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келувчи сабаблар?

Давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳадаги қониқарсиз фаолияти, ижтимоий фанларни ўқитишнинг давр талабларидан орқада қолганлиги, жамият ҳаётида рўй бераётган мураккаб ўзгаришларнинг ўз вақтида илмий ечимга эга бўлмаганлиги.

386. Давлат мафкураси даражасига қандай мафкура кўтарилиши керак?

Ҳеч қандай мафкура давлат мафкурасига айланмаслиги керак.

387. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда қайси ҳужжатлар асос қилиб олинганлигини аниқланг?

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори.

388. ДТС қуйидаги принципларнинг қайсиларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилди?

ДТСнинг давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги, таълим мазмунининг барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги.

389. Умумий ўрта таълим қайси босқичлардан иборат?

Бошланғич ва умумий ўрта таълим босқичларидан.

390. ДТСнинг ишлаб чиқиш принципи бўлмаган жавобни аниқланг?

Ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчи-га етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмдаги миқдорини белгилайди.

391. Давлат таълим стандартлари қайси принципга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган?

Ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги.

392. Миллий ғоя нима?

Муайян халқ ёки миллатнинг манфаатларини ифода этадиган, ягона мақсад сари ундовчи эзгу фикрлар мажмуи.

393. Миллий мафкура нима?

Халқни олға етакловчи эзгу фикрлар мажмуи.

394. Миллий мафкурани шакллантириш манбаи?

Маънавият.

395. Ғоя тушунчаси..?

Инсон тафаккури маҳсули.

396. Мафкуравий ғояларнинг яратилишида аҳолининг қайси қатлами алоҳида ўрин тутди?

Буюк мутафаккирлар.

397. Диний мафкура саналган мафкуралар номини аниқланг?

Иудаизм, синтоизм.

398. Бир миллатни ўзга миллатлардан устун қўйишга ундовчи таълимот?

Шовинизм.

399. «Мафкуравий полигон» тушунчаси моҳиятини аниқланг?

Муайян мафкура гоъларидан гаразли мақсадларда фойдаланиш, кишилар онгига ҳукмронлик қилиш, уларни кўрқувда ушлаб туриш.

400. Давлат функциялари деганда нимани тушунаси?

Давлатнинг моҳиятини ва мақсадини очиб берувчи ички ва ташқи сиёсатдаги фаолиятининг асосий йўналишлари.

401. Давлат таълим стандартлари нима?

Таълим мазмунининг ўзаги.

402. Дарсликларни тайёрлаш бўйича шахсий жавобгарлик кимнинг зиммасига юклатилган?

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг зиммасига.

403. Демократик давлатнинг ўтиш давридаги энг муҳим вазифасини белгиланг?

Жамоатчилик фикрига кенг йўл очиш.

404. Демократиянинг муҳим белгиларини кўрсатинг?

Сайловлар, кўп партиявийлик, тенглик, сўз ва матбуот эркинлиги.

405. ДТС умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари умумтаълим тайёргарлиги ва савиясига қандай талабларни белгилайди?

Минимал.

406. ДТС қандай тамойилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган?

Давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги, ўқув дастурлари мазмунининг жамият тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги, таълим узлуксизлиги, таълим мазмунининг инсонпарварлиги, ҳудудий бирлиги ва яхлитлиги ва ҳ.к.

407. ДТСни бажариш?

Мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

408. ДТСнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

Таълим сифатини таъминлашдан.

409. ДТСнинг компонентлари қайси жумлада тўғри келтирилган?
ДТС — ўқув режа — ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган минимал талаблар — дастур — дарслик — қўлланма.
410. ДТСнинг таянч ўқув режасига кўра «Кимё» фани қайси синфларда ўқитилади?
7-, 8-, 9-синфларда.
411. ДТСнинг таянч ўқув режасига кўра «Чет тили» фани қайси синфдан бошлаб ўқитилади?
5-синфдан.
412. Дунёни бўлиб олишга уринаётган мафкуралар?
Буюк давлатчилик гегеонизми.
413. Етим болаларни ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болаларни ўқитиш қандай амалга оширилади?
Давлатнинг тўла таъминоти асосида.
414. Ёшларни тарбиялашда «Миллий истиқлол гоёси ва маънавий асослари» фанининг ўрни ва аҳамияти қандай?
Дунёда глобаллашув жараёни бораётган ҳозирги шароитда соғлом дунёқарашли ёшларни тарбиялашнинг ўрни беқиёслиги, миллий гурур туйғуси ва гоёвий иммунитетга эга бўлган баркамол авлодни вояга етказиш аҳамиятли эканлиги, ўқувчи ёшларни жамият тараққиётининг фаол иштирокчиси этиб тарбиялашнинг ўрни ва аҳамияти беқиёслиги.
415. Жазолар меҳнат дафтарчасига ёзиладими?
Йўқ.
416. Жамият тараққиётининг ўзбек модели қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
Жамият ҳаётини ислоҳ қилишнинг беш тамойили.
417. Зангиота (Отахўжа ибн Тошхўжа, вафоти 1258 йил) кимнинг пири бўлган?
Хожа Аҳмад Яссавийнинг.
418. Замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба қандай аталади?
Электрон ўқув адабиёти.
419. И. Каримов Амир Темурнинг “Куч — адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтган таъбирини кўрсатинг.

«Куч — билим ва тафаккурда».

420. И. Каримов Ўзбекистоннинг миллий сиёсатини амалга оширишда қандай қондаларга амал қилиш кераклигини айтган?

Давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор бўлиши, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий ҳал қиладиган усулларга асосланиши, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тараққиёти республикада яшаётган барча миллатларнинг манфаатларига мос бўлиши керак.

421. И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” асарининг таркибий қисмларини аниқланг.

Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

422. И. Каримовнинг Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги мухбири саволларига берган жавобларида кўтарилган долзарб масала?

Республикадаги сиёсий вазият, диний экстремизм, ёшлар тарбияси масалалари.

423. Ижтимоий тараққиётимизнинг асоси ва шартига айланувчи демократик асосларга эга бўлган яхлит бир тизимнинг марказида қандай тамойиллар турмоғи лозим?

Маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ.

424. Иқтисодий ривожлантиришдаги “немис” ва “швед” андозаларида қайси йўналиш устувор аҳамиятга эга?

Ижтимоий йўналиш.

425. Президент асарларида учрайдиган «ретроград» атамаси қандай маънони англатади?

Жаҳолатпарастлар.

426. Иқтисодий Ҳамкорликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти минтақасида транспорт ва коммуникацион инфратузилма ҳамда трансмиллий қувурлар тизимини ривожлантиришга бағишланган учрашув 1997 йил май ойида қерда бўлиб ўтди?

Ашхободда.

427. Президент ўзининг «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз» номли асарида қайси вилоятни «Буюк Ватан ичра яна бир азиз Ватанимдир» деб гурур билан тилга олганлар?

Қашқадарёни.

428. И. Каримов рус ёзувчиси Достоевскийнинг “Дунёни гўзаллик қутқаради” деган машҳур иборасини бироз ўзгартириб «Кириб

келаётган XXI асрада дунёни» нима қутқаради деб айтган?

Маданият ва маънавият.

429. Президентимиз И. Каримов қайси йили Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истанбулда бўлиб ўтган анжуманида нутқ сўзлаган?

1999 йил.

430. Президент И. Каримовга «Халқаро миқёсдаги лидер» деб аталган юксак мукофотни ўз қўли билан топширган давлат ва жамоат арбоби?

Генри Киссенжер.

431. Президентнинг «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўкин ҳаёт манбаи» маърузасига кўра қишлоқ хўжалигини қайта ислоҳ қилишда қандай шаклларга асосланиши керак?

Пайчилик, оилавий пудрат, қишлоқ хўжалиги ширкати.

432. Президент ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» китобида «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч» деб нимага таъриф берган?

Маърифатга.

433. Президентимизнинг фикрича, ўзликни англаш нимадан бошланади?

Тарихни билишдан.

434. Президентимиз ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида инсон учун нимадан жудо бўлишни ҳатто ҳаётдан жудо бўлишга тенглаштиради?

Ўз тарихидан.

435. И.А. Каримов ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида олимларимизга қайси битта талабни кўяди?

Ҳаққоний тарихимизни республика ёшларига лўнда, асосли қилиб етказиб бериш.

436. Юртбошимиз ўзининг «Тафаккур» журнаliga берган интервьюсида билдирган «Куч — билим ва тафаккурда» ғояси қайси фикрга асосланган?

«Маънавият — келажак пойдевори».

437. Президент ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» китобида «халқ маънавиятининг асоси» сифатида нимани кўрсатади?

Тарихни.

438. «Илм-фан кишиларнинг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади». Ушбу фикр кимга тегишли?

Абу Райҳон Берунийга.

439. Президент ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» китобида довурак, замонавий фикрлайдиган олимлар тўғрисида сўзлаганда қайси академикни тилга олиб ўтади?

Я. Фуломовни.

440. Президент И. Каримовнинг қайси асарида «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросими ҳақидаги (Парижда) маъруза матни келтирилган?

«Бунёдкорлик йўлидан» асарида.

441. Президент И. Каримовнинг қайси асарида «1992–1993 йилларда миллий давлатчилигимиз демократия ва ижтимоий адолат таъминланишига асосланиши, унда миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқий ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат, ижтимоий онг...» фикрлари келтирилган?

Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.

442. Инновацион усул деганда нимани тушунасиз?

Таълимга янгилликларни киритиш ва уни қўллаш.

443. Истиқлол мафкураси мазмунини ифодаловчи манбаларни белгиланг?

Халқнинг бой тарихи, халқ оғзаки ижоди, мутафаккирларнинг ижтимоий-ахлоқий, комил инсон ҳақидаги фалсафий қарашлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маиший давлатчилик ва жамият тараққиёти мазмунини назарий ва амалий жиҳатдан асослашга хизмат қилувчи асарлари.

444. Истиқлол мафкураси таъминчиларини аниқланг?

Миллий гуруҳ ва ифтихор тушунчаси, она тилига ҳурмат, ота-онага, маҳалла-қўйга эҳтиром, сабр-бардош, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва меҳр-оқибат.

445. Истиқлол мафкурасининг асосий ғояларини сананг.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик.

446. Истиқлол туфайли оммавий ахборот воситаларининг олдида қандай янги вазифалар қўйилди?

Миллий мустақилликнинг Ватанимиз, халқимиз тақдиридаги буюк ўрни ва аҳамиятини халқимизга етказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг моҳиятини, давлат сиёсатини одамлар онгига етказиш.

447. Қадрият турларини аниқлаб беринг?

Моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар, анъана, урф-одатларда намоён бўладиган қадриятлар, инсоннинг ақл-идроки ва истейдодидида намоён бўладиган қадриятлар, инсоннинг ижтимоий муҳит ва ёши, касби, жинси билан боғлиқ қадриятлар.

448. Қадрият тушунчаси нима?

Жамият тараққиётининг моддий ва маънавий бойликлари ривожининг яқуни.

449. Қайси жавобда ДТСга хос бўлган характеристика нотўғри берилган?

ДТС таълим муассасасининг молиявий ва моддий-техник таъминотини белгилайди.

450. Қандай раҳбар ҳақиқий обрўга эга бўлади?

Ҳам демократ, ҳам автократ, ҳам либерал бўла олган раҳбар.

451. Қандай раҳбарни ходимлар яхши кўради?

Талабчан, меҳрибон, адолатли, тadbиркор.

452. Қандай ташкилот ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар?

Диний.

453. Қандай ҳолатларда нодавлат таълим муассасалари фаолияти тўхтатилади?

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларини бузган тақдирда.

454. Кафедра ким томонидан ташкил этилади ва тугатилади?

Олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарори ва ректор буйруғи билан.

455. Кафедра кимга бўйсунди?

Факультет декани ёки бевосита ректорга.

456. Кафедра мудури ким томонидан сайланади?

Илмий кенгаш томонидан.

457. «Қиличим ўткир бўлсада, ўйлаб қинидан чиқардим, ширин сўз айтиб, ганимнинг иймон топмоғига йўл очдим». Бу сатрлар муаллифи ким?

Амир Темур.

458. «Хумоюннома»нинг муаллифи ким?

Гулбаданбегим.

459. Фитратнинг адабий тахаллусини аниқланг?

Мижмар (Чўғдон).

460. Ўзбекистон мадҳиясининг матни ким томонидан ёзилган?

Абдулла Орипов томонидан.

461. Абдулла Қодирийнинг адабий тахаллуси нима?
Жулқунбой.
462. Демократия нима?
Халқ ҳокимияти, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш, давлат ва Конституция бирлиги, сўз ва фикр эркинлиги.
463. «Навой» романи муаллифи ким?
Ойбек.
464. Куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса биз қурган биналарга боқинг», деган сўзларнинг муаллифи ким?
Амир Темур.
465. Компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллари, илмий адабиётларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштирилишига мўлжалланган адабиёт қандай аталади?
Электрон дарслик.
466. Куйида Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг беш тамойилларидан бири кўрсатилган. Бу:
Иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш.
467. Кўкалдош мадрасаси қайси шаҳарда жойлашган?
Тошкентда.
468. Маданий мерос нима?
Ўтмиш авлодлардан етиб келган қадриятлар йиғиндиси.
469. Мактабда педагогик кенгаш қандай орган ҳисобланади?
Педагог ходимлар, ота-оналар, васийлар ва ҳомийларни бирлаштирувчи орган, ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва унинг такомиллашувига кўмаклашувчи коллегиал орган.
470. Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартибини ким белгилайди?
Вазирлар Маҳкамаси.
471. Мамлакатимизнинг ички хавфсизлик муаммоларини кўрсатиши?
Коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик.
472. Мафкуралар қандай таълимотлар асосида яратилади?
Фалсафий таълимотлар, дунёвий таълимотлар, диний таълимотлар.
473. Мафкурамизнинг фалсафий асосини нималар белгилайди?
Дунёвий билимлар, олам ва одамнинг яратилиши ва такомиллашиб бориши ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, ҳалоллик, мардлик, комиллик ғоялари.

474. Мафқуранинг иддизлари ҳақидаги фикр қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

Фалсафий, дунёвий, диний.

475. Мафқуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари юзага чиқиши керак?

Ўзбекистонда яшаётган ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошларимизнинг ҳаёти.

476. Маҳалла фаолиятини ривожлантириш деганда нимани тушунаси?

Миллий табиатимизга мос келган ўзини ўзи бошқарув усулини.

477. Машҳур «Зафарнома» асари муаллифи ким?

Шарафиддин Али Яздий.

478. Маънавий жиҳатдан етук шахс деганда кимни тушунаси?

Ҳар томонлама шаклланган одамни.

479. Маънавий қадриятлар қайд этилган жавобни кўрсатинг?

Асрлар давомида тўпланган маданий мерос, миллий урф-одатлар, анъаналар, мутафаккирларнинг қарашларини ифода этувчи адабиётлар.

480. Маънавий қадриятларни тиклаш қандай жараёнлардан бошланади?

Миллий ўзликни англашдан.

481. Маънавий қадриятларнинг манбалари нималардан иборат?

Тарихимизга ва жаҳон фанига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломаларнинг бой илмий меросидан.

482. Маънавият нима, уни қандай тушунаси?

Инсонда илм, маърифат, ахлоқ, одоб, инсоф ва диёнат, одамийлик каби юксак фазилатларнинг мужассамлиги.

483. Маънавиятимизнинг илк сарчашмаларидан бири ҳисобланган «Авесто» китобида тасвирланган инсоний фазилатларни аниқланг?

Иймон-эътиқодад собитлик, илм ва касб-ҳунар эгаллаш, инсонпарварлик ва маърифат, ватанпарварлик, адолат ва она сайёра-ни эъзозлаш.

484. Миллатлараро тотувлик нима?

Юрт фаровонлиги.

485. Миллий гоя деганда нимани тушунаси?

Инсон тафаккури, тушунчаси, фикрлар мажмуи.

486. Миллий истиқлол гояси бўйича ўзлаштирилган билимларни

чуқурлаштириш узлуксиз таълим тизимининг қайси турида амалга оширилади?

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида.

487. Миллий истиқлол мафқураси қандай мақсадга хизмат қилади?

Ижтимоий-сиёсий тараққиётни таъминлашга.

488. Миллий истиқлол мафқураси моҳияти қайси жавобда ўз ифодасини топган?

Жамият ва халқимизнинг эзгу мақсадларини ифодалайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизими

489. Миллий истиқлол мафқурасини инсон қалби ва онгига сингдириш қайси даврдан бошланади?

Она алласидан.

490. Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси нимадан иборат?

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан.

491. Миллий истиқлол мафқурасининг моҳияти қайси жавобда ўз ифодасини топган?

Жамият ва халқимизнинг эзгу мақсадларини ифодалайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизими.

492. Миллий менталитет нима?

Миллатнинг босиб ўтган тарихий йўли, тафаккури.

493. Миллийликни ижтимоий макони деганда нимани тушунасиз?

Миллатни.

494. Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар». Бу сўзларнинг муаллифи ким?

Абдулла Қодирий.

495. Мамлакатда қонун устуворлигининг асосий тамойилларини аниқлаб беринг?

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавий ва ахлоқий баркамолликни юксалтириш, ҳар бир фуқаронинг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи назоратга олиши каби руҳий ўзгаришларини бошидан кечиришига интилишини назарга олиш, ижтимоий адолат тамойилларининг ҳаётийлигини тайинлаш.

496. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари олий бош қўмондони ким?

Президент.

497. Тафаккур нима?

Фикр ва мулоҳаза, табиат ва жамиятни тушуниш усули, мушоҳада, муҳокама.

498. Ирода нима?

Истак ва мақсад, юксак гоёвий тамойилларга асосланган онг, қатъият ва сабот, ўзини ўзи бошқариш ва ўз устидан ҳукмронлик қила билиш.

499. Одамнинг бошқа жонзодлардан фарқи нимада?

Одамда хотира, тафаккур ва тасаввур, ибодат қилишга эҳтиёжнинг борлиги, мантиқ қудрати мавжудлиги.

500. Миллат нима?

Кишиларнинг тарихий бирлиги.

501. Руҳият нима?

Инсоннинг ички дунёси.

502. Иймон нима?

Ишонч ва эътиқод, ор-номус ва шарм-ҳаё, иқрор ва амал, виждон ва инсоф.

503. Маънавият нима?

Жамият ва миллатнинг, айрим кишиларнинг ички руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти ва идроки, инсон ва жамият маданиятининг негизи, жамият ва миллат равнақининг бош омили.

504. Маърифат нима?

Билим ва маориф, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, кишиларнинг билим ва маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия, илму урфон.

505. Мафкура нима?

Ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, ҳуқуқий ва сиёсий, бадиий, ахлоқий ва диний қарашларнинг бутун бир тизими.

506. Миллий кадрият нима?

Ҳар бир миллатнинг моҳиятини, унинг мустақил ижтимоий этник бирлик эканини белгилаб берувчи мезон.

507. Миллий гоё деганда нимани тушунасиз?

Ёш авлодни ватанпарварлик ва эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини ёшлар қалбига синдириш, улуг аждодларимизнинг боқий меросига ўзимизни муносиб деб ҳис қилишни, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга даъват қиладиган гоёни.

508. Маданият нима?

Инсон моддий ва маънавий ҳаётининг самараси.

509. Тарбия турларини санаб беринг?

Оилавий тарбия, жисмоний ва ҳарбий тарбия, шажаравий тарбия, диний ва ахлоқий тарбия.

510. Ватан тушунчаси нима?

Она юрт, туғилиб ўсган жой, маскан.

511. Президент И. Каримовнинг қайси асарида бош стратегик мақсад – бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишда жамиятнинг барча соҳаларидаги вазифалар илмий асосида, атрофлича ёритилган?

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.

512. Президент И. Каримовнинг қайси асари жамият ҳаётида мафқуранинг ўрнини изоҳлашга бағишланган?

Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин.

513. Президент И. Каримовнинг тараққиётнинг ўзбек моделини изоҳлашга асосий урғу берилган қайси асарини биласиз?

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

514. «Ўзликни билиш тарихни билишдан бошланади». Ушбу қоида И. Каримовнинг қайси асарида келтирилган?

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

515. Президент И. Каримовнинг «Миллий истиқлол ғояси» фанини таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги фармойиши қачон эълон қилинган?

2001 йил.

516. Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида кўрсатилган мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан бирини аниқланг?

Маънавий ҳаётни юксалтириш.

517. Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари» асарида кадрлар уч тонфага бўлинган. Учинчи тонфага киритилган кадрларни аниқланг?

Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кишилар.

518. Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асари қандай муаммога бағишланган?

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи яқунлари ва иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаларига.

519. Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида миллий истиқлол ғояси учун асос бўладиган қоидалар сифатида қуйидагилардан қайсилари кўрсатилган?

Умуминсоний қадриятларга.

520. Президент Ислон Каримов Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида жамият аъзоларининг энг муҳим пировард мақсадлари деб қандай вазифаларни кўрсатиб ўтган эди?

Мустақилликни сақлаш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш.

521. Маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик муносабатлари мустақиллигимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири эканлигини И. Каримов ўзининг қайси асарида чуқур изоҳлаб ўтган?

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари.

522. Президент И. Каримов ўзининг қайси асарида «Орол денгизининг қуриб бориши хавфи... миллий кулфат бўлиб қолди», — деб айтган эди?

«Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида.

523. Президент И. Каримов қуйида келтирилган асарларидан қайси бирида «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», — деган фикрни илгари сурган?

Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат қилсин.

524. Президент И. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида қандай халқаро муаммо тилга олинади?

Афғонистон масаласи.

525. Президент И. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида тилга олинган муаммони аниқланг?

Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари.

526. Президент И. Каримов ўз асарларида суд тизимини ислоҳ этишдан кўзланган мақсад қайси бир жавобда тўғри белгиланган?

Ҳокимиятнинг тўлақонли тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунуши.

527. Президент Ислон Каримовнинг Қуролли Кучларда хизматни ўташ муддати 18 ойдан 12 ойга қисқартириш ҳақидаги таклифи қайси сессияларнинг бирида атрофлича баён этилган?

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида.

528. Кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари Президентимизнинг қайси асарида кенг изоҳлаб берилган?

Баркамол авлод орзуси.

529. Президент Ислом Каримов миллий мафқурани шакллантириш жараёнида энг биринчи қайси масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини уқтирган эди?

Мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдир учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган, кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланишини.

530. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган машҳур ибораси Президентимиз томонидан қайси фикр билан кучайтирилди?

Куч билим ва тафаккурда.

531. Президент И. Каримовнинг «Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим», — деган ғояси яхлит концепция сифатида ишлаб чиқилган асарини кўрсатинг?

Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси.

532. Президент И. Каримов қайси асарида мамлакатимиздаги диний жамоалар ва уларнинг сони тўғрисида маълумотлар кўрсатилган?

«Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат қилсин» асарида 18 та диний конфессия мавжудлиги кўрсатилган.

533. «Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади», — деган фикр Президентимизнинг қайси асарида келтирилган?

Соғлом авлод тарбияси — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз.

534. Президент И. Каримов терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритган анжуманни аниқланг?

Истанбул саммити.

535. Кадрлар тайёрлаш миллий модели таркибий қисмлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқа-

риш.

536. Президентимиз Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида уч буюк қадрият сифатида нимани эътироф этади?

Маънавият, иқтисод, сиёсат.

537. И. Каримов ўзининг қайси нутқида бахши-шоирларни улуғлаб «Бахшили эл — яхшили эл» нақлини ишлатган?

Алпомиш достонининг 1000 йиллигига бағишланган нутқида.

538. И. Каримов қайси аллома ҳақида сўз юритиб, «Агар бу зотни авлиё десак, у — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир», деб фахрланиб тилга олган?

А. Навоий.

539. Қайси йилда «Қатағон қурбонларини ёд этиш тўғрисида»ги Президент Фармони эълон қилинди?

2001 йил 1 май.

540. «Биз — деганда, аввало, ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида деб биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида касб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган кишилар», — дея эътироф этган касб эгалари кимлар?

Журналистлар.

541. Муаммоли ўқитиш қайси услубга киради?

Умумий ўқитиш услубига.

542. Назарий билим деганда нима тушунилади?

Ўқув фани мазмунига кирувчи тушунчаларни, қонунлар ва илмий назарияларни таркиб топтириш тушунилади.

543. Нима учун ёшлар онгида лоқайдлик, зарарли таъсирларга тушиб қолиш ҳолатлари юз бермоқда?

Айрим ёшлар қалбида мустаҳкам эътиқод ва онгида юксак дунёқараш йўқлиги, ҳаётга энгил қараётганлиги ва қалбини ғоявий бўшлиқ эгаллаганлиги сабабли.

544. Олий таълим муассасасида профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларнинг қандайдир бир фан соҳасига бирлашуви нима деб аталади?

Кафедра.

545. Олий ўқув юртида мутахассислиги бир хил, иккита илмий даража ёки унвонга эга бўлган ўқитувчи бўлса, қайси кафедраларни очиш мумкин?

Жисмоний тарбия, чет тили, графика ва чизмачилик, рассомлик ва мусиқа.

546. Педагогик технология принциплари деганда нима тушунилади?

Лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараёни амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун роя қилинадиган умумий меъёрлар ва талаблар.

547. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти воситаларини аниқланг.

Тасвир(чизма)ли, аудиовизуалли, диапроектор, ўқув кинолари, ўқув телекўрсатувлари, моделлар, макетлар, ренажерлар.

548. Президент И. Каримовнинг қайси асарида «Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи ҳамда кейинги пайтларда Яқин Шарқ мамлакатларида кескин кучайиб бораётган халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилган?»

Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.

549. Президент И. Каримовнинг қайси асарида «Республикада ҳар бир соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш масалалари ҳамда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асослари яратилганлиги...» ҳақида фикр юритилган?»

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.

550. Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобида давлат ва жамият қурилишида эркинлаштиришнинг нечта стратегик йўналишлари кўрсатиб берилган?»

6 та.

551. Президентимиз И. Каримов Олий Мажлиснинг 29. 08. 02 йил Иккинчи чақириқ 9-сессиясида фуқаролик институтини ривожлантириш учун қандай йўналишлар, айниқса муҳимлигини таъкидладилар?»

Давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали услубларини.

552. Президентимизнинг Олий Мажлис 29. 08. 02 йил Иккинчи чақириқ 9-сессиясида сўзлаган нутқида баён этиб берилган жамиятимизни янгилаш ва тараққиёт этишидан иборат концепция мазмуни аҳамиятига кўра қандай моҳиятга эга?»

Стратегик дастур моҳиятига эга.

553. Профессор-ўқитувчилар таркибига кимлар киради?»

Кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи ва ассистентлар.

554. Психодиагностика ишнинг мазмуни қайси бандларда тўғри ифода этилган?

Ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, қизиқишлари, майли, иқтидори кабиларни аниқлаш.

555. Раҳбарнинг қайси ёшдаги ходимлар билан ишлаши осон?

Раҳбарлик услубига боғлиқ.

556. Республикадаги ОЎЮларидан қайсилари академик-лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқитувчи тайёрлашда таянч ОЎЮ ҳисобланади?

НамПИ, БухООЕСТИ ва ТДПУ.

557. Республикамиз мустақиллигига таҳдид солаётган диний ақида-парастлик оқимларни кўрсатинг?

Ваҳҳобийлик, «Хизбут таҳрир».

558. Ривожланган мамлакатларда жамият мафқураси нимага асосланади?

Умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга.

559. Ривожлантирувчи ва психологик коррекцион ишлар деганда нималар назарда тутилган?

Болалар ва ўқувчиларнинг психик тараққиётдаги, хулқи ва муомаласидаги нуқсон ҳамда камчиликларни аста-секинлик билан тuzатиш.

560. Сизнингча, сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқ қарамлик нима?

Фикр, тафаккур қарамлиги.

561. 1-синфларда ўқиш неча ҳафта давом этади?

33 ҳафта.

562. Соғлом мафқурани шакллантириш манбаи нималардан иборат?

Боболар ўғити, ота ибрати, она меҳридан, оиладаги соғлом муҳитдан.

563. Соҳибқироннинг бош пири ким бўлган?

Саййид Барака.

564. Стратегик бошқарув нима?

Аниқ мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолият, ходимлар манфаатини уйғунлаштиришга йўналтирилган тадбирлар режаси, стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолият, амалга оширилиши узоқ келажакка мўлжалланган режалар мажму-

аси.

565. Суд ҳоқимияти ва судьялар кимга бўйсундилар?

Қонунга.

566. Талабалар билимини баҳолашда сифатнинг асосий кўрсаткичи нимада?

Билимда.

567. Тасаввуф фалсафаси қондаларига мувофиқ инсон баркамоллик даражасига кўтарилиши учун қайси босқичларни босиб ўтмоғи зарур?

Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичлари.

568. Таълим мазмунини белгилаб берувчи дастур учун мезон нима ҳисобланади?

ДТС талабларининг бажарилиши.

569. Таълим муассасасининг низоми таркибига нималар кирмайдими?

Таълим муассасаси раҳбариятининг шахсий таркиби.

570. Таълимнинг биринчи вазифаси — бу...?

Илмий билимлар билан қуроллантириш.

571. Таълимнинг муваффақияти нималарга боғлиқ?

Таълим мазмунига, ўқитувчининг маҳоратига, ўқувчининг қобилиятига.

572. Таълим-тарбия жараёни қандай кўринишларга эга?

Сухбат, маъруза, савол-жавоб, ҳикоя қилиш.

573. Таянч ўқув режасида 5—9-синфлар учун неча соат мактаб ихтиёридаги соат тарзида ажратилган?

2 соат.

574. Таянч дастури ўқитувчига дастурга киритилмаган, аммо тарбиявий жиҳатдан муҳим ва ўқувчилар идрок амалиётига мос бўлган янги манбалардан фойдаланиш ҳуқуқини берадимми?

Беради.

575. Таянч ўқув режасига кўра «Ватан туйғуси» фани қайси синфларда ўқитилади?

6, 7-синфларда.

576. Таянч ўқув режасига кўра «Чизмачилик» фани қайси синфларда ўқитилади?

8—9-синфларда.

577. Таянч ўқув режасида бошланғич синфлар учун неча соат мактаб ихтиёридаги соат тарзида ажратилган?

2 соат.

578. Мавзу ва режа тушунчаларини изоҳланг?
Мавзу тингловчига маълум нарсаларни, режа эса тингловчига айтиладиган янги нарсаларни англатади.
579. Тил маданияти деганда нималар тушунилади?
Сўз бойлиги, синтаксисининг тараққиёти ва бойиш даражаси, сўз маъноларининг ўткирлиги, нутқий оҳангнинг ранг-баранглиги.
580. Туркистоннинг қадимги номини биласизми?
Ясси.
581. Турли тазйиқларга дучор бўлган ва қатл этилган ҳур фикрли марказий осёлик алломалар кимлар?
Мансур Халлож, Насимий, Бобораҳим Машраб.
582. Тўғри тузилган иш режаси биринчи навбатда нимага ёрдам беради?
Ҳар қандай хатонинг олдини олишга.
583. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги қарорининг моҳияти нимадан иборат?
Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида.
584. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” асарида таъкидланишича, нималар одил жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солади?
Жиноятчилик ва коррупция.
585. Ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институтлар жумласига қуйидагилардан қайси бири киряди?
Оммавий ахборот воситалари.
586. Иқтисодий муносабатларни демократиялаш тамойили деганда нима тушунилади?
Монополлашган иқтисоддан эркин иқтисодга ўтиш тушунилади.
587. Бошқаришнинг ташкилий маъмурий методлари?
Ҳар бир бошқарув бўғинининг функцияларини белгилашга асосланади.
588. Бошқаришнинг иқтисодий методлари?
Иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади.
589. Бошқариш маданияти нима билан белгиланади?
Корхонада иш тартиби ва меъёри қай даражада эканлиги, улар-

нинг мукамаллиги, раҳбарнинг маънавий етуклиги, сиёсий маданияти ва малака даражаси, ташкилотчилик қобилияти, ҳалоллиги ва меҳнатсеварлиги, билим савияси, ходимларга бўлган муносабати ва интизоми билан.

590. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида малака оширишнинг фаол шакллари акс этган?

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш.

591. «Педагогик технология» сўз бирикмаси нимани англатади?

Ўқув предмети бўйича методик ишланма.

592. Маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва узатиш қонунлари, услуб ва йўллари ҳақидаги фан?

Кибернетика.

593. «Алгоритм» сўзи қайси олим номи билан боғлиқ?

Ал-Хоразмий.

594. Қуйидаги келтирилган фанларнинг қайси бири педагогика фанларининг таркибига кирмайди?

Ирсият (генетика).

595. Ўқув қўлланмаси нима?

Ўқувчи-талабаларга мўлжаллаб ёзилган асар.

596. Методик қўлланма нима?

Профессор-ўқитувчилар, илмий ходимларга мўлжаллаб ёзилган асар.

597. Диссертация нима?

Илмий даража олиш мақсадида ёзиладиган ва илм-фан аҳллари орасида ҳимоя қилиш учун тақдим этиладиган илмий-тадқиқот иши.

598. Аннотация нима?

Китоб, диссертация, автореферат, мақола ва шарҳнинг аҳамияти, мазмуни ҳақидаги қисқача маълумот.

599. Метод нима?

Табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули.

600. Ижод нима?

Бадий, илмий асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш.

601. Методика нима?

Бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш метод ва усуллари йиғиндиси.

602. Таълим муассасаси ва ота-оналар жамоаси ўртасида фаол иш олиб боришнинг муҳим шакли нима?

Ота-оналар йиғилиши.

603. Педагогик технология нима?

Аниқ мақсад асосида ўқитиш ва тарбиялашнинг олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараёни кетма-кет ташкил қилишнинг тартибга солинган усуллар методлари.

604. Дастлабки таклифларнинг қўйилган натижага мослигини аниқлаш мақсадида, қандайдир бир жараёни доимий кузатиш... дейилади?

Мониторинг.

605. Ўқитиш воситалари деганда нима тушунилади?

Ахборот узатиш ва ўзлаштириш ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат бўйича малака ва кўникмаларни эгаллаш учун ўқитиш жараёнида қўлланадиган ўқув жиҳозлари.

606. Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинган йилни аниқланг?

1997 йил 29 август Олий Мажлис IX сессиясида.

607. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ижросини қайси ташкилотлар таъминлайди?

Жойлардаги таълимни бошқариш органлари.

608. Умумий ўрта таълимнинг қўшимча компонентини белгилашда нималар ҳисобга олинмайди?

Ҳудудий координаталар.

609. Умумий ўрта таълим ДТСнинг таянч ўқув режаси нималарни ифодалайди?

Ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум миқдорини белгилайди.

610. Умумий ўрта таълимнинг ДТСни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори ким томонидан имзоланган?

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан.

611. Умумий ўрта таълимнинг мажбурий компонентларини нима белгилайди?

ДТС.

612. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари... белгилаб беради?

Ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани.

613. Умумий ўрта таълим ДТСнинг таркибий қисми бўлган таянч ўқув режаси қандай ҳужжат ҳисобланади?

Таълим соҳаларини меъёрлашга ҳамда молиявий таъминотни белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжати.

614. Умумий ўрта таълим қайси қонунларга мувофиқ амалга оширилади?

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан.

615. Умумий ўрта таълим мактабларида ҳафталик дарслар соати энг кўпи билан қанча?

37 соат.

616. Умумий ўрта таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари қандай амалга оширилади?

Ўзлуксиз таълим тизимининг энг муҳим мажбурий қисми бўлиб, ДТСга мувофиқ, юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади.

617. Умумий ўрта таълимнинг ДТС қайси йилдан бошлаб ўқув дастурлари билан биргаликда жорий этила бошланган?

1999 йилдан бошлаб.

618. Умумий ўрта таълимнинг ДТС қайси синфлар учун ишланган?

1—9-синфлар учун.

619. Умумий ўрта таълимнинг ДТСни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қачон қабул қилинган?

1999 йил 16 август.

620. Умуминсоний кадрият нима?

Миллий ва минтақавий кадриятларнинг умумлашган ифодаси, барча инсонларнинг манфаатларида мавжуд бўлган туташ, умумий заминлар ва манфаатлар асосида ташкил топган маънавий бойлик.

621. Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ким белгилайди?

Олий Мажлис.

622. Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солаётган минтақавий можаролар?

Афғонистондаги воқеалар, Тожикистондаги можаролар.

623. Ўзбекистон демократик ислохотларни амалга ошира бориб, қандай жамият қуришга интилмоқда?

Фуқаролик жамияти.

624. Ўзбекистон рамзларини аниқланг?

Байроқ, герб, мадҳия.

625. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асос қилиб олинган ҳужжатлар?

Инсон ҳуқуқлари бутун жаҳон декларацияси, халқаро ҳуқуқ қоидалари, БМТ ҳужжатлари.

626. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарув шакли қандай?

Президентлик.

627. Ўзбекистон Республикасида қайси орган шахсни бирор жиноятда айбдор деб ҳисоблаши мумкин?

Суд.

628. Ўзбекистон Республикасида тузилган Миллий гвардиянинг асосий вазифаси?

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш.

629. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм) қачон муомалага киритилган?

1994 йил 1 июлда.

630. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида тараққиётнинг қандай йўлини танлади?

Очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш.

631. Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг анъанавий шакли қайси?

Маҳалла.

632. Ўзбекистонда шакллантирилаётган миллий мафкура кимнинг манфаатларини ўзида ифода этади?

Давлатнинг.

633. Ўзбекистондаги демократик тараққиётнинг пировард мақсади нима?

Фуқаролик жамиятини барпо этиш.

634. Ўзбекистоннинг стратегик аҳамиятга эга ресурслари нималардан иборат?

Пахта, ёқилғи-энергетика ресурслари, уран ва бошқа захира-лардан иборат.

635. Ўзбекистоннинг хавфсизлигига қандай таҳдидлар мавжуд?

Минтақавий можаролар, этник ва миллатлараро зиддиятлар, диний экстремизм ва фундаментализм, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар, бепарволик, лоқайдлик, боқимандалик.

636. Ўқитишда ҳикоя методининг турларини аниқланг.

Ҳикоя — кириш, ҳикоя — баён, ҳикоя — хулоса.

637. Ўқув таянч режасига кўра «Амалий меҳнат» дарслари қайси синфларда ўтилади?

5–8-синфларда.

638. Ўқувчиларнинг қандай гуруҳи давлатнинг тўлиқ таъминотида бўлади?

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари.

639. Ўқувчининг ақлий ривожланиши нимага боғлиқ равишда амалга ошади?

Боланинг имкониятлари ва билимни ўзлаштириш даражасига.

640. Факультет деканининг вазифалари... дан иборат.

Факультетга боғлиқ барча ишларни амалга ошириш.

641. Факультет тузилмасининг вазифаси нималардан иборат?

Олий ўқув юртининг ўқув, илмий ва маъмурий тармоғи ҳисобланиб, тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича талаба, аспирант ва докторантларни тайёрлайди ҳамда соҳалар бўйича раҳбар ходимлар ва мутахассислар етиштириб беради.

642. Фан нима?

Табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар системаси.

643. Фанатизм нима?

Диндаги ўтакетган ақидапарастлик.

644. Фаолият изланиш асосининг намоён бўлиш даражасига кўра нечта турга ажралишини аниқланг.

Репродуктив, муаммоли-изланиш.

645. Фаолият турларини мазмунига кўра аниқланг?

Ўйин усули, идрок этиш ва билиш, бадий-эстетик, спорт-соғломлаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш.

646. Фаолиятнинг намоён бўлиш шакллари аниқланг?

Моддий, маънавий коммуникатив.

647. Халқ таълими вазирлиги халқ таълими давлат бошқаруви органи сифатида кимга бўйсунди?

Вазирлар Маҳкамасига.

648. Халқ таълими тизимида психологик хизмат мақсади нимадан иборат?

Шахснинг гармоник камолоти ва тўлақонли психологик тараққиётини таъминловчи оптимал шароит яратиш.

649. Халқаро сиёсий ва мафкуравий марказлар Марказий Осиё-

нинг этник ва маънавий жиҳатдан яқин бўлган халқларини бир-бирдан ажратиш ва ўзаро душманларга айлантириш учун қандай воситалардан фойдаланмоқдалар?

Давлатлар орасидаги айрим ҳудудий масалалар юзасидан кам аҳамиятли келишмовчиликларни бўрттириб кўрсатиш, Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар ва сиёсий арбобларнинг етакчилиги ҳақидаги масалаларни сохта равишда муҳокама қилиш, мамлакатлар ички ҳаётидаги айрим салбий фактлар асосида умумлаштирувчи хулосалар чиқариш, ахлоқсиз ғояларни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилиш.

650. Ҳамдўстлик давлатлари фуқароси Ўзбекистонда таълим олоқчи бўлса, унинг ҳужжатини қабул қилиш қондаси қандай амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қондалари тўғрисидаги низом асосида.

651. Ҳар бир синф якунида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар қайси меъёрий ҳужжат билан белгиланган?

Предметлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларида кўрсатилган.

652. Ҳар бир шахснинг билим олишида қандай ҳуқуқлар кафолатланади?

Тенглик.

653. Ҳафталик дарслар соати 1-синфларда кўпи билан қанча бўлади? 22 соат.

654. Ходимларнинг ўз ишидан қониқишини кўпроқ нима таъминлайди?

Соғлом психологик иқлимнинг мавжудлиги.

655. Ҳозирги замонда жаҳолатга қарши курашда қандай воситани ишга солиб муваффақият қозониш мумкин?

Маърифатни.

656. Ҳозирги кунда биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад...

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш

657. Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнларнинг кескинлашув сабаблари нимада?

Марказий Осиё давлатларининг ўз ривожланиш йўлини белгилаб олиб боришлари айрим жаҳон сиёсий кучларига ёқмаганлиги,

Марказий Осиё давлатлари минтақавий жойлашувининг катта стратегик аҳамиятга эга эканлиги, Марказий Осиё давлатларининг керакли табиий хом ашёларга бой бўлганлиги, Марказий Осиё минтақасидаги халқларнинг бошқа давлатларда яшаётган халқлар билан этник ва яқинликлари борлиги.

658. Цивилизация нима?

Кишилик жамияти ривожланиш даражасининг маълум бир босқичи

659. Шахс нима?

Ижтимоий мавжудот.

660. Янги педагогик технологиянинг сифат кўрсаткичларини аниқланг.

Замонавийлик, илмийлик, ўқув жараёнини мақбуллаштириш, ўқитувчи ва ўқувчининг дастурли фаолияти, ўқув жараёни учун замонавий моддий-техник базанинг мавжуд бўлиши, ўқув-тарбиявий жараён натижаларини объектив назорат қилиш.

4.4. Педагог шахсининг касбий йўналишини баҳолаш тестлари

Куйидаги саволларга менга тўғри келади деб ўйласангиз «ҳа» (а), тўғри келмайди деб ўйласангиз «йўқ» (б) деб жавоб беринг.

1. Одамлардан четда бир ўзим яшай олар эдим.
2. Ўзимга ишонганим учун кўпинча ғалаба қозонаман.
3. Менинг фанимни билган одам одамлар ҳаётини енгиллатиши мумкин.
4. Одамлар ахлоқ қонунларига риоя қилишлари керак, айниқса ҳозир.
5. Ҳар бир китобни диққат билан ўқиб, кейин кутубхонага топшираман.
6. Менинг иш жоним – тинч хона ва стол, стул.
7. Одамларнинг айтишича ҳар бир ишни ўзгача усул билан бажараман.
8. Менинг идеалларим орасида олимлар бор.
9. Одамлар фикрига қўполлик қила олмайман.
10. Кийинишимга доим эътибор бераман.
11. Эрталабдан ҳеч ким билан гаплашгим келмайдиган ҳолат бўлиб туради.
12. Тартибсизликни ёмон кўраман.

13. Менинг танишларим қарашлари менинг касбимга мос.
14. Ўз юриш-туришимни таҳлил қилиб тураман.
15. Уйда ўзимни ресторанда ўтиргандек ҳис қиламан.
16. Давраларда бошқаларнинг ўйин, ҳазилларига йўл қўяман.
17. Тез бир қарорга келолмайдиганларни ёқтирмайман.
18. Бўш вақтимда касбимга мос китоб ўқийман.
19. Давраларда шўжликни ёмон кўраман.
20. Даврада йўқ киши ҳақида ёмон гапиришим мумкин.
21. Меҳмон чақиришни яхши кўраман.
22. Жамоа фикрига қарши чиқишим мумкин.
23. Ўз касбини яхши билган кишиларни ёқтираман (шахсий ху-
сусиятларини).
24. Ўзгалар муаммосига бефарқ бўлолмайман.
25. Ўз хатомни тан оламан.
26. Мен учун энг катта жазо ёлғиз қолиш.
27. Режа тузиш учун кетган вақтдан афсусланаман.
28. Мактабданоқ ўз мутахассислигим бўйича билим олганман.
29. Алданганни ёмонлайман.
30. Ёрдам сўрасалар қарши эмасман.
31. Айримлар мени кўп гапиради деб ўйласалар керак.
32. Жамоатчилик ишини жавобгарлиги борлиги учун ёқтирмай-
ман.
33. Менинг ҳаётдаги қизиқишим бу — фан.
34. Менинг оиламни ҳамма зиёли дейди.
35. Саёҳатга кетишдан олдин ҳамма нарсани тайёрлайман.
36. Мен ҳозирги кун билан яшайман.
37. Ўқувчиларга ҳикоя қилиб беришдан кўра иложи бўлса саё-
ҳатга борардим.
38. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларга билим бериш.
39. Одоб-ахлоқ ҳақидаги мақолларни ўқишни ёқтираман.
40. Айрим вақт савол берувчиларни ёқтирмайман.
41. Даврада мени илиқ кутиб олишади.
42. Менга жавобгарлиги бор, раҳбар хўжалик иши ёқади.
43. Таътилда малака ошириш курсида ўқишга мажбур бўлсам хафа
бўлмасдим.
44. Менинг қизиқувчанлигим айрим одамларга ёқмайди.
45. Бошқалар муваффақиятидан қизганган пайт ҳам бўлган.
46. Менга қўполлик қилган одамни тез унутаман.
47. Менинг таклифларимга атрофдагилар қўшилади.

48. Келажакка вақтинча бориш мумкин бўлса, ўз касбимга оид китобларни олиб борардим.

49. Ўзгалар ҳаётига аралашини ёқтираман.

50. Қўпол сўзни табассум билан айтмаганман.

Тест жавобларини ишлаб чиқиш учун қуйидагиларни билиш керак:

– 5а, 10а, 15а, 20б, 25а, 30а, 35а, 40б, 45б, 50а – касб мотиви (бу тўғри бўлса қолганларини аниқла, бўлмаса тест нотўғри ишланган).

Мулоқотга мойиллик – 1б, 6б, 11б, 16б, 21а, 26б, 31а.

(касбига мослик) – 36а, 41 а, 46а.

Тартиблилик – 2а, 7а, 12а, 17а, 22б, 27б, 32б, 37а, 42а.

(ташкилотчилик) – 47а,

Фанига йўналганлик – 3а, 8а, 13а, 18а, 23а, 28а, 33а.

(ижодкор касбига лойиқлик) – 38а, 43а, 48а.

Зиёлилик – 4а, 9а, 14а. 19а, 24а, 29б, 34а, 39а, 44а, 49а.

(ақл-идроқчилик) ҳар бир тўғри келган жавобга 1 балл қўйинг, агар баллар 4–7 атрофида бўлса нормал ҳолат ҳисобланади.

ОДАМЛАРГА ЁҚИШ УЧУН ЭСЛАТМА

1. Одамларга ёқиш учун суҳбатни саломлашишдан бошланг.
2. «Сен» сўзини ишлатманг. Доимо, ким бўлишидан қатъи назар «сиз»лаб гаплашинг.
3. Суҳбат давомида суҳбатдошингизни исмини айтинг. Шарқона қўшимчалар («ой», «бек», «жон», «хон»...)ни қўшсангиз янада яхшироқ.
4. Сўзлашганда ўзингизнинг эмас, суҳбатдошингизнинг қизиқишига кўпроқ эътибор беринг.
5. Ҳар қандай сўзни, гапни буйруқ оҳангида эмас, илтимос оҳангида айтинг.
6. Суҳбатдошингизнинг ижтимоий ўрнини эътиборга олиб гапиринг.
7. Сўзлашганда суҳбатдошингизнинг мижози (темпераменти)ни эътиборга олиб гаплашинг.
8. Суҳбат давомида ҳиссиётга берилиб, мимика, пантомимика ишлатиб (меъёрида) гаплашинг.
9. Гаплашганда «жой», «ўрин», «вақт», «ёш» тушунчаларини эътиборга олинг.

10. Сўзлашганда қисқа, аниқ, равшан гапиришга ўрганинг.
11. Гаплашганда суҳбатдошингизга қараб гапиринг ва тинглашни билинг.
12. Суҳбатдошингизнинг гапини бўлманг. Бирданига бир неча киши билан гаплашманг.
13. Суҳбатни ижобий ҳиссиёт билан бошлаб, шу билан тугатинг.
14. Мулоким, ўртача овозда айрим сўзларга урғу бериб гапиришни ўрганинг.
15. Хулоса қилиб айтганда, сизга қандай гапиришларини истансангиз сиз одамларга шундай гапиринг. Одамларга ёқшингизга омад ёр бўлсин.

БИЗ ҚАНДАЙ ОТА-ОНАЛАРМИЗ?

Биз кўп ҳолларда ўзимиз қандай ота-оналар эканимиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаймиз. Ўзимизни тарбиячилик вазифамизни бажара олаёпмизми, йўқми деб ўйлаб кўрганмизми?

Ўзингизни бу соҳада текшириб кўринг. Ҳар бир ижобий жавобга 2 балл ва инкор жавобга 0 балл, «гоҳида», «айрим пайтларда» жавобига 1 балл берилади.

1. Спорт ва жисмоний тарбия машғулотлари боланинг гармоник ривожига катта таъсир қилишига ишонасизми?
2. Сиз болангизни бирор нарсани қил деб буйруқ бермасдан, ундан шуни қилишни илтимос қила оласизми?
3. Сиз болани бирор юмушга ёрдам беришдан қутулиш учун қўйидаги сўзлардан фойдаланасизми: «Менинг вақтим йўқ» ёки «Тўхтаб тур, мен ишимни бажариб олай».
4. Журналларда, телевидениеда ва радиода бериладиган тарбия мавзусидаги эшиттиришларни эшитиб борасизми? Шу мавзуга тегишли бўлган адабиётларни вақти-вақти билан ўқиб турасизми?
5. Сизнинг болангиз гуноҳ иш қилиб қўйди. Сиз бу ўзингиз берган тарбиянинг натижаси деб ўйлаб кўрасизми?
6. Сиз ўзингизни турмуш ўртоғингиз билан барча масалаларда ҳамфикрман деб ўйлайсизми?
7. Агар болангиз сизга ўзининг ёрдамини таклиф қилса, сизнинг ишингиз ушланиб қолса ҳам ёки умуман тўхтаб қолса ҳам, унинг ёрдамини қабул қилар эдингизми?
8. Сиз ман қилувчи ёки буйруқ берувчи сўзларни фақат керак бўлгандагина ишлатасизми?

9. Сиз кетма-кетликни педагогик тарбиянинг асосий принцип-ларидан бири деб ўйлайсизми?

10. Болани ўраб турувчи муҳит унга қаттиқ таъсир қилади деб ҳисоблайсиз?

Натижалар:

6 балл тўплаган бўлсангиз, сиз тарбия тўғрисида жуда оз маълумотга эга экансиз. Сизга маслаҳатимиз бу соҳадаги билимларингизни кўпайтириб, тезда ўз устингизда ишлашга киришинг.

7 баллдан 14 баллгача: Сиз бу соҳада катта хатолар қиласиз, лекин шунга қарамасдан ўзингизнинг бу соҳадан ишларингизни бир сарҳисоб қилиб кўрсангиз ёмон бўлмайди. Ҳозирги яқин кунлардаги дам олиш кунингизни болаларингизга бағишлаб, ўз ишларингизни унутишга эътибор беринг. Албатта ишонинг, болалар бу ишингиз учун сизни тақдирлашади.

15 баллдан юқори балл сиз ўз ота-оналик бурчингизни тўлиқ бажарасиз. Шунга қарамай айрим томонларга эътибор бериб, уни тўлдирсангиз ёмон бўлмасди.

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ҲАҚИДА ДОНИШМАНДЛАР

Риёзат эгаси бўл: ортиқ даражада еб-ичма, шундай қилсанг, эга бўласан, яхшироқ ўйлайсан.

Сукут сақла: ўзингга ва бошқаларга фойдаси тегмайдиган сўзлар сўзлама, эзмалик қилма.

Мақсад эгаси бўл: қиладиган ишингни аввал яхши ўйлаб, бир қарорга кел, кейин у ишни камчиликсиз бажар.

Тежамкор бўл: молу дунёнгни ҳеч фойдаси бўлмаган ерларга сарф этма, пулни тежа, яъни исрофдан сақлан.

Саъй-ғайрат эгаси бўл: вақтингни бекорга ўтказма, фойдали ишлар билан машғул бўл, саъй-ғайрат қил. Керак бўлмаган ишлардан қўлингни торг.

Покдомон бўл: аъзойи баданингни, кийим-кечак, уй ва бошқа нарсаларингни сира ҳам ифлос қилма, тозаликка диққат бер.

Қалб хузурига эга бўл: майда-чуйда, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсалардан қайғуриб, саломатликни бузма.

Иффатли бўл: ўзинг тугул бошқаларнинг тинчлигини ҳам кўрқинч остида қолдирма, доимо иффатли, номусли бўл, маъносиз йўллардан юрма.

Одобли бўл: тарбияли ва олим-фозиллардан ўрнак ол, тавозели,

мулойим сўзли бўл, ўзингни юқори тутма, камтарлик яхши хислат эканлигини эсингдан чиқарма.

Олижаноб бўл: олижаноблик бир қувватдирки, бу қувватга эга бўлган одам бойликка ва одамларнинг мақташларига, илтифот, камситишларига сира эътибор қилмайди, турмушнинг ўзгариб туришига қайғурмайди. Мол-дунёси кўп бўлса гурурланиб, мутакаббир бўлиб кетмайди, халқнинг мақташига севинмайди. Ҳар вақт бир хилда бўлиб, ўзини даража ва ҳимматини сақлайди.

Мулойимлик шиорини тут: аччиқланган вақтда ўзингни тута бил. Мулойимлик улуғ фазилатларнинг биридир. Қаҳр-ғазаб вақтида ўзини босиб тинч тура олиш одамни жуда кўп хавф-хатарлардан, ёмонликлардан сақлайди. Мулойим, юмшоқ кўнгилли кишиларни ҳар ким севади.

Сабр-тоқатли бўл: осойишталик қилган одам жанжал, ғавго вақтларда қичқириб енгиллик ва қизиққонлик кўрсатмайди, сукут ва сабр сақлайди. Қизиққонлик саломатликка, ҳатто умрга зарар етказди. Қизиққонлик, енгиллик, қаҳр-ғазаб одамни уятга қолдиради. «Ғазаб билан сарғайган юз пушаймонлик билан қизаради», деб шунга айтадилар.

Чидамлилик: гўзал сифатларга олий ишларга эришиш йўлида машаққатга бардош беришдир.

БОЛАЖОНМИСИЗ?

Бир жуфт қора кўз...
Олисларга қадалган нигоҳ...
Эртанги кунни ўйламоқда...
Чунки у эртанинг фарзанди
Бугуннинг келажаги...

Болаларни, азиз кичкинтойларни суймайдиганлар топилмайди. Ахир, ҳар биримиз ҳам беғубор, қайтиб келмас энг яширин, қувноқ ва завқли ёшлик дамларни бошдан кечирамиз. Сиз кичкинтойларни қай даражада хушлайсиз? Буни ҳозир аниқлаб кўрамиз.

1. Ишдан чиқиб бозорга тушдингиз, тезроқ ул-бул ололмасангиз, овқат кечга қолиб кетяпти. Аммо ногаҳон бозорнинг гавжум бир ерида чирқираб йиғлаб, онасини қидираётган қизчага кўзингиз тушиб қолди. Ушбу вазиятдаги сизнинг ҳолингиз:

а) кўрмаганга олиб ўтиб кетаман, ахир уйга шошиляпман, оналарга ҳам ҳайронман, бола игнамидики, йўқотиб юришса;

б) кўнглим бўшлик қилиб дарҳол уни овутишга тушаман, кейин эса бозоркомга учрашиб болакайнинг онасини қидиришга киришаман;

в) унга йўқолган ерида жимгина туришини, ҳозир яқинлари топилиб қолишини айтиб, йўлимга равона бўламан.

2. Бугун якшанба, хайрият, дам олишга ҳам қўл тегадиган бўлди. Дугонанингиз билан кинотеатр олдида пешинда учрашишни ваъдалашиб қўйгансиз. Аммо ён қўшингиз бир эмас икки жажжи болакайлارни уйингизга кўтариб чиқди ва сиздан бугун уларга қараб туришингизни илтимос қилиб, муҳим иши чиқиб қолганлигини айтди. Сиз:

а) ансам қотиб, бугун сира вақтим йўқлигини, менинг ҳам жуда муҳим ишим борлигини айтиб, болаларга бошқа энага топишини таклиф қиламан;

б) жон-жон деб уларни олиб қоламан, дугонамга эса сим қоқиб, учрашувни бекор қиламан, ахир кичкинтойлар билан бирга ҳам мароқли дам олиш мумкин-ку!

в) йўқ дейишга ботина олмай, ноиложликдан қараб тураман болакайлارга.

3. Қанча фарзандни ихтиёр этасиз?

а) тўртта-бешта;

б) икки-учта;

в) ҳозирги замон шароитида 1 та ҳам етади.

4. Фарзанларингиз билан ўйнашиб, қувнашиб уларни бирон кўнгилочар боққа, зоопарк ёхуд яна бирор дам олиш масканларига олиб бориб турасизми?

а) ҳа, ишларимдан қўлим бўшаши билан бутун оиламиз билан болаларни айлантиргани олиб бориб турамиз;

б) унга сира вақт ажрата олмайман;

в) аҳён-аҳёнда бўлиб туради.

5. Ишдан ёхуд ўқишдан қайтаётганингизда бир тўп болалар ичида дўппосланаётган бир болакайга кўзингиз тушиб қолди. Бу ҳолга қандай ёндашасиз?

а) бирор безорлик қилган бўлса, адабини беришаётгандир, деб ўтиб кетаман;

б) дарҳол унга ёрдамга ошиқиб, зўравонлар ичидан ажратиб оламан;

в) болалардан нима учун уни калтаклашаётганларини сўраб, масалага ҳолисона ёндашаман.

6. Уйингиз тагидаги бирор мевали дарахтга тармашаётган бола-кайларга муносабатингиз?

а) мен ҳам бир пайтлар қўшнилариимиз боғидаги меваларни тинч қўймасдим, шохларни синдиришмаса бўлгани, уларга монелик билдирмайман;

б) уларнинг дастидан бирор мева пишишгача бормайди, дарҳол дарахтдан тушишларини буюраман, агар гапим қор қилмаса, устиларидан қайнаган сув қуйиб юборишимни айтиб қўрқитаман;

в) уларни ҳар доим ҳам талтайтиравермайман, бир-икки маро-таба рухсат беришим мумкин.

Т/р	1	2	3	4	5	6
а	1	1	3	3	1	3
б	3	3	2	1	3	1
в	2	2	1	2	2	2

18–15: Болажонлар сиз учун дунёда ҳаммадан азиз экан. Росаям болажон экансиз. Улар сизнинг жону дилингиз. Улар билан бўлганингизда дилингиз яйрайди, қувончингиз ичингизга сиғмайди, уларни ўйнатиб завқланасиз. Фарзандларингизгада меҳрибон, ғамхўр ва ибратли ота ёки она бўла оласиз. Болажонларнинг беғубор, самимий, содда хислатлари сизни доимо ўзига тортиб, ийитиб келган, улар билан бўлганда барча ташвиш, муаммоларингизни унутиб, ғолиб бўласиз. Ниҳоятда меҳрибончиликлар қиласиз, барча талаб ва истакларини, эркаликларини кўтара оласиз.

14–11: Фарзанд кўриш, авлод қолдириш қанчалик табиий бўлса, болажонларга нисбатан муносабатингиз ҳам шундай. Уларни яхши кўрасиз, аммо бирон иш-ташвиш билан юрган кезларда улардан холи бўлишни афзал кўрасиз. Кайфиятингиз, вақтингиз бўлганда улар билан ўйнашиб, уларни бирор нарса билан қизиқтиришни эплай оласиз. Лекин барнибир уларга ҳар доим ҳам эҳтиёж сезмай-сиз.

10–6: Бир эслаб кўринг, сиз ҳам бир вақтлар бола бўлгансиз. Катталарнинг эътиборини жалб қилиш, уларнинг диққат марказида туришни, эркаланиб, инжиқлик, қайсарлик қилиб айтганингизни қилдиришни хушлардингиз. Аммо нега ҳозир болакайларнинг хархашаси жиғингизга тегади, улар билан вақтингизни бўлишишни истамайсиз. Болажонларга нисбатан беэътиборсиз. Уларга нисбатан муносабатингиз ҳам совуқ экан. «Меҳр берсанг меҳр

кўрасан», дейди доно халқимиз. Бундан ўзингизга керакли хулоса чиқариб олаверинг.

ЯҚИН КИШИГА НИСБАТАН МУҲАББАТ

Америкалик руҳшуносларнинг таъкидлашича, биз бегона одамларга кўнгил қўймас эканмиз, балки яхшигина синовдан ўтган одамларгина севгимиздан баҳраманд бўлар экан. Ҳарқалай, ён кўшни бўлиб яшаш ёки умумий қизиқишлар доираси романтик муносабатлар учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Аввалига бири-бирига нисбатан ҳеч қанақа қизиқиш, интилиш ҳис этмаган одамлар кейин ўзаро яқинлик, қандайдир илиқ туйғуларни ҳис қилишади. Яна бир одамларни яқинлаштирувчи омил, биргаликда кечирилган танглик ҳолати, айнан мана шундай яқинлик кўпчилик ишидаги ишқларнинг моҳиятини англаб олишга имкон беради, деган фикрга мойилдир руҳшунослар.

Оилавий ҳаётда бахти чопмаган мальталикларнинг мамлакатларида янги сиёсий партия тузилаётгани ва уларнинг етакчилари Мальтадаги ажрашишлар ҳақидаги муаммоларни қонунчилик асосида ҳал қилишга эришиш хусусида катта ваъдалар беришаётганида беҳад шод бўлиб, бу хабарни зўр қувонч билан кутиб олишди. Бугунги кунда Мальтада никоҳни бекор қилиш масаласи Мальта фуқароси учун амалда имкони йўқ нарса деса ҳам бўлаверади. Бунинг учун камида уч йил давомида турли муассасалар остонасига бош уриб бориш талаб этилади.

ТУРМУШ ТАРЗИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ

1. Агар эрталаб уйқудан эрта уйғониш сиз учун жуда ҳам муҳим бўлса, унда:

А. Будильникни созлаб, ҳар эҳтимолга қарши ётоқдан узоқроққа кўяман.

Б. Ички овозимга таянаман.

В. Елкамни қисаман... Уйғонсам яхши, уйғонмасам ширин туш.

2. Ҳар бир одам ўзича дам олади.

А. Ўртоқларим билан кўришаман.

Б. Менинг кўп қизиқ ишларим бор, шунинг учун бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас.

В. Сершовқин шаҳардан қанча узоқлашсам, шунча яхши дам оламан.

3. Ҳафта якунида қайси фаолиятингизни кўпроқ эслайсиз?
- А. Оёқлар ҳориб кетгунча рақсга тушганимни.
 - Б. Бир-икки километр яёв юрганимни.
 - В. Ёқтирган машғулот залида тер тўкиб машқ қилганимни.
4. Дўстларингиз билан уйингизда базм кечасини уюштиришга қандай қарайсиз?
- А. Кўнгилхушлик қилишга зўр имконият.
 - Б. Фақат бекорга йўқ қилган вақт ёки пул.
 - В. Нима бўлишидан қатъи назар баҳра олишга ҳаракат қиламан.
5. Фейл-атворингизнинг кучли томони қерда?
- А. Нимани ўйласам, албатта 100% га бажараман.
 - Б. «Керакли ишни бажар, нима бўлса бўлар» деган ғояга амал қиламан.
 - В. Агар мен бўлсам...
6. Агар сизни «тортишув»га чақиришса...
- А. Асабимни бузмасдан, ўзимни телбаларча тутаман.
 - Б. Ўз гапимни айтаман ва гапимда охиригача тураман.
 - В. Томоғидан бўғаман, қолаверса, жанжал севимли машғулотларимдан биридир.

0—8 баллгача. Кўриниб турибдики, турмуш тарзингиз аъло даражада. Бу жуда зўр. Ҳар кун телевизор олдида овқат ейиш сиз учун умуман ёт ҳолат. Машқлар зали ёки бассейн сизга жуда таниш жой. Дўстларингиз ҳам сизни ҳурмат қилишади. Бўлмасам-чи! Чунки бундай турмуш тарзига етишиш учун кўп машаққат талаб қилинади, бунга эса одатланиб қолгансиз!

19—30 баллгача. Кўп ҳолларда идеалга жуда яқинсиз; кўп ҳаракат, овқат режими, уйда ва бўш вақтингизда фойдали иш билан шуғулланмоқчи бўласиз, лекин айрим ҳолларда ялқовлик домига торгади...

Ҳаммамиз ҳам тирик одаммиз, ҳаммамизнинг ҳам камчилигимиз бор, лекин зарарли бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни қилмаганингиз маъқул, чунки одат тусига кириши мумкин.

33—42 баллгача. Эҳ-ҳе, сизнинг ҳаёт кечиришингиз бошқачаку? Турмуш тарзингизда «соғлом» сўзни учратиш қийин. Афсус! Бу ҳақда яхшилаб бош қотиришингиз керак!

ДЎСТЛАРИНГИЗНИ ЭЪЗОЗЛАЙСИЗМИ?

Дўстларингизнинг кўп ёки кам бўлиши феъл-атворингизга боғлиқ. Хўш, сизнинг дўстларингиз нечта?

1. Дўстларингиз йиғилишиб, байрам ўтказмоқчи эканлигини хабар қилишди. Сиз:

А. Хурсанд бўлиб, байрамни менинг уйимда ўтказишни таклиф қиламан.

Б. Байрамга мен ҳам бажонидил қўшилишимни айтаман.

В. Ишларим кўплигини айтиб, афсуски байрамга боролмайман, дейман.

2. Чин дўстларингиз нечта?

А. Икки ва ундан ортиқ.

Б. Битта.

В. Дўстларим бор-у, ammo чин дўстим йўқ.

3. Дўстларингиз билан қизгин суҳбат қуриб ўтирган эдингиз. Ammo янгиликлар тугаб, «гап қолмади» Шунда сиз:

А. Суҳбатни давом эттириш учун бирор-бир қизиқарли воқеани айтиб бераман.

Б. Дўстларимдан гап чиқишини пойлаб ўтиравераман.

В. Гап тугаганидан кейин уйга кетаман-да!

4. Қандай даврада ўзингизни қулайроқ ҳис этасиз?

А. Дўстларим даврасида.

Б. Оила аъзоларим даврасида.

В. Ёлғиз ўзим қолганимда.

5. Дейлик, икки дўстингиз баҳслашиб қолди. Бора-бора бу тортишув кучайиб кетмоқда. Бундай вазиятда сиз қандай йўл тутасиз?

А. Уларни тезда ажратаман.

Б. Баҳс авж олиб кетса ажратаман.

В. Бировларнинг баҳсига қўшиладиган одатим йўқ.

6. Дўстларингизнинг уйига тез-тез бориб турасизми?

А. Ҳа, деярли ҳар куни.

Б. Тез-тез бўлмаса-да, ҳарҳолда бориб тураман.

В. Камдан-кам пайтларда.

7. Дўстларингиздан бири моддий қийинчиликка тушиб қолганини эшитиб қолдингиз. Сиз:

А. Қўлимдан келганча унга ёрдам бераман.

Б. Ўзи ёрдам сўраб келишини кутаман.

В. Қарз сўраб қолмасин, деб ундан узоқроқ юраман.

8. Қайси байрамда дўстларни меҳмонга чақириш қулайроқ деб

ҳисоблайсиз?

- А. Дўстларни меҳмонга чақириш учун байрамнинг ҳожати йўқ.
- Б. Янги йил, туғилган кунимда.
- В. Чақиришим шарт эмас, соғинса ўзи келади.

9. Дўстларингиз билан тез-тез йиғилишиб турасизми?

- А. Ҳа, кўпинча мен ўзим уларни йиғаман.
- Б. Бўш вақтим бўлганида.
- В. Фақатгина баъзи пайтларда.

10. Чин дўст сиз учун:

- А. Мени кўрганида доимо хурсанд бўладиган инсон.
- Б. Қийин дамда ёрдамга келадиган одам.
- В. Мени эъозлайдиган инсон.

Жавоблар куйидагича баҳоланади: «А» жавоби учун 3 балл, «Б» жавоби учун 2 балл, «В» жавоби учун 1 баллдан. Неча балл йиққангизни ҳисоблаб чиқинг ва натижаларни солиштиринг.

10 дан 15 баллгача. Афсуски, дўстларингизни эъозламайсиз. Балки бунда уларнинг ҳам айби бордир. Дўстларингиз билан уларни соғинганингиз учун эмас, балки номигагина учрашасиз. Дўстлар даврасида кўра ёлғизликни кўпроқ хуш кўрсангиз керак. Маслаҳатимиз, улар билан муносабатингизни яхшилашга ҳаракат қилинг.

16 дан 23 баллгача. Дўстларингиз билан муносабатларингиз жуда яхши. Узоқ вақт улар билан кўришмасангиз, соғиниб қолишингиз аниқ. Даврада гапиришдан кўра кўпроқ тинглашни ёқтирсангизда, суҳбатдошингизни ҳеч қачон зериктириб қўймайсиз. Сиз дўстларингизни эъозлайсиз, улар эса ўз навбатида сизни.

24 дан 30 баллгача. Сиз «Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам» шиори асосида яшайсиз. Дўстлар даврасини дунёдаги ҳеч нарсага алмаштирмасангиз керак. Ҳаётингизнинг энг бахтли кунларини дўстларингизсиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Шунинг учун ҳам ўзаро муносабатларингиз аъло даражада.

ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Барча сидқидилдан меҳнат қилувчиларда бир фикр бор: «Инсон яхшигина меҳнат қилгач, яхши дам олиши керак. Ахир у меҳнатига яраша мукофот олишга ҳақли-ку». Таътил бу шундай даврки, унда ҳамма нарсага қўл уриш мумкин. Лекин шундай нарсалар ҳам мавжуд эканки, инсон уларни бажариши шарт эмас экан...

1-қоида. Ишлаш.

Гувоҳи бўлган бўлсангиз, таътил олган айрим инсонлар ўзи билан дам олиш жойларига ҳужжатларни олиб кетадилар. Уч кун ўтар-ўтмас эса ҳамкасбларига қўнғироқ қилиб: «У ерда ишлар қандай ўзи?» каби асабий саволни берадилар. Натижада уларнинг дам олиши рақиблар билан курашиш учун «Тезроқ уйга!» шиори остида ўтади. Бундай ҳол рўй бермаслиги учун биринчи кунданоқ матонат кўрсатиб, иш тўғрисида ўйламасликка уриниб кўринг: биринчидан, янги жой ва унинг гўзалликлари билан яқиндан танишиб чиқинг, иккинчидан, фақат дам олишни кўзланг.

2-қоида. Озиш.

Сиз дам олиш жойидаги ошхоналарнинг энг мазали таомларидан воз кечиб, фақат кўкат ёки сабзавотлар истеъмол қилишни режалаштириб қўйдингиз?

Хато қиласиз: чунки бу билан сиз кўзингизда очлик аксини ва бутун дунёга нисбатан унсиз қоникмасликка эришасиз. Агар чиндан ҳам озишни истасангиз, бу билан шуғулланишни бошқа вақтга қолдиринг.

Дам олиш — бу ҳузурбахш лаззат. Ўзингиз хоҳлаган, кўнглингиз тусаган нарсани истеъмол қилинг. Шундагина икки ҳафта мобайнида сизни яхши кайфият ва кўтаринки руҳ тарк этмайди.

3-қоида. Ёр танлаш.

Дам олиш вақтини ҳамроҳ ахтаришга бағишлаш — зерикарли машғулот.

Яйранг, дам олинг, ўзларингизча қолинг. Ҳеч кимга эътибор бермасликка урининг.

4-қоида. Шифокорлар ҳузурига қатнаш.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: шундай ажойиб ва тоза ҳаводан нафас олиш имкониятига эга бўлиб турган даврда шифохонама-шифохона юриб дорилар ҳидини ҳидлаш керакми? Дарё соҳили бўйлаб юмшоқ қум устида роҳат билан қадам босиб, ультрабинафша нурларини қабул қилиб, одамлар кўз ўнгида гўзллашиш ўрнига рентгенга ёзилиш адолатданми? Шифокорлар ҳузурига дам олиш олдидан ёки ундан сўнг боришингиз мумкин. Ишдан бўш вақтингизда ҳам тоза ҳавода кўпроқ юришни унутманг.

5-қоида. Таъмирлаш билан шуғулланиш.

Азал-азалдан бир ёқимли нарсани фойдали иш билан уйғунлаштиришга одатланиб қолганмиз. Айнан шунинг учун дам олиш вақтимизда ҳам бирор-бир фойдали нарсани қилиб улгуришга уринамиз.

Сиз бу ҳолатда нафақат жисмоний чарчоқни орттирасиз, балким руҳан ҳам чўқасиз. Бу эса ўзингизга зиён.

6-қоида. Тил ўрганиш.

Дам олишга отланаётиб: «Бир йўла у ерда инглиз тилини ҳам ўрганиб оламан», — дейишади. Шундай қилиб кийимлари орасига икки жуфт қалин китоб ҳам солинади. Нима ҳам дердик. Сиз у ерда аниқ зерикиб қолмайсиз, чунки дам олиш, саёҳат қилиш ўрнига сўзларни, феълларнинг тусланишини ёдлаш билан банд бўласиз. Шундай қилиб денгизнинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиш ўрнига сиз ҳар хил сўзларни ёдлаб «Қандай дам олдинг?» саволига «Вой, икки ҳафтада 500 та сўз, холос», деб жавоб қайтарасиз.

7-қоида. Янги иш жой ахтариш.

Ҳаттоки ҳозирги ёки олдинги иш жойингиз сизга маъқул бўлса ҳам. Чунки ёзда суҳбатлардан ўтишдан ташқари бошқа муҳимроқ ишлар ҳам мавжуд, ортиқча зўриқишдани чарчаган организмнинг исён кўтариб иш ташлаш кунларини эълон қилиши мумкин. Бундай ташқи кўринишингиз эса сизни ҳеч қачон ишонса бўладиган мутахассис қилиб кўрсатиб бера олмайди.

8-қоида. Тежамкор бўлмоқ.

Дам олишда сарфлашга мўлжалланган пулни олдиндан ажратиб қўйинг, бу пулларни сарфлаганда ачинманг. Шундагина сиз бу пулларни сарфлаш ўрнига уйда ўтирганим яхши, деган ёхуд қайиқда сузиб ором олаётган вақтингиз: «Эй худо, мен пулга бир ой метрода юришим мумкин эдику», деган бемаъни хаёлларга бормайсиз.

9-қоида. Сизга ёқмайдиганлар билан дам олиш.

Агар дам олишга бир гуруҳ бўлиб отланган бўлсангиз олдиндан аниқлаб олинг: бу инсонлар сиз бирга дам олишни истаган кишиларми ўзи? Агар бунга рози бўлмаётган бўлсангиз, унда дам олишга яқка жўнанг.

10-қоида. Уйдан чиқмаслик.

Таълим вақтида шарт-шароитни мудом ўзгартириб туриш лозим. Ахир нотабий нарсалар, ғайриоддий воқеалар кўпроқ ёдимизда қолади. Агар денгиз томон йўл олишга қурбингиз етмаса, тоққа, ўрмонга, дала ҳовлига йўл олишингиз мумкин. Кундалик иш кунингизни тубдан ўзгартиринг, кундалик ташвишлардан воз кечинг, икки ҳафта таътилни фақат ўзингизга бағишланг. Бу эса гўзаллигингизни янада ошириб, руҳингизни тетиклаштиради, барча чарчоқларни албатта унутасиз.

ИЖОЗАТ СЎРАШ КЕРАКМИ?

... Қабулхонадамиз. Бир-биримиздан олдинроқ киришни истаганлар қанча. Аммо «Навбат билан кириш», дея танбеҳ берувчилар ҳам топилади. Ичкарига кириб кетганлар эса иложсиз ярим соатда зўрға чиқишади. Аслида шунча кутишга арзирмиди ишим, дея ўйлаб энди ортга қайтмоқчи бўлиб турувдим, бошлиқнинг ўзи ичкаридан чиқиб қолди. Мени кўрди-ю:

— Ия, сиз ҳам навбатда турибсизми, келинг, кираверинг, — деди. Мен атрофдагилардан хижолат бўлдим ва «Майли, кейинроқ келарман», дедимда, хайрлашиб чиқиб кетдим. Чунки бу гал унинг ҳузурига хизмат юзасидан эмас, балки ўз ишим билан борган эдим. Балки бошиданок, худди хизмат юзасидан келгандай тутиб, кириб кетганимда шунча турмасмидим, дея ўзимни ўзим сўкиб қолавердим. Кейинроқ бошқа иш билан бошқа ерда яна навбат кутдим. Бир нечтаси «Шахсий иш эмас, хизматчилик», дея навбатни ҳам писанд қилмасдан кириб чиқишаверди. Охири «портладим». Менга кўшилиб қолган кутиб турганлар ҳам тўполон кўтаришди.

Охир-оқибат ичкаридаги бошлиқ ташқаридаги «хизмат»дагиларни навбат билан қабул қила бошлади. Шунда аввалги навбат кутганим эсимга тушди. Бенавбат кириш қанчалар ҳурматсизлик эканини тушундим.

Ислом жорий қилган одоблардан бири — ҳозирги кунда ҳам юксак маданият белгиси бўлган муҳим хислат — исломга мувофиқ саломлашиш ва изн сўраш одобидир.

«Эй мўминлар! Ўзингизнинг уйингиз бўлмаган уйларга то руҳсат олмагунча кирманглар. Бу сизлар учун яхшироқдир. Шоядки, ўзингизга насиҳат — эслатма олурсиз. Агарда у ерда ҳеч ким топмасангиз, то у изн берилмагунча у ерга кирманглар. Борди-ю сизларга қайтинглар дейилса, дарҳол қайтинглар. Зеро, бу қилган ишингиз ўзингиз учун покроқдир!» (Нур сураси, 27-оят).

Балки бу сура биз тилга олган мавзуга унчалик яқин эмасдир. Аммо ҳар нарсанинг ижозати бўлгани дуруст. Баъзан эса катталар ўтирган жойларга жуда замонавий кийиниб олган, ўзи ҳам «бойвачча» кўринишдаги ёшлар кирадилар-да, ўтирганларга салом бериш тугул, ижозат сўрамасдан шартта ичкарига кириб кетадилар ёки уларнинг олдини босиб ўтадилар... Тўғри, улар бу билан ўзларининг қанчалар «зўр»лигини кўрсатадилар, кимнингдир ҳавасини келтирмоқчи бўладилар. Аслида ҳавас ўрнига газаб кўзгатганларини билмайдилар. Бу ҳақда гапирсангизлар эса «нотация ўқиманг»,

дейишдан тойишмайди. Бизнингча, ҳар нарсани исломга, шариатга, одоб-ахлоқ меъёрларига мувофиқ қилса, ҳеч кимнинг дили оғри-масди.

МЕҲР ВА МУҲАББАТ БЕРИНГ!

1. Миш-миш тарқатишга бўлган мойиллик.

Ўз ёри ёки бирор бир қарама-қарши жинс вакили олдида бошқа аёлни танқидга олиш ёки уни масхара қилиш — барча аёлларга хос бўлган жиҳатдир. Бу рўй бериши мумкин бўлган рақобатнинг олдини олиш учун қилинадиган ҳаракатдир. Лекин эркак киши ҳадеб ўзгалар шаънига ҳақорат ёғдираверадиган аёлни кўпам ёқтиравермайди. Бундай аёл унинг назарида ҳимоясиз, раҳмга муҳтож ва ёқимсиз бир шахсга айланиб қолиши мумкин.

2. Майда гаплик.

Эркакларга ҳар бир гапингизда уларнинг хатосини кўрсатаверсангиз ёки ўша нарсани янада яхшироқ амалга ошириши мумкинлиги тўғрисида эслатаверсангиз улар сиздан қаттиқ хафа бўлишади. Эсингизда бўлса танқид ҳеч қачон ҳеч кимга ёқмаган. Ўзгаларда камчилик кўргудай бўлсангиз ўша хатосини унга яхши томонлама тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.

3. Ожизлик.

Агарда аёл киши ҳеч бир нарсани мустақил амалга оширолмай, зиммасидаги барча муаммони эркак кишига юкласа, бу уларга умуман ёқмайдиган ҳолатдир. Масалан, айрим аёллар ҳаттоки ресторанда ўтирган вақти ўзларига эркак кишининг маслаҳатсиз бирор-бир таом танлаб олишолмайди. Бундай аёллар ҳар сонияда эркак кишига мурожаат этавериб уларнинг жиғибийрони чиқишига сабабчи бўлади.

4. Рашкчилик.

Эркак кишини ўзингизга қаттиқ боғлаб қўймоқчи бўлсангиз, унга эркинлик ҳадея этинг.

Агар унга ишониш мумкинлигини ҳис этсангиз, уни кераксиз шубҳалардан халос этинг. Уни ҳақорат қила кўрманг.

Агар у сизга хиёнат қилишини билсангиз, уни тарк этинг.

5. Ношукрлик.

Минг бир хил уриниш ила аёл кишини учрашувга чақириб уни бирор-бир ресторанга олиб борган эркакка оддий «раҳмат» сўзини айта олмаган аёл эркак кишининг нафратига сазовор бўлади. Энг яхшиси унга ҳам бирор-бир ёқимли нарса ҳадея қилинг, масалан,

эртасига кўнгироқ қилиб кечаги ажойиб ўтган сониялар учун унга яна бир бор миннатдорчилигингизни билдиринг.

6. Ўтган кунлар хотираси.

Эркак кишининг нафратига сазовор бўладиган яна бир нарса: аёл киши ҳадеб ўтган ишқий саргузаштларини эсга олаверишидир.

Агар шундай қилсангиз, сиз ундан норози эканлигингизни ёки ўша олис-олисларда қолиб кетган муҳаббатингиз ундан устунроқ деган фикрга бориши мумкин. Шунингдек, уларнинг шахсий ҳаётида бўлиб ўтган ишқий саргузаштлар тўғрисида гапириб беришини илтимос қилсангиз ҳам катта хатога йўл қўйган бўласиз. Бу нарсани улар ёқтирмайдилар.

7. Доимо норози бўлиш.

Доимо бирор-бир нарсадан норози бўлаверадиган аёлни ҳаттоки энг кучли иродали эркак ҳам сева олмайди.

8. Кўп гаплик.

Эркакни аёл кишига алоқадор мавзулар билан қизиқтиришга уринманг. Уларни кеча ким қандай либос кийгани, ким қандай косметик воситадан фойдаланганлиги ёки саргарошингиз сизга қандай маслаҳат берганлиги умуман қизиқтирмайди. У билан қизиқ суҳбат қурмоқчи бўлсангиз, унинг қизиқишини уйғота оладиган мавзуларни топинг.

9. Масъулиятсизлик.

Эркак кишини узоқ вақт куттириб қўйманг. Агар сиз унга бирор-бир жойга боришингиз учун пардоз-андоз қилишингиз кераклигини айтган бўлсангиз, бу дегани яна бир соат бемалол кўзгу ёнида ўтиришингиз мумкин деган маънони англатмайди.

ОДАМЛАР ОРАСИДА МУҲАББАТ

Секингина бир мулоҳаза юритсангиз: «Бу билан нима демоқчи бўлди? Нега бундай қилди экан?» ва ҳ.к. Бунақада чексиз ўйлаб, ҳеч қандай хулосага келмаслик ҳам мумкин. Сонлар бу нарсага аниқлик киритиши мумкин экан. Биз сизга муносабатларингизга аниқликни нумерология ёрдамида киритишни таклиф қиламиз.

Шундай қилиб бошладик. Масалан, киши 1972 йил 15 апрелда туғилган. Уни қуйидаги тарзда ёзиб чиқамиз: 15 41972.

Энди яна тўртта рақамни аниқлаб оламиз. Биринчисини ҳисоблаб топиш учун туғилган куннинг рақамларини бир-бирига қўшиб чиқамиз:

$$1+5+4+1+9+7+2=29; \text{ биринчи сон} - 29 (1).$$

Иккинчи рақам биринчи рақам ташкил топган рақамларни ўзаро қўшиш орқали топилади: $2+9=11$; иккинчи сон – 11 (2).

Учинчи сонни топиш учун бутун қаторнинг биринчи рақамини иккига кўпайтириб уни биринчи сондан айириб ташлаймиз:

$$29-1 \times 2=29-2=27, \text{ учинчи сон} - 27 (3).$$

Ва ниҳоят тўртинчи сонни топиш учун учинчи сонни ташкил қилган рақамларни ўзаро қўшамиз: $2+7=9$, тўртинчи сон – 9 (4).

Кейин олинган рақамларни туғилган куннинг остидан ёзиб чиқамиз:

15 41 9 7 229 11 27 9

Энди бир хил рақамларни Пифагор квадратига ёзиб чиқамиз (нолдан ташқари). Пифагор квадрати ичига кетма-кет рақам ёзилган тўққизта катакдан иборатдир. Биринчи катакка 1, иккинчисига 2 ва ҳ.к (1-жадвал). Ҳозирги пайтда бу квадратни психоматрица деб айтишади. Унга ўзимизнинг рақамларимизни ёзиб чиқамиз. Кейин ҳар икки қаторда бир хил рақамлар нечтадан эканлигини аниқлаб оламиз. Ноль рақами ҳисобланмаслигини ёдда тутинг.

Аёллар ва эркеклар орасидаги муносабатларда матрица катта роль ўйнайди. Ҳаммаси улардаги рақамларга боғлиқ. Агар рақам бўлмаса ёки битта бўлса – линия (характер қирраси) жуда кучсиз намоён бўлган бўлади. Иккита рақам – норма, учта бўлса – жуда яхши. Линияда тўртта рақам бўлса, хусусият кучли намоён бўлган, лекин ҳали охиригача тўлиқ етмаган, бешта рақам бўлса – максимум бўлиб, бундан яхшироқ натижа бўлмайди. Олти ва ундан зиёд рақамлар бўлса хусусият зўриққан ва сиз бошқаларнинг гапига кирадиган киши бўлиб қолган бўласиз.

Ҳозир биз рақамлар миқдори кишининг характериға қандай таъсир қилишини ўргандик. Энди оила масалаларига ўтсак. Ёрингиздан нималарни кутишингиз мумкин? Бу ҳақда психоматрицамининг уч қатори сўзлаб беради.

Матрицанинг биринчи қатори нимани англатади? У кишининг қанчалик даражада мақсадга интилувчанлигини ўз фикрларини ҳимоя қила олишини, ўз олдиға мақсад ва вазифалар қўя олишини кўрсатади. Агар унда рақамлар бўлмаса, бу одам аниқ жиддий мақсади йўқ, оқимға қараб иш тутадиган киши бўлиб, уни ўз режаларидан воз кечишға осон кўндириш мумкин. Агар рақам битта бўлса, мақсадға интилиш кучсиз, у одамнинг мақсадлари ҳам унча катта бўлмайди ва уларни амалға ошириш учун иродаси ҳам етмайди. Икки ёки учта рақам бўлса мақсадға интилиш ўртача. Бу одам ҳаёт

давомида секин-аста кучайиб боради. У дастлаб ўз имкониятларини ўрганиб чиқади ва кейингина ўз олдига катта мақсадларни қўя бошлайди. Тўрт ёки бешта рақам — мақсадга интилиш кучли ривожланган. Бундай одам ўз мақсадларига кўпчилик ҳолларда эришади. Мақсадига етиш учун у ҳамма нарсага тайёр. Улар бу йўлда метёрни назорат қилиб туришлари лозим. Олти ва ундан кўп рақамлар киши олдига бирданига бир нечта ёки имкониятларидан ташқари бўлган ҳаддан катта мақсадни қўяди ва ўз-ўзидан олдинга интила олмайди, дейиш мумкин.

Бизнинг мисолимизда: биринчи қаторда 1111 4 77 еттита рақам турибди. Бу одам олдига ё бирданига бир неча мақсадни ёки имкониятидан ташқари бўлган мақсадни қўйган. Ҳамма нарсага эришиш истагида у ҳеч нарсага эриша олмайди.

Иккинчи қатор (биз учун энг муҳими) оила бошлиғининг характери, оилали бўлиш ва яқинлари орасида бўлишга интилишни билдиради. Рақамлар бўлмаса бу киши яхши оила бошлиғи бўла олмайди. Оила унинг учун сўнгги ўринда туради. Бундай кишилар одатда оила қуришга шошилмайдилар (уларни кўпроқ иш, обрў, дўст ва ҳ.к.лар қизиқтиради).

Бир ёки иккита рақам — киши оила қуриш керак деб ҳисоблайди, лекин бунинг учун унчалик қайғурмайди. Учта рақам — бу одам оила қуриш ва қурмаслик орасида сарсон, агар у оила қуришга қарор қилган бўлса, уни тезлаш керак, бўлмаса бу нарса орқага сурилиб кетаверади. Тўртта рақам — киши оила қуришни истайди ва бунинг секинлик билан амалга оширади. Улар оиласини сақлашга интиладилар. Бешта рақам — ҳақиқий оила эгаси. Бундай одамлар идеал оила қуришга интиладилар ва турмуш ўртоқларига ҳам жуда кескин талаблар қўядилар. Улар ҳаётини оиласиз тасаввур ҳам қила олмайдилар. Олти ва зиёд рақам бўлса бу зўриқиш бўлиб, бу одамлар ўзларига мос инсонни узоқ излайдилар. Натижада кеч оила қурадилар.

Бизнинг мисолимизда иккинчи қаторда 4 та рақам бор, демек, бу киши яхши оила бошлиғидир.

Учинчи қатор кишининг турғунлиги, одатлари, масъуллиги, қўрқиши ва ўзгаришларни ёқтирмаслигини кўрсатади. Агар рақам бўлмаса ёки битта бўлса, у одам атрофидаги барча нарсалар — иш жойи, касби ва ҳ.к.ни ўзгартиришни истайди. Иккита рақам киши осон кўтарилиши мумкин, бироқ ниманидир ўзгартириш истагидан бемалол воз кечиши ҳам мумкин. Учта рақам — киши одатла-

рида турғун турмайди. Унинг кўплаб одатлари бўлиши мумкин, бироқ у бу нарсалардан ҳеч қандай сабабсиз воз кечиши ва бироз вақт ўтгандан кейин яна уларга қайтиши мумкин. Тўрт ва бешта рақамли кишилар анча барқарор кишилардир. Уларнинг камчилик томони — улар жуда секинлик билан ўзгарадилар. Олти ва зиёд рақамли кишилар яна турғунсизликни билдиради. Кишининг одатлари шунчалик кўпки, уларнинг таъсирига тушиб қолади ва бу ҳолатлар унинг яшашига халақит бера бошлайди. Натижада киши улар, аниқроғи, ўзининг барқарорлигига қарши кураша бошлайди.

Бизнинг мисолимизда учинчи қаторда учта рақам бор, демак, унинг барқарорлик имкониятлари унчалик катта эмас. Шундай қилиб ёдда тутинг:

Биринчи қатор — мақсадга интилувчанлик.

Иккинчи қатор — оила бошлиғи сифатлари.

Учинчи қатор — барқарорлик.

Оилани қуриш жараёнида аёл ва эркак бир-бири ҳар бир қатор бўйича қанчалик мос келишини эътиборга олинг. Бу нарса оиланинг барқарорлигига катта таъсир қилади. Биринчи қатор юзасидан ё эркак, ё аёл мақсадга интилувчанлик жиҳатидан устунроқ бўлиши лозим. Бунда улар бир-бирини тўлдириши лозим. Иккинчи қатор кишининг оилага боғлиқлигини билдиради. Демак, бу қатор хусусиятлари қанчалик кучли акс этган бўлса, оила шунчалик барқарор бўлади.

Қисқача шундай дейиш мумкин: агар эркак ҳам, аёл ҳам иккинчи қаторда тўрттадан рақамга эга бўлса, улар оиласини сақлашга интиладилар. Учтадан кам бўлса, улар ўзларини яхшилаб синаб кўришлари лозим бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иккинчи қатор хусусиятлари кучлироқ намоён бўлган тараф оилада кўпроқ мажбуриятларни ўз зиммасига олиши лозим.

Кучсиз тарафга мажбуриятларни ташлайвериш бефойда ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ёдингизда тутинг, оилани ким унга кўпроқ қизиқса ўша сақлаб қолиши мумкин.

Учинчи қаторнинг хусусияти барқарорлик бўлиб, бу қаторда рақам қанчалик кўп бўлса, оила шунчалик барқарор бўлади. Бу қаторнинг рақамлари сонидан эри ва хотини орасидаги фарқ унчалик катта бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Чунки бир-бири билан бир хил барқарор бўлган оила аъзолари бир-бирини яхшироқ тушунишади. Бу нарсалар нумерология фанига кириш қисмидир, холос.

Шунинг учун бу нарсалар сизнинг оила қуришингизда асосий қўлланма бўлмаслиги лозим. Бу нарсалар сизга фақат оилангизни яхшироқ тушуниб олишингизга ёрдам беради.

1 лар	2 лар	3 лар
4 лар	5 лар	6 лар
7 лар	8 лар	9 лар
1	2	3

V БОБ. ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

5.1. Иқтидорли болаларни аниқаш, ишлаш, ривожлантириш муаммолари

Кадрлар тайёрлашда долзарб ва катта истиқболий йўналишлардан бири — мактаб ўқувчилари орасидан истеъдодли, зукко болаларни аниқлаб, уларни алоҳида дастурлар асосида ўқитиш, халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар етиштиришдир.

Интеллектуал мулк деб аталган бу бойлик мамлакатимиз тараққиёти омили, маънавий ва моддий бойлигидир. Асосий бойлик эгаси, яъни интеллектуал мулк соҳиби, ақл-заковати чексиз ривожланиш имкониятига эга бўлган инсон эса ўз тафаккури билан ижод, буюк ихтиролар қилишга қодир бўлади, инсоният ва жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади.

Шу сабабли ахлоқан соф мантиқий тафаккури кучли, ақлий маданияти юқори бўлган болаларни махсус ўқитиш ва уларга кўпроқ умид боғлаш лозим. Айнан шундай болалар келгусида янада муҳимроқ иқтисодий, илмий ва ижтимоий масалаларни ечишга қодир бўладилар.

Ўзбек авлодини жаҳонга кўз-кўз қила оладиган кишилар — бу истеъдодли, қобилиятли, зукко, ўз ишининг кўзини билиб бажарадиган қўли гул, ўз соҳасининг моҳир мутахассисларидир.

Доно, тетик, ақли расо болаларни синф ўқувчилари орасидан асосли равишда танлашимиз ва уларни лаёқат йўналишлари, қобилиятларига қараб у ёки бу соҳага, касбга йўналтиришимиз керак. Афсуски, бу сифатлар болада бўлмаса, уни орттириш олий ўқув юртида ҳам, мактабда ҳам қийин. Шунинг учун истеъдоддиларни танлашда хатога йўл қўйиш шахсни таҳқирлаш ҳисобланади. Аниқлашнинг бир неча йўллари бўлиб, энг асосийси психологик тестлар, топшириқлар ва суҳбатдир.

Иқтидорли болалар билан ишлаш ва уларни касб-хунарга йўналтириш юзасидан тавсиялар

1. Мактаб раҳбари ва мактаб психологининг ҳамкорлигини кучайтирган ҳолда туман халқ таълими бўлим Ташхис маркази билан бевосита иш олиб бориш.

2. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши учун имкон бериш ва унинг фикрини қўллаб-қувватлаш.

3. Психологик методикалар орқали ўқувчиларни танлаш ва уларни фанларга йўналтириш.

4. Зукко деб тан олинган ўқувчиларни фан ўқитувчиларига бириктириш, фан олимпиадалари, турли хил мунозараларга жалб этиш.

5. Иқтидорни аниқловчи янги психологик методикалар билан бойитиш.

6. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

7. Иқтидорли ўқувчиларни турли хил «Умид», «Камолот», «Со-рес» каби жамғармалар томонидан ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этишига ёрдам бериш.

8. Иқтидорли ўқувчиларни ихтисослашган синфларга жалб қилиш.

9. Иқтидорли ўқувчиларнинг иқтидорини ривожлантиришда мактаб психологи, фан ўқитувчилари ва ота-оналар ҳамкорлигини кучайтириш.

10. Таълим муассасаларидаги иқтидорли тарбияланувчи ва ўқувчи ёшларнинг иқтидорини истеъдод даражасига кўтаришда амалий ёрдам бериш.

11. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда уларнинг қобилияти, иқтидори ва лаёқатини илк ёшидан бошлаб аниқлаш ва тасиялар бериш.

12. Ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда турли тўғарақлар ташкил этиш.

13. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича чиқарилган ҳар бир меъёрий ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш.

14. Ўқувчи ёшларнинг ўзлари қизиққан соҳа бўйича билим олишлари юртимиз келажаги, равнақи учун муҳимлигини англаш ва ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар онгига сингдириш.

15. Таълим муассасасининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштирилган билим бериш йўналишини белгилаш.

16. Ихтисослашган таълим муассасасини ташкил этиш учун ташкилий методик базани ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш.

17. Ихтисослашган мактабнинг низоми ишлаб чиқилиб, туман ҳокимиятида тасдиқланиши ва ушбу ҳужжатлар асосида мактабнинг йўналишлари, ўқувчиларни қабул қилиш тартибини имтиҳон материалларини ишлаб чиқиш, қабул комиссиясини тузиш, раҳбар томонидан тасдиқлаш.

Истеъдодли бола ким?

Истеъдод кўп қирралидир. Ёш болалардаги истеъдоднинг кўриниши – бу нутқнинг эрта пайдо бўлиши ва жуда кўп бўлган луғат бойлигидир. Бундан ташқари истеъдодли болалар теварак-атрофда содир бўлаётган воқеликларга ўта қизиқувчан бўладилар. Истеъдодли болаларнинг хотиралари жуда яхши ривожланган бўлишини мутахассислар эътироф этганлар. Истеъдод асосан уч ўзаро боғлиқ параметрлар билан аниқланади: билим даражасининг устунлиги, психологик ривожланиш, физиологик сифатлар.

Билиш жараёнлари:

Улар бир вақтнинг ўзида жуда кўп ишлар билан шуғулланадилар, улар жуда қизиқувчан бўладилар, кучли хотирага эгадирлар ва диққатларини бир жойга тўплай оладилар.

Психологик ривожланиш:

Ҳақиқат ҳисси яхши ривожланган, қадриятларнинг шахсий тизими, хаёлнинг ўта ривожланганлиги, ҳазил ҳиссининг мавжудлиги, ўзлари учун тўғри келмайдиган вазифаларни ечишга ҳаракат қилиши, улар қўрқув ҳолатини ошириб юборишлари ҳам мумкин, уларда эгоцентризм кучли бўлади.

Физиологик сифатлар:

Истеъдодлиларда икки хил стереотип мавжуд: бири озғин, кичкина, нимжон бола ёқи унинг акси. Истеъдодлилар жуда кам ухлашади.

Билиш жараёнидаги ривожланишнинг ўзиб кетиши

1. Идрокнинг кенглиги, истеъдодли болалар атрофидаги воқеаларга жуда сезгир ва жуда қизиқувчанлигидир. Улар учун дунё нимадан таркиб топганлигини билиш жуда қизиқдир. Улар бир неча жараённи бир вақтнинг ўзида кузатишга жуда қизиқишади.

2. Улар кўриниш ва предметларнинг орасидаги алоқани кузатиш ва назорат қилишга эгалар. Улар доимо ўзларининг хаёлларида альтернативани вужудга келтиришни севадилар.

3. Жуда яхши хотира ва тилнинг ёш вақтданок ривожланиши болага оламни билишда жуда қўл келади.

4. Истеъдодли болалар жуда катта луғат бойлигига эгадирлар, лекин ўзлари учун янгидан-янги сўзларни ихтиро қиладилар.

5. Қобилият билан бирга мантиқий нотўғрилиқ билан масалалар ечимини топиши, идрокнинг юқори даражасини сақлаб қолиши, ўз ихтиёри билан мураккаб масалаларни ишлашни ёқтиришади, улар тайёр жавобларни олишни ёқтиришмайди.

6. Баъзи истъёодли болалар математик қобилиятга эгалар, улар ҳисоблашни яхши кўришади, бундай болалар чуқур мантиққа ҳам эгадирлар.

7. Истеъодли болаларнинг диққатини тўплаши жуда кучли ҳисобланади ва қатъиятсизлик билан масалаларни ечишга ҳаракат қиладилар.

8. Истеъодли болалар масалалар билан қизиқадилар, улар ўзлари тушунмаган масалаларни ечишга ҳаракат қиладилар. Улар ёрдамга муҳтож, лекин қўллашларини ёқтирмайдилар.

Психологик сезувчанлик

1. Истеъоддиларда ҳақиқатни ҳимоя қилиш ҳисси кучли бўлади, ўзиб кетаётган ахлоқий ривожланиш идрок ва билиш жараёнининг ўта ривожланганлигига ёндашади.

2. Улар адолатсизликка қарши чиқишади. Улар ўзларига ва атрофдагиларга жуда катта талаб қўйишади.

3. Масалаларнинг ечимиди уларга хаёл жуда кўл келади.

4. Улар жуда катта ҳазил ҳиссига эгадирлар, мос келмайдиган тушунчаларни ўйлаб топадилар, уларнинг ҳазил қилишдаги идрокни генкурларидан ажралиб туради.

5. Уларга эмоционал баланс етишмайди, ёшлик вақтида бундай болалар жуда сабрсиздирлар.

6. Улар баъзида қўрқув ҳолатини кўпиртириб кўрсатадилар, улар имо-ишораларга жуда аҳамият билан қарайдилар.

7. Истеъоддиларда эгоцентризм яққол ифодаланган бўлади.

8. Уларда ўзини идрок қилишда негатив сифатлар ривожланади, тенгдошлари билан мулоқотда қийинчилик вужудга келади.

Физиологик характеристика

1. Истеъодли болалар жуда катта энергетик кучга эга, улар жуда кам ухлашади.

2. Уларнинг қўл ҳаракатлари билиш қобилиятларидан бироз орқада қолади. Уларга амалиёт муҳимроқдир. Интеллектуал ва физиологик ривожланишдаги фарқлар уларнинг мустақиллигини бўғиши мумкин.

3. Истеъодли болаларнинг кўриш қобилиятлари (8 ёшгача) ўзгарувчандир, уларнинг бу қобилиятлари пасайиб кетиши мумкин.

Истеъдодли болалар билан иш олиб боришда мутахассисларнинг тавсиялари

Истеъдодлилар билан ишлашда Карне, Шведаль ва Линнемайерлар (1982 й.) қуйидаги мезонларни ишлаб чиққанлар:

1. Ҳар бир бола такрорланмасдир. Баъзилари шеър ёзиш, иншолардан, баъзилари математикадаги қобилияти билан ажралиб турадилар. Оддий мактабда мусиқага қобилияти бор ўқувчини ҳам ажрата олмаслигимиз мумкин. Учинчи бир бола эса юқори интеллект (IQ) билан ажралиб туради, лекин бу боланинг ўзини баҳолаш мезони жуда паст бўлиши мумкин. Шу орқали ҳар бир боланинг кучли ва кучсиз томонини билишимиз лозим. Шу орқали истеъдодли болалар билан ишлаш режасини тузиш мумкин.

2. Истеъдодли болалар ўзларига нисбатан жуда танқидчандирлар. Улар ўз «мен»ини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари керак. Яқин қариндошларининг таъсири истеъдодли болалар учун жуда муҳимдир, улар яқинларининг фикрини инобатга оладилар. Юқори интеллект ва ривожланишнинг мос келмаслиги болани ранжитиши мумкин.

3. Истеъдодли боланинг ривожланиши ва камол топишида оиланинг ўрни жуда каттадир. Агар оила, мактаб ўзаро алоқада бўлса, бу энг яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

4. Истеъдодли болалар учун турли хил ўқув режасини тузиш. Истеъдодли болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиб ўқув режалари ишлаб чиқилиши лозим. Кўпгина истеъдодли ўқувчиларнинг қизиқишлари кўп қирралидир.

5. Истеъдодли болалар оддий болалар билан ўқиган тақдирда ҳам, истеъдодли бошқа болалар билан мулоқот қилиш имкониятини яратиш керак.

6. Истеъдодли болаларнинг дастури ҳар томонлама мукамал бўлиши зарур.

7. Истеъдодли болаларни ўқитиш учун тузилган режани шу соҳадан хабардор бўлган раҳбарнинг ўзи назорат қилган тақдирдагина самара бериши мумкин.

8. Истеъдодли болаларни ўқитишнинг намунали режасини иш фаолиятига бевосита татбиқ қилиш керак.

9. Ота-она ва мутахассислар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишлари муҳимдир. Бу ҳамкорлик истеъдодли болаларнинг истеъдодини ривожлантириш учун ҳам муҳимдир.

10. Боланинг ўзига нисбатан баҳосини билишимиз жуда муҳим-

дир. Бола ўзининг олдига қўйган қандай вазифаларни бажарилаётганлигини ҳам билиш керак, ота-она бундан хурсандми?

Фақат режа мавжуд бўлса, ота-она ҳам, мутахассис ҳам бола ўз олдига қўяётган мисолларни ечаётганлигини билиши мумкин.

11. Намунали дастур яхши режалаштирилган, эффе́ктив ва доимий фаолиятдаги системани кўрсатиш керак ва бунда ота-онанинг ўрнини ҳам таъкидлаб ўтишимиз зарур.

12. Дастурнинг оптимал жиҳатларини кўриши керак, бола бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини таъминлаш керак.

13. Дастур қатъиятлилик ва мақсадга интилишни ривожлантириши керак. Юқори бўлиши жуда катта аҳамиятга эга эмас. Мақсадга интилиш ва бошлаган ишини охиригача етказиши муҳимдир.

14. Дастурнинг асосий мақсадларидан бири ижодий қобилиятни ривожлантиришдир.

15. Истеъдодли болалар билан ишлашда талантли тарбиячи, ўқитувчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай мутахассислар мактабга ҳам, ота-оналарга ҳам жуда зарурдир.

Истеъдодли болаларнинг муаммолари

Лета Холлингуорт интеллукуал жиҳатдан истеъдодлиларнинг мослашувини ўрганиб чиқиб, бу муаммога ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Ота-она ва педагоглар истеъдодли болалар билан ишлаётганда қуйидаги муаммоларга ўз эътиборларини қаратиши лозим:

1. Мактабни ёқтирмаслик. Бундай ҳолат истеъдодли бола учун асосан мактаб дастури зерикарли ва қизиқ бўлмаган ҳолатда содир бўлади. Истеъдодли болаларнинг феълидаги ўзгаришлар уларнинг қобилиятига дастур мосланмаслиги учун содир бўлади.

2. Ўйин ҳолатига бўлган қизиқишлар. Истеъдодли болаларга мураккаб ўйинлар жуда ёқди ва уларга ҳамма тенгдошларини қизиқтирадиган ўйинлар зерикарли туюлади. Шу сабабдан истеъдодли бола яккаланиб қолади.

3. Конформилик. Истеъдодли болалар стандарт талабларни инкор қилади, агар стандартлар унинг учун тўғри келмаса, маъносиздек туюлади.

4. Фалсафий муаммоларга ўралашиб қолиш. Истеъдодли болалар кўпинча ўлим ҳақида, қабрдаги ҳаёт, диний ишонч ва фалсафий муаммолар ҳақида кўп бошларини қотирадилар.

5. Физиологик, интеллектуал ва ижтимоий ривожланишнинг бири-бирига мос келмаслиги. Истеъдодли болалар ўзларидан катта бўлган

болалар билан мулоқот қилишни ва ўйнашни ёқтиришади. Шунинг учун ҳам улар сардор бўлишга қийналишади, чунки уларда физиологик ўсиш кечроқ бўлади.

Бу рўйхат бошқа тадқиқотчи Уитмор (1980 й.) томонидан тўлдирилган

1. Мукамалликка интилиш. Истеъдодли болалар учун ички мукамаллик эҳтиёжи муҳимдир. Улар юқори босқичга чиқмагунларича тўхтамайдилар. Бу кўриниш жуда эрта намоён бўлади.

2. Қониқмаслик ҳиссининг мавжудлиги. Ўзига бўлган бундай муносабат мукамалликка интилиш ҳисси билан ўзаро боғлиқдир. Улар ўзларининг ютуқларига танқидий назар билан қарашади, кўпгина ҳолларда қониқмайдилар, шунинг учун ҳам паст ўзини баҳолаш вужудга келади.

3. Реал бўлмаган мақсадлар. Истеъдодли болалар кўп ҳолларда ўзларининг олдига юксак мақсадларни қўядилар. Уларни бажариш имконияти бўлмагач, улар хавотирга туша бошлайдилар. Бошқа томондан бу юқори кўрсаткичларга интилишга ундовчи кучдир.

4. Ўта сезувчанлик. Истеъдодли болалар ташқи муҳит таъсирларини яхши сезганлари учун ташқаридан бўладиган танқидга жуда катта аҳамият берадилар. Истеъдодли болаларнинг кўнгиллари жуда нозикдир, улар кўпинча новербалл ҳолатларни ўзлари учун деб тушунадилар.

5. Катталар эътиборини тортишга интилиш. Табиат ато этган дунёқараши ва билишга интилиш жараёнида истеъдодли болалар ўқитувчи, ота-она ва бошқа катта инсонларнинг эътиборига муҳтож бўлиб қоладилар. Бу бошқа болаларнинг жаҳллари чиқишига олиб келади.

6. Сабрсизлик. Истеъдодли болалар ўзларидан паст бўлган интеллектда турадиган болаларга нисбатан сабрсизлик билан муносабатда бўлишади. Улар атрофидагиларнинг муносабатларини ва танқидларини инкор этадилар, улар бунга нафрат ёки сабрсизлик билан жавоб беришади.

Боланинг қобилият йўналишлари даражасини аниқлаш усуллари

	1-босқич (1–4-синф)
1.	Кузатиш жараёнида
2.	Суҳбат жараёни орқали қизиқишларини ўрганиш
3.	Ота-онаси, боланинг ўзи билан суҳбатлашиш
4.	Диққат хотирасини текшириш, тестлар

5.	Тадбирлар (КВН, концертлар, кечалар, байрамлар)
6.	Дарс жараёнида
7.	Мусобақаларда
8.	Кичик фан олимпиадалари
9.	Экскурсия учрашувларида
2-босқич (5–7-синф)	
1.	Қизиқиши, шуғулланаётган тўғараги
2.	Тестлар
3.	Фан олимпиадалари
4.	Тадбирларда
5.	Мусобақаларда
3-босқич (8–11-синф)	
1.	Тестлар
2.	Фан олимпиадалари
3.	Тадбирларда
4.	Мусобақаларда

5.2. Иқтидорли болаларни аниқлаш тестлари

Умумий билимдонликни аниқлаш тести

Сизга иккита сўз берилган, шу икки сўз учун умумий бўлган сўзни топинг.

Масалан, «Бугдой – арпа» бўлса, умумий сўз «донли ўсимликлар» бўлади.

1. Осиё – Африка –
2. Ботаника – Зоология –
3. Феодализм – капитализм –
4. Эртақ – ривоят –
5. Суюқлик – газ –
6. Юрак – артерия –
7. Копенгаген – Манагуа –
8. Атом – молекула –
9. Ёғлар – оқсиллар –
10. Фан – санъат –
11. Ампер – вольт –
12. Канал – тўғон –
13. Йиғинди – кўпайтма –
14. Тўфон – zilзила –
15. Классика – реаллик –

Жавоблар калити: 1. Қитъа; 2. Биология; 3. Ижтимоий тузум; 4. Халқ оғзаки ижоди; 5. Модданинг агрегат ҳолати; 6. Қон айланиш

тизими; 7. Пойтахт; 8. Модданинг кичик органлари; 9. Органик модда; 10. Маданият; 11. Электр ўлчов бирлиги; 12. Сунъий сув иншооти; 13. Математик ҳаракат; 14. Табиий офат; 15. Санъат йўналиши.

Жавоблар изоҳи: ҳар бир тўғри жавоб учун – 1 балл.

0–5 – паст;

6–10 – ўрта;

11–15 – юқори билимдонлик даражасига эга.

Математик қобилиятни аниқлаш тести

Сизга бир қатор сонлар берилган. Улар қонуниятлар орқали жойлашган. Сизнинг вазифангиз эса ҳар қаторнинг кейинги сонини топишингиз лозим (10 дақиқа оралиғида). Ҳар бир қатор математик амаллар қўлланилган ҳолда тузилган. Масалан, 2, 4, 6, 8, 10, кейингиси 12, чунки ҳар сафар 2 га кўпайган ёки 9, 7, 10, 8, 11, 9, 12. Бу ерда 2 га кўпайиб 3 олинганлиги учун кейинги сон 10 бўлади.

Калит

1. 6, 9, 12, 15, 18, 21?	1–24	6–24
2. 9, 1, 7, 1, 5, 1?	2–3	7–18
3. 2, 3, 5, 6, 8, 9?	3–1	18–64
4. 10, 12, 9, 11, 8, 10?	4–7	9–37
5. 1, 3, 6, 8, 16, 18?	5–36	10–49
6. 3, 4, 6, 9, 13, 18?		
7. 15, 13, 16, 12, 17, 11?		
8. 1, 2, 4, 8, 16, 32?		
9. 1, 2, 5, 10, 17, 26?		
10. 1, 9, 16, 25, 36?		

Шахснинг тил ўрганишга нисбатан қобилиятини аниқлаш

Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб гапларни шу тилга таржима қилинг. Сизга 10 дақиқа вақт.

Сўзлар:

У – ва

Тер – ота

Терм – отамникига

Нафе – ака

Нате – ука

Ниха – бормоқ, меҳмон бўлмоқ

Бег – севмоқ, яхши кўрмоқ
Ем – менинг, меники
Ру – мен, де – сен
«х» – инкор маъноси.

Гаплар:

1. Сен отамникига бординг.
2. Мен сени севаман.
3. Сен меникига келдинг.
4. Мен отамникига бордим
5. Мен отамни севаман.
6. Отам укамникига борди.
7. Отам сени севади.
8. Мен сени севмайман
9. Отам меникига келмайди.
10. Отам ва мен сеникига бордик.

Тўғри жавоблар:

1. Де терм ниҳа.
2. Ру де бег.
3. Де ем ниҳа.
4. Ру терм ниҳа.
5. Ру тер бег.
6. Тер натем ниҳа.
7. Тер де бег.
8. Ру де бег.
9. Тер ем ниҳах.
10. Тер у ру дем ниҳа.

Изоҳ: 10 дақиқа орасида қанча гап таржима қилинса, балл шунча юқори бўлади. Максимал балл – 10 балл.

VI БОБ. МАКТАБ АМАЛИЙ ПСИХОЛОҒЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ТАВСИЯЛАР

6.1. Мактаб психологининг ўқитувчилар билан олиб борадиган ишлари

Тажриба шуни кўрсатадики, болалар таълим-тарбиясида бўладиган камчиликларнинг асосий сабабларидан бири ўқитувчининг психологиясига боғлиқ. Лекин бунга кўпгина касбий-психологлар, ҳаттоки маориф ходимларининг кўпчилиги эътибор бермайди. Шу мақсадда ушбу тавсия ўқитувчининг касбий-психологик хусусиятини диагностика қилиш ва шу орқали коррекцион ишлар олиб бориш таълим-тарбия жараёнига ёрдам беради.

Педагог фаолиятининг куйидаги қирраларини ўрганиш учун тавсия беришни лозим топдик:

- педагогик, касбий фаолиятини баҳолаш;
- педагогнинг шахсий касбий йўналишини баҳолаш;
- педагогнинг эмпатик қобилиятини аниқлаш;
- педагог шахсини психоггеометрик тест орқали аниқлаш;
- педагогнинг коммуникативлигини аниқлаш;
- педагогик жамоада психологик иқлимни аниқлаш;
- педагогнинг интеллект даражасини аниқлаш.

Коррекциялаш мақсадида:

- диққатни ошириш йўллари;
- хотирани ошириш йўллари;
- тафаккур-фикрлаш фаолиятини ошириш йўллари;
- уятчанлик ва жаҳлдорликни тузатиш;
- психологик ёрдам каби услубий тавсияларни ҳам тақдим этдик.

Ўйлаймизки ушбу тавсия таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

6.2. Педагогнинг касбий фаолиятини баҳолаш

Куйидаги саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг (ўқувчилар билан ўтказилади):

1. Ўқитувчим ўқувчиларининг ютуғини олдиндан билади.
2. Ўқитувчим билан муносабатим ёмон.
3. Ўқитувчим тўғри сўз, ҳаққонийлиги бор.
4. Ўқитувчим имтиҳон ва ёзма ишга тайёрлайди.

5. Ўқитувчимда одамларга ишонч ва эътибор йўқ.
 6. Ўқитувчимнинг сўзи мен учун қонун.
 7. Ўқитувчим ишларимни режалаштиришга ёрдам беради.
 8. Ўқитувчимдан хурсандман.
 9. Ўқитувчим менга нисбатан қаттиққўл эмас.
 10. Ўқитувчим керакли маслаҳат бера олади.
 11. Ўқитувчимга ишонаман.
 12. Ўқитувчимнинг менга берган баҳоси мен учун қадрли.
 13. Ўқитувчим шаблон билан ишлайди.
 14. Ўқитувчим билан ишлаш мен учун жуда яхши.
 15. Ўқитувчим менга кам диққат қилади.
 16. Ўқитувчим менинг шахсий хусусиятимни эътиборга олмайди.
 17. Ўқитувчим менинг кайфиятимни ҳис қилмайди.
 18. Ўқитувчим менинг фикримга эътибор беради.
 19. Ўқитувчимнинг усул ва услубини тўғри деб биламан.
 20. Ўқитувчимга ўз фикримни айтмайман.
 21. Ўқитувчим оддий, ноҳўя иш учун ҳам жазолайди. Ўқитувчим менинг бўш ва кучли томонларимни билади.
 22. Ўқитувчимга ўхшашни хоҳлайман.
 23. Ўқитувчим билан фақат иш юзасидан муносабатдамиз.
- Бу тест орқали ўқитувчининг гностик, ҳиссий ва ўзини тутиши каби педагогик фаолият компонентлари (таркибий қисм) аниқланади.
1. Гностик – 1, 4, 7, 10, 19, 22 – «ҳа» учун 1 балл (касбига муносиблик) 13, 16 «йўқ» учун 1 балл
 2. Ҳиссий – 8, 11, 14, 23 – «ҳа» учун 1 балл (симпатия) 2, 5, 17, 20 – «йўқ» учун 1 балл
 3. Ўзини тутиш – 3, 6, 12, 18 – «ҳа» учун 1 балл (ўзаро муносабат) 9, 15, 21, 24 – «йўқ» учун 1 балл

Жавоблар таҳлили:

1, 2, 3 – қисмлар бўйича умумий баллар:

20–24 – юқори, 12 – 16 – ўртача, 16–20 – яхши, 12 дан паст ёмон.

Ҳар бири бўйича:

7–8 – юқори, 3–4 – ўрта, 5–6 – яхши, 0–3 – ёмон.

Бундан ташқари ҳар учала компонент алоҳида таҳлил қилинади.

6.3. Педагогнинг эмпатик қобилиятини аниқлаш тести

Эмпатик қобилият деганда ўқитувчининг ўзини ўқувчи ўрнига кўя олиш, унинг ҳиссий қайғуришига шериклик қила олиш тушунилади. Қозонлик психолог И. М. Юсупов томонидан тузилган тест буни аниқлаш учун жуда қулай. Тест саволларига «ҳамиша», «доимо», «тез-тез», «айрим вақт», «ҳеч қачон», «билмайман» деб жавоб беринг:

1. Менга машҳур одамлар ҳаёти ҳақидаги китоблардан кўра саёхатлар ҳақида ёзилганлари ёқади.
2. Бошқа одамларнинг муваффақияти ва муваффақиятсизлигини таҳлил қилиш ёқади.
3. Катта болаларга ота-она ғамхўрлиги ёқмайди.
4. Мусиқа йўналишлари орасида менга замонавийлари ёқади.
5. Касалларнинг инжиқлигига чидаш керак деб ҳисоблайман.
6. Касалларга ҳаттоки сўз билан ёрдам бериш керак.
7. Икки киши орасидаги келишмовчиликка бегона одам аралашмаслиги керак деб ҳисоблайман.
8. Кексалар доим бировдан хафа бўлишади.
9. Ёшлигимда ғамгин воқеаларга кўз ёш тўкканман.
10. Ота-онам уруши кайфиятимни бузади.
11. Мен танбеҳга бефарқман.
12. Менга табиат тасвиридан кўра портретлар ёқади.
13. Ота-онам ҳақ бўлмасалар ҳам доимо кечирганман.
14. От тез юрмаса уни уриш керак.
15. Одамлар ҳаёти ҳақидаги драматик асар ўқисам, мен ўз ҳаётимни шундай ҳис қиламан.
16. Ота-оналар болаларига тўғри муносабатда бўлади.
17. Жанжаллашаётганларни кўрсам аралашаман.
18. Ота-онамнинг ёмон кайфиятларига парво қилмайман.
19. Ҳайвонларнинг феълига эътибор бераман.
20. Китоб ва кино бўш одамларга таъсир қилади.
21. Бегона одамларнинг ўзини туттиши ва сўзлашишини кузатиш ёқади.
22. Ёшлигимда кўчада қолган мушук ва итларни уйга олиб келганман.
23. Ҳамма одамлар сабабсиз жаҳлдор.
24. Бегона одамнинг ҳаёти қандай бўлишини билгим келади.
25. Ёшлигимда менинг кетимдан ёш болалар югуриб юрар эди.

26. Касал ҳайвонларга менинг ёрдам бергим келади
 27. Одамларнинг арзига қулоқ солсангиз энгил тортасиз.
 28. Кўчада бирор воқеа юз берса аралашмасликка ҳаракат қиламан.
 29. Болаларга менинг ғоям ва ўйин ташкил этишларим ёқади.
 30. Ҳайвонларнинг хўжайинини тушуниши ҳақидаги гаплар менга ёқмайди.
 31. Ҳар қандай қийин ҳолатдан одам ўзи чиқиши керак деб ҳисоблайман.
 32. Бола йиғласа бунга сабаб бор.
 33. Ёшлар қарияларнинг ҳар қандай илтимосини бажариши керак.
 34. Айрим синфдошларимнинг хаёлчанлигини билишни хоҳлайман.
 35. Менинг дўстларим шахсий муаммоларини айтса, гапни бошқа мавзуга бураман.
 36. Безори, уйсиз ҳайвонларни ушлаш ва йўқотиш керак.

Тест ишланмаси:

Жавобларга баллар қуйидагича:

«Ҳамиша» — 5

«Доимо» — 4

«Тез-тез» — 3

«Айрим вақтда» — 2

«Ҳеч қачон» — 1

«Билмайман» — 0

Агар сиз 3, 9, 11, 13, 28, 36-саволларга «билмайман», 11, 13, 15, 27-саволларга «ҳамиша» деб жавоб берган бўлсангиз сиз тестга тўғри жавоб бермагансиз, ўзингизни юқори баҳолагансиз. Агар уч-тўртта жавоб юқоридагига мос келса жавоб яхши эмас, агар бешта бўлса, тестга умуман нотўғри жавоб берилган.

Энди қолган балларни ҳисобланг.

Агар сиз 82–90 балл тўплаган бўлсангиз, жуда юқори даражада эмпатия эгасисиз. Бу ҳолат сизни касал қилиши мумкин.

63–81 — юқори даражадаги эмпатик қобилият эгасисиз.


37–62 — нормал даражадаги эмпатик қобилият эгасисиз.

12–36 — паст даражадаги эмпатик қобилият эгасисиз.

0–11 — жуда паст даражадаги эмпатик қобилият эгасисиз.

6.4. Геометрик шакллар асосида одам расмини чизиш

Куйида берилган геометрик шакллардан фойдаланиб одам расмини чизинг. Ҳар бир шаклни кичрайтириш ёки катталаштириш мумкин, уларни бир-бирига бирлаштириш мумкин, лекин шакллар сони ўнтадан ошмасин; кам бўлса чизинг, кўп бўлса ўчиринг.



Расмини баҳолаш учун учбурчаклар сонини юзлик, айланалар сонини ўнлик, квадратни эса бирлик билан ҳисобланг (масалан, учбурчак 6 та, айлана 3 та, квадрат 1 та бўлса, 631 бўлади).

1-тип — 901, 910, 820, 811, 820, 703, 712, 721, 730; 604, 613, 622, 631, 640 — «раҳбар»

2-тип — 505, 514, 523, 532, 541, 550 — «тартибли бажарувчи».

3-тип — 406, 415, 424, 433, 442, 451, 460 — «интеллектуал».

4-тип — 307, 316, 325, 334, 343, 352, 361, 370 — «олим»

5-тип — 208, 217, 226, 235, 244, 253, 262, 271, 280 — «интуицияли»

6-тип — 109, 118, 127, 136, 145, 019, 028, 037, 046 — «ихтирочи, лойиҳачи, мусаввир».

7-тип — 550, 451, 460, 352, 361, 370, 253, 262, 271, 280, 154, 163, 172, 181, 190, 055, 064, 073, 082, 091 — «эмотив».

8-тип — 901, 802, 703, 604, 505, 406, 307, 208, 109 — «эмотив эмас».

Типлар характеристикаси

1-тип. «Раҳбар» — ўз номидан маълумки, раҳбарлик, ташкилотчиликка қобилиятли одамлар бўлиб, ижтимоий ахлоқ асосида ўзини тутувчи, яхши маърузачи, ҳар қандай жойда тез мослашувчи, яшн я рангни яхши кўради.

901, 910, 802, 811, 820 — ўзгаларнинг ўзига бўйсунинини яхши кўради, 703, 712, 721, 730 — сўз билан таъсир этувчи, 604, 613, 622, 631, 640 — ўқитувчи раҳбар.

2-тип. «Бажарувчи» — раҳбарга ўхшаш томонлари кўп, лекин бир қарорга кела олмаслиги билан фарқ қилади, юксак касбий, ташкилотчилик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик кучли, ҳақиқатпарвар, тез-тез асаб тизими касалланиб туради (зўриқиш натижасида).

3-тип. «Интеллектуал» — турли хил қобилият ва талант эгаси, бир неча касбларни билади, бир фан билан чекланмайди, тартибсизли, ифолосликни ёмон кўради (шу масалада тез-тез жанжаллашиб туради), тез хафа бўлади, кўнгли юмшоқ.

415 — «шоир», 424 — «ўта ишчан».

4-тип. «Олим» — ўз исмидан маълумки илмий ишга лаёқатли, изланувчан, интеллекти кучли, назарий билими кучли, ўз ишининг пухтаси.

316 — назарий жиҳатдан ҳар қандай теория ишлаб чиқадиган, кўп ишловчи.

325 — ҳаётни ўрганувчи олим, тиббий ходим, биолог, бу типга кино, цирк, театр, режиссёр ва ҳоказолар киради.

5-тип. «Интуицияли» — асаб тизими яхши ишлайдиган, лекин чарчайдиган, бир ишдан иккинчи ишга тез ўта оладиган, янгиликка интилувчан, ўзгаларни ҳимоя қилувчи, техник ижодкорлик билан шуғулланувчи, ўзининг ахлоқ нормасига эга бўлиб, ўшанга бўйсунди ва кучли назорат қилади, ўз озодлигини ҳеч нарсага алмашмайди. 235 — психолог, 244 — филолог, 217 — тасвирий санъат, 226 — янгиликка ўч.

6-тип. «Ихтирочи, лойиҳачи, мусаввир» — буларда идрок, тасаввур (асосан фазовий тасаввур) кучли, техник, бадиий, интеллектуал ижодкорлик билан шуғулланувчи. Ўз гоёларига эга, ҳиссиётли, ўз ахлоқ нормасига эга. 119 — яхши маърузачи, 118 — конструктор.

7-тип. «Эмпатик» — ўзгаларнинг ғами ва шодлигига шерик, юмшоқ характерли, мулойим, ўзгаларни ўйлаб ўзини унутиб қўядиган шахслар типи.

8-тип. «Эмпатик эмас» — эмпатик типнинг тескариси, эгоистик хусусиятли, бошқаларни ўзига бўйсундирувчиси, агар шундай қилолмаса ўз муаммоси билан ўзи овора бўлиб яққаланиб қолувчилар типи.

Булардан ташқари расмда ажралиб турувчи тасвирлар бўлса:

Бўйин — тез хафа бўлувчи.

Қулоқ — тинглашни билувчи.

Чўнтак — болаларни ўйловчи

Шляпа — ташвишли.

Юзда фақат оғиз бўлса — кўп гапирувчи.

Юз тўлиқ (кўз, қош, бурун, оғиз) — давранинг гули.

Фақат бурун — ҳидни сезувчи, яхши кўрувчи.

6.5. Хотирани баҳолаш тести

Саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Бешта телефон рақамини эслай оласизми?
2. Учрашувга бориш эсингиздан чиқиб бормай қолганмисиз?
3. Уч кун олдин эрталабки нонуштага нима еганингизни эслай оласизми?
4. Биринчи учрашув эсингиздами?
5. Биринчи севгингизни унутганмисиз?
6. Мактабга борган биринчи кунни эслай оласизми?
7. Болалиқда ёдлаган шеърни айта оласизми?
8. Ўн бешта кийган кийимингиз ёдингиздами?
9. Кўнғироқ қилишдан олдин дафтарга қараб оласизми?
10. Биринчи учрашувга қандай кийим билан борганингизни эслай оласизми?
11. Биринчи ўртоғингизнинг исми эсингиздами?
12. Айрим ҳидлар сизга таниш жойни эслатадими?
13. Мактабга борган йўл эсингиздами?
14. Ўртоқларингизни туғилган кунини ёддан биласизми?

Натижа:

«Ҳа» жавоблар учун ўзингизга «1» балл қўйиб чиқинг.

11 ва ундан юқори — хотирангиз кучли;

6 дан 10 гача — хотирангиз яхши;

5 дан паст — ўртача, паст.

6.6. Коррекцион ишлар

Ранглар орқали одам психологиясига таъсир ўтказиш мумкин. Ҳар бир рангнинг одамга таъсири бўлиб, қайси чарчоқни чиқарса, қайси чарчатади, қайси ҳиссиётни қўзғатувчи ва ҳ.к. (жадвалга қаранг). Умуман олганда ранглар иш унумдорлигига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқувчилар доимий бўладиган жойлар ҳаворанг, оқ ва яшил (очиқ) ранглар билан, спорт залини эса ҳар хил ранглар билан бўяш мумкин, лекин ҳеч қачон ҳар хил ранг бўлмаслиги керак.

Бир хил ранг тез кўникиш, чарчаш ва тормозланишга олиб келади. Ҳар бир тўғри танланган расм, албатта нафосат билан ишланган бўлса, чарчоқни чиқариш, ҳаяжонни босиш, оптимистик хислатларни ҳосил қилишга ёрдам беради. Агар унинг тескариси бўлса-чи?

Мактабнинг ошхонаси, меҳнат кабинети спорт зали, ўқитувчилар хонаси ва ҳоказолар ўз ўрнига, вазифасига мос равишда бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади (жадвалга қаранг).

Ранг	Таъсири (ўрнига қараб)		
	Тепадан	Ён томонидан	Пастдан
Қизил	Қўзғатувчи, эротоген таъсирга эга, жалб этувчи	Қўзғатувчи	Табиий қабул қилинмайди, куйдирувчи
Пушти	Енгиллаштирувчи, бахтиёрлик ҳиссини келтирувчи	Мулойимлик хусусиятини келтириб чиқарувчи	Ҳидни сезишни оширади
Гулоби	Диққатни тўплайди	Иссиқлик, илиқлик кайфиятини ҳосил қилади	Иссиқлик, илиқлик кайфиятини ҳосил қилади
Сариқ	Яхши кайфиятни, диққатни қочиради	Қўзғатувчи, салбий кайфият ҳосил қилувчи	Кеккайиш, ҳавойилик кайфиятини ҳосил қилади
Яшил	Нотабиий қабул қилинади	Тинчлантирувчи	Тинчлантирувчи, «совутувчи», уйқуни келтирувчи кайфият ҳосил қилади
Ҳаво ранг	Енгиллик ҳосил қилади	«Совутувчи» тинчлантирувчи кайфият ҳосил қилади	Совутувчи
Кўк	Тинчликни йўқотувчи, хавф туғдирувчи	Четлатувчи, ажратувчи, хавф ҳосил қилувчи, бўшлиқ ҳосил қилувчи кайфият ҳосил қилади	Четлатувчи, ажратувчи, хавф ҳосил қилувчи, бўшлиқ ҳосил қилувчи кайфият ҳосил қилади
Жигар ранг	Оғирлик, оғир таъсир этиш каби кайфият ҳосил қилади	Ғам келтирувчи, ғамгинлик ҳосил қилувчи кайфият ҳосил қилади	Ўзига ишонч ҳиссини яхшилайди

Ранглар билан психологик даволашда расм чизиш, расмлар томоша қилиш, мактаб кийимини (ранги) танлаш, ошхона, спортзал, меҳнат устахонаси; заллар, кабинетларни бўйлаш каби ишлар орқали эришиш мумкин.

Учта «мен»

«Мен» — бу ёш бола, «Мен» — бу ўқитувчи, «Мен» — бу катта ёшли инсон, «Мен» бу — демак, «Мен» кўп. Менда қайси «Мен»дан кўпроғу, қайсидан камроқ. Сизда шу савол жуда кўп туғилган.

Шундай эмасми? Синаб кўрингчи, қайсидан қанча. Бунинг учун куйидаги савол-ҳолатларни 0 дан 10 баллгача баҳолаб чиқинг.

1. Кўпинча ўзимни тўхтатолмай қоламан.
2. Истагим менга халақит берса, уни тўхтатишим мумкин.
3. Ота-оналар катта кишилар сифатида болалари ҳаётини ташкил этишлари керак, деб ҳисоблайман.
4. Айрим ҳолатларда ўзимнинг ролимни ошириб юбораман.
5. Мени алдаш жуда қийин.
6. Тарбиячи бўлиш яхши деб ўйлайман.
7. Ҳаётда бўладиган воқеаларни яхши тушунаман деб ўйлайман.
8. Ҳар ким ўз бурчини бажариши керак.
9. Кўпинча бўлиши шарт бўлмаганда ҳам, истагимни бажараман.
10. Бир қарорга келишдан олдин охирини ўйлайман.
11. Ёшлар яшашни катталардан ўрганиши керак деб ўйлайман.
12. Мен ҳамма одамлардек тез хафа бўламан.
13. Одамлардаги ўзи билмаган томонларни ҳам биламан.
14. Болалар ота-оналарининг кўрсатмаларига амал қилиши керак.
15. Мен фаол, изланувчан одамман.
16. Одамларни баҳолашда ҳаққонийликни яхши кўраман.
17. Менинг қарашларим (ғоя) ўзгармас.
18. Баҳсда паст келмаслик учун баҳслашаман.
19. Қоида фойдали бўлсагина қоида бўла олади.
20. Одамлар ҳар қандай шароитда қоидаларга риоя қилишлари шарт.

Тест ишланмаси:

1. 4, 7, 10, 15, 16, 19 («Бола» БКО)
2. 5, 8, 11, 14, 17, 20 («Катта одам» ОБК)
3. 6, 9, 12, 15, 18, 21 («Ота-она» КБО)

Агар сизда БКО – илмий иш қилиш учун (Эйнштейн) шароит бор, лекин бу хусусият ҳамиша ҳам яхши эмас. Ишга халақит берса, ўз ҳиссиётингизни назоратга олинг. Боладек ташвишсиз хурсандлик ҳаммиша ҳам қўл келмайди.

Агар сизда ОБК бўлса, ҳаётингиз мураккаб бўлади, тўғри сўзли, кескинлик ҳаммиша ҳам ёқмайди. Сиз ўқитувчи бўла олмайсиз, ўйлаб кўринг, сиз одамлар билан ишлайсиз, машиналар билан эмас.

Агар сизда КБО бўлса, сиз жавобгарлик ҳисси билан яшайсиз. Бу сизга ҳаммиша қўл келади. Ижодкорсиз, жамоага кўшилиб кетасиз, мулоқотда яхшисиз.

Сизнинг ижодий психологик ёшингиз

Куйидаги саволларнинг жавоблардан биттасини танланг:

1. Ишга кечикияпсиз. Автобус тўхташ жойига яқинлашдингиз. Автобусингиз келиб қолди.

- а) чопаман;
- б) тезроқ юраман;
- в) олдингидан тезроқ юраман;
- г) Қандай бўлса шундай юраман;
- д) бошқаси келаяпти деб қарайман ва шунга қараб иш тутаман.

2. Модага муносабатингиз?

- а) эътибор бераман;
- б) ўзимга ёққанини танлайман;
- в) яхши қўрмайман;
- г) ёқмайди;
- д) кайфиятимга боғлиқ.

3. Бўш вақтимни...

- а) танишларим билан ўтказаман;
- б) телевизор кўраман;
- в) бадиий адабиёт ўқийман;
- г) кроссворд ечаман;
- д) нима бўлса шу.

4. Кўз олдингизда ҳақиқат бўлмади...

- а) ҳақиқатни рўёбга чиқараман;
- б) жабрланувчига ёрдам бераман;
- в) қонуний қилиб ҳақиқатни рўёбга чиқараман;
- г) нима ҳам қилиш мумкин;
- д) ўз фикримни айтмайман.

5. Замоनावий ёшларнинг куйидан...

- а) завқланаман;
- б) қониқиш ҳосил қиламан;
- в) уни сева олиш керак;
- г) шовқинни ёмон кўраман;
- д) кимгадир ёқар.

6. Дўстлар даврасидасиз, нима сизга муҳим?

- а) ўз қобилиятимни очиш;
- б) кимлигимни билдириш;
- в) ўзимни тўғри тутаман;
- г) ажралиб турмайман;
- д) уларга хос тутаман.

7. Қайси иш сизга кўпроқ ёқади?

- а) тасодифли, ғалати;
- б) ҳар хил (бир хил эмас);
- в) ўз тажриба ва билимимга лойиқ;
- г) қийин бўлмаган;
- д) кайфиятимга боғлиқ.

8. Қанчалик эҳтиёткорсиз?

- а) ўйламай иш бошлайман;
- б) олдин бошлайман, кейин ўйлайман;
- в) охирини ўйлаб иш кўраман;
- г) ютуқ бўладиган ишни яхши кўраман;
- д) кайфиятимга боғлиқ.

9. Одамларга ишонасизми?

- а) айримларга;
- б) кўпларга;
- в) кўпларга эмас;
- г) ҳеч кимга;
- д) кимгалигига боғлиқ.

10. Кайфиятингиз?

- а) оптимистман;
- б) камроқ оптимист;
- в) камроқ пессимист;
- г) пессимист;
- д) шароитга қараб.

Тест калити

$$T=(2a+1б+3в+4г+2д)=$$

Ҳосил бўлган сон сизнинг ижодий психологик ёшингиз.

Ёшингиз паспортга тенг бўлса яхши, кўп бўлса ёмон. Агар психологик ёшингиз кам бўлса, демак, сизда ҳали ижодий ишга имконият кўп. Агар психологик ёшингиз кўп бўлса, хафа бўлманг, уни яшартириш мумкин. Масалан: америқоликлар бир ҳафтага ўрмонга кета туриб бир кунлик овқат олар ва қолганини топишга интилар экан. Шу билан ўзини синаб кўрар, ижодий потенциаллини оширар экан. Одамлардаги ишончсизликни — алпинизмни йўқотар экан, чунки унда ҳар бир кишининг ёрдами ҳаётга тенг.

Агар психологик ёшингиз жуда кичик бўлса ҳам ёмон экан. Тезроқ катта бўлинг ва катталардек ўйлаб иш қилинг, лекин унутмангки, катта билан каттанинг фарқи бор.

Муסיқа орқали шахс психологиясига таъсир кўрсатиш

Таълим-тарбия жараёнининг кечиши ритмик шаклда бўлиб гоҳ гамгин, гоҳ хурсанд, гоҳ текис, гоҳ тартибсиз, гоҳида эса тинчлантирувчи хусусият кашф этади. Шундай экан таълим-тарбия жараёнига муסיқани киритиш чалғитувчи, дам олувчи, даволовчи, тинчлантирувчи хислат кашф этади. Муסיқадан фойдаланиш иш унумдорлигини, ижобий ҳиссиёт (кайфият)ни оширади. Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, ҳар бир машҳур муסיқа асарлари маълум ритмик асосда, математик логика асосида, паст, юқори, узун, қисқа ноталарда тузилганки, у одам психикасига таъсир кўрсатиб, уни ишдан чиқариши, касаллантириши ёки даволаши мумкин.

Айрим муסיқа асарлари одамни жонлантириб узоқ юришга марш чорласа, айримлари чарчоқни чиқаришга (мақом), айримлари эса жонлантирувчи (эстрада) хусусиятига эга. Бу билан муסיқа ҳаммиша ҳам бир хил таъсир қилади деган хулоса чиқариб бўлмайди, албатта.

Муסיқанинг таъсири шахс «кучли» ёки «кучсиз» эканлигига, муסיқа оҳанги «паст» ёки «юқори»лигига (децибал) ҳам боғлиқ. Шунинг учун муסיқа танлай билиш ҳам керак.

Муסיқа тинглаш орқали иш унумдорлигини ошириш қатнашувчиларнинг ёшига, қандай муסיқани ёқтиришларига ва қандай ишни (дарсни) бажараётганлигига ҳам боғлиқ. Муסיқа танлай билиш психологдан катта маҳорат талаб қилади. Шунинг учун муסיқа асарини танлаётганда мақсадга мувофиқ равишда танласа, иш унумдорлиги яхши бўлади.

Ҳордиқ чиқарувчи, жонлантирувчи, кайфиятни кўтарувчи, мускулларни жонлантирувчи (рақс билан) ва ҳоказо. Шарқ куйларини танлаб психологик таъсир кўрсатиш хонаси ёки мактаб радио узелидан фойдаланиб таълим-тарбия жараёнининг унумдорлигини ошириш, руҳий яхши кайфият ҳосил қилиш мумкин.

Дарслар тугагач ўқувчилар кайфиятини оширувчи муסיқа билан уйга жўнатиш ота-оналар билан болалар муносабатини яхшилаш, ўқув билим жараёнини яхшилаш олимларимиз томонидан тажрибалар асосида исботланганлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Аскарларимиз марш билан кўшиқ айтиб чарчамай анча йўл юради. «Ўткан кунларда» Отабек «Ўртар» ашуласи орқали қайғусини озгина бўлсада унутишга ҳаракат қилади ва ҳ.к.

6.7. Ўқитувчилар психик ҳолатини нейролингвистик дастурлаш орқали бошқариш

Ўқитувчиларнинг иши мавсумий бўлиб (сентябр – июн), ўзгармас, бир хилликдан иборатдир. Бошланишида унумдорлик кучли, лекин аста-секин ўқув йилининг охиригача пасайиб боради. Тадбиркор, ўз психологиясини билган киши ҳордиқ чиқариш, ишлаш, сеvimли иш билан шуғулланишни режа билан олиб боради. Шундай ишлардан бири сеvimли машғулот (хобби)дир. Лекин сеvimли машғулот турлари ёки кўп вақт талаб этади. Шундай машғулот ва машқлар борки, чарчоқни чиқариб, куч тўплабгина қолмай, кам вақт талаб этади.

1-машқ.

1. Ўзингизни яхши ҳис қиладиган 4–5 фаолият турини ёзинг.
2. Ҳар бир фаолият тури бўйича қуйидаги саволларга жавоб беринг:

а) бу фаолият бир киши билан бажариладими ёки кўп киши билан;

б) қаерда, қандай шароитда бажарилади, нима ёрдам беради-ю, нима халақит беради;

в) бу фаолият ташқи ёки ички диққатни талаб этади;

г) бу фаолиятда кўриш, эшитиш ёки кинестик (ҳис этиш, ҳалокат, нафас, юрак уриши ва ҳ.к.)дан қайси бири кўпроқ қўлланилади;

д) бу фаолият қанча вақт, маблағ ва харажатларни талаб этади;

е) ҳис қилиш органларидан қайси бири ҳордиқ олади;

ж) бу фаолият билан шуғулланиш учун одамлар билан қандай алоқадорлик зарур?

3. Саволларга жавоб бериб қайси фаолият сизга кўпроқ фойдали эканлигини ва қандай ҳордиқ чиқариш ва куч тўпланишини белгилаб олинг.

2-машқ.

1. Ўзингизга қулай бир хил вақтни (бир неча кун учун) белгилаб, 5–10 минут ажратинг.

2. Стол ёки стулни очиқ дераза ёки эшик олдида қўйиб яхшилаб жойлашиб олиб, чуқур-чуқур нафас олиб, мускулларингизни бўшаштиринг.

3. Ташқи таъсирни сезмаслик учун кўзингизни юмиб, ҳамма ҳид ва овозларни ҳис қилинг.

4. Фикр ва хаёлингизга нима келса, яхшилаб филътрланг ва сезинг.

5. Ўзингизга ҳисобот беринг ёки кундалигингизга ёзинг.

6. Шундай ҳолатни бир неча кун бажаринг.

3-машқ.

1. Бу машқни бажариш учун ўзингиз ёқтирган бирор кишини таклиф этинг.

2. Дўстингиздан истеъмом қиладиган, ҳароратли, ҳидли, таъмли ва ҳ.к. нарсалар тайёрлашни, лекин кўрсатмасликни илтимос қилинг.

3. Кўзингизни юмиб синаб кўринг, лекин сўзламай фақат товуш оҳанги билан айтинг.

4. Бу машқни навбат билан ролларни алмаштириб бажаринг.

4-машқ

1. Кўзингизни юмиб «кўр» бўлиб дўстингиз билан айланишга чиқинг.

2. «Тўсиқ»ларга дуч келинг ва уларни сезишга ҳаракат қилинг (иссиқ, совуқ, ҳид ва ҳ.к.).

5-машқ.

1. Қулай ҳолатда ўтириб чуқур-чуқур нафас олинг ва атрофни яхшилаб кузатинг.

2. Фикрингизни бир жойга тўплаб ўтирган жойингиздан бошқа жойга хаёлан ўтишга ҳаракат қилинг ва машқ жойи атрофида нималар борлигини ҳис қилинг.

3. Ўша жойда (янги жойда) ўзингизни қандай ҳис қилишингизни текширинг.

6-машқ.

1. Уйнинг (хонангизнинг) қайси жойи сизга (ноқулай) бўлса, ўша жойни топинг.

2. Ўша жойда туриб «у» билан курашинг ва енгишга ҳаракат қилинг.

3. Бу машқни бир неча марта бажариб ўша қилигингизни йўқотишга ҳаракат қилинг.

7-машқ.

1. Сизни қийнаётган фикрларни англанг ва шулардан бирини танланг.

2. Бу фикр хаёлингизга кўпроқ келадиган вақт ва жойни аниқланг.

3. Аниқ вақт ва жойдан ташқари вақт ва жойда уни ўйланг.

4. Сизни қийнаётган фикрни, кўпроқ унинг ёмонлик томонла-

рини кўпроқ ўйланг.


5. Чуқур-чуқур нафас олиб, кулги билан фикран миянгизга: «Қани бошладик, бугун биз янгича иш қиламиз, ўйлайманки сен менга ёрдам берасан», — деб бошланг.

6. Сеанс охирида: «Сен яхши ишладинг, раҳмат», — деб ўзингизга айтинг.

7. Шу машқни дўстингиз билан ҳам бажаришингиз мумкин.

6.8. Психогеометрик тест

Куйидаги берилган геометрик шакллардан бирини танланг ва уни сизнинг энг яхши кўрган шакл эканлигига ишонч ҳосил қилинг, қолганларидан эса 1, 2, 3, 4, 5 даражаларини танланг. Сиз танланган шакл бўйича ўзингизнинг характер сифатларингиз ва ўзингизни тутишингиз кераклигини билиб олинг.



Бу тест биринчи марта амриқолик Сьюзен Диленгир томонидан ишлаб чиқилган ва рус психологлари А.А. Алексеева, Л.А. Громова-лар томонидан қайта ишлаб чиқилган.

Тестнинг аниқлик даражаси 85–90% ни ташкил этади.

Ижобий хислатлар	Салбий хислатлар
	Квадрат
Диққат эътиборли, тартибли, меҳнатсевар ижодкор, бир қарорли, чидамли, тежамкор, дўстлари кам, лекин доимий ишни режа билан бажаради. Кийиниши қоида билан (оқ, қора), фикрлаш доираси кенг	Фантазияси кам, ўзини гапини ўтказувчи, қитмир, ўта эҳтиёткор ўзини ҳаммадан ақлли ҳисобловчи, ҳиссиёти кам, «қоғозбоз» жаҳилдор ва ҳ.к. Эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак
	Учбурчак
Мақсадга интилувчан, ҳаракатчан, ўзига ишонч кучли, меҳнаткаш ижодкор, раҳбар бўлса ғамхўр ва ишнинг яхши бўлиши учун курашувчи, чидамли	Ўзини севувчи, эгоист, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан қайтмайди, чидамсиз. Мақтаб туриб муносабат қилиш керак.

Тўғри тўртбурчак	
Ўзини изловчи шахс, ҳамма шаклдагидек бўлишга интилади	Ўзини изловчи шахс ўзини топишга ёрдам бериш керак
Айлана	
Гармоник (баркамоллик) шахс белгиси ўзаро муносабатнинг яхшиланиши учун курашувчи коммуникативлик кучли эмпатия кучли яхши психолог, ахлоқ нормасига қатъий риоя қилувчи	Меҳнатсевар эмас, тартибсиз, ғийбатчи, яхши муносабатда бўлсангиз ишни яхши олиб боради
Зигзаг	
Бошқаларга ўхшамайдиган шахс айланадагидек характерга эга. Интуиция кучли, ижодкор, ихтирочи илмий ходим. Тафаккури, нафосати кучли шахс таҳлилчи, ҳар хил ғоялар эгаси	Тартибни яхши кўрмайди (ишда), ўз ишини яхши билади ва бажаради. Ҳиссиёти ўта кучли (шунинг натижасида уришқоқ бўлиши мумкин). Эгоистлиги бор. Ўз ҳолига қўйсангиз ва тақдирлаб турсангиз жуда яхши ишлайди

VII БОБ. ҚИЗИҚАРЛИ ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР

7.1. «Норасолик комплекси» тести

Комплексларни биринчи бўлиб тавсифлаган ва таърифлаганлар — психоанализнинг «асосчи — оталар»идир. Бу ном билан улар тушунтириш қийин бўлган, импульсив хатти-ҳаракатларда намоён бўладиган ҳиссий тус олган эътиқод ва ҳаётий принципларни атаганлар. Бу комплекслар нормал ҳаётни қийинлаштиради, шахс ривожланиши имкониятини чеклайди ва хурсандчиликни ҳис қилишга халақит беради. Норасолик комплекси одамни бошқалардан ўзини паст ҳис қилишга мажбур этади, масалан, у ҳар қандай рақобатли кураш, имтиҳонлардан, касбий конкурслардан, бизнес ва шу сингарилардан воз кечиш сабаби бўлиши мумкин. Бу комплекс ўз устунликлари ва қобилиятларига ишонмасликдан келиб чиқади. «Синаб ҳам кўрмайман, барибир ютқазаман!» — бу комплексга эга бўлганлар ўзини шундай деб ишонтирадилар.

Комплекслар, одатда, ўз табиатига кўра ёки тарбия қаттиққўл ҳакамликка мойил одамларда ривожланади. Улар ўзларига шафқатсиз ҳукм чиқарадилар («бўйи паканалиги», «оёғи йўғонлиги» ва ҳ.к.лар учун), шунингдек, бошқаларни ҳам доимо танқид қиладилар. Психология нуқтаи назаридан у ёки бу ўз-ўзига баҳо бериш тўғридан-тўғри сизнинг атроф-оламга нисбатан баҳонгизга боғлиқдир.

Бу оламни севган кишигина ўзини ҳам севади. Демак, биз доимо бошқаларни танқид этсак, унда ўзимизга нисбатан ҳам кечиримсиз бўламиз. Кечиримсизлик одат тусига киради, кейинчалик эса комплексга айланади. Ҳеч кимнинг ҳар доим ўзидан кўнгли тўлмайди. Ҳар кимни нимадир кемиради. Ҳар кимнинг ўз комплекси бор. Биз ҳам нимагадир арзишига ишонч ҳосил қилиш учун ҳам доим ўзимизни ким биландир таққослаймиз.

Сизнинг аҳволингиз қандай? Буни билиш учун тест саволларига жавоб беринг.

Кўрсатма. Ҳар бир тасдиқни ўқинг, ўзингиз учун энг тўғри келадиган жавобни танланг, тасдиқ номерини ёзинг ва сиз танлаган жавоблар варианты учун белгиланган очкони ёзиб қўйинг (очколар миқдори жавоблар вариантнинг ёнида ёзиб қўйилган).

1. Менинг камчиликларим ҳаддан ташқари кўп: а) бу тўғри (0); б) бу менинг фикрим эмас (3); в) нотўғри (5).

2. Ҳаёт ажойиб! а) бу ҳақиқатдан ҳам шундай (5); б) бу жуда

умумлаштирилган хулоса (3); в) ҳеч ҳам ундай эмас (0).

3. Мен ўзимни керак эмасдек ҳис қиламан: а) тез-тез (0); б) вақти-вақти билан (3); в) камдан-кам (5).

4. Менинг хатти-ҳаракатларим атрофдагилар учун тушунарсиз: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) камдан-кам (5).

5. Менга, умидларни оқлаяпсиз, деб айтишади: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) камдан-кам (5).

6. Менда жуда кўп афзалликлар мавжуд: а) ҳа (5); б) ҳамма нарса шароитга боғлиқ (3); в) йўқ (0).

7. Мен пессимистман: а) ҳа (0); б) алоҳида ҳолларда (3); в) йўқ (5).

8. Ҳар бир фикрлайдиган одам сингари ўз хулқ-атворимни таҳлил қиламан: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) камдан-кам (5).

9. Одамлар мени тушунмайди: а) тез-тез (0); б) камдан-кам (3); в) ундай бўлмайди (5)

10. Ўзимни «ўз ўрнимда эмасдек» ҳис қиламан: а) камдан-кам (5); б) ҳамма нарса шароитга боғлиқ (3); в) жуда тез-тез (5).

11. Мен оптимистман а) ҳа (5); б) фақат алоҳида ҳолларда (3); в) йўқ (0).

12. Тўғри келган нарсага хурсанд бўлавериш бу: а) тентаклик (0); б) қийин дақиқаларни кечиришга ёрдашлашади (3); в) бу ўрганиш керак бўлган нарса (5).

13. Мен бошқаларникидек қобилиятларга эга бўлишни хоҳлардим: а) ҳа (0); б) вақти-вақти билан (3); в) йўқ, мен янада юқори-роқ қобилиятларга эгаман (5).

14. Ҳаёт бу қайғули нарса: а) умуман ҳа (0); б) бу тасдиқ жуда умумий (3); в) бу ундай эмас (5).

15. «Кулги — бу соғлиқ-саломатлик»: а) жуда соддалаштирилган тасдиқ (0); бу тўғрида қийин шароитларда эсга олиш керак (3); в) ҳеч ҳам ундай эмас (5).

16. Одамлар мени етарлича баҳоламайдилар: а) афсус, бу шундай (0); б) бу нарсага катта эътибор бермайман (3); в) ҳеч ҳам ундай эмас (5).

17. Бошқалар тўғрисида ҳаддан ташқари бераҳмларча фикр юритаман: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) камдан-кам (5).

18. Қатор омадсизликлардан кейин ҳар доим муваффақият келади: а) бу мўъжизага ишониш эканлигини билсамда, бунга ишонман (5); б) шундай ҳам бўлиши мумкин, лекин бунинг илмий исботи йўқ (3); в) бунга мен ишонмайман, чунки бу мўъжизага

ишонишдир (0).

19. Мен ўзимни тажовузкорона тутаман: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) камдан-кам (5).

20. Яккаланиб қоламан: а) жуда камдан-кам (5); б) баъзида(3); в) ҳаддан ташқари тез-тез (0).

21. Одамлар бировга яхшиликни раво кўрмайдилар: а) кўпчилиги (0); б) баъзилари (3); в) ҳеч ҳам ундай эмас (5).

22. Одам ўзи жуда хоҳлаган нарсасига эришиши мумкинлигига ишонмайман: а) чунки бунга эришган одам борлигини билмайман (0); б) баъзида бунга эришилади (3); в) бу ундай эмас, мен ишонаман (5).

23. Ҳаёт менинг олдимга қўйган талаблар менинг имкомиятларимдан юқор бўлади: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) камдан-кам (5).

24. Ҳар бир одам ўзининг ташқи кўринишидан кўнгли тўлмаса керак: а) ҳа, деб ўйлайман (0); б) баъзида бўлса керак (3); в) мен ундай деб ўйламайман (5).

25. Мен нимадир қилаётган ёки гапираётган вақтимда одамлар мени тушунмайдиган ҳоллар бўлиб туради: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) жуда камдан-кам (5).

26. Мен одамларни яхши кўраман: а) ҳа (5); б) бу фикр жуда умумий (3); в) йўқ (0).

27. Мен қобилиятларимга ишонмайдиган ҳоллар ҳам бўлиб туради: а) тез-тез (0); б) баъзида (3); в) камдан-кам (5).

28. Менинг ўзимдан кўнглим тўқ: а) тез-тез (5); б) баъзида (3); в) камдан-кам (0).

29. Бошқаларга нисбатан ўзимга кўпроқ, танқидий муносабатда бўлиш керак деб ҳисоблайман: а) ҳа (0); б) билмайман (3); в) йўқ (5).

30. Ўз ҳаётини режаларимни амалга оширишимга кучим етишига ишонаман а) ҳа (5); б) бу турлича бўлади (3); в) йўқ (0).

Тест натижалари

Диққат: Агар сиз қуйидаги жуфтликлар: 3 ва 19, 9 ва 25, 10 ва 23, 12 ва 22 да бир хил миқдорда очколар (масалан, 0 ва 0, 3 ва 3, 5 ва 5) олмаган бўлсангиз, демак, сиз тўплаган умумий натижангизни тасодифий, нотўғри деб ҳисоблаш мумкин.

0–40 очко. Афсуски, Сиз комплекслисиз. Ўзингиз тўғрингизда салбий категориялар билан фикр юритасиз, ўзингизнинг заифлик-

ларингизга, камчилигингизга, хатоларингизга «ёпишиб» қолгансиз. Доимий равишда ўзингиз билан курашасиз, бу эса ҳам сизнинг комплексларингизни, ҳам шароитдан ўзини чуқурлаштиради, одамлар билан бўлган муносабатларингизни янада мураккаблаштиради. Ўзингиз тўғрингизда бошқачароқ ўйлаб кўринг: ўзингизда мавжуд бўлган кучли, илиқ, яхши ва хурсандчилик ҳолатларга эътиборингизни қаратинг. Кўрасизки, жуда тез кунда Сизнинг ўзингизга ва атроф-оламга бўлган муносабтингиз ўзгаради. Сиз шу нарсага амин бўласизки, одамлар сизга яхши муносабатда бўла бошлайдилар. Сиз ўзингиз ҳам, атрофингиздаги одамлар ҳам яхши, меҳрибон бўлганини ҳис қиласиз. Одамларга ҳам, ўзингизга ҳам табассум қилинг.

41–80 очко. Сизда ўз комплексларингизни яхши уддалаш учун барча имкониятлар мавжуд. Умуман бу комплекслар сизга яшашингиз учун унчалик халақит бермайди. Вақти-вақти билан сиз ўзингизни, ўз хатти-ҳаракатингизни таҳлил қилишдан қўрқасиз. Шуни эсда тутинг: бошни қумга тиқиб яшириниш умуман самарасиз иш, у ҳеч яхшиликка олиб келмайди, фақат қисқа вақтга шароитни енгиллаштиради, холос. Ўзингиздан қочиб кетолмайсиз, бардам бўлинг. Ҳар қандай муаммоларни бартараф этишга кучингиз етади.

81–130 очко. Ҳар қандай нормал одам сингари сиз ҳам комплекслардан холи эмассиз, лекин ўз муаммоларингизни моҳирлик билан бартараф эта оласиз. Ўз хулқ-атворингизни ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини объектив баҳолайсиз. Ўз тақдирингизни ўз қўлингизда ушлайсиз. Давраларда ўзингизни енгил ва эркин ҳис қиласиз, одамлар ҳам сизнинг даврангизда ўзларини худди шундай енгил ҳис қиладилар. Маслаҳатимиз: шундай бўлинг.

130–151 очко. Сиз ўзингизда умуман комплекс йўқ деб ўйлайсиз, ўзингизни алдаманг, бундай бўлиш умуман мумкин эмас. Сиз ўйлаб топган дунёнгиз ва ўзингизнинг образингиз ҳақиқатдан узоқ. Ўз-ўзини алдаш ва ўз-ўзига юқори баҳо хавфсиз нарса эмас. Ўзингизга ён тарафдан қарашга ҳаракат қилинг. Комплекслар шунинг учун ҳам берилганки, ё уларнинг уддасидан чиқиш керак, ёки уларни севиб қолиш керак. Сизнинг ундай қилишга ҳам, бундай қилишга ҳам қурбингиз етади. Акс ҳолда, ўз-ўзингизни яхши кўриш комплексингиз манманликка, димоғдорликка ўсиб ўтади, атрофдаги одамларнинг сизга нисбатан нафратини юзага келтиради, сизнинг ҳаётингизни сезиларли даражада бузади.

7.2. Балки ноёб одамдирсиз?

1. Севганингиз учрашувга кеч қолди ёки бутунлай келмади.

- а) қадрини оширмоқчи деб ўйлайман;
- б) тинчликмикан деб ўйлайман;
- в) «мен ҳам кейинги сафар бир болайман», деб фикрини қўяман.

2. Узоқ йиллардан буён кўришмай кетган танишингиз сизга сим қоқди.

- а) бирор юмуши чиқиб қолгандир деб ўйлайман;
- б) хурсанд бўламан;
- в) тинчликмикин, ўзимдан хижолат бўлиб, ҳол-аҳвол сўрайман.

3. Сизнинг фикрингизни инкор қилишди.

- а) исботлаб бераман;
- б) ўз фикрини исботлаб беришини сўрайман;
- в) шундай қиламанки, гапирганига пушаймон ейди.

4. Сиз шундай бир юмушни бажарсангиз, обрўйингизга путур етади-ю, аммо бировнинг иши битади.

- а) бажармайман;
- б) бажараман, лекин ўзига ҳам тушунтираман;
- в) агар унга жуда зарур бўлса бажараман.

5. Мактабдаги партадош дўстингиз ёки курсдошингизга у ўзи ёзмаса ҳам хат ёзасизми?

- а) ҳа, албатта;
- б) йўқ, паст кетмайман;
- в) ўзи ёзса ёзаман.

6. Айтайлик, сиз сотувчисиз. Харидорнинг пули камлик қилди. Унга ён боссангиз, сиз фойда ҳам кўрмайсиз, зарар ҳам.

- а) бериб юбораман «абарот учун»;
- б) шу 5–10 сўмни деб ўтирибмизку, келиноий, — дейман;
- в) бўлиб туради, хижолатли ҳол, бериб юбораман.

7. Вақтингиз жуда унчалик бемалол эмас, анчадан буён кўрмаётган сергапроқ танишингизни учратиб қолдингиз.

- а) вақтим тифиз эди, деб узр сўрайман;
- б) у билан бирга ўтириб ҳол-аҳвол сўрайман;
- в) вақтимни қизганиман-у, ўлганимнинг кунидан гаплашаман.

Т/р	А	Б	В
1.	1	2	0
2.	0	1	2
3.	1	2	0
4.	1	0	2
5.	2	0	1
6.	1	0	2
7.	1	2	0

Балларингизни ҳисобланг ва текширинг. Марҳамат, жавобларингиз натижаси:

9 баллгача: Сизга айтсам, пул қўлнинг кири, дўстларингиз қадрига етинг, улар ғанимат, умр ўткинчи. Сиз яна ўта манмансиз. Сизга маслаҳатимиз гуруҳ билан «манман»ликни аралаштириб юборманг. Камтарлик ва мағрурлик нақадар олижаноб хислатдир.

10 баллдан 13 баллгача. Сизнинг қўнглингиз тоза ҳеч кимга ёмонлик истамайсиз. Лекин яхшиликни ҳам ўйлаб қиласиз. Сиз кўпроқ «Ҳисобли дўст айрилмас», деган мақолга амал қиласиз. Дўстларингиз ҳам шунга яраша. Сиз атрофингиздагиларни камдан-кам хафа қиласиз, ўзингиз ҳам бировлардан камдан-кам ҳолларда хафа бўласиз, бу яшашнинг энг осон йўли.

14 баллдан 16 баллгача. Сиз табиат инъом этган ноёб хислат соҳиб(а)исиз. Ўзгалар дардини ўзиникидай қабул қила оладиган ва бу йўлда ўз манфаатларидан воз кеча оладиган одамсиз. Қадрингизга етадиган, сизни ҳурмат қиладиган дўстларингиз оз бўлсада, улар садоқатли, сизнинг яхшиликларингизни суиистеъмол қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин улардан хафа бўлиш сизга ёт хусусият, тўғрими? Балиқ билмаса холиқ биладику-а?! Киройи дўстинг бўлса, шундай бўлса...

7.3. Ўртоқ топиш осонми?

Кўпчилик инсонлар ўзларининг дўст топишлари учун қандай имкониятга эга эканликларини билмайдилар. Албатта, дўст топиш унинг ҳақиқий дўстлиги ёки шунчаки ўртоқ эканлигини ажратиш мушкул иш. Қуйидаги тестда сизнинг дўст, ўртоқ топиш имкониятларингизни синовчи тестлар берилган. Берилган тест саволларидан кейин қавс ичида иккита рақам берилган. Бу рақамни биринчиси «ҳа» деб берилган жавобга тегишли, иккинчиси эса «йўқ» жавобига тегишли. Масалан, биринчи саволга «йўқ» деб жавоб берсангиз, демак, сиз 10 балл олган бўласиз.

1.	Сени бирор марта дўстинг алдаганми?	0	10
2.	Сен ўзингни одамларни яхши биладиган деб ҳисоблайсанми?	10	0
3.	Сенга сайр қилиш ёқадими?	0	10
4.	Сен кўпчиликни ёқтирасанми?	10	0
5.	Сен маҳаллангдигилардан ҳаммасини танийсанми?	10	0
6.	Ҳайвонлар одамларнинг яхши дўстими?	0	10
7.	Қийинчиликда, оғир шароитда дўстинг ҳам ташлаб кетади деб ишонсанми	0	10
8.	Дўстликдан фойда йўқ	0	10
9.	Дўстдан кўп нарсани талаб қилиш керак	10	0
10.	Қанча дўстинг кўп бўлса шунча яхши	0	10

Агар йиққан сонларингиз 30 дан ошмаса, сизга дўст орттириш жуда қийинчилик билан кечади. Сабаби, сиз яхши дўст бўла олмаслигингизда эмас, балки сиз яхши дўст топишга ишонмаслигингизда. Одамларга кўпроқ ишонинг.

Йирилган сонлар 31 дан 60 гача бўлса, сиз одамларни биласиз ва уларнинг ҳурматини қозона оласиз. Сиз суянишингиз мумкин бўлган дўстингиз бор ва шу билан бирга ўзингиз ҳам уларни алдаб қўймайсиз.

61 дан юқори сонлар йиғиндис. Дўстлар сиз учун муаммо эмас. Дўстларингиз жуда кўп, сиз уларни тез ўзгартирасиз. Лекин сиз уларни жуда осонлик билан йўқотасиз. Фаразанд, ҳақиқий дўстга эришишингиз қийин.

7.4. Сиз ўз болангизга қандай муносабатдасиз

Ҳар бир инсон ўз болаларининг келажаги ҳақида доим қайғуради. Болалар билан қандай муносабат ўрнатиш, уларни қандай тарбиялаш ҳақида бош қотиради. Қуйида сизнинг болаларингиз билан қандай муносабатга эга эканлигингизга баҳо берувчи тест берилган. Унга жавоб бериш орқали ўзингиз ва болаларингиз ўртасидаги муносабатга тегишли бўлган маълумотлар оласиз.

1. Эрталаб болангизнинг кийинишига ёрдам берасизми?
2. Сиз уни яхши кийинтиришга интиласизми?
3. Йўлни кесиб ўтаётганда сиз унинг қўлини ушлаб оласизми?
4. «Ўсиб отангдек бўласан», деб кўп айтасизми?
5. Тенгдошлари орасида, улардан яхши бўлиш кераклигини ишонтириб айтасизми?

6. Фарзандингиз олдида ўқитувчилар, тарбиячилари ҳақида ёмон фикрларни айтасизми?

7. Болалар ўртасидаги жанжал ёки келишмовчиликларга аралашасизми?

8. У билан бўлган мулоқотда сиз «бизнинг давримизда бундай бўлган эди» каби сўзларни айтасизми?

9. Сиз ундан ким билан ўртоқ ва нима билан машғуллигини, ҳар доим айтишини талаб қиласизми?

10. Бошқа ота-оналардан норози бўла туриб сиз болангизга меҳмонга бормасдан, уларни ўз уйига таклиф қилишни тавсия қиласизми?

Саволларга жавоблар «ҳа», «йўқ», «гоҳида» тарзида бўлса, ҳар бир «ҳа»га 3 балл, «йўқ»га 1 балл, «гоҳида»га 2 балл берилади.

10 дан 15 баллгача – Сизга маълумки, болани ман қилишлар орқали ёки ҳар доим ёнини олиш, панд-насихатлар билан тарбиялаб бўлмайди. Сиз болангизнинг катта бўлаётганини тўғри тушунасиз, унга мустақил бўлишга ёрдам берасиз, сизга бўлган ишончини йўқотмаслигини хоҳлайсиз.

16 дан 23 баллгача – Сиз қизингиз ва ўғлингизни ҳаётдаги ўз йўлини мустақил топишга йўл қўймайсиз, уларни сизнинг фикрингизга қаршилик қилишга ҳам йўл қўймайсиз. Бу сизнинг фикрингизча оғир даҳмаза. Ўқитувчилар билан сизнинг фикрингиз ҳар доим мос тушавермайди, шунинг учун улар билан ўзаро мулоқот қила олмайсиз. Сизнинг болангиз улғаётганлигига, уни сизга боғлиқлиги камаяётганлигига кўника олмайсиз ва бунга ишонгингиз келмайди. Унга озгина эркинлик беринг, бу унга ҳам, сизга ҳам жуда керак.

24 баллдан 30 баллгача – Сиз болангизнинг ўқитувчилари билан ҳам, унинг ўртоқлари билан ҳам яхши муносабат ўрната олмадингиз. Бунинг сабаби сизнинг болангизга жуда ҳам қаттиқ ёпишиб олганингиздир. Сиз фақат унинг учун яшаяпсиз. Ҳаётингизнинг маъноси фақат фарзандингиз бахтини ёритишда деб биласиз. Бу болани тарбиялашнинг тўғри йўли эмас, чунки болани тўғри тарбиялаш учун оилада тўғри муносабатлар ўрнатилган бўлиши керак. Сиз ўз тарбия методингиздан тезда воз кечишингиз ва боланинг эркин нафас олиши учун имконият яратишингиз керак. Тез орада бунинг натижасини кўрасиз, болангиз анча бошқача бўлиб қолади, сизнинг эса бўш вақтингиз кўпаяди.

7.5. Сизнинг болаларингиз билан муносабатингиз қандай?

1. Оилангизда болалар билан ўзаро тушуниш бор деб ҳисоблай-сизми?
2. Болалар сиз билан «қалб»дан гаплашадими, «шахсий ишлар»и бўйича маслаҳатлашадими?
3. Улар сизнинг ишингиз билан қизиқадими?
4. Сиз болаларингизнинг ўртоқларини биласизми?
5. Фарзандларингизнинг ўртоқлари сизникида бўлиб туришади-ми?
6. Болалар сиз билан бирга хўжалик ишларида иштирок этади-ми?
7. Сиз уларни қандай ўқишини текшириб турасизми?
8. Сизнинг улар билан биргаликда банд бўладиган умумий маш-гулотингиз борми?
9. Болалар сиз билан байрамларга тайёргарликда биргаликда иш-тирок қиладиларми?
10. Болалар байрамларида улар сиз билан биргаликда бўлишни хоҳлайдиларми ёки аксинча, катталарни иштирокисиз бўлишини истайдиларми?
11. Сиз болалар билан ўқилган китобни муҳокама қиласизми?
12. Телевизордаги фильмларни-чи?
13. Сиз улар билан театрларда, музейларда, концертларда бўла-сизми?
14. Болалар билан бирга сайилларда бўласизми?
15. Болаларингиз билан биргаликда таътилингизни ўтказишни хоҳлайсизми ёки йўқми?

Тасдиқловчи жавобга «2» балл, агар «гоҳида», «айрим пайтларда» жавоби бўлса «1» балл. Агар жавоби «йўқ» бўлса «0» балл.

Агар сиз 20 ва ундан ортиқ йиққан бўлсангиз сизнинг болангиз билан муносабатингиз муваффақиятлидир. Агар 10 дан 20 баллгача бўлса, у хилда қониқарли. Лекин сиз ўзингизнинг ишларингизни ҳар тарафлама ўйлаб кўришингиз керак. Агар 10 дан кам бўлса сиз дарров ўзингизнинг болангиз билан муносабатингизни яхши йўлга солиш томонлари ҳақида ўйлаб кўринг.

7.6. Сиз яхши раҳбармисиз?

Сиз жамоанинг сардори бўла оласизми, одамларни бошқара ола-сизми? Бунинг учун қайси сифатларга эга бўлиш керак? Бошқача

қилиб айтганда, сизнинг бошқарувчилик имкониятларингиз қандай? Қуйидаги саволларга «ха» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Турли маъмурий ва бошқарув йўллари орқали олган барча ахборотни хизматчиларингизга беришга интиласизми?

2. Ҳар бир хизматчига унинг меҳнати натижаларини корхона ёки тармоқнинг режаларига мувофиқ рағбатлантирганингизни тушунтирасизми?

3. Ўзингизга ва қўл остингиздагиларга ишларни режалаштириш учун вақт қолдирасизми?

4. Давр талабларига мос келувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш режангиз борми?

5. Жуда бўлмаганда бир йиллик ўз-ўзини такомиллаштириш иш режангиз борми?

6. Махсус адабиётларни мунтазам равишда ўқийсизми?

7. Ўз мутахассилингиз бўйича етарли ҳажмда шахсий кутубхонангиз борми?

8. Ўз соғлигингиз ва иш қобилиятингиз ҳақида қайғурасизми?

9. Мураккаб, лекин қизиқарли ишни бажаришни ёқтирасизми?

10. Қўл остингиздагилар билан уларнинг ишини яхшилаш ҳақидаги суҳбатларингиз самара берадими?

11. Ишга қабул қилинаётган мутахассиснинг қайси сифатлари биринчи навбатда эътиборга олиниши кераклигини биласизми?

12. Қўл остингиздагиларнинг муаммолари, савол ва имкониятлари билан жон-дилингиз билан шуғулланасизми?

13. Қўл остингиздагилар билан маълум оралиқ сақлайсизми?

14. Ҳамкасбларингизга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўласизми?

15. Ўзингизга ишонасизми?

16. Ўзингизнинг кучли ва заиф томонларингизни биласизми?

17. Бошқарувга доир қарорлар қабул қилишга сиз одатда ижодий ёндашасизми?

18. Атрофингиздаги кишилар билан ҳамкорлик қилишга интиласизми?

19. Ҳамкасбларингиз билан қисқа, аниқ ва мулойим сўзлаша оласизми?

20. У ёки бу қарорни қабул қилишингизнинг сабабларини доимо тушунтириб бера оласизми?

21. Қўл остингиздагилар сизга ишонадиларми?

22. Бирор ишни бажариш мақсади, муддати, усулларини муҳо-

кама қилиш учун шу ишнинг барча иштирокчиларини жалб қиласизми?

23. Ҳамкасбларингизнинг ташаббусини рағбатлантирасизми, таклиф ва мулоҳазалар киритишларини сўрайсизми?

24. Ўзингиз мулоқотда бўладиган барча кишиларнинг исмини биласизми?

25. Белгиланган мақсадга эришишдан ижрочиларга эркинлик берасизми?

26. Топширигингиз бажарилиш жараёнини назорат қиласизми?

27. Қўл остингиздагиларга фақат улар сўрагандагина ёрдам берасизми?

28. Ҳар қайси яхши бажарилган иш учун қўл остингиздагиларга минатдорчилик билдирасизми?

29. Кишилардаги яхши сифатларни пайқашга интиласизми?

30. Ҳар бир хизматчининг имкониятларидан самарали фойдаланиш усулларини биласизми?

31. Қўл остингиздагиларнинг қизиқиш ва интилишларини биласизми?

32. Ўзганинг гапини диққат билан тинглай оласизми?

33. Бирор хизматчига ҳамкасблари олдида миннатдорчилик билдира оласизми?

34. Қўл остингиздагиларни якка ҳолатда танқид қиласизми?

35. Юқоридаги раҳбарларга ахборот берганингизда жамоангизнинг яхши ишини таъкидлайсизми?

36. Қўл остингиздагиларга ишонасизми?

37. Ўз касбингизда янги ютуқларни қўллашга интиласизми?

38. Махсус курс ва семинарларда мунтазам равишда малакани ошириб турасизми?

39. Хулқ-атворингизда ва одамлар билан муносабатда етарлича мослашувчанмисиз?

40. Бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун раҳбарлик услубингизнинг ўзгаришига тайёрмисиз?

Ҳар бир «ҳа» жавоб – 1 балл, «йўқ» – 0 балл. Саволлар самарали раҳбарлик усулининг мезони бўлганлиги сабабли 40 та саволга «ҳа» жавоби – энг мукамал (идеал) вариант ҳисобланади ва юқори бошқарув имкониятини билдиради. Агар саволларга чин юракдан жавоб берган бўлсангиз, бу идеалга эришиб бўлмайди. Нечта ва қайси саволларга «йўқ» деб жавоб берганингизни аниқлаш жуда муҳим. Чунки улар заиф томонларини кўрсатади. «Ҳа» ва «йўқ» жа-

вобларининг қандай муносабати энг оптимал ҳисобланади. Бу сиз ўзингизга қандай талаблар қўйишингизга боғлиқ. 33 тадан ортиқча савол «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, бу сизнинг яхши раҳбарлик имкониятларингиздан дарак беради.

7.7. Ўз ҳаётингизнинг капитанимисиз?

Қуйидаги ўн беш фикрга «ҳа», «йўқ», «билмайман» деб жавоб беринг:

1. Ҳаётимда бўладиган ҳамма воқеаларга жавобгарлик билан қарайман.

2. Агар айрим одамлар менга бўлган муносабатини ўзгартирса, шунча муаммо бўлмасди деб ўйлайман.

3. Муваффақиятсизлигим сабаби ҳақида ўйлайман, тузатишга ҳаракат қиламан.

4. Менинг фикримча бахтсиз бўлиб туғилганман.

5. Ичувчиларнинг ўзи бунга сабабчи деб ҳисоблайман.

6. Ҳаётимнинг шундай бўлишига менга таъсир кўрсатган одамлар сабабчи деб ҳисоблайман.

7. Шамолласам ўзим даволанаман, врачга мурожаат қилмайман.

8. Аёлларнинг кўполлиги ва тезлигига бошқа одамлар гуноҳкор деб ҳисоблайман.

9. Ҳар қандай муаммони ечиш мумкин, муаммоси кўп одамларга ҳайронман.

10. Мен одамларга ёрдам бераман, чунки бошқалар менга ёрдам беради.

11. Агар кўнгилисиз воқеа юз берса гуноҳкорни излашни ўзимдан бошлайман.

12. Агар йўлимни қора мушук кесиб ўтса, бошқа йўлдан юраман.

13. Ҳар қандай шароитда ҳам одам кучли ва мустақил бўлиши керак деб ҳисоблайман.

14. Ўзимнинг камчиликларимни биламан, лекин одамлар мени тушунишларини истайман.

15. Бирор воқеа юз берса тан оламан, тузатишга қодир эмасман. Жавоб баллари қуйидагича:

1, 3, 5, 7, 9, 11, 13 – саволларнинг «ҳа» жавоби учун 10 балл.

2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, 15 – саволларнинг «йўқ» жавоби учун ҳам 10 балл, «билмайман» жавоблари учун эса 5 балл қўйилади.

Жавобларга тўпланган балларнинг изоҳи:

100–150 гача – Сиз ҳаётингиз Капитанисиз, ҳамма ишда жавобгарликни сезасиз, қийинчиликларни енга оласиз. Келажак учун курашасиз.

55–99 гача – Сиз бошқарувчи бўлишингиз мумкин, лекин ишончли кишига топширишингиз ҳам мумкин. Хатони вақтида тuzатасиз, ўзингизга ишонч билан яшайсиз. Одамлар билан келишиб кетасиз.

0–49 гача – Сиз кўпинча ўз ҳаётингизнинг Капитани эмассиз, йўловчисисиз, ўз хатонгизга ҳаммани гуноҳкор ҳисоблайсиз, фақат ўзингизни эмас.

7.8. «Ўзингни англа» (Икки киши қайиқда)

Сув тошқини натижасида кимсасиз оролга қуйидагилар келиб қолди:

- қари олим; – ёш бола;
- ҳамшира; – археолог-талаба.

Кўп ўйламасдан жавоб берингчи: Шулардан қайси икки кишини биринчи бўлиб, қутқарар эдингиз? Қайиқда фақат иккита бўш ўрин бор.

Агар Сиз...

1. Қари олим ва болани танласангиз сиз пишиқ, оддий ҳиссиётли, ҳаётда мустақил, ўз ўрнингизни биласиз. Ишда ва ҳаётда ўйлаб иш қиласиз, шунинг учун яхши яшайсиз.

2. Бола ва ҳамширани танласангиз сизнинг характерингиз жуда мураккаб бўлиб, айрим вақт бўшанглик қиласиз, лекин иродангиз кучли бўлиб, одамларга ва ўзингизга ўта талабчансиз. Ўз имкониятингиздан яхши фойдалана олмайсиз, қатъиятлилик етишмайди.

3. Агар бола ва талабани танласангиз сиз қатъиятли одамсиз. Ўзгаларга ҳомийлик қилишни яхши кўрасиз. Ўз ишингиздан мамнунсиз. Дўстлик ва давраларни яхши кўрасиз. Ёлғончиларни, алдоқчиларни ёмон кўрасиз.

4. Агар қари олим ва ҳамширани биринчи бўлиб қутқарсангиз, сиз мулойим, артистлик қобилияти бор одам бўлиб, ҳимояга, маслаҳатга, қариндош-уруғлар меҳрига муҳтож одамсиз.

5. Қари олим ва талабани танласангиз ҳаракатчан, чаққон характерли бўлиб, доим изланувчан, ташкилотчи бўлганингиз учун сиз билан яшаш жуда қийин.

6. Талаба ва ҳамширани танлаган бўлсангиз сизда артистлик хусусияти бўлиб, талант сизда кучли, лекин иродангиз бўш, инжиқ, еттинчи қаватда сузиб юрасиз.

7.9. Ранглар тафсилоти

Одамларнинг психологияси билан шуғулланувчи олимларнинг фикрича одамларнинг қайси рангни севишларига қараб, уларнинг ким эканлигини, қандай характерга эга эканлигини айтиб бериш мумкин.

Яшил ранг. Бу рангни сеувчилар жуда ҳиссиётли, дидли, нозик табиатли, яхши кўрувчи, эркинликни сеувчи, иш бобида вафодор ва ишончга лойиқ кишилардир.

Қизил ранг. Бу рангни сеувчилар қизиққон, ҳаракатчан, тезда бир қарорга келувчи, жаҳли тез, ҳар бир ишга аразлаб, можаро чиқаришни яхши кўрувчи кишилардир.

Сариқ ранг. Бу рангни ёқтирган одамлар тушунган, равшан фикрли кишилардир. Улар хаёлга берилувчан, меланхолик, вафодор, ҳасадчи, афсонага айланиш даражасида севишга қодир, уришқоқ бўладилар.

Кўк ранг. Бу рангни ёқтирувчилар ички оламдан кўра ташқи гўзалликни сеувчилар бўладилар. Улар ақлли, хушфёъл, бир сўзли, ишқда вафодордирлар.

Бинафша ранг. Бу рангни ёқтирувчилар иззатталаб, ҳаммадан кучли бўлишни истовчи, мижози доим ўзгариб турувчи, ҳаёти доимо ғалаёндан иборат бўлган одамлардир.

Оқ ранг. Бу рангни сеувчилар покиза, маъсум кишилардир. Бошқаларга нисбатан мулойим, совуққон, ҳиссиёти эса камроқ бўлади.

Қора ранг. Бу ранг бадбин ва низоталаб кишиларнинг севган рангидир. Бундай кишилар кам кулади, ҳамиша тунд бўлиб юради, ишқ бобида беқарордирлар.

7.10. Ёзув орқали шахснинг ўзига хослигини аниқлаш усули

Тегишли адабиётлардан бизга маълум бўлган ушбу усулни қўллашда ўқувчининг ҳар кунлик ёзадиган дафтаридан эмас, балки ўрганилаётган ўқувчига алоҳида вақт (10–15 дақиқа) ажратиб, шу вақтдаги ёзган ёзувидангина фойдаланиш талаб қилинади. Усулни татбиқ этишда қуйидаги етти бўлимга ва улар учун ажратилган

шартли балларга риоя қилиш зарур.

Усулни қўллаш тартиби:

Т/р	Шартли белгилар	Балл
Ҳарф ҳажми		
1.	Жуда кичик	3
2.	Кичик	7
3.	Ўртача	17
4.	Катта	20
Ҳарфнинг қиялиги		
1.	Чап томонга бутунлай қия	2
2.	Чап томонга бироз қия	4
3.	Ўнг томонга бутунлай қия	6
4.	Ўнг томонга бироз қия	14
5.	Тик ёзув	16
Ҳарфнинг кўриниши		
1.	Юмалоқ	9
2.	Маълум кўринишсиз	10
3.	Қия	19
Дастхат йўналиши		
1.	Ёзув юқорига «ўрмалайди»	16
2.	Ёзув тўғри	12
3.	Ёзув пастга «ўрмалайди»	1
Ёзувда қўл кучининг ишлатилиши		
1.	Енгил куч билан ёзиш	8
2.	Ўрта куч ишлатиш	15
3.	Ҳарфларни кучли босим билан ёзиш	21
Ҳарфларнинг боғланиши		
1.	Ҳарфлар бир-бири билан боғланган	11
2.	Ҳарфлар боғланмаган	18
3.	Ҳарфлар гоҳ боғланган, гоҳ боғланмаган	15
Умумий баҳо		
1.	Ҳарфлар тартибли жойлашган	13
2.	Баъзи ҳарфлар аниқ, баъзилари ноаниқ ёзилган	9
3.	Ҳарфлар тартибсиз, ёзуви эса тушунарсиз	4

Натижалар ишланмаси: агар ўқувчи 51–58 балл тўплаган бўлса, унинг соғлиги заиф, характери эса меланхолик типга яқинроқ.

59–63 балгача кам ҳаракат, журъатсиз, индамас, характерида эса флегматик темперамент элементлари кўпроқ учрайди.

64–75 балл юмшоқ, баъзан ўта ишонувчан, ғурури ва эътиқоди кучли.

76–87 балл ниҳоятда очиқ кўнгил, яхши таъсуротларга бой, истараси иссиқ, одамлар билан муомаласи яхши, ўзига хос ҳурмат эътиборга эга.

88–98 балл аниқ ва пухта иш юрита олувчи, кучли ва барқарор, ташаббускор, муаммоларни қатъий ва оқилона ҳал қила олувчи.

99–109 балл эгоистик характер кўпроқ учрайди. Баъзан бетгачопар, баъзан енгилтак. Одатда бировнинг фикрлари билан ҳисоблашмайди, тез ранжийди, бировни тез хафа қилиши ҳам мумкин, ҳамма дўстлари билан бир хил муомалада бўлмайди, майда гап, сержаҳл. Лекин бундай кишилар орасида жуда иқтидорли ва ижодий ишга қобилияти юксак кишилар кўпроқ учрайди.

110–120 балл бундай дастхат масъулиятсиз, қўпол, баландпарвоз, ўта гурурли кишиларда учрайди.

7.11. Туғилган санага мос характер хусусиятлари

Қуйидаги саналарда туғилган бўлсангиз:

1. Бу куни туғилганларнинг хотираси пастроқ бўлиб, айрим воқеаларни унутиб қўяди. Турмуш қуришда доимо бахти юришавермайди. Агар турмуш ўртоғи маҳкам турмаса уйи бузилиб кетса ҳам парвойига келмайди.

2. Бу куни туғилганлар кўнглига яқин одами билан руҳан яқинлашишга мойил бўлади. Жисман яқинликни кўпам тан олавермайдилар. Севгига ақл билан ёндашадилар. Ўзига руҳан яқинлар билан турмуш қуришни хоҳлайдилар.

3. Бу кун туғилганлар ўзларининг шиддаткорликлари билан ажралиб турадилар. Кўнгилхушлик жону дили, нафсини қондирмагунча тинчимайдилар. Доимо ўзларини бошқалардан бир поғона юқори тутиб юрадилар.

4. Бу кунда туғилганлар бошқалар билан муносабатда қийналишади, шунингдек, улар билан ҳам олди берди қилиш қийин. Интим муносабатда жуда суст. Тушкунликка берилувчан, ўзига содиқ одамни қўллаб туришга доимо муҳтож ва қизганчиқ бўлишади. Унақалар билан яшаш учун сабр-бардошли бўлиш керак.

5. Шу куни туғилганлар пулни жуда яхши кўришади. Ўзларига бино қўйган бўладилар. Ўзларига унча қарамасаларда, пул топиб бойиш пайида бўладилар.

6. Олтинчи куни туғилганлар ҳиссиётли, хаёлпараст, ўз эътиқодларига содиқ бўладилар. Интим муносабатларга берилганроқ,

кўпинча бу нарсани ўз ҳиссиётлари билан уйғунлаштириб юборадилар.

7. Шу кун туғилганлар билан эҳтиёткорроқ бўлиш зарур, чунки уларнинг фикри тез-тез ўзгариб туради, бир жойда туролмайдилар, доим яхши шерик ахтариб юрадилар, шунинг учун ҳам икки-уч бор ёстиқдошларини алмаштиришга ҳам тўғри келади.

8. Саккизинчи кун туғилганлар ҳиссиётли, ўз дўсталарига содиқ бўладилар. Лекин уларни кўпинча энг ишонганлари ҳам «сотади». Уларни тушуниш ва севиш мураккаб бўлиб, агар улар севсалар қаттиқ севадилар.

9. Бу одамлар интим муносабатларига жуда ўч, лекин хоҳишини баён қилишга ожиз бўладилар. Тўққизинчида туғилганлар камдан-кам севиб қоладилар, аммо севсалар бир умрга вафодор бўладилар. Улар бир марта хато қиладилар. Ўзларига мос кишилар билан тез киришиб кетадилар.

10. Бу кун жуда яхши ва бахтли кун. Шу кун туғилганлар ҳам ўзига ўхшаган қобилиятли шерик излайдилар. Улар билан келишиш осон.

11. Бу кун туғилганларнинг кўнгли очиқ ва садоқатли бўладилар. Сотқинлик ва мағлубиятни кўтара олмайдилар. Улар мустақилликка интиладилар, лекин мустақил яшашга қодир эмаслар. Уларнинг ҳаёти доимо курашдан иборат.

12. Улар билан яшаш осон, кўнгли очиқ, ўзларига ўхшаганларни излаб юрадилар, юмшоқ характерли, уларга қаттиқ гапириб иш битқазиб бўлмайди. Уларга муҳаббат билан юмшоқ сўзлар муомала қилиб кўп нарсага эришиш мумкин.

13. Улар ҳиссиётида қийинчиликлар бор. Бунақа одамлар ички томондан доимо бирортасини қўллашига муҳтож. Улар билан доим бирга яшаш жуда қийин.

14. Бу кун туғилганларга шерик бўлиш учун бой бўлиш керак. Муносабати совуқ. Уларни севиб қолиш ҳам мушкул, лекин ўзига тортадиган оҳанрабои бор.

15. Ойнинг 15 ида туғилганлар хаёлпараст, сал нарсага ловиллаб ёнади, шундай тез «ўчади». Яхши таъминланган пулдор одамлар билан тез чиқишиб кетади. Агар уни ёстиқдоши тушунса оиласи мустаҳкам бўлади.

16. Бу кун туғилганлар кимгадир қаттиқ боғланиб қолиш хусусиятига эга. Лекин бир киши билан кўпроқ бўлиш ҳам жонига тегади. Турмушнинг турли томонларини тотиб кўришга ишқибоз. Иш-

кий муносабатда эҳтиросга эга, лекин кўнгли бўш.

17. Ҳиссёти кайфиятига қараб ўзгариб туради. Агар шериги унга панд берса алоқани бутунлай узади. Турмуши камдан-кам бузилади. Жинсий алоқага жуда ишқибоз, бу борада чеклашларни ёқтирмайди.

18. Жуда эҳтиросли бўлсаларда ўзларидаги мойилликни айтишга уялади. Бунинг учун ўзларини койиб юрадилар. Юмшоқ муомала-ли, жуда кам жанжаллашади.

19. Бу куни туғилганлар «ўзимники тўғри» дейдиган, чўрткесар, бошқалар унинг учун хизмат қилишни хоҳлайдиган феълга эга. Бирор масалани кўпчилик билан ҳал этишни ёқтирмайди, ёлғиз ўзи ҳал қилишни ёқтиради.

20. Бу куни туғилганлар руҳлар дунёси билан яшайди. Шунинг учун ҳам севган кишиси шундай бўлишини хоҳлайди.

21. Бу куни туғилганлар ҳам руҳан, ҳам жисмонан яқинликка мойил бўлади. Интим муносабатларда «шериги»нинг кўнглига қараб ҳаракат қилади.

22. Бу куни туғилганларнинг ҳиссиётлари кучли эмас. Агар севиб қолсалар бир умр вафодор бўладилар. Қизганчиқ, кўнгли ярим кишилар. Аразчан, уларни доим қўллаб туриш керак.

23. Шеригига ўз тазйиқни ўтказишни ёқтирадиган, эҳтиросли ва унга бўйсунувчан шерик топмоқчи. Агар шундай шерик топса, турмуши яхши бўлади.

24. Жисмонан заиф, орзулар дунёсида яшайди. Эҳтирос билан севади, ҳар хил иш бажаришни яхши кўради.

25. Шу куни туғилганлар кўпроқ моддий томондан таъминланган одамлар билан бирга бўлишни ёқтирадилар. Интим муносабатда айтганини қилдирадиганларни ёқтиради.

26. Жуда сезгир бўладилар, руҳан яқинликка муҳтож, жисмоний яқинликдан иккиланадилар, севган кишилари учун қурбон бўлишга ҳам тайёр, кўнгилчанлигидан фойдаланиб туришади, лекин қатъиятли.

27. Ўзгарувчан, пулга ёки нарсага ўч бўлганлиги учун ҳам оғмачи, ўзига ўхшаганларни яхши кўради, кўп киши билан келишиб кетади, ақлли, кучли характерга эга.

28. Чин юракдан шеригига садоқатли, камтар, руҳан яқинликка мойил, юмшоқ, шериги билан келишмаса воз кечиши осон. Улар билан турмуш қурса бахтли бўладилар.

29. Бу куни туғилганлар ўзига ёққанларни мақташни хуш кўради.

Жинсий мойилликка ўч бўлсада, ўз хоҳишини баён қилишга ожиз. Уни баъзида кимдир йўналтириб туриши керак. Бу куни туғилганлар ўзгарувчан бўладилар.

30. Улар ўз ҳукмини ўтказишни яхши кўришади. Шунинг учун уларга юмшоқ сўз, ён берувчи шерик зарур бўлади. Ўзига ёққан нарсанинг орқасидан қувиб юради ва унга эришмагунча қўймайди, интим алоқаларга кучли эҳтирос соҳиби бўлиб, «шериги» унинг йўлига қандай юрганини ҳам сезмай қолади. Ўзига бўйсунувчилар билан кўпроқ алоқада бўлишни ёқтирадилар.

31. Садоқатли ва кўнгли тоза, севгига содиқ бўладилар. Интим яқинликка оддий жисмоний ҳолат деб қарайдилар. Бу борада кўнгли тўлмаса жуда жаҳддор ва инжиқ бўлиб қоладилар. Характерлари жуда оғир, бунақа одамларни уларнинг кўнглига қараб яшайдиган одамларгина бахтли қила оладилар.

VIII БОБ. ШАХС, МУҲАББАТ ВА ТУРМУШ

8.1. Муҳаббат психологияси

Севги... Висол... Оила...

Бу атамалар қатида қанча сиру синоат, қанча севинчу шодлик, қанча ғаму андуҳ барқарор. Бу туйғулар ҳар бир қалбда ўз шаклу шамойилига эга.

Улар қанчалик эски бўлмасин, ҳар бир инсон, ҳар бир юрак бу туйғуларни қайтадан бошлайди.

Дунёда ҳеч бир шоир, ёзувчи, файласуф йўқ-ки ўз ижодий фаолиятида одамзоднинг оддий «оқ-қорадан» иборат кунларини камалак рангларига бўяш қудратга эга муҳаббат ҳақида сўз айтмаган бўлсин. Лекин шуниси ҳам борки муҳаббат соҳасида ягона илмий таъриф қабул қилинмаган. Бадиий жиҳатдан чиройли, фан нуқтаи назаридан объектив таъриф кўпроқ қадимги ҳинд асарларида берилган. «Шафтоли шохлари» китобида ёзилишича: «Ақл майли ҳурматни, қалб майли дўстликни, тана майли хоҳишни туғдиради».

Ўзга замонда ва ўзга юртда яшаган Вольтер фикрича «Севги-муҳаббат бу — ақл, танага бир вақтнинг ўзида ҳужум қиладиган энг кучли завқли ҳис-туйғулардир». Бу борада буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг муҳаббат ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. У муҳаббатни касаллик сифатида талқин этади ва «даволаш» чораларини ҳам кўрсатиб ўтади. Энг яхши даво бу — ҳиссиётни бошдан кечираётган икки қалбни бирлаштиришдир. Аммо маълум сабабларга кўра, яъни диний, саломатлик, ёш, ижтимоий келиб чиқиши ва ўзга тўсиқларга кўра қалбларни бирлаштириш имкони бўлмаса, Ибн Сино уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турлича даво чораларини тавсия этган. Улуғ ҳақимнинг муҳаббат борасидаги кўрсатмаларининг ижобий томони, аввало икки қалбни бирлаштириш зарурлиги ҳақидаги тавсияси бўлса, иккинчи томондан муҳаббатни «даволаш»да шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишдир.

Муҳаббат ҳислари қайси ёшда ва қандай ҳолда пайдо бўлади? Инсонда илк севги ҳислари ҳали гўдак пайтларидаёқ уйғониши мумкин. Аммо бу ҳали тўлақонли муҳаббат эмас, болалик давридан севги ҳисларида психологик компонент устунлик қилади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, баъзи болаларда эрта сезилиб қоладиган жинсий алоқага мойиллик кўпинча уйдаги нотўғри тарбиядан, носог-

лом муҳитдан, аниқроғи, катгаларнинг «бепарда» муносабатларидан келиб чиқади. Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади», деган гапни бекорга айтмаган-да. Болалар муҳаббатнинг дастлабки идеалларини она, яхши кўрган тарбиячилари, ниҳоятда яқин бўлган аёл ёки эркак образларида кўрадилар. Яъни муҳаббат асосида оила қурган келинларга синчиклаб разм солсангиз, албатта қайнона билан ўхшаш томонларини ҳис қиласиз.

Бу ўхшашлик тасодифий эмас, балки ўғлининг эрта ёшлигида шаклланган муҳаббат образига онанинг баъзи элементлари киритилишидир. Айрим текширишларга кўра қайнона келинга қанчалик ўхшаш бўлса, келин-куёв орасидаги низолар ҳам шунчалик кам бўлар, никоҳ шунчалик тургун бўлар экан. Мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болаларда муҳаббат ҳислари бирмунча фарқ қилади. Ўспиринлик ёшидаги қиз болаларда психологик компонент устунлик қилса, ўғил болаларда ҳиссиётнинг икки объектга бўлиниши кузатилади. Яъни улар муҳаббат ҳисларини битта қизга нисбатан бошдан кечирган ҳолда жинсий интилишни катта ёшдаги аёлларга нисбатан ҳис этадилар. Қизларда бундай ҳол деярли кузатилмайди. Бу фақат ўғил болаларга хосдир. 16–25 ёш босқичида муҳаббат объектини топишга бўлган эҳтиёж кескин ошади. Танлаш чегараси пасаяди, табиий эҳтиёж кучаяди. Севиш ва севилишга бўлган эҳтиёж интилиш натижасида ёшлар оила қуришади, баъзилар эса ажралишга ҳам улгуришади.

25 ёшдан кейин қизларнинг оила қуриш имкониятлари камайиб боради. Қизларда бўлғуси куёвларга нисбатан талабчанлик ошиб, танқидий қараш кучаяди, танлаш мезонлари кўпаяди. Бундай психологик ўзгаришлар йигитларда ҳам кузатилади, аммо қизлардан фарқли равишда уларни оила қуриш, уйланиш имкониятлари камаяди, бир қисмида эса бундай имкониятлар ошади ҳам, чунки бу ёшда улар янада юқорироқ социал мавқени эгаллайдилар. Муҳаббатнинг эркакларда ва аёлларда ўзига хос жинсий хусусиятлари барқарор. Бинобарин, эркак кишиларда доимо жинсий майл устунлик қилади. Шу сабабли ҳам уларнинг ҳиссиётида жинсий интилиш, жинсий ҳаёт ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Эркак кишилар муҳаббат объектини кўпроқ кўриш асосида идрок қиладилар. Улар учун муҳаббат объектининг ташқи кўриниши муҳим. Албатта аёллар ҳам эркакларнинг қадди-қомати, дид билан кийинишига ва бошқа хусусиятларига аҳамият беради. Аммо шу билан бирга аёлларнинг эркаклардан фарқ қилувчи томонларидан бири эшитиш

идрокининг устуворлигидир. Улар, айниқса, эркаклар томонидан айтилган ижобий баҳолар, мақтовларга ниҳоятда сезгирдирлар. Йигитлар қизларни баҳолашда кўпроқ уларнинг эстетик жиҳатларига таянсалар, қизлар эса йигитларни баҳолашда кўпроқ уларнинг ақлий, шахсий сифатларини назарда тутадилар. Бу жинсий тафовутлар муҳаббат туғилишида ўз аксини топади.

Муҳаббат турли шаклларда пайдо бўлиши мумкин. Баъзилар бир кўришда севиб қоладилар (бундай муҳаббатнинг аксарияти узоққа чўзилмайди), бошқа бировларда эса севги-муҳаббат узоқ муддат бирга ишлаш, ўқиш мобайнида юзага келади (буларнинг аксарият қисми ҳақиқий, бир умрга татийдиган, оилавий бахт келтирадиган муҳаббат бўлади). Баъзиларда муҳаббат оила қургандан сўнг, бирга яшаш мобайнида юзага келади. Бу кўпинча совчилар орқали юзага келган оилаларда кузатилади. Муҳаббат ҳиссиётнинг бир формаси, холос. У психологик қонуниятларга қатъий бўйсунди. Оилавий турмуш нуқтаи назаридан никоҳнинг турғунлигига бевосита таъсир қилувчи бир қонуният устида батафсил тўхталиб ўтиш лозим. У ҳам бўлса, муҳаббат босқичлари ва муҳаббат ҳисларининг тараққиётидир. Яъни муҳаббат ҳисси конкрет бир шахсда зарурий равишда уч босқични босиб ўтади:

1. Бошланғич босқич.
2. Алангаланган босқич.
3. Ўзаро ҳурмат босқичи.

Биринчи босқич ҳақиқий, кучли, тўлақонли, истиқболи порлоқ, узоқ умрли соф муҳаббатнинг бошланиш босқичи ёки шунчаки қизиқиш, ҳавасдан юзага келган, умри қисқа севгининг оқибати, микроварианти бўлиши мумкин. Ёшларимиз учун энг ҳаваслиси – муҳаббат динамикасини билмаслик, иккинчи босқичдан учинчи босқичга ўтишнинг нотўғри талқин этилиши ва янглиш хулоса чиқаришлардир.

Биринчи босқичнинг ўзини учга бўлиш мумкин: йигит қизни (қиз йигитни) кўрганда қалбда севги учқунининг пайдо бўлиши кузатилиши; дунёқарашлар бирлиги; оилавий турмуш ҳақидаги тасаввурларнинг тўғри келишини аниқлаш.

Юқоридагилардан дастлабки иккисининг мавжудлиги муҳаббатнинг биринчи босқичидан иккинчисига ўтиши учун асос бўлади. Биринчи севиш босқичининг муҳаббатнинг алангаланган босқичдан фарқи – иккинчи босқичда альтруизм хислатлари юзага келади, яъни муҳаббат объектининг манфаатлари ўз манфаатларидан

устун бўлади, муҳаббат ҳисларини бошдан кечираётган шахс ўзини муҳаббат объектига бағишлайди.

Биринчи босқичдан ўтгандагина уни ҳақиқий муҳаббат деб аташ мумкин. Биринчи босқич кўп кишиларда кузатилади ва иккинчи босқичга ўтмасдан келиб кетиши мумкин. Бу муҳаббат эмас, балки шунчаки эстетик дидимизга бирмунча тўғи келадиган эстетик ва жинсий эҳтиёжларимизни қондириш (жинсий алоқада бўлиш шарт эмас) мумкин бўлган қарама-қарши жинс вакилининг маълум вақтдаги идроки натижасида юзага келадиган ҳиссиётлардир. Иккинчи босқичдан биринчи босқичга қайтилмайди. Ундан фақат учинчи босқич (ўзаро ҳурмат)га ўтиш мумкин, холос. Демак, фақат биринчи босқичгина қайтиш характериға эға, иккинчи босқичдан бошлаб ҳиссиёт қайтмаслик характериғини касб этади.

Қизлар ҳиссиётида психологик компонент йигитларға нисбатан устун бўлганлиғи сабабли ва оилавий ҳаёт билан оилавий бахтнинг улар ҳаётида муҳим ўрин эгаллагани сабабли альтруизмнинг кучлироқ ифодаланишини назарда тутиб, уларда бу босқич тезроқ ўтилса керак, деб тахмин қилинади.

Кўп ҳолларда қизлар йигитлар томонидан алданиб, болали бўлиб қолишлари, йигитлар эса ўзға қизлар билан кетиб қолишлари мумкин. Бу каби мисоллар қизларда муҳаббатнинг биринчи босқичи нисбатан тез ўтишидан далолат беради. Қизларда иккинчи босқич нисбатан давомлироқ бўлади. Буни қуйидағи бир неча мисоллар билан тушунтириши мумкин:

– қизларда психологик компонентнинг физиологик компонентға нисбатан устунлиғи, жинсий ҳаётнинг ва у билан боғлиқ бўлган ҳиссиётнинг аксарият ҳолда иккинчи босқичда бошланиши;

– йигитлар ҳиссиётида физиологик компонент устунлик қилганлиғи сабабли психологик тўйиниш тезроқ бўлади, чунки психологик компонент миқдорининг ўзи кам бўлади;

– жинсий ҳаёт ва у билан боғлиқ бўлган ҳислар йигитлар учун никоҳ қургандан сўнг катта янгилик эмас, қизлар учун эса системали жинсий ҳаёт натижасида илғари маълум бўлмаган организм ҳисларининг тушунилиши, бу ҳисларнинг системали равишда бошдан кечирилиши оилавий ҳаётнинг аҳамиятини янада оширади, муҳаббат объектиға бўлган ижобий ҳисларни, севги-муҳаббат ҳисларини янада рағбатлантиради. Юқоридағилар ҳисобига қизларда иккинчи босқичнинг «умри» узаяди.

Учинчи босқич сўнғи босқич бўлиб, унинг давомлилиғи бир

неча ойдан бир неча ўн йилларга тенг бўлиши мумкин. Умуман, муҳаббатнинг умри ҳиссиётнинг кучи билан эмас, балки севги ва севилган қайлиқлар шахсининг теранлиги, мазмунан бойлиги, бурч ҳисларининг етарли шаклланганлиги, ички маданияти, маънавий қиёфаси, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларининг мазмунига боғлиқ.

Маълум вақт айрилиқда яшаганда оилавий ҳаётдаги майда-чуйда нарсалар аҳамияти кескин пасайиб, икки қалб орасидаги севги-муҳаббат ҳисларининг янада ўткирлашишига, кучайишига олиб келади. Баъзан унинг акси бўлади: кундалик оилавий ҳаётида эр-хотиннинг ўзаро доимий интенсиф алоқада бўлишлари бир-биридан руҳан «тўйиб» қолишига олиб келади. Бундан ташқари, турли оилавий майда-чуйда нарсалар ҳаётнинг маълум қисмини кўмиб ташлаб, унинг активлигини, кучини сусайтиради. Шу сабабли тўйгача ниҳоятда хушхулқ, дидли кийинишга, ўзига қараб юришга, ўз хулқ-атворининг фақат яхши томонларини кўрсатишга ҳаракат қилган йигит ва қиз никоҳдан сўнг маълум муддат ўтгач кескин ўзгарадилар, ўзларига қарамай қўядилар, ўзларини табиатан қандай бўлсалар, шундоғича (ҳатто бу кирдикор ўзларига яқин кишига озор берсада) кўрсатадилар. Бундай ҳолат уларнинг бир-биридан ҳиссий тўйинишини янада тезлаштиради ва учинчи босқичнинг ҳолатига олиб келиши мумкин. Ҳаётда асралмаган ҳеч бир нарса узоқ яшамайди. Шу жумладан қалбдаги муҳаббат ҳислари ҳам етарли равишда эъзозни, ардоқни, қадрига етишни талаб қилади. Баъзилар ўз ҳаётларида бир марта ҳам тўлақонли муҳаббатни бошдан кечирмай ўтсалар, баъзилар бир неча бор муҳаббатни ҳис этишлари, яъни бир неча кишини севишлари мумкин. Муҳаббат 17 ёшда ҳам, 77 ёшда ҳам қайта-қайта содир бўлиши мумкин. Муҳаббатни бошдан кечираётган кишининг ёши қанча катта бўлса, у шу қадар бу ҳисларнинг қадрига етади.

Психологларнинг текширишларича, байналмилал оилалар бир миллатдан ташкил топган оилаларга нисбатан турғун бўларкан. Улардаги никоҳдан қониқиш ҳам нисбатан юқорироқ бўлади. Аммо менинг фикримча бу кўрсаткичлар бевосита оиланинг байналмилаллигидан келиб чиқмайди. Бу оилалар турғунлигининг асл сабаби улар орасидаги кучли муҳаббат ҳисларидир. Агар бундай ҳислар бўлмаганда, улар миллий тўсиқлар (яқин қариндошлари, ота-оналарининг қийинлик билан розилик бериши)ни енгиб ўта олмаган ва оила қурмаган бўлар эдилар. Шу билан бирга, яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим, ажралиш арафасида турган ёки ажралишга ҳам

улгурган кўпгина байналмилал оилаларнинг оилавий низолари турли миллат вакилларидан иборат бўлганликлари учун эмас, балки конфликт бўлган вақтда уларнинг низолари сабабини миллий тафовутдан қидиришлари ва психологик нотўғри талқин этишларидандир. Хулоса қилиб айтганда, муҳаббат ҳисларининг умрбоқийлиги миллий тафовутда эмас, балки шахс сифатларига боғлиқ.

Улар орасидаги муносабат асосини севги-муҳаббат ташкил этган бўлса, ёш тафовути у даражада аҳамиятга эга эмас. Бунда асосий ролни муносабатларни озиқлантириб турувчи сабаб-оқибатлар мазмуни белгилайди. Масалан, ёши 50 дан ошган киши ўзидан 20 йил ёшроқ жувонни яхши кўриб қолади. Аммо аёлни муҳаббат эмас, балки бу эркакнинг жамиятда тутган ўрни, обрўи, турар жойи, маданий савияси қизиқтириши мумкин. Баъзан шундай аёллар умрларининг охиригача «севган ёр» ролини ўйнайдилар. Бундай муҳаббат турининг умри ниҳоятда қисқа бўлади. Умуман, психологларнинг қайд этишларича, оиланинг турғунлиги учун, никоҳнинг мустаҳкамлиги учун эркак кишининг ёши аёл кишига нисбатан каттароқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу йигитлар ва қизларнинг психологик етилиши, ҳаётий етилиши орасидаги тафовут билан боғлиқ. Чунки 17 яшар қиз учун ўзининг эркак тенгдоши кўп ҳолларда бола сифатида идрок этилади.

Оилавий бахт бирмунча кенг тушунча бўлиб, уни ҳаётбахш ҳислар билан суғориб турувчи булоқ фақат эр-хотин муносабатлари билан чекланмайди. Бу билан эр-хотин орасидаги муносабатларнинг аҳамиятини пасайтирмоқчи эмасмиз. Энг асосий ролни асосан ана шу муносабатлар ўйнашини ҳеч ким инкор эта олмайди. Эр-хотин муносабатларидан, улар орасидаги муҳаббат ҳисларидан ташқари шундай кучли, ҳатто эр-хотин муҳаббатидан ўтадиган ва умрбоқий бўлган ҳислар борки, бу — оналик, оталик ҳисларидир.

Эр-хотин орасидаги муҳаббат бўлмаса ҳам, бу ҳислар туфайли оилавий бахт сурурини тоттиш мумкин. Ўзбек оилаларининг 60 фоизидан ортиғи совчилар орқали юзага келади. Ҳаммасида ҳам муҳаббат туғилавермайди, аммо шулардан талайгина қисми ўзларини оилада бахтли ҳис этадилар.

Агар шу саволга бериладиган илмий психологик жавобни ёшларимиз етарли билганларида ва ундан самарали фойдаланганида эди, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳозир ажралаётган оилаларнинг учдан икки қисмини сақлаб қолиш (фақат расмий равишда сақлаб қолиш эмас, балки уларни бахтли қилиш) мумкин бўлар эди.

Муҳаббатнинг дастлабки босқичларида севилган ёрга фақат ижобий кўз билан қаралади. Алангаланган босқичда бундай баҳолаш ниҳоятда кучли ифодаланади. Ўзаро ҳурмат босқичида ҳам икки дил бундан самарали фойдаланишлари зарур. Аммо баъзи эр-хотинлар (кўпинча аёлларда учрайди) муҳаббатнинг учинчи босқичига ўтганда ўзга эр ва хотинларга ҳавас билан қарайдилар, ўз эрларига уларни намуна қилиб кўрсатадилар.

8.2. Рақамлар тилга кўчганда. Уйингизнинг рақамини айтсангиз

Айрим мутахассисларнинг айтишига қараганда, инсон ўз уйи рақами орқали келажагини билиб олиши мумкин экан...

– Сиз истиқомат қилаётган уй рақами нафақат ўзингиз ҳақингизда маълумот беради, балки ўзингизни тутишингиз ва қилаётган ишларингизга ҳам таъсир кўрсатади, – дейди француз нумерологи Сандра Балиери.

Бўлмаган гап, чўпчак, дерсиз? Ҳаммаси ҳам сиз ўйлаганчалик эмас... Келинг, Балиери хонимни яна тинглаб кўрайлик.

– Шундай қилиб, уйингиз рақами остига нима яшириниб ётганини билиш учун барча рақамларни жамлаш керак. Дейлик, сиз, 67-сонли уйда истиқомат қиласиз. $6+7=13$, кейин $1+3=4$. Демак, 4 рақами нимани билдиришини қараб кўриш лозим. Қуйига назар солинг.

1 рақами. Бу сизнинг олдингизга қўйган мақсадга эришишга қодир, иродали ва қатъиятлилигингиздан далолат. Бундай рақамли уйда яшаб, омад сари етаклайдиган кучга эга бўласиз.

2 рақами. Кувонч, ҳаёт, муҳаббат ва маънавий етукликка лим-мо-лим уй... Айниқса, бундай уйга ёш оила кўчиб кирса, улар бутун умр ажралмайдиган жуптликка айланади. Аммо атрофингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга жуда енгил, бирор қарама-қаршиликсиз муносабатда бўлинг. Йўқса, турмуш тарзини чигаллаштириб, уйдаги руҳият билан зиддиятга киришиб кетишингиз мумкин.

3 рақами. Бундай рақамли уйда яшовчиларда кўпроқ ижод, яратувчанлик, артистлик маҳорати ва ихтирочиликни ривожлантиришга мойиллик кучли.

4 рақами. Оила қурмоқчи ёки фарзанд кўрмоқчи бўлсангиз, жуда сизбоп уй-да! Бахтли ва сеvimли бўласиз!

5 рақами. Агар оилада етакчи бўлсангиз ва масъулият ҳисси жуда баланд бўлса, бу уй айнан сиз учун. Тўғри, кутилмаган воқеалар ва жадал ўзгаришлар ҳам етарли бўлади. Бироқ табиатан авантюрачилар (ҳаққоний куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмасдан, таваккалига иш бошловчи киши) учун энг асосийси, бу уйда яшаш эмас, балки унга қайтиш ҳисобланади.

6 рақами. Сиз уйда ўтиришни яхши кўрадиганлар хилидансиз. Оилавий хотиржамликни ёқтирасиз, турмуш ўртоғингизга ва фарзандларга ҳурматингиз, меҳрингиз жуда баланд. Бундай кишилар ҳамиша ёрдамга тайёр бўладилар. Турли хайрия тadbирларида иштирок этишни яхши кўрадилар...

Шундай рақамли уйда яшовчилар табиатан етакчи эмаслар. Кўпроқ иккинчи даражали ролларда ўзларини намоён қиладилар. Бироқ жамоа билан ишлаш уларнинг жону дили.

7 рақами. Агар тижорат билан шуғулланишни истаб қолган бўлсангиз, бундай рақамли уй сизга тўғри келади. Уй ўзидан чиқараётган ижобий қувват билан ҳар бир ишни бошлашда сизга ёрдам беради.

8 рақами. Пулли уй! Молиявий ишларда омадингиз чопишига ёрдам бериши тайин.

9 рақами. Диққат! Бундай рақамли уй ҳам ижобий, ҳам салбий қувват кесишган жойда жойлашган. Агар келажакка ишонувчи ва ҳаракатчан бўлсангиз, ҳаммаси жойида. Мабодо меланхолик (доим гамгин, дилгир одам) бўлсангиз, бундай рақамли уй сиз учун эмас. Бундай уй сал бўшанглик ва арзимас хатони ҳам «кечирмайди».

8.3. Қон гуруҳингизни биласизми?

Кўпчилик инсонларнинг феъл-атвори қон гуруҳига боғлиқ. Бизлар кўпинча ўзимиз билмаган ҳолда қон гуруҳини суриштирамиз. Сўнгра шунга қараб маълум тасаввурга эга бўламиз. Лекин бу усул Японияда сал бошқачароқ экан. Яъни кунчиқар юрт фуқаролари бирор инсоннинг характери, хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотларни унинг қон гуруҳига қараб аниқлайдилар. Аниқроқ айтадиган бўлсак, японлар фикрича кишининг қон гуруҳи унинг шахсияти, психологияси ҳақида барча маълумотларни беради. Бу борада ўтказилган текширув хулосаларига назар ташлайдиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам япон тadbирчилари адашмаганлигига амин бўламиз. Шунга кўра қуйидаги қон гуруҳларига хос хусусиятлар келтирилган жумлаларни сизга ҳавола этишни лозим топдик. Ўқинг, уни ўзингизда синаб кўринг!

I гуруҳ. Ушбу гуруҳ соҳиблари ҳамиша олға интилади. Олдилари-га қўйган мақсадга эришмагунча қўймайди. Нима иш қилиш кераклигини олдиндан белгилаб олиши ва ўз куч-салоҳиятига астойдил ишониши уларнинг ютуғи, албатта. Лекин жуда ҳам рашкчи, эҳтиросларга бой ва сал қизғанчиқ ҳамда касалликка осон енгилиши эҳтиёткор бўлишни талаб этади.

II гуруҳ. Осойишта муҳит, хотиржамликни севиш, ўзлари ҳам жуда вазмин эканлиги билан бу тоифа кишилари дарров кўзга ташланади. Атрофдагилар билан тез ва осон чиқишиб кетиши, таъсирчан, сабр-тоқатли эканликлари уларнинг асосий характерли жиҳатларидир. Аммо қайсарлик улардаги салбий характер ҳисобланади.

III гуруҳ. Кўпинча улар жуда ҳам хушчақчақ, шўх-шодон юришади. Аммо бу вазминлик сизга бегона дегани эмас. Одатда, атрофдагилар уни ҳурмат қилишади, чунки бундай гуруҳ соҳиби бўлганлар билан бирга қолганларга зерикиш ҳисси бегона. Яна бир ютуқли томони шароитга тез мослашиши. Лекин баъзан ҳаддан ташқари эркинлик муаммолар туғдириши мумкин. Ҳечқиси йўқ. Бўйдоқ бўлсангиз кечиривади.

IV гуруҳ. Жуда ҳам хотиржам ва вазминлик доимий қуроли ҳисобланса ажаб эмас. Дўсту биродарлари уни ҳамма вақт ҳурмат қилишади ва ардоқлашади. Атрофидаги ҳар бир ҳодисага нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлиш, баъзан қўпол ҳаракатлари туфайли кимнидир ранжитиб қўйиши ҳеч гап эмас. Одатда, уларнинг бир қарорга келиши анча қийин.

8.4. Одамнинг биологик соати

Тунги соат 1. Аксарият кишиларнинг ухлаганига уч соатча бўлди. Энди уйқунинг енгил босқичи бошланган ва одам осонгина уйғониши мумкин. Худди мана шу пайтда беморларда оғриқ сезгиси айниқса кучаяди.

Тунги соат 2. Танамиздаги деярли барча аъзолар (жигардан бошқа) меъёрида ишлайди. Жигар мана шу осойишталик вақтини организм учун зарур бўлган моддаларни самаралироқ ҳазм қилишга сарфлайди. У энг аввало заҳарли моддалар билан олишади. Агар бу вақтда ухламаган бўлсангиз кофе, чой, спиртли ичимлик ича кўрманг.

Тунги соат 3. Танангиз дам оляпти, жисмонан мутлақ заифлашгансиз. Агар уйқу қочса, бўшашманг, аксинча, тугалланмаган бирор ишингиз бўлса, буткул берилиб шуғулланинг. Бу вақтда қон

босими пастлашган, томир уриши ва нафас олиш жуда ҳам осойишта бўлади.

Тунги соат 4. Босим ҳали ҳам паст. Миянинг қон билан таъминланиши ниҳоятда сусаяди. Аъзойи баданда бўшашиш бўлсада, салгина шовқиндан уйғониб кетамиз.

Эрта тонг, соат 5. Буйрак осуда ишламоқда, ҳеч нарса ажратиб чиқармайди. Енгил уйқу ва туш кўриш, шунингдек, туш кўрилмаган чуқур уйқу босқичлари ҳам тугади. Шу пайт уйғонган одам дарҳол ўзини бардам ва тетик ҳис этади.

Эрталаб соат 6. Қон босими кўтарилади, юрак тез ура бошлайди. Венадаги қон оқими тезлашади.

Эрталаб соат 7. Одам танасининг микроб ва захарига нисбатан ҳимоявий кучи ортган бўлади.

Эрталабки соат 8. Бадан яхши дам олди, жигар танамизни турли захарли моддалардан бутунлай тозалайди. Бу пайтда спиртли ичимлик ичиш мумкин эмас, чунки у жигарга жабр бўлади.

Эрталабки соат 9. Руҳий фаоллик ортади, оғриққа нисбатан сезгирлик камаяди. Юрак бор қуввати билан ишлайди.

Кундузи соат 10. Фаоллик ортади. Мана шундай ғайрат тушликкача сақланиб туради, ҳар қандай ишни қойилмақом қилишга тайёрмиз.

Соат 11. Юрак бизнинг руҳий фаоллигимизга монанд равишда бир меъёрда ишлаб турибди, кучли зўриқиш ҳам сезилмайди.

Соат 12. Барча кучларни мақсад сари сафарбар этадиган вақт келди. Бу пайтда тўйиб овқатланиш мақсадга мувофиқ эмас, яхши-си бир соат кейинроқ тушлик қилган маъқул.

Соат 13. Жигар дам олмоқда. Кундузги фаолликнинг биринчи босқичи тугади, бироз ҳорғинлик сезилади.

Соат 14. 24 соатлик фаолиятнинг яна бир бор бўшашиши, нафас ростлаш ҳолати кузатилади.

Соат 15. Умумий аҳвол яна яхшиланади. Сизги аъзолари, айниқса ҳид ва таъм билиш қобиляти ниҳоятда кучайган.

Соат 16. Қондаги қанд миқдори ортади. Бироқ бу бирон-бир касаллик аломати эмас. Дастлабки жонланишдан кейин фаоллик аста сўна бошлайди.

Соат 17. Иш унумдорлиги ҳали ҳам юқори. Спортчи билан машқ қилишади.

Соат 18. Жисмоний толиқиш сезгиси чекинади. Кўпроқ ҳаракат қилишга иштиёқ уйғонади.

Соат 19. Қон босими кўтарилади, асаб торлари таранглашган, арзимаган нарсага жанжал кўтарилиши ҳеч гап эмас. Аллергияси бўлган кишилар учун жуда ёмон вақт.

Соат 20. Бу пайтда одам ўзини оғир сезади, воқеа-ҳодисаларга муносабатимиз ниҳоятда кучли, ҳозиржавобмиз. Ҳайдовчилар ўзларини жуда яхши ҳис этишади, бу соатларда авария деярли содир бўлмайди.

Соат 21. Одамнинг руҳий ҳолати яхши. Бу вақт артист ва талабаларга текстни ёдда сақлаб қолиш учун жуда қулай. Кечки хотира кучаяди. Кундузи эслаб қололмаган талайгина нарсаларни хотирада мустаҳкамлаб олиш мумкин.

Соат 22. Қон таркибидат оқ таначалар миқдори ниҳоятда кўпайиб кетган. Бу вақтда ҳар бир куб сантиметрдаги лейкоцит миқдори 5–8 минг ўрнига 12 минггача кўпаяди.

Соат 23. Танамиз ҳужайраларини тиклаш борасида ишларини давом эттириб дам олишга ҳозирлик кўрмоқда.

Соат 24. Сутканинг сўнги соати. Агар соат 22 да уйқуга ётилган бўлса, айна туш кўрадиган вақт келди. Нафақат танамиз, балки миямиз ҳам ўтган кунга яқун ясайди ва жамики кераксиз фикрлардан фориг бўлади. Кун тугади.

8.5. Ҳарфлар нимадан дарак беради. Исм тақдирни белгилайди

Куйидаги ҳарфлар хусусиятини ўқиб чиқиб, танлаган ёрингиз қандай феъл-атвор эгаси эканлигини, табиатан мулозим ёки аксинча эканлигини билиб олинг. Ҳарфлаб ўқиймиз.

А — исмида ушбу ҳарф мавжуд инсонлар меҳнаткаш бўлишади. Улар туну кун меҳнат қилиб, ҳар доим ҳам ўз фойдаси учун ишлайвермайдилар.

Б — таваккалчилик ҳарфи. Исмида ушбу ҳарф мавжуд инсон ҳаётда доимо таваккал қилишига тўғри келади: у ё пулларини, ё соғлигини, ё ҳаётини ўртага қўяди.

В — орзуларни рўёбга чиқариш ҳарфи. Лекин бу ҳарф исмида мавжуд бўлган инсонларнинг ҳамма орзулари ҳам амалга ошавермайди, фақат оқилона, обдан режалаштирилган истакларгина рўёбга чиқиши мумкин.

Г–Ғ — озодаликни хуш кўрувчи инсонларнинг исмида ушбу ҳарф мавжуддир.

Д — чаққонлик рамзи. Исмида ушбу ҳарф мавжуд инсонлар доимо ўз ҳаққини биринчи бўлиб талаб қиладилар.

Е—Ё — ҳукмронликка интилувчан инсонлар исмида учрайди. Лекин шуниси қизиққи, исмида бу ҳарф мавжуд инсонлар кўп ҳолларда содда, гўл бўладилар. Бундай инсонлар гоҳида жиддий вазиятларда бирон бир аҳмоқона фикрни ўйламасдан айтиб юборишлари ҳам мумкин.

Ж — гўзалликни севувчилар ҳарфи. Кўпинча исмида ушбу ҳарф мавжуд инсонлар ташқи кўринишга ҳаддан зиёд эътибор бериб юборадилар.

З — айбдорлик ҳарфи. Бошқа ҳарфларга қараганда шу ҳарф исмида мавжуд бўлган кишилар мудом ё ўзларини, ё атрофдагиларни бирон-бир нарсада айблаб яшайдилар.

И — соғлом идрок. Бу инсонлар ҳаётда ҳамма нарсани етти ўлчаб бир кесиб амалга оширадилар. Барча нарсаларга ҳаққоний қарайдилар.

Й — ташқи кўринишидан ўзига ишонувчан ва кучли бўлсада, аслида ундай эмас. Бундай кишилар бўлар-бўлмасга ваҳима қиладиган кишилар тоифасига кирадилар.

Қ—К — бу ҳарф бирваракайига сирлилик ва мустақилликни ифодалайди. Бундай инсонлар барча муаммоларни бошқаларга билдириб ўтирмай, ўз билганича ҳал этадилар.

Л — шу ҳарф мавжуд бўлган инсонлар учун маънавияти юқори ҳаётдан кўра ўз жисмининг гўзаллиги афзал.

М — янги таассуротлар рамзи. Исмида бу ҳарф бўлган инсонлар саёҳат қилишни, кинога боришни ҳуш кўрувчилар тоифасидан бўлишади.

Н — танлаш белгиси. Бу ҳарфли инсонлар таомларни, алоқаларни саралаб танлашга мойил бўладилар.

О — чегараланганлик рамзи. Бундай инсонлар ёшликларида сингдирилган қондалар бўйича яшайдилар. Онаси ёки отасига жуда ҳам ўхшаб кетувчи кишиларга кўнгил қўйишга мойил бўладилар.

П — ғалаба қозониш белгиси. Улар хоҳ муаммоларни, хоҳ бирор-бир қалбни бўлсин осонликча таслим қиладилар.

Р — ҳаёт йўлидан тўғри, яъни чалғимай бориш, кўзлаган мақсад ва айтган сўзига садоқат рамзи.

С — порлоқлик рамзи. Бундай одамлар узоқ вақтгача кишилар ёдида бўладилар.

Т — ҳар хил нарсаларга муҳаббат. Бундай кишилар жуда ҳам инжиқ

бўладилар, ҳаттоки баъзида ўзлари нима исташини ҳам яхши билмайдилар.

У – айёрлик. Бу ҳарф исмида мавжуд бўлган инсонлар ўзлари учун керакли нарсани осонликча, кўп меҳнат сарф қилмай қўлга кирита оладилар.

Ф – донолик ва мустақиллик. Исмида ушбу ҳарф мавжуд бўлган инсонлар кучли бошлиқ бўла оладилар.

Х–Ҳ – меҳрибонлик рамзи. Бундай инсонлар ҳеч қачон ҳеч кимни эътиборсиз қолдиришмайди.

Ц – эзгуликка умид. Улар фақат бировларга яхшилик қилишга ҳаракат қиладилар.

Ч – бу ҳарф фақат ўта довюрак инсонлар исмида учрайди. Улар яқин кишиларини жуда меҳр билан ҳимоя қиладилар.

Ш – совуққонлик рамзи. Бундай инсонлар ҳеч қачон ваҳимага тушмайдилар.

Э – энг худбин инсонлар исмида учрайдиган ҳарф. Қисқаси, ҳаётдан ўз фойдасига ҳамма нарсани ола билувчи инсондир.

Ю – хаёлпарастликка мойил инсонлар ҳарфи. Бу инсонлар ҳаётда бир кишинигина яқиндан севиб яшашлари мумкин.

Я – агар бирон-бир мақсадни ўзи танлаб олса, исмида ушбу ҳарф мавжуд инсонлар келажакда ўқимишли бўладилар.

8.6. Ҳарфлар инсон характерида дарак беради

Олмония психолог олимларининг аниқлашича инсоннинг исми, шарифи ва ўз исмидан ҳаётда қандай одам эканлигини аниқлаш мумкин экан.

А – куч ва матонат белгиси.

Б – катта ҳиссиётларга эга шахс.

В – ўзгарувчан, турланувчан.

Г(Ғ) – сирлилик, махфийлик.

Д – одамларни ўзига жалб қила олувчи.

Е(Ё) – сафарбарлик ҳолатдаги, доим бир нимага шайланиб турмоқ.

Ж – ишочсизлик ҳолатдаги.

З – моддий қийинчилик, шубҳа, гумон.

И(Й) – таъсирланувчанлик, ҳассослик.

К(Қ) – катта эҳтиёжга эришмоқ учун сиқилувчи.

Л – майда гап, ижодкор, улкан кашфиётчи.

М – меҳнатсевар.

Н – катта энергия эгаси, жиззаки, нафсонияти кучли.

О – катта ҳиссиётли.

П – ёлғизлик, камтар, камсуқум.

Р – ғайратли, қизғанчиқ.

С – асабий, руҳий сиқилувчи, хуноб.

Т – тўхтовсиз изланувчан, янги гоёлар ташвиқотчиси.

У(Ў) – қўрқоқ, ички ҳиссиётли.

Ф – нозик таъб, мулойим.

Х(Ҳ) – жинсий муаммоли.

Ч – садоқатли, ростгўй.

Ш – ўта рашқчи, муросасизлик ва келишувчиликка йўл қўймайдиган.

Э – психологик, руҳий қарашлар тарғиботчиси.

Ю – салга қизишиб кетадиган, жиззаки одам.

Я – о.лижаноб, иждокор шахс.

Ҳа, шу усул билан ҳам ўз дўстингиз ёхуд танлаган ёрингизнинг характерини билиб олишингиз мумкин. Масалан: Рўзиев Баҳриддин Муртазоевич (РБМ) – ғайратли, энергияли, кучли ҳиссиётли, меҳнатсевар инсон.

8.7. Маслаҳатлар, қизиқарли тестлар, ҳолатлар

Тажрибали шифокорларнинг айтишича, одамнинг соғлиги унинг ички дунёсига боғлиқ экан! Яъни қандай феъл-атворга эга бўлсангиз, соғлигингиз ҳам шунга яраша бўлади. Демак, соғлигингизнинг қандай бўлиши ўзингизнинг қўлингиздадир.

Қизғанчиқ. Бундай инсонлар, одатда, юрак касаллигидан шикоят қиладилар. Баъзида бир дона нон сотиб олиш учун соатлаб ўйланадилар ёки турмуш ўртоғига янги буюм олиб бериш учун бир кун сиқилади. Бунинг натижасида бориб-бориб юрак «ишлан чиқади». Одам қанча кўн қизғанса, ташвишланиш гормонлари ҳам шунча ортиб бора-ерарқан. Қизғаниш натижасида мияси чарчаб, инсультага чалиниши ҳам мумкин.

Қўрқоқ. Бундайларнинг ўпкасига жабр. Қўрқоқлик натижасида организм кўп миқдорда адреналин ва норадреал ишлаб чиқаради. Кейин қарабсизки, ўпка ҳам «заҳарланади»-қўяди. Баъзида артериал босим ҳам кўтарилиб кетиши мумкин.

Фурурли. Бундайлар ошқозон касаллигидан азоб чекадилар. Баъ-

зилари руҳий касал ҳам бўлиб қолишлари мумкин. Улар ҳеч кимдан ёрдам сўрамайди. Ахир гурур бунга йўл қўймайди-да! Боз устига бундай одамлар билан ҳеч кимнинг яқин муносабатлар ўрнатгиси келмайди.

Нафси ҳакалак отганлар. Бу тоифа кишиларни, одатда, ошқозон касаллиги қийнайди. Бундай одамларда иммунитет жуда паст бўлади. Шифокорларнинг айтишича, нафсини тия олмайдиганлар кўпинча ошқозон ялиғланишидан қийналадилар.

Сержаҳл. Бундай одамларда арзимас нарсага ҳам жанжал кўтаришга мойиллик жуда кучли. Жанжал чиқарса, ҳузур қилгандек бўладилар. Аммо айнан шундай инсонлардан «машҳур» пиёнистлар чиқар экан. Баъзилари ошқозон касаллигига дучор бўлади.

Тушқун кайфият. Тушқунликка тушган инсон биринчи навбатда нафас йўлини «тинчитаркан». Маълумотларга кўра астма касаллигига ҳам, одатда, ҳаётдан хурсанд бўлмаган инсонлар дучор бўлиши аниқланган. Шифокорларнинг айтишича, ўғрилар кўпинча неврит ва қўл касаллигидан шикоят қиладилар. Баъзи киссавурлар жигар ва ўпка касаллигидан нолийди. Доим хавф остида яшайдиган жиноятчилар ошқозон касалига чалинаркан.

Табиат билан уйғунлашув. Машҳур файласуф Альберт Швейцер узоқ йиллар давомида Африка ўрмонларида яшаган. Ишонсангиз, шу давр ичида бирор марта ҳам касал бўлмаган. Қандай қилиб, деган савол сизни қизиқтирса керак?

— Ҳаётимни табиатга бағишладим. Ҳар бир ўрганган янгилигим одамзод учун бўлди. Касал бўлишга вақт йўқ эди, — деб эслайди файласуф.

ҚАДАМЛАР ФЕЪЛИНГИЗДАН ДАРАК

Айтишларича, одамнинг юришига қараб ҳам унинг феъл-атвори қанақалигини билиш мумкин экан. Одамнинг қадам олиши унинг ёшига боғлиқ эмас. Балки жисмоний ҳолатига, темпераментига ҳам боғлиқ экан.

Сокин ва ишончсиз қадам ташлайдиган одамлар — ўзига эътибор қаратишни хоҳламайдиган, ўз фикру хаёллари билан банд бўлган одамлардир.

Товонини ичкарига қараб ташлайдиган одамлар — жуда қувноқ, ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туришни хоҳлайдиган, киришимли кишилар.

Пошнасини қарсиллатиб уриб, шовқинли юрадиганлар — ўзини тута олмайдиганлар, баъзан беандишалик қиладиган кишилардир. Бу юриш ўз-ўзига ишончсизликдан далолатдир.

Бир маромда, вазмин қадам ташлайдиганлар — хотиржам, энгил-елпи хаёлларга берилмайдиган кишилар ҳисобланади.

Агар одам юрганда қўлларини силтаб юрса, бу унинг серҳаракатлигидан, интилувчанлигидан ва собитқадамлигидан далолатдир. Бундан ташқари энгил қадам ташласа, билаверингки бундай кишилар бекаму-кўст, баркамол одамлар.

Оғир қадамлар ташлаб, юрганда қўлларни қимирлатмасдан, осилтириб юрадиганлар — иродасиз ва ҳаётдан зериккан кишилардир.

Рақс тушаётгандек қадам ташлайдиганлар — жиддий бўлмаган ва ҳамма вақт ваъда бериб сўзининг устидан чиқмайдиган кишилар.

Майда қадамлар билан юрадиган кишилар ўта расмиятчи кишилардир ва улар киришимли эмас.

Хуллас, руҳшуносларнинг маслаҳатига кўра ҳамроҳингизнинг қадам олишига эътибор берсангиз, унинг феъл-атвори ҳақида кўпроқ маълумот олишингиз мумкин экан.

СОЧНИНГ РАНГИ — ИНТИЛИШИНГИЗ!

Сиз сочингизни қайси рангга бўямоқчисиз? Қандай рангни танлашингиз нимага интилишингизни аниқлаб беради...

Бақлажон ранги. Сиз ҳаммага ўзингизнинг гайриоддий шахс эканлигингиз, кўзга яқинлигингизни билдирмоқчи бўласиз. Сиз ўзингизни ёлғиз, дилкаш инсонлари йўқдек ҳис этияпсиз.

Қора ранг. Ўзингизни ҳимоясиз сезяпсиз. Сиз ким биландир танишиш, унга ишонишдан қўрқасиз. Қалбингизда кўрқинч бор. Лекин билиб қўйинг, қора ранг бу — ўзига қатъий ишонч рамзи. Айни пайтда бу сизга етмаётган туйғу.

Каштан ранги. Бу — мулойим, осойишта, ёқимли ва табиий ранг. Агар шу рангни танлаган бўлсангиз, демак, сиз тинчликни ва сизга нисбатан яхши муносабатда бўлишларини хоҳлайсиз.

Қизил ранг. Бу рангга сочини бўяшни лозим топганлар ҳамиша, ҳамма жойда ўз билганича иш тутишни маъқул кўради. Сизга курашга чорлаш ва жанг қилиш ёқади. Агар бу рангни танлаётган бўлсангиз, барчани жалб этишни хоҳлаяпсиз.

Шоколад ранг. Сиз ҳаммадан ажралиб туришни истайсиз. Шоколад ранг сиз учун қандайдир ширин, ёқимли туюлади. Ўз ҳаётин-

гизни ширинроқ, янада бахтлироқ қилишни истаяпсиз. Сиз яхши хордиқ чиқаришингиз лозим! Хаёлингизни бироз жамлаб, дам олинг.

Тилла ранг. Сиз мақтовлар, ширин сўзлар кутяпсиз, ўзингизни энг чиройли деб ҳис қилишни истайсиз... Нима учун? Сабаби оддий, сўнгги пайтда сиз руҳан тушкунликка тушиб, ғамга ботгансиз. Яна бир сабаби эса бунинг акси бўлиши ҳам мумкин: кимдадир гўзал таассурот қолдиришни жуда-жуда хоҳлаяпсиз.

КЕЧИКИШГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Ноаниқлик кўпгина одамлар табиатига хос камчиликдир. Табиатнинг бу хатосини ўзгартиришга имкон борми? Кимдир йўқ деса ҳам, биз «ҳа» деймиз ва сиздаги ушбу камчиликни тўғрилашга ёрдам берамиз.

Агар кечикаётган бўлсангиз...

- Кечқурунданоқ эртанги кунга тайёргарлик кўриб қўйишни одат қилиб олинг. Сумкангизни тахт қилиб, оёқ буюмингизни тозалаб, керакли либосингизни дазмоллаб қўйинг. Ҳаттоки кечаси эрталаб-ки нонуштани ҳам тайёрлаб қўйиш мумкин.

- Кечикаётган бўлсангиз огоҳлантириб қўйишни эсдан чиқарманг, дарҳол қўнғироқ қилиб, қачон бўлишингизни маълум қилинг. Чунки ишхонада сизни кутаётганлар ҳам бўлиши мумкин. Ўзингизга қўшиб уларнинг ҳам вақтини олманг.

Агар қўл остингиздагилар кечикаётган бўлишса...

- Энг тез таъсир этувчи усул — жарима ёки аксинча, доимо вақтида етиб келувчилар учун рағбат.

- Агар қўл остингиздагиларни айти белгиланган вақтга етиб келишларини талаб қилиб, ўзингиз бунга амал қилмасангиз ишчилар шундай хулосага келиши мумкин: бошлиқ ўзи кечикаяптими, демак, бизларга кечикишни Оллоҳ ўзи буюриб қўйган.

Агар дўст ва қариндошларингиз кечикаётган бўлишса...

- Доимо учрашувни белгилаб кечикиб келадиган одати бор одам билан учрашувга чиқаётган бўлсангиз, у билан олдиндан уни ўн беш дақиқадан ортиқ кутмаслигингизни келишиб олинг. Агар ўша вақт ичида ўша инсон етиб келмаса, ортингизга ўгирилмай, бемалол кетаверинг. Бир неча бор сизни топа олмай қолгач у вақтида етиб келишни албатта одат қилиб олади.

- Бирор-бир жойга отланган вақтингиз турмуш ўртоғингиз узоқ вақт ғимирлаб юрса, икки марта усиз кетиб кўринг! Шундагина у

келажакда бундай воқеа қайтарилмаслигига ҳаракат қилади.

Агар сиз домла (муаллим, нотик) бўлсангиз...

• Ҳар бир кечикувчини эшикнинг олдидан тўғри доска ёнига чақириб олинг. Улар сизнинг пичинг аралаш саволларингизга жавоб топиб бера олган тақдирда ҳам бундай ҳолатга иккинчи тушмасликка ҳаракат қилишади. Лекин бунинг оқибати сиз кутганингиздек бўлмаслиги мумкин. Масалан, улар кечикиб келган тақдирда дарсингизга кирмай қўя қолишлари мумкин. Яхшиси энг аниқ ва тартибли ўқувчилар учун қандайдир янгиликлар, имкониятлар яратсангиз, сиз кутгандек фойда бериши мумкин.

БАХТ ЁР БЎЛСИН

Оилангизда бўлиб ўтган охириги жанжални эсга олиб кўринг. Сабртоқатингиз адоғига етишига нима сабаб бўлганди ўшанда? Пойгакда бетартиб ётган оёқ кийимларими? Ёки рафиқангиз сизни йиғиштириб қўйилган уйда иссиқ овқат тайёрлаб кутиб олмагандир? Оила бахтига шундай майда сабаблар ҳам зомин бўлиши мумкинлигини кўриб ҳайрон қоласан киши, асабийлашасан. Оилани ажралишга етаклайдиган сабабларни ўрганиб чиққан руҳшунослар шундай хулосага келдилар: маълум бўлишича, кўпгина оилаларнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлаётган нарса — бу уларнинг бахтли оила нима асосига қурилишини билмаслигида экан...

Бахтли оила қуриш учун биргина муҳаббатнинг ўзи етарли.

Бу нотўғри фикр. Оила қуришга муҳаббатимиз сабаб, деб қарор қилган бўлсангиз қаттиқ адашасиз. Ҳаммасидан устуни бошқа нарсадир. Муҳими — ҳаёт ҳақида тушунчаларингиз бир хил бўлиши, келажакда эришмоқчи бўлган ниятларингиз, орзуларингиз бир-бирига мос тушиши керак. Оила қуришдан аввал яхшилаб ўйлаб кўринг: сизларни муҳаббатдан ташқари боғлаб турадиган яна бирон-бир нарса мавжудми ўзи?

Қарама-қарши феъл-атворли кишилар бахтли никоҳ қурадилар.

Бу ҳам нотўғри, аввал бошда уятчан қиз ўзининг жасур, олифта, доимо ҳамманинг диққатида бўладиган севгилисидан ҳайратланиши мумкин. Лекин вақт ўтиши билан шинамгина уй шароитини хуш кўрувчи қизга кечгача дўстлар даврасида бўлишни севадиган йигит билан турмуш қуриш — ҳақиқий азобга айланиши мумкин.

Ҳис-туйғулар кўриниб турибдики, ишончсиз пойдевордир. Оилавий муносабатлар қачонки оилада ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-

бирини тушуниш ҳолатлари мавжуд бўлса мустаҳкам бўлади.

Одамлар бир-бирига кўникиб қоладилар.

Ундай эмас. Агар танлаган ёрингиз феъл-атворидаги қайсидир томони (масалан, хасислик) сизни ранжитса, ФХДЁда имзо чекаётиб, сиз бу билан ажралиш ҳақидаги шартномага имзо чекаёпман деяверинг. Тўғри, бошида унинг бу камчилиги севиб қолганингиз учун билинмаслиги мумкин, лекин вақт ўтиши билан унинг бу «фазилати» янада ёрқинроқ кўрина бошлайди. Чунки феъл-атвори тубдан ўзгартириб бўлмайди.

Пул муҳим эмас, асосийси муҳаббат.

Нотўғри. Кун кўриш мақсадида доимо ташвиш чекиш — оилавий муносабатларга совуқлик туширади. Бу оғир муаммони энг катта муҳаббат ҳам ҳал эта олмайди, дош бера олмайди. Бир-бирингиз учун керакли вақт бутунлай молиявий томондан келиб чиққан муаммоларга қаратилади. Бу муаммолар бир-бирингизга бўлган меҳрни сўндириши мумкин.

Бахтли ҳаёт кечириш учун аёллар бешта қонидани билишлари шарт. Уларнинг баъзилари эркакларга ҳам тааллуқлидир.

1. Бўлар-бўлмас майда-чуйдаларга аҳамият берманг. Чунки кўпинча ноўрин танбеҳ орқали сиз ундан нимадандир қаттиқ хафа эканлигингизни намоён қилаётган бўласиз. Масалан, «Сен нарсаларингни хона бўйлаб ёйиб ташляяпсанми, демак, менинг меҳнатимнинг қадрига етмаяпсан», ахир уларни йиғиштириш сизнинг зиммангизда-ку. Кеч келиши ҳақида огоҳлантирмадимми, демак, сизнинг у ҳақда қайғуришингиз мумкинлиги уни умуман қизиқтирмайди деб ўйлайсиз. Яхшиси ундан хафа эканлигингизнинг асосий сабабларини бартараф этишга ҳаракат қилинг: тартибсизликка кўпам аҳамият бераверманг ёки ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб, турмуш ўртогингизни кутишни бас қилинг.

Аксинча, ўзингизга кўнгилни кўтарадиган совғалар қилинг: масалан, агар у кўнғироқ қилмаса дўконга бориб ўзингизга бирор нарса харид қилинг (дугонангизникига меҳмонга ёки концертга боришингиз мумкин ва ҳ.к.).

2. Севган ёрингизга тўлиқ ишонинг. Агар у дўстиникидан келаётганлигини айтса, демак, ҳаммаси шундай бўлган. Бу уни бевафоликда айблаб рашк можаросини юзага келтиришга сабаб бўла олмайди. Уни таъқиб қилманг. Кўпгина аёллар ўз турмуш ўртоқларининг «юриш»лари ҳақида билишни хоҳлайдилар. Бу эса ноўрин жанжалларга сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, ҳаётни ортиқча мурак-

каблаштиришдан не ҳожат?!

3. У ишлаётганда унга халақит берманг. Чунки мансаб эркак киши учун муқаддас нарсадир. Охир-оқибат унинг барча ҳаракатлари мансаб пиллапоясидан юқорилашга ёки маоши ошишига сабаб бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси эса сиз учун қилинади, азиз аёллар.

4. Танқид қилманг. Эркаклар ўзларини жуда ҳам яхши кўрадилар. Уларни икки оғиз ширин сўз билан мақтаб кўйсангиз, олам гулистон. Ўзингизнинг хархашангиз билан, ҳар нарсадан нолийверишингиз орқали уни бездириб юборасиз. У сиздан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолади. Ёки иккинчи сафар сизга ўз дардини ёрмай кўяди. Ёлгон гапиреди.

5. Агар у сизга етарлича эътибор қаратмаётган бўлса ундан хафа бўлишнинг кераги йўқ. Улар сизни севади, сизга хиёнат қилмайди, сизни дейди – шунинг ўзи етарли эмасми? Наҳот бирон-бир арзимас матоҳ бу олий туйғулардан устун бўлса?

Эркаклар бундай ўйламайдилар. Лекин аёл барибир кичик бўлсада совға олишни хоҳлайди. Бу унинг учун муҳимдир. Лекин ўйлаб кўрингчи, балки аксинчадир?..

Барчангизга бахт ёр бўлсин!

ДАМ ОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Кўпчилик меҳнат таътилини ёз фаслига тўғрилайди. Гап таътилга қайси пайтда чиқиш эмас, балки уни қандай ўтказиш-да!

1. Ўтган йили меҳнат таътилини қандай ўтказдингиз?

а) уйда ўтиравериб зерикиб кетдим (3 бал);

б) жуда кўп вақт саёҳатда бўлдим (1 бал);

в) соғлиғимни тиклашга уриндим ва улгурдим ҳам (2 бал).

2. Таътилдан қайтгач, биринчи иш кунингиз қандай кечди?

а) байрамдек, таътилда роса зериккандим (1 бал);

б) оз-моз ёқимли, лекин кутилгандек (2 бал);

в) фильмлардаги каби даҳшатли. Яна атрофимда ёқимсиз башаралар, яна асабийлашишлар (3 бал).

3. Таътилингиз яна давом этишини хоҳлармидингиз?

а) албатта (1 бал);

б) раҳмат, шундоқ ҳам жонимга тегди (3 бал);

в) пулим тугади, хоҳламайман (2 бал).

4. Бошлигингиз сизни қандай кутиб олди?

а) «Қачон таътилга чиқасиз? Ие, таътилда бўлдингизми? Кечирасиз, сезмай қолибман!» (3 бал);

б) «Келдингми? Келган бўлсанг яхши. Ўзинг билиб ишингни қилавер» (2 бал);

в) «Ва ниҳоят келдингизми? Сизсиз ҳамма ишлар тўхтаб қолганди!» (1 бал).

5. Сиз кейинги таътилни қандай ўтказишни режалаштирдингиз?

а) шошиб қаёққа ҳам борардим. Яна бир йилгача бир гап бўлар (2 бал);

б) ҳозирча йўқ, таътил вақтидаги қарзларимни тўлаб олсам ҳам катта гап (3 бал);

в) албатта, менинг 10 йилга мўлжалланган режаларим бор (1 бал).

Энди тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг.

5 балдан 8 балгача. Балли, сиз ақл билан иш кўраркансиз. Демак, ишингиз ҳам унумли бўлади. Мириқиб дам олгансиз, энди янги куч-ғайрат билан ишни бошлайверинг.

9 балдан 12 балгача. Соғлигингиз яхшиланди. Кайфиятингиз аъло. Таътил сизга фойда берди.

13 балдан 15 балгача. Кайфиятингиз тушқун. Таътилни тўғри режалаштирмагансиз. Начора, шунақаси ҳам бўлади. Энг асосийси — хатоингизни такрорламасликка интилинг.

САМОВИЙ НОЗИК ҚУВВАТ

Дунё тиббиётининг бобокалони Ибн Сино оғир касалликларнинг келиб чиқишидаги номаълум сабаб ва омилларни аниқлаш мақсадида ажойиб тажриба ўтказган. У бир хонадаги икки қафасга бўри билан қўйни қамаб қўйиб, назорат қилган. Етарлича озуқа билан таъминлаб турилганига қарамай, бир неча кундан сўнг қўй хасталаниб, нобуд бўлган. Бундай тажриба ички аъзолар фаолиятини тубдан ўзгартира оладиган кўзга кўринмас, латиф қувват борлигини аниқлаб берди. Худди шундай ва шунга ўхшаш тажрибалар инсон оладиган барча озуқалардан ташқари, яна ўта кучли самовий нозик энергиядан ҳам фойдаланади, деган назарияга асос бўлди...

Инсонда ўзаро қувват алмашинуви (оилавий, жамоа муносабатларидаги қувват тажовузи ва бошқа сабаблар) натижасида танاداги қувват мувозанатининг бузилиши оғир хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Жуда қадимдан Ҳиндистон, Хитой, Америка ва Европа табобати инсон танасидаги самовий энергияни қабул қилувчи чакралар ва тана атрофида кўзга кўринмас қобиқ-майдон — ауранинг бузилиши туфайли турли хасталикларнинг келиб чиқишидан яхши хабардор бўлган. Бузилган ёки тескари ишлаётган чакраларни созлаш, тана атрофидаги аурани тиклаш, уни табиий ҳолатига келтириш касалликдан соғайиш жараёнида биринчи энг муҳим омил ҳисобланади. Сир эмаски, ҳинд йоглари, хитойларда Дао ва Тибет ламалари бу масаланинг ечимини узоқ вақт махфий сақлаб келишган. Бугун эса бундай усуллар кўпчиликка маълум.

Бу яратувчи, бунёдкор нозик энергия инсон дунёвий ташвишлардан холи бўлган пайтда, тоат-ибодат вақтида, зиёлиларнинг ўта берилиб ижод қилаётганида, мусаввир ижодхонасида, масжидда, Маккада, Қуръонда, тасбеҳда, зиёратгоҳларда муаллақ турувчи энергия оқими шаклида намоён бўлар экан.

Баъзи давлатларда бугунги кунда турли хасталиклардан фориғ бўлишнинг замонавий усуллари мавжуд. Мазкур усулни сизу биз ҳам ўргансак (!) бўлади. Бу қийин эмас, бирор киши махсус сеанслардан ўтказилиб, ундаги қувват тозалиги, меридиан каналлари, чакралари, қувват мудофааси ва бошқа кўрсаткичлари намуна шаклига келтирилади. Унга космик энергия билан муомала қила олиш қобилияти ўргатилади. Шундан сўнг унинг воситачи сифатида фаолият кўрсатиши мумкин бўлади. Зарурат туғилганида ўрганган усулларидан фойдаланиб, оила аъзолари ёки шундай хизматга муҳтож шахсларда пайдо бўлган энергетик муаммоларни ечиб беради.

Китобимиз саҳифасида воситачи бажара оладиган барча усулларни ёритиш кўп ҳажм талаб қилишини ҳисобга олиб, фақат бир усулини, яъни оддий сувга космик нозик қувват ийдириб, ундан фойдаланиш йўлларига тўхталиб ўтсак.

Ички аъзоларга ўта зарур бўлган табиий нозик энергия артезиан ёки булоқ сувига махсус йўл билан ийдирилиб фойдаланилса, бу муаммони ечиш мумкин. Бунда артезиан ёки булоқ сувининг кимёвий таркиби ва хусусияти ўзгартирилмаган ҳолда кучли космик нозик қувват ийдирилади. Натижада, бундай «сув» улкан яратувчи, самовий кучга эга бўлади.

Истеъмол. Юқоридагидек ижобий, самовий нозик энергия ийдирилган «сув» танадаги суюқлик миқдорини меъёрига келтиришидан ташқари, қон орқали барча тўқималарга етиб боради. Танада йиғилиб қолган салбий қувватларни сийдик орқали организмдан

чиқариб юборади. Натижада чарчоқ, мажолсизлик камайиб, «сув» инсонга қўшимча ғайрат, қувват бағишлайди.

Чўмилиш олдидан. Чўмилиш олдидан ваннага тўлдирилган оддий сувга бироз «сув» қўшилса, ундаги қувват кўрсаткичи ўзгаради. Чўмилиш пайтида у тана, ички аъзоларда йиғилиб қолган салбий қувватни ўзига тортиб олади, киши енгиллашиб, салбий қувватдан халос бўлади.

Беморлар ичсин. Одамлар узоқ вақт давомида танада ва аъзолардаги табиий қувват миқдоридан кўп сарфланиши оқибатида хасталаниб қолади. «Сув» бемор танасидаги қувватни мувозанатлаштириб, тезроқ тузалиб кетишига катта ҳисса қўшади.

Бола нима учун тез-тез касал бўлади? Чақалоқ туғилган пайтда икки асосий канал, яъни оёқдан мияга, миядан оёққа ўтувчи меридиан ишласа-да, чакралар ҳали такомиллашмаган ва ички аъзоларининг табиий қувват билан таъминланиши анча суст бўлади. Шу сабабли ёш болалар тез-тез касалланиб туради. Болаларни чўмилтиришда қувватланган «сув»дан фойдаланилса, чакралар очилиши, ички аъзоларнинг табиий нозик энергия билан таъминланиши меъёрига тушади. Шу тариқа ҳар хил нохушликлардан холи бўлиб, гўдакнинг бадани чиниқиб боради.

Камқувватлик (анемия) хасталигига чалинган инсонларнинг барчасида табиий қувват оқими йўллари беркилиб қолган бўлиб, ички аъзолари табиий равишда нозик энергияни етарли миқдорда ололмайди. Бундай ҳолларда самовий ижобий қувват ийдирилган «сув»дан истеъмол қилиб турилса, бўшашган ички аъзоларга зарур бўлган табиий энергия «сув» орқали етиб боради ва хасталиқдан тузалишда катта мадад бўлади.

Ҳасад, игво, манманлик. Хонадонларда ҳар хил йиғин ва маросимлар ўтказилганида, инсонлар билиб-билмай ўзидан сўнг баъзан кучли салбий қувват қолдириши маълум. Ҳасад, аламзадалик, очкўзлик, гердаиш, игво, манманлик, нафрат, кечиримсизлик, муросасизлик, дангасалик ва бошқа иллатларга чалинган инсонларда, айниқса, шундай. Нима қилиш керак? Яна ўша «сув» ёрдам беради. Йиғин ва маросимдан сўнг уйга «сув»дан бироз сепиб ёки латтани ҳўллаб артиш мақсадга мувофиқ.

Либослар. Аёлларимиз чиройли, кўркам либослар кийишни яхши кўришади. Юқорида айтилган иллатларга мойил инсонлардаги салбий энергия эса уларнинг кийимига ҳам «илашади». Бундай либосни ювишдан олдин кир ювиш машинасидаги оддий сувга бир миқ-

дорда «сув»дан аралаштириб юборилса кифоя. Либосга ёпишган нохуш қувват сув қузурида оқиб кетиши аниқ.

Ўта оғир бемор ёки энг сўнги манзил. Баъзан касаллик ўтиб кетганлиги сабабли беморларга мутахассисларнинг ёрдам бериши қийинлашади. Бундай ҳолда беморнинг ёнига «сув» очилмаган ҳолда, бирор идишда (масалан, шишада) 1–2 соат қўйиб қўйилса, танадаги салбий қувватни ўзига тортиб олади. Оғриқ бироз енгиллашади. «Сув» фойдаланиб бўлингач, тўкиб ташланиши шарт.

Яна бир гап. Паймонаси етиб, ҳаётдан кўз юмган инсонни сўнги манзилга кузатишдан олдин маййитни ювишда ишлатиладиган сувга бир миқдорда шу «сув»дан кўшилса, умри давомида танада йиғилиб қолган салбий қувват қолдиқларининг танадан сув билан чиқазиб ташланишида асосий омил бўлади. Шу ўринда, марҳум баъзи гуноҳлардан фориғ бўлса ҳам ажаб эмас.

ТАНҚИД СИЗ УЧУНМИ?

1. Дугонангизни кутиб олаётиб унинг бироз семирганига амин бўлдингиз. Сиз...

а) «Бироз тўлишибсанми?» – деб айтасиз, хоҳласа ўзи хулоса чиқариб олади. (Д)

б) «Нега ўзингга қарамай қўйдинг, тезда парҳезга ўт», – дейсиз. (А)

в) Ҳеч ними айтмайсиз – бировни ранжитишнинг нима кераги бор? (И)

2. Кўшнингизнинг ўғлини чекаётган вақтида кўриб қолдингиз. Муносабатингиз:

а) Йигитчани уришиб, аясига айтиб бериш билан қўрқитасиз. (А)

б) Ҳеч нима бўлмагандек, хотиржам ўтиб кетасиз. (И)

в) Чекишнинг хавфи ёмонлигини айтасиз. (Д)

3. Эрингиз гўшт харид қилгани чиқиб, дўкondaги энг ёмон маҳсулотни кўтариб келди. Сиз:

а) Эрингизнинг қилган ҳаракати учун мақтаб, гўштсиз таом пиширасиз. (И)

б) Эрингизга: пулни шамолга совуришда унингдек ноёб истеъдод соҳиби йўқлигини айтиб ўтасиз. (А)

в) Кулиб қўясизда, гўшт харид қилиш учун янаги сафар у билан ўзингиз чиқишингизни айтасиз. (Д)

4. Қариндошингиз ўз қўллари билан ўстирган гулни сизга мақтамоқда. Аслини олаиған бўлсак гулнинг кўриниши — анча сўлгин. Сиз...

а) Ҳурмат юзасидан табассум ҳада этасиз. (И)

б) Дўкондаги гуллар бундан кўра анча кўркамроқ эканлигини қистириб ўтасиз. (А)

в) Хона гулларини ўстириш бўйича унга бир-иккита ажойиб маслаҳатлар берасиз. (Д)

5. Официант қиз икки марта сизнинг буюртмангизни чалкаштириб юборди. Сиз...

а) Эътироз билдирасиз. (Д)

б) Ҳеч нима демай, ўз буюртмангизни олиб келгунча сабр қилиб кутасиз. (И)

в) Унинг устидан бошлиғига шикоят қиласиз. (А)

Жавобларингизни яна бир кўриб чиқингда қайси ҳарф кўпроқ учраганини аниқлаб олинг.

А. Сизнинг фикрингизча ҳаммага маъқул тушавермайдиган суҳбатларни ҳам очикчасига ҳеч қандай хафагарчиликсиз олиб бориш лозим. Бундай тактика юргизишдан сиз учун биргина фойдали нарса — бу сизнинг ички йиғилиб турган эътирозларингизни тўкиб сочишдир. Лекин бу нарсанинг салбий томони атрофдагилар сиздан тез ранжиши ва кўнгли қолишидир. Улар сиз билдирадиган эътирозларга муносиб жавоб ахтариб, аксинча, ўз хатоларини умуман тўғриламай қўйишлари мумкин ва учинчидан, сиздан қандайдир маънода боғлиқ бўлган инсонлар сизнинг танқидингизни эшитмаслик учун йўл қўйган хатоларни билдирмасликка ҳаракат қиладилар ва бу ҳолат катта хавфни келтириб чиқариши мумкин.

И. Ҳақиқат яхши, лекин бахт унданда яхшироқ деган ақидага бўйсунувчи инсонсиз. Уйдаги жанжални, келишмовчиликни ташқарига чиқаришнинг нима кераги бор, чин севги ҳам ортиқча безовталанишга ҳожат қолдирмайди — бу сизнинг фикрингиздир. Агар бу сизнинг бахтли бўлишингизни таъминласа, марҳамат, охиригача шу йўлдан боришингиз мумкин. Мабодоки, ўзингизни «масъулиятсизлигингиз» учун доимо қойиб яшаётган бўлсангиз, унда барча қийинчиликларни енгиб, унчалик хуш ёқмайдиган нарсаларни ҳам гапиришни, ўзгаларга айта олишни ўрганинг. Хоҳласангиз сизнинг эътирозингизни келтирган нарсаларни яхши сўзлар билан ҳам тушунтиришингиз мумкин, ҳаммаси сизга боғлиқ.

Д. Сиз бировларга танқидий кўз билан қараб ўтирмай, ҳаммаси-

ни яхши сўзлар билан тушунтира оладиган инсонсиз. Агарда ўша инсоннинг сизга ҳеч бир алоқаси бўлмаган тақдирда ҳам уни хаёлга, фикрлашга ундайдиган маълумот билан сийлайсиз. Мабодо бу муаммонинг сизга ҳам алоқадор жойи бўлса, сиз бу хатони ўзингизга гард юқмайдиган тарзда тўғрилашлари учун имкон яратасиз. Сиз атрофдагилар билдираётган танқидингиз учун миннатдор бўлишаётган ягона, ноёб инсонсиз. Чунки ҳар бир инсон кўнгил тубида янада яхшироқ бўлишни албатта орзу қилади. Сиз эса ўз танқидингиз билан бунга қўмакласасиз.

АЛДАНИБ ҚОЛИШИНГИЗ МУМКИНМИ?

Нохуш вазиятларда ўзингизни йўқотиб қўймаслик маҳоратингизни текшириб кўринг.

Устаси фаранг қаллобларга алданиб қолмаслигингизга ишончингиз комилми? Муттаҳамларга қаршилиқ қила олиш қобилиятингиз борми? Бунинг учун ўз табиатингиз кучини намойиш қила олишингиз ва бу каби оғир вазиятларда бошингиз гангиб қолмаслигини ҳам усталик билан назорат қила билишингиз лозим.

1. Дўстлар даврасида латифа айтар экансиз, ҳеч ким кулмаяпти. Сиз нима қилган бўлар эдингиз?

а) латифани қайтадан айтиб берасиз — 1 балл;

б) унинг нега кулгани эканлигини тушунтириб берасиз — 2 балл;

в) қизариб кетасиз, узр сўраб, секингина даврандан чиқасиз — 3 балл.

2. Кўчада кимдир оёғингизни босиб олди, аммо узр сўрамади. Нима қилган бўлар эдингиз?

а) орқасидан бошлаб сўкинганча бақириб қоласиз — 1 балл;

б) орқасидан қараб, бефаросатлигига қўл силтаб қолаверасиз — 2 балл;

в) эътибор ҳам бермай, йўлингизда кетаверасиз — 3 балл.

3. Автобусга ўтирдингиз ва ногаҳон бугундан бошлаб йўлқира ҳақи ошганлигини, пулингиз эса етмаслигини билиб қолдингиз. Сиз нима қилган бўлар эдингиз?

а) назоратчи ёки ҳайдовчи билан келишиб олишга уринасиз — 1 балл;

б) пиёда кетасиз — 2 балл;

в) йўловчилардан етмаганига бироз пул қўшиб юборишларини сўрайсиз — 3 балл.

4. Ҳамкасбингиз бошлиқларга сизни «сотиб юрганини» билиб қолсангиз, нима қилган бўлар эдингиз?

а) сотқинга қарши уни қораловчи маълумотларни тўплашга киришасиз — 1 балл;

б) сотқинни ўз томонингизга оғдириб олишга уринасиз — 2 балл;

в) бошлиқ олдига бир шиша коньяк кўтариб кирасиз ва уни авраб-алдаб ўз томонингизга оғдира бошлайсиз — 3 балл.

5. Сизнинг ҳайдовчилик гувоҳномангиз борми?

а) ҳа — 1 балл;

б) йўқ — 2 балл.

6. Сиз ўзингизнинг моддий аҳволингиздан мамнунмисиз?

а) ҳа — 1 балл;

б) йўқ — 2 балл;

в) йўқ, аммо уни яхшилашни режалаштирмақдан — 3 балл.

7. Сиз васиятнома тузиб қўйганмисиз?

а) ҳа — 1 балл;

б) йўқ — 2 балл;

в) васият қиладиган нарсанинг ўзи йўқ — 3 балл.

Энди балларни қўшинг ва натижаларни ҳисоблаб кўринг.

5—10 балл. Сиз тўғри маънода ўзини ўйлайдиган калтабин одамсиз, айтиш мумкинки, умумий «қўйлар подаси»нинг муносиб аъзосисиз. Сиз рекламаларда тўғри маълумот беришяпти, деб ўйлайсиз, вокзалдаги лўлилар чиндан ҳам тақдирни бехато айтиб беришларига чиппа-чин ишонасиз. Калтабинлигингиз туфайли бир неча бор қаллоблар қурбони ҳам бўлгансиз, бироқ хатолардан тўғри хулоса чиқариб олишга қодир эмассиз, шунинг учун ҳам бойлик осмондан тушишини орзу қилишда давом этаверасиз. Муносиб ҳаёт кечириш учун пул ишлаб топишга уриниб ҳам кўрмайсиз. Бир сўз билан айтганда, пул ишлаб топишга қодир эмассиз — сизнинг қулларга хос руҳиятингиз жамоада паразитларча ҳаёт кечиришга мажбур қилади, қандайдир арзимас чойчақа ёки нафақа ва ёки энг кам иш ҳақиға ҳам кўникиб яшаб кетаверасиз.

11—15 балл. Бунчалар ишончсиз, довдир, масъулиятсиз ва кўрқоқ одамни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиш қийин. Сиз яқинларингизга жуда кўп азиятлар етказгансиз. Кўпчилик сизни кўргани кўзи йўқ ва узоқдан кўриши билан кўчанинг бошқа бетига ўтиб кетишга уринади. Ёқимсиз одам билан учрашиш кимга ҳам ёқарди? Сизни яхшилаб жазолаб, тарбиялаш керак. Ким билсин, балки вақти ке-

либ, сизнинг инсоний қиёфангизни қайтариш мумкин бўлиб қолар.

16–20 балл. Сиз ўтакетган даражадаги чегараланган одамсиз, спиртли ичимлик, ош-овқат ва телевизорлардан бошқа ҳеч нарса сизни қизиқтирмайдиган кўринади. Агар оилангиз мавжуд бўлса, бу жуда ғалати. Сиз каби худбин, ғазабнок ва узоқни кўролмайдиган мавжудот билан қисматини бирга кўришга аҳд қилган одам бор эканки, демак, у ниҳоятда — муқаддас инсон экан, сиз эса доимий равишда ярим палангизнинг ҳар кунги жасорати учун миннатдорчилик билдириб туришингиз даркор. Сиз каби ночор одам билан кечган турмуш, шубҳасиз, мана шунга арзийди.

Ана энди нафасингизни бир ростлаб олинг-да, юқорида ёзилган барча қабихликларни унутинг — бу айбномалар сизнинг шаънингизга мутлақо мос эмас, сиздан узр сўраймиз ва бизни тушунарсиз, деб ўйлаймиз.

Ҳақиқий «тестлаштириш» мана энди бошланади. Унинг асосини тез-тез, ҳар турли руҳий тренинглар билан ишлашда қўллайдиган карахтлик терапияси усули ташкил этади. Карахтлик ҳолати кўпинча инсонни ўзга одам иродасини бажаришга мажбур этишда қўлланилади — раҳбарият буйруғига бўйсунуш, бегона одамга пулини икки қўллаб тутқазиб юбориш, виждонсизларча қилинган рекламага ишониш... кабилар.

Фикрингизни бир жойга жамланг ва шаънингизга айтилган даҳшатли сўзларни ўқиганингиздан сўнг, унга нисбатан кўнглингизда кечган дастлабки таассуротингизни эслаб кўринг ва айнан мана шу таъсирчанлик сизнинг ахлоқий турғунлигингизни белгилаб беради.

Демак, агар сиз:

1. Кулиб қўйган бўлсангиз (кулги жазавали эмас, балки соғлом бўлиши даркор), табриклаймиз, миянгиз унча оддий бўлмаган ва эҳтимол, хавфли вазиятга тўқнаш келиб, кулги кўринишидаги ҳимоявий механизмни ишга солиб юборади. Сиз бундан хижолатга тушганингиз йўқ, негаки, ўз қадрингизни биласиз ва ўзингизни йўлдан уришларига йўл қўймайсиз. Ҳақиқий хавф-хатарга дуч келиб қолсангиз, сиз рақибингизни осонгина чалғитиб кета оласиз ва уни жиддий қабул қилмаётганингизни билдириб қўя қоласиз. Бу эса сизга вақтдан ютиш ва муаммони тезгина ҳал қилишда тўғри қарор қабул қилишингизга имкон беради.

2. Уят ҳиссини туйдингиз ёки юрагингиз безиллаб қайси саволга «нотўғри» жавоб қайтардим экан, дея ич-этингизни ея бошлай-

сиз. Афсуски, сиз нохуш вазиятларда ўзингизни йўқотиб қўясиз — сизнинг таъсир кўрсата олиш қобилиятингиз паст. Тўғри, онгингиз вазиятни назорат қилишга уринса-да, саросимага тушиб, гангиб қолишингиз сизни буткул чулғаб олади ва сиз англашилмаган ҳолда ўзгалар сценарийси бўйича ҳаракат қилишга киришиб кетасиз.

Сизнинг иззат-нафсингиз топталган ва сиз биринчи дуч келган одам нохуш вазиятдан чиқиш йўлини тавсия этса, лаққа тушиб, ишониб кетаверасиз. Бунга ажабланишга ҳам ҳожат йўқ, ўша «биринчи дуч келган киши» қоидага кўра мана шу вазиятни яратган фирибгар, қаллоб бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас.

3. Тестни янгидан кўриб чиқишга иштиёқ уйғонди ёки жавоблар вариантнинг бошқа кўринишларини ўқиб чиқдингиз. Мана буни, айтиш жоизки, энг «тўғри» таъсирланиш деса бўлади. Аммо, афсуски, реал ҳаётда уни ҳаммиша ҳам қўлаб бўлавермайди — шундай ҳам бўладики, тезкор ва қатъиятни мантиқий таҳлил қилиш ва ундан чиқишнинг мақбул йўлини излаб топиш эса анчагина вақтни талаб этади. Умуман олганда эса сиздан кўнгил хотиржам бўлса бўлади: сиз етарли даражада ўйлаб иш кўрадиган, вазиятдан яхшигина хабардор одамсиз ва муттаҳамларнинг содда қармоғига осонгина илиниб кетаверадиган анойилардан эмассиз. Сизни мувозанатдан чиқариш учун қаллоблар анчагина бош қотиришларига тўғри келади.

4. Жаҳлингиз чиқди (таҳририятга бошлаб шиддатли хат ёздингиз келиб қолди). Баъзан жаҳл отига миниш ҳам қўл келиши мумкин — хужумкорлик кўрсатиб, сиз муттаҳамни ҳатто чўчитиб қўйишингиз ҳам мумкин, у сиз билан пачакилашиб ўтириш хавfli деган қарорга келиши ва эҳтимол, оёғини қўлига олиб қочиб қолиши ҳам мумкин. Аммо ғазабланиш — икки учли таёқнинг ўзгинаси. Жаҳл чиққанда ақл кетади, деганларидек, бунақа пайтларда одам ўзини назорат қила олмай қолади, диққат бўлинади, чалғийди ва бу ҳолатдан ҳам осонгина фойдаланиб қолиш мумкин. Шу боис сиз асабларингизни яхшилаб чиниқтириб олишингиз даркор.

ҲАЁТ ҚУВОНЧЛАРГА ТЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Ҳаётдан баҳра олиб яшаш соғлиқ учун кони фойдадир. Бунинг учун эса инсон оптимист бўлмоғи шарт. Ҳаётга умид ила боқиш, яхши ниятлар билан яшаш ҳар хил дардлардан халос этади ва бундан ташқари сизни омадсизликдан асрайди. Лекин бунга эришиш учун нима қилмоқ керак?

1. Амалга оширса бўладиган мақсадларни кўзланг.

Олдингизга қўйган мақсадингиз ҳаётга яқин, яъни реал бўлиши шарт. Амалга ошиши мумкин бўлмаган ва ўта кичик бўлган ниятларни дилга тугиш инсонга бирдек салбий таъсир кўрсатади. Чунки биринчиси ўзимизга нисбатан ишончни йўқотишга сабаб бўлса, иккинчиси имкониятларимиз даражасини кўрсатиб беришга қодир эмас. Мақсадингиз айти дамда аниқ бўлиши лозим, акс ҳолда у режалигича қолиб кетади.

2. Ўзингизни ўзингиз назорат қилинг.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса сизни ўзингизчалик кўндира олмайди. Ортга назар солманг, ўтмишда бўлиб ўтган нарсалар учун ҳам пушаймон бўлманг. Аксинча, доимо ўзингизга ҳаммасини янгитдан бошлашингиз мумкинлигини уқтириб боринг. Ҳар доим, ўзингизга ишонмасангиз ҳам, гўё қўлидан ҳамма иш келадиган кишидек тутинг ўзингизни. Сиз ўз хатти-ҳаракатингизни ўзгартирсангиз ҳаётга нисбатан тушунчангиз ҳам ўзгаради, ўзингизга ишончингиз мустаҳкамланади, ҳамма нарсанинг уддасидан чиқа оласиз.

3. Уринманг, бажаринг.

Асосийси шуки, бир қарорга келдингизми, ҳаракат қилмай – бажаринг. «Ҳаракат қилиб кўраман» ёки «уриниб кўраман» деб сиз бу билан ўзингизга ҳам, атрофдагиларга ҳам қиладиган барча ҳаракатингизга қарамасдан қўлингиздан ҳеч нима келмаслиги мумкинлигини кўрсатасиз.

Бу билан сиз олдиндан ўзингизни омадсизликка тайёрлаб борасиз. Шунинг учун бу сўзни иложи борича камроқ ишлатишга ҳаракат қилинг.

4. Ёшингиздаги тафовутни енга олинг.

«Ёшингга қараб иш тутсанг бўлмасмиди?» деган танбеҳларни биз умримиз мобайнида кўп бора эшитганмиз. «Сенинг ёшингда бошқа нарсалар тўғрисида ўйлаш лозим». Биз бу гаплар, танбеҳлар асосида тарбияланиб борамиз. Кўпинча эса айнан шу сабаб биз ҳаётни умум қабул қилинган ўлчамлар асосида қабул қилишга одатланиб қоламиз. Лекин, ваҳоланки ҳаётга нисбатан ҳар биримизда ўзимизнинг мустақил тушунчаларимиз мавжуд. Ҳис-туйғу, сезиш қобилиятимиз бизга иш жойимизни, касбимизни, оилавий шароитимизни ўзгартиришни маслаҳат берса, демак, чиндан ҳам шундай қилмоқ керак. Катта ўзгаришлардан қўрқманг. Бирон-бир мақсадга эришиш учун ёшнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

5. Таваккал қилинг.

Биз туғилганимиздан бери таваккал қилишга ўрганиб борамиз. Таваккалчилик — ота-онамиз бизни ундан қанчалик асрашга уринмасин — барибир йўқолиб қолмайди. Ишни алмаштираётган, турмушга чиқаётганда, бошқа шаҳарга кўчиб ўтаётганда, биз албатта таваккалчиликка йўл қўямиз. Кўпинча эса боримизни ҳам йўқотиб қўйишдан қўрқиб, таваккалчилик қилишдан воз кечамиз. Шунинг учун нима таваккал қилаётганимизни яхши англашимиз зарур бўлади. Олдимизга қўйилган мақсад аниқ, эришса бўладиган бўлмоғи керак. Чунки кўпинча таваккал қилишдан қўрқиб сиз ўзингиз сезмаган ҳолда анча паст даражаларга ҳам рози бўласиз...

6. Хатолардан қўрқманг.

Бирон-бир ютуққа эришиш учун биз инқирозларга ҳам тайёр бўлишимиз лозим. Кетма-кет содир бўлган омадсизликлардан кейин ҳам хатоларингизни тушуниб қайтадан уриниб кўрсангиз ҳақиқий ютуққа эришасиз. Шунинг учун ҳаракат қилишдан қўрқманг. Ҳаётдан завқ олиб яшаш учун, эришаётган ютуқларингиздан қувонч олиш учун хато қилишингиз мумкинлигини тўғри англаб яшашингиз лозим.

ЮРАК СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

- ичманг, чекманг;
- уйку учун етарли вақт ажратинг (кўп эмас);
- ҳеч ким ранжитишига йўл қўйманг;
- оддий, табиий озиқ-овқат истеъмол қилинг (меъёрида);
- овқат ейишда луқмани шошилмай чайнанг;
- жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланинг;
- ўзингизга ёқмайдиган одамлар билан мулоқотда бўлманг (иложи борича);
- чой, қаҳва, спиртли ичимликларни кам истеъмол қилинг;
- кўпроқ пиёда юринг, чуқур нафас олинг;
- қайнатилган гўшт истеъмол қилинг (ҳафтасига 2—3 марта);
- ёнғоқ, писта, ошқовоқ истеъмол қилинг;
- озиқ-овқатларнинг 50% ини мева ва сабзавотлар ташкил этсин;
- парҳез таомларни кўпроқ истеъмол қилиб, қон таркибидаги холестеринни камайтиринг;
- энг асосийси, руҳиятингизни бошқара билинг ва юқоридагиларни бажариш учун ўзингизнинг иродангизга ишонинг.

8.8. Педагогик қобилият ва уни аниқлаш тести

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби педагогика соҳасида ҳам инсон омили бош вазифадир. Ҳар бир кишининг ўз ўрнида виждонан ва мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ишлашга эришиш таълим-тарбиянинг асосий тамойили саналади. Педагогик фаолиятда ўқитувчининг қобилияти асосий роль ўйнайди. Педагогик қобилиятнинг бир неча турлари бўлиб:

1. Академик қобилият – ўз фаолиятини чуқур билиш.
2. Перцептив қобилият – ўқувчининг ички дунёсини билиш.
3. Нутқ қобилияти – нутқ, мимика орқали фикрни ифодалаш.
4. Ташкилотчилик қобилияти – уюштириш, жипслаштириш, руҳлантиришни ташкил этиш.
5. Коммуникатив қобилият – муносабат, мулоқот, киришимлик.
6. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти ва ҳ.к.лардир.

Педагогик қобилият асосини педагогик-психологик ҳолатлар ташкил этиб, унда ўқитувчининг ўз касбий маҳоратини кўрсата олиши асосий роль ўйнайди. Биз айрим педагогик-психологик вазиятлардан чиқа олиш орқали педагогнинг қобилиятини аниқлаш тестини келтирмоқчимиз.

Педагогик қобилиятни аниқлаш тести

Ҳар бир педагогик-психологик вазиятларда берилган жавоблардан бирини танланг.

1-ҳолат. Дарс бошланди, ҳамма ишляпти. Лекин бир ўқувчи кулиб юборди. Сиз қарадингиз. У эса: “Қачон сиз дарс ўтсангиз кулигим келади”, – деди. Сиз эса:

- А. Зўр-ку?
- Б. Нимаси кулигили.
- В. Бемалол.
- Г. Нима, аҳмоқмисан?
- Д. Ҳазилкашларни яхши кўраман.
- Е. Кулдира олганимдан хурсандман.

2-ҳолат. Синфда бир неча вақт дарс ўтганингиздан сўнг сизга ўқувчи: “Сиз бизга бирор-бир нарса ўргатишингизга кўзимиз етмаяпти”, – деди. Сиз эса:

- А. Сенинг вазифанг ўқиш, ўқитиш эмас.
- Б. Сенга ўхшаганни албатта ҳеч нарсага ўргатиб бўлмайди.
- В. Балки бошқа синфга ўтарсан.
- Г. Ўзинг хоҳламаяпсан.
- Д. Нега шундай деб ўйлайсан?
- Е. Бу ҳақда гаплашиб оламиз, балки мендаги қайсидир хислат сени шундай хулосага келтиргандир.

3-ҳолат. Сиз ўқувчига топшириқ бердингиз, у эса сизга: “ Мен бу ишни бажармайман”, – деди. Сиз:

- А. Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам ишлашга мажбурсан.
- Б. Бўлмаса нега ўқишга келдинг.
- В. Ўзинг учун ёмон.
- Г. Нима билан тугашини ўйлайсанми?
- Д. Нима учунлигини тушунтириб бера оласанми?
- Е. Кел, ўйлаб кўрайлик, балки сен ҳақдирсан.

4-ҳолат. Бир ўқувчи сизга: “Мен ҳам бошқа ўқувчилардек “аъло” ўқишим мумкин. Шунча уринсам ҳам бўлмаяпти”, – деди. Сиз эса:

- А. Агар рост айтсам билмадим.
- Б. Албатта ўқий оласан.
- В. Сенинг қобилиятинг яхши, мен сенга ишонаман.
- Г. Нега ўзингга ишонмайсан?
- Д. Кел, муаммонгни қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида гаплашиб олайлик.
- Е. Бирга қандай ишлашимизга боғлиқ.

5-ҳолат. Дарсга кираётганда ўқувчи сизга: “Жуда чарчабсиз, кўришингиз ёмон”, – деди. Сиз нима дейсиз?

- А. Менга бундай дейишинг маданиятсизлик.
- Б. Ҳа, мен жуда чарчадим.
- В. Мен ҳақимда қайғурма, ўзингни ўйла.
- Г. Яхши ухлолмадим, ишим жуда кўп эди.
- Д. Эътиборинг учун раҳмат.

6-ҳолат. Ўқувчи сизга: “Мен сизнинг фанингизни яхшироқ билишим мумкин, чунки кўлимдан ҳамма иш келади”, – деди. Сизнинг жавобингиз?

- А. Ўзингни юқори баҳолайсан.

- Б. Шу қобилиятинг билан-а?!
- В. Демак, ўзингга ишонасан, бўлиши мумкин.
- Г. Кўп ҳам ўзингга ишонма.
- Д. Сенга ишонаман, чунки қобилиятинг бор, меҳнат қилсанг бўлади.

7-ҳолат. Ўқувчи сизга: “Мен яна дафтаримни уйда қолдирибман”, – деди. Сизнинг жавобингиз?

- А. Янами?
- Б. Бунчалик жавобгарсизсан.
- В. Ўзингни қўлга олишинг керак.
- Г. Нега, нима учун?
- Д. Бирор сабаби бор бўлса керак.

Ушбу ҳолатларга қандай жавоб беришингизга қараб ўзингизнинг педагогик қобилиятингиз намоён бўлади. Саволларнинг А жавоби 1 балл, Б жавоби 2 балл, В жавоби 3 балл, Г жавоби 4 балл, Д жавобига эса 5 балл қўйиб чиқинг. Сиз қайсини танлаган эдингиз, ҳисобланг. Тўплаган балингиз:

7–14 гача бўлса – Сиз умуман педагог бўла олмайсиз.

15–25 гача бўлса – Сиз педагог бўла оласиз, лекин идеал (мукамал эмас).

26–35 гача бўлса – Сиз ҳақиқий педагогсиз, идеал педагог бўлишга имконият катта.

Интеллектуал психологик топишмоқ

О... ни ишлатиб, Д... ни тўплаб, И... дани мустаҳкамлаб, эшитган, ўқиганини И... қилиб, Х... ишга тушириб, Т... таҳлил этиб, олинган натижани Ҳ... билан айтиб бериш жараёни бу И... дир. Ишлатилган сўзларни қуйидаги пирамидага қўйиб чиқсангиз, дарсни ташкил этишнинг “Олтин қоида”ларидан бири (психологик) келиб чиқади.

Сизга омад ёр бўлсин!

Интеллектуал психологик топишмоқнинг жавоби

Огни ишлатиб, Дикқатни тўплаб, Иродани мустаҳкамлаб, эшитган, ўқиганини Идрок қилиб, Хотирани ишга тушириб, Тафаккур таҳлил этиб, олинган натижани Ҳиссиёт билан айтиб бериш жараёни бу Имтиҳондир. Ишлатилган сўзларни қуйидаги пирамидага

қўйиб чиқсангиз, дарсни ташкил этишнинг “Олтин қоида” ларидан бири (психологик) келиб чиқади.

Дарс ўтишнинг “Олтин қоидаси” – психологик қатор



IX БОБ. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

9.1. Халқ таълими тизимида психологик хизмат тўғрисида Низом

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Психологик хизмат халқ таълими тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

2. Халқ таълими тизимидаги психологик хизмат республикадаги яхлит психологик хизматнинг энг муҳим жабҳаси бўлиб гавдаланади.

3. Психологик хизмат мутахассислари барча муаммоларни ҳал қилишда ҳар қайси шахс (педагог, ўқувчи, ота-она, талаба) манфаати ва унинг ҳар томонлама гармоник ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ёндашади.

4. Психологик хизмат мутахассислари ўз фаолиятларини тиббиёт ходимлари, дефектологик хизмат, муҳофаза қилиш ташкилотлари, муайян комиссиялар балоғатга етмаган ўсмирлар инспекцияси, ота-оналар қўмитаси, маҳалла қўмитаси, ишлаб чиқариш жамоаси, жамоатчилик билан алоқада амалга оширадилар. Барча мутахассислар билан муносабат тенглик, позицияларни ўзаро бойитиш (тўлдириш) асосида кўрилади.

5. Психологик хизмат кўрсатиш фаолияти мактабни ҳозирги замон психология фани ютуқлари билан илмий-услубият бўйича таъминлашга, инсоннинг шахсий ва интеллектуал (ақлий) жиҳатдан ривожланишини диагностика қилишга, таълим ва тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлашга, энг муҳими, мавжуд камчилик ва бузилишларнинг олдини олиш (профилактика)га йўналтирилган бўлиши лозим.

6. Халқ таълими тизимидаги психологларнинг фаолияти психологик консультация ва муомаланинг ижтимоий-психологик фаол усулларга (методлари), психокоррекция, психодиагностика, ижтимоий, педагогик болалар психологияси соҳалари бўйича умум психологик, тайёргарлик олган, психологик ихтисосга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

7. Амалий психолог фаолиятида раҳбарлик мутахассислиги соҳаси бўйича амалга оширилиш назарда тутилади.

Халқ таълими тизимидаги психологик хизматнинг мақсади шахс

камолоти, тўлақонли психологиканинг ҳар томонлама гармоник тараққиётини таъминловчи оптимал шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Психологик хизматда тадқиқот ва таъсир ўтказиш объекти мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, махсус ўқув юрти ва олий мактаб талабалари, ўқитувчилар, ота-оналар бўлиб ҳисобланади. Уларни алоҳида ёки гуруҳий шаклда тадқиқ қилиш мумкин.

Психологик хизмат мазмуни психопрофилактика, психологик маориф, маърифат; психодиагностика; психик ривожлантириш ва психокоррекция ҳамда психологик консультациялардан ташкил топади.

Психологик хизмат методлари турли-туман бўлиши мумкин: а) маърузалар туркуми ва тренинг машғулотлари ўтказиш (халқ таълими ходимлари, ўқувчилар ва аҳолининг психологик маданиятини ўстириш мақсадида); б) илмий-оммабоп адабиётларни яратиш ва уларни тарқатиш; в) оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш; г) психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш, методикалар ишлаб чиқиш (тест, савол varaқаси, тажриба, кузатиш, суҳбат ва бошқалар); д) психологик консультация ўтказиш; е) психологик консилиумлар уюштириш; ж) таълим ва тарбия берувчи дастурлардан фойдаланиб психодрамма, психокоррекция тренингларни амалга ошириш; з) психологик, объектнинг психология хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастури, ўқув тарбия режаларини таҳлил қилиш ва ҳоказолар.

Психологик маориф ёки маърифат ўқувчилар, халқ таълими ходимлари, аҳолининг психологик маданий савиясини кўтаришга қаратилган. Психологик маориф ёки маърифат куйидаги фаолият шакллари амалга оширишни кўзда тутди: 1) психологик муаммолар бўйича педагогик кенгашларда, илмий кенгашда маърузалар билан чиқиш (болалар боғчалари, мактаб, ўрта махсус ўқув юрти, олий ўқув юртларида); 2) Халқ таълими ходимлари (болалар боғчалари мураббийлари, мактаб ўқитувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларини психология фанларининг охириги ютуқлари билан таништириш; 3) ота-оналар тарбиячилар ва психологлар қатнашувида психологик тренинг ўтказиш (боғча, мактаб); 4) психотуркум маърузалар ва семинарлар ташкил қилиш (олий ўқув юртларида); 5) халқ таълими тизимининг барча бўғинлари учун таълим ва тарбиянинг психологик масалалари юзасидан услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш; 6) ота-оналар билан маърифий

суҳбатлар уюштириш; 7) талабаларнинг касбий фаолияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уларга психологик кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқариш ва бошқалар.

2. ПСИХОПРОФИЛАКТИК ИШЛАР

Ушбу йўналишнинг асосий вазифалари бўлиб 1) ҳар бир ёш босқичда инсоннинг шахс сифатида шаклланиш, ақлан баркамолликни таъминлашнинг оқилона шарт-шароитларини яратиш; 2) шахс камолоти ва интеллектуал тараққиёти бўсағасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик бузилиш ва нуқсонларнинг ўз вақтида олдини олиш ҳисобланади.

Психопрофилактик ишларнинг мазмуни:

1. Шахснинг муайян шароитга мослашишида оила ишларини олиб бориш.

2. Болаларни биринчи босқичли таълимга қабул қилишда қатнашиш, уларнинг мактаб таълимига психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш, ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқувчилар билан индивидуал ишлаш дастурини ишлаб чиқиш, янги типдаги мактабларга, хусусан, коллеж, лицей, гимназияларга ўқувчилар қабул қилишда иштирок этиш.

3. Ўқувчиларни таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтказишнинг психологик-педагогик комплекс тадқиқотида бевосита қатнашиш, шунингдек, лицей ва коллежларда бир синфдан бошқа синфга ўтказишни психологик жиҳатдан текшириш.

4. Таълим ва тарбия, яшаш шароити билан боғлиқ невротик ҳолатлар, психологик зўриқишнинг олдини олиш учун боллар билан ишлаш.

5. Шахснинг қобилияти, майли, психологик фазилатлари, хусусиятларининг тўлақонли намоён бўлиши мақсадида ақлий тараққиёт даражасини аниқлаш учун психологик консилиум ташкил қилиш.

6. Янги типдаги мактабларда энг қулай психологик муҳит юзага келтириш учун махсус иш олиб бориш: педагогик жамоада муомала шаклини такомиллаштириш, оқилликни жорий қилиш (катталар), ўқувчилар билан ўқитувчилар муомала жарёенини яхшилашга ёрдам бериш: шахсга оид, ихтисосликка доир муаммолар юзасидан ўқитувчиларга кенг қўламда маслаҳатлар бериш.

7. Педагогик жамоа аъзоларидаги психологик зўриқиш ва қозонишни йўқотиш, камайтириш, уларнинг олдини олиш учун қоралатдирларни таркиб топтиришга кўмаклашиш.

8. Тарбиявий иш режасини амалга оширилган ва тайёрланган тадбирларни, педагогик таъсир ўтказишни болалар, ўқувчилар, талабаларнинг ёш ва этнопсихологик хусусиятлари, уларни камолотга етказиш ва вазифасига монандлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш.

9. Мактабнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган илмий жиҳатдан асосланган моделини ўқитувчилар ҳамкорлигида яратиш. Умумтаълим ва янги типдаги мактабларда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини психологик-педагогик диагностика қилишда қатнашиш, унга ўзгартиришлар киритиш, оқибат натижада ўқувчилар гармоник тараққий этиш муаммосининг мақсадга мувофиқ ҳал қилинишига хизмат қилиш.

10. Ўқув мотивлари, шахснинг йўналиши, унинг этномаданият билан боғлиқ бўлган қадриятларига йўналтириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнига тузатишлар киритиш.

11. Шахслараро, этник, гуруҳлараро, миллатлараро ҳар хил кўринишдаги зиддиятларнинг олдини олиш учун психологик тадбирларни ишлаб чиқиш (дискуссия, баҳс уюштириш, халқлар тарихи ва маданиятини оқилона ўрганиш, бу соҳадаги ижобий тажрибаларга алоҳида эътибор бериш) муҳим аҳамият касб этади.

12. Талабалар, ходимлар, муаллимлар ўртасида содир бўлувчи низоларнинг психологик илдизини ўрганиш, шахслараро муносабатларнинг асл моҳиятини намоён қилиш, уларни келтириб чиқарувчи мотивларни таҳлил қилиш, фавқулодда вазиятларни енгиллаштириш ва тамоман бартараф қилиш йўллари юзасидан маслаҳатлар бериш.

13. Ёшлар ўртасидаги айш-ишратларига, гиёҳвандликка, енгил турмуш кечиришга, қинғир йўл билан бойишга, чайқовчилик, қизлар орасида суюқоёқликка ружу қилувчи шахслар билан индивидуал ишлашни йўлга қўйиш.

14. Оғир касалликка учраган ходимлар, талабалар руҳиятини тиклаштириш, абадий қонунияти билан уларни таништириш, пессимистик кайфиятдан воз кечиб, шукрона билан яшашга ўргатиш юзасидан тавсиялар бериш.

15. Хулқи, хатти-ҳаракати бузилган олий мактаб ходимлари, муаллимлари, талабалари билан яқка ҳолда иш олиб бориш.

16. Ўзлаштирмовчи талабалар руҳий дунёсидаги нуқсонларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш,

амалиётга татбиқ қилиш ҳамда коррекцион ишга муҳтож одамларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

17. Ўз-ўзини бошқариш имкониятини олий мактаб жамоаси аъзолари ўртасида аниқлаш (биоритмика, эмоция, мотивация, ирода, қизиқиш, диққат кабиларнинг шахс томонидан идора қилиниши назарда тутилади).

3. ПСИХОДИАГНОСТИК ИШЛАР

Мазкур ишлар ўқувчиларни мактабда, коллежда ва лицейларда ўқитиш давомида психологик-педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларни, таълим ва тарбиядаги нуқсонлар сабабини аниқлашга мўлжаллангандир. Диагностик ишлар гуруҳий ёки якка ҳолда (индивидуал) ўтказилади. Бу аснода психолог қуйидаги амалий психологик вазифаларни бажаради:

1. Ёш давр тараққиёти мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психологик баллар, ўқувчилар махсус мактаб ва билим юрти тингловчиларини, олий ўқув юрти талабаларини психологик текширувдан ўтказиши, уларнинг камолот даражаларини белгилайди.

Ўқувчиларнинг касбий яроқчилигини диагностика қилади, уларнинг шахс хислатлари, иродавий сифатлари, ҳис-туйғулари, ўз-ўзини бошқариш имконияти, интеллектуал даражасини текширади.

2. Психолог ўқувчилар ва талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, иқтидори кабиларни ўргангани, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишига муайян ёрдам кўрсатади.

3. Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, ҳунар билим юрти тингловчилари, янги типдаги мактаб, олий ўқув юрти талабаларида учрайдиган ўқув малакалари ва кўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар, хулқ-атвордаги камчиликлар, интеллектуал тараққиёт ва шахс фазилатларидаги бузилишлар сабабларини диагностика қилади.

4. Болаларнинг вояга етган одамлар ва тенгқурлар (тенгдошлар)и билан муомаласини ўрганиш учун уларни текширади. Уларнинг этномаданияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда психофизиологик методикаларни муайян шароитга мослаштиради (адаптациялаштиради).

5. Бошқа соҳа мутахассислари билан биргаликда психик ривожланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган, дифференциал диагностикани амалга оширади:

– нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлайди;

– социал хулқ-атвор сабаблари ва шаклларини белгилайди;

– гиёҳвандлик, токсикоманлик, алкоголизм, ўғрилиқ, дайдиликнинг ижтимоий-психологик илдиэларини текширади, омилларни таҳлил қилади ва бошқалар.

6. Раҳбар кадрлар, ўқитувчиларнинг касбга яроқлилигини илмий асосда текшириш ва аниқ тавсияномалар ишлаб чиқиш.

7. Олий мактаб ходимлари синов (адаптация) муддатини (ёш мутахассис, стажер, ўқитувчи, аспирант ва бошқаларни) ўрганиш ва амалий кўрсатмалар бериш.

8. Иш юритиш, сайлов, саралаш, танлов, қабул бўйича илмий психологик башорат (прогноз) қилиш, вужудга келиши мумкин бўлган хавфдан маъмуриятни огоҳ этиш. Аттестация, ижтимоий талаб ва буюртмалар юзасидан ижтимоий-психологик ахборотлар тўплаш ва уларни умумлаштириб, яккаҳол тавсиялар яратиш.

9. Чет эл билан алоқа қилиш, кадрлар малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал потенциалини (имкониятларини) аниқлаш, фан ва техникани ривожлантириш имконияти олий мактабнинг нуфузи тўғрисида материаллар йиғиш, уларни психологик таҳлил қилиш ва маслаҳатлар бериш.

10. Ўқув қўлланмаларнинг сифати, китобхонлик муаммоси, ходимлар, талабаларнинг давлат мулкига муносабати ҳақида маълумотлар тўплаш ва уларни умумлаштириш, маъмуриятга, касаба уюшмасига ахборот тайёрлаш.

11. Ётоқхоналарда талабаларнинг талаби, эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий қарашлари, позиция, маслағи, турмушга муносабати тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларнинг фаолиятини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

12. Олий мактаб ходимлари, талабаларнинг экологик, иқтисодий, сиёсий этнопсихологик билимлари савиясини текшириш, мустақилликни мустаҳкамлаш имкониятини ўрганиш, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқиш.

13. Анъанавий таълим ва тарбия методлари ютуқ ҳамда камчиликларини тадқиқот қилиш, инновацион, фаол услублар самара-

дорлигини синаб кўриш, талабаларнинг уларга нисбатан муносабатларини аниқлаш ва шуларга асосан ўқитишни индивидуаллаштириш, дифференциялаш бўйича ўқув бўлимига кўрсатмалар тавсия қилиш.

14. Иқтидорли талабалар, ёш мутахассислар, аспирантларни танлашда иштирок қилиш, илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқариш ва шунга асосланиб уларга нафақалар белгилаш.

15. Ходимлар, талабалар ижодий фаолияти маҳсулдорлиги, тўғрақлар фаоллигини кўтаришнинг тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг имкониятларини текшириш, касб маҳоратини эгаллаш бўйича мусобақалар, баҳслар ташкил қилиш ва уларнинг маҳсулдорлиги тўғрисида башорат қилиш.

16. Талабалар ўртасида бўш вақтни тақсимлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш муаммосини ижтимоий-психологик нуқтаи назардан текшириш ва бўш вақтни мақсадга мувофиқ ташкил қилиш йўллари, улардан этнопсихологик билимлар, маънавий қадриятларни эгаллашда фойдаланиш имкониятларини психологик таҳлил қилиш.

17. Олий мактаб ходимлари, талабаларида давлат маблағини тежаш туйғусини аниқлаш, тежамкорлик, мол-мулкни асраш ҳиссини ўрганиш, уларда меҳнатни қадрлаш бурчини шакллантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий ғурур, миллатлараро муносабат маданиятини таркиб топтириш.

18. Олий ўқув юрти ходимлари, талабаларида ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш юзасидан илмий-психологик дастур яратиш ҳамда унинг моддий бойлик ишлаб чиқаришдаги улушини таҳлил қилиш.

4. РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ВА КОРРЕКЦИОН ИШЛАР

Психологик хизматнинг мазкур йўналиши психологдан инсон шахси ва интеллектуаллигини таркиб топтириш жараёнига фаол таъсир ўтказишни тақозо қилади. Халқ таълими тизимидаги психологнинг вазифаси психологик хизматни муайян қоида, мезонга асосланиб ташкил қилишдан иборат бўлиб, ёш давр хусусиятларига биноан (болалар, ўқувчилар, талабалар) психиканинг ривожланиши шахснинг шаклланиши қонуниятларини амалиётга татбиқ этиш, ўқувчилар жамоасига болалар, ўқувчилар ва талабалар таълим-тарбиясини индивидуаллаштиришда ёрдамлашиш, улар қобилияти, майлининг ўсиш даражасига қараб ўқувчиларга коррекци-

он ишларни амалга оширишда қўрсатмалар бериш. Психологик хизматнинг ушбу йўналишида алоҳида аҳамият касб этадиган нарса бу болалар, ўқувчилар, талабалар ўсишда кечикиш (орқада қолиш), уларда хулқнинг бузилиши, таълимда ўзлаштиришнинг ёмонлашуви кабиларни ўрганиш ҳисобланади.

1. Психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда жадал ривожланишини ҳисобга олувчи, улар психикасининг барча жабҳаларини қамраб олувчи динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун фаолиятини йўналтиради, ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи, умуминсоний, этнопсихологик қонунлар муҳитида камолотга интилувчи шахсни таркиб топтиришни бош мақсад деб танлайди.

2. Амалий психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик тараққиётидаги, хулқи ва муомаласидаги нуқсонлар ҳамда камчиликларни аста-секин тугатқш, коррекция қилиш дастурини ишлаб чиқаради ва амалиётга уни татбиқ этади. Бунинг учун улар билан махсус машғулотлар, бузилишини камайтириш машқларини ўтказилади, ижодий (криатив) қобилиятларини ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради.

3. Ривожлантирувчи ва психокоррекцион муаммоларни қамраб олади. Коррекцион фаолиятининг психологик қисми мутахассислар томонидан амалга оширилади. Мазкур ишнинг педагогик жиҳати эса психологнинг педагоглар, ота-оналар билан ҳамкорлигида ўтказилади ва бутун масъулият унинг зиммасига тушади.

4. Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ва ҳолатларда ташкил қилинади:

а) амалий психологнинг махсус машғулоти айрим болалар, ўқувчилар ва талабалар билан алоҳида ўтказилиши режалаштирилади;

б) болаларнинг бошқа бир фаолияти махсус равишда амалга оширилиб, болалар, ўқувчилар, талабалар гуруҳларига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган бўлади;

в) ота-оналар, педагогик жамоа иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш назарда тутилади.

5. Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастурини шундай тузиш кераки, унда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гуруҳининг қадриятга йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданияти хусусиятлари ўз аксини топсин: дастурни халқ, этнос, миллат, элат тарихи, анъаналари, расм-русумлари, удуми, одати, стереотипи кабиларни ҳисобга олган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир.

6. Эмотционал зўриқишнинг олдини олиш ва уни камайтириш ниятида махсус кабинетлар жиҳозлаш, хона жаҳон стандартларига жавоб бериши, бошқарув пулти, ёрқин воситалари, аугатренинг, социал тренинг, техник воситалар, илмий услубий методикалар бўлиши лозим.

7. Коррекцион ишлар маълум тартибда илмий танлов асосида муайян сеанс бўйича ўтказилиши шарт. Бунда эмотционал зўриқишга учраган шахснинг миллати, ёши, жинси, индивидуал, типалогик хусусияти, таъсирланиш даражаси ҳисобга олинаши керак.

Тузатиш ишлари машғулот, фаолият, касб хусусиятига мос, муносиб бўлиши таъсир ўтказиш самарадорлигини оширади: унда япон услубларини қўллаш ҳам зарур маълумотлар тўплаш ва тангликни йўқотиш имконини яратади.

5. ПСИХОЛОГНИНГ КОНСУЛЬТАТИВ ИШЛАРИ

Ушбу йўналишда психолог қуйидаги аниқ ишларни амалга оширади:

1. Болалар, ўқувчилар, талабалар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан, маъмурият (директор, ректор, мудир), ўқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар, ижтимоий ва жамоатчилик ташкилотлари ходимларига аниқ, яққол маслаҳатлар бериш.

2. Таълим, тараққиёт, тарбия, касб танлаш ва турмуш қуриш, ўзаро муносабат, муомала ва мулоқот сирлари, тенгдошлар ва вояга етмаганлар муносабати, маслак, дунёқараш, қобилият, иқтидор муаммолари юзасидан индивидуал, гуруҳий, жамоавий тарзда консультациялар уюштириш.

3. Маъмуриятга болалар, ўқувчилар, талабалар (ётоқда, клубларда, кутубхоналарда) қизиқтирувчи масалалар бўйича маслаҳат бериш, уларни фаоллаштириш, уларга таъсир ўтказиш тўғрисида раҳбар кадрларга амалий кўрсатмалар тайёрлаш.

4. Шахснинг психологик ҳолати юзасидан эксперт-консультант сифатида психолог қатнашиши, халқ судлари масаласи бўйича болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик ўсишининг хусусиятларига оид маълумот бериши, ўғил ва қизларни асраб олиш, оналик ва оталиқдан маҳрум қилиш, ташкилотларнинг гамхўрлик ва васийлик тўғрисидаги қабул қилган қарорига муносабати, шахс тақдирини ҳал қилишда қатнашиши ва маслаҳатли фикр билдириши лозим.

5. Ота-оналарга боланинг психик ривожланиш хусусиятлари, шахс сифатида шаклланиши, ўзаро муносабат мақомлари, мароми, унда фарзандларнинг ёш, жинс, индивидуал-трополик хусусиятлари муаммоси бўйича илмий-амалий масалаҳатлар бериш.

6. Халқ таълими тизимининг барча бўғинлари ва бошқичларида маъруза ўқиш, ота-оналар йиғилишида, метод бирлашма мажлисида, педагогик кенгашда, илмий кенгашда иштирок қилиш орқали педагоглар, муаллимлар, ота-оналарнинг психологик маданиятини оширишга ҳаракат қилиш, уларга индивидуал, гуруҳий маслаҳатлар бериш.

7. Психологнинг бурчи таълим-тарбия иш режасини тузишда, тарбиявий тадбирлар ишлаб чиқишда, ўқув дастури, қўлланмаларини яратишда фаол иштирок қилиш, бош мақсад бўлган шахснинг интеллектуал қобилияти, умуминсоний фазилати, билим олиш кўникма ва малакалари, мутахассислик ҳисларини шакллантиришдек муқаддас ишга ўзининг муносиб улушини қўшишдан иборат шарафли вазифани бажариш.

6. ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Мазкур хизмат ходими қуйидагилар олдида жавобгардир:

1. Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатадиган психолог қўйган диагнознинг тўғрилигига, қўлланилган диагностик ва коррекцион методларнинг омилкорлиги, тавсиянинг илмий жиҳатдан асосланганлигига жавобгардир.

2. Психолог тадқиқот ва кузатиш ишларининг қайдномаси, хизмат ҳужжатларининг сақланишига жавобгар шахс ҳисобланиб, уларни муайян қоидага биноан маълум тартибда расмийлаштириши ва асраши шарт.

7. АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Амалиётчи психологнинг фаолияти унинг вазифалари мажмуаси тўплами билан бошқарилиб турилиши лозим.

9.2. Дарснинг психологик таҳлили

Дарснинг психологик таҳлили ҳақида сўз юритишдан олдин унинг педагогик таҳлилини кўриб чиқамиз.

Дарснинг педагогик таҳлилида ўқитувчининг фаолияти, қобилиятининг ўсиши, шахснинг ривожланиши ҳақида сўз бормайди.

Дарснинг психологик таҳлилида эса ўқувчининг фаолиятини таҳлил қилиш билан бир қаторда асосий қилиб ўқитувчининг фаолияти олинади.

Дарснинг психологик таҳлили қуйидаги саволларга жавоб бериши билан бир қаторда унинг натижасини аниқлайди:

1. **Ташкилий.** Ўқувчиларнинг дарсга психологик тайёргарлиги мақсад ва вазифасининг аниқлиги:

- ўқитувчининг дарсга психологик тайёргарлиги ўқувчиларга қўйилган мақсад ва вазифани бошқариш усул ва услубини билиш;
- синфда психологик иқлим ва уни яратиш учун ўқитувчининг иши.

2. **Ривожлантирувчи.** Ўқувчи фаолиятининг характеристикаси (ижодкорлик, мустақиллик, шахснинг ривожланиши учун бажариладиган иши ва ҳ.к.):

- ўқувчи фаолиятининг характеристикаси;
- ўқувчи шахсининг ривожланиши учун ўқитувчининг иши (ўқувчи психологиясининг қайси томонларини ривожлантиряпти ва ҳ.к.);

- ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқитувчи психологик алоқанинг натижаси (қайта алоқа);

- ўқитувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш учун ўқитувчининг бажарган иши;

- таълимнинг умумий ва хусусий мақсади, вазифалари ва сабабларининг бажарилиш.

3. **Назорат ва баҳолаш.**

- ўқитувчилар ишини (фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш характеристикаси);

- айрим ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, баҳолаш ва қайта кўриб чиқиш характеристикаси;

- ўқитувчининг фаолиятини баҳолаш.

4. **Хулоса ва яқун. Маслаҳат бериш.**

Дарснинг психологи таҳлили бир бутун бўлиб, таркибий қисмлар (1, 2, 3) шартли равишлардир:

- хулоса ва яқун шу дарснинг таълим ва тарбия жараёнининг бир бўлаги сифатида нималарга эришганлигини аниқлайди;

- дарсда ўқитувчи фаолияти таҳлили ўқувчиларнинг ҳаётга тайёрлаш учун нима ишлар бажарилганлиги ҳақидадир;

- таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи усулининг муваффақиятли ва муваффақиятсиз томони таҳлили;

- ўқитувчи психологиясини баҳолаш;
 - дарсда ўқувчиларни шахсий ва психологик ривожлантириш таҳлили;
 - синфдаги психологик иқлимни баҳолаш.
- Дарснинг психологик таҳлиliga қўйилган замонавий (айримлари мунозараларга мунтазир) талаблар:
- ўқитувчи билим берувчи, тарбияловчи эмас: ўқувчиларнинг билим олиш ва тарбиялаш жараёни бошқарувчисидир.
 - ўқувчилар фаолиятини фақат ўқитувчи назорат қилиши ва баҳолаши нотўғридир: кўпроқ ўзаро назорат ва баҳолашга ўтиш керак;
 - ўқувчига талаб кўп бўлсин ва ҳурмат ҳам шунга яраша бўлсин;
 - дарсни ташкил этишнинг асосини ҳиссиёт ва яна ҳиссиёт ташкил этсин;
 - ўқувчи хато қилишга ҳаққи бор, лекин уни жазоламаслик керак, унинг хатосини ўзи ва бутун жамоа тузатиши ва ўргатиши керак;
 - баҳс ва баҳо учун ўқимаслик керак;
 - ўқувчиларни биринчи синфдан бошлаб меҳнатни илмий ташкил этишга (МИТЭ)га ўргатиш.

9.3. Мижозни аниқлаш сўров варақаси

Берилган тўрт фикрдан бирини танлаб жадвалга ўша ҳарфга (+), қолганларига (–) қўйилади. Ҳамма (10 та) фикрлардан ўзингизга тааллуқлисини белгилаганингиздан сўнг қайси қаторда кўп (+) бўлса, ўша сизнинг темпераментингиз ҳисобланади.

Саволлар варақасини ўқишдан олдин ўзингизга жавоблар варақасини чизиб олинг.

Саволлар	Жавоблар			
	1	2	3	4
1	А	Б	В	Г
2	В	А	Г	Б
3	Б	Г	А	В
4	В	Г	Б	А
5	А	В	Б	Г
6	В	Б	А	Г
7	Б	Г	В	А

8	Г	Б	В	А
9	А	Г	Б	В
10	А	В	Б	Г
Жами (+)				

САВОЛЛАР ВАРАҚАСИ

1. А — кайфиятим тез-тез ўзгариб туради, хурсандчилик тез ҳафачиликка айланиши мумкин, аччигимни чиқариш осон.

Б — доимо хушчақчақман ва шу кайфиятим одамларга ўтиб туради.

В — доим кайфиятим бир хил, аччигимни чиқариш қийин.

Г — доим кайфиятим ёмон, мени кулдириш қийин.

2. А — чаққон ва ҳаракатчанман.

Б — секин ва паст овозда гапириш ёқади.

В — тез ва шошилиб фикримни билдиришни хоҳлайман.

Г — секин ва баланд овозда кам ҳаракат билан гапираман.

3. А — агар ишим юришмаса ҳам бошлаган йўлимдан қайтмайман ва бошқа йўлни изламайман.

Б — ишим юришмаса ташлайман ва бошқа йўлни излайман.

В — ишим юришмаса хафа бўламан ва ташлаб юбораман.

Г — ишим юришмаса у ёдимдан чиқади ва давом эттираман.

4. А — тез чарчайман.

Б — кўп ва охиригача етказиб ишлайман.

В — ютуқ бўладиган ишни яхши кўраман.

Г — ҳар қандай ишни бажараман, кўпинча активлик қиламан.

5. А — танбеҳни ёқтирмайман, баҳслашаман.

Б — танбеҳни жим тинглайман, лекин яна хато қиламан.

В — танбеҳни диққат билан тинглаб тузатаман.

Г — танбеҳни эшитиб хафа бўламан, лекин баҳслашмайман.

6. А — ишлашдан олдин режа тузиб, кейин ишни бошлайман.

Б — агар ишда қийинчилик бўлса тезда мослашаман (шу ишга).

В — ишга тез киришаман, лекин кейин қийин бўлса тузатаман.

Г — ишни бошлашдан олдин ўйлайман, ёқмаса ишламайман.

7. А — бир қарорга келишдан олдин ўйлайман, ҳаяжонланаман.

Б — бир қарорга келишдан олдин ўйлайман.

В — бир қарорга келишим қийин.

Г — бир қарорга тезда келаман.

8. А — мулоқотда мулоқим, тактикали, ҳозиржавобман.

Б — мулоқотда бошловчи, чаққонликни яхши кўраман.

В – мулоқотни кўп яхши кўрмайман, бир ўзим бўлсам яхши.
Г – ёлғизликни ёмон кўраман, мулоқот учун доимо киши излайман.

9. А – хафачилиқдан қаттиқ ранжийман, лекин тезда унутаман.
Б – хафачилиқдан қаттиқ ранжийман, тез унута олмайман, бошқаларга билдиришни ёмон кўраман.

В – хафачилиқни тез унута оламан.

Г – хафачилиқни оптимистик равишда қабул қиламан, тез унутаман.

10. А – ҳазилни, ҳазил қилишни яхши кўраман.

Б – ҳазилни яхши кўраман, фақат энг яқин кишим билан.

В – бўлар-бўлмас ҳазил қиламан, лекин одамлар буни тушунмайди.

Г – ҳазилни унчалик ёқтирмайман, ҳазил қилишни ҳам.

1 – Холерик, 2 – Сангвиник, 3 – Флегматик, 4 – Меланхолик.

1. Холерик. Кучли, мувозанатсиз, эпчил, жанговор, жўшқин, осон ва тез таъсирланувчан тип. Аффект ҳолатлар кўпроқ кузатилади, мувозанатсизлик тез-тез намоён бўлади. У бирор ишни иштиёқ билан бошлайди, катта ташаббус кўрсатади, бироқ асаб кучи иш жараёнида тез тугаб қолади. Фаолияти бирдан пасаяди, ғайрати ва илҳоми йўқолиши мумкин. Кайфияти тез-тез ўзгариб туради, кўзғалиш, тормозланишга нисбатан кучли.

2. Сангвиник. Кучли, мувозанатли, эпчил таассуротларни тез-тез ўзгартирувчан, жўшқин, ташаббускор, кўзғалиш ва тормозланиш жараёни кучли.

3. Флегматик. Кучли, мувозанатли, суст ҳиссиётлиги оз, кулдириш, жаҳлини чиқариш ёки кайфиятини бузиш қийин. Чидамлик, матонатлилиқ сифатларига эга, лекин баъзан лоқайд, камфаросатли. Ташқи таассуротларга қийинчилик билан жавоб қайтаради. Ҳар қандай шароитда ўзини тута биледи (тормозлай олади).

4. Меланхолик. Кучсиз, юксак сензитивлик хусусиятига эга. Сизирлиги ортиқ, аразчан, тортинчоқ, кўнгли очиқ, қийинчиликлардан кўрқади. Ҳар нарсадан ҳадиксираб ўтиради. Яхши инсоний фазилатларга эга. Руҳий темпи суст, диққати тез чалғийди ва бир фикрли эмас.

Ўқитувчи-ўқувчи ўртасида психологик иқлим яратилади қачонки ўқитувчи:

1. Таълим-тарбия жараёнида ҳамеша ўқувчиларда ишонч ҳиссини уйғотса.

2. Ўқувчиларда таълим (ўқишнинг) мақсад ва вазифасини билишни шакллантирса.
3. Доимо ўқувчиларда ўқишга нисбатан ички мотив борлигини ҳис қилса.
4. Ўқувчи бирор муаммони ечишда қийналганда мурожаат қилиши мумкин бўлган манбага айланса.
5. Ўқувчиларнинг мурожаат манбаига айланса.
6. Ўқувчи (ўқувчилар)даги ҳиссий кайфиятни сезиш ва уни қабул қилиш қобилиятини ўзида ўстирса.
7. Ўзаро ҳамкорликни тушуниб унда актив қатнашса.
8. Ўз ҳиссиётини очиқ-ойдин намойиш этса.
9. Ҳар бир ўқувчининг ички дунёсини билиш ва унга ҳамдард бўлишга интилса.
10. Ўз-ўзини яхши билса ва баҳолай олса.

9.4. Ўқувчиларнинг турли соҳадаги (ёки айрим соҳадаги) касбларга нисбатан қизиқишлар даражасини аниқлаш тести

Экспериментнинг бориши: Ўқувчиларнинг қайси касбларга кўпроқ қизиқишларини аниқлаш учун махсус ишлаб чиқилган жадвалга мурожаат қилинади. Даставвал доскага ёки махсус плакатга қуйидаги жадвал намунаси чизиб қўйилади. Ўқувчи эса худди шундай жадвални (яъни жами 25 катакчадан иборат бўлган жадвални) алоҳида варақча чизиши ва ҳар бир катакда кўрсатилган икки касбдан бирини танлаб ёзиши керак (жадвалга қаранг). Демак, ўқувчи барча касбларни ўқиб чиққандан сўнг, ҳар бир катакда фақат битта касбни қолдириб кўчиради.

	а	б	в	г	д
5	Сотувчи Ўқитувчи	Машина тузатувчи Радио тузатувчи	Богбон Пахтакор ишловчи	Чизмалар билан иш- ловчи. Дизайнер	Меъмор Шоир
4	Завод ишчиси Автомашина тузатувчи	Ветврач Чорвадор	Лойиҳачи Радио- оператор	Архитектор Рассом	Қонун- шунос Тарбиячи
3	Геолог Тупроқшунос	Иқтисодчи Режалаш- тирувчи	Актёр Ёзувчи	Тарбиячи Ошпаз	Алоқа симла- рини тузатувчи Техника билан ишловчи

2	Ҳарф йиғувчи Телеоператор	Рассом Муסיқачи	Педагог Бригадир	Шофёр Электр ускуналари билан ишловчи	Агроном Биолог
1	Ойналарни жиҳозловчи Кийимларни жиҳозловчи	Муаллим Жарроҳ	Муҳандис Электр пайвандчи	Ўрмончи Асаларичи	Телеграфда ишловчи Ҳарфлар терувчи

Кейинги топшириқ шундан иборатки, бунда ўқувчи а, б, в, г, д катаклариди жойлашган касблар ҳақида яна ҳам чуқурроқ мулоҳаза юритиб, бу касбларнинг қайси бири (яъни горизонтал йўналиш бўйича бешта касб ичидан) унинг учун кўп ва кам аҳамиятлигига ва мазкур касбларга нисбатан қизиқишлар даражасига қараб беш баллик тизим асосида ҳар бир катакда тегишли балларни қўйиши лозим. Демак, бешта катакда бир-бирини такрорламайдиган беш хил балл бўлиши шарт. Яъни ўз ҳаёти учун энг иштиёқли ва маъқул деб ҳисоблаган касб ёзилган катакка энг юқори 5 балл, шунчаки қизиқарлисига — 4 балл, ўртача қийматга эга бўлган касбга 3 балл ёки 2 балл ва мазкур касблар ичида (горизонтал ҳолатда жойлашган бешала катакдаги касблар номи) энг кам қизиққан ёки мутлақо қизиқмайдиган катакка эса фақат 1 балл қўйилади. Худди шундай вертикал бўйича ҳолатда жойлаштирилган касбларни (1, 2, 3, 4, 5 ҳарфлар орқали кўрсатилган) бир-бирига нисбатан таққослаб тегишли баллар қўйилади. Яна бир маротаба эслатиб ўтамиз, жадвалдаги касбларга балл қўйиш жараёнида ўқувчи олдин энига горизонтал жойлаштирилган бешала касбни бир-бирга таққослаб, ўзининг нисбатан қизиқишини ифодалаган ҳолда беш хил (яъни «5», «4», «3», «2», «1») баллни қўйиши лозим. Сўнгра эса худди шундай баллар жадвалдаги касбларнинг бўйига вертикал таққослаб қўйиб борилади. Натижада эса ҳар бир катакда икитадан балл бўлиши шарт. Шундагина олинган маълумотларни методика мақсадига мос равишда тўғри ва аниқ таҳлил қилиш мумкин.

Олинган маълумотларни психологик таҳлил қилиш (буни фақат ўқитувчининг ўзи бажаради). Ўқувчиларга тавсия этилган ва касб номлари қайд этилган жадвал асосан қуйидаги 5 типга оид касбларни ўз ичига олган. Бинобарин, барча касб типлари қуйидаги бирин-кетинликда жойлаштирилган.

Касбларни бундай жойлаштириш ўқувчилардан олинган маълумотлар устида ишлаш ва уларда қайси касб турига кўпроқ қизиқиш ва йўналиш мавжудлигини аниқлаш учун махсус кўрсатма (калит) сифатида хизмат қилади. Чунончи, ушбу кўрсатмага асосан ўқувчини ифодаловчи умумий балларни таҳлил қилиш қуйидагича амалга оширилади:

(Юқоридаги жадвалнинг калити)

5	И	Тех	Таб	Бс	Бо	Шартли белгилар
4	Тех	Таб	Бс	Бо	И	«Инсон-инсон»
3	Таб	Бс	Бо	И	Тех	«Инсон-техника»
2	Бс	Бо	И	Тех	Таб	«Инсон-табиат»
1	Бо	И	Тех	Таб	Бс	«Инсон-белгилар тизими»
	А	Б	В	Г	Д	«Инсон-бадий образлар»

- 1) «Инсон-инсон»га оид баллар жамланади: а) 5, 1) 1, в) 2, г) 3
- 2) «Инсон-техника» а) 4, б) 5, в) 1, г) 2, д) 3.
- 3) «Инсон-табиат» а) 3, б) 4, в) 5, г) 1, д) 2.
- 4) «Инсон-белгилар тизими» а) 2, б) 3, в) 4, г) 5, д) 1.
- 5) «Инсон-бадий образлар» а) 1, б) 2, в) 3, г) 4, д) 5.

Шундай қилиб, барча касблар турлари бўйича йиғилган балларни бир-бири билан таққослаш натижасида ўқувчининг у ёки бу касбга бўлган қизиқиши ва йўналишлари даражасини аниқлаш мумкин. Шунингдек, олинган натижаларнинг нечоғлиқ ростлигига (тўғрилигига) ишониш ва ўқувчиларнинг касб танлашга муносабатини янада чуқурроқ таҳлил қилиш учун бошқа қўшимча усуллардан (суҳбат, савол-жавоб, тестлар, эркин мавзудаги ёзма ишлар ва ҳоказолардан) ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дифференциал-диагностик сўров ва уни қўллаш усули

Ўқувчиларнинг ҳунар таълимига муносабати уларнинг шу танлаган касблари фаолиятининг ҳар хил турларига нисбатан бўлган олдиндан шаклланган мойилликлари ва қизиқишларига мос келишига жуда кучли боғлиқ бўлади.

Проформентация масалалари билан узоқ йиллар шуғулланган етакчи психолог олим Е.А. Климов касбларнинг асосий типини фарқлайди:

- одам-табиат (қишлоқ хўжалиги, биология, зоология, геология ва ш.к.);
- одам-техника (машинасозлик);

- одам-одам (маиший хизмат соҳаси, савдо, маориф ва бошқалар);
- одам-белгилар системаси (операторлик типдаги касблар, транспортчилик ва бошқалар);
- одам-бадий образ (артистик, тасвирий санъат ва бошқалар);
- ўқувчи фаолиятининг қайси касб йўналиши турини аниқлаш учун Е.А. Климос Дифференциал-диагностик сўроқ (ДДС)ни ишлаб чиққан. Ушбу методика мактабларда, мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида кенг қўлланилган. Бундан айниқса гуруҳларга ўқувчиларни танлаб олишда, яъни меҳнат таълимининг бошланғич босқичларида (қачонки касбни ўзгартириш мумкин бўлган даврларда) қўллаш янада мақсадга мувофиқ бўлган услубиятдир. Бу услубият қулай, ихчам ва уни бажариш, натижаларни қайта ишлаш ўқувчилардан ва тадқиқотчидан катта қийинчилик ва кўп вақт талаб қилмайди. Ўқувчилар сўроқ варақасида келтирилган тақлифлардан бирини танлаши керак. Тасдиқлар қуйидагилардан иборат.

«Мен маъқул кўраман» Дифференциал-диагностик сўроқ

Агар сизга тақлиф этилган икки имкониятдан фақат биринигина танлашингизга (уларнинг ҳар иккаласининг ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъи назар) тўғри келгудек бўлса, сиз қайси бирини маъқул кўрган бўлардингиз?

1. а) Ҳайвонларга қараш уларни боқиш.
1. б) Машина, приборларга хизмат қилиш (уларни кузатиб туриш, қайд қилиш).
2. а) Бемор кишиларга ёрдам бериш, парвариш қилиш.
2. б) Жадваллар, схемалар, ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузиш.
3. а) Китоб безаклари, плакатлар, бадий откриткалар, грам-пластинкалар сифатини кузатиб бориш.
3. б) Ўсимликларнинг ҳолатини, ўсишини кузатиш.
4. а) Материалларни (ёғоч, газлама, металл, пластмаса ва ҳ.к.) қайта ишлаш.
4. б) Маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш (реклама қилиш, сотиш).
5. а) Имий-оммабоп китоб, мақолаларни муҳокама қилиш.
5. б) Бадий китобларни (пьеса, концертларни) муҳокама қилиш.
6. а) Бирон-бир зотли (породали) кичик ҳайвонни боқиш, парвариш қилиш.

6. б) Ўртоқларингиз (ёки ўзингиздан кичик болалар)нинг бирон-бир фаолияти, меҳнат, ўқиш, спортни бажариш билан шуғулланиш.

7. а) Расм, тасвирлардан нусхалар кўчириш (ёки мусиқа асбобларини созлаш, тузатиш).

7. б) Бирон-бир юк ташувчи (қўтарувчи воситаларни) кран, трактор, тепловоз ва бошқаларни бошқариш.

8. а) Одамларга (маълумот бериш, ҳаётдан сабоқлар) керакли маълумотларни бериш, тушунтириш.

8. б) Жадваллар, текстлар, расмлардан хатоларни қидириб топиш ва тузатиш.

9. а) Буюмлар, нарсалар (қийин техника)ни, уй-жойни таъмирлаш, тузатиш.

9. б) Жадваллар, текстлар, расмлардан хатоларни қидириб топиш ва тузатиш.

10. а) Ҳайвонларни даволаш.

10. б) Ҳисоб-китоб ишларини бажариш.

11. а) Ўсимликларнинг янги навларини яратиш.

11. б) Саноат маҳсулотлари (машиналар, кийимлар, уй, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ш.к.)нинг янги турларини лойиҳалаштириш, тузиш.

12. а) Одамлар ўртасидаги низо, жанжалларни ҳал қилиш (ишонтириш, тушунтириш, рағбатлантириш).

12. б) Чизмалар, схемалар, жадвалларни ўрганиш (текшириш, аниқлаш, тартибга келтириш).

13. а) Бадий ҳаваскорлик тўғарақлари ишларини ўрганиш, кузатиш.

13. б) Микроблар ҳаётини ўрганиш, кузатиш.

14. а) Медицина приборлари, аппаратларини ишлатиш, уларга хизмат қилиш.

14. б) Одамларга яраланганда, шикастланганда, куйганда ва ш.к. медицина ёрдами кўрсатиш.

15. а) Кузатилаётган ҳодисалар, воқеалар, ўлчанилаётган объектлар ва бошқалар ҳақида аниқ ҳисоботлар ёзиб бориш.

15. б) Воқеалар (кузатилаётган ёки улар ҳақида ўқиган)ни бадий ифодалаш.

16. а) Касалхонада лаборатория анализларини қилиш.

16. б) Беморларни қабул қилиш, уларни текшириш, улар билан суҳбатлашиш ва уларни даволашга йўллаш.

17. а) Хона деворларини, деталлар сиртини бўяш ва безаш.
 17. б) Биноларни монтаж қилиш ёки машина приборларини йиғиш.
 18. а) Тенгдошларингиз ёки кичик ёшдаги болаларнинг (театр, музейларга) маданий саёхатларини, экскурсияларини ва ш. к. ташкил этиш.
 18. б) Саҳнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш.
 19. а) Чизмалар бўйича (деталларни, буюмлар, машина қисмлари)ни тайёрлаш, бинолар қуриш.
 19. б) Чизмачилик билан шуғулланиш, чизмалар, карталардан нусхалар кўчириш.
 20. а) Ўсимликлар касалликлари ва боғ, ўрмон зараркунандаларига қарши курашиш.
 20. б) Клавишли машиналарда (ёзув машинаси, телетайп ва бошқалар) ишлаш.
 Синалувчиларга (ўқувчиларга) қуйидагича жавоб варақаси тарқатилади ва улар у ёки бу саволнинг тегишли жавоби, ҳарфи тўғрисиغا «+» белгисини қўйиб жавоб беришлари лозим.

ДДС жавоблари учун бланка

Ўқувчининг фамилияси, исми _____
 Мактаб _____ синф _____
 Тадқиқот ўтказиш вақт _____

Т/р	а	б	Т/р	а	б	Т/р	а	б	Т/р	а	б
1			6			11			16		
2			7			12			17		
3			8			13			18		
4			9			14			19		
5			10			15			20		

ДДСдан олинган натижалар ўқувчи жавобларини классификация қилиш имконини берувчи қуйидаги калит ёрдамида қайта ишлаб чиқилади.

Саволлар шундай гуруҳланганларки, уларга берилган жавоблар фаолиятининг турли соҳаларини аниқлаш имконини беради. «Одам-табиат» касблари (шартли равишда – О-Тт) биринчи устунда берилган, иккинчи устунда – «Одам-техника» (О-Т.а), учинчи устунда – «Одам-одам» (О-О), тўртинчи устунда «Одам-белгили система» (О-Бс), бешинчи устунда «Одам-бадиий образ» (О-Б.о)

келтирилган. У ёки бу устунда ижобий (яъни калитга мос келган) жавобларнинг кўп бўлиши ўқувчининг шу касбга мойиллигини билдиради.

Дифференциал-диагностик сўроқ натижаларини қайта ишлаш калити

О-Тт	О-Та	О-О	О-Бс	О-Бо
1а	1б	2а	2б	3а
3б	4а	4б	5а	5б
6а	7б	6б	9б	7а
10а	9а	8а	10б	8б
11а	11б	12а	12б	13а
13б	14а	14б	15а	15б
16а	17б	16б	18а	17а
20а	19б	19а	20б	18б

9.5. Ўз қизиқишингизни аниқланг

Кўрсатма: қуйида таклиф этилган анкета саволларининг бирортасини ҳам қолдирмай барчасига қуйидаги тартибда жавоб беринг: агар сизга саволда берилган машғулот билан шуғулланиш жуда ёқса унда жавоблар учун берилган варақадаги анкетанинг шу саволи номери келтирилган рақам остидаги катакчага иккита плюс «+» белгисини қўйинг. Агар шунчаки ёқса битта плюс, саволда айтилган машғулотга бефарқ бўлсангиз ёки бирон нима дейишга қийналсангиз – ноль «0». Агар у машғулот сизга ёқмаса битта минус «-» белгисини қўйинг.

Ҳар бир устун бўйича (вертикал бўйича) плюслар йиғиндисини ҳисоблаб чиқиб, сиз ўз қизиқишингиз ифодаланган соҳани билиб олишингиз мумкин (бунда қайси устун бўйича энг кўп плюсларнинг бўлиши шу соҳага қизиқишининг кучли эканлигини кўрсатади).

Бунда: 1 – физика, 2 – математика, 3 – электрорадио техника, 4 – техника, 5 – химия, 6 – биология ва қишлоқ хўжалиги, 7 – медицина, 8 – география ва геология, 9 – тарих, 10 – физиология, журналистика, 11 – санъат, 12 – педагогика, 13 – маиший хизмат соҳасидаги меҳнат, 14 – ҳарбий иш, 15 – спорт.

Қизиқишларнинг турғунлик вазифасини анкетанинг кўндаланг (горизонтал) устунларидаги плюслар сони билан аниқланг. Агар уларнинг сони сон билан 1–2 устунлар бўйича энг кўп бўлса, унда

сизда фаолиятнинг, билимларнинг у ёки бу соҳаси билан танишиб чиқиш хоҳиши мавжуд, агар 3—4 устунларда бўлса унда сизда қизиққан предметингиз бўйича яна чуқурроқ ўрганишга, билишга интилиш бор, агар 5—6 устунлар бўйича плюслар миқдори энг кўп бўлса, демак, сиз бу соҳа бўйича фаол амалий ишларга (машғулотларга) киришгансиз, бу сизнинг қизиқишларингиз мойилликка айланганлигидан далолат беради (47-бетга қаранг).

Қизиқишлар анкетаси

Сиз ёқтирсасизми? Сизга ёқадими?

1. «Қизиқарли физика», «Физиклар кулишганда» каби қизиқарли китобларни ўқиш.
2. «Қизиқарли математика», «Математик дам олиш» каби китобларни ўқиш.
3. Радиотехника соҳасидаги ютуқлар ҳақида ёзилган илмий-оммабоп журналлар билан танишиб чиқиш.
4. «Ёш техник», «Техника ва ёшлар» каби техникага оид журналларни ўқиш.
5. Химиядаги кашфиётлар, буюк (машҳур) химиклар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўқиш.
6. Ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаёти ҳақида ўқиш.
7. Одамлар касалликларга қарши қандай кураша олишни ўрганганликлари ҳақида, врачлар (ҳакимлар) ҳақида медицина соҳасидаги ютуқлар ҳақида ўқиш.
8. Китобларда ёзилиши, ҳикоя қилиш ва географик хариталар бўйича турли маслаҳатлар билан танишиб чиқиш.
9. Тарихий шахслар, ҳодисалар ҳақида китоблар ўқиш.
10. Жаҳон адабиёти классиклари шеърларини ўқиш.
11. Санъатнинг ривожланиши тарихи билан қизиқиш, опера, симфоник, жаз мусиқаларини тинглаш.
12. Мактаб ҳаёти ҳақида (тарбиячи, ўқитувчи, етакчилар ҳақида) китоблар ўқиш.
13. Пазандалик санъати, кийимларнинг моделларини яратиш, мебелларни тузиш (конструкциялаш)га қизиқиш.
14. Урушлар ва жанглар ҳақида китоблар ўқиш.
15. Спортга оид газета-журналларни ўқиш, спорт ва машҳур спортчилар ҳақидаги илмий-оммабоп адабиётларга қизиқиш.
16. Физикадаги кашфиётлар, машҳур физиклар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги илмий-оммабоп адабиётларга қизиқиш.

17. Математикадаги кашфиётлар, машҳур математиклар ҳаёти, фаолияти ҳақидаги адабиётларни ўқиш.

18. Электр ва радио приборларининг (асбобларнинг) тузилишини аниқлаш.

19. Техника кўргазмаларига бориш ёки техника янгиликларига оид кўрсатувларни томоша қилиш (тинглаш).

20. Табиатдаги кимёвий ҳодисаларни топиш (аниқлаш, кузатиш), кимё бўйича тажрибалар ўтказиш, кимёвий реакцияларнинг боришини кузатиш.

21. Ботаника, зоология, биологияни ўрганиш.

22. Одам организмнинг тузилиш хусусиятлари ва вазифалари (функциялари) билан танишиш.

23. Фойдали қазилма конларининг янгиларини қидириш ҳақида билиш.

24. Республикамизда ва чет элларда рўй бераётган сиёсий воқеаларни муҳокама қилиш.

25. Бадиий-танқидий мақолаларни ўқиш.

26. Кинофильмлар, театр асарлари, бадиий кўргазмаларни муҳокама қилиш.

27. Болалар ва ўсмирлар тарбиясига оид масалаларни муҳокама қилиш, ўз дўстларингиз, синфдошларингиз, кичик ёшдаги болалардан бирон-бир кишига ўз хулқини тузатиш борасида қандай ёрдам бериш мумкинлигини билиш.

28. Уйда, мактабда, синфда қулайлик яратиш ҳақида ўйлаш (қайгуриш), ўз хонангизни тартибга келтириш.

29. Ҳарбий техника билан танишиш.

30. Спорт мусобақалари ва беллашувларига бориш.

31. Физика бўйича тажрибалар ўтказиш.

32. Математик масалаларни (вазифаларни) ечиш.

33. Радиоаппаратлар схемаларини ўрганиш.

34. Техник чизмалар ва схемаларни ўқиш (ўрганиш).

35. Кимёвий аралашмалар тайёрлаш, реактивларни ўлчаш.

36. Боғда, томорқада ишлаш, ўсимликлар, ҳайвонларга қараш, уларни парвариш қилиш, боқиш.

37. Турли хасталикларнинг (касалликларнинг) юзага келиш сабабларини ўрганиш.

38. Минераллар коллекциясини йиғиш.

39. Халқлар ва давлатларнинг юзага келиш тарихини ўрганиш.

40. Чет тилини (тилларини) ўрганиш.

41. Саҳнада ўйнаш (роль ўйнаш), кўшиқ айтиш, томоша кўрса-тиш.
42. Кичкинтойларга китоб ўқиб бериш, уларга ниманидир қилиш-га ёрдам бериш, уларга эртақлар айтиб бериш.
43. Кийимларни тикиш, тўқиш, ямаш, овқат тайёрлаш, уйдаги маиший приборлар (жиҳозлар) ва қурилмалар, мебель ва шу каби-ларни тузатиш, такомиллаштириш ва тайёрлаш.
44. Ҳарбийлаштирилган юришларда, походларда (зарничалар-да) иштирок этиш.
45. Спорт ўйинларини ўйнаш.
46. Физика тўғарақларида шуғулланиш.
47. Математика тўғарақларида шуғулланиш.
48. Электр асбобларини тузатиш ва электр симларини улаш.
49. Тули хил механизмларни тузатиш ва йиғиш.
50. Химия тўғарақларида шуғулланиш (химия бўйича факулта-тивларни ўрганиш).
51. Биология тўғарақларида шуғулланиш, химия бўйича факул-тативларни ўрганиш).
52. Медицина ҳамшираси ва врач ишлари билан танишиш.
53. Геологик ва географик хариталар тузиш.
54. Тарих музейларига бориш, маданий тайёргарликлар билан танишиш, археологик экспедицияларда иштирок этиш.
55. Ўз фикрингиз, кузатишларингизни ёзма баён этиш, кунда-лик юритиш (кундалик дафтар тутиш).
56. Драма тўғарагида шуғулланиш.
57. Агар ўртоқларингиз ўқув вазифаларини бажаришда қийнали-шаётган бўлсалар, уларга ўқув вазифаларини қандай бажариш ло-зимлигини тушунтириб бериш.
58. Одамларга турли хизматларни кўсатиш (оёқ кийимларни ту-затиб бериш, суратини олиб бериш, сочини чиройли тарашга, тур-маклашга ёрдам бериш ва ш.к.)
59. Ҳарбий ўйинларда ва машқларда (юришларда) иштирок этиш.
60. Спорт мусобақаларида иштирок этиш.
61. Физикадан олимпиадаларда иштирок этиш.
62. Математикадан кўрикларда, олимпиадаларда иштирок этиш.
63. Радио аппаратларини йиғиш ва тузатиш.
64. Самолётлар, учувчи аппаратлар, кемалар ёки шунга ўхшаш нарсаларнинг моделларини ясаш.
65. Кимдан олимпиадаларда иштирок этиш.

66. Биологиядан олимпиадаларда иштирок этиш.
67. Беморларга қараш.
68. Бирон-бир географик жойнинг топографик тасвирини (сём-касини) олишда (туширишда) катталарга ёрдам бериш ёки уни ўзингиз қилишингиз.
69. Тарих бўйича маъруза қилиш, тарих (ёки археология) тўғара-гида шуғулланиш.
70. Адабиёт ёки математика тўғарагига қатнашиш.
71. Мусиқа асбобида ўйнаш, расм чизиш, ёғочдан кесиб нарса-лар тайёрлаш.
72. Гуруҳ (отряд) етакчиси ишини бажариш.
73. Оила бюджетини иқтисод қилишни ўйлаш (режалаштириш).
74. Ўйингоҳларда, сайр-саёҳатларда (походларда) ташкилотчи-лик (командир) қилиш.
75. Спорт секциясида шуғулланиш.
76. Янги физик кашфиётлар ҳақида маърузалар қилиш, физика бўйича «Қувноқлар ва зукколар» конкурсини (ҚЗК) ташкил қилиш.
77. Математикадан конкурслар ташкил қилиш.
78. Радио тўғарақларида шуғулланиш.
79. Техника кўргазмаларини, техник ижодкорлик кўриқларини ташкил қилишда иштирок этиш ва қатнашиш.
80. «Химия атрофимизда» каби кечаларни ташкил қилишда кат-таларга ёрдам бериш, уларда иштирок этиш.
81. Биологиядан тажриба ишларини ўтказиш.
82. Ҳамширалар (санитарлар) тўғарагида иштирок этиш.
83. Географик ёки геологик экспедицияларда иштирок этиш.
84. Яшаб турган жойини ўрганиш мақсадида ўтказиладиган саё-ҳатларни ташкил қилишда қатнашиш ва уларда иштирок этиш.
85. Адабий кечаларнинг сценарийсини ёзиш, адабий юбилей-лар, байрамларни ташкил қилиш.
86. Бадий ҳаваскорлик олимпиадалари конкурсларида иштирок этиш.
87. Болалар учун ўйинлар ва байрамлар ташкил қилиш.
88. Саёҳатлар вақтида овқат тайёрлаш ёки барча саёҳатчилар (саё-ҳатда иштирок этаётганлар) учун зарур бўлган барча қулайликлар-га эга бўлган дам олиш жойларини жиҳозлаш, суратга олиш, су-ратларни чиқариш.
89. Ҳарбий ишни ўрганиш.

90. Кичик ёшдаги болаларни секцияларда, спорт жамоаларида шуғулантириш.

Жавоблар варақаси

Синалувчининг исми, шарифи _____

Жинси _____ Ёши _____ мактаб _____ синф _____

(тадқиқот шартига кўра қўшимча маълумот)

Тадқиқот ўтган вақт _____ Тадқиқотчи _____

1-жадвал

ҚИЗИҚИШЛАР ХАРИТАСИ

Т/р Каторлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	XIII	XIV	XV	+
I	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
II	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	
III	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	
IV	46	47	48	49	50	51	52	53	54	55	56	57	58	59	60	
V	61	62	63	64	65	66	67	68	69	70	71	72	73	74	75	
VI	76	77	78	79	80	81	82	83	84	85	86	87	88	89	90	
+ сони																

9.6. Сен кимсан? Интеллектни аниқлаш тести

Қуйида келтирилган саволларни диққат билан ўқиб чиқ ва уларга жавобингни бер, жавобни беришда узоқ ўйлаб ўтирма, хаёлингга келган биринчи жавобни бер. Иложи борича тезроқ ишлашга ҳаракат қил.

1. Ўқитувчи соат 8 да будильникни (соатни) соат 9 га қўйиб, уйкуга ётди. У неча соат ухлайди?

2. Зафаржоннинг 10 та қўйи бор эди. Тўққизтадан бошқа ҳаммаси ўлиб қолди. Нечта қўй қолди?

3. Сен Тошкентга қўниб ўтадиган Пекин—Москва рейси бўйича учадиган самолёт учувчисан. Рейс ҳафтада бир марта бўлади. Учувчининг ёши нечада?

4. Тунги қоровул кундузи ўлиб қолди. Унга нафақа тўланадими?

5. Эркак киши ўз бевасининг синглисига уйланиши мумкинми?

6. Австралияда ҳам 9-май борми?

7. Ойлар 30–31 кунлар билан тугайди. Қайси ойда 28 бор?

8. Сен нотаниш хонага кириб қолдинг. У ерда бензин ва газ билан ёнадиган чироқлар бор экан. Сен биринчи бўлиб нимани ёқишинг керак?

9. Археологлар «эрамиздан аввалги 25-йили» чиққан тангани топиб олишди. Шунақаси ҳам мумкинми?

10. Ота ва ўғил автоҳалокатга учрашди. Отаси шу жойнинг ўзидаёқ ҳалок бўлди, ўғлини эса касалхонага юборишди. Операция вақтида хирург болани кўриб: «Вой худойим-ей, бу менинг ўғлимку?!» — деб юборди. Шундай ҳам бўлиши мумкинми?

11. 6 та шам ёниб турган эди, 4 тасини ўчириб қўйишди. Нечта шам қолди?

12. Икки килоли грива (тош) бир килограмм ва яримта гиштга эга. Битта гиштининг оғирлиги қанча?

13. Қўлларда ўнта бармоқ бор. Ўнта қўлда нечта бармоқ бўлади?

14. Бирдан 100 гача бўлган қаторда нечта тўққиз бор?

15. Ёғочни 12 бўлакка бўлиш учун уни неча марта аралаш керак?

16. Андижондан Тошкентга ва Тошкентдан Андижонга қараб бир вақтда икки поезд йўлга тушди. Андижондан Тошкентга келаётган поезднинг тезлиги иккинчисиникидан уч марта катта. Учрашган вақтда уларнинг ҳар бири Тошкентдан қанча масофада узоқликда бўлган?

17. Кўп қаватли бинонинг 16-қаватида бир лилипут (пакана) одам яшайди. У ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб лифтда пастга тушиб сўнг ишга кетади. Кечки пайт ишдан қайтганда эса 10-қаватгача лифтдан кўтарилиб, у ёғига пиёда кетади. У нимага шундай қилади.

18. Врач «ҳакам» беморга 30 минут оралиги билан учта укол белгилайди. Бемор уларнинг ҳаммасини қанча вақт ичида олиб бўлади?

19. Бир киши: «Бу менинг болам, лекин ўғлим эмас!» — деб аянч билан йиғлаб ўтирибди. Шунақаси ҳам бўлиши мумкинми?

Саволларга жавоб беришда ҳар бир тўғри жавоб учун «-», нотўғри жавоб учун «+» белгиси қўйилади. Фақат «-» белгили жавобгина ҳисоблаб чиқилади ва шунга синалувчининг характеристикаси белгиланади, аниқланади.

Синалувчидан 4, 5, 6, 9, 10, 19-саволларга берилган жавобларга изоҳ бериш талаб қилинади. Изоҳлар асосли бўлсагина, таваккал, тасодифий жавоблар бўлмаса, улар тўғри деб ҳисобланади.

Жавоблар:

1.1 соат. 2.9.3. Синалувчининг ёши. 4. Йўқ (чунки ўлган одамга нафақа тўланмайди). 5. Йўқ (чунки у кишининг ўзи ўлиб кетган, ўлган одам нафақат хотинининг синглисига, балки мутлақо уйланолмайди). 6. Ҳа (бу кун ҳамма жойда календарда бор). 7. Ҳаммасидан. 8. Гугуртни. 9. Йўқ (у вақтларда танга (тийин) бўлмаган. 10. Ҳа (бу унинг онаси). 11. 6. 12. Икки килограмм. 13. 50. 14. 11. 15. 11. 16. Бир хил масофада. 17. Бўйи етмайди. 18. Бир соатда. 19. Ҳа (бу унинг қизи).

Минуслар (нотўғри жавоб) бўйича характеристикалар 0–2 генний, 2–4 интеллектуал (зеҳни ўткир, ақлли), 5–7 мулоҳазали, 9–10 ўртача, 11–12 ақл учқунлари кўриниб турувчи одам, 13–15, оддий аҳмоқ, 16–18 алоҳида махсус жойларда сақланиши мумкин бўлган аҳмоқ.

9.7. Характернинг иш хусусиятлари

Қуйида берилган хусусиятлардан олтитасига (сизда энг кўп бўлган) (+) қўйинг.

1. Мустақиллик.
2. Ишга ижодий ёндашувчанлик.
3. Ташаббускорлик.
4. Ақлан қобилиятлилик.
5. Тажрибалилик ва билимлилик.
6. Тиришқоқлик.
7. Саранжомлик.
8. Диққат-эътиборлилик.
9. Ижро этувчанлик.
10. Интизомлилик.
11. Қатъиятлилик.
12. Виждонлилик.
13. Меҳнатсеварлик.
14. Эпчиллик.
15. Сабр-тоқатлилик.
16. Ишчанлик.
17. Масъулиятлилик.
18. Ташкилотчилик.

Натижа

1–4 гача кўп (+) бўлса, «Ижодкорсиз».

5–13 гача кўп (+) бўлса, «Бажарувчисиз».

14–18 гача кўп (+) бўлса, «Ташкилотчисиз».

9.8. Касб танлаш мотивлари

Қуйида саволларга «+» ёки «-» белгиси орқали ўз муносабатингизни билдириг.

1. Касбга, унинг талабига қизиқаман.
2. Шу касбга оид билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш учун танлаганман.
3. Ижтимоий ўрни учун.
4. Оилавий анъана учун танлаганман.
5. Ота-онамга қарам бўлмаслик учун.
6. Шу касбга оид фанларни яхши билганим учун.
7. Одамларни бошқариш борлиги учун.
8. Индивидуал ишни яхши кўрганим учун.
9. Ижодкорлиги борлиги учун.
10. Қобилиятимга тўғри келгани учун.
11. Яхши ойлик маоши борлиги учун.
12. Ўз ҳаётимни қизиқарли қилиш учун.
13. Мустақилликка ўргатади деб ҳисоблаганлигим учун.
14. Ишбилармонлиги борлиги учун.
15. Оиламга ёрдам бериш учун.
16. Иқтисодий билим олиш учун.
17. Диплом (олий маълумот) олиш учун.
18. Узоқ ўқимаслик учун.
19. Яхши жойда ишлаш учун.
20. Яхши маош олиш учун.
21. Эътиборли, замонавий бўлганлиги учун.
22. Одамларга ёрдамим тегиши учун.
23. Иш ва моддий шароити яхшилиги учун.
24. Ташқи кўриниши яхшилиги учун.

Тест натижаси

А	Б	В
3, 4, 7, 17, 18, 19, 21, 24	5, 8, 11, 14, 15, 16, 20, 23	1, 2, 6, 10, 12, 13, 22
Ижтимоий ўрни	Моддий таъминланиши	Ижодкорлик

9.9. Совға олиш сизга ёқадими?

Ҳады оладиган одамнинг дидини яхши билсангиз, совға олиш

ҳам қийин кечмайди. Рухшуносларнинг кузатишича, кишининг олган совғасига қараб унинг диди ва феъл-атворини аниқлаш мумкин экан. Бу фикр тўғрилигини текширмоқчи бўлсангиз, қуйидаги тест саволларига жавоб беринг. Балларни ҳисоблаб, жавобларни ўқинг ва ўзингиз ҳақингиздаги фикрингиз билан таққосланг...

1. Совғага алоҳида бир маъно беришга ҳаракат қиласизми?

Ҳа — 5 балл.

Ҳамма вақт эмас — 4 балл.

Йўқ — 3 балл.

2. Совға танлашдан олдин узоқ мулоҳаза юритасизми?

Ҳа — 5 балл.

Баъзан — 4 балл.

Йўқ — 3 балл.

3. Ҳада беришдан олдин келишиб олишни маъқул кўрасизми?

Ҳа — 5 балл.

Баъзан — 4 балл.

Ҳар доим деса ҳам бўлади — 3 балл.

4. Совға, аввало, қиммат бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайсизми?

Ҳа — 3 балл.

Баъзан — 4 балл.

Йўқ — 5 балл.

5. Бир нечта майдасидан кўра битта бўлса ҳам яхшироқ совға олиш керак, деган фикрга қўшиласизми?

Ҳа — 5 балл.

Баъзан — 4 балл.

Йўқ — 3 балл.

6. Тортиқ қилган совғангиз ҳамма вақт сизни эслатиб туришини хоҳлайсизми?

Ҳа — 3 балл.

Баъзан — 4 балл.

Йўқ — 5 балл.

7. Совға олишда унинг сифати ва нархи асосий деб ҳисоблайсизми?

Ҳа — 3 балл.

Баъзи ҳолларда — 4 балл.

Йўқ — 5 балл.

8. Совғалар қарздор қилиб кўяди, деган фикрга қўшиласизми?

Ҳа — 3 балл.

Йўқ – 5 балл.

Шароитга қараб – 4 балл.

9. Олган совғангизнинг бир кун келиб ўзингизга ҳам фойдаси тегиб қолиши ҳақида ўйлайсизми?

Ҳа – 3 балл.

Баъзан – 4 балл.

Йўқ – 5 балл.

10. Кичкина совғалар дўстликни мустаҳкамлайди, катталари эса қардор қилиб қўяди, деган фикрга қўшиласизми?

Ҳа – 3 балл.

Эътибор бермайман – 4 балл.

Йўқ – 5 балл.

Жавоблар:

30–36 балгача. Сиз урф-одатларни қадрлайдиган одамсиз. Ҳаётингизда ҳамма нарса ўзгармас, барқарор бўлиши керак, деб ҳисоблайсиз. Дўстларингиз, қариндошларингиз ва ҳамкасбларингиз ҳам бемалол сизга суянишлари мумкин.

37–43 балгача. Сиз ҳар бир ишда бошқалардан яхши бўлишга ҳаракат қиласиз. Заиф томонларингизни кўришларини хоҳламайсиз, шунинг учун одамлар сизни «киришимли эмас» деб ҳисоблашади. Лекин бу нотўғри таассурот.

44 ва ундан юқори балл. Сизнинг орзуингиз – дўстлар ва яқинларингизнинг кўнглидаги ниятларини топишга ҳаракат қилиш. Сизнинг ёрдамингиз беминнат, яхшилигингиз учун миннатдорчилик кутмайсиз.

9.10. Ёш бўлгингиз келса!

Ёшлик бахш этувчи манба сув эканлигини аллақачон фаҳмлаб олган бўлсангиз керак. Сув ҳам инсонни ёшартириб юбориши мумкинми деб ҳайратланаётган бўлишингиз табиий.

Биз бугун сизга ҳақиқатда ёшартириш хусусиятига эга ванналарни тавсия этмоқчимиз. Бундай ванналарни қабул қилгач, сиз ўзингизни қайта дунёга келгандек ҳис этасиз.

Мисрча ванна

Барчага маълумки, ўз гўзаллигини, ёшлигини узоқ вақт сақлаб қолишни истаган Клеопатра сутли ванналар қабул қилган. Натижаси эса: у ақлдан оздирувчи даражада гўзалга айланади. Клеопатрадан қаеримиз кам? Бунинг учун ваннани сутга тўлдириш шарт

эмас, бу ҳолда гўзаллигингиз қимматга тушиши мумкин. Яхшиси сув тўла ваннага ярим стакан қуруқ сут кукунини аралаштиринг. Сут кукунини ўрнига маккажўхори крахмалидан (200 г) ҳам фойдаланса шундай самарага эришилади. Бу ваннадан сўнг терингиз силлиқ, майин бўлади.

Шотландча ванна

Шотландияликлар ҳам гўзал бўлишнинг ўзига хос усулини яратганлар: 40°C иссиқ сувли ваннада 10 дақиқа ўтириб (бунда сув кўкраккача бўлиши лозим, яъни тананинг юрак жойлашган қисми сувга ботмаслиги даркор), сўнгра совуқ сувли душ қабул қилинади. Бундай жараён моддалар алмашинувини фаоллаштириб, организмдаги ортиқча нарсаларнинг чиқарилишини тезлаштиради. Бу ваннадан сўнг куч-гайратга тўласиз. Агар ваннада ётишга вақтингиз бўлмаса, контраст душ қабул қилса ҳам бўлади: яъни 10 сония совуқ сув, 1 дақиқа иссиқ сувни алмаштирган ҳолда душ қабул қилинади. Эсингизда бўлсин, юрак хасталигига чалинган инсонларга иссиқ сувли ванна тақиқланади.

Инглизча ванна

Инглизлар, шотландияликлардан фарқли ўлароқ бошқа йўлни танлаганлар. Улар иссиқ сувли эмас, аксинча, совуқ сувли (сув даражаси 20°C) ванналарни хуш кўришади. Бундай ванна асабларни мустаҳкамлаб, терини тортади, демак, ажинлар пайдо бўлишининг ҳам олди олинади. Совуқ сувли ванналар 3–5 дақиқадан зиёд вақт қабул қилинмайди, акс ҳолда бетоб бўлиб қолиш мумкин.

Фарангча ванна

Фарангларнинг энг сеvimли ванналари 36–37 даражали илиқ сувли ванналардир. Сув ҳарорати тана ҳароратига яқин бўлганлиги учун бу ванна барча учун мосдир. Бу ваннага денгиз тузи кўшилади. Икки стакан пиво яхшилаб кўпиртирилиб ваннага кўшиб юборилса тери мулойим ва қизғиш тус олади.

Голливудча ванна

Америкаликлар ҳам ёшликни узайтиришнинг ўзига хос оригинал усулини ўйлаб топишган. Голливуднинг айрим манбаларида тухумли ванналар қайд этилган. 1 дона тухум, ярим стакан шампунни яхшилаб аралаштиринг, кўпиргач ваннага кўшиб юборинг. Ваннада 15–20 дақиқа ётсангиз терингиз тортилади, эгилувчан ва майин бўлади.

Ўзимизнинг усулимиз!

Ваннада икки ош қошиқ асални эритиб юборингда, 20 дақиқа бу сувда ором олинг. Бу ванна чарчаган терини жонлантириб, ажинларни ёзади.

Тўғри, чўмилиш — ҳар томонлама фойдали ва ёқимли машғулотдир. Лекин ёдингизда бўлсин: ҳар куни совунлаб ювинавериш, айниқса, совуқ об-ҳавода фойда келтирмайди. Биринчидан: совун терининг ҳимоя қатламини емириб, унинг қариш жараёнини тезлаштиради, иккинчидан, ёғли қатламдан жудо бўлган тери микробларга йўлиқувчан ва ташқи омилларга таъсирчан бўлиб қолади. Агар узоқ вақт ёш ва соғлом бўлишни истасангиз, совун билан камроқ ювинишингизга тўғри келади.

9. 11. Иммунитетингиз созми?

Организмни бактериялардан, вируслардан, замбуруғлардан ҳимоя қилиб турадиган, шунингдек, тери, бириктирувчи тўқима, жигар ва бошқа аъзолар учун жавоб берадиган иммун тизимингизнинг аҳволи қандай? Қуйидаги синов саволларга жавоб берсангиз, бунини дарров билиб оласиз.

1. Сизга об-ҳаво ўзгаришлари таъсир қиладими?

Ҳа, жуда — 2 балл; баъзан — 4 балл; жуда кам — 1; ҳеч қачон — 0.

2. Аллергенларга мубталомисиз?

Ҳа — 8; илгари шунақа бўлган — 2; йўқ — 0.

3. Эрталаблари уйқудан ланж бўлиб турасизми?

Ҳа, деярли ҳар куни — 9; кўпинча — 5; камдан-кам — 2; йўқ — 0.

4. Сизга магнит бўронлари таъсир қиладими?

Ҳа, кўпинча — 8; баъзан — 4; камдан-кам — 1; йўқ — 1.

5. Тез-тез шамоллаб турасизми?

Ҳа — 9; камдан-кам — 4; йўқ — 0.

6. Кечкурунга бориб ҳолингиз қуриб қоладими?

Ҳа, доимо — 8; кўпинча — 6; камдан-кам — 2; йўқ — 0.

7. Баъзан қийналиб, узоқ йўталасизми?

Ҳа — 7; баъзан — 4; камдан-кам — 1; йўқ — 0.

8. Арзимаган нарсалардан кайфиятингиз бузиладими?

Ҳа, кўпинча — 9; баъзан — 5; камдан-кам — 1; йўқ — 0.

9. Сизни иштаҳа йўқлиги қийнайди?

Ҳа, кўпинча — 8; баъзан — 3; камдан-кам — 1; йўқ — 0.

10. Терингиз қуруқми, пўст ташлайдими?

Ҳа – 10; баъзан – 5; йўқ – 0.

11. Жароҳатингиз қийин битадими?

Ҳа, кўпинча – 9; баъзан – 5; камдан-кам – 1; йўқ – 0.

12. Бўғимларингиз огрийдими?

Ҳа, кўпинча – 9; баъзан – 5; камдан-кам – 2; йўқ – 0.

13. Милкларингиз ялиғланадими?

Ҳа, кўпинча – 8; аҳён-аҳёнда – 4; баъзан – 1; йўқ – 0.

14. Салга терлайсизми?

Ҳа, доимо – 8; камдан-кам – 4; баъзан – 1; йўқ – 0.

Ҳосил бўлган балларни қўшинг ва натижани баҳоланг.

Агар баллар 0 дан 38 гача бўлса, Сизни табриклаш мумкин. Им-
мун тизимингиз жуда соғлом, ҳозирча панд бермаяпти. Соппа-соғ
бўлсангиз ҳам барибир саломатлигингиз ҳақида қайғуринг.

Агар 39 дан 78 гача балл олган бўлсангиз, бу иммун тизимин-
гингизнинг эътиборталаблигидан далолат беради, лекин унча қийнал-
май ишлаб турган бўлади. Янада соғлом ҳаёт кечиринг, витамин-
ларни кўпроқ истеъмол қилинг, чиниқиш ва тўғри овқатланиш
кераклигини унутманг.

Мабодо 79 дан 119 гача олсангиз, бу энди организмда иммун
тизимининг жуда чатоқлигидан далолат беради. Анча соғлом ҳаёт
кечирганингизда ва фойдали, қувватли яхши овқатларни еб турга-
нингизда шу аҳволга тушмас эдингиз. Иложи бўлса, ичкилик ич-
манг ва камроқ чекинг, чекишни ташласангиз яна ҳам яхши бўлади.
Эрталаб уйқудан тургандан кейин душда сувни гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ
қилиб чўмилиб туринг. Қайнаб турган сувга лимон пўчоғини солиб,
ҳар куни уч маҳал буғини нафасингизга олинг. Шунда сунъий пре-
паратларга муҳтож бўлмай, иммунитетингиз соғлом бўлиб юрасиз.

9.12. Бармоқлар ёрдамида тетиклик

Ушбу машқлар икки қўл билан бир вақтнинг ўзида бажарилади.

Бир ҳафта шуғуллансангиз, дадиллашасиз

1. **Илҳом оласиз:** жимжилоқ, бош бармоқ ва номсиз бармоқлар
учи бир-бирига теккизилади, кўрсаткич ва ўрта бармоқ тўғри тути-
лади.

2. **Тетиклашасиз:** ўрта, номсиз ва жимжилоқ бирлаштирилади.
Катта бармоқ ўрта бармоққа ён томондан қўшилади.

3. **Осойишталик бахш этади:** бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқлар
бир-бирига теккиздирилади, қолган иккита бармоқ букилади.

4. Қон айланишини яхшилайди: бош бармоқларни бир-бирига илантирамыз. Шу ҳолатда чап қўлни ўнг қўл устига қўямиз.

5. Кайфиятни кўтаради: чап қўлнинг кафтини букиб, бош бармоқни ўз ҳолида қолдириб, ўнг қўл устига қўямиз.

6. Диққатни жамлаш: кўрсаткич ва номсиз бармоқ учлари бирлаштирилади. Ўртадагилари юқорига кўтарилади.

ЯЛАНГОЁҚ БЎЛИНГ!

Ривоятларга қараганда, қаттиқ бош оғриғи дардига мубтало бўлган бир киши ўзини қўярга жой тополмай жон аччиғида ялангоёқ бўлиб ер тепинибди. Шунда ногаҳон бармоқларини бир чақиртошга уриб олибди. Оғриқ босилгач, қараса бош оғриғи ҳам тўхтаганмиш...



Эҳтимол, тиббиётда товонотерапия ёки акупрессура (товоннинг биологик фаол нуқталарига босим ўтказиб даволаш) усули даставвал ўшанда пайдо бўлгандир? Товондаги маълум нуқталар инсон танасининг муҳим аъзолари билан бевосита узвий боғлиқ экан. Ялангоёқ юрганда товон нуқталарига ердаги тошлар қадалиб, уқаланади ва маълум аъзоларимизга шифобахш таъсир ўтказди. Афсуски, кўпчилик ялангоёқ юришни эрдан чиқариб қўйган. Оёқяланг юриш бутун тана аъзоларини чиниқтиради. Биз ҳатто ҳовлида ҳам оёғимиздан шиппакни ташламаймиз.

Нозиклашиб, юпқалашиб қолган товонимиз сал намликка текканида баданимиз увишиб, жунжикиб кетамиз, шамоллаб қолмадиммикан, деб қўрқамиз. Ўзимизни салгина нохуш сезсак, табиат-

нинг ўзи яратиб қўйган бу бебаҳо инъом-имкониятлардан фойдалананиш ўрнига дарров шифокорга чопамиз ва улар ёзиб берган турли-туман дориларни қаппалаб ютамиз, эмлатамиз.

Тароватли баҳор ойида табиат қўйнига чиқинг, ялангоёқ бўлиб юринг! Бу синалган усул.

Х БОБ. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ДИАГНОСТИКАСИ

10.1. Расм бола қалбининг кўзгусидир

Биз, катталар, кўнглимизни ўртаётган ғам, ташвишлар, кўркув ёки дардимиз тўғрисида гапириб дилимиздагини бўшатамиз. Кичкинтойлар эса қўлига қалам олиб ўз ҳис-туйғуларини «чизиб» берадилар. Чунки бу улар учун энг осон ва қулай йўлдир. Уч-тўрт ёки етти ёшли болаларнинг расм чизиши вояга етган ўсмирнинг шахсий кундалик дафтар тутишидек ўзини намоён қилиш усулидир.

Келинг, шундай экан фарзандимиз чизаётган расмларга рухшунос назари билан қарашни ўрганайлик. Мабодо қуйида келтирилган расмларни бундан аввал қизчангиз ёки ўғилчангиз альбомида учратган бўлсангиз, демак, биров ўйланишга фурсат келибди. Лекин хулоса чиқаришга шошилманг. Агар қайсидир бир деталь фарзандингиз чизаётган расмда бот-бот такрорланаверса, шундагина безовта бўлишга асос бўлади. Бундай вазиятда албатта рухшунос даргоҳига боринг. Балким кичкинтойингиз ростдан ҳам ёрдамга муҳтождир?!

Қандай тушуниш мумкин?

Бундай расмларни фақатгина ўзидан кўнгли тўқ ва ўзига ишонган болалар чизиши мумкин. (Баъзида бундай болалар ҳаддан зиёд ўзига ишониб кетадилар.)

Қандай қилиб ёрдам берса бўлади?

Ўзига бераётган юксак баҳоси бошқаларни ҳурмат қилиш ҳисси билан уйғунлашиб намоён бўлишини кузатиб боринг. Лекин бу нарсани боланинг нафсониятига тегмай амалга оширинг. Чунки осмондан ерга тушиш ҳар доим ҳам ёқимли бўлавермайди.

• «Мени фақат дадажоним яхши кўрадилар»

Ота ўз ўғлини сайрга олиб чиқмоқда. Ота-ўғил конькида учмоқдалар (расмда тасвирланган).

Қандай тушунмоқ керак?

Бола деярли барча вақтини дадаси билан ўтказди. Улар иккаласи яхши келишадиларку-я, бироқ она бу ерда иккинчи даражага ўтиб қолмоқда.

Қандай ёрдам берса бўлади?

Кўпинча яқшанба кунлари рўзгор юмушлари билан банд бўла-

диган аёл кичкинтойи халақит бермаслиги учун уни дадаси билан сайр қилиб келишга юборди. Келинг, яхшиси ҳеч қачон адо бўлмай-диган ва кейинга суриб қўйса ҳам бўладиган юмушларни четга йиғштириб қўйингда, учовлон сайрга отланинг!

• **Менинг орзуим амалга ошади**

• **Велосипед ва болакайнинг расми чизилиб, устидан бўяб ташланган**

Қандай тушунмоқ керак?

Фарзандингиз ўз орзуси ҳақида айтишга истиҳола қиляпти ёки ўз орзуси ушалмаслигига амин.

Қандай ёрдам кўрсатса бўлади?

Унинг орзулари тўғрисида суҳбатлашиб кўринг. Нима учун унга у ёки бу нарсани олиб беролмаслигингизни аниқ тушунтиринг, унинг қайси орзусини рўёбга чиқаришингизга кучингиз етишини ўйлаб кўринг.

• **«Мен бу дунёда ҳеч кимга керак эмасман»**

• **Озгин, нозик гавданинг ортиқча деталларсиз тасвири**

Қандай тушуниш керак?

Болакай тушкунликка тушиб ўзини ёлғиз сезмоқда.

Қандай ёрдам берса бўлади?

Унга кўпроқ вақт ажратинг. Балки иш билан кўмилиб кетиб у билан гаплашиб олишга, бирга сайр қилишга ёки шунчаки уни бағрингизга босишга вақт ажрата олмаётгандирсиз? Мансаб кетидан қувишни тўхтатишнинг айна вақти ҳозир, озроқ кичкинтойингиз билан дам олсангиз яхши бўларди.

• **«Ойим ишлайди, дадам эса дам олади»**

• **Аёл идиш-товоқларни ювмоқда, эркак киши эса телевизор томоша қиляпти**

Расмда болакай тасвири йўқ.

Қандай тушунмоқ керак?

Болакай, дадаси ҳар доим дам олишига, онасининг эса ошхона ишларидан бўшамаслигига кўникаб кетган. Ота-онасининг ўз фарзанди тарбияси билан шуғулланишга вақти йўқ.

Қандай ёрдам кўрсатса бўлади?

Вақти-вақти билан турмуш ўртоғингиз билан ўрин алмашиб туринг. Ҳаётда бошқача ҳам бўлиши мумкинлигини фарзандингиз ўз кўзи билан кўрсин.

Шуни ёдингиздан чиқармангки, ҳеч бир уй-рўзгор юмуши бо-лангиз тарбиясидан устун бўлолмайди.

- «Мен жуда ҳам уятчан ва нимжонман»
- Оппоқ қоғоз бурчагига кичик жусса расми чизилган

Қандай тушуниш мумкин?

Болакай ўзига таниши даврада ҳам ўзини ноқулай сезади, бошқалар билан муомала қилишга анча қийналади.

Қандай ёрдам бериш мумкин?

Тарбиячиси ёки ўқитувчиси билан суҳбатлашинг. Фарзандингиз ўзини қандай тутиши ҳақида суриштириб кўринг. Фарзандингиз уятчанлиги устидан кулманг. Доимо уни мақтаб, қўллаб-қувватлаб туринг.

- «Мен ўзимни идрок қила олмайман»
- Хурсанд болакай қоғозга сигмай қолган вагон ичида тасвирланган

Қандай тушуниш мумкин?

Болакай ўзига ишонгани билан унинг интизоми ва ҳис-туйғуларини жиловлай олиш борасида муаммолар мавжуд.

Қандай ёрдам кўрсатса бўлади?

Фарзандингиз бирор-бир юмушни ёки расмларини бажараётган вақти чалғиб кетмаслигини кузатиб боринг. Агар уни тартиб-интизомга ўргатиш қийинчилик туғдираётган бўлса, руҳшуносга мурожаат этинг.

Ана шунақа, азиз ота-оналар, фарзандларингизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб, тўғри хулоса чиқаришга, уларни тушунишга ҳаракат қилинг.

10.2. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари диагностикаси

1. Идрок қилишни диагностикалаш методлари

1. Расмда нима етишмайди? (1-расм)

Бу методикада расм кўрсатилиб нима етишмаслиги сўралади ва секундлар билан вақт аниқланади. Вақтга қараб эса балл аниқланади.

10 балл – 25 сонияда 7 та буюм айтилса

8–9 балл – 26–30 сонияда 7 та буюм айтилса

6–7 балл – 31–35 сонияда 7 та буюм айтилса

4–5 балл – 36–40 сонияда 7 та буюм айтилса

2–3 балл – 41–45 сонияда 7 та буюм айтилса

0–1 балл – 45 сонияда 7 та буюм айтилса

Ривожланиш даражаси

10 балл – жуда юқори

8–9 балл – юқори

4–7 балл – ўрта

2–3 балл – паст

0–1 балл – жуда паст

2. Бу ерда нима тасвирланган? (2-расм)


Бу методикада болага яхшилаб тунча берилади ва кетма-кетлик билан (а, б, в, г) кўрсатилади. Демак, «а»ни кўрсатгандаёқ билса тўлиқ кўрсатилади ва вақт белгиланади. Агар билмаса «б» кўрсатилади ва ҳ.к.

Натижа қуйидагича аниқланади: «а» 10 сониягача, б(а+б), в(а+б+в) ва ҳ.к.


10 балл «а» дан 10 сониягача

7–9 балл «б» дан 11–20 сониягача

4–6 балл «в» дан 21–30 сониягача



1-расм.



2-расм.

2–3 балл «г» дан 30–40 сониягача

0–1 балл билмаса

Ривожланиш даражаси

10 балл – жуда юқори

8–9 балл – юқори

2–3 балл – паст

0–1 балл – жуда паст

3. Расмда қандай буюмлар яширинган? (3-расм)

Расмни (1, 2, 3) кетма-кетлик билан кўрсатилиб қандай буюмлар яширингани сўралади ва натижа аниқланади. Методикани ўтказишда расмлар кетма-кетлик билан, биттасини ечгандан сўнг кейингисига ўтиш лозим.

Натижани баҳолаш.

10 балл – 20 сонияда 14 та буюмни топса

8–9 балл – 21–30 сонияда 14 та буюмни топса

6–7 балл – 31–40 сонияда 14 та буюмни топса

4–5 балл – 41–50 сонияда 14 та буюмни топса

2–3 балл – 51–60 сонияда 14 та буюмни топса

0–1 балл – 61 сониядан кўпроқ вақтда 14 та буюмни топса

Ривожланиш даражаси


10 балл – жуда юқори

8–9 балл – юқори

4–7 балл – ўрта

2–3 балл – паст

0–1 балл – жуда паст



3-расм.

Диққатни диагностикалаш методлари

1. Излаб топ ва ўчир (4–5-расмлар).

Бу методикада болага расми кўрсатиб қуйидаги топшириқ берилади: «Биз сен билан ўйин ўйнаймиз. Мен сенга бирор буюмнинг айтаман ва «бошладик» дейман. Сен уни топиб ўчира бошлайсан, «тўхтадик» дейишим билан тўхтайсан. Мен бошқа буюмни айтаман ва яна «бошладик» дейман. Сен яна топиб ўчира бошлайсан, «тўхтадик» дейишим билан тўхтайсан».

Бунда 2, 5 минут давомида 5 марта (ҳар 30 сонияда) «бошладик», «тўхтадик» дейилади ва 2 та буюм айтилади (масалан, энига юлдузча, бўйича уй).

Натижани аниқлаш қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$S = \frac{0,5N - 2,8n}{T}$$

Бунда S – ўрганилаётган диққатнинг унумдорлик ва барқарорлик даражаси.

N – ўйин – ўрганиш давомида боланинг расмдаги кўрсатган буюмлар сони (ҳаммаси).

T – сарфланган иш вақти.

n – хато (яъни айтилган нарсанинг қолганлари, бола белгиламай кетганлари сони).

Натижа

10 балл – $S=1,25$ балл

8–9 балл – $S=1,00$ баллдан 1,25 баллгача

6–7 балл – $S=0,75$ баллдан 1,00 баллгача

4–5 балл – $S=0,50$ баллдан 0,75 баллгача

2–3 балл – $S=0,24$ баллдан 0,50 баллгача

0–1 балл – $S=0,00$ баллдан 0,24 баллгача

Диққатнинг барқарорлиги (расмга қаранг)

10 балл – ҳамма нуқта 1-эгри чизиқ ҳудудида

8–9 балл – ҳамма нуқта 2-эгри чизиқ ҳудудида

6–7 балл – ҳамма нуқта 3-эгри чизиқ ҳудудида

4–5 балл – ҳамма нуқта 4-эгри чизиқ ҳудудида

2–3 балл – ҳамма нуқта 5-эгри чизиқ ҳудудида

0–1 балл – ҳамма нуқта 1-эгри чизиқ ҳудудида

Ривожланиш даражаси


10 балл – жуда юқори ривожланган диққатнинг унумдорлиги ва барқарорлигига эга

8–9 балл – юқори ривожланган диққатнинг унумдорлиги ва барқарорлигига эга


4–7 балл – ўрта ривожланган диққатнинг унумдорлиги ва барқарорлигига эга

2–3 балл – паст ривожланган диққатнинг унумдорлиги ва барқарорлигига эга

0–1 балл – жуда паст ривожланган диққатнинг унумдорлиги ва барқарорлигига эга




4-расм.



5-расм.

2. «Белгиларни қўйиб чиқ» (6-расм).

Бунда расм тепасидаги шаклларга белгилар қўйиб кўрсатилган. «Сен шундан фойдаланиб қайси шаклга қайси белги қўйилган бўлса сен ҳам шу белгини қўйиб чиқ», дейилиб 2 дақиқа вақт ажратилади ва натижа қуйидаги формула орқали аниқланади:



1-жадвал.

$$S = \frac{0,5 \cdot N - 2,8n}{120}$$

Бунда S – диққатнинг кўчиши ва тақсимланиши. N – белгиланган вақт давомида бажарилган иш (белги тўғри қўйилган шакллар сони), n – хато.

Натижани аниқлаш

10 балл – S=1,00 дан кўп

8–9 балл – S=0,75 баллдан 1,00 баллгача

6–7 балл – S=0,50 баллдан 0,75 баллгача

4–5 балл – S=0,25 баллдан 0,50 баллгача

0–3 балл – S=0,00 баллдан 0,25 баллгача

Ривожланиш даражаси

10 балли – жуда юқори

8–9 балл – юқори

6–7 балл – ўрта


4–5 балл – паст

0–3 балл – жуда паст

3. «Эслаб қол ва нуқталарни қўйиб чиқ» (7-расм).

Бу методикада диққатнинг ҳажми ўлчанади. Бунинг учун қоғоз 8 бўлакка бўлиниб, квадрат чизилади ва нуқталар қўйилади, қирқиб олиниб кетмакетлик билан қўйилади (нуқталар сонига қараб 2 тадан бошлаб 9 тагача (9 пастда)).

Бажариш тартиби. Болага 8 та бўш квадратлар берилиб, унга 1–2 сония давомида 1-квадрат кўрсатилади ва у бўш квадратга нуқта қўяди, ўйин шундай 15



6-расм.

сония давом этади. Хатосиз бажарилган карточкалар олиниб нуқта-лар санаб чиқилади.

Натижани баҳолаш

10 балл – белгиланган вақтда бола 6 ва ундан ортиқ тўғри нуқта қўйса

8–9 балл – белгиланган вақтда бола 4–5 тўғри нуқта қўйса

6–7 балл – белгиланган вақтда бола 3–4 тўғри нуқта қўйса

4–5 балл – белгиланган вақтда бола 2–3 тўғри нуқта қўйса

0–3 балл – белгиланган вақтда бола 0–1 тўғри нуқта қўйса

Ривожланиш даражаси

10 балл – жуда юқори

8–9 балл – юқори

6–7 балл – ўрта


4–5 балл – паст

0–3 балл – жуда паст

Тасавурни диагностикалаш

1. «Ҳикоя ўйлаб топ».

Болага 1 дақиқа давомида бирор киши, нарсa ёки ҳикоя, эртак айтиб беришга тайёрланиш ва 2 дақиқа айтиш топширилади.



7-расм.

Натижани баҳолаш

Боланинг тасавури қуйидагича баҳоланади:

1. Ҳикоя тузиш тезлиги.

2. Ҳикоянинг қизиқарлилиги.

3. Образларнинг ҳар хиллиги.

4. Ҳиссиёт, мимика, пантомимиканинг ишлатилиши.

5. Қисм, бўлак, сўзларнинг ишлатилиши.

Юқорида берилган 5 та шарт 0 дан 2 балгача баҳоланади. Ҳикоя тузишга кетган вақт (0 дан 1 дақиқагача) 0–2 балл билан баҳоланади.

Ривожланиш даражаси

10 балл – жуда юқори

- 8—9 балл — юқори
- 4—7 балл — ўрта
- 2—3 балл — паст
- 0—1 балл — жуда паст

2. «Бирор нарса чизиб бер».

Болага қоғоз, фломастер бериб бирор нарса чизиб бериш топширилади. Иложи борича бирор-бир антиқа нарса бўлса яхши бўларди дейилади.

Натижани аниқлашда оригиналлик, деталларига, фантазияга, тасаввурнинг бойлигига, нафосатлилигига, вақтига эътибор берилади. Натижа олдингидек 10 балл билан баҳоланади.

3. «Бирор ўйин ўйлаб топ».

Болага 5 дақиқа давомида ўйин ўйлаб топиб айтиб бериш топширилади ва у қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

1. Ўйиннинг номи.
 2. Қандай мазмунга эгаллиги.
 3. Нечта бола қатнашади.
 4. Ҳар бир кишининг роли.
 5. Ўйин қандай ўйналади.
 6. Ўйин қоидалари.
 7. Ўйин натижаси.
 8. Қандай баҳоланади (жамоа, ҳар бир киши ва ҳ.к.).
- Натижа 10 балл билан баҳоланади.

Хотирани диагностикалаш методлари


1. «Расмни эслаб қол» (8—9-расмлар).

Бу методика хотиранинг қисқа муддатли кўриш хотираси турини аниқлаб беради. Бунда қуйидагича топшириқ берилади: «Бешта шаклнинг расмда қайсилари борлигини кўрсат. Иккинчисида сен кўрмаганларинг ҳам бор». Кейин болага 30 сония давомида 1-расм кўрсатилади ва олиб қўйилади. Бола 1, 5 дақиқагача топиб кўрсатиши керак.


Натижани баҳолаш

- 10 балл — 45 сонияда 9 та шаклни аниқ кўрсатса.
- 8—9 балл — 45—55 сонияда 7—8 та шаклни аниқ кўрсатса.
- 6—7 балл — 55—65 сонияда 5—6 та шаклни аниқ кўрсатса.
- 4—5 балл — 65—75 сонияда 3—4 та шаклни аниқ кўрсатса.

2–3 балл – 75–85 сонияда 1–2 та шаклни аниқ кўрсатса.
 0–1 балл – 90 сонияда бирорта ҳам шаклни кўрсата олмаса.



8-расм.



9-расм.

2. «Сўзларни ёдла».

Бу методика асосида хотиранинг билиш жараёнидаги ролини аниқлаш мумкин. Болага 12 та сўз (дарахт, қўғирчоқ, қошиқ, гул, телефон, стакан, пиёла, қуш, пальто, лампочка, расм, одам) ай-тилади. Бола эслаганини айтиб беради. Бу ўйин олти марта такрорланади ва ёдлаб айтиб берилган сонлар саналади.

Натижани баҳолаш

10 балл – 6 ва ундан кам уринишда 12 сўзни ёдлаб айтса
 8–9 балл – 6 ва ундан кам уринишда 11–10 сўзни ёдлаб айтса
 6–7 балл – 6 ва ундан кам уринишда 8–9 сўзни ёдлаб айтса
 4–5 балл – 6 ва ундан кам уринишда 6–7 сўзни ёдлаб айтса
 2–3 балл – 6 ва ундан кам уринишда 4–5 сўзни ёдлаб айтса
 0–1 балл – 6 ва ундан кам уринишда 3 сўзни ёдлаб айтса

Ривожланиш даражаси

10 балл – жуда юқори
 8–9 балл – юқори
 4–7 балл – ўрта
 2–3 балл – паст
 0–1 балл – жуда паст

Тафаккурни баҳолаш методикаси.
Образли-мантиқий тафаккурни аниқлаш

1. «Чалкашлик» (10-расм).

Бу методикада болага чалкашликлари бор расм кўрсатилиб, шу чалкашликларни тузатиш топширилади ва натижани аниқлаш учун (3 дақиқа) берилган вақтдан бола қандай фойдаланиб тўғри айтганлиги ҳисобга олинади.

Натижани баҳолаш

10 балл – 3 дақиқада барча 7 та чалкашликни айтса.

8–9 балл – 3 дақиқада барча 7 та чалкашликни айтса, лекин 1–3 тага изоҳ берилмаса.

6–7 балл – 3 дақиқада барча 7 та чалкашликни айтса, лекин 3–4 тага изоҳ берилмаса.

4–5 балл – 3 дақиқада барча 7 та чалкашликни айтса, лекин 5–7 тага изоҳ берилмаса.

2–3 балл – 3 дақиқада барча 7 тадан 1–4 та топди, изоҳлашга вақт қолмади.

0–1 балл – 3 дақиқада барча 7 тадан 4 тадан кўп топди, изоҳлашга вақт қолмади.

2. «Бу ерда нима ортиқ» (11-расм).

Бу методика образли мантиқий тафаккур билан ақлий таҳлил қила билиш, умумлаштиришни ҳам аниқлайди. 3 дақиқа ичида берилган 4 та буюмдан битта ортиқчасини аниқлаш топширилади.

Натижани баҳолаш

10 балл – 1 дақиқада ҳаммасини айтиб изоҳлаб берса


8–9 балл – 1–1, 5 дақиқада ҳаммасини айтиб изоҳлаб берса

6–7 балл – 1, 5–2 дақиқада ҳаммасини айтиб изоҳлаб берса

4–5 балл – 2–2, 5 дақиқада ҳаммасини айтиб изоҳлаб берса

2–3 балл – 2, 5–3 дақиқада ҳаммасини айтиб изоҳлаб берса

0–1 балл – 3 дақиқада топшириқни бажара олмаса.



10-расм.

Ривожланиш даражаси


10 балл – жуда юқори

8–9 балл – юқори

4–7 балл – ўрта

2–3 балл – паст

0–1 балл – жуда паст



11-расм.

дан кам вақт сарфлаб айтиб берса.

6–7 балл – 50–69 сония ва ундан кам вақт сарфлаб айтиб берса.

4–5 балл – 70–89 сония ва ундан кам вақт сарфлаб айтиб берса.

2–3 балл – 90–109 сония ва ундан кам вақт сарфлаб айтиб берса

0–1 балл – 110 сония ва ундан кўп сония вақт сарфлаб айтиб берса.

3. «Кимга нима етишмайди».
(12-расм)

Бу методикани ўтказишда болага расмни кўрсатмай нима қилиш кераклигини тушунтирилади ва расм кўрсатилади.

Натижа эса қуйидагича баҳоланади:

10 балл – 30 сония ва ундан кам вақт сарфлаб айтиб берса.

8–9 балл – 31–49 сония ва ун-



12-расм.

Кўргазмали-ҳаракатли тафаккурни аниқлаш

1. «Контурни чиз» (13–14-расмлар).

Бу методикада болага қалам бериб расмдаги контурни (намуна) чизилмаган расмни чизиш топширилади (расм).

Натижани баҳолаш

10 балл – 90 сонияда топшириқни тўғри ва аниқ бажарса (бурчак ва тўғри чизиқ аниқ)


8–9 балл – 90–105 сонияда айримларида хатолик бор (1–2 та)

6–7 балл – 105–120 сонияда айримларида хатолик бор (3–4 та)


4–5 балл – 120–1135 сонияда айримларида хатолик бор (7–8 та)

2–3 балл – 135–150 сонияда айримларида хатолик бор (11–20 та)

0–1 балл – 150 сониядан кўп хатолик кўп бўлса (1–2 та тўғри)



13-расм.



14-расм.

Нутқни аниқлаш учун қуйидаги расмлар орқали суҳбат уюштирилади (15–18-расмлар).




15-рasm.



16-рasm.



17-рasm.



18-рasm.

XI БОБ. ШАХС ВА ЖАМОА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

11.1. Шахс картаси

1. Мазкур анкета тўлдирилган кун _____
2. Ўқувчининг фамилияси ва исми _____
3. Ёши _____ 4. Синфи _____
4. Соғлиғи _____ (5)
5. Жисмоний чиниқиши ва унга муносабат _____ (6)
6. Оилавий шароити _____ (7)
7. Синф жамоаси ва тенгдошлари орасида тутган ўрни _____ (8)
9. Қобилиятининг намоён бўлиши:
 - 9.1. Спортга оид қобилиятлар _____
 - 9.2. Мусиқага оид қобилиятлар _____
 - 9.3. Актёрлик санъатига оид қобилиятлар _____
 - 9.4. Бадиий қобилиятлар _____
 - 9.5. Техникага оид қобилиятлар _____
 - 9.6. Математика оид қобилиятлар _____
 - 9.7. Адабиётшуносликка оид қобилиятлар _____
 - 9.8. Илмий ва интеллектуал қобилиятлар _____
 - 9.9. Педагогик қобилиятлар _____
 - 9.10. Ташкилотчилик қобилиятлари _____
10. **Характерининг умумий сифатлари**
 - 10.1. Гоявий дунёқараш _____ (10.1.)
 - 10.2. Ватанпарварлик _____ (10.2.)
 - 10.3. Қатъийлик _____ (10.3.)
 - 10.4. Софдиллик _____ (10.4.)
 - 10.5. Ташаббускорлик _____ (10.5.)
 - 10.6. Фаоллик _____ (10.6.)
 - 10.7. Ташкилотчилик _____ (10.7.)
 - 10.8. Жамоатчилик _____ (10.8.)
 - 10.9. Ҳаётга ишонч билан қарай олиш _____ (10.9.)
 - 10.10. Илтифотлилик _____ (10.10.)
11. **Шахс йўналиши**
 - 11.1. Умумий йўналиши: Даражаси _____
 - 11.2. Кенглиги _____
 - 11.3. Барқарорлиги _____
 - 11.4. Меҳнат ва ўз имкониятларини ривожлантиришга муносабати _____
12. **Психологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари**
 - 12.1. Эмоционал кўзғалиш ва унинг фаолиятига таъсири _____
 - 12.2. Диққатлилик _____

- 12.3. Хотира самарадорлиги _____
12.4. Тафаккур сифати _____
12.5. Ижодий хаёл _____
13. Шахс тузилишининг биологик асоси
13.1. Темперамент: Кучи _____
13.2. Ҳаракатчанлиги _____
13.3. Мувозанатлашганлиги _____

“Шахс картаси”ни тўлдириш учун кўрсатмалар баёни: қайдно-мадаги биринчидан тўртинчи саволгача тушунтириш ва баҳо талаб қилинмайди.

5. Соғлиғини баҳолаш.

5 – аъло даражада; 4 – соғлиғи асосан безовта қилмайди; 3 – баъзан тез ўтадиган касалликларга чалиниб туради; 2 – ишлаш ва ўқиш қобилиятига айрим асоратли касалликлар таъсир қилади; 1 – асоратли касалликлари кўп ва улар ишлаш қобилиятига катта салбий таъсир қилади.

6. Жисмоний чиниқиш ва унга муносабати.

Куйидагича баҳоланади; 5 – спорт билан мунтазам шуғулланади; 4 – спорт билан шуғулланади; 3 – спорт билан баъзан шуғулланади; 2 – спорт билан жуда кам шуғулланади; 1 – спорт билан мутлақо шуғулланмайди.

7. Оилавий шароити.

5 – Ҳар томонлама баркамол; 4 – баркамол, ҳамиша ҳам қониқтирмайди; 3 – мавҳум, аниқ айтиш қийин (яхши ҳам бўлмайди, ёмон ҳам); 2 – тарбиявий иқлим ўртача, кўнгилсиз ҳолат учраб туради; 1 – салбий вазиятлар жуда кўп учраб туради ва бола тарбиясига салбий таъсир қилади.

8. Синф жамоаси ёки тенгдошлари орасида тутган ўрни.

5 – синфда энг яхши обрўга эга. Ҳамма тенгдошлари уни ҳурмат қилади. Синфда ижобий лидер ҳисобланади; 4 – тенгдошлари орасида яхши обрўга эга; 3 – жамоада ўртача мавқега эга; 2 – баъзи тенгдошлари билан ҳамиша жанжаллашиб юради; 1 – кўпчиллик тенгдошлари билан тил топиша олмайди.

9. Шахснинг муайян фаолиятини муваффақиятли эгаллаши, шунингдек, уни ижобий равишда амалга оширишнинг шартлари ҳисобланган хусусиятларига қобилият дейилади. Киши қобилиятлари икки асосий турга: махсус қобилиятлар ва умумий қобилиятларга бўлинади. Касбий фаолиятнинг фақат айрим турларига (масалан, муסיқа, математика, спорт ва бошқалар) намоён бўладиган қобилият

ятларни махсус қобилиятлар деб айтадилар. Интеллектуал қобилиятлар (зийраклик ва топқирлик диққатнинг тақсимланиши, бирор мавзунини тез эсда қолдириш, ақлнинг ўткирлиги ва бошқалар) умумий қобилиятларга мисол бўлади.

Ўқувчида мазкур сифатларнинг бор-йўқлиги ва қай даражада намоён бўлишига қараб кўрсатилган ҳар бир йўналишга (9.1; 9.2; 9.3 ва ҳоказо) қуйидагича баҳо бериш мумкин;

5 – мазкур соҳага оид қобилиятларнинг яққол намоён бўлиши; 4 – қобилиятларнинг қисман бўлсада ифодаланиши билан бошқалардан ажралиб туриши; 3 – мазкур соҳага оид қобилиятнинг йўқлиги, 2 – малакаларнинг етарли эмаслиги; 1 – мазкур фаолиятга нисбатан қобилиятсизлик ва қизиқишларининг йўқлиги.

10. Характернинг умумий сифатлари.

Характер шахснинг ҳаёти жараёнида таркиб топган интеллектуал, эмоционал ва иродавий хусусиятлари йўналишининг йиғиндидан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, характер – бу шахснинг аниқ ҳаёт шароитлари таъсирида вужудга келган муайян хулқ тарзидир. Кишининг характерида, одатда, аввало шахс хулқининг ҳамма томонларида из қолдирадиган баъзи бир хилма-хил тартибда бирга қўшилиб келадиган умумий хислатлар ажралиб қатъийлиги ва кучи бундай хислатлар қаторига тегишлидир. Масалан, характернинг жуда кучли бўлиши билан биргаликда унинг бир томонлама ва тор эканлиги ёки етарлича барқарор бўлмаган тўлиқлигини ҳам учратиш мумкин.

Ўқувчи фаолиятида намоён бўлувчи (шахс картасида кўрсатилган) 10 та характер сифатида қуйидагича баҳо қўйиш талаб қилинади:

5 – мазкур сифат тўлиқ ва барқарор намоён бўлади; 4 – мазкур сифат тез-тез намоён бўлиб туради; 3 – мазкур сифат баъзида намоён бўлади; 2 – мазкур сифати ўқувчи хулқ-атворида ифодаланиши номаълум; 1 – мазкур сифат ҳали шаклланмаган ва хулқда ифодаланмаган.

11. Ўқувчининг шахс сифатидаги йўналиши.

Шахснинг йўналиш-эҳтиёжлари, мотивлари, қизиқишлари, иштиёқи, идеаллари йўналишининг мазмунини ташкил этади. Худди мана шулар кишининг борлиққа, ижтимоий ҳамда бошқа кишиларга, шахс сифатида ўз-ўзига бўлган муносабатлари хусусиятини белгилайди. Шахс йўналишини белгилашда, аввало, ўқувчининг ўз ҳаётида қандай мақсадларга эришишни энг юқори ва муҳим деб

ҳисоблаши, қизиқишлар кўлами касб танлашга онгли муносабати ҳақида тегишли маълумотга эга бўлиш талаб қилинади.

Баҳолаш тартиби қуйидагича:

11.1. Умумий йўналиш даражасини баҳолаш бўйича:

5 — эътиқоди, қизиқишлари ва иштиёқларининг юксаклиги ҳамда уларнинг жамият истиқболини ифодаловчи ахлоқий мезонлар билан тўла мос тушиши; 4 — юқори эътиқодга эга бўлиш билан бирга айрим қизиқишларнинг ахлоқий мезонларга тўлиқ тўғри келмаслиги; 3 — қизиқишларида ижобий ва салбий сифатларнинг тез-тез намоён бўлиб туриши; 2 — беқарор қизиқишлар; 1 — ахлоқий мезонларга зид йўналишнинг яққол ифодаланиши.

11.2. Йўналиш кенглиги бўйича: 5 — касбий, адабий, бадиий, муסיқавий; 4 — спорт, техника ва бошқа шу кабиларга нисбатан қизиқишларнинг ифодаланиши; 3 — маълум касбга оид қизиқишлар ва малакаларнинг ифодаланиши; 2 — фақат бир йўналишдагина қизиқишларнинг намоён бўлиши; 1 — беқарор қизиқишлар.

11.3. Йўналиш барқарорлиги бўйича: 5 — ёшликдаёқ шаклланган қизиқишлар ва йўналишларнинг ҳали ўзгармаган; 4 — йўналиш ҳаётда бир маротабадан ортиқ ўзгартирилмаган; 3 — йўналиш баъзан ўзгариб туради; 2 — йўналиш бир неча маротаба ўзгаради; 1 — йўналиш ҳамиша беқарор.

11.4. Меҳнатга ва ўз имкониятларини ривожлантиришга муносабат. 5 — меҳнатсевар, иродали, ўз мақсади йўлида қатъий, ўз имкониятларини ривожлантиришга ҳамиша интилади. Ўз-ўзига талабчан. Ҳамиша ҳар бир ишга ижодий ва мустақил ёндаша олади; 4 — меҳнатсевар. Фақат айтилган ва кўрсатиб берилган ишларни астойдил бажаради, айрим ҳоллардагина ишга ижодий ва мустақил ёндашишга интилади; 3 — ўзи учун осон ва қизиқарли бўлган пайтдагина ўқув ва меҳнат топшириқларини бажаришга ҳаракат қилади, мустақил ишлай олмайди; 2 — ишга ва ўз-ўзига лоқайд; 1 — ўқув ва меҳнат топшириқларини ривожлантиришга совуққонлик билан қарайди.

12. Психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.

12.1. Эмоционал кўзғалиш ва унинг фаолиятга таъсири: 5 — ҳар қандай эмоционал ҳаракатларда ва аффектив ҳолатларда психик ижобий ҳаракат йўналиши қисман бузилади, бу эса фаолиятга ҳам таъсир этади; 3 — ижобий ва салбий эмоционал ҳаракатлар тез-тез намоён бўлиб туради; 2 — психик ҳаракатлардаги эмоционал бузилишларни баргараф этиш учун алоҳида куч сарфлаш та-

лаб қилинади; 1 – ифодаланган эмоционал ҳаракатнинг бузилишини тўхтатиб бўлмайди. Бу эса фаолиятга кўпинча салбий таъсир кўрсатади.

12.2. Диққатлилиқ: 5 – бир вақтни ўзида турли нарсаларга диққатини тўғри ва самарали тақсимлай олади. Ихтиёрий диққат кўп ҳолларда барқарор; 4 – диққатни осонлик билан тиклай олади. Ҳар қандай вазиятда диққатни бошқара олади; 3 – диққатни тақсимлаш ва йиғишда қийналади; 2 – бир вақтнинг ўзида фақат битта нарсагагина диққат қарата олади. Диққатни тўғри ва унумли тақсимлай олмайди; 1 – диққатни бир нуқтага тўплай олмайди.

12.3. Хотира самарадорлиги; 5 – эса сақлаб қолиш ва эса тушириш жараёни нарса ва ҳодисаларни узоқ муддатда эса сақлай олади. Мантиқий хотираси анча устун; 4 – ҳар бир ҳодисани механик равишда эса сақлайди. Механик равишда узоқ муддатда сақлай олади; 3 – қисқа муддатда яхши эса сақлайди, лекин тез унутади, ихтиёрсиз хотира устун; 2 – хотира типлар жараёнларида айрим камчиликлар мавжуд; 1 – хотираси ниҳоятда заиф, баъзан паришонхотир.

12.4. Тафаккур сифати: 5 – конкрет амалий, конкрет образли, мавҳум тафаккурлар кучли, нарса, ҳодиса ва тушунчаларни осонлик билан таҳлил қила олади, мазмунли ҳукм ва хулосалар чиқара олади; 4 – тафаккурнинг айрим турлари яхши ривожланган; 3 – нарса ва ҳодисалар тўғрисида фикрлаш ва хулосалаш жараёнида маълум камчиликларга йўл қўяди; 1 – тафаккури сезгилари ва идрок даражасида, яъни нарса ва ҳодисаларни бевосита акс эттиради, холос. Фикрлаш жараёни ниҳоятда бўш.

12.5. Ижодий хаёл: 5 – хаёлини бошқара олади. Тафаккур орқали янги-янги образларни йўлаб топади, мавҳум нарсалардан аниқ нарсаларни келтириб чиқара олади. Фаол ва тасаввур хаёл кучли; 4 – мустақил равишда янги образлар ярата олади; 3 – фаол ва пасив хаёл турлари тез-тез алмашилиб туради; 2 – хаёлдаги салбий иллатларни бошқара олмайди; 1 – реал ҳаёт ва реал имкониятларга тўғри келмайдиган хаёлларга жуда кўп берилади.

13. Шахс тузилишининг биологик асоси.

13.1. Асаб жараёнлари хусусиятларининг кучига, яъни асаб тизимини кучли қўзғовчиларига меъеридан ортиқ тормозланишга учрамасдан, узоқ вақт бардош бера олиш қобилияти киради. Ушбу ҳолат ёрқин ва ҳамиша намоён бўлиб турадиган кишиларга энг юқори балл 5 ёки 4 балл қўйилади. Асаб фаолияти қўзғалишининг

Ўртача даражасида 3 балл нисбатан паст даражада бўлишга эса 2 ёки 1 балл қўйилиши мумкин.

13.2. Асаб жараёнларининг иккинчи хусусияти – уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни асаб тизимининг, ҳаёт шароитларининг талабига кўра қўзғалиш жараёни билан аксинча, тормозланишни қўзғалиш билан тез алмаштира олишдир. Бунда инсоннинг эпчилиги, ишбилармонлиги, ҳар қандай вазиятда шароит талабига тез мослаша олиши кўзда тутилади. Жараёни баҳолашда ҳам энг юқориси 5–4 балл ва қуйиси 2–1 балл ҳисобланади.

13.3. Асаб жараёнларининг учинчи хусусияти қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мувозанатлилиги (барқарорлиги ёки ўзгармаслиги)дир. Бунда қўзғалиш жараёни ҳам, тормозланиш жараёни ҳам тенг кучга эга бўлади. Нарса ва буюмлар, воқеа ва тормозланиш намоён бўлади. Энг юқори баҳо 5 балл, энг қуйи баҳо 2 ёки 1 балл ҳисобланади.

11.2. Синф жамоасини психологик ўрганиш

Синф жамоасини психологик жиҳатдан ўрганиш дастури

Синф жамоасига психологик тавсифнома ёзишда қуйидаги режадан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Синф жамоаси тўғрисида умумий маълумотлар ва уни шакллантириш тарихи (ўқувчилар сони, улардан ўғил ва қиз болалар, ёши, иккинчи йилга қолганлар сони, бошқа жамоалар билан муносабати, синф раҳбарларининг алмашилиши ва ҳ.к.).

2. Синф жамоасининг раҳбарияти ва фаоллари: синфнинг ташкилий ўзаги унинг фаоллари: синф боши ва унинг ишлари, синф фаоллари тавсифномаси (уларнинг ғоявий савияси, ташаббускорлиги, мустақиллиги ва қатъиятлилиги, ўзига ва бошқаларга талабчанлиги, ўртоқлар ўртасида обрў ва у нималарга асосланган, ташкилотчилик қобилияти, айрим ўртоқларига ғамхўрлиги, жамоатчилик фикрига муносабати).

Жамоада норасмий “етақчилар”нинг мавжудлиги, уларнинг синфга таъсир кўрсатиш хусусияти, унинг сабаблари, синф фаолларининг “етақчи”ларга муносабати; “эзилган”ларнинг мавжудлиги, ўртоқларнинг уларга бўлган муносабатини ўзгартириш мумкин бўлган йўллари.

Жамоа ичида ўзаро муносабатлар, жипслик даражаси, гуруҳларга бўлиниш мавжудлиги ёки йўқлиги, уларнинг ички негизи ва

синф ишларидан манфаатдорлик даражаси, ўзаро талабчанлик, меҳрибонлик, дўстона гамхўрлик, ўзаро ёрдам ва ҳурмат-эҳтиром кўрса-тиш:

Жамоада танқид ва ўз-ўзга танқид:

Ўғил ва қиз болалар ўртасида ўзаро муносабатларнинг ўзига хос ёш психологик хусусиятлари. Жамоанинг айрим аъзолари ўртасидаги ўртоқлик ва дўстликнинг намоён бўлиши унинг ички негизи, жамоадаги айрим аъзоларнинг ҳиссий жиҳатдан “яхшилиги” ва “ёмонлиги”.

Синф раҳбарларининг шахси (маълумот даражаси, умумий маданияти, ташкилотчилик қобилиятлари, ўқувчилар руҳиятини, қизиқишларини билиш, ўқувчилар ўртасида обрўси).

3. Жамоа фаолиятининг мазмуни ва хусусияти: ўқув фаолияти (ўзлаштириш ва интизомга тавсифнома) айрим ўқувчиларнинг ўзлаштириши устидан назорат ўрнатилганлиги, уларга синф раҳбарининг, синф фаолларининг талаблари ва ўқув фаолияти жараёни (уйга берилган топшириқларнинг бажарилиши), ўқув ишларидаги салбий жиҳатлар (шпаргалкалар, айтиб беришлар, кўчириб ёзиш ва ҳ.к.).

Жамоанинг ўқув машғулотларидан ташқари ҳаёти, замонавий сиёсий воқеалар, мусиқа, санъат, адабиёт, спорт, коллекциялар тўплаш ва ҳ.к.ларга қизиқишнинг намоён бўлиш шакллари (китобхонлар конференцияси, театр, кинога бориш, кўрилган нарсаларни муҳокама қилиш, мунозаралар ўтказиш ва ҳ.к.), синф жамоасининг умуммактаб ҳаётида иштирок этиши.

Ижтимоий фойдали меҳнат ва унинг жамоанинг синфдан ташқари ҳаётида тутган ўрни, меҳнат турлари ва уларнинг бажарилиш характери, онгли интизомнинг намоён бўлиши.

4. Умумий ҳулосалар: Жамоанинг ривожланиш даражаси. Ижобий психологик муҳитнинг мавжудлиги. Умумий ҳиссий вазият. Жамоа ҳаётини ташкил этишдаги, ўзаро муносабатлардаги асосий камчиликлари.

Синф жамоасидаги шахслараро муносабатни ўрганишда “социометрия” тест методининг ишлатилиши тавсия этилади.

Социометрияни ўтказишдан аввал 3 та савол билан мурожаат қилинади. Саволлар 3 йўналишда танлаб олинади. Интеллектуал, эмоционал ва ташкилотчилик хусусиятларини қамраб олган саволлар танланади.

Масалан:

1. Ким билан имтиҳонга тайёрланишни хоҳлар эдингиз?
2. Туристик саёҳатга борадиган бўлиб қолинса, чодирда ким билан яшашни хоҳлар эдингиз?
3. Сизга кеча ўтказиш топшириғи берилса, кимнинг сизга ҳамроҳ бўлишини хоҳлар эдингиз?

Ўқувчиларга даставвал кимни танлаган бўлса ўша ўқувчининг фамилиясини ёзиш топширилади. У билан бўлиш имкони бўлмай қолса, яна кимни танлашини ёзиш сўралади. Шу тартибда ҳар бир саволга 3 та ўқувчининг фамилияси кўрсатилади. Жавобларни таҳлил қилишда социометрик матрица тузилади (1-жадвал). Бунда гуруҳдаги шериклараро муносабатлар акс эттирилади. Шериклик ўзаро танлашлар билан белгиланади ва матрицада доира ичига олинади.

Куйида келтирилган социометрик матрицани (1-жадвал) тўлдириш учун даставвал гуруҳнинг тадқиқотда иштирок этган аъзоларининг рўйхати алфавит бўйича ёзиб олинади. Тадқиқотда неча киши иштирок этган бўлса жадвалда фамилярлардан сўнг шунча устун қолдирилади ва уларга ҳам тартиб бўйича рақамлар қўйиб чиқилади.

Шундан сўнг социометрик карточка бўйича синалувчи кимларни танлаган бўлса, карточкалар бўйича шу карточка эгасинининг фамилияси ёзилган қаторга у танлаган гуруҳ аъзосининг рўйхатдаги тартиб рақами акс эттирилган устун остига “+” белгиси қўйиб чиқилади. Ҳамма социометрик карточкалардаги танлашлар матрицада белгилаб бўлинганидан сўнг ҳар бир устун бўйича “+”лар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилиб, жадвалнинг пастки қисмидаги “танланишлар сони” деб кўрсатилган қаторга ёзиб қўйилади.

Ўзаро танланишлар синалувчилар бир-бирларини ўзаро танлашлари билан белгиланади. Матрицада ўзаро танланишларни кўрсатувчи “+” белгилари доира ичига олиб қўйилади. Устунлар бўйича доира ичига олинган миқдори матрицадаги (энг пастки қаторидаги) “Ўзаро танланишлар сони” деб ёзилган қаторга ёзилади.


“Танланишлар сони” қаторида нолларнинг бўлиши ўрганилган гуруҳда психологик иқлимнинг соғлом эмаслигидан дарак беради, чунки бу ҳол гуруҳнинг шу аъзоси гуруҳда яққаланиб қолганлигини билдиради.

Т/р	Фамилияси, исми	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1.	Адамбаева Замира															
2.																
3.																
4.																
5.																
6.																
7.																
8.																
9.																
10.																
11.																
12.																
13.																
14.																
15.																

Гуруҳдаги шахслараро муносабатлар хусусиятини янада яқинроқ акс эттириш учун социограмма тузилади (1-шакл). Бунинг учун каттароқ ҳажмдаги қоғозга текис ва кўндаланг чизиқлар чизиб олинади, унда кўндаланг чизиқлар сони 1-матрицадаги “Танланишлар сони” қаторида қайд этилган энг катта сондан битта ортиқча бўлиши керак. Бизнинг мисолимизда энг катта сон 6 (1-жадвал), шунинг учун социограмма тузишда 7 та кўндаланг чизиқ чизилади. (1 та ортиқча чизиқнинг чизилиши биронта ҳам танланиш олмаган гуруҳ аъзолари учун, чунки уларнинг танланиш сони 0 деб кўрсатилади).

Социограмма (1-шакл)

Илова: Δ — ўғил болалар; \circ — қиз болалар; учбурчак ва айлана ичидаги рақамлар гуруҳнинг шу аъзоси гуруҳ рўйхатида нечанчи ўринда туришини билдиради; \rightarrow — бир томонлама танлаш; \longleftrightarrow — ўзаро танланишлар.



11.3. Дарсни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш

Дарсни психологик жиҳатдан таҳлил қилишда қуйидаги намунавий схемадан фойдаланиш тавсия этилади.

I. Дарсни аниқ мақсад ва вазифаларига боғлиқ равишда унинг тузилишига психологик баҳо бериш.

1. Дарснинг мавзуси, мақсад ва вазифаси.

2. Дарснинг тузилиши ва унинг психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги (таълим жараёнининг моҳияти, дарснинг боғланиши, мақсади, типлари ва тушунтирувчи материалнинг нисбати).

II. Дарснинг мазмунига психологик жиҳатдан баҳо бериш.

1. Ўқув материалининг сифати қандай (тасвирловчи ёки тушунтирувчи, кўргазмали. Аниқлик, мавҳумлик, умумийлик даражаси).

2. Ўқувчи фаолиятининг қандай томонларини фаоллаштириш ўқув ахборотининг идрок этишни талаб қилади (образли ёки оғзаки, мантиқий, хотирани, хаёлий тафаккурни, хаёлни), у қандай ҳис-туйғуларни уйғотади.

3. Мазкур материал ўқувчилар билиш фаолиятининг ёш психологик хусусиятларига, уларнинг ҳаёти, тажрибасига ва билимлари қай даражада мос келади?

4. Ўқитувчи қандай қилиб мураккаб ўқув материални мазкур ёшдаги ўқувчиларнинг идрок этиш учун қулай, тушунарли ва қизиқарли қила оладими (баён қилишнинг равшанлиги ва оддийлиги, ёрқин мисоллар, ўхшатмалар, қиёслашнинг мавжудлиги, кўргазмали воситалардан фойдаланиш, ҳаёт билан боғлаш)?

III. Дарсда ўқувчилар билиш фаолиятининг намоён бўлиши ва уни бошқариш

1. Диққатни ташкил этиш йўллари.

1. Дарсдаги диққатнинг турлари ва уларнинг ўқувчиларда намоён бўлиши. Ўқувчилар диққатини бир ишдан иккинчи ишга кўчириш усуллари.

2. Ўқитувчи таклиф этган қандай фаолиятда ўқувчилар диққатининг бўлиниши (тақсимланиши) талаб қилинади ва улар қандай қилиб уддасидан чиқадилар?

2. Идрокни ташкил этиш.

Нималар ўқувчининг объекти ҳисобланади (ўқитувчининг нутқи, дарслик, матн, кўргазмали воситалар)? Идрок этиш материалларининг сифати.

3. Хотирани фаоллаштириш ва ривожлантириш.

Дарснинг турли босқичларида ўқувчилар хотирасига мурожаат қилиш ва у қандай мақсадда амалга оширилади? Дарсда хотиранинг қандай мақсадда амалга оширилиши. Дарсда хотиранинг қандай турлари намоён бўлади (кўргазмали, образли, оғзаки-мантик, хиссий, ҳаракат, механик турлари)?

Ўқитувчи материални яхши эслаб қолиш учун қандай усуллардан фойдаланди (эслаб қолиш, мақсадни кўйиш, материалга мантикий ишлов бериш, такрорлаш ва ҳ.к.)?

Ўқувчиларда хотиранинг қандай тури намоён бўлади (эслаб қолиш, қайта тушунтириш, эсда сақлаш, унутиш)?

4. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини кучайтириш.

Ўқитувчи ўқувчиларда қандай илмий тушунчани шакллантиради? Бунда кўргазмали воситалардан қандай фойдаланади? У тушунчалар ўртасида қандай алоқалар ўрнатади ва қандай фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқади? Қандай йўл билан (индуктив, дедуктив) ўқувчиларни маълум тушунчалар ва фикрларни ўзлаштиришга олиб келди? Ўқитувчи ўқувчиларда мазкур тушунчаларни ўзлаштириш эҳтиёжини вужудга келтирдими? Ўқувчилар дарсда қандай ўзлаштириш даражаларини кўрсатдилар ва тушунчаларни белгилашда йўл қўйган камчиликлари нимадан иборат? Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ижодий тафаккурини қандай фаоллаштиради? Дарс қандай муаммоли тузилиши билан яратилади? Ўқувчилар жавобларни ишлашда фаҳмилилик кўрсатдиларми? Муаммонинг ечимини топиш учун қандай аниқ фикрлаш ҳаракатларини мустақил равишда амалга оширадилар?

Зарур билим ва малакаларининг мавжудлиги, ўқувчилар мулоҳазаларининг мантиқийлиги, уларнинг ҳаракатлари нималардан иборат?

5. Дарсда ўқувчиларнинг хотира, тасаввурлари, ижодий ҳаёли фаоллашдими?

6. Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ўқитувчи томонидан қандай амалга оширилади?

IV. Ўқувчиларда қайта алоқанинг ташкил этилиши

1. Ўқитувчи дарснинг қайси босқичларида (сўраш, янги материални ўтиш, мустаҳкамлашда) ўқувчиларга қандай мақсадлар билан мурожаат қилади?

2. Тескари алоқа фақат назорат қилувчи эмас, таълим берувчилик хусусиятга ҳам эгами?

3. Ўқувчилар олган баҳоларига қандай муносабатда бўладилар?

4. Ўқувчилар жавобларининг табиати ўқитувчининг бундан кейинги хатти-ҳаракатига таъсир қиладими?

V. Дарсда ўқитувчи шахси.

1. Ўқитувчи шахсининг ташқи қиёфаси, нутқи, ўзини тутиши, муоамалада бўлиш табиати. Болаларнинг унга муносабати. Дарснинг хусусий муҳити.

2. Ўқитувчи қўядиган талабларнинг ўқувчиларга таъсири.

VI. Дарснинг натижалари.

Дарснинг мақсадига эришилдими? Бу ҳолда қандай психологик кўрсаткичга қараб хулоса чиқариш мумкин? Дарс ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларининг ривожланиши учун нима берди?

11.4. Ўқувчиларда психик жараёнларни ўрганиш

1. Сезгиларнинг ривожланишда машқларнинг роли.

Кўрсатма: Ўқувчиларга оқ қоғоз бетига узунлиги 18 см лик 3 та горизонтал чизиқ чизиш таклиф этилади. Сўнг учала чизиқ кўз билан чамалаб тенг иккига бўлинади. Ҳосил бўлган бўлақларни линейка ёрдамида ўлчаб тенг ёки тенг эмаслиги аниқланади. Улардаги оғиш см билан ҳисоблаб чиқилади.

Ўлчов фарқлари жамланади, ўнга тақсимланади.

Кўз билан ўлчаш (қобилияти паст ўқувчи ажратилади. 5 кун давомида чизиқли кўз билан чамалаб бериш машқи 10 марта такрорланади ҳамда машғулот қайтадан ўтказилади).

Ўтказилган тажриба	Топшириқ	Натижа	Оғиш фарқи (миллиметр)	Изоҳ
1-тажриба				
2-тажриба				

2. Диққатнинг кўламини аниқлаш.

Кўрсатма: Ўқувчиларга а) бир-бирига боғланмаган ҳарфлар;

б) бир-бирига боғланмаган рақамлар;

в) турли рангдаги турли шакллар;

г) бир-бирига боғланган сўзлар

10 секунд кўрсатилади. Карточка яширилгандан сўнг ўқувчи кар-

точкаларда нималарни кўрганлигни ёзиб боради. Натижа қуйидагича таҳлил этилади:

Текширилувчининг исми, фамилияси _____
 Ёши _____

Т/р	Топшириқ	Жавоб	Натижада тўғри баж. иш. сони.	Изоҳ
1	Бир-бирига боғланмаган сўзлар 1) РПТ 2) МГРЗ 3) ПКЦЧН 4) НПСРЦН			
2.	Бир-бирига боғланмаган рақамлар 1) 2 5 4 2) 0 3 7 9 3) 4 7 5 1 6 4) 9 4 2 7 8 3 5) 2 8 4 9 7 5 3			
3.	Турли рангли турли шакллар 1) 2) 3) 4) 5)			
4.	Бир-бирига боғланган сўзлар 1) Автобус 2) Автомобиль 3) Автотрелер 4) Мактаб			

3. Идрок.

Идрок қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мақсад: Билиш фаолиятида идрокнинг роли.

Материал: Майда предметлар тўплами (резина, бўр, пахта ва ҳ.к.)

Кўрсатма: Синалувчи ўқувчи аудитория томонга қараб туради, кўзларини юмади, кафтни пастга қараб узатади ва бошини қарама-қарши томонга узатилган қўли кўринмайдиган қилиб бурилади.

Биринчи босқичда эксперимент ўтказувчи қўлидаги предметни синалувчи кишидан бўлак ҳамма кўрадиган тарзда намойиш қилади. Шундан кейин у предметни синалувчи киши узатган қўлининг орқа томонига қўяди ҳамда ундан предмет тўғрисида нима билса, ҳаммасини айтиш сўралади. Предмет секин, эҳтиёткорлик билан олинади, сўнг кейинги предмет қўлнинг орқа томонига кетма-кет қўйилади.

Иккинчи босқичда предмет қўлнинг кафтига қўйилади. Синалувчи қўли ва бармоқлари билан предметни ушламаслиги керак, шу ҳолда предмет нима эканлигини айтиб бериши лозим.

Учинчи босқичда синалувчига ўз кафтида турган предметни ушлаб кўриш топширилади. Синалувчи мазкур предмет билан иш бошланишидан олдин баённома ёзуви, биринчи ва иккинчи босқичларда синалувчи берган маълумотлар ўқиб берилади.

Тажриба қуйидагича схемада тўлдирилади:

Текширувчининг исми, фамилияси _____
 Ёши _____

Предмет рақами	Предмет номи	Синалувчининг тасаввурлари		
		1-босқич	2-босқич	3-босқич
1.				
2.				
3.				
4.				

4. Хотира.

Мақсад: Матнни структурага солишнинг эсда қолдиришга таъсири.

Материал: Эсда қолдириш учун матнлар.

Бўри катта итга жуда ўхшайди. Бўрининг юнглари узун-узун ва қаттиқ бўлади. Кўзлари гилайга ўхшаш, икки томонга қараб туради. Думи пастга осилиб ётади.

Бўрилар ўрмонларда, жарликларда яшайдилар. Гоҳо чўлларда ҳам учрайди. Кузда бутун бир оила бўлиб яшайдилар, қиш кунлари улар кўпинча тўда-тўда бўлиб юрадилар. Бўри йирик уй ҳайвонларига ҳужум қилади. У майда жониворларни ва ҳатто ҳашаротларни ҳам еб қорин тўйғизади. Ёзда бўри ўзига кўп овқат топади, қишда у баъзи қишлоқларга келиб уй ҳайвонларини бўғизлаб кетади. Бўриларга қарши овчилар гуруҳи кураш олиб боради. Улар бўриларни

қидириб овлайдилар. Тутиш учун хандақлар қазиб, қопқонлар қўядилар. Қопқонга илинган ва тутилган бўрилар ўлдирилади.

Тулки (группалаштирилмаган текст)

Тулкининг бўйи кичикироқ кучукдек келади. У ўрмонда, қир-адирларда яшайди. Тулки майда ҳайвонларни тутиб ейди. Тулки болалари апрель ойларида туғилади. Тулкининг тумшуги узун бўлади. Тулки душманлари келаётганини сезиб, ўз болаларини тўплаб бошқа жойга кетади. Тулкининг думи узун, майин бўлади. Тулки кўпинча бошқа ёввойи ҳайвонлар ташлаб кетган бўш инларда яшайди, баъзан уй паррандаларига ҳужум қилади. Тулкининг янги туғилган болалари бир ойгача инидан чиқмайди. Тулкининг мўйнаси қалин, юмшоқ ва майин бўлади. Баъзан тулки тош уюмлари орасида ёки буталар ичидаги чуқурларда яшайди. Тулки нок, олхўри ейишни хуш кўради. Тулки болаларига овқатни уларнинг онаси олиб келади.

Кўрсатма: Ўқувчиларга биринчи ҳикоя ўқиб берилади. Ҳикояни тинглаётганда улар ҳеч нарсани ёзмасликлари керак. Биринчи ҳикоя ўқиб бўлингач, синалувчилар эсларида қолган ҳамма нарсани ёзиб чиқадилар.

Сўнгра иккинчи ҳикояни ҳам тинглайдилар, худди шунингдек уни ҳам эсларида қолганча ёзиб чиқадилар.

Т/р	Ўқувчилар ф.и.ш.	1-ҳикоя		2-ҳикоя	
		<i>Ёзилган гап миқдори</i>	<i>Ёзилган сўз миқдори</i>	<i>Ёзилган гаплар миқдори</i>	<i>Ёзилган сўзлар миқдори</i>

Амалиётчи психолог хулосаси _____

5. Тафаккур.

Мақсад: Умумийлаштириш жараёнининг характеристикаси.

Кўрсатма: Ҳар бир қатордаги сўзларни ўқиб, “ортиқча” сўзни

ўчириб ташлаш ва қолган сўзларни нима бирлаштиришини айтиб бериш керак.

1. Кучук, сигир, қўй, лос, мушук.

Кучук, сигир, қўй, лос, от.

Жавоб: биринчи қатордаги “ортиқча” сўз — лос, қолган сўзлар уй ҳайвонларининг номидир, иккинчи қаторда эса «ортиқча» сўз кучук, қолган сўзлар туёқли ҳайвонларнинг номидир.

2. Футбол, хоккей, қўл тўпи, баскетбол, бадминтон.

Жавоб: Биринчи қаторда “ортиқча” сўз — баскетбол, чунки шундан бошқа ўйинларда дарвозабон бўлади.

Ўқувчи фамилияси, исми, шарифи _____

Ёши _____

1-топшириқ учун берилган жавоблар			2-топшириқ учун берилган жавоблар		
1-қатордаги “ортиқча” сўз	2-қатордаги “ортиқча” сўз	Изоҳ	1-қатордаги “ортиқча” сўз	2-қатордаги “ортиқча” сўз	Изоҳ

6. Хаёл.

Мақсад: Ижодий хаёлнинг хусусиятлари. Сўз орқали ифодаланган ижодий хаёлнинг баъзи бир хусусиятларини аниқлаш.

Кўрсатма: Ўқувчилар ҳикоянинг бошланиш қисмини тинглайдилар. Сўнг тугалланмаган ҳикояни давом эттириш сўралади, бунга 10 минут вақт берилади.

“Қош қорайди. Ёмғир зерикарли даражада майдаланиб ёга бошлади: автобус бекатида бир соябон остида икки қиз туришарди. Улар алланималар ҳақида секин-секин пичирлашиб гаплашарди. Шу пайт бирдан...».

Хулоса: Ҳикоя тугалланмаганлиги, образларнинг ёрқинлиги, оригиналлиги, сюжетнинг одатдан ташқари йўналишда қурилиши, якунининг қутилмаган ҳолда қизиқарли бўлиши баҳоланади.

11.5. Ўқувчи шахси ва жамоага тавсифнома ёзиш схемаси

Ўқувчи шахсини таҳлил қилишнинг асосий жиҳатлари қуйидаги режа асосида берилиши мумкин. Бу режадан тавсифномага материал тўплашда ва ёзишда фойдаланиш тавсия этилади.

- I. Умумий маълумотлар.**
Ўқувчининг фамилияси, исми, туғилган йили, ўқийдиган синфи, умумий жисмоний ривожланиши, соғлиғи.
- II. Оиладаги ўзаро муносабатлари.**
Оиладаги ҳаёт ва турмуш шарт-шароитлари.
- III. Жамоа билан ўзаро муносабатлар ва мактабга муносабат.**
- IV. Жамоодаги аҳволи** (ҳамма уни яхши кўрадимиз, обрў-эътиборга сазовормиз, бу нима билан белгиланади).
- V. Қобилиятининг намоён бўлиши.**
- VI. Характерининг умумий сифатлари.**
- VII. Шахс йўналиши.**
- VIII. Психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- IX. Шахс тузилишининг биологик асоси.**
- X. Ўқиш.**
 1. Ўзлаштириш (асосий баҳолари, турли фанлардан бир хилда ўзлаштирадими?) билим даражаси.
 2. Билим доираси, кўп ўқиши.
- XI. Интизомлилиги.**
 1. Хулқ-атворига умумий тавсифнома (ўзини осойишта, босиқ тутади ёки ортиқча ҳаракатчан, тиниб-тинчимас).

Синф жамоасига ёзиладиган психологик тавсифнома схемаси

1. Жамоа сифатида мактабга характеристика, тарбия, интизом, давоматнинг даражаси, мактабнинг жамоатчилик билан алоқаси, мактабнинг синф жамоасига таъсири.
2. Синф жамоасининг структураси, синф фаоллари, етакчиси, жамоатчи ўқувчилар.
3. Синф жамоасининг ўқув фаолиятини ташкил қилишга умумий характеристика.
4. Синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишларга қатнашиши.
5. Синфда интизом даражаси. Ўқувчиларнинг хулқи нормалари.
6. Ижтимоий мақсадлари, ўқувчиларнинг эҳтиёжлари жамоанинг бирдамлиги жамоа фикрлари мазмуни.
7. Жамоа ижтимоий психологик ҳодисалар. Анъаналар, умумий кайфиятлар ўқувчилар кимга ва нимага тақлид қиладилар.
8. Жамоада мусобақа руҳи. Жамоа таъсири, ишонтириш фактларини анализ қилиш, улар социал психологик ҳодиса сифатида жамоа ҳаётига салбий таъсирлари. Ёлғон гаплар, ваҳималар, кўра билмаслик.

9. Жамоа аъзолари сифатида айрим ўқувчиларга характеристика бериш, синфдаги ўқувчиларнинг тутган ўрни, социал ролларини анализ қилиш ва айрим ўқувчиларнинг жамоада кўрсатган таъсири.

10. Синф жамоасининг ёш психологик хусусиятлари.

11. Жамоада шахслараро муносабатлар психологияси.

12. Синф жамоасига социал муҳит, ота-оналар ва жамоатчиликнинг таъсири.

13. Ўрганган материалларингизни умумлатиришингизга кўра қайси хусусиятларни жамоанинг ўзига хос хусусияти деб биласиз?

14. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, характерининг жамоачилик хислатларини сингдириш учун амалиётчи талаба қандай ишлар олиб бориши керак?

15. Синф жамоаси билан ишлашни яхшилаш учун амалиётчи талабага таклиф ва мулоҳазалар (ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилар, ташкилот манзили).

4.6. Дарснинг психологик таҳлили схемаси

1. Дарснинг мавзуси, мақсад ва вазифалари

2. Дарснинг мазмунига психологик жиҳатдан баҳо бериш

3. Дарсда ўқувчилар билиш фаолиятини билиш ва уни бошқариш

4. Ўқувчилар билан қайта алоқани ташкил этиш

5. Дарсда ўқитувчи шахси

6. Дарснинг натижалари

ИЛОВА. ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯГА ОИД ИЗОҲЛИ ЛУФАТ

ПСИХОЛОГИЯ – одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ

1. **ФАОЛЛИК** – тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир таъсир этишда психик образ ярата олиш қобилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.

2. **ҲАРАКАТ АКЦЕПТОРИ** – марказий нерв системасининг бўладиган ҳаракатлар натижасини белгилаб берувчи нейродинамик моделдир. Бу модел ҳаракатларнинг асосий характеристикасини ўз ичига олиб, ҳаракатларни бошқаришда иштирок этади (П.К. Анохин).

3. **АНАЛИЗАТОР** – мураккаб нейрофизиологик тизим бўлиб, одамга таъсир этувчи кўзғалишларни идрок этиш ва уни таҳлил қилишни таъминлайди. Анализатор рецептор, нерв йўллари, мия билан боғланадиган қисми ва миянинг махсус специфик бўлимларини ўз ичига олади (И.П. Павлов).

4. **АНИМИЗМ** – ибтидоий жамоа даврида ҳукм сурган ва табиий объектларни “руҳ” кучига эга деб эътироф этадиган оқим.

5. **АССОЦИАЦИЯ** – психик ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши бўлиб, маълум қонунлар бўйича таркиб топади (жумладан, фазодаги ёндошлик, хронологик, ўхшашлик, қарама-қаршилик ва бошқа ассоциациялар).

6. **АССОЦИАТИВ ПСИХОЛОГИЯ** – XVII–XIX асрларда майдонга келган психология фани йўналиши бўлиб, кўпроқ Англияда тарқалган. Бу йўналишнинг асосий тушунтириш йўллари тариқасида ассоциациядан фойдаланилади.

7. **АФФЕРЕНТ НЕРВ** – нерв импульсларини сезги аъзоларидан марказий нерв тизимига элтувчи нерв толаси (сезувчан нерв).

8. **АФФЕРЕНТАЦИЯ** – периферик нерв учларидаги нерв кўзғалишларини бош мия қобигидаги марказий нейронларга етказиб бериш.

9. **ШАРТСИЗ РЕФЛЕКС** – психиканинг И.М. Сеченов ва И.П. Павлов томонидан кашф этилган рефлексор назариясининг асосий тушунчаси бўлиб, ҳар қандай таъсирга инстинктив жавоб беришдан иборат тугма рефлексдир (жавоб бериш).

10. **БИХЕВИОРИЗМ** – XX аср бошларида АҚШда майдонга келган психологиянинг механик йўналиши бўлиб, психологияни ўрганиш предмети қилиб фақат одамнинг хулқ-атвори олинган. Улар фақат одамнинг ташқи таъсирлар натижасида пайдо бўлган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворини ўрганиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бунда онгнинг роли инкор қилинади. Бу йўналишларнинг асосчилари Д. Уотсон, Э. Торндайк.

11. **ВЮРЦБУРГ МАКТАБИ** – XX аср бошларидаги немис психологлари бирлашмаси бўлиб (К. Бюлер, Н. Ах, О. Кюльпе ва бошқалар), улар биринчи бўлиб махсус экспериментал тадқиқотнинг предмети қилиб тафаккурни ўргандилар.

12. **ГЕШТАЛЬТПСИХОЛОГИЯ** – ҳозирги замон чет эл психология мактабларидан бири бўлиб, XX асрнинг 30-йилларида Германияда пайдо бўлган. Булар мураккаб психик ҳодисаларни тушунтириш учун ҳодисаларнинг бир бутунлиги принциpidан фойдаланадилар (“Гештальтлар”). Асосчилари: М. Вертхеймер, В. Кёлер, Н. Коффка.

13. **ГИППОКАМП** – бош мия қобиғининг қуйи қисмида жойлашган чизик бўлиб, ориентация реакцияси ва ўрганишнинг физиологик механизмларида иштирок этади.

14. **ДИНАМИК СТЕРЕОТИП** – ҳаёт жараёнида пайдо бўлган шартли рефлектор боғланишларнинг нисбатан бақарор системасидир.

15. **ДУАЛИЗМ** – борлиқ ҳам моддий, ҳам руҳий бўлган икки асосдан ташкил топган деб ҳисобловчи фалсафий таълимот бўлиб, психофизик параллелизм концепциясининг асосидир.

16. **ИНТРОСПЕКТИВ ПСИХОЛОГИЯ** – интроспекцияни – тадқиқот асосий методи деб ҳисобловчи психологик йўналишлар мажмуидир.

17. **ИНТРОСПЕКТИВ МЕТОД** – бу кишининг ўз-ўзини кузатишга асосланган психология методидир.

18. **ЛАБИЛЛИК** – нерв ҳужайраларининг тезлик билан қўзғалиш ҳолатидан тормозланиш ҳолатига ва тормозланишдан қўзғалиш ҳолатига ўтиш қобилятидир.

19. **ҚАЙТАРМА АЛОҚА** – барча мураккаб тизимлардан бошқариш ва ҳаракатларни тартибга солиб туришнинг муҳим принципи бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, бошқарувчи ахборот органларига ҳаракат натижалари тўғрисида хабар келганда бажарувчи органларга буйруқ бериш шаклланади.

20. **ОРИЕНТАЦИЯ РЕФЛЕКСИ** – шартсиз рефлекснинг бир

тури бўлиб, ҳар ҳар қандай янги қўзғовчи таъсирга биринчи бўлиб жавоб бериш реакциясидир.

21. ПСИХИКА – юксак даражада ташкил топган материя (мия)-нинг объектив борлиқни акс эттириш ва шунинг асосида шакланган психик образлар орқали мақсадга мувофиқ субъектнинг фаолияти ва унинг хатти-ҳаракатларини бошқаришдан иборатдир.

22. ПАРАПСИХОЛОГИЯ – тадқиқот соҳаларидан бири бўлиб, сезги аъзолари иштирокисиз идрок қилиш формаларини, шу билан бирга тирик мавжудотнинг физик ҳодисаларга мушак кучисиз таъсир этиш турларини ўрганишга қаратилгандир. Парапсихология муаммоси баҳсга молик соҳадир.

23. БИЛИШ – психик акс эттириш жараёни бўлиб, билимларни эгаллаш ва уни ўзлаштиришни таъминлайди.

24. РЕТИКУЛЯР ФОРМАЦИЯ – бош миянинг чуқур қисмидаги нерв ҳужайралари бўлиб, улар ўз тузилишига кўра қалин тўрни эслатадиган ўсимталарга эга. Қўзғаловчилар таъсири остида турли рецепторлардан бош мияга сигналлар олиб борадиган сезувчи нервларнинг ўсимталари ретикуляр формацияга туташган бўлиб, мавжуд сигналлар уни ҳам қўзғайди. Бош миядаги қўзғалиш эса ретикуляр формация фаолияти асосида ё кучайтирилади, ё сусайтирилади. Демак, ретикуляр формациянинг ҳар бир ҳужайраси сезги аъзоларидан кун давомида сигналларни қабул қилиб олиб, бош мия ва орқа мия фаолиятига умумий ҳолда таъсир этиб туради. Бу эса кишининг тетиклиги, ҳаяжонланиши ва диққатининг фаоллиги билан боғлиқдир.

25. РЕФЛЕКСИЯ – киши билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилишидир.

26. СТИМУЛ – рецепторларда қўзғалишни вужудга келтирадиган ташқи-ички таъсирдир.

27. АКС ЭТТИРИШ НАЗАРИЯСИ – психик ҳодисаларга борлиқни акс эттиришнинг формаларидан бири деб қарайдиган назария.

28. ФРЕЙДИЗМ (ПСИХОАНАЛИЗ) – XX асрда майдонга келган психологик йўналиш бўлиб, исон хулқини асосий ҳаракатлантурувчи онгсиз, инстинктив майлдир деб ҳисоблаб, онгнинг етакчилик ролини камситадиган назария. Бу назариянинг асосчиси австриялик психиатр З. Фрейд.

29. ФУНКЦИОНАЛ СИСТЕМА – ҳаётдаги нейродинамик янги тизим бўлиб, юксак психик функцияларнинг ва киши қобилиятининг моддий асосидан иборат (П.К. Анохин томонидан ишлаб чиқилган).

30. **ФУНКЦИОНАЛ ПСИХОЛОГИЯ** – психика ва шахсга айрим психик функцияларнинг йиғиндисидир, деб қаровчи психология фанининг йўналиши.

31. **ЭЛЕКТРОЭНЦЕФАЛОГРАММА (ЭЭГ)** – махсус электроэнцефалограф асбоби ёрдамида биоэлектрик фаоллигини текшириш усулининг маҳсулоти.

32. **ЭФФЕКТОР** – рефлектор ёйнинг (мушак ва томирлардаги) иш бажарувчи қисми бўлиб, қабул қилувчи рецептордан фарқ қилади.

33. **ЭФФЕРЕНТ НЕРВ** – нерв импульсларини марказий нерв тизимидан иш бажарувчи аъзоларга элтувчи тола.

34. **ЭТНОПСИХОЛОГИЯ** – психология фанлари соҳасидан бири бўлиб, одам психикасининг этник хусусиятларини, миллий характери, миллий ўзлигини англаш, этник стереотип сингари функцияларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганеди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

1. **АНКЕТА** – олдиндан тайёрланган саволлар асосида жавоб олиш учун тайёрланган варақа.

2. **АУТОГЕН МАШҚ** – ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.

3. **СУҲБАТ** – психология методларидан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки билвосита маълумот олишдан иборат.

4. **БИОГРАФИК МЕТОД** – кишини унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар орқали ўрганиш усули.

5. **ВАЛИДЛИК** – психологик тадқиқотда олинган натижаларнинг объектив ташқи мезонларга мос келиши.

6. **ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ** – психология фани тармоқларидан бўлиб, турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ўрганеди.

7. **ГЕНЕТИК МЕТОД** – психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг куйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.

8. **ДЕТЕРМИНИЗМ** – табиатдаги барча нарсалар, шу жумладан психик ҳодисаларнинг рўй бериши объектив сабаблар ва қонунлар билан белгиланади деб қараш.

9. **ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТ ДИАГНОСТИКАСИ** – психик тараққиёт даражаси ва яқка психологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида одамни ҳар томонлама текшириб кўриш усули.

10. **ОНГ ВА ФАОЛИЯТ БИРЛИГИ** – психологиянинг онг би-

лан фаолиятнинг бирлиги, унинг ўзаро узвий боғлиқлигини эътироф этувчи қоида.

11. ТАБИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ – текширилувчини ўзига билдирмаган ҳолда уни ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятида ўрганишдан иборат психологик тажриба.

12. МУҲАНДИСЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ – бу психология фани соҳаси бўлиб, киши меҳнатининг психологик хусусиятларини фаолият жараёнида техника воситалари билан муносабатда бўлишида ўрганади. Шу билан бирга бу соҳа машина ва ускуналар лойиҳасини яратишда инсон омилларини ҳисобга олиш талабларини ишлаб чиқади.

13. ИНТРОСПЕКЦИЯ – кишининг ўз-ўзини кузатиши.

14. ИНТЕРВЬЮИРОВАНИЕ (ИНТЕРВЬЮ, АХБОРОТ ОЛИШ) – бу ижтимоий психология методи бўлиб, қўйилган саволларга берилган жавоб тариқасидаги ахборотларни тўплаш усулидир.

15. СУНЪИЙ АҚЛ – биронта одам ёки бир гуруҳ кишилар бажара оладиган мураккаб ақлий функцияларни бажарадиган сунъий яратилган қурилма.

16. КОРРЕЛЯЦИЯ – воқеликдаги ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ёки экспериментдан олинган маълумотлар ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишлар меъёри.

17. ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ – психология методларидан бўлиб, текширувчига таъсир этадиган барча омиллар қатъий назорат қилган ҳолда сунъий шароитда олиб борилади.

18. ШАХСИЙ МУНОСАБАТ – психология қоидаларидан бўлиб, одамга шахс тариқасида, унинг воқеликни акс эттирувчи ва барча психик ҳодисаларни белгилаб берувчи система эканлигини тушунган ҳолда яқиндан ёндашиш.

19. ПСИХОЛОГИЯ МЕТОДЛАРИ – психик ҳодисаларни ва уларнинг қонуниятларини илмий томондан ўрганишнинг асосий йўл-йўриқ ва усуллари.

20. КУЗАТИШ – психология методларидан бўлиб, кишининг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.

21. ЎРГАТУВЧИ ЁКИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ЭКСПЕРИМЕНТ – психология методи бўлиб, бу метод орқали шахсда зарурий психик жараён ёки сифатлар режали равишда шакллантирилади.

22. ПАТОПСИХОЛОГИЯ – психология тармоқларидан бўлиб, турли касалликлар натижасида психик тараққиётнинг издан чиқishiни ўрганади.

23. ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ – психология тармоқларидан бўлиб, таълим ва тарбия қонуниятларини ўрганади.

24. СОЦИОМЕТРИЯ – Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат психологик тадқиқот методи.

25. ЎЗ-ЎЗИНИ КУЗАТИШ – бунда субъектнинг ўз психик ҳолатлари билан ўз хатти-ҳаракатларини ўрганишдан иборат метод.

26. СИСТЕМАЛИ ЁНДАШИШ (ПСИХОЛОГИЯДА) – психикани оддий элементлар йиғиндисига киритиб бўлмайдиган мураккаб бирлик деб қарашни талаб этувчи принцип.

27. “ОДАМ-МАШИНА” ТИЗИМИ – одам – оператор ва машинадан иборат система бўлиб, бунинг воситасида одамнинг меҳнат фаолияти амалга оширилади.

28. ТЕСТ – стандартлаштирилган психологик синов бўлиб, бунинг натижасида у ёки бу хилдаги психик жараёни баҳолашга ёки шахсни бир бутунлигича ўрганишга қаратилган усул.

29. ЭКСПЕРИМЕНТ – психологиянинг асосий методларидан бўлиб, ўзгарувчан мустақил психик ҳолатларнинг бошқа номуσταқил ҳолатларга таъсир этишдаги аниқ маълумотларга таянади.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА ПСИХИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИНСОН ОНГИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

1. АНТРОПОМОРФИЗМ – инсонга хос хислат ва хусусиятларни табиатдаги ҳодисаларга кўчириш (боғлаш). Жумладан, ҳайвонларда одам қобилияти ва сифатлари бор деб ҳисоблаш.

2. ОНГСИЗЛИК – киши онгига бориб етмаган психик жараёнлар мажмуи.

3. ЗООПСИХОЛОГИЯ – психология тармоқларидан бўлиб, ҳайвон психикасининг тараққиётини ўрганадиган соҳа.

4. ИНСТИНКТ – хулқ-атвор ёки хатти-ҳаракатларнинг олдиндан генетик шартланган усуллари.

5. АҚЛИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР – хатти-ҳаракат турларидан бири тариқасида ҳайвон психик тараққиётининг чўққиси ҳисобланади ва энг аввало ҳайвонларнинг айрим кўргазмали ҳаракатли вазифаларни бажара олишларида яққол ифодаланади.

6. МАЛАКА – машқ қилиш жараёнида иш-ҳаракатлар бажарилишининг автоматлашган усуллари.

7. **ОНГ ОСТИ ҲОЛАТЛАРИ** – актуал равишда англаб олинмайдиган психик жараёнлар ва психик ҳолатлар йиғиндиси бўлиб, кишининг хатти-ҳаракатлари ва унинг онги мазмунга таъсир этишга қобилдир.

8. **ҚЎЗҒАЛУВЧАНЛИК** – бу барча тирик материяга хос хусусият бўлиб, ташқи қўзғовчи омиллар таъсирида физиологик ҳолатларни ўзгартириб юбориш қобилиятига эга.

9. **ОНГ** – одамларнинг ижтимоий-тарихий фаолияти воситасида пайдо бўлиб, объектив борлиқни психик акс эттиришнинг фақат инсонгагина хос юқори усули.

10. **ТРОПИЗМЛАР** – муҳим биологик қўзғатувчилар таъсирида ўсимликлар ҳаракати йўналишининг ўзгариши.

11. **СЕЗГИРЛИК** – айрим тирик организмларнинг қўзғовчилар таъсирини қабул қилиш қобилияти бўлиб, сезгирлик ифодаловчиларга нисбатан бевосита биологик аҳамиятга эга бўлган сигналлик вазифасини бажаради.

ШАХС

1. **АССОЦИАЦИЯ (ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА)** – мулоқотда шахслараро муносабатлар мазмунини – гуруҳ аъзолари ўртасида биргаликдаги фаолиятнинг йўқлиги ёки бунинг гуруҳ аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир этишини белгилаб берувчи гуруҳ.

2. **АУТСАЙДЕР** – ижтимоий психология ибораси бўлиб, психологик қовушувчанлик муносабати билан рад этилган гуруҳ аъзоси.

3. **ПСИХОЛОГИК ТЎСИҚ, FOB** – маълум фаолият ёки иш-ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан, биронта одам ёки кишилар гуруҳи билан муносабатда бўлишга тўсқинлик қиладиган мотив.

4. **ГУРУҲ** – одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларга асосланган ижтимоий жамоа. Гуруҳлар реал ва шартли бўлиши мумкин.

5. **ДИФФУЗ ГУРУҲ** – биргаликдаги фаолият мазмуни билан белгиланмайдиган шахслараро муносабатларга кирувчи гуруҳ.

6. **ИНДИВИД** – биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот.

7. **ИНДИВИДУАЛЛИК** – ўз шахсий хусусиятларига эга бўлган шахс.

8. **ҚИЗИҚИШ** – шахснинг билиш фаолияти билан боғлиқ ижобий эмоцияларга бой йўналишларидан бири.

9. **ЖАМОА** – мақсадлари жамият мақсадига мос келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи.

10. **КОНФОРМЛИК** – индивиднинг гуруҳ фикрларига ташқи томондангина қўшилиб, унинг таъсирига ички томондан қўшилмай ўз фикрида қолиш, гуруҳга онг равишда мослашибгина қолиш.

11. **КОРПОРАЦИЯ** – фаолият мақсадлари ўз ичидан сақланиб қолган, “фақат ўзи учунгина ишлайдиган” гуруҳ.

12. **ЛИДЕР** – гуруҳнинг раҳбарлигини ўтовчи аъзоси.

13. **ШАХС** – шахслараро муносабатлар, ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти тариқасидаги одам индивиди.

14. **ШАХСИЙ МАЪНО** – шахснинг объектив борлиқдаги ҳодисаларга субъектив муносабати.

15. **КИЧИК ГУРУҲ** – аъзолари биргалиқдаги фаолият билан шуғулланувчи ва бевосита шахсий муносабатларда бўлувчи кишилар гуруҳи.

16. **МОТИВ** – маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи истак.

17. **МОТИВАЦИЯ** – одамни фаол фаолиятга ундовчи мотивлар мажмуи.

18. **ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР** – мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсир этиш натижасида рўй берадиган ижтимоий-психологик ҳодиса.

19. **ДУНЁҚАРАШ** – кишининг теварак-атрофдаги оламга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келиб чиққан тизим.

20. **ЙЎНАЛИШ (ТУТИЛГАН ЙЎЛ, МАҚСАД)** – шахснинг хатти-ҳаракат ва фаолиятини аниқ шароитлардан қатъи назар маълум йўлга йўналтирувчи барқарор мотивлар мажмуи бўлиб, асосий етакчи бош эҳтиёжлар, қизиқишлар, мойиллик, эътиқод, идеал, дунёқарашлар билан характерланади.

21. **ЭҲТИЁЖ** – одам ва ҳайвон фаоллигининг асосий манбаи; аниқ шароитлар билан боғлиқ заруриятнинг ички ҳолати.

22. **РЕФЕРЕНТ ГУРУҲ** – шахснинг ҳар томонлама ишонган, ўзини яқин тутган гуруҳи; “эталон гуруҳ”, бу гуруҳ ҳақиқий бўлиши ва шу билан бирга амалий бўлиши ҳам мумкин.

23. **ИЖТИМОЙЛАШТИРИШ** – индивиднинг ижтимоий тажрибаларни эгаллаши ва бунинг натижасида у тажрибаларни такрор ишлаб чиқаришда қўллаши жараёни. Ижтимоийлаштиришнинг асосий, етакчи компоненти – тарбиядир.

24. **СОЦИОМЕТРИЯ** – ижтимоий-психологик метод бўлиб, Ж. Морено томонидан тавсия этилган. Бу метод гуруҳ аъзоларининг

бир-бирини ўзаро танлаши орқали шахслараро муносабатлар ҳолатини аниқлашга ёрдам беради.

25. **ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ** — шахснинг ўз ҳолатини тартибга солиш, уни бошқариб бориши.

26. **ЎЗ-ЎЗИГА БАҲО БЕРИШ** — шахснинг ўз-ўзига баҳо бериши.

27. **СТАТУС** — шахснинг шахслараро муносабатлар тизимида тутган ўрни. Бундай шахслараро муносабатларда кишининг гуруҳда тутган ўрни, унинг ҳуқуқи, вазифалари ва имтиёзли томонлари белгилаб берилади.

28. **ТОЛЕРАНТЛИК** — биронта ёқимсиз омилга эътибор бермаслик ёки кам эътибор бериш.

29. **ИНТИЛИШ ДАРАЖАСИ** — одамнинг ўзини қобилиятли деб ҳисоблайдиган даражадаги мақсадга эришишга интилиши (бу эҳтимол одамнинг ўзига хос имкониятларига ёки ўзини қизиқтирган, муқаддас мақсадлари бўлиши мумкин). Бу эса кишининг фаолият ва хатти-ҳаракатларига таъсир этади.

30. **ШАРТЛИ ГУРУҲ** — одамларнинг айрим белгилари (ёши, касби ва ҳ.к.)га қараб бирлашуви.

31. **УСТАНОВКА** — кишининг теварак-атрофдаги одамларга ёки объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни маълум даражада идрок қилиш, сезиш, уларга баҳо бериш ва қандайдир ҳаракат қилишга тайёрлигини англамаган ҳолати.

32. **ФРУСТРАЦИЯ** — алданиш, хафагарчилик, режаларнинг издан чиқиши — кишининг мақсадта эришиши йўлида учрайдиган объектив равишда енгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли пайдо бўладиган психологик ҳолати.

33. **ЭМПАТИЯ** — бошқа кишиларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

34. **ОРИЕНТАЦИЯ** — шахснинг ижтимоий-сиёсий ва жамиятнинг ахлоқ нормаларига муносабати тизими.

35. **ЖАМОАНИНГ НЕГИЗИ (ЯДРОСИ)** — умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларни шакллантирувчи жамоа аъзолари гуруҳи.

ФАОЛИЯТ

1. **АВТОМАТЛАШТИРИШ (ПСИХОЛОГИЯДА)** — машқ қилиш орқали турли малакаларни шакллантириш жараёни.

2. **АВТОМАТИЗМ** — ихтиёрсиз ёки англамаган ҳолда оширилдиган амаллар.

3. ЕТАКЧИ ФАОЛИЯТ – фаолият турларидан бири бўлиб, бунда маълум давр ичида шахснинг сифат жихатидан ўзгариши шаклланади. Масалан, боғча ёши давридаги ўйин фаолияти.

4. ИШ-ҲАРАКАТ (АМАЛЛАР) – фаолиятнинг нисбатан тугалланган элементи бўлиб, англанган маълум мақсадга эришишга қаратилган (ташқи ёки ички ақлий) амаллар.

5. ФАОЛИЯТ – инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган, эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишига, уни қайта қуришга йўналтирилган фаоллиги.

6. ЎЙИН – фаолият турларидан бири бўлиб, бу болаларнинг катталар фаолиятини, уларнинг иш-ҳаракатларини, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиришда ифодаланадиган ва теварак-атрофдаги борлиқни билишга қаратилган фаолият.

7. ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ – ташқари предметли ҳаракатларнинг ички ақлий амалларга айланиши жараёни.

8. МАЛАКАЛАРНИНГ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ – аввал ҳосил қилинган малакаларнинг кейинчалик бошқа янги малакаларнинг ҳосил бўлиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши натижасида янги малакаларнинг сусайиб қолиши.

9. МАШҚЛАРНИНГ ЭГРИ ГРАФИГИ – малакалар ҳосил бўлиши жараёнини график усулда тасвирлайдиган эгри чизиқлар.

10. ОДАТЛАР – бажарилиши кишининг эҳтиёжига айланиб қолган хатти-ҳаракатлар ёки хулқ-атвор.

11. МЕҲНАТ – одамнинг маълум мақсадга, ўз эҳтиёжларини қондириш учун борлиқни билиш ва уни қайта қуришга, моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаолият.

12. КЎНИКМА – кишининг маълум ишни бажариш қобилияти. Маҳоратнинг асосини ташкил қилади.

13. ЎҚИБ-ЎРГАНИШ – шахснинг билим ва фаоллият усуллари эгаллаш ҳамда уни мустақкам эсда сақлаб қолиш жараёни. Ўқиш – ҳар қандай фаолиятнинг зарурий қисмларидан бўлиб, субъектни ўзгартириш жараёни ҳамдир.

НУТҚ ВА МУЛОҚОТ

1. АФАЗИЯ – бош мия қобигининг айрим қисмлари зарарланиши натижасида нутқнинг издан чиқишидан иборат психопатологик нуқсон.

2. ИЧКИ НУТҚ – нутқ фаолиятининг овоз чиқармасдан гапириладиган алоҳида тури бўлиб, грамматик тузилиш ва мазмун ат-

рофлича торлиги билан характерланади. Ички нутқ тафаккурнинг асосий қуролидир.

3. ДИАЛОГИК НУТҚ — нутқ турларидан бўлиб, бунда гапирувчиларнинг барчаси баб-барабар тенг фаоллик кўрсатади.

4. БЕЛГИ — сезги аъзоларимиз орқали идрок қилинадиган нарса ва ҳодисалар ёки маълум мулоқот жараёнидаги хатти-ҳаракатларнинг вакили — белгиси вазифасини ўтовчи предмет ёки ҳодисадир.

5. БЕЛГИ ТИЗИМИ — умумий қоидалари билан ўзаро боғлиқ ва амалда қўлланиладиган белгиларни бирлаштирувчи белгилар тўплами.

6. КОММУНИКАЦИЯ (ПСИХОЛОГИЯДА) — тил ва бошқа белгилар воситасида ахборот билан алмашиш.

7. МОНОЛОГИК НУТҚ — фикр баён қилиш, бир кишининг битта мураккаб фикр билан бирлаштирилган нутқи.

8. МУЛОҚОТ — икки ёки ундан кўпроқ одамларнинг ўзаро бирига таъсир этиши бўлиб, ундан фарқли ўлароқ яна кишилар ўртасида ахборот алмашиш, ўзаро таъсирнинг ягона йўлини ишлаб чиқиш, бошқа бировларни идрок қилиш ва тушуниб баҳолаш характериغا эга.

9. НУТҚ — одамларнинг тил воситасида мулоқотда бўлиш жараёни.

10. ТРЕНИНГ — гуруҳдаги мулоқотнинг силлиқ, маданий, обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган психологик ишларнинг фаол методи (гуруҳ-гуруҳ бўлиб мунозара-баҳслар, ролик ўйинлар ва бошқаларни ўтказиш).

11. ЭГОЦЕНТРИК НУТҚ — нутқ фаолияти бўлиб, боғча боласининг ўйини билан бирга олиб бориладиган ва боланинг ўз-ўзига қаратилган нутқи.

12. ТИЛ (ПСИХОЛОГИЯДА) — сўз белгилари тизими бўлиб, психик фаолиятини (ҳаммадан аввал ақлий фаолиятини) ифодаловчи, шу билан бирга нутқда фойдаланиладиган алоқа воситаси.

ДИҚҚАТ

1. ДИҚҚАТ — бир вақтнинг ўзида онгнинг маълум бир объектдан иккинчи объектга йўналтирилиши ва тўпланиши бўлиб, ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёридан кейинги турларга ажратилади.

2. ДОМИНАНТА — бош мия қобиғида вақтинча ҳукмрон қўзғалиш ўчоғи бўлиб, бу ҳукмрон марказ учун қўзғалишларни ўзига тўплаб, бошқа нерв марказларининг ишини тормозлаб туриши характерлидир. А.А. Ухтомёкийнинг фикрича, ҳукмрон доминанта диққатнинг физиологик асосидир.

3. ИНДУКЦИЯ (НЕЙРОФИЗИОЛОГИЯ) – марказий нерв системасининг бирон марказида қўзғалиш пайдо бўлса, у бошқа марказларда тормозланишнинг келиб чиқишига, тормозланиш эса қўзғалишнинг келиб чиқишига сабабчи бўлишдан иборат қонуният. Невр системасининг бирорта жойида содир бўлган жараённинг иккинчи хилдаги жараёни келтириб чиқаришга, бир вақтдаги индукция, нерв системасидаги, маълум жараён таъсири тўхташи биланоқ юзага келадиган жараёнга кетма-кетлик индукцияси дейилади. Тормозланишнинг қўзғалишни келтириб чиқаришига ижобий индукция ва қўзғалишнинг тормозланишни келтириб чиқаришига салбий индукция дейилади.

4. ДИҚҚАТНИНГСИФАТЛАРИ:

- а) диққатнинг бирон объектга тўпланиш даражаси;
- б) диққатнинг ҳажми – бир вақтнинг ўзида диққатнинг қанча объектни ўз ичига қамраб олиши;
- в) диққатнинг кўчиши – диққатни ихтиёрий равишда бир объектдан иккинчи объектга кўчириш;
- г) диққатнинг тақсимланиши – диққатнинг бир вақтнинг ўзида бир қанча объектга қаратилиш имконияти;
- д) диққатнинг барқарорлиги – диққатнинг маълум объектга узоқ вақт давомида муттасил қаратилиши.

СЕЗГИЛАР

1. АДАПТАЦИЯ – ташқи шароитларга мослашиш бўлиб, бунинг ўзи анализаторларнинг ўзидаги ўзгаришларни сезиш билан боғлиқ физиологик адаптация ва янги гуруҳлардаги янги фаолият турига мослашишидаги ижтимоий-психологик адаптацияларга ажратилади.

2. АККОМОДАЦИЯ – кўзнинг турли масофадаги предметларни аниқ кўришга мослашуви бўлиб, бу кўз гавҳарининг ўзгариши ҳисобига пайдо бўлади.

3. БИНОКУЛЯР КЎРИШ – битта объектнинг ўзини ҳар иккала кўз билан баб-баробар кўриш (предметнинг теранлиги, узоқлиги ва ҳажмини идрок қилишни таъминлайди).

4. ВЕБЕР-ФЕХНЕР ҚОНУНИ – қўзғовчи кучнинг ўзгариши билан ҳосил бўлган муайян сезги кучининг ўзгариши ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалашдан иборат психофизик қонуният.

5. ВЕСТИБУЛЯР АППАРАТ – фазодаги ҳаракатларнинг ҳолати ва бундай ҳаракатлар йўналишининг ўзгаришини кузатиб, баҳолаб туришга ёрдам берадиган анализатор.

6. ИНТЕРОРЕЦЕПТОРЛАР— ички аъзоларга жойлашган рецепторлар.

7. КИНЕСТЕТИК СЕЗГИЛАР — кишининг ўз гавдасидаги проприо-рецептив кўзғалишлар натижасида рўй берган ҳаракатларни сезиши.

8. ИНТЕРОРЕЦЕПТИВ СЕЗГИЛАР — тананинг ички аъзолари ҳолатидан дарак берувчи сезгилар.

9. МУШАК ТУЙҒУЛАРИ — ташқи муҳитнинг вақтинчалик фазовий хусусиятларини билиб олиш асбоби (И.М. Сеченов).

10. ҲИД БИЛИШ СЕЗГИСИ — ҳидларни сезиш қобилияти.

11. ТАХМИНИЙ РЕАКЦИЯ — аъзоларнинг янги вазиятларга жавоб беришидан иборат мураккаб реакция.

12. СЕЗГИЛАР — психик акс эттиришнинг оддий усули тариқасида ҳайвонларга ҳам, одамларга ҳам хос хусусият бўлиб, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим белги ва хусусиятларини билиб олишни таъминлайди.

13. ПРОРИОРЕЦЕПТИВ СЕЗГИЛАР — тананинг турли қисмларидаги ҳолатлардан ва уларнинг ҳаракатларидан дарак берувчи сезгилар.

14. КЕТМА-КЕТ ОБРАЗ — аввалги кўзғовчилар таъсирида пайдо бўлган образ изларининг қисқа муддатга сақланиб қолиши.

15. СЕЗГИ ЧЕГАРАСИ (МУТЛАҚ ЧЕГАРА) — минимал кучга эга бўлган кўзғовчининг билинар-билинмас таъсирини сезишга — сезгининг қўйи чегараси, кўзғовчи энг юқори кучга эга бўлган таъсирини сезишга — сезгининг юқори (максимал) чегараси дейилади.

16. ФАРҚ ҚИЛИШ ЧЕГАРАСИ — кўзғовчилар ўртасидаги билинар-билинмас фарқни сезиш. Бу аввалги кўзғовчилар билан кейинги кўзғовчилар ўртасида қандайдир фарқ борлигини сеза олишда ифодаланади.

17. РЕЦЕПТОРЛАР — нервларнинг ташқи ёки ички кўзғовчилардан ҳосил бўлган кўзғалишни қабул қилиб олувчи чекка учлари.

18. СЕНСОР СЕЗГИЛАР — сезги аъзоларига тааллуқли сезгилар бўлиб, сенсорика — сезги ва идрокни умумлаштирувчи тушунчадир.

19. СЕНСИБИЛИЗАЦИЯ — ички омиллар таъсири натижасида анализатор сезгирлигининг ортиб кетиши.

20. СИНЕСТЕЗИЯ — турли хилдаги сезгиларнинг ўзаро таъсири натижасида қўшилиб кетиши (жумладан, эшитиш ва кўрқув сезгилари ва ҳ.к.).

21. СЕЗГИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚУВВАТИ — сезги аъзоларининг махсус қуввати ҳақидаги қонун бўлиб, бу қонунга биноан сезги аъзолари ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг

таъсирини акс этгирмай, балки сезги аъзоларининг ўзига хос қувватини қўзгатувчи ташқи турткини олади, холос. (М. Мюллер).

22. СЕЗГИРЛИК – аъзоларнинг ўзига таъсир этиб турган қўзгатувчиларнинг салгина ёки унчалик фарқ қилинмайдиган таъсирини ажрата олиш қобилияти.

23. ЭКСТЕРОРЕЦЕПТИВ СЕЗГИЛАР – ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли характеристикаси ҳақида дарак (сигнал) берувчи сезгилар.

ИДРОК

1. АППЕРЦЕПЦИЯ – шахс идрок қилишнинг аввалги билим ва тажрибаларга ҳамда унинг умумий қизиқиш-ҳавасларига боғлиқлиги.

2. АУДИОВИЗУАЛ ИДРОК – бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиб, ҳам кўрқиб идрок қилиш.

3. ИДРОК – сезги аъзоларига таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг бевосита яхлитлигича акс эттирилиши жараёни.

4. ТАНЛОВЧАНЛИК (ИДРОКДА) – идрокнинг сифати бўлиб, буни шахснинг йўналиши ёки унинг тажрибаси белгилаб беради.

5. ИЛЛЮЗИЯ – барқарор характерга эга бўлган борлиқ ҳақиқатни нотўғри идрок қилиш.

6. ИДРОКНИНГ КОНСТАНТЛИГИ – идрок шароити ўзгарсада, идрок қилишдан ҳосил бўлган предмет образлари (уларнинг шакли, ранги, ҳажми)нинг нисбатан ўзгармаслиги турғунлиги ҳолати.

7. КУЗАТУВЧАНЛИК – шахс хусусиятларидан бўлиб, бу кишининг идрок қилиш жараёнида нарсаларнинг камдан-кам учрайдиган, аммо муҳим томонларини пайқай олиш қобилиятида намоён бўлади.

8. ТУЮШ – идрок турларидан бири бўлиб, бу тактик ва мускул-ҳаракат сезгиларидан иборат.

9. ПЕРЦЕПТИВ ҲАРАКАТЛА идрок жараёнининг асосий тузилиш бирлиги бўлиб, бу идрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборат.

10. ПЕРЦЕПТИВ ТИЗИМ – идрокнинг муайян актини таъминловчи анализаторлар йиғиндиси.

11. ИДРОКНИНГ ПРЕДМЕТЛИГИ – ташқи оламдан олинган маълумотлар, ахборотларни ички олам объектига киритиш хусусияти.

12. ИДРОКНИНГ БУТУНЛИГИ – идрок хусусиятларидан бўлиб, бу сезги аъзоларига бевосита таъсир этиб турган объектларни уларнинг белги ва хусусиятлари билан биргаликда қўшиб идрок қилишдан иборат.

ХОТИРА

1. АМНЕЗИЯ — хотиранинг йўқлиги.
2. ЭСГА ТУШИРИШ — хотира жараёнларидан бири бўлиб, бунинг натижасида олдин эсда олиб қолинган билимларни фаоллаштириш юзига келади.
3. УНУТИШ — олдин эсда олиб қолинган маълумотларни кейинчалик қайта эсга тушира олинш имкониятининг йўқлиги жараёни.
4. ЭСДА ОЛИБ ҚОЛИШ — янги қабул қилинган ахборотларни олдин эгаллаган, билим ва тажрибалари билан боғланган ҳолда эсда сақлашга қаратилган психик фаолият.
5. МНЕМОНИКА — эсда олиб қолишни осонлаштирувчи усуллар йиғиндиси.
6. ХОТИРА — психик акс эттириш жараёнларидан иборат бўлиб, бу аввалги билим ва тажрибаларни мустаҳкамлаш, эсда сақлаш ва қайта эсга туширишдан иборат жараён.
7. МЕХАНИК ХОТИРА — материални маъносига тушунмаган ҳолда такрорлашдан иборат хотира.
8. ОПЕРАТИВ ХОТИРА — хотира турларидан бири бўлиб, бу маълум фаолиятни бажариш жараёнида ифодаланади.
9. МАНТИҚИЙ ХОТИРА — хотира турларидан бўлиб, бу материални маъно тўмонидан ўзаро боғланган ҳолда тушуниб эсда қолдиришга асосланади.
10. ИХТИЁРСИЗ ХОТИРА — олдинга ҳеч қандай мақсад қўймаган ҳолда установакисиз эсда олиб қолиш.
11. ИХТИЁРИЙ ХОТИРА — олдинга муайян мақсад қўйган ҳолда установакали эсда олиб қолишдан иборат хотира.
12. УЗОҚ МУДДАТЛИ ХОТИРА — хотира турларидан бўлиб, бу билимларни, шу билан бирга кўникма ва малакаларни узоқ вақтгача эсда сақлашни таъминлайди ҳамда ғоят кўп ҳажмдаги ахборотларни эсда тутиш билан характерланади.
13. ҚИСҚА МУДДАТЛИ ХОТИРА — хотира турларидан бўлиб, қисқа муддатга эсда қолдириш ва шу билан бирга узоқ муддатли хотирада сақланиб қолган маълумотларни тезлик билан эслаб ва қайта ишлашни таъминлайдиган хотира тури.
14. ТАСАВВУР — олдин идрок қилишдан ҳосил бўлган образ.
15. ПРОАКТИВ ТОРМОЗЛАНИШ — аввалги фаолиятни, қайта-қайта кўп такрорлаш таъсири натижасида кейинги материални эсга туширишнинг ёмонлашуви.
16. РЕМИНИСЦЕНЦИЯ — аввал унутилган деб ҳисобланган материалнинг кейинчалик эсга тушишдан иборат хотира жараёни, яъни вақтинчалик унутиш ҳолати.

17. **ТАНИБ ОЛИШ** – олдин эсда қолдирилган предметларни қайта идрок қилиш орқали образ тариқасида эсга туширишдан иборат хотира жараёни.

18. **ЭЙДЕТИЗМ** – олдин идрок қилинган образларни барча белги ва хусусиятлари билан биргаликда узоқ вақтгача ёрқин эсда сақлаб тура олишдан иборат образ қўриш хотираси.

ХАЁЛ

1. **АГГЛЮТИНАЦИЯ** – мавжуд образ ва тасаввур қисмларини бир-бирига “ёпиштириб” қўшиш асосида янги образларни яратишдан иборат фаолияти.

2. **АКЦЕНТИРЛАШ (ТАЪКИДЛАШ)** – предметларнинг айрим қисмларини бошқа қисмларига нисбатан ҳаддан ташқари кичрайтириш ёки катталаштириш асосида янги образларни яратишдан иборат хаёл фаолияти.

3. **ХАЁЛ** – мавжуд тасаввурлар асосида янги образларни яратишдан иборат психик акс эттириш жараёнларидан бўлиб, бунинг ўзи ихтиёрсиз ва ихтиёрӣ, репродуктив ва ижодӣй хаёл турларига ажратилади.

4. **ОЛДИНДАН АКС ЭТТИРИШ** – психик акс эттириш усулларида бири бўлиб, маълум жараённинг ўсиб ривожланиб боришини олдиндан кўра билиш имкониятини яратади. Олдиндан акс эттириш механизми П.К. Анохин томонидан кашф этилган.

5. **ИЖОДИЁТ** – бирор инсон ёки кишилар жамоасининг ижтимоӣ аҳамиятга эга бўлган муҳим янги бойликларни яратишдан иборат фаолияти.

6. **ИЖОДИЙ ХАЁЛ** – ижтимоӣ аҳамиятга эга бўлган янги образларини яратишга қаратилган хаёл турларидан бўлиб, бу ижодиётнинг асосини ташкил қилади.

ТАФАККУР

1. **АБСТРАКЦИЯ (МАВХУМИЙЛИК)** – нарсаларнинг ўзига хос белги ва хусусиятларини, улар ўртасидаги боғланишларни предметларнинг муҳим бўлмаган белги ва хусусиятларидан ажратиб олишга қаратилган фикрлаш операцияси.

2. **АНАЛИЗ (ТАҲЛИЛ)** – мураккаб объектни турли таркибий қисмларга ажратиш ёки характеристика беришдан иборат фикрлаш операцияси.

3. **ГИПОТЕЗА (ТАХМИН)** – маълум масалани ечишнинг таҳмини, унинг лойиҳаси.

4. **ДЕДУКЦИЯ** – умумӣй ҳукмлардан якка ҳукмларга қарата бориш орқали мантиқӣй хулоса чиқаришдан иборат тафаккур жараёни.

5. **МАСАЛА** – маълум шароитда берилган топшириқ, мақсад.
6. **АҚЛ** – кишининг умумий билиш қобилияти бўлиб, унинг билим ва тажрибаларни эгаллашга ва уни амалда қўллашга тайёрлиги, шу билан бир қаторда киши муаммоли вазиятларда ақл-фаросат билан ўзини тута олиши.
7. **ИНДУКЦИЯ** – тафаккур жараёнида якка ҳукмлардан умумий ҳукмларга қарата бориш орқали мантиқий хулоса чиқариш.
8. **ИНСАЙТ** – айрим муаммоларни ҳал қилиш зарурлигини шу заҳотиёқ англаб етиш.
9. **ЯҚҚОЛ-ҲАРАКАТЛИ ТАФАККУР** – тафаккур турларидан бўлиб, бу предметлар билан ишлаш жараёнида уларни бевосита идрок қилишда ифодаланadi.
10. **ТАФАККУР** – психик акс эттиришнинг анча умумий ва бевосита усули бўлиб, бу нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланиш ва муносабатларни билиб олишида ифодаланadi.
11. **КЎРГАЗМАЛИ – ОБРАЗЛИ ТАФАККУР** – тафаккур турларидан бўлиб, бу тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашни характерлаб беради.
12. **УМУМИЙЛАШТИРИШ** – воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни умумий ва муҳим белгиларига қараб фикран бирлаштиришдан иборат тафаккур жараёни.
13. **БАВОСИТАЛИК** – борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ёрдамчи воситаларини қўллаш орқали билиш усули.
14. **ТУШУНЧА** – воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини битта сўз ёки сўзлар гуруҳи билан ифодалашдан иборат тафаккур усули.
15. **МУАММОЛИ ВАЗИЯТ** – интеллектуал фаолият билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган вазият.
16. **АҚЛ-ФАРОСАТ** – воқеликни назарий томондан ўзлаштиришнинг юксак формаси бўлиб, кишининг фикрлаш қобилиятида намоён бўлади.
17. **СЕРИАЦИЯ** – материални маълум белгилари бўйича кетмакетлик, изчиллик билан жонлаштиришдан иборат мантиқий усул.
18. **СЎЗ – МАНТИҚИЙ ТАФАККУР** – тафаккур турларидан бўлиб, бу мантиқий операциялар, амаллар ёрдамида тушунчалар орқали ифодаланadi.
19. **СИНТЕЗ** – тафаккурнинг яғова аналитик-синтетик жараёнида яккадан умумийга қараб фикр юритиш операцияси.
20. **ТАҚҚОСЛАШ** – нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашга асосланган фикрлаш операцияси.

21. ХУКМ – тафаккур формаларидан бўлиб, бу нарса ва ҳодисалар ўртасида ўзаро бирон-бир боғланишларнинг бор ёки йўқлиги, нарса ва ҳодисаларнинг айнан мавжудлигини тасдиқлаш ёки инкор қилишда ифодаланади.

22. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ – тафаккур формаларидан бўлиб, бунда бирқанча ҳукмлар асосида маълум хулоса чиқарилади. Хулоса чиқариш индуктивлик, дедуктив ва анологик усулларга ажратилади.

23. ЭВРИСТИКА – самарали, маҳсулдор, ижодий тафаккурни ўрганувчи фан.

ТУЙҒУ-ҲИССИЁТ

1. АСТЕНИК (КУЧСИЗ) ТУЙҒУЛАР (ЭМОЦИЯ) – шахснинг фаоллигини сусайтирувчи кечинмалар.

2. ЭФФЕКТ – кучли, жўшқин ва нисбатан қисқа муддатли эмоционал кечинмалар тариқасида рўй берадиган психологик ҳолат.

3. АМБИНАЛЕНТЛИК – кишининг бир вақтнинг ўзида бир-бирига қарама-қарши бўлган эмоция ва туйғуларни (жумладан, қувонч, мусибат, кулги ва қайғу-ҳасрат) кечинишидан иборат психик ҳолати.

4. АПАТИЯ – кишининг оғир кечинмалар ёки касалликлардан толиқиши натижасида келиб чиқадиган ҳамда унинг теварак-атрофдаги оламга нисбатан ҳеч қандай қизиқишларсиз бефарқ қарашларда ифодаланадиган психик ҳолат.

5. РУҲЛАНИШ – психик ҳолатлардан бўлиб, бунга кишининг стеник (кучли) эмоциялари билан ижодий тафаккури киритилади.

6. ДЕПРЕССИЯ – тушкунлик кайфияти бўлиб, бу кишида интилишларнинг сусайиши, ҳаракатларнинг тормозланиши билан боғлиқ равишда юзага келадиган руҳий ҳолат.

7. ИРОНИЯ – кишига нисбатан мутлақо ижобий, ҳатто маъқуловчи характерга эга бўлган истеҳзо аралаш нозик муносабати.

8. ЛИМБИК ТИЗИМ – бош мианинг айрим эмоционал жараёнлар билан функционал боғлиқ қисмларининг умумийлиги.

9. БИЛИШГА ҚИЗИҚИШ – ақлий-интеллектуал ҳислардан иборат бўлиб, бу кишининг тебарак-атрофдаги оламни билиш эҳтиёжи тариқасида намоён бўлади.

10. СТЕНИК (КУЧЛИ) ҲИСЛАР (ЭМОЦИЯЛАР) – шахснинг фаоллигини оширувчи кечинмалар.

11. ЭҲТИРОС – кишида иродавий йўналишлари билан характерланадиган эмоцияларнинг намоён бўлиши.

12. СТРЕСС (ТАНГЛИК ҲОЛАТИ) – кучли қўзғовчилар таъсирида юзага келадиган жиддийлик ҳолати.

13. КАЙФИЯТ – бирорта эмоциянинг барқарор кечиши.

14. **ҲИССИЁТ** – кишининг ўз юксак эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслик натижасида унинг теварак-атрофдаги оламга бўлган муносабатларининг онгда акс эттирилишидан иборат жараёни.

15. **ЭМПАТИЯ** – бошқа кишиларнинг эмоционал ҳолатларига ҳамдардлик қилиш, жараёни ва бошқаларнинг қайғу-ҳасратини тушуна билиш қобилияти.

16. **ЭМОЦИЯ** – одам ёки ҳайвонларнинг субъектив ифодаланган ички ёки ташқи кўзғовчилар таъсирига жавоб реакцияси.

ИРОДА

1. **МОТИВЛАР КУРАШИ** – қарор қабул қилиш билан боғлиқ иродавий ҳаракатлар босқичи.

2. **ИРОДАВИЙ ЗҶР БЕРИШ** – иродавий ҳаракатларнинг субъектив компоненти бўлиб ҳисобланган кучли кечинмаларни кечиниш.

3. **ИРОДА** – психик акс эттириш жараёнларидан бўлиб, бу ташқи ёки ички тўсиқларни енгиш билан боғлиқ ҳаракатларни танлаш қобилиятида намоён бўлади.

4. **ИМПУЛЬСИВ ҲАРАКАТЛАР** – ихтиёрсиз бажариладиган ва онг билан етарли даражада назорат қилинмайдиган иш-ҳаракатлар.

5. **ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ** – масалани ҳал қилиш, ечиш вариантларидан, усулларидан бирини танлаш.

6. **ИРОДА КУЧИ** – мақсадга эришишда иродавий зўр беришнинг зарурий даражаси (қатъийлик, уддабуронлик ва ҳ.к.).

ТЕМПЕРАМЕНТ ВА ХАРАКТЕР

1. **АБУЛИЯ** – энг оддий, осонгина масалалар бўйича ҳам маълум қарорга келиш қобилияти йўқлигида намоён бўладиган ўта иродасизлик.

2. **ИНТРОВЕРТЛИК** – бу ибора шахснинг типини аниқлаш учун Г. Айзенк томонидан киритилган бўлиб, интровертлик кишида дилкашликнинг йўқлигида, ўзи билан ўзигина бўлиб қолишида, бошқа кишилардан мутлақо қониқмаслигида ва ўз устида чуқурроқ ўйлаб кўришга мойиллик йўқлигида намоён бўлади.

3. **МЕЛАНХОЛИК** – темперамент типларидан бўлиб, бу тип енгил таъсирланувчанлик, ҳатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур ташланиб юришга мойиллиги билан характерланади.

4. **СЕНЗИТИВЛИК** – турли таъсирларга нисбатан ҳиссиётнинг тез ва кучли кўзғалиши билан характерланадиган тип.

5. **САНГВИНИК** – темперамент типларидан бўлиб, бу тип чаққон, ҳаракатчан, талаблари тез-тез ўзгариб турадиган, бошқа кишиларга нисбатан дилкашлик ва меҳрибонлик қилиш хислатлари билан характерланади.

6. **ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ ТИПИ (ОНГ ТИПИ)** – олий нерв фаолияти хусусиятларининг барқарор йиғиндиси (кучи, вазминлиги, ҳаракатчанлиги ва бошқалар) бўлиб, бу асосан нерв системаси хусусиятларининг йиғиндиси билан аниқланади.

7. **ТЕМПЕРАМЕНТ** – шахснинг якка психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, бу киши фаолияти ва хулқ-атворининг динамик ва эмоционал томошалари билан характерланади.

8. **ФЛЕГМАТИК** – темперамент типларидан бўлиб, бу ҳаракатларнинг секинлиги, барқарорлиги, эмоционал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигида намоён бўлади.

9. **ХАРАКТЕР** – кишидаги барқарор психик хусусиятларнинг индивидуал бирлиги бўлиб, бу шахснинг меҳнатга, нарса ва ҳодисаларга, бошқа кишиларга, атроф-муҳитга ва ўз-ўзига бўлган муносабатларида ифодаланадиган унинг муайян шароитларидаги хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган барқарор, якка психик хусусиятлари йиғиндиси.

10. **ХОЛЕРИК** – темперамент типидан бўлиб, бу эмоцияларнинг жўшқинлиги, кайфиятнинг бирданига тез ўзгариб қолиши, ҳиссиётнинг мувозанатсизлиги ва умуман ҳаракатчанлик билан ифодаланади.

11. **ЭКСТРАВЕРТЛИК** – айрим кишиларнинг характерини белгилаб берувчи хусусият бўлиб, бу кишининг ниҳоятда хушчақчақлиги, очиқ кўнгиллиги ва бошқа кишиларга завқ билан қарашларида, уларга қизиқишларида намоён бўлади.

ҚОБИЛИЯТЛАР

1. **ГЕНИАЛЛИК** – шахснинг энг юксак даражадаги ижодиёт билан ўзини намоён қилиш ҳодисаси.

2. **ДИФФЕРЕНЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯ** – психология фанининг бир қисми бўлиб, кишилар ўртасидаги якка психологик фарқларни ўрганади.

3. **ЗЕҲН, ЛАЁҚАТ** – нерв системасининг баъзи генетик детерминлашган анатом – физиологик хусусияти бўлиб, бу кишида қобилиятлар таркиб топиши ва ривожланишининг дастлабки якка туғма табиий замини.

4. **КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАР** – шахс қобилиятларидан бўлиб, бу кишининг бошқа одамлар билан бўладиган мулоқотини яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолияти психологик қовушувчанликни таъминлайдиган қобилияти.

5. **УМУМИЙ ИСТЕЪДОД** – кишининг қобилиятлари бирлиги бўлиб, бу шахснинг ақлий-интеллектуал имкониятлари доираси билан фаолиятнинг ўзига хослиги даражасини белгилаб беришда шартланади.

6. **ОЛИГОФРЕНИЯ** – ақли заифлик, психик функцияларнинг тараққийәтни ортда қолдириши.

7. **ҚОБИЛИЯТЛАР** – шахснинг маълум фаолиятдаги муваффақиятларни ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган якка психологик хусусиятлари.

8. **ТАЛАНТ** – шахснинг маълум фаолияти ифодаланадиган қобилиятларнинг юқори даражаси.

9. **ФРЕНОЛОГИЯ** – одамда у ёки бу хилдаги қобилиятларнинг ўсганлигини бош суягининг тузилишига қараб аниқлаш мумкин деган назария бўлиб, бу назария австриялик врач Ф. Галл томонидан тавсия этилган.

ЁШ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

1. **АВТОНОМ НУТҚ** (боланинг антоном нутқи) – кўп маъно ва ноаниқ сўзлари билан характерланади, ички нутқ бўлиб, бунда турли предметларнинг бир-бири билан беқарор ва узвий боғлиқлиги туйғайли сўзларнинг маъноси ҳам вазиятга қараб ўзгаради. Болаларнинг автоном нутқи катгалар нутқиға ўтиш даври ҳисобланади. Автоном нутқи тенг ёшли болаларда яққол намоён бўлади.

2. **АВТОРИТАРИЗМ** (лот. тўла ҳокимият, буюриш) – буйруқ асосидаги талабларға кўр-кўрона, ўйламасдан бўйсунуш. Уни авторитет (лот. куч, обрў) сўзи билан алмаштирмаслик керак, негаки ушбу сўз шахсдаги кўпчилик томонидан тан олинган фазилат, кадрқиймат маъносини англатади.

3. **АДЕКВАТЛИК** (лот. тенглаштирилган) – тенг, ўхшаш, мувофиқ, муносиб келмоқ.

4. **АКАЛЬКУЛИЯ** – бош мия ярим шарлари қобигининг шикастланиши натижасида арифметик масалаларни ечиш қобилиятининг бузилиши ёки умуман йўқолиши.

5. **АКСЕЛЕРАЦИЯ** (лот. тезлаштирмоқ) – организм ривожланишининг жадаллашиши, эрта жинсий етилиш.

6. **АЛЬТРУИЗМ** (лот. бошқа) – ўз манфаатларидан бошқаларға холисона ғамхўрлик қилиш, ёрдам кўрсатиш, яхшилиқ қилишни устун қўйиш (қарама-қарши сўз – эгоизм).

7. **АМБИНАЛЕНТЛИК** (лот. иккала кучға эға) – бир кишининг ўзида бир объектға нисбатан пайдо бўладиган иродавий эмоционал ҳолати (масалан, рашқда севги ва нафрат бир вақтда кечирилиши).

8. **АМОРФ** (грекча – шаклнинг рад этилиши) – шаклсиз, бузилиб кетишға монанд.

9. **АНАЛИЗАТОР** (грекча – қисмларға бўлиш, қисмлаш) – таъсирларни анализ ва синтез қилувчи нерв механизмларининг тузилиши.

10. АПРОБАЦИЯ ҚИЛИШ (лот. маъқуллаш, қабул қилиш) — маъқуллаш, тасдиқлаш.

11. АССОЦИАЦИЯ (лот. бирлаштираман, боғлайман, қўшаман) психологияда — психика ҳодисаларининг боғланиши туфайли онгимизда пайдо бўладиган муайян тасаввурлар: ўхшашлик ёки қарама-қарши белгиларга кўра бошқа тасаввурларни ҳосил қилиш.

12. АССОЦИАТИВ ЭКСПЕРИМЕНТ (ПСИХОЛОГИЯ) — аҳамиятли ва нейтрал турткични ўртага ташланган ҳолда кишининг психик ҳолати тажрибаларнинг ҳосил қилинган ассоциацияларни аниқлашга қаратилган тажриба методи.

13. АҚЛИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ШАКЛЛАНТИРИШ (П.Я. ГАЛПЕРИН) — инсонда янги ҳаракат, образ ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган кўп қиррали мураккаб ўзгаришлар ҳақидаги таълимот. У бир неча босқичлардан иборат мотивациянинг шаклланиши, ҳаракатнинг асосларини тахминан тузиш орқали ифода қилиш, ҳаракатнинг моддий шаклда таркиб топиши, ижтимоийлашган кучли ташқи нутқ ҳаракатнинг ташқи ва ички нутқда шаклланиши, ниҳоят, охириги натижа — интериоризация — ақлий фаолият.

14. АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ (ингл. *intellektualquotion* — IQ) — ақлий ёш (АЁ) ва хронологик асл ёш (ХАЁ) орасидаги (АЁ)/(ХАЁ) *100 = IQ

Интеллектнинг бирор-бир ёш шкаласига суянган ҳолда тест натижалари орқали ақлий ривожланишни аниқлаш мумкин.

15. АҚЛИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ — ташқи муҳит ва ташқи нутққа суянмаган ҳолдаги идрокнинг ички режаларда бажариладиган хатти-ҳаракатлар.

16. АФФЕКТ (лот. руҳий ҳис-ҳаяжон) — иродавий назоратни йўқотган ҳолда тез ва кучли пайдо бўлиб, шиддат билан ўтадиган қисқа муддатли эмоционал ҳолат.

17. АҲАМИЯТЛИЛИК — бирор-бир объектда қолдириш билан боғлиқ бўлган шахснинг эҳтиёжи. У барқарор ва вазиятли бўлади.

18. БАВОСИТА (воситали равишда) — ҳодисаларнинг бирор нарса воситасида бир-бири билан алоқада бўлиши.

19. БЕЛГИ — фаолият билан боғлиқ бўлган ҳамда барча ҳис-туйғулар орқали қабул қилинадиган ҳодиса. Белгилар сўзли ва сўзсиз бўлади. XX асрнинг 30-йилларида белгилар ҳақидаги фан — семиотика пайдо бўлди.

20. БИОГЕНЕТИК ҚОНУН (ҳаёт — келиб чиқмоқ) — боланинг психик тараққиётини, ақлий қобилиятларни фақат наслий хусуси-

ятлар билан белгилаб, онг тараққиётини белгилаб борувчи бошқа омилларни, ижтимоий муҳит ҳамда таълим-тарбиянинг ролини инкор қилинувчи назария. Уни Ф. Мюллер ва Геккеллар кашф этишди.

21. БИХЕВИОРИЗМ (инг. хулқ) — Америка психологиясида йўналиш бўлиб, унда барча психик ҳолатлар онгни инкор қилган ҳолда ташқи турткич таъсирга боғлиқ бўлади деб таъкидлаганлар.

22. ВЕБРАЛ (лот. сўз) — сўзли, сўздан иборат бўлади.

23. ГАЛЛЮЦИНАЦИЯ (лот. алаҳлаш, валдираш, босинқираш) — мавжуд бўлмаган нарсаларнинг ҳаёлан идрок этилиши. Мия фаолиятининг бузилиши оқибатида сезги органларининг (эшитиш, кўриш, ҳид билиш) галлюцинациялари мавжуд.

24. ГЕНЕЗИС (грекча — туғилмоқ, вужудга келмоқ, ривожланиш) — бирор-бир ҳодиса, предмет ривожланиш жараёнининг қонуниятларини акс эттирувчи тушунча.

25. ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯ (лот. умумий, бош) — шартли ва шартсиз рефлексларнинг умумлашиши. Генерализация ҳодисасида бир-бирига нимасидир билан ўхшаш қўзғовчилар бир хил жавоб ҳосил қиладилар.

26. ГЕРОНТОПСИХОЛОГИЯ (грекча — қария, илм, фан) — организмнинг қариши билан боғлиқ бўлган жараён ва ҳодисаларни ҳамда қарилкнинг психологик томонларини ўрганадиган фан.

27. ГЕПЕРТИРЕОЗ — қалқонсимон безларнинг кучайтирилган функцияси.

28. ГИПОФИЗ (грекча — ўсимта) — пастки мия ўсимтаси. У ички секреция беи бўлиб, ҳайвон ва одамнинг бош мия умуртқасида жойлашган. Гипофиз гормонлари организмнинг иш фаолиятда муҳим роль ўйнайди. Гипофиз функциясининг бузилиши организмнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этади, бунда гормонларнинг ортиб кетиши ёки камайиб кетиши кузатилади. Гипофиз бузилишида болаларнинг бўйи ўсмайди, моддалар алмашинуви бузилади, жинсий безларнинг ривожланиши бузилиши натижасида семириб кетиш ҳоллари кузатилади, бола психикасида интеллектнинг бузилиши, хотиранинг ёмонлашиши юз беради.

29. “ГЕШТАЛЬТПСИХОЛОГИЯ” (нем. шакл, структура, яхлитлик) — XX асрнинг бошларида Германия, сўнгра АҚШда вужудга келган психологиянинг бир йўналиши. Унга асосан, психиканинг бошланғич ва асосий ҳодисалари бутун, яхлит мавжудлик «гештальт»лар ҳисобланади.

30. ГЛОБАЛ (лот. ер шари) — умумий, борлиқни қамраб олувчи, барчага тааллуқли.

31. ГНОСТИК (грекча — билмоқ) ФАОЛИЯТ — бутун борлиқни билишга йўналтирилган фаолият.

32. ГОРМОНЛАР (грекча — уйғотмоқ, ундамоқ) — ички секреция безлари фаолиятини таъминлаб турувчи фаол биологик ашёлар.

33. ГРАДИЕНТ (лот. қадам ташлаб борувчи) — ягона узунликка ўтиш натижасида бирор-бир физик катталиқнинг мозийдаги кўпайиши ёки камайиши.

34. ГУМОРАЛ (лот. намлик) — организмнинг ўзидаги суюқликлар билан боғлиқлиги, масалан; қон, лимфалар.

35. ДИПЕРСОНАЛИЗАЦИЯЛАШ (лот. бўлмоқ, шахс, йўқ қилмоқ) — шахснинг бўлиниши, унда шахсий “мен” ҳиссининг йўқ бўлиши.

36. ДИҚҚАТ — инсон психик фаолиятининг аҳамиятга эга бўлган бирор-бир буюм ва ҳодисага йўналтирилиши ва унда тўхташи.

37. ДЕТЕРМИНИЗМ (лот. аниқламоқ) — барча ҳодисаларнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлишидаги умумий қонуниятлар боғлиқлиги ҳақидаги таълим.

38. ДЕЦЕРЕБРАЦИЯ (лот. олиб ташламоқ, мия) — бу шундай методки, унда бош миянинг ўзакка оид қисмининг кесилиши натижасида оралиқ мия ва марказий нерв системасининг юқори қисмлари пастки қисмларидан ажралиб туради. Децеребрация қилинган ҳайвонлар мунозанаатни таъминлаб турувчи рефлексларни йўқотадилар. Децеребрациядан сўнг эгилувчи бўғинлар қисқаради ва натижада децеребрацион регидлик вужудга келади.

39. ДИДАКТИКА (грек. ўрганувчи) — педагогика фанидаги таълимнинг қонун ва методларини ўрганувчи бўлим.

40. ДИНАМИК (лот. ҳаракатчан) СТЕРЕОТИП (лот. қатъий) — шартли рефлексларнинг деярли қатъий системаси. Динамик стереотип кишида муайян малака ва одатларни таркиб топишини таъминлайди.

41. ДЕЦЕНТРАЦИЯ (лот. қўшимча, рад қилиш, бир ерга йиғиш) — генетик эпистомологиянинг асосий тушунчаларидан бири. У эгоцентризмни рад қилиб, янги образ, тушунча ва фикрларни бошқа кишилар фикрига қўшилган ҳолда янгитдан кашф қилишни англатади.

42. ЁШ — индивиднинг маълум, аниқ вақтда белгиланган психик тараққиётининг босқичи. Ушбу босқичларда унинг шахс сифатидаги физиологик ва психологик ўзгаришлари кузатилади.

43. ЁШ ДАВРИ ИНҚИРОЗЛАРИ (грекча — бурилиш пайти) — бир ёш давридан иккинчи ёш даврига ўтишдаги тўқнашувли вазият.

44. ЗЕХН — шахс махсус қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш учун асос бўладиган анатомик-физиологик имконият.

45. ИДЕНТИК (айнан ўхшашлик), (қадимий лот. ўхшаш, бир хил) — иккита буюм ёки ҳодисанинг бир-бирига ўхшашлиги.

46. ИЕРАРХИЯ (грекча — ҳокимият, бўйсундириш) — элементларни кетма-кет ҳолда бир-бирига тенг равишда бўйсундириш системаси (масалан, мотивлар иерархияси).

47. ИМПЛИКАЦИЯ (лот. маҳкам боғламоқ) — “агар”, “унда”, “бунда” каби боғловчилар ёрдамида иккита мураккаб гап, фикрни бир-бирига мантиқан боғлаш операцияси.

48. ИМПУЛЬСИВЛИК (лот. туртки, мойил) — психологияда ташқи, тасодифий туртки таъсирида ҳаракат қилмоқ.

49. ИНДУКЦИЯ (лот. келтириб чиқарувчи, ундовчи) — асосий нерв жараёнлари бўлган тормозланиш ва қўзғалиш ўртасидаги қонунийят. У шундан иборатки, бирининг пайдо бўлиши иккинчиси қарама-қарши бўлганининг ривожланишига сабаб бўлади.

50. ИНИЦИАЦИЯ (лот. сирли юз бериш) — ёш йигитни катта кишилар қаторига қўшиш билан боғлиқ бўлган урф-одатлар.

51. ИНТЕГРАЛ (лот. бутун, тахланган) — узвий боғлиқлик, бутунлик, бирлик.

52. ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ (ичкига айланиш) — ички психик фаолиятнинг ташқи амалиёт фаолиятидан келиб чиқиши.

53. ИНТРОВЕРСИЯ — шахснинг ўз фикрлари, сезгиси, кечинмалари, яъни ўз-ўзига таяниши.

54. ИНТУИЦИЯ (лот. диққат билан қарамоқ) — шахснинг муайян соҳадаги ҳаётий ёки илмий тажрибаларга асосланган интеллектуал (ақлий) сезгирлиги.

55. ИНФАНТИЛИЗМ (лот. болаларга хос) — баъзи катта ёшдаги одамларнинг функционал ва психик ривожланишида болаларга хос хислатларнинг сақланиб қолишидан иборат бўлган психофизиологик нуқсон.

56. ИРРАДИАЦИЯ (лот. нур сочмоқ) — тормозланиш ва қўзғалиш жараёнларининг тарқалиши.

57. ИРСИЯТ — организм хусусиятларининг ота-онада таркиб топиб, мустаҳкамланиб, кейинги авлодга ўтиш жараёни.

58. ИНДИВИДУАЛЛИК — ҳар бир инсонни бошқа инсондан фарқлаб турувчи хусусиятлар йиғиндиси, шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

59. ИЧКИ НУТҚ — нутқ фаолиятининг бир тури бўлиб, унда нутқ ичдан, овоз чиқармасдан ифодаланади.

60. ИРОДА — инсоннинг бирор-бир ҳаракатларни бажаришга қаратилган мақсад сари онгли интилиши.

61. ИДРОК — сезги органларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг онгимизда бутун, яхлит ҳолда акс эттирилишидан иборат бўлган психик жараён.

62. ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФАОЛИЯТ – субъектнинг маълум вазиятда фаол йўл топиб кета олишига қаратилган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси.

63. КИНЕСТЕТИК СЕЗГИЛАР (грекча – ҳаракат, сезги) – гавданинг фазодаги ҳолатини, айрим органларнинг ҳаракатларини акс эттирувчи сезги турлари.

64. КОГНИЦИЯ – ташқи муҳит, ўзи ва ўзининг хулқ-атворига тааллуқли фикр, турли билимлар.

65. КОЛЛИЗИЯ (лот. тўқнашув) – қарама-қарши қизиқиш, интилиш, фикрлар тўқнашуви.

66. КОММУНИКАЦИЯ (лот. ахборот) – мулоқот, ахборот бериш, алоқа қилиш.

67. КОНФАБУЛЯЦИЯ (лот. вайсайман) – ёрқин образли характерга эга бўлган ёлгон фантастик фикрни билдириш.

68. КОНФОРМЛИК (лот. мос келувчи) – психология ва социологияда икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, шахсни гуруҳ билан ҳам ички, ҳам ташқи томондан рози бўлиши. Иккинчидан, ташқи тарафдан тўла розилик бўлса ҳам, ички томондаги қарашлар қарама-қаршилиги.

69. КОНЦЕПЦИЯ (лот. идрок этмоқ) – қарашлар системаси, фаразлар йиғиндиси.

70. КОНФЛИКТ (лот. тўқнашув) – қарама-қарши йўналишдаги фикрлар, кишилар ва гуруҳлар орасидаги кучли салбий ҳиссий кечинмаларни келтириб чиқарувчи тўқнашув.

71. КОРРЕЛЯЦИЯ (қадимий лот. ўзаро муносабат) – предмет, воқеа, хулқ-атворларнинг ўзаро муносабати, ўзаро ёрдам, ўзаро алоқа, ўзаро боғлиқлиги.

72. КАСБ-ҲУНАР КОНСУЛЬТАЦИЯСИ – жамият эҳтиёжи ва ёшларнинг қизиқиши ва истеъодларига қараб турли касблар ҳақида илмий ташкил этилган маълумотларни бериш.

73. КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛИШ БЕРИШ – ёшларнинг ишга жойлашишда хоҳиши, қизиқиши, шаклланган қобиляти, лаёқатига қараб психологик, педагогик ва тиббий тадбирларни ўтказиш.

74. ЛОКАЛ (лот. жой) – маҳаллий.

75. ЛОКОМОЦИЯ (лот. жой ҳаракати) – инсон ва ҳайвонларнинг эркин ҳаракат қилишларини таъминловчи ҳаракатлар йиғиндиси.

76. МАШҚ – ўзлаштириш мақсадида қайта ва қайта бажариладиган ҳаракатлар.

77. МАНИПУЛЯЦИЯ – қўл ёки иккала қўлнинг маълум бир вазифани бажариш мақсадидаги ҳаракати.

78. **МАНТИҚ** – а) тўғри фикрлашнинг қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

б) тафаккурга хос ички қонуниятлар, кетма-кетликлар.

79. **МИЭЛИН** (грекча – суяк, мия) – нервнинг юмшоқ, асосий қисми бўлиб, у ёғли суюқлик кўринишига эга.

80. **МНЕМОНИКА** (грек. эслаб қолиш санъати) – сунъий асоциацияларни вужудга келтириш натижасида эсда қолдирилишни энгиллаштиришни таъминловчи усуллар йиғиндиси.

81. **МОДЕЛЛАШТИРИШ** – билим объектларини моделлар асоцида яратиш ва ангализ қилиш.

82. **МОРФЕМА** (грекча – форма) – грамматик атама бўлиб, у сўзнинг энг кичик қисмини ифодалайди.

83. **МОРФОЛОГИЯ** (грек. форма, фан) – **ИНСОН МОРФОЛОГИЯСИ** (кенг маънода) – инсон танаси тузилишининг ривожланиши ва фаолиятини ўрганувчи фан.

84. **МОТИВ** (лот. ҳаракатлантираман) – одамнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган, уни муайян хатти-ҳаракатга ундайдиган бош сабаб.

85. **МУАММОЛИ ВАЗИЯТ** – кишининг маълум психологик ҳолатини характерлайди, кишининг олдида янги фаолият мақсадлари пайдо бўлганда, уни тафаккурни ишга солишга, чора-тадбирларни топишга ундайди.

86. **МАЛАКА** – онгли фаолиятнинг кўп такрорланиш ёки кўп машқ қилиш натижасида автоматлаштирилган таркибий қисми, тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариладиган ҳаракат.

87. **НЕГАТИВИЗМ** (болалар психологиясида лот. инкор қилман) – атрофдаги кишиларга нисбатан боланинг сабабсиз қаршилик кўрсатиши: икки хил негативизм мавжуд: **пассив** (қайсарлик) – таклиф этилаётган фаолият бола томонидан бажарилмаслиги, **актив** шахсий негативизм боланинг қарама-қарши характерга эга бўлган фаолиятни бажариши.

88. **НУТҚ** – кишиларни тил воситаси билан алоқа қилишнинг тарихан таркиб топган жараёни.

89. **ОНТОГЕНЕЗ** (грекча – моҳиятдан келиб чиқиш) – шахснинг она қорнидаги эмбрионал давридан бошлаб то умрининг охиригача ёки ҳаёти тугагунча бўлган жисмоний психик ривожланиши. Психология ва педагогикада махсус таълим ва тарбия шароитида боланинг функционал ва психик ривожланиши.

90. **ОНГ** – объектив воқеликни акс эттиришнинг юксак, фақат инсонга хос бўлган тури. У шахснинг меҳнат фаолиятида доимий равишда бошқалар билан мулоқотда бўлиши жараёнида шаклланади.

91. ПАТОГЕН (грекча – касаллик, келиб чиқармоқ) – касаллик келтириб чиқарувчи.

92. ПЕРСОНИФИКАЦИЯ (лот. шахс, яратмоқ) – жонлантириш. Жонсиз предмет ва тушунчаларни инсон образида тасаввур этиш.

93. ПОЗИТИВ (лот. ижобий) – ижобий, қарама-қарши маънодаги сўз, негатив.

94. ПРЕДМЕТЛИЛИК (идрокда) – объективлаштириш ҳолати бўлиб, унда ташқи оламдан олинadиган маълумотлар қайта яна шу борлиқ билан солиштирилади ва натижада идрокнинг реал предметларни қабул қилишини таъминлайди.

95. ПРОФЕССИОГРАММА – муайян касбдаги фаолият учун зарур бўлган психологик функциялар йиғиндиси. У асосида шахснинг қандай касбга лаёқатлилиги, қизиқиши белгиланади.

96. ПСИХИКА (грекча-руҳият) – юксак даражада ташкил топган тирик материя – миянинг объектив оламни алоҳида йўсинда акс эттириш қобилиятига эга бўлган алоҳида хусусияти.

97. ПСИХОАНАЛИЗ (грекча – руҳ, ечмоқ, ҳал қилмоқ) – нерв ва психиканинг баъзи касалликларни даволашга қаратилган методи бўлиб, фрейдизмнинг назарий асосидир. Ушбу метод З. Фрейд томонидан яратилган.

98. ПУБЕРТАТ (лот. жинсий етуклик) ДАВР – жинсий етуклик даври бўлиб, унда жинсий органлар ва жинсий безларнинг тўла шаклланиши кузатилади. Ушбу даврда ўсмирларда қатор тана ва психик ўзгаришлар содир бўлади.

99. РЕАКЦИЯ (лот. қарама-қарши, ҳаракат) – психология ва физиологияда ички ва ташқи муҳитнинг турли таъсирларига организмнинг жавоб ҳаракати.

100. РЕДУКЦИЯ (лот. ўз ҳолига қайтариш) – органларнинг оддийлашиш томонга бўлган ривожланиши.

101. РЕФЕРЕНТ ёки ЭТАЛОН ГУРУҲ – бу шундай гуруҳки, унда киши ўзининг дунёқараши, интилишларини шакллантиради, шу гуруҳнинг берган баҳосини қадрлайди, фикрлари билан ҳисоблашади.

102. РЕФЛЕКС (лот. акс эттириш) – организмнинг ташқи ёки ички кўзғовчиларга нерв системаси орқали қонуний равишда қайтарадиган жавоб реакцияси. Шартли на шартсиз рефлекслар мавжуд. Шартли рефлекс организмнинг иш фаолияти жараёнида кўзғовчиларга нисбатан пайдо бўладиган жавоб реакцияси. Шартсиз рефлекс туғма жавоб реакциясидир.

103. РЕФЛЕКЦИЯ – ўз-ўзини кузатиш тури бўлиб, унда шахсий психик ҳолат анализ қилинади.

104. РЕГИДЛИК (лот. қотиб қолган) (ПСИХОЛОГИЯДА) – хулқ-атворнинг турларидан бири бўлиб, унда хулқ-атворнинг маълум бир ҳолатлари қайта ва қайта такрорланади.

105. РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯҚИН ЗОНАСИ – мураккаб вазифани ҳал этишда боланинг мустақиллиги (актуал ривожланиши даражаси) ҳамда катталар раҳбарлигида бажарилган вазифа орасидаги фарқини билдиради. Бу тушунча Л.С. Виготский томонидан келтирилган бўлиб, унда асосан ривожланишнинг яқин зонасини яратиш орқали боланинг психик ривожланиши ортади.

106. СЕМАНТИК (грекча – тасвирловчи) – маъноли, сўзнинг маъносига қаратилган, маънога эга бўлган.

107. СЕНЗИТИВ (ўрта лот. ҳиссий) ЁШ ДАВРИ – таълим-тарбия жараёни орқали психиканинг самарадорлигини таъминловчи оптимал имконият даври.

108. СЕНСОРИКА (лот. ҳис-туйғу) ҳиссий идрок элементларининг йиғиндиси (ҳис қилиш, идрок қилиш, тасаввур этиш).

109. СЕНСОР ЯККАЛАНИШ – информациянинг етишмаслиги туфайли организмнинг жиддий функционал бузилиши.

110. СЕЗГИ – сезги органларига бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг алоҳида хусусиятларини акс эттирувчи жараён.

111. СИМБИОЗ (грекча – бирга яшамоқ) – икки организмнинг бир-бирига фойда келтирган ҳолда бирга яшаши.

112. СИНКРЕТИЗМ (грекча – бирлаштирмақ) – бирор-бир нарсанинг бошланғич ҳолатини характерловчи бирлик, бўлинмаганлик.

113. СКЕПСИС (грекча – шубҳа) – ишонмаслик, шубҳаланмоқ.

114. СОМАТИК (грекча – тана) – тананинг функциялари билан боғлиқ бўлган ҳолатлар.

115. СОЦИОМЕТРИК СТАТУС – социометрик метод ёрдамида шахснинг гуруҳда тутган ўрни. Бунда шахсни танлаган кишилар сони аҳамиятлидир.

116. СПОНТАНЛИ (лот. ўз-ўзидан) – ўз-ўзидан юзага келадиган.

117. СТИМУЛ (лот. қувлашмачоқ) – бирор-бир ҳаракатга ундамоқ, туртки.

118. СОЦИАЛИЗАЦИЯЛАШ (лот. жамоавий) – тарихий жараён бўлиб, у фаолият ва мулоқотда индивиднинг ижтимоий тажрибани фаол ўзлаштириши натижасидир. Тарбия социализациянинг аниқловчиси ва йўналтирувчисидир.

119. СИТУАЦИЯ (вазият) (фран. ҳолат йиғиндиси) – субъектни фаол ундовчи ташқи шароит системаси.

120. ТЕСТ (инг. синаш, текшириш) – шахснинг ақлий тараққиёти қобилиятини, иродавий сифатларини ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган стандартлаштирилган масалалар.

121. ТАРБИЯ – шахснинг ҳаётга, меҳнатга тайёргарлигини мақсадга йўналтирилган, тарихий, ижтимоий тажрибага суянган ҳолда шакллантирувчи фаолият.

122. ТАЪЛИМ – системалаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни ҳамда натижаси. Таълимнинг асосий йўли турли ўқув юртлари системасида ўқишдир.

123. ТАЪЛИМГА БЕРИЛУВЧАНЛИК – таълим жараёнида бериладиган билим, малака, кўникмалар шахс томонида ўзлаштирилишининг индивидуал кўрсаткичлари.

124. ТАФАККУР – шахснинг объектив воқеаликдаги нарса ва ҳодисаларни уларнинг муҳим хусусиятларини боғланиш ҳамда муносабатларини бевосита умумлаштирилган ҳолда акс эттиришдан иборат бўлган ақлий фаолият. Тафаккур воқеликни сезги, идрок ва тасаввурларга қараганда чуқурроқ, кенгроқ, тўлиқ билишга имкон беради.

125. ТУШУНЧА – предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини умумий ҳолатда акс эттириш билан боғлиқ бўлган тафаккур ҳосили.

126. ТАСАВВУР – сезги органларига қачонлардир таъсир этган предметлар ва ҳодисаларнинг яққол ҳиссий образи.

127. ТРАНЗИТИВЛИК (лот. ўтиш) – катталикларни солиштиришга хос бўлган мантиқий хусусият. Бунда агар биринчи катталик иккинчиси билан солиштирилса, иккинчисини учинчиси билан, биринчисини эса учинчиси билан тенглигини келтириб чиқариш мумкин. Масалан, $A=B$ ва $B=C$, унда $A=C$ бўлади.

128. УДДАЛАШ – муайян фаолият турининг муваффақиятли ба-жарилишини таъминловчи онгли ва автоматлаштирилган ҳаракатлар тузилиши.

129. ФАТАЛ (лот. тақдир, қочиб бўлмайдиган) – тақдирдан қочиб бўлмайдиган, олдини олиб бўлмайдиган ҳодиса.

130. ФИЛОГЕНЕЗ (грекча – қабила, уруғ, ҳосил бўлиш) – муайян тирик организм турининг ерда ҳаёт пайдо бўлгандан кейинги эволюцион тараққиёт жараёни. Психологияда инсон психикасининг ўзгаришлари, унинг инсон эволюцияси ва маданияти билан боғлиқлиги тушунилади. Индивидуал тараққиёт – онтогенез ва тарихий филогенез – тирик табиатнинг ажралмас томонларидир.

131. ФРЕЙДИЗМ – замонавий психологиянинг оқимлардан бири. Унда инсон психикасининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи онгсиз майл (жинсий майл) деб ҳисобланади. Бу оқим австриялик психолог ва психиатр Зигмунд Фрейд номи билан аталган.

132. ХОТИРА – инсон тажрибасида бўлган нарсаларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда тушунишдан иборат бўлган психик жараён.

133. ШАХСНИНГ ТАЛАБ ДАРАЖАСИ – шахс учун зарур бўлган оғир ёки енгил объектлар орасидан у учун зарурини белгиловчи шахс характеристикаси. Шахснинг талаб даражаси ўтмишдаги муваффақият ва муваффақиятсизликни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

134. ЭГОЦЕНТРИЗМ (лот. мен, марказ) – индивидуализм ва эгоизмнинг энг тубан тури.

135. ЭМАНСИПАЦИЯ (лот. ўғилнинг ота ҳокимлигидан қутулиши) – таъсирдан, ҳокимликдан, эскиликдан қутулиш, ҳуқуқларни тенглаштириш (масалан, аёллар эмансипацияси).

136. ЭМОЦИЯ (лот. ҳаяжонлантираман, изтироблайман) – ҳис-ҳаяжон, туйғунинг бир тури бўлиб, у ёқимли ва ёқимсиз кечинмалардан иборат.

137. ЭМПИРИК (лот. тажриба) – тажрибадан келиб чиқувчи.

138. ЭНДОКРИН (лот. ички, чиқараман) БЕЗЛАР – қон ҳамда лимфаларга гормонлар ишлаб чиқарувчи ички секреция безлари.

139. ЭРОТИК (сексуал, шахвоний) (грекча – севгили) ҲОЛАТ – жинсий эҳтиёж билан боғлиқ бўлган ҳолат.

140. ЭТИКА (грекча – урф-одат) – ахлоқийлик, маънавийлик ҳақидаги таълимот.

141. ЭКСТРЕМАЛ (лот. охирги) – охирги, ўзига хос, иложиси бўлмаган ҳолат.

142. ЭКСТИРПАЦИЯ (лот. илдизи билан олиб ташлаш) – бирор-бир орган ёки унинг бир қисмини олиб ташлаш.

143. “ЭДИП КОМПЛЕКСИ” (Фрейд таълимоти) – ўғилнинг онага, қизнинг отага бўлган онгсиз жинсий қизиқиши. Бу ҳолат бирор-бир жазони олишдан қўрқиш туфайли юзага келади. Бу тушунчани Фрейд Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедиясидан олган.

144. ЭКСТЕРИОРИЗАЦИЯ (ташқига айланиш) – ички психик фаолиятнинг ташқи, предметли фаолиятга, жонли мушоҳадага айланиши.

145. ЭКСТРОВЕРСИЯ – шахснинг теварак-атрофдаги одамларга, ташқи ҳодисаларга йўналиши. Экстраверсия – қизиқишларнинг субъектдан ташқаридаги объектларга кўчиши демакдир.

146. ЭҲТИЁЖ – организмнинг ҳаётни таъминловчи зарур бўлган акс эттиришдан иборат бўлган фаолият мотиви, қондирилмаган муҳтожликни сезиш.

147. ЭЪТИҚОД – маслакни амалга ошириш, шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиши, хатти-ҳаракати.

148. ЭКСТЕРНАЛЛИК – ИНТЕРНАЛЛИК (лот. ташқи ва ички) – индивиднинг муайян локус (жой)га нисбатан жойлашиши. Инсонни ўз фаолиятини масъулияти ташқи кучлар (экстерналлик) ёки ўзининг шахсий қобилияти ва уринишларига (интерналлик) қўшиб қўйиш.

149. ЭПИСТЕМОЛОГИЯ (грекча – билим, таълимот) – Ж. Пиаже (Генетик психологиянинг Женева мактаби) томонидан ишлаб чиқилган тафаккурни тадқиқот қилиш йўналиши. Унинг асосий мақсади онтогенез ва филогенез маълумотларини синтез қилувчи оламни билишнинг назариясини яратишдан иборат. Оламни билишни ривожлантиришнинг ижтимоий омилларини пеш қилиш туфайли ушбу фараз тўла ривож топмади.

150. ЭМПАТИЯ (инг. ҳамдардлик, ўзини бошқалар ўрнига қўя олиш) – инсоннинг бошқалар ҳис-ҳаяжони, ғам-ташвиши, қийинчиликларига эмоционал жавоб бера олиш қобилияти.

151. ЎЙИН – инсон фаолиятининг тарихан таркиб топган, асосан тараққиётининг болалик даврига хос бўлган махсус тури.

152. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ – шахснинг ўз ижтимоий ҳамда руҳий фаолиятини ўзи онгли равишда назорат қилиб туришдан иборат ижобий сифати.

153. ЎРГАНИШ, БИЛИШ – орттирилган индивидуал тажриба жараёни ва натижаси.

154. ЎЗ-ЎЗИНИ ТУТА БИЛИШ – шахснинг муайян шароитлардаги ортиқча фикрлари, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатларини онгли равишда тийиб туриш, ўз фикри, ҳиссиёти ва ҳаракатларини мақсадга йўналтира олишдан иборат иродавий характер хислати.

155. ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ – шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини ижтимоий ахлоқ нуқтаи назаридан таҳлил қилиш қобилияти орқали ўзида ижобий характер хислатларини таркиб топтиришга қаратилган ижобий фаолият.

156. ҚИЗИҚИШ (аҳамиятга эга бўлмоқ) – кишининг билиш эҳтиёжларини эмоционал намоён бўлиши билан боғлиқ мотив.

157. ХАЁЛ – мавжуд тасаввурларимизга асосланиб, аввал идрок қилинмаган, турмуш тажрибамизда учрамаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат бўлган онгли фаолият. Хаёл – инсон ижодий фаолиятининг асосидир.

158. ҲАРАКАТ – мақсадга мунофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси, онгли фаолият таркибий қисмлари ва мотивларидан бири.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент. 1997 йил 29 август.
2. ХТВнинг «Узлуксиз методик хизматни ташкил этиш тўғрисида»ги 2002 йил 109-сонли буйруғи ва унинг иловалари.
3. *Подласый В.Л.* Педагогика. Москва. «Владос», 2004.
4. *Йўлдошев Ж.Ф.* Илғор педагогик технология. Тошкент, «Фан», 2004.
5. *Сайидахмедов Н.С.* Илғор педагогик технология.
6. *Йўлдошев У.А.* Илғор педагогик технология амалда. Навоий, 2003.
7. *Йўлдошев У.А.* Интерактив дарс усуллари. Навоий, 2004.
8. *Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.* Илғор педагогик технология асослари. Тошкент 2004.
9. *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т.: 1996.
10. *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. — Т.: 1997.
11. *Баротов Ш.Б.* таълимда психологик хизмат асослари. — Т.: 1999.
12. Умумий психология. А.В. Петровский таҳрири остида. — Т.: 1986.
13. Ёш психологияси ва педагогик психологиядан амалий машғулотлар. Пед. инс-тларнинг талабалари учун ўқув қўлланма. А.И. Шербаков таҳр. остида. — Т.: “Ўқитувчи”, 1991. 312 б.
14. Таълим тизимида психологик хизматни амалга оширишда психодиагностика воситалардан фойдаланиш. *Тузувчи Н.А. Соғинов.* Тошкент, 2001. 40 б.
15. *Шоумаров Ф.Б., Шоумаров Ш.Б.* Муҳаббат ва оила. — Т.: 1999. 120 б.
16. *Фозиев Э.Ф.* Психология (Ёш даврлари психологияси). — Т.: Ўқитувчи, 1994. 312 б.
17. *Фозиев Э.Ф., Тўлаганова Г.* Педагогик психология асослари. — Т.: Университет, 1997.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I БОБ. ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ

1.1. Таълимнинг дидактик тамойиллари ва қоидалари	4
1.2. Мотив – билиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи	13
1.3. Педагогик маҳорат таълим жараёнининг бош мезони	20
1.4. Педагогик тажриба психолог нигоҳида	23
1.5. Тарбия санъати ва технологияси	27
1.6. Ўз-ўзига таълим ва тарбия	31

II БОБ. УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК ХИЗМАТ ҲУЖЖАТЛАРИ, НИЗОМЛАР

2.1. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети тўғрисида Низом	33
2.2. Туман (шаҳар) Методика кабинети ҳузуридаги Методика кенгаши тўғрисида Низом	37
2.3. Туман (шаҳар) фан Методика уюшмалари тўғрисида Низом	39
2.4. Умумий ўрта таълим мактаби Методика кенгаши тўғрисида Низом	43
2.5. Умумий ўрта таълим мактаби фан Методика бирлашмалари тўғрисида Низом	46
2.6. Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети кутубхонаси тўғрисида Низом	48
2.7. Туман (шаҳар) Методика кабинети қошидаги Таянч мактаблари тўғрисида Низом	52
2.8. Сиртқи олимпиада мактаби тўғрисида Низом	54
2.9. Олимпиада захира мактаби тўғрисида Низом	55
2.10. Узлуксиз методик хизмат бўйича намунавий иш режалар	58

III БОБ. ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ ВА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

3.1. Илғор педагогик технология	76
3.2. Интерактив дарс ишланмасига қўйилган талаблар	78
3.3. Педагог кадрларга қўйиладиган замон талаблари	80
3.4. Ахборотли технологияда педагог кадрларга қўйиладиган замон талаблари	83
3.5. Илғор педагогик технология талаблари	84
3.6. Ўқитиш методикаси. Илғор педагогик технология	85
3.7. Интерактив дарс усуллари	89
3.8. Интерфаол усуллар асосидаги дарс ишланмалари	95

IV БОБ. ПЕДАГОГИКА ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДИДАКТИКАСИ

4.1. Шахсларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш тести	123
4.2. Педагог ходимлар учун тезкор савол-жавоблар	127
4.3. Педагогларни аттестациядан ўтказиш бўйича тестлар	136
4.4. Педагог шахсининг касбий йўналишини баҳолаш тестлари	202

V БОБ. ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

5.1. Иқтидорли болаларни аниқлаш, ишлаш, ривожлантириш муаммолари	223
5.2. Иқтидорли болаларни аниқлаш тестлари	230

VI БОБ. МАКТАБ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ТАВСИЯЛАР

6.1. Мактаб психологининг ўқитувчилар билан олиб борадиган ишлари	233
6.2. Педагогнинг касбий фаолиятини баҳолаш	233
6.3. Педагогнинг эмпатик қобилиятини аниқлаш тести	235
6.4. Геометрик шакллар асосида одам расмини чизиш	237
6.5. Хотирани баҳолаш тести	239
6.6. Коррекцион ишлар	239
6.7. Ўқитувчилар психик ҳолатини нейролингвистик дастурлаш орқали бошқариш	245
6.8. Психогеометрик тест	247

VII БОБ. ҚИЗИҚАРЛИ ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР

7.1. «Норасолик комплекси» тести	249
7.2. Балки ноёб одамдирсиз?	253
7.3. Ўртоқ топиш осонми?	254
7.4. Сиз ўз болангизга қандай муносабатдасиз	255
7.5. Сизнинг болаларингиз билан муносабатингиз қандай?	257
7.6. Сиз яхши раҳбармисиз?	257
7.7. Ўз ҳаётингизнинг капитанмисиз?	260
7.8. «Ўзингни англа» (Икки киши қайиқда)	261
7.9. Ранглар тафсилоти	262
7.10. Ёзув орқали шахснинг ўзига хослигини аниқлаш усули	262
7.11. Туғилган санага мос характер хусусиятлари	264

VIII БОБ. ШАХС, МУҲАББАТ ВА ТУРМУШ

8.1. Муҳаббат психологияси	268
8.2. Рақамлар тилга кўчганда. Уйингизнинг рақамини айтсангиз	274
8.3. Қон гуруҳингизни биласизми?	275
8.4. Одамнинг биологик соати	276
8.5. Ҳарфлар нимадан дарак беради. Исм тақдирни белгилайди	278

8.6. Ҳарфлар инсон характеридан дарак беради	280
8.7. Маслаҳатлар, қизиқарли тестлар, ҳолатлар	281
8.8. Педагогик қобилият ва уни аниқлаш тести	299

IX БОБ. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

9.1. Халқ таълими тизимида психологик хизмат тўғрисида Низом	303
9.2. Дарснинг психологик таҳлили	312
9.3. Мижозни аниқлаш сўров варақаси	314
9.4. Ўқувчиларнинг турли соҳадаги (ёки айрим соҳадаги) касбларга нисбатан қизиқишлар даражасини аниқлаш тести	317
9.5. Ўз қизиқишингизни аниқланг	323
9.6. Сен кимсан? Интеллектни аниқлаш тести	328
9.7. Характернинг иш хусусиятлари	330
9.8. Касб танлаш мотивлари	331
9.9. Совға олиш сизга ёқадими?	331
9.10. Ёш бўлгингиз келса!	333
9.11. Имунитетингиз созми?	335
9.12. Бармоқлар ёрдамида тетиклик	336

X БОБ. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ДИАГНОСТИКАСИ

10.1. Расм бола қалбининг кўзгусидир	339
10.2. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари диагностикаси	341

XI БОБ. ШАҲС ВА ЖАМОА ПСИХОЛОГИЯСINI ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

11.1. Шахс картаси	354
11.2. Синф жамоасини психологик ўрганиш	359
11.3. Дарсни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш	363
11.4. Ўқувчиларда психик жараёнларни ўрганиш	365
11.5. Ўқувчи шахси ва жамоага тавсифнома ёзиш схемаси	369
11.6. Дарснинг психологик таҳлили схемаси	371
Илова. Педагогик психологияга оид изоҳли лугат	372
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	404

Х.И. ИБРАГИМОВ, У.А. ЙЎЛДОШЕВ, Х. БОБОМИРЗАЕВ

ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

Ўқув қўлланма

Бош муҳаррир М. Турсунова
Муҳаррир Н. Ўролова
Тех. муҳаррир А. Бердиева
Мусахҳиҳ Х. Зокирова
Саҳифаловчи Н. Маманов

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти,
100083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.
Тел: 136-55-79; факс: 139-88-61

Босишга рухсат этилди 29.08.2007 й. Бичими 60x84¹/₁₆. Офсет қоғози.
Шартли босма тобоғи 26,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 25,5. Адади 2000 нусха.
Буюртма № 48.

«AVTO-NASHR» ШК босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, 8-март кўчаси, 57-уй.